

РСФСР МАДАНИЯТ МИНИСТРИГИ

Ўқув юртлари ва кадрлар бош бошқармаси

ҚУТУБХОНА КАТАЛОГЛАРИ

Маданият институтларининг
кутубхоначилик факультетлари
студентлари учун дарслик

З. Н. АМБАРЦУМЯН

ТАҲРИРИ ОСТИДА

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1975

*РСФСР Маданият министрлигининг
Ўқув юртлари ва кадрлар бош бошқармаси
томонидан тавсия қилинган*

Дарслик кутубхонашунослик курси программасининг иккинчи қисми,
„Кутубхона каталоглари“ бўлимига мувофиқ тузиб чиқилган.

Дарсликни Москва маданият институтининг Кутубхонашунослик кафедра-
си тайёрлаган.

Дарслик авторлари: 1- боб—З. Н. Амбарцумян; 2- боб —Р. С. Гилярев-
ский; 3, 4 ва 5- боблар—Г. Г. Фирсов; 6 ва 7- боблар—З. Н. Амбарцумян;
8- боб—З. Н. Амбарцумян, А. Я. Кушуль, С. Е. Шамурина, Ю. М. Диковс-
кая; 9- боб—З. Н. Амбарцумян; 10- боб—Э. В. Марченко; 11- боб—Г. И. Чиж-
кова; 12- боб—С. Е. Шамурина; Г. И. Чижкова.

© Ўзбек тилига таржима, „Ўқитувчи“, 1975 й.

A 61 004 — № 342
М 353 (06) 75 115—75

СУЗ БОШИ

«Кутубхона каталоглари» деган дарслик «Кутубхона фондлари ва каталоглари» (М., 1961) дарслигининг тегишли боблари асосида тузиб чиқилган.

Ҳамма боблар СССРда ва чет элларда кутубхона каталоглари назарияси ва практикасининг ҳозирги тараққиётини ҳисобга олган ҳолда янгидаяз тузилган. Дарслик мазмуни аввалгисига нисбатан бирмунча тўлдирилган. «Китобни тасвирлаш асослари», «Тасвирлашнинг хусусий методикаси», «Классификациялашнинг хусусий методикаси», «СССРда марказлаштирилган каталогглаштириш» ва «Каталоглар системаси» деган боблар қўшилган. Илгари бу боблар йўқ эди. Чет эл кутубхоналарининг тажрибаси анча тўлароқ ёритилган.

Китобларни тасвирлаш масалалари «Кичик кутубхоналарда матбуот асарларини тасвирлашнинг умумий қоидалари»га мослаштирилган ҳолда, классификация қилиш методикаси эса «Область кутубхоналари учун кутубхона классификацияси жадваллари»га мувофиқ равишда баён қилинган. Бироқ тасвирлашнинг методик масалаларини ва матбуот асарларини классификация қилишни баён этишда «Умумий қоидалар» ва «Кутубхона классификацияси жадваллари»нинг бошқа нашрларидан фойданилди.

даланувчи турли типдаги кутубхоналарда ана шу тасвирлаш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги тушунтирилади¹.

Дарсликнинг асосий мақсади — олий ўқув юртларининг кутубхоначилик факультетларида кутубхонашунослик фанининг шу бўлимини ўрганиш вазифасини бажаришдир, шунингдек бу дарслик совет кутубхоналарининг практик ходимларига каталоглар тузишда ва тасвирлаш жараёнини бажаришда, матбуот асарларини тасвирлаш, классификация қилиш ва предметлаштиришда ҳам яхши қўлланма бўлиши мумкин.

¹ Дарсликни чоп этиш жараёнида Идоралараро каталогглэштириш комиссияси китобларни тасвирлаш методикасини ўзgartиришга доир бир қанча қарорлар қабул қилган бўлса ҳам, техник сабабларга кўра уларни тўла равишда ҳисобга олиб бўлмади.

КАТАЛОГЛАР, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ ТҮГРИСИДА

1- б о б

ҚУТУБХОНА ҚАТАЛОГЛАРИ, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Кутубхона ишида каталогларнинг аҳамияти.— Каталоглар ва библиография.— Каталогларнинг турлари.— Каталогларнинг шакли.— Каталоглаштириш ишларини ихчамлаштириш ва механизациялаш.

Кутубхона ишида каталогларнинг аҳамияти

Социалистик жамиятда кутубхона — маданий қурилишнинг етакчи звеноларидан бири ҳисобланади.

Совет кутубхоналари ўзларининг бутун ишларини коммунизм қуриш авж олдирилган даврда партия томонидан мамлакат олдига қўйилган идеология ва халқ хўжалиги вазифаларига бўйсундириб, илмий билимларни тарқатишда, коммунизм қурувчи янги кишини шакллантиришда актив роль ўйнамоқдалар. Кутубхоналарнинг фондлари қанчалик тўлароқ ва яхшироқ тўлдирилган бўлса, улардаги китобхонларнинг эҳтиёжларини қондириш учун шунчалик кенг имкониятларга эга бўлинади. Айни бир вақтда, бир томондан, улардаги фондларнинг катта ҳажмда эканлиги ва мазмунининг бойлиги, иккинчи томондан, кутубхонага мурожаат қилувчи китобхонлар талабларининг ниҳоятда хилма-хиллиги кутубхона тўплаган китоб бойликларини ҳар томонлама очиб кўрсатиб беришни қатъий талаб қиласди.

Фондни очиб кўрсатиб беришга каталоглар тузиш йўли билан эришилади. Каталог грекча — «рўйхат» демакдир, бинобарин, «кутубхона каталоги» деган термин «кутубхонада мавжуд бўлган китобларнинг (ёки бошқа матбуот асарларининг) рўйхати» деган маънони билдиради. Аммо бундай айнан таржима қилиш каталогларнинг ҳақиқий аҳамиятини етарли даражада тўлиқ тушунтириб беролмайди. Кутубхона каталоглар тузағ экан, ўзида мавжуд бўлган китоблар ва бошқа нашрларнинг номларинигина санаб ўтишни мақсад қилиб қўймайди, балки аввало китобхонларга кутубхона фондидан ўзларига керак бўлган матбуот асарларини танлаш ва қидириб топиш учун жуда катта имкониятлар тудириб беришини кўзда тутади. Кутубхона фондининг мазмуни, тематикаси, илмий ва гоявий ўналиши жиҳатидан, нашр этилган вақти, сифати ва шу кабиллар жиҳатидан хилма-хилдир. Каталоглар китобхонининг энг кимматли ва энг

яхши асарларни, ҳозирги пайтда китобхонни қизиқтираётган масалани түғри ва түлиқ ҳолда ёритиб берадиган асарларни танлаб олишида йўл-йўриқ бериши лозим.

Кутубхона каталоглари кутубхона фондининг мазмунини очиб бериш, китобхонларга китоб танлашда ёрдам бериш воситаси, уларнинг китоб ўқишига аниқ бир мақсадни кўзлаб раҳбарлик қилиш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Бунга кутубхона фондида мавжуд бўлган матбуот асарларини китобхонларнинг талабларига ва кутубхонанинг энг қимматли китобларни пронағандада қилиш соҳасидаги вазифаларига жавоб бера оладиган **муайян** план асосида каталогларда кўрсатиш билан эришилади.

Кутубхона каталогларининг роли фақат шу тариқа таърифланганда, улар партия Марказий Комитетининг «Мамлакатда кутубхоначилик ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги (1959 йил) қарорида ифодаланган талабларга жавоб берган бўлади. Жумладан, қарорда бундай дейилган: «Китобни пропаганда қилишни кенг авж олдириш, кутубхона фонdlари бойликларини тўлароқ очиб бериш ва бу бойликлардан яхшироқ фойдаланиш, уларни ҳамма гражданлар ва айниқса, ўқувчи ёшлар бемалол ва амалий равишда фойдалана оладиган қилиш, китобхонларга китоб танлашда ва китоб устидаги мустақил иш олиб борища амалий, конкрет ёрдам кўрсатиш зарур»¹.

Н. К. Крупская, Владимир Ильич Ленин кутубхоналарнинг босма каталогларини юксак даражада қадрлаб, улардан ўзига керак бўлган китоб ва журналлар тўғрисида зарур маълумотлар олар эди, деб таъкидлайди. В. И. Ленин Шушенское қишлоғида сургунда бўлган вақтида ўзининг опаси А. И. Елизаровага: «Менга букинистлар ва шу сингарилардан (кутубхоналар, китоб магазинларидан) ҳар хил каталогларни олиб, кўпроқ юбориб тур»², — деб ёзган эди.

Кутубхона каталогларини тузиш кутубхоначидан фақат китобларни билишни ва уларнинг мазмунига тушуниб олиш маҳоратинингина эмас, балки уларни тасвирлаш ва бир системага солиш соҳасида ҳам амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб қиласди. Қўпинча кутубхоначи ишининг ана шу томонини кутубхона техникаси соҳасига киритишади. Бироқ Н. К. Крупская айтиб ўтганидек, «кутубхона техникаси масалаларига жуда кўп нарса — китобларнинг сақланиши, китоб бойлигидан тўла фойдаланиш, китобхонларнинг талабларини қондириш ва ҳатто кутубхонанинг сиёсий қиёфаси ҳам боғлиқдир. Ҳар хил типдаги кутубхоналар учун турли техника зарур. Керакли китобни реклама қила билиш, уни илгари суриш, ўқилишини ошира билиш, инструктаж ўтказиш ва ҳоказо, шу кабилар муҳим ишдир»³.

¹ «Вопросы идеологической работы. Сборник важнейших решений КПСС. (1954—1961)» М., Давлат сиёсий адабиёт нашриёти, 1961, 212-бет.

² «Ленин о библиотечном деле», М., Госполитиздат, 1960, 149-бет.

³ Н. К. Крупская. О библиотечном деле. Тўплам, М., 1957, 308-бет.

Н. К. Крупская илмий кутубхоналарнинг директорлари билан ўтказган сұхбатида китобларни классификация қилиш ва жойлаштириш масалалары устида тұхталиб, бу иш техникаси идеология билан, марксизм-ленинизм асослари билан чүкүр боғлиқ эканлигини, бу соҳада янги йўллар очиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Н. К. Крупская кутубхоначилар олдида сўзлаган нутқларида ҳамиша уларнинг эътиборини китобхонлар билан ишлашда кутубхона каталогларининг аҳамиятига қаратар, каталогларнинг тавсия қилиш характеристерини ва китобхонларга йўл-йўриқ беришини кўрсатиб ўтар эди.

**Каталогларга қўйи-
ладиган талаблар** Каталогларнинг мазмуни ва тузилиши совет кутубхонасининг марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилиш, совет кишиларининг коммунистик онглилигини ошириш, уларнинг билимини ва эстетик дидини такомиллаштириш, юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялаш соҳаларидағи вазифаларига жавоб берса олиши лозим. Ишчилар ва колхозчилар, фан ва техникиканинг ҳамма тармоқларидаги мутахассислар ва арбоблар каталогларга мурожаат қилиб, ўзларининг сиёсий ва илмий онгбилим даражаларини оширишга имкон берадиган китобларни танлаш юзасидан улардан малакали консультация олишлари лозим. Кутубхоначи коммунистик идеологиянинг пропагандисти ва агитаторидир. Шунинг учун ҳам каталоглар тузиш кутубхона ишининг ҳамма бошқа жараёнлари сингари *партиявиийлик* руҳи билан сугорилган бўлиши керак.

Социалистик мамлакатларнинг ҳамма кутубхонашунослари каталогларнинг кутубхона ишидаги аҳамияти ва ўрнини аниқлашда шу йўлга амал қилмоқдалар.

Кутубхоналарнинг каталогглаштириш ишларига доир кўпгина масалалари ана шу мамлакатлар кутубхона арбобларининг биргаликда ўтказиладиган кенгашларida муҳокама қилинади, бу кенгашларда ҳамма социализм мамлакатлари кутубхоначилик назарияси ва практикаси учун умумий бўлган қарорлар қабул қилинади.

Капиталистик дунё кутубхоналарида аҳвол бошқача. Бу мамлакатларнинг кутубхона арбоблари соҳта назарияни, яъни кутубхона иши «сиёсатдан четда турсин, деган назария»ни эълон қилиб, каталогларнинг фақат аҳборот бериш вазифасинигина эътироф қиласидилар. Улар кутубхоналар синфдан ташқари ва партиядан ташқари муассасалардир, бу муассасалар китобхонларнинг китоб танлашига, уларнинг китоб ўқиш характеристига таъсир кўрсатмаслиги керак, деб даъво қилмоқдалар. Шунинг учун каталоглар ҳам адабиётга бирон-бир тарзда баҳо беришга китобхонларни «мажбур» қилмай, гўё кутубхонанинг мавжуд фондинигина акс эттириши лозим эмиш. Ҳақиқатда каталогларни тузишда «сиёсатдан четда туриш» декларацияси шу орқали буржуазия идеологиясини пропаганда қилиш учун инқоб бўлиб хизмат қиласиди. Агар капиталистик мамлакат-

лар кутубхоналарида фондни тўлдириш бир тарафлама бўлиб эълон қилинаётган «партиясизлик принципи»га ҳеч бир мос келмайди, деган муҳим тушунчадан ҳатто узоқлашасак ҳам, бу кутубхоналар каталогларининг бутун тузилиши хукмрон синфларнинг идеологиясини пропаганда қилишга қаратилгандир. Бу нарса систематик каталог рубрикаларининг номларида ҳам, уларнинг ифодаланиши ва изчилигига ҳам акс этади.

Каталогларнинг қатъий илмий руҳда бўлиш талаби партия-вийлик принципи билан чамбарчас боғлиқдир. Матбуот асарини тасвираш бу асарнинг мазмуни ҳақида китобхонларга етарли даражада тўлиқ ва тўғри тушунча бериши лозим. Илмийлик талаби шундай каталоглар тузиш учун айниқса муҳимки, уларда тасвираш матбуот асарларининг мазмуни бўйича группаларга бўлинади. Бунинг учун каталогда акс эттириладиган матбуот асарларининг мазмунини тўғри аниқлаш, мазкур проблемага доир адабиётнинг тўлиқ акс этишини таъминлаш, айрим ҳолларда тасвирашни асарнинг мазмунини тушунтириб берадиган қисқача анотация билан бойитиш зарур.

Тасвирашни группаларга ажратишда бериладиган сарлавҳалар совет фанида қабул қилинган терминологияга қатъий мувофиқ келадиган тарзда ифодаланган бўлиши лозим.

Шу билан бирга каталогларнинг ҳаммабоп бўлиши лозимлигини эсда тутиш зарур. Каталоглар осонгина кўзга ташланадиган, фойдаланиш учун қуляй, тузилиши жиҳатдан эса китобхонларга тушунарли бўлиши лозим. Каталогларда баъзи бир шартли нарсаларга (айрим сўзларни ҳамма тушуна оладиган қилиб қисқартириш, шартли белгилар ва бошқаларга) йўл қўйиш мумкин бўлганлиги сабабли уларни китобхонларга тушунтириб берадиган тадбирларни: кутубхоначиларнинг кундалик ёрдам кўрсатишларини плакатлар ва турли белги ҳамда қисқартмаларни тушунтирувчи ёзувларни, вақт-вақти билан ўтказиладиган консультацияларни олдиндан кўзда тутиш зарур. Каталогнинг ҳаммаболлиги унинг тўғри танланган шаклига ҳам боғлиқдир. Бу ҳақда қўйида гап боради.

Фонлардан ҳамма
бемалол Фойдалана
оладиган шаронтда ка-
талоглар

Кейинги йилларда ҳамма типдаги совет кутубхоналарида китобхонларнинг китоб токчалари ёнига bemalol кира олиши кенг тарқалди. Китобларни бевосита кўриб чиқиш воситасида мавжуд фонд билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиш китобхонларнинг талабларини яхшироқ қондиришга ёрдам беради, уларнинг қизиши доираларини кенгайтиради, китобларнинг ҳаракатда бўлиш даражасини оширади.

Китоб каталогда ёки библиографияда жуда батафсил тасвирланган бўлса-да, бу тасвир унинг мазмуни тўғрисида тўлиқ тасаввур беролмайди, китобхон китобни кўриб чиқиш натижасидагина ана шундай тасаввурга эга бўлади.

Аммо китоб токчалари ёнига бемалол кира олиш кутубхона каталогларининг ролини пасайтиради, деб хулоса чиқариш нотўри бўлади. Ҳақиқатда китобхонлар бемалол фойдалана оладиган шароитда ҳам каталоглар кутубхона фонди билан танишишнинг асосий воситасидан иборат бўлган ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Аввало шуни унумаслик керакки, ҳозирги дақиқада токчада турган китоблар кутубхона фондининг ҳақиқий мазмунини акс эттира олмайди, чунки кўп китоблар бошқа китобхонларга берилган бўлади, токчаларда қолган китоблар эса кутубхона фондида ҳақиқатда қанча китоб борлигини кўрсатиб беролмайди.

Шу билан бирга каталогларда фонднинг мазмунини унинг турли-туманлиги, мавзу ва масалаларининг бойлиги билан осонроқ ва жўироқ кўриш мумкин; бу мавзу ва масалалар юзлаб минглаб ва ўн минглаб китобларда ёритилгандир. Каталоглардаги турли хил ёзувлар ҳозирги пайтда китобхонни қизиқтираётган масалани мазмунан бир-бирига яқин бўлган бошқа масалалар билан боғлашга имкон беради, бу эса китобхоннинг қизиқиш доирасини кенгайтиради.

Шундай қилиб, фондлардан ҳамма бемалол фойдалана оладиган шароитда ҳам кутубхона каталоглари ўзида фонд мазмунини пухта ва аниқ мақсадни кўзлаб акс эттиргани сабабли китобхонни фонд билан таниширишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласи ва унга зарур бўлган адабиётни танлашда ёрдам беради.

Каталоглардан фойдаланишни токчалардаги китобларни бевосита кўриб чиқиши билан бирга қўшиб олиб бориш китобхонларни кутубхона тўплаган китоб бойликлари билан чуқур ва ҳар томонлама таниширишни таъминлайди.

Кутубхонанинг ички ишида каталоглар Каталогларни кутубхона наимини кўрсатишини яхши ташкил этишини пировард мақсад қилиб қўйган бошқа кўп жараёнларни бажариш соҳасидаги ички ишларида жуда катта ташкилотчилик ролини ўйнаяжагини ҳам ҳисобга олиш зарур. ✓

Яхши ташкил қилинган каталоглар бўлмаса, фондни планли равиша тўлдириб бориш мумкин эмас. Каталоглар кутубхона нинг фонди тўғрисида аниқ ва тўла тасаввур бериш билан бирга жуда кўп миқдордаги янги чиқаётган адабиётдан қайсиларини кутубхонага олиш кераклигини аниқлаш имконини беради. Кутубхона каталогларининг ҳамма турлари бўйича фонднинг мазмунини доимий ва мунтазам равиша таҳлил қилиб бориш—кутубхонани планли равиша тўлдиришнинг зарур шартидир. Мавжуд бўлган каталогларнинг ҳар бирни бу муҳим ишда ёрдам беради.

Алфавит каталог ёрдамида кутубхоначи бирор авторнинг асарларида қайсилари етишмаслигини, фондда конкрет бир

китобнинг ёки унинг муайян нашрининг бор-йўқлигини аниқлай олади.

Системали ва предмет каталоглари бўйича айрим бир масала га доир мавжуд адабиёт етарли даражада тўлиқ танланмаганини аниқланиши мумкин. Бу каталоглар бўйича аниқланган камчиликларни тўлдириш учун библиографик нашрларни кўриб чиқиш, нашриётларнинг тематик планлари билан танишиш керакли нашрларни сотиб олишни мўлжаллаш имконини беради.

Кутубхона каталоглари библиография ва справка-библиография ишларида ҳам кенг қўлланилади.

Тематик виставка ёки кутубхонага олинган янги китоблар виставкасини ташкил қилишда ҳам кутубхоначи биринчи галда каталогларга мурожаат этади, виставкага қўйилаётган китобларнинг тасодифан танланишига йўл қўймаслик учун шундай қиласиди, маълумки, бу ўринда ҳам каталоглар билан библиографиядан бирга фойдаланади.

Кутубхона каталоглари янги олинган китобларни тасвирлашда, классификация қилишда ва предметлаштиришда кутубхоначига катта ёрдам беради. Уларга қараб фондда бу асарларнинг бошқа нашрлари бор-йўқлиги аниқланади, ҳар хил бўлиб қолмаслиги учун уларнинг тасвири ва каталогда акс этган-этмаганини солишириб кўрилади. Агар қийинчлилук туғилса, бундай ҳолларда илгари қабул қилинган қарорлар билан таққослаб кўриш ёрдам беради.

Кутубхона каталогларининг функциялари кенг ва хилма-хилдир. Каталогларни тузиш ишлари китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил этишда улардан жуда яхши ва ҳар томонлама фойдаланици вазифаларига бўйсундирилган бўлиши лозим. Бу иш кутубхоначидан матбуот асарларини фарқлай билишни, уларнинг мазмунини ва китобхонлар учун қандай аҳамиятга эга эканлигини яхши билишни талаб қиласиди. Кутубхоначи каталогларнинг ҳар бир турини тузиш методларини ўрганиб олиши ва муайян каталогга хос бўлган воситалар билан фонднинг мазмунини жуда тўлиқ, сиёсий ва илмий жиҳатдан тўғри очиб беришга интилиши зарур. Фақат тузиладиган каталоглар турларининг миқдоригина эмас, балки маълум даражада улардан ҳар бирининг тузилиш характери ҳам кутубхонанинг типига, унинг вазифаларига, фонднинг ҳажми ва мазмунига, кутубхона хизмат кўрсатаётган китобхонларнинг составига боғлиқдир. Каталоглар тузиш методлари ва усулларини эгаллаб олиш кутубхоначининг профессионал тайёргарлигининг ажралмас ва зарур қисми ҳисобланади.

Бир кутубхонада тузиладиган айрим каталоглар бир-бiri билан мувофиқлаштирилиши ва ўзаро бирлаштирилиши, каталоглар системасини ташкил этиши керакки, унда ҳар бир каталог бу системанинг ажралмас бир қисми бўлиб хизмат қиласиди. Бу масала кейинчалик батафсилоқ кўриб чиқиласиди (12- бобга қаралсан).

Каталоглар ва библиография

Китобхонларнинг мазмун ва характер жиҳатидан турлича бўлган талабларини қондириш учун кутубхона ишида каталоглардан библиографиянинг ҳар хил турларини бирга қўшган ҳолда фойдаланилади. Каталоглар ва библиография турларининг мақсади бир ва тузилиш методларининг умумийлигига қарамай, китобни пропаганда қилишининг бу икки тури бири иккincinnининг ўрнини олмайди, балки бир-бирини тўлдиради. Қатта кутубхоналарнинг босма каталоглари библиографик ахборотнинг жуда қимматли манбаларидан ҳисобланади. Олинадиган библиографик кўрсаткичларда кутубхоналар кўпинча фондда бор бўлган китобларни қайд қиласидар, натижада бу кўрсаткичлар қисман каталоглар вазифасини ҳам бажарадилар. Лекин каталоглар ва библиографиянинг шак-шубҳасиз бир-бирига яқинлигини кўрсатиш билан бир қаторда, улар ўртасида муҳим фарқлар борлигини ҳам билиб олиш лозим.

Уларнинг бир-биридан фарқи шундан иборатки, каталогларда фақат шу кутубхона фондида бор бўлган матбуот асарлари акс эттирилади (ёки баъзан бир неча кутубхона фондларида мавжуд бўлган асарлар акс эттирилади, бу тўғрида кейинчалик гапирамиз), ҳолбуки библиография кўрсаткичларига маълум бир кутубхонанинг фондига таалуқли бўлмаган матбуот асарлари ҳам киритилган бўлади. Масалан, библиографик кўрсаткичда у ёки бу масалага доир адабиётнинг ҳаммаси ёки энг яхшилари акс эттирилади. Каталогларга фондда бўлмаган айрим нашрларни киритиш тўғрисида бир неча бор таклифлар айтилган эди, чунки одатда мавжуд кутубхоналарро абономент системаси шароитида фондда йўқ бўлган асарларни бошқа кутубхоналардан талаб қилиб олиш мумкин. Кутубхона каталогини тузиш ва тўлдиришга бундай ёндашишини асосли деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки бу ҳолда каталог ўзининг асосий вазифаси — китобхонларни кутубхона фонди билан таништириш вазифасини бажармайди. Бундан ташқари, бундай ёндашиша каталогнинг мазмунини қандай ҳажмда кенгайтиришга йўл қўйиш мумкинлигини аниқлашнинг иложи бўлмай қолади. Лекин бу масала қандай ҳал этилса-да, каталоглардан фойдаланиш масаласи библиографиянинг ҳам турли хилларидан кенг фойдаланиш зарурлигини истисно қилмайди. Библиографик кўрсаткичлар китобхонанинг каталогдан китоблар тўғрисида олган маълумотларини кутубхона фондида мавжуд бўлмаган айрим китоблар тўғрисидаги тасвирларни каталогга тасодифан киритиб қўйишга нисбатан ғоят кўп дараражада бойитиш имконини беради.

Каталоглар библиографиядан фарқли ўлароқ, улардан ҳамма категориядаги китобхонларнинг фойдаланиши ҳисобга олинган ҳолда тузиб чиқилади. Шунинг учун каталогларда юқори малакали мутахассисга ҳам ва шу масала билан биринчи марта танишашётган, кам тайёргарликка эга бўлган китобхонга

ҳам мўлжалланган китоблар ёнма-ён туриши мумкин. Библиографик кўрсаткичлар, айниқса, тавсия кўрсаткичлари эса одатда муайян умумий маълумот даражасига эга бўлган, бир ихтисосдаги ёки ўшдаги ва шуларга ўхшаш китобхонларга мўлжалланган бўлади.

Кутубхона каталоглари босма библиографик кўрсаткичларга нисбатан муҳим афзалликка эгадир, чунки уларда энг янги аданбийт тўлиқроқ акс эттирилади. Босма кўрсаткичларга фақат уларни тузиш пайтига келиб нашрдан чиқсан китобларгина киритилади ва, бинобарин, улардан фойдаланилаётганда ҳамма вақт уларнинг ҳозирги даврдан қисман орқада қолаётганлигини назарда тутишга тўғри келади, ҳолбуки, каталогларда кутубхона фондига олинган энг кейинги китобларни ҳам ўз вақтида оператив акс эттириш учун реал имконият бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим катта кутубхоналарнинг иш тажрибасида янги олинган китобларни ўз вақтида каталогларда акс эттиришнинг муҳим эканлигига етарли баҳо бермайдилар ва бу жараён анча кечикиб бажарилади. Карточкаларни каталогларга кун сайин жойлаштириб боришнинг техник қийинчиликларий бўр деб баҳона қилиб, янги олинган китобларнинг тасвири йиғилишига қараб бир неча ҳафталиги, баъзан бир неча ойлиги бир қилиб киритилади. Баъзи ҳолларда бу нарса ҳатто системага айланиб қолади ва янги олинган китоблар «Янги китоблар» деган алоҳида картотекада акс эттирилади, бундан мақсад — кейинги ойларда фонднинг тўлдирилиши қандай бораётганлиги тўғрисида китобхонларга ахборот бераб туришдир. Бир ёки икки ой ўтгандан кейингина бу тасвирлар каталогларга киритилади, картотека эса кутубхонага олинаётган янги китобларнинг тасвирлари билан янгидан тўлдирилади. Албатта, янги олинган китоблар тўғрисида китобхонларга ўз вақтида ахборот бераб туриш керак, аммо бу иш китобхонларни кутубхона фонднинг тўлиқ ҳажми билан таниширишнинг асосий манбай бўлган каталогларнинг мазмунини торайтириш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Янги китоблар тўғрисида ахборот беришни бошқа йўллар билан: босма бюллетенлар тузиш ёки янги олинган китоб картотекаларига дублет карточкалари киритиш, уларни кутубхона каталогларида ўз вақтида акс эттириш йўли билан амалга ошириш керак.

Каталогларнинг турлари

Кутубхонага мурожаат қиласиган китобхонларнинг талаблари жуда хилма-хилдир. Баъзан уларга маълум китоблар керак бўлади, бошқа ҳолда уларни ўзларига таниш бўлган авторнинг асари қизиқтиради, кўпинча улар бирон-бир масалага доир китобларни беришни сўрайдилар-у, бу масала ёки предмет қаерда ва қайси авторларнинг қандай асарларида ёритилганлигини билмайдилар.


Кўриниб турибдикি, кутубхона бу хилма-хил талабларнинг ҳаммасини биргина каталог тузиш билан қондира олмайди. Кутубхона хизмати кўрсатиш назарияси ва практикасида каталогларнинг энг муҳим турлари аниқланганки, уларнинг ҳар бири маълум бир характердаги талабларни қондиришга имкон беради.

Тасвиirlарни группаларга бўлиш усули бўйича каталогларнинг бир-биридан фарқи

Каталогларнинг мавжуд турларидан ҳар бирининг асоси айрим бир матбуот асарини тасвиirlашdir. Кутубхона каталоглари тасвиirlарни группаларга ажратиш усули бўйича учта асосий турга: алфавит

каталог, системали каталог ва предмет каталогига бўлинади.

Алфавит каталогда матбуот асарларининг тасвири авторларининг фамилиялари ёки сарлавҳаларнинг алфавити бўйича жойлаштирилади. Тасвиirlарнинг шу тартибда жойлаштирилиши, биринчидан, конкрет бир асарнинг автори ва сарлавҳаси



1 - расм.

китобхонга маълум бўлган бир пайтда мазкур асарнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш, иккинчидан, муайян бир авторнинг кутубхона фондида мавжуд бўлган асарлари билан танишиш имконини беради.

Китобхонларнинг муайян проблемаларга ёки тор конкрет масалаларга доир адабиётга бўлган талаблари системали ва предмет каталоглари ёрдамида қондирилади. Бу каталогларда матбуот асарларининг тасвири уларнинг мазмун белгисига қараб группаларга ажратилади. Тасвиirlарнинг шундай белги билан


бирлаштирилиши кутубхона фондидаги ўзларини қизиқтирувчи масалага доир матбуот асарларининг мавжудлиги билан танишмоқчи бўлган китобхонлар учун жуда муҳимдир. Матбуот асарларининг тасвиirlарини мазмунига қараб группаларга ажратиш — системали ва предмет каталогларининг вазифасини аниқлаб берувчи умумий белгидир. Аммо бу каталоглар бир-бираидан жиддий фарқ қиласидар. Системали каталогда матбуот асарларининг тасвиirlари уларнинг мазмунига боғлиқ бўлган билим тармоқларининг белгисига қараб, предмет каталогида эса мазкур асарда тилга олинган предмет белгисига қараб бирлаштирилади.

Масалан, системали каталогда дуккакли экинларни етиштириш тўғрисидаги китоблар ўсимликшунослик бўлимида акс эттирилган бўлади, улардан молларни боқиш учун фойдаланиш масалаларига доир китоблар чорвачилик бўлимида, консервашга доир китоблар озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси бўлимида акс эттирилади ва ҳоказо. Предмет каталогида бу масалаларнинг ҳаммасига доир китоблар шу предметнинг номи билан «Дуккакли экинлар» деб бирлаштирилади.


Системали каталог билан предмет каталоги ўртасидаги фарқ китобларнинг тасвиirlарини группаларга ажратишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган усуллари билангина чекланмайди. Системали каталогда китобларнинг тасвиirlарини у ёки бу билим тармоғи бўйича бирлаштирувчи ҳамма бўлаклар энг умумий тушунча берувчи бўлиминдан бошлаб унинг айрим бўлаклари томон мантиқий тартибда жойлаштириб борилади. Масалан, ўсимликшунослик ва чорвачилик бўлиmlари тематик жиҳатдан анча кенгроқ бўлган қишлоқ хўжалик бўлимига киритилади; ўсимликшунослик бўлимида ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларига оид бўлимчалар (дон, дуккакли дон; сабзавот, техника экинлари ва бошқа бўлимчалар) ташкил қилинади. Анча кенгроқ бўлган саноат ишлаб чиқариши техникаси бўлимига киритилган озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси бўлими ўз навбатида гўшт-сут, сабзавот, дондан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, турли маҳсулотларни консервалаш бўлимчалари ва бошқа кичик бўлимларга бўлинади. Бўлимлар ва бўлимчаларнинг бундай тартиби системали тартиб дейилади.

Предмет каталогида мазмуни бир предметга тааллуқли бўлган китоблар тасвиirlарининг группаси предмет рубрикасини (юқорида келтирилган мисолда — «Дуккакли экинлар») ташкил этади. Ҳамма предмет рубрикалари ўз мазмунидан қатъи назар каталогда алфавит тартибида жойлаштирилади. Шундай қилиб, предмет каталогида «Дуккакли экинлар» деган рубрика, чунонча, «Денов» ва «Думалоқ» деган рубрикалар ўртасида жойлашади, дуккакли экинларнинг айрим хиллари «Ловия», «Мош», «Нўхат» тегишли равиша «Л», «М», «Н» ҳарфлари остида туради.

Совет кутубхоналарида ҳар бир кутубхона учун мажбурий бўлган асосий каталоглар системали ва алфавит каталоглардир.



2- расм.



3- расм.

Предмет каталоги асосий каталоглар қаторига кирмайды, шу сабабли у системали ва алфавит каталогларга құшымча қилиб, асосан катта ва маҳсус кутубхоналарда түзилади.

Тасвиirlарни группаларга бўлишнинг юқорида кўриб чиқилган учта усулидан ташқари, каталоглар тузиш практикасида баъзан матбуот асарларини тематик группаларга бўлишдан фойдаланилади; бундай группаларнинг ажралиб турадиган хусусияти шуки, бунда китоблар тема белгисига қараб бирлаштирилади. Гарчи группаларга ажратишнинг бу усули адабиётни китобхоналарга улар учун жуда муҳим ва зарур бўлган белгисига—ҳозирги ижтимоий ҳаётнинг, фан, техника, қишлоқ хўжалигининг энг актуал темаларига қараб кўрсатиб беришга имкон туғдирса-да, ундан кутубхонанинг бутун фондини очиб беришда фойдаланиб бўлмайди ва кўпроқ танлаб олинадиган тавсия картотекаларини тузишдагина қўлланилади. Бунинг сабаби асосан шундаки, ҳар бир матбуот асарининг қайси бир муайян темага тааллуқли эканини аниқлаб бўлмайди. Масалан, биринчи совет космонавтларининг космосга қилган парвозлари ҳақидаги китобни teng асосда кўп темаларга: «Ҳозирги замон совет фани ва техникасининг эришган ютуқлари», «Қосмоснинг зabit этилиши», «СССРнинг спорт соҳасидаги жаҳон рекордлари», «Совет кишиларининг қаҳрамонона жасоратлари» ва бошқа кўпгина темаларга киритиш мумкинки, уларни санаб чиқиш қийин. Шу нарса мутлақо равшанки, кўрсатилган ҳар бир тема бўйича китоблар танлаш турлича бўлади. Айтиб ўтилган темалардан биринчисига совет фанининг химия, биология соҳасида эришган ютуқлари тўғрисидаги китоблар; ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларидаги энг янги методлар тўғрисидаги, тезюар транспортнинг ривожланиши тўғрисидаги, дунёда энг йирик бўлган гидроэлектростанциялар қуриш тўғрисидаги ва совет техникаси соҳасида эришилган бошқа кўпгина ютуқлар тўғрисидаги китоблар киритилади. Совет Иттилоғининг спорт соҳасида ўрнатган рекордлари тўғрисидаги темага спортнинг бошқа турлари ва шу кабилар ҳақидаги китоблар киритилади.

Бундан ташқари, кутубхона фондида мавжуд бўлган ҳамма материалларни юқорида айтилган темаларнинг бирортаси остида ҳам тўплаш мумкин эмас. Бу усулни ҳар бир китобни маълум бир темага киритиш нуқтаси назаридан эмас, балки шу тема учун энг муҳим бўлган матбуот асарларини танлаш деб қарап тўғрироқ бўлади. Шунинг учун ҳам тематик группаларга ажратиш кўпинча алоҳида актуал темаларга доир картотекалар тузишда қўлланилади.

Кутубхона ишида баъзан матбуот асарлари тасвирини группаларга ажратишнинг бошқа усувлари ҳам татбиқ қилинади — бунда нашр мазмуни ёки хусусиятларининг у ёки бу белгиси ҳисобга олинади. Масалан, асарларнинг мазмунида тасвирланган мамлакат ёки жойнинг белгисига қараб географик каталоглар, асарларнинг мазмуни билан боғлиқ бўлган давр ёки асрга

Мувофиқ рawiшда хронологик каталоглар тузилади. Бироқ каталогларнинг бу турлари баззи бир кутубхоналардагина тузилади, бунда ана шу кутубхоналар олдида турган маҳсус вазифаларга мувофиқ рawiшда матбуот асарларини уларнинг мазмуни ва шаклини мазкур кутубхона учун муҳим бўлган алоҳида белгига қараб группаларга ажратиш зарурати туғилади.

**Матбуот асарлари-
нинг турлари бўйича
кatalogларнинг бир-
биридан фарқи**

Кутубхона каталоглари уларда акс эттирилган матбуот асарларининг турлари бўйича ҳам бир-бirlаридан фарқ қиласиди. Китоблар, вақтли ва давомли нашрларнинг, газета ва журнallарда босил-

ган турли характердаги мақола ва материалларнинг, географик карталар, ноталар ва турли хил маҳсус техника адабиётларининг (қилинган ихтиrolар учун берилган патентлар ва авторлик гувоҳномаси, давлат стандартлари ва ҳоказоларнинг) каталогларн тузилади. Маълумки, каталогларнинг бу турларидан ҳар бирни айни вақтда юқорида кўриб чиқилган ва группаларга ажратиш усули бўйича бир-биридан фарқ қиласидан каталогларнинг уёки бу турига тегишли бўлади. Масалан, китобларнинг каталоглари ҳамма вақт ё алфавит каталоги, ё системали каталог ёки предмет каталоги бўлади. Кутубхона қанчалик катта бўлса, унинг фондлари қанчалик бойроқ ва хилма-хилроқ бўлса, бу кутубхонада матбуот асарларининг турли хилларига доир каталогларни шунчалик кўпроқ тузишга тўғри келади. Бироқ кутубхона каталогларининг матбуот асарлари хиллари бўйича бўлиннишини шу ҳолдагина ўзини оқлаган деб ҳисоблаш мумкини, бунда асарларнинг мазкур тури бошқа турларидан катта фарқ қиласиди (масалан, географик карталар, давлат стандартлари) ёки шу кутубхона китобхонларининг асосий қисми бу хил бўлиннишдан манфаатдор бўлади. Каталогларнинг бу белги бўйича ортиқ даражада бўлакларга бўлинниши китобхонлар учун маълум масала юзасидан китоб танлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

**Кatalogларнинг ва-
зифаси бўйича бир-
биридан фарқи**

Китобхонлар кенг фойдаланаётган асарлар билан бир қаторда маълум даражада эскириб қолган ва кўпчилик китобхонлар учун ўз аҳамиятини йўқотгани асарлар ҳам сақланаётган катта фондли кутубхоналарда кутубхона каталоглари ўз вазифасига қараб китобхонлар каталоглари ва хизмат каталогларига бўлинади.

Эскириб қолган адабиётлардан ташқари, кутубхонанинг бутун асосий фондини акс эттирувчи китобхонлар каталоглари анча оператив каталоглар бўлиб, доимий рawiшда китобхонларнинг ихтиёрида бўлади, уларнинг асосий талабларини қондириб туради. Хизмат каталогларидан одатда кутубхона ходимлари турли маълумотлар олиш учун фойдаланадилар, лекин бу каталоглар фақат хизмат вазифаси учунгина мўлжалланмаган: агар китобхонлар кутубхонада бор бўлган бутун адабиёт билан та-

нишишлари зарур бўлиб қолганда, бу каталоглар уларга берилиши мумкин ва лозим.

Оммавий кутубхоналарда каталоглар китобхонлар каталоглари ва хизмат каталогларига бўлинмайди, чунки бу кутубхоналарнинг фондларида эскирган адабиёт сақланмайди.

**Фондларни тўлиқ
акс эттириш бўйича
каталогларнинг бир-
биридан фарқи**

Каталогда бутун фонд ёки маълум сабабларга кўра, унинг оз қисми акс эттириладими-йўқми, бундан қатъи назар, кутубхона каталоглари кутубхона фондини тўлиқ акс эттириши жиҳатидан

бир-биридан фарқ қиласди. Фондни анча тўлиқ акс эттирувчи каталоглар асосий каталоглар деб аталади. Масалан, кутубхона — абонементга, ўқув залига, болалар бўлимига доир алоҳида фондлар ва фонднинг ажратилган бошқа қисмлари мавжуд бўлган тақдирда қайси бўлимдалигидан қатъи назар бутун адабиётни акс эттирувчи каталог асосий каталог деб аталади. Асосий каталог билан бир қаторда (баъзан унинг ўрнига) ҳар қайси бўлимда ҳам каталоглар тузилиши мумкин — масалан, абонемент каталоги, ўқув зали каталоги, кўчма фонд каталоги ва бошқалар. Маълум бир кутубхонада қандай каталоглар тузиш, яъни асосий каталог ёки бўлимларнинг каталогларини, ёки асосий каталог билан бир қаторда бўлимларнинг каталогларини тузиш масаласи кутубхонанинг типига, унинг тузилишига ва бинода (ёки бир неча бинода) бўлимларнинг қандай жойланишига қараб ҳал этилади. Жумладан, кўпгина область кутубхоналарида китобларнинг асосий системали каталоги билан бир қаторда абонемент фондининг ҳам алоҳида системали каталоги бўлади. Айрим шаҳар кутубхоналарида абонемент ва ўқув зали эгаллаган хоналар бир-биридан ажралган ҳолда бўлса, уларнинг фондлари учун мустақил каталоглар тузилади.

Баъзан бир-биридан узоқ жойлашган филиалларга эга бўлган кутубхоналарда кутубхонанинг ва унинг ҳамма филиалларининг асосий фонди учун умумий каталогга эга бўлиш зарурияти туғилади. Бундай каталог марказий каталог деб аталади.

Йиғма каталоглар Кутубхона ишида йиғма каталог деб аталмиш каталогларнинг аҳамияти катадир. Каталогларнинг юқорида кўриб чиқилган турларидан фарқли ўлароқ, йиғма каталоглар бир неча мустақил кутубхоналарнинг фондларини акс эттирадики, бу кутубхоналар ўртасида китобхонларга хизмат қилишда муайян ўзаро ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан бир шаҳар ёки райондаги, бир область ёки мамлакатдаги кутубхоналарнинг фондларини акс эттирувчи территориал йиғма каталоглар; билимнинг бир тармоғига ёки бир ихтисосга доир кутубхоналарнинг фондлари учун тармоқ йиғма каталоглари, бир идора, муассаса ёки ташкилотга тегишли кутубхоналарнинг фондлари учун расмий йиғма каталоглар тузилиши мумкин. Йиғма

кatalogлар баъзан бундай белгиларни ўзларида бирга акс эттиришлари мумкин, масалан, бир шаҳар кутубхоналарининг медицинага доир адабиёти учун тузилган йиғма каталоглар айни вақтда ҳам территориал, ҳам тармоқ каталоглари бўлади.

Йиғма каталогларнинг мавжуд бўлиши китобхонларга кутубхонлараро абонемент орқали хоҳлаган кутубхонадан керакли китобларни олиш, йиғма каталог қатнашчиси бўлган ҳар бир кутубхонанинг фондидан фойдаланувчи китобхонлар контингентини анча кенгайтириш, кутубхоналарни тўлдиришни тўғрироқ бирлаштириш имконини беради.

Йиғма каталогларда кутубхоналарнинг ҳамма фондлари эмас, балки фондларнинг айрим қисмиларигина, масалан, вақтли нашрлар, чет тиллардаги адабиёт ва бошқалар акс эттирилган бўлиши мумкин. Кўйилган мақсадларга қараб йиғма каталоглар алфавит, системали ёки предмет каталоглари бўлиши мумкин, лекин кўпинча уларни алфавит каталоглар қилиб тузилади, бу ҳол мазкур кутубхонада мавжуд бўлмаган маълум бир китобни талаб қилиб олишда кутубхоналараро абонемент учун анча қулайлик туғдиради.

Йиғма каталогга киритилган ҳар бир матбуот асарининг тасвирига кутубхонанинг шартли белгиси (сигла), шунингдек бу асар бор бўлган жойга шифр қўйиладики, ана шу шифр бўйича токчадан китобни топиш мумкин.

Йиғма каталогдан кўп кутубхоналарда фойдаланишга имкон туғдириш учун уларни китоб шаклида босмахонада кўпайтириш зарур. Катта кутубхоналарнинг фондларини акс эттирувчи босма йиғма каталоглар библиография ишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Йиғма каталогларнинг вужудга келиши, фондлардан фойдаланишда жуда катта роль ўйнаётган бўлишига қарамай, бизда ҳали етарли даражада ривожланмаган. Инструкцияга мувофиқ Республика, область ва ўлка кутубхоналари область, ўлка, Республика кутубхоналари ва муассасаларида мавжуд бўлган ўлкашуносликка доир адабиётнинг йиғма системали каталогларини олиб боришлари лозим. Чет тиллардаги адабиётнинг йиғма каталогига нисбатан ҳам худди шундай кўрсатмалар бор, аммо бу кўрсатмалар ҳамма кутубхоналарда ҳам бажарилган деб бўлмайди.

Мамлакатимизнинг энг йирик кутубхоналари — В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси, М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат ҳалқ кутубхонаси, СССР Фанлар Академиясининг кутубхонаси ва Бутуниттифоқ китоб палатаси томонидан тузилаётган «Рус китобининг йиғма каталоги» совет кутубхонашунослигининг ифтихоридир. Ҳозирги вақтда карточкали йиғма каталогда Совет ҳокимияти йилларида чиқсан ҳамма нашрлар тўла-тўқис акс эттирилган, революциядан илгари чиқсан нашрларнинг каталогини тузиш тамомланмоқда. XVIII асрда чиқарилган асарларни ўз ичига олувчи

дастлабки томлар босма нашри тайёрланмоқда. «Рус китоби йиғма каталоги»нинг тўлиқ босма нашри мамлакатимиздаги энг йирик кутубхоналарнинг жуда бой фондларидан яхши фойдаланишга имкон беради ва шу билан бирга бизни тўлиқ миллий библиографияни тузишга яқинлаштиради. Бироқ бундай каталогни нашр этишининг қийинчиликларини эътироф қилмоқ керак — бу каталог ҳозирча В.И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасида фақат карточка тарзидагина мавжуддир.

Каталогларнинг шакли

Босма ва карточка-ли каталоглар

Кутубхоналарнинг кўп асрли тарихи давомида каталогларнинг анча қулай бўлган шаклини излашга кўп диққат-эътибор бериб келинган. Ўтмишда, кутубхоналарнинг фондлари камроқ тўлдириб борилган ва уларнинг состави нисбатан мустаҳкам бўлган бир даврда, каталоглар қўл ёзма китоб шаклида бўлиб, унда янги олинадиган китобларни ёзиб бориш учун бўш жой қолдирилар эди. Кейинчалик кутубхонанинг ўтган йилларда ташкил топган фондини ўзида акс эттирган босма каталоглар кенг миқёсда қўллана бошланди, шу билан бирга янги олинган китоблар асосий каталогга қўшимча қилиб вақт-вақти билан чиқариладиган иловаларга киритиладиган бўлди.

Босма маҳсулот чиқаришнинг кўпайиб бориши ва кутубхона фондларининг тезроқ тўлдириб борилишига қараб каталогларнинг ҳозирги амалий ишда кенг тарқалган анча ихчамроқ карточкали шакли вужудга келди. Бундай каталогларнинг таркибий элементи карточка бўлиб, унда алоҳида бир матбуот асарининг тасвири берилади. Ҳамма карточкалар шу каталог учун белгиланган тартибда маҳсус яшикларга тик ҳолатда жойлаштирилади. Янги олинган китоблар дарҳол каталогда акс эттирилиши мумкин, бунинг учун бу китоблар тасвирланган карточкалар каталогнинг тегишли жойларига тасвирларни каталогда жойлаштиришга оид қабул қилинган тартибга риоя қилинган ҳолда киритиб қўйилади.

Шундай қилиб, карточкали каталоглар бутун мавжуд фондни оперативроқ акс эттириш, кутубхонага олинган китоблар тасвирини ўз вақтида каталогга киритиш, агар керак бўлса, айрим карточкаларни бошқа жойга олиб қўйиш ёки уларни алмаштириш йўли билан зарур тузатишлар киритиш имконини беради. Бироқ китоб шаклидаги босма каталоглар кўриб чиқиши учун карточкали каталогларга нисбатан ихчамроқ ва қулайроқ ҳисобланади. Китобхон босма каталог саҳифасини очиб кўрган вақтида унда бир қанча асарларнинг тасвирини қўради, ҳолбуки карточкали каталогдага у ўзига керак китобнинг тасвирини топгунча бир неча карточкани кўздан кечириши лозим бўлади.

Бундан ташқари, босма каталогни етарли нусхада чиқариш

мумкин, китобхон уни уйига олиб кетиб, диққат билан танишиб чиңа олади. Босма каталог ёрдамида кутубхона фондни билан батафсил танишиб чиқишининг ана шу имкониятига В.И. Ленин нақадар юксак баҳо бергани кўпчиликка маълум. Н. К. Крупская 1937 йилда илмий ва ўлка (область) кутубхоналари директорлари билан қилган сұхбатида бундай деган эди: «Босма каталоглар тўғрисидаги масала ҳозирги вақтда бирмунча ташлаб қўйилган. Босма каталогларсиз эса, китобхонинг кутубхонада ишлаши, ундан фойдаланиши қийин»¹.

Кутубхоналарнинг фондларини ўз вақтида ва оперативлик билан акс эттиришни таъминловчи карточкали каталогларни ишлатишни босма каталогларни мунтазам нашр этиш билан бирга қўшиб олиб бориш, айниқса фонднинг кўпроқ стабилликка эга бўлган қисмлари учун (масалан, ўтган йилларга доир вақтли нашрлар учун, мазкур ўлканинг тарихига доир китоблар ва бошқалар учун) анча мақсадга мувофиқdir.

Кутубхоналарнинг ҳозирги амалий ишларида каталогларнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланилмоқдаки, бунда китоб ва карточкалар тарзидағи каталогларнинг афзалликлари маълум даражада бирга қўшилмоқда. Масалан, айрим катта кутубхоналарда каталоглар баъзан китоб шаклида нашр этилиб, унинг саҳифаларида, карточкали каталоглардан олинган тасвиirlар фотонусха олиш методи билан акс эттирилмоқда.

Чет эл кутубхоналарида карточкалар тик жойлаштирилдиган карточкали каталоглар билан бир қаторда, савдо-саноат идораларининг иш тажрибасида ишлатиладиган ясси картотекалар (кардекслар) деб аталувчи картотекалар қўлланилади. Тасвиirlи карточкалар махсус жиҳозланган яшикларга ётиқ ҳолда, зинали тартибда жойлаштирилади, шунинг учун ҳар қайси карточканинг пастки қатори кўриниб туради ва уни бошқа карточкалар бекитиб турмайди. Ана шу қаторда китоб тўғрисидаги асосий маълумотлар (масалан, автори ва сарлавҳаси) келтирилади, бу эса мазкур яшикда жойлашган барча карточкаларнинг ҳамма учун кўриниб туришини осонлаштиради. Китобхонни маълум бир асар қизиқтириб қолса, у устки томондаги карточкаларни ўзига керакли карточка билан суриб қўйиб, асарнинг тўлиқ тасвири билан танишиш имконига эга бўлади. Бироқ, бундай картотекалар тик жойлаштирилган оддий карточкаларга нисбатан кичик ҳажмга эгадир, шунинг учун аксари фонднинг кичикроқ қисмларини (жумладан, шу йил олинадиган вақтли нашрларни) акс эттириш учун қўлланилади.

Каталогларнинг ана шу ва бошқа шакллари яхши кўриниб туриши жиҳатидан оддий карточкали каталогларга нисбатан маълум устунликларга эга бўлса ҳам, тузилишининг оддийлиги жиҳатидан у карточкали каталоглардан афзал эмас ва махсус

¹ Н. К. Крупская. О библиотечном деле. Тўплам, М., 1957, 363-бет.

ла к;
бир ;
ірим
'н би;
ча б;
аги ;
маз

бир
ълчов
ётиқ
іл чи

точкалар (уларни қисқартирилган ҳолда ажратгичлар деб ҳам атайдилар) қўлланилади. Уларнинг эни ва узунлиги каталог карточкаларга мос келади, лекин устки қисмида каталог карточкаларнинг юқори четидан бир оз чиқиб турган жойи бўлади. Ажратгич карточкалар чиқиб турган жойининг шаклига қараб чап ёки ўнг ўрта ён томонли ажратгичларга бўлинади.

Системали каталогда ажратгич карточкалар бўлим ва бўлимчаларни, предмет каталогида — предмет рубрикаларини кўрсатиб беради, алфавит каталогда эса улар карточкаларнинг алфавит тартибда жойлаштирилганлигини билиб олишни осонлаштиради: ажратгич карточкаларнинг чиқиб турган қисмларида ҳарфлар, бўғинлар, авторларнинг фамилиялари мусасаса ҳамда ташкилотларнинг номлари ва шу кабилар ёзиб қўйилган бўлади.

Карточкалар солинган яшиклар бир неча хоналарга эга бўлган каталог шкафларига жойлаштирилади. Яшикларнинг олд томонига металл рамкада ёки ялтироқ пластмассадан ясалган ва винт билан маҳкамланган пластинка орқасига қофозчалар жойлаштирилган бўлиб, уларда яшикларнинг мазмунини очиб берувчи ёзув (системали каталоглар учун — индекслар ва бўлимларнинг номи, алфавит каталог учун — биринчи ва охирги ҳарфлар ёки бўғинлар, авторларнинг фамилиялари ва шу кабилар) бўлади.

Каталоглаштириш ишини ихчамлаштириш ва механизациялаш

Каталоглар тузиш — кутубхоначиidan юксак малакани, кўп вақт ва куч сарфлашни талаб қилувчи ниҳоятда сермеҳнат жараёндир. Бундай шароитда марказлаштирилган каталоглаштириш ва кутубхоналарнинг иш практикасига ҳозирги техника воситаларининг — кўлайтирувчи аппаратларнинг турли хиллари, шунингдек ахборот қидириш ишларини механизациялашни амалга оширишга имкон берувчи машиналарнинг жорий қилиниши катта аҳамиятга эгадир.

**Марказлаштирилган каталоглаштириш
каталоглаштириш** Марказлаштирилган каталоглаштириш тадбирларига методик марказларда каталоглар тузишнинг асосий жараёнлариши — библиографик тасвир, классификация қилиш, предметлаштиришнинг энг муҳим ва жуда самарали турларидан бири босма карточкалар бўлиб, улар эълон қилинаётган ёки илгари босилиб чиқсан матбуот асарларининг тасвирини ўз ичига олади. Босма карточкаларда тасвирдан ташқарн, классификация индекслари, авторлик белгилари, предмет рубрикалари, алфавит каталог учун ёрдамчи тасвирлар тўғрисидаги кўрсатмалар, баъзан асарнинг мазмунини очиб берувчи аннотация берилади.

Босма карточкаларни тузишга мутахассисларни жалб қилиш имконияти тасвирлаш, классификация қилиш ва предметлаш жараёнларини юқори сифатли құлиб бажаришни таъминлайды, бұу эса каталогларнинг ғоявий ва илмий савиясини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга босма карточкаларнинг бўлиши каталоглар тузишни ихчамлаштиради ва кутубхоначининг бу ишни бажаришга сарф қиладиган вақтини қисқартиради. Босма карточкаларнинг мавжуд турлари, уларни нашр этиш ва тарқатиш тўғрисида кейинроқ гапирилади (10-бобга қаралсун), факат шуни таъкидлаб ўтамизки, СССРда турли типдаги кутубхоналар учун босма карточкалар чиқаришнинг мукаммал системаси яратилган.

Марказлаштирилган каталоглаштириш нашрлари турларига системали, предмет ва алфавит каталоглари учун босма ажратгич карточкалар чиқаришни ҳам киритиш керак. Бу, кутубхоначини ажратгичларга мустақил равишда сарлавҳалар ёзиш ишидан озод қиласи ва каталогларнинг ташки кўрининшини яхшилади. Афсуски, бизда босма ажратгич карточкалар чиқариш кенг ривож топгани йўқ. 1962 йилда В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси қишлоқ кутубхонасининг систематик каталоглари учун босма ажратгичлар комплектини нашр этди. Оммавий кутубхоналар учун шуларга ўхшаш босма ажратгич карточкалар айрим республика ва область кутубхоналари томонидан чиқарилди, аммо кўп ҳолларда улар кам нусхада нашр этилди.

Марказлаштирилган каталоглаштириш нашрларига яна на- муnavий каталогларни ҳам киритиш мумкин, булар шу типдаги кутубхоналарда каталоглар тузишда кўргазмали намуна бўлиб хизмат қиласи, чунки кутубхоначи улардан энг яхши китобларнинг тўғри тузилган тасвирини, уларга берилган индекс ва авторлик белгиларини топа олади. Бироқ намуnavий каталоглар тез эскириб қолади, шу сабабли улар кейинги йилларда кам нашр этилмоқда.

Янги олинган китобларни классификация қилишда кутубхоначига марказий ва айрим маҳаллий нашриётлар томонидан чиқарилаётган китобларнинг титул вараги орқасида кўрсатилган жадвалларнинг классификация индекслари ҳам ёрдам беради. Бу маълумотлар кутубхоналарнинг каталоглар тузиш соҳасидаги ишида, шубҳасиз, фойдали ҳисобланади, аммо бу маълумотлар турли нашриётлар томонидан белгилангани учун, мазкур далилларни марказлаштирилган каталоглаштириш тадбирларига шу ҳолица киритиш мумкин эмас.

**Янги техника восита-
таларидан фойдаланиш** Қейинги вақтларда катта кутубхоналар-
нинг амалий ишида турли хил кўпайти-
рувчи аппаратлар қўлланилмоқда, улар-
дан матбуот асарлари текстининг айрим қисмларидан нусха кў-
чиришда ҳам ва каталоглар учун карточкаларни кўпайтириша-
ҳам фойдаланилмоқда. Бундай иш кутубхонани матбуот асар-

ларини турли каталогларда акс эттириш учун керак бўлган карточкаларни қўлда ёки ёзув машинкасида кўп нусхада кўпайтиришдан халос қиласди. Карточкаларни кўпайтирувчи аппаратларда исталган миқдорда кўпайтириш жуда тез бажарилади ва улардан каталогглаштириш ишида фойдаланиш гоятда самаралидир. Афсуски, бу аппаратларнинг баҳоси ҳозирча анча қиммат бўлгани учун уларни фақат айрим кутубхоналаргина сотиб олиши мумкин.

Совет ва чет эл матбуоти саҳифаларида китобхонларнинг таълларини қондириш жараёнини механизациялаш имкониятлари кенг муҳокама қилингапти. Китобхонларга керак бўлган адабиётни турли каталоглардан қидириб топиш кўпинча анча вақт сарфлашни талаб қиласди ва китобхон ҳамиша ҳам кутубхона фондидага мавжуд бўлган материаллар тўғрисида батафсил ахборот ололмайди. Бу камчиликлар фақат китоб ва мақолалар тўғрисидагина эмас, балки ҳажм жиҳатидан кичик бўлса ҳам, мутахассислар учун муҳим бўлган материаллардан патентлар, ихтиорларнинг тасвирлари, стандартлар, илмий ва техника ахборотига доир турли ҳужжатлар ва шу кабилар тўғрисида тўлиқ маълумот олишдан манфаатдор бўлган мутахассисларнинг талабларини қондиришда айниқса сезиларли даражададир. Шу муносабат билан ахборотни механизация воситасида қидириб топиш проблемаси келиб чиқди. Бу проблеманинг ҳал қилиниши перфорация қилинган (тешилган) карточкалардан фойдаланиш билан боғлиқдир.

Перфорация қилинган карточкалар методининг моҳияти шундан иборатки, карточканинг белгиланган жойида тешикча қолдириш йўли билан бирор-бир ҳужжатнинг тематикаси код (шартли белги) билан белгилаб қўйилади. Олдиндан ишлаб чиқилган код бўйича ҳар бир тема (китобхоннинг талабига мос келиши мумкин бўлган тема) учун тешик очишга қатъий белгиланган битта жой қолдирилади. Мазкур темага тегишли ҳамма ҳужжатларни танлаб олиш учун белгиланган бир жойида тешикчага эга бўлган барча карточкаларни топиш кифоя қиласди. Карточкаларни танлаб олиш тешикчага киритилган йўғон игналар ёрдамида қўл билан ёки ҳисоблаш-аналитик машиналарда механизация усули билан амалга оширилади.

Қўл билан қидиришда ҳамма четлари олдиндан тешилган (оддий каталог карточкаларига нисбатан анча катта) маҳсус карточкалар қўлланилади. Ҳужжатнинг тасвири карточканинг ўртасига ёзилган бўлади, ҳужжатни кодлаш мазкур тема учун қолдирилган код тешикчасини карточканинг чети билан бирлаштирувчи кесик ёрдамида бажарилади. Мазкур темадаги ҳужжатларнинг карточкаларини чиқармоқ учун тешикчага йўғон игна киритилади, карточкалар юқорига кўтарилади ва силкитилади. Тешикчаларида кесик бўлмаган ҳамма карточкалар йўғон игнада қолади, кесикили, яъни шу темага мос келадиган карточкалар тўпламдан тушиб қолади. Шундай қилиб, керакли ҳужжатлар-

нинг тасвири уларнинг тексти ўқилмасдан механик равища танлаб олинади.

Чамаси, перфорация қилинган карточкада тешикчаларнинг сони чекланган бўлиши сабабли, кодланиши мумкин бўлган темалар (талаблар) сони ҳам кўп эмас. Шунинг учун ҳам перфорация қилинган карточкаларнинг бу туридан тор доирадаги масалаларга оид ҳужжатларни танлаб олиш учун нисбатан кичикроқ картотекалардагина фойдаланиш мумкин.

Ҳисоблаш-аналитик машиналар ёрдамида механизациялашган қидиравга асосланиб иш кўрганда, олдиндан тешиб қўйилмаган бошқа карточкалар қўлланилади. Карточкаларнинг пастки қисмида чизиқчалар бўлиб, шуларга асосан кодлаш белгиланган жойда тешикчалар қилиш билан бажарилади. Бу карточкаларда кодлаш имкониятлари жуда катта бўлса-да, аммо бундай карточкаларни маҳсус машиналар ёрдами биланги-на танлаб олиш мумкин. Механизация воситасида қидириш учун энг янги электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланганда катта истиқболлар очилади.

Механизация воситасида қидиришнинг ҳамма турлари ҳозирча тажриба характеристига эга бўлиб, кутубхоналарнинг амалий ишида кенг фойдаланилаётгани йўқ. Ҳозирги вақтда каталогларнинг анъанавий шакллари энг кўп тарқалган бўлиб, фондларнинг мазмунини очиб беришнинг ва китобхонлар талабини қондиришнинг асосий воситаси бўлиб турибди.

2- б о б

КИТОБ ТАСВИРЛАШ АСОСЛАРИ

Матбуот асарларини каталогларда ва библиографияда тасвирилаш.— СССРда ва чет элларда китоб тасвирилаш тарихидан.— Китоб тасвирилашнинг асосий принциплари.— Каталоглаштириш инструкцияларининг роли.

Матбуот асарларини каталогларда ва библиографияда тасвирилаш

Матбуот асарлари олами кенг ва хилма-хилдир. Ҳозирги замон жамияти ҳаётини китоблар, журналлар, газеталар, географик карталар, музика ноталари ва эстампларсиз тасаввур қилиш қийин. Кўпчилик мутахассислар стандартлар, патентлар ва техника адабиётининг бошқа турлари бўлмаса, иш олиб боролмайдилар.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ўн миллионлаб китоб номлари қаторига ҳар уч йилда дунёнинг ҳамма мамлакатларида китоб бозорига чиқариладиган яна бир миллион китоб номи қўшилади. Юз мингдан ошган илмий журналлар номларининг сони ҳар эллик йилда ўн марта кўпаяди. Агарда матбуот асарларининг ҳамма хилларини ва ҳамма турдаги адабиётга доир айрим асарларни, ҳисобга олинадиган мақолаларни ҳам қўшганда, уларнинг ҳар йиллик миқдорини миллионлар билан ҳисоблаш керак бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон олимлари ва маданият арбобларининг кўпчилиги ўзларига керак бўлган нашрлар ёки асарларни излаб топишда катта қийинчилкларга дуч келаёт-ганликларини гапиришлари бежиз эмас. Чунки, ҳар бир асар кўп библиографик маълумотларга эга бўлиб, шуларга асосан у эсда тутилиши ва сўраб олиниши мумкин. Агарда матбуот асарларининг ҳар бир тури учун муайян белгилар (асарлар ана шу белгиларга қараб бирмунча тартибга келтирилади ва кўп ҳолларда улардан цитата келтирилади) жорий қилинмаганда эди, адабиёт аллақачон китобхонлар фойдаланиши қийин бўлган бир нарсага айланиб қолар эди.

Матбуот асарларини тасвирлаш каталоглар, картотекалар ва библиографик кўрсаткичлар тузиш негизи эканлиги

«Матбуот асарларини тасвирлаш» деган термин кўп маъноли терминидир. Аввало у нацир тўғрисида баъзи бир зарур маълумотлар минимумини берадики, бу маълумотлар нашрнинг ўзида аниқ кўрсатилган ва қатъий тартиб билан жойлаштирилган бўлади. Тасвирлаш бу маънода кутубхона каталогларини, библиографик картотекалар ва кўрсаткичларни тузиш учун, шунингдек матбуот асарларини зарурият бўлган ҳамма жойда акс эттириш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари, «матбуот асарларини тасвирлаш» термини билан кутубхона ва библиография ишининг жараёнларидан бирини ва тегишли кутубхонашунослик фанини ифодалайдилар.

Тасвирлаш илмий ахборот элементларидан бири эканлиги

Илмий ходимларга ва мутахассисларга жуда кўп миқдордағи адабиёт билан танишишда тез ривожланаётган ва илмий ахборот деб ном олган амалий фаолият соҳаси ёрдам бериши керак. Ҳозирги илмий ахборот системаси реферат тарзидаги журнallар, экспресс-ахборот нашрлари, библиографик кўрсаткичлар ва маълумотномалар билан бир қаторда кутубхоналарнинг ҳамда илмий-техника ахбороти марказларининг картотекалари ва каталогларини ҳам ўз ичига олади. Кутубхона каталоглари, библиографик кўрсаткичлар ва турли картотекалар матбуот асарлари тўғрисида ахборот беришнинг, китобни пропаганда қилиш ва китоб ўқишига раҳбарлик қилишнинг энг эски ва кенг тарқалган воситаси ҳисобланади.

Босма маҳсулотнинг тўхтовсиз кўпайиб бораётганилиги ахборотнинг янги, тағин ҳам мукаммал воситаларини излаб топишни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда карточкини каталогларнинг имкониятларини кенгайтириши мумкин бўлган турли жиҳозлар, шу жумладан, электрон жиҳозлар ишлаб чиқилмоқда. Янги техника қўлланилган шароитда ҳам китобхон матбуот асарлари тўғрисидаги ахборотни уларнинг тасвирлари шаклида олади, деб ўйлаймиз.

Шунинг учун ҳам тасвирлаш ҳозирги вақтда кутубхоначилик ишидан ташқарида ҳам қўлланиш аҳамиятига эга бўлмоқда. Тасвирлаш илмий ахборотнинг муҳим элементларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Бу мулоҳазалар бизни тасвирлаш жараёнининг ўзига, бу жараённи амалга оширишда асос бўладиган қоида ва методларга алоҳида диққат-эътибор билан қарашга унダメоқда.

Матбуот асарларини тасвирилаш кутубхона ишининг асосий жараёнларидан бири ва кутубхонашунослик фани эканлиги

Кутубхонага олинган китоб, китоб токчасига қўйилишидан ва китобхонларнинг ихтиёрига берилишидан олдин, бир қанча мураккаб жараёнлардан ўтади. Бу жараёнларнинг йифиндиси «янги китобларнинг китобнинг кутубхонадаги йўли» ёки «китобни қўлдан ўтказиш йўли» деб аталади.

Китобни қўлдан ўтказиш жараёнлари қаторида тасвирилаш муҳим звено ҳисобланади. Бу, жуда масъулиятли ва кўп меҳнат талаб қиласидиган жараёндир. Бу жараён босма маҳсулотни ишлаб чиқариш асосларини яхши билишни, матбуот асарининг турини, унинг кимларга мўлжалланганинги тез ва тўғри аниқлай олишни, китобнинг ўзидан ёки библиографик манбалардан уни тасвирилаш учун зарур бўлган маълумотларни топиши ва бу, маълумотлар китобнинг фақат ташқи белгиларинигина эмас, балки унинг мазмунини ҳам тўғри ва етарлича даражада тўлиқ таърифлаб беришига ишонч ҳосил қилишни талаб этади.

Зарур бўлиб қолган тақдирда каталог тузувчи китоб тўғрисида етишмаган маълумотларни ўзи тузиши ва ёзib қўйиши лозим. Каталог тузувчи матбуот асарларини тасвирилаш вақтида унда бошқа матбуот асарлари тўғрисида библиографик маълумотлар бор-йўқлигини белгилаши, агар китобда камчиликлар бор бўлса, уларни аниқлаши, бу камчиликлар умуман бутун нашрғами ёки фақат тасвирилаётган нусхагами доир эканлигини белгилаб чиқиши лозим. Шу нарса тушунарлики, кўрсатилган бу ишларнинг ҳаммасини нашриётчилик ишининг ва полиграфия техникасининг ўзига хос хусусиятларини, эски матбуот асарларини тасвирилашда эса китоб тарихини яхши билган тақдирдагина бажариш мумкин.

Шу билан бирга буларнинг ҳаммаси тасвирилашнинг қандайдир ёрдамчи манбаларга ёки бошқа тасвириларга асосланиб эмас, балки китобнинг ўзига асосланиб тузилган бўлишини тақозо қиласиди. Мана шунинг учун ҳам кутубхона каталоглари учун тасвирилаш жараённи «де визу» (*de visu*), яъни китобни кўриб, уни кўздан кечиргандагина амалга оширилади. Библиографик кўрсаткичлар, сатрлар остидаги изоҳлар ва бошқа мақсадлар учун бўладиган тасвирилаш баъзан китобнинг ўзига асосланиб эмас, балки каталоглаштириш учун тузилган тасвир асосида бажарилиши мумкин, бу ҳол каталог тузувчининг тасвирини тўғри тузишдаги масъулиятини оширади.

Тасвирилаш, каталоглаштиришнинг бошқа жараёнлари каби, кутубхона каталогига мурожаат қилинмасдан тўла қонли бажарилиши мумкин эмас. Шу асарнинг илгариги нашрлари ёки мазкур авторнинг бошқа асарлари қандай тасвириланганини аниқлаш учун ва ҳар хилликка йўл қўймаслик учун каталог зарурдир.

Гасвирлаш жараёнининг қанчалик кўп меҳнат талаб қиладиган жараён эканлиги тўғрисида шу нарсадан ҳам хулоса чиқариш мумкинки, бир кишининг китоб тасвирлашдаги бир кунлик нормаси 50—70 номдан, айрим ҳолларда эса (чет тиллардаги китоблар, эски босма асарлар ёки камёб нашрлар) 20—30 номдан ошмайди.

Матбуот асарларини тасвирлашда каталог тузувчи маълум қоидаларга амал қиласдики, бу қоидалар матбуот асарларининг худди шу тури қаерда, ким томонидан ва қайси мақсадларда тасвирланганидан қатъи назар, уларни бир хил акс эттиришга ёрдам беради. Қоидалар умумий назарий принципларга таяниб ишлаб чиқилади, бу принциплар кутубхонашунослик фанининг, шунингдек, «матбуот асарларини тасвирлаш»нинг предметини ташкил қиласди.

Баъзан, тасвирлаш қоидалари ҳаддан ташқари мураккаб ва ортиқча тафсилотлар билан қийинлаштириб юборилган, дейдилар. Ватанимиздаги ва чет эллардаги кутубхонашуносликка доир адабиётда вақт-вақти билан мақолалар босилиб чиқарилади, уларнинг авторлари бир хилдаги нашрларни тасвирлашда ҳар хилликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини тўғри кўрсатиб ўтадилар, ҳозирги вақтда жуда кўп миқдорда чиқарилётган бир хилдаги босма маҳсулотлар ҳар хил тасвирланганини сабабли кўпинча уларни ўхшашлигини аниқлаш мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Аммо китобни тасвирлаш принципларининг тараққиёт йўллари ва қонуниятларини ҳамда унинг асосий қоидаларини билмаслик кўпчиликни хато хулосалар чиқарилади ва тасодифий тавсиялар берилишига олиб келятики, булар яна кўпроқ чалкашлик ва хилма-хиллик туғдирмоқда.

Кутубхоначилар ва библиографларнинг айрим қисми ўртасида матбуот асарларини тасвирлаш қоидалари шартли бўлиб, уларни ихтиёрий равишда ўзгартириш мумкин, деган хато фикрлар тарқалган.

Китоб тасвирлашнинг ҳозирги принциплари ва асосий қоидаларни кўп асрлар давомида қонуний тарэда қарор топиб келган. Бу принциплар ва асосий қоидалар маданият эришган катта ғалаба бўлиб, улар асосида жуда кўп миқдордаги матбуот асарлари билан танишишда ёрдам берувчи кутубхона каталоглари ва библиографик кўрсаткичлар системаси яратилган.

СССРда ва чет элларда китоб тасвирлаш тарихидан

Қадимги дунё, ўрта асрлар ва Ўйғониш даври

Китобни тасвирлашга бўлган талаб ёзма асарларнинг йирик тўпламлари пайдо бўлиши билан бир пайтда вужудга келган. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, одамзод китоб тасвирлаш бўйича кам деганда беш минг йиллик тажриба тўплаган. Қа-

димги Шарқ мамлакатларида каталоглар тұғрисида ўрганса бұлдиган оз сонли далиллар бундай каталогларнинг мавжуд бұлғанligini қайд қилишгагина имкон беради. Табиийки, ұша вақтдаги тасвиrlаш усуллари тұғрисида ҳам жуда умумий тахминларнигина айтиш мүмкін.

Сақланиб қолган каталоглардан әнг қадимийсі — Шумердаги лой тахтачада топилған ва эрамиздан аввалги 2000 йилга доир асарлар рўйхатидир. Ҳажми гугурт қутичасидан сал каттароқ бұлған бу кичкина тахтачанинг иккى томонида 60 дан зіёдроқ асарнинг номи ёзилған. Ұша вақтда асарларга сарлавҳа қўйилмаганлиги сабабли, текстнинг биринчи сатрлари ёзилар эди.

Эрамиздан аввалги VII аср ўрталарида ўтган Ассурия подшоси Ашшурбанипалнинг Ниневияда 100 мингга яқин асарни ўз ичига олған кутубхонасидаги тахтачаларда биз текстнинг охира берилған бир қанча библиографик маълумотларни топамиз: жумладан, сарлавҳа, тахтача ёки томнинг номери, кейинги тахтачадаги дастлабки сўзлар, асл нусха эгасининг номи, агар тахтача кўчирилған нусха бўлса, унда кўчирувчининг ҳам номи кўрсатилған. Турли текстларнинг кўпгина биринчи сатрлари ёзилған айрим тахтачаларни каталоглар сифатида ҳам қарашиб мүмкін.

Биз адабий манбалардан антик даврда катта китоб тўпламилари: шахсий кутубхоналар, мактаблар ҳузуридаги кутубхоналар ва бирмунча кейинроқ эса умумий тарзда фойдаланиш учун очилған кутубхоналар ҳам бўлғанлигини биламиз.

Афсуски, қадимги Греция ва Рим каталогларидан бирортаси ҳам бизнинг давримизгача сақланиб қолмаган.

Қадимги даврнинг әнг йирик кутубхоналаридан бирида, яъни эрамиздан олдинги III асрининг охирларида ташкил топған Александр кутубхонасида ярим миллиондан ортиқ папирус қозғоз ўралмаси тўпланған. Александр даврининг улуғ олими, шоирни ва библиографи Қаллимакнинг (эрамиздан олдинги 310—240 йиллар) номи бу кутубхона билан боғлиқ бўлиб, у тахминан эрамиздан олдинги 250 йилда «Билимнинг ҳамма соҳаларида шуҳрат қозонган қишиларнинг ва улар 120 китобда ёзган нарсаларнинг жадваллари»ни тузган, аммо бу жадваллар бизгача етиб келмаган. Бу асар тұғрисида антик давр ёзувчилари томонидан келтирилған бир неча цитата орқалигина тасаввурга эга бўлиш мүмкін. Ана шу цитаталар тасвиrlаш ҳамда ұша даврдаги каталог тузувчилар ва библиографлардан библиографик маълумотларни танлаб олиш методларини ойдинлаштириб беради. Адабиётни қидириб топиш учун шу масала юзасидан ёзған авторларни билиш кифоя қиласы деб ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам биринчи ўринга авторнинг номи қўйиларди. Авторнинг номи тахаллус билан берилған ёки чала завод кўчирувчи томонидан бузиб ёзилған бўлса, Қаллимак авторнинг ҳақиқий номини тиклашга интилған. Агар китоб бир неча сарлавҳага эга бўлса, улардан әнг тұғри ёзилгани ажратиб кўрсатилған. Кўл ёзмалар-

нинг бир хиллигини белгилашни осонлаштиromoқ учун, кўп асрлардан бері давом этиб келган ва бизнинг давримизгача сақланиб қолган усул қўлланган, яъни ҳар қайси асарнинг дастлабки сатрлари келтириб ўтилган. Имкони борича шу асарнинг ёзилган вақти ҳам аниқланган. Қўл ёзманинг ҳажми ўша даврнинг анъанасига кўра, сатрлар сонига қараб белгиланган, чунки папирус қоғоз ўралмасида варақларни ажратиб олиш қишин бўлган (ҳар бир ўралма ёпиширилган варақлардан ташкил топар эди).

Шундан кейинги асрларда каталогларнинг ривожланнishi ўрта асрлардаги Европанинг маданий тараққиёти хусусияти билан боғлиқ бўлган йўлдан борди. VI аср ўрталаридан бошлаб тез пайдо бўлган монастирлар китоблар тўплашнинг, кейинчалик эса уларни тайёрлаб чиқаришнинг ҳам муҳим марказларига айланиб қолди. Китоблар кўчирилишида катта меҳнат талаб қылганлиги ва пергаментнинг (қоғоз ўрнида ишлатилган тер) ниҳоят даражада қиммат турганлиги натижасида улар катта моддий бойлик ҳисобланиб, монастиръ мулкининг таркибий қисмларидан бирини ташкил қиласа ва шу сабабли қатъий равишда ҳисобга олинар эди. Бу ҳол, ўша узоқ даврлардаёқ монастиръ кутубхоналарининг инвентарь рўйхатларини тузиш заруриятини келтириб чиқарди. Рўйхатлар қисқа сарлавҳалардан иборат бўлиб, уларнинг айримларига авторларнинг номлари ҳам қўшилар эди. Ёзувларни жойлаштиришда ҳеч қандай тартибга рюоя қилинмасди. Китоблар кутубхонага олинган вақтига ёки уларнинг токчага жойлаштирилишига қараб ёзиб борилган бўлса керак. IX асрга оид баъзи бир каталогларда конволют¹ларнинг мазмуни уларга киритилган асарларнинг сарлавҳаларини санаб кўрсатиш йўли билан очиб берилар эди. XII асрга оид айрим каталоглардаги тасвирлар китобнинг биринчи томидаги, баъзан эса иккинчи томидаги дастлабки сўзларидан иборат бўлган. Бу усул маълум китобларни билиб олишни енгиллаштиришга хизмат қиласи, чунки айни бир асарнинг қўл ёзма нусхалари кўпинча бир-бираидан фарқ қиласа, китобнинг номи эса айрим ҳолларда йўқолиб борар эди.

XII асрнинг охиридан бошлаб Европада дастлабки университетлар пайдо бўлди. Оксфорд ва Париж университетларининг кутубхоналаридаги китоблар сони XIV асрга келиб бирмунча кўпайди. Бироқ университет кутубхоналарининг каталоглари сақланиб қолмаган.

Агар биз мамлакатимизнинг XI—XIII асрлардаги каталоглари тарихига мурожаат қиласидиган бўлсак, фақат тахминлар ва иккинчи даражали маълумотларга қараб иш кўришимиз мумкин, чунки Киев давлатидан бизга бирорта ҳам каталог наму-

¹ Конволют — битта муқова ичидаги бир қанча ҳар хил қўл ёзмаларни ёки мустақил нашр этилган, бу ўринда аллигатлар деб аталувчи матбуот асарларини бирлаштирадиган китоб.

наси етиб келмаган. Инвентарлари татарлар ҳужуми натижасыда вужудга келган күпдан-күп ёнғинларда нобуд бўлган ўша давр рус монастирларидағи китобларни тасвирилаш методикаси тўғрисида солномаларда бу китоблар ҳақидаги эслатмаларга қараб хулоса чиқариш мумкин. Бу методика Фарбий Европада қўлланилган тасвирилаш методикасидан фарқ қилмас ва айrim ҳоллардагина батафсил маълумотлар бериши билан ундан устунлик қиласар эди. Китобнинг ташқи кўринишини ва муқовасидаги безакларни тасвирилашга алоҳида аҳамият берилар эди.

XV асрда китобни тасвирилаш тараққиётида янги босқич боинланди, бунда Европанинг кўпчилик мамлакатлари Уйғониш даврига кирди, ана шу даврда фан, адабиёт ва санъат юксак даражада ривожланди. Ўша даврдаги каталогглаштиришни ривожлантиришдаги муҳим воқеа — аллақачонлардан бери мавжуд бўлган системали каталогга допр алфавит авторлик кўрсаткичининг пайдо бўлиши эди—бу алфавит каталог тузиш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Монастиръ кутубхоналарнинг айrim каталогида қисқача кириш мақолалари берила бошлади. Уларда баъзан тузувчи томонидан китобларни тасвирилашда татбиқ қилинган методика тўғрисидаги баъзи бир маълумотлар ҳам бўлар эди.

Босма китобларнинг пайдо бўлиши ва тез тарқалиши китобни тасвирилаш методикаси олдига бутунлай янги вазифалар қўйди. Энди алоҳида бир нусхани эмас, балки умуман нашрни аниқ таърифлаш, бирон бир асарнинг мана шу нашрни ўзга вақтда ёки ўзга жойда чиқарилган бошқа асарлардан ажратиб турадиган маълумотларни кўрсатиш зарурати туғилди. Бунинг учун тасвирилашга янги элементлар — нашр этувчиларнинг номларини, босмадан чиқсан жойи ва йилини киритиш талаб қилинарди. Бу талаблар биринчи навбатда босма китоблар нашр этиш ва китоб савдоси каталогарида ўз ифодасини тоиди.

Китоб тасвирилашнинг шундан кейинги ривожланиши швейцар олимни ва библиографи Конрад Геснер (1516—1565 йиллар) номи билан боғлиқ. Унинг «Умумий кутубхона» деган асари (1545 йил) латин, грек ва яхудий тилларида ёзилган китобларни ўз ичига олган бўлиб, илмий аҳамиятга эга бўлган биринчи универсал халқаро библиографияни яратишда дастлабки урниши эди. Геснернинг «Умумий кутубхона»сида берилган китоб тасвиirlари маълумотларнинг кўплиги ва библиографиясининг тўлиқлиги жиҳатидан ўз замондошлирини ҳайратга солди. У биринчилардан бўлиб ҳар бир китобдаги варақларнинг сонини кўрсата бошлади. Гарчи Геснер ўша даврнинг анъанасига кўра тасвиirlарни шахсий номдан бошлаган бўлса ҳам, у бундай ишнинг келтириб чиқариш мумкин бўлган ноқулайликларини биринчи бўлиб англаб, ўз асарининг биринчи томни охирида берилган авторларнинг алфавит кўрсаткичидаги шахсий номдан олдин фамилиясини кўйиб, сўзларнинг ўрнини алмаштиришни қўллади. Шу билан тасвирилашда автор сарлавҳасини қўйиш татбиқ этила бошланди.

Уша даврдаги рус библиографиясининг энг машхур ёдгорликларida ҳам тасвиrlаш принциплари қизиқарли бўлган. Шундай ёдгорликлардан бири Кирилло-Белозерск монастыридаги китобларнинг инвентарь рўйхати бўлиб, унинг биринчи қисми қўй ёзма китоблар рўйхатидан, иккинчи қисми йигирма бешта қўй ёзма тўплам мақолаларига берилган аналитик тасвиrlардан иборат. Китобларнинг тасвиrlарида уларнинг формати тўғрисидаги маълумотлар, айrim вақтда эса унинг ёзилган вақти ҳам берилади, китоб қандай материалдан тайёрланганлиги, конволютлар учун эса, биринчи асарнинг номи кўрсатилади. 1584 йилда Вологда Спасо-Прилуцск монастырининг китоб сақловчisi Арсений Високий томонидан тузилган «Указец из всех четыех книг и из соборника слова» деган библиографик асар ҳам тасвиrlаш нуқтаи назаридан бирмунча диққатга сазовордир.

XVII—XVIII асрларда китоб тасвиrlаш

XVII асрда фаннинг ва китоб нашр этиш ишининг янада ривожланиши Фарбий Европа кутубхоналаридаги фондларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳол ўз навбатида бир қатор чет эл кутубхоначиларини каталоглар тузиш ва китобларни тасвиrlашга доир назарий масалаларни ишлаб чиқишга олиб келди. Бодлеян (Буюк Британия) кутубхонасининг босма каталогларida университет ва колледжларнинг чиқарган асрлари шу ўкув юртларпнинг номлари билан тасвиrlанганини учратамиз.

Рус монастирларидаги китобларни тасвиrlаш техникаси XVII асрдаги ёдгорлик — ватанимизда тузилган илк йиғма каталоглардан бири бўлган «Описи книг степенных монастырей» деб аталмиш каталогда анча ривожлантирилган. Шуниси характерлики, унда кўрсатилган китоблар тасвири гарчи ўзи тузилган манбаларни такрорласа-да (яъни монастирларнинг ўзига тааллуқли инвентарь рўйхатлар бўлса-да), маълум дараҷада бир хилдир. Бу, ўша даврдаги библиография ишида бир қадар бўлса ҳам умумийлик қарор топганлигидан далолат беради. Тасвиrlашда элементларни жойлаштиришдаги изчилиллик ҳамма ўринда ва ҳамма вақт ҳам сақланган эмас, лекин шунга қарамай тасвиrда маълум дараҷада стабиллик борлигини аниqlаш мумкин: китобнинг номи, унинг ҳажми, қандай материалдан тайёрлангани, муқовасининг сифати, қатрлар ёки бобларнинг сони, тўпламларда эса биринчи асарнинг дастлабки сўзлари ёки сарлавҳаси кўрсатилган.

Ўн саккизинчи аср китоб тасвиrlаш назарияси соҳасига ҳеч қандай муҳим янги foялар киритмади, бироқ илгари истак тариқасида билдирилган кўпгина фикрлар худди шу даврда амалга оширилди. Кутубхона каталоглари фақат инвентарь рўйхатга олиш вазифасини бажариши узил-кесил тўхтатди ва

кутубхонада китобларни қидириб топишнинг асосий воситаларидан бирига айланди. Кўп миқдордаги босма каталоглар пайдо бўлди, уларнинг кўпчилигида тасвиirlар авторлар ва сарлавҳанинг алфавити бўйича жойлаштирилган эди. Асарларни авторнинг фамилияси остида (шахсий номнинг ўрнини алмаштириш билан) акс эттириш ва китобнинг номини титул ваарақ бўйича аниқ ифодалаш умумий-мажбурий норма деб эътироф қилини бошлади. Одатда, тасвиirlарда китобнинг формати, унинг нашр этилган жойи ва йили кўрсатиларди; нашр этувчининг ва баъзан эски анъанага кўра китобни кутубхонага ҳадя қилувчининг исми ҳам келтириб ўтилар эди.

Россияда Пётр Биринчининг ислоҳотларидан кейин ма-даниятнинг тез ўсиши билан нишонланган XVIII аср китоб нашр этиш ва кутубхоначилик ишининг кескин юксалиш даври ҳам бўлди. 1728 йилда Фанлар Академиясининг кутубхонаси умумий равишда фойдаланиш учун очиб қўйилдики, бу жиҳатдан Франция миллий кутубхонасидан ўн йил ва Британия музейидан йигирма йил ўзиз кетилди. Россияда китобларнинг дастлабки босма каталогларини нашр этиш Фанлар Академиясининг кутубхонаси билан боғлиқdir. Бу каталоглардан бирпи, яъни «Камерний каталог» номини олган каталог, рус каталогглаштириш ишида муҳим босқич бўлди. Унда ифодаланган тасвиirlар ўзининг жуда аниқлиги билан ажralиб туар ва, одатда, авторнинг қаратқич келишигидаги исми ва фамилиясидан бошланар, кейин китобнинг номи, кичик сарлавҳалар, нашр этилган жойи ва йили кўрсатилар эди.

XVIII асрнинг охиirlарида кутубхоначилик иши тарихида Франция буржуа революцияси билан узвий боғлиқ бўлган жуда улкан воқеа рўй берди: тарихда биринчи марта 10 миллион томдан ортиқ ғоят катта китоб бойликлари миллат мулкига айланди. Революцион ҳукумат национализация қилинган китоб фонdlарини тартибга солиш йўлидаги актив фаолиятини кучайтириб юборди. Энг муҳим тадбирлардан бири сифатида китобларнинг йигма алфавит каталогини тузиш мўлжалланган эди. Жойларда каталог учун тасвиirlар бир хилда тузилишини кўзда тутиб, 1791 йилда каталогглаштиришга доир инструкция юборилди, бу инструкция каталогглаштириш қоидаларининг биринчи миллий тўплами бўлди. Унда тасвиirlashга китобнинг титул ваарақдаги тўлиқ сарлавҳаси, авторнинг исми ва фамилияси, нашр этилган жойи, нашр этувчи, китобнинг нашр этилган йили ва формати, томларнинг миқдори, шрифтнинг характеристи, қофоз ва муқованинг сифати, расмлар ва карталарнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни қўшиш кераклиги ёзиб қўйилган эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, тасвиirlash биринчи марта карточкали каталог учун мўлжалланган эди. Луғатлар тузишида кўпдан бери қўлланнилиб келаётган карточкалар бу даврга келиб библиографлар учун расм бўла бошлаган эди. Уларни

библиографияда қўлланишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини аббат Розье унчалик катта бўлмаган махсус библиографияга ёзилган сўз бошида асослаб берган¹. Кутубхона фондларининг тез ўсиши китоб шаклида каталоглар тузишни қийинлаштирар эди. Янги олинган китобларни ўз вақтида ва каталог структурасини бузмасдан акс эттиришга имкон берган карточкали каталогларнинг афзаллигини кўп мамлакатларнинг кутубхона-чилари секин-аста тушуниб олдилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида китоб тасвирилаш назарияси

XIX асрда илмий-тадқиқот ишларининг ўсиб бораётган таблари билан олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари учун тобора кўпроқ зарур бўлиб турган энг катта кутубхоналар каталогларининг мутлақо қониқарсиз аҳволда бўлиши ўртасидаги номувофиқлик кутубхоначилар ва библиографларнинг энг малакали қисмининг диққат-эътиборини каталогглаштириш проблемаларига жалб этди. Китобни тасвирилаш принципларини ишлаб чиқиш борган сари ижтимоий характер касб эта бошлади. Катта кутубхоналарнинг каталоглари кўпчилик кутубхоначиларнинг коллектив куч-ғайрати билан тузилади, каталогглаштириш методикаси эса, китоб тасвирилашни ҳам қўшганда, жиддий мунозаралар олиб боришига сабаб бўлади. Бир қатор мамлакатларнинг кутубхоналарида инструкциялар тузиш билан бирга ўтган бундай муҳокамалар умуман каталогглаштириш назариясини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эди. Бу аввало XIX асрнинг биринчи чорагида Россиядаги каталогглаштириш ишларига тааллуқли бўлиб, мазкур ишлар Петербург Халқ кутубхонасида каталоглар тузилганлиги билан боғлиқ эди.

Бу, Россиядаги биринчи миллий кутубхона эди. Ўша вақтда катта фонд бўлган 250 минг том ва кутубхона олдига қўйилган масъулиятни вазифалар яхши каталоглар тузилишини талаб қилиарди. Каталоглар тузиш юзасидан айниқса 1808 йилдан бошлаб самарали иш олиб борилади, бу вақтда А. Н. Оленин кутубхона бош директорининг ёрдамчиси, кейинчалик директори қилиб тайинланган эди. У китобларни классификация қилиш схемасини, китобларни тасвирилаш ва каталоглар тузиш қондадарини яратган. Бу қондадар 1809 йилда «Опыт нового библиографического порядка для Санкт-Петербургской императорской библиотеки» («Санкт-Петербург император кутубхонаси учун янги библиографик тартиб тажрибаси») деган ном билан эълон қўлининган эди. Бу асарнинг «О составлении книжных списней

¹ Nouvelle table des articles contenus dans les volumes de l'Academie Royale des Sciences de Paris 1666 jusqu'en 1770., Paris, 1775.

или каталогов» («Китоб рўйхатлари ёки каталогларини тузиш тўғрисида») деган учинчи бўлими Россияда китоб тасвирилаш соҳасидаги биринчи босма инструкция бўлиб қолди. А. Н. Оленининг каталогглашириш тўғрисидаги қоидалари рус китоб тасвирилаш назариясини ривожлантиришда маълум бир босқич бўлди. Бу қоидаларда тасвирилаш элементларининг таркиби ва тартиби белгилаб берилган, биринчи ўринга авторнинг номи қўйилган, шунингдек тасвирилашда қўлланиладиган ёрдамчи белгилар системаси пухта ишлаб чиқилган. Ўн йил давомида шу қоидаларга асосан карточкали каталоглар тузиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилди.

1818 йилда каталогларнинг ўзини тузишни бошлишга қарор қилинді. Бундай масъулиятли ишни бошлишдан олдин каталоглаширишнинг, шу жумладан китобни тасвирилашнинг асосий масалаларини мұхокама қилиб чиқиш талаб этилар эди. А. Н. Оленин кутубхоначиларга ўн бир саводдан иборат анкетага ёзма равишда жавоб беришни таклиф қилди. Анкетага жавоб берган ва кейинги мунозараларда иштирок этган Халқ кутубхонасасининг штатдаги ва фахрий кутубхоначилари орасида XIX аср рус маданиятининг атоқли арбобларидан: шарқшунос ва нумизмат Х. Д. Френ, эллинист профессор Д. П. Попов, филолог-славяншунос А. Х. Востоков, танықли ёзувчилар Н. И. Греч ва М. Н. Загоскин, улуғ рус масалчиси И. А. Крилов, машҳур библиографлар В. С. Сопиков ва В. Г. Анастасевич ҳамда бошқалар бор эди. Шундай катта бир гуруҳ кўзга кўринган маданият арбобларининг каталоглаширишга доир маҳсус масалаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланиши каталоглашириш тарихидаги бирдан-бир воқеа бўлса керак. Шунинг учун ҳам анкета материаллари бизни жуда қизиқтиради.

Шу нарса жуда муҳимки, ҳамма кутубхоначилар каталогнинг вазифаси — китобхонларнинг кутубхонадаги китобларни топишини осонлаширишдан иборат деб ҳисоблашарди. Тасвирилаш элементларининг таркиби ва тартибига келганда эса, ҳамма қўйидаги тартибни маъқуллаган: китобнинг сарлавҳаси, автор, таржимон, шарҳловчи, нашр этувчи ва, босмахона ходимининг номи, нашр этилган жойи ва йили, формати, томлар ва қисмлар сони. В. Г. Анастасевич қўшимча равишда китоб бетларининг сонини ҳам кўрсатишни таклиф қилган.

Кўпгина кутубхоначилар тасвирилашда китобнинг титул варанини асос сифатида қабул қилиш билан бирга, тасвирилашга юзаки қарашни қоралашар, ҳамма маълумотларни аниқ кўчириш зарурлигини инкор қиласар эдилар. Уларнинг кўпчилиги айрим сарлавҳаларнинг жуда узунлигини ва китобнинг мазмунини тушунишни қийинлаштиражагини ҳисобга олиб, уларни ўз ихтиёлари билан қисқартириб ёзишни таклиф қиласар эдилар. Бошқа кутубхоначилар сарлавҳаларни ихтиёрий равишда қисқартириш нашрларни ажратиб олишни қийинлаштиришдан қўрқиб, фақат айрим ортиқча «сўзлар»ни: авторларнинг ун-

вонлари, мансаблари ва насл-насаби, уларнинг вазифалари, шунингдек «фойдасиз» сифат ва тушунирувчи маънодош сўзларни тушириб қолдиришин таклиф қилишарди. Ўйрим хатларда баъзи бир машҳур номларни ва кўп-кўп учрайдиган сўзларни бир хилда қилиб қисқартириш тавсия қилинар эди.

Кутубхоначиларнинг жавобларида автор сарлавҳасини қўлланиш методикаси янада ривожлантирилди. Кутубхоначилар авторнинг номини (бу ном тасвирларни жойлаштиришда белгиловчи аҳамиятга эга бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар) тасвир бошида кўрсатишнинг муҳим эканлигини тушунганлари сезилиб турарди. В. Г. Анастасевич алфавит каталог учун автор сарлавҳасини ёзиш қоидасини мукаммал кўриб чиқди. У рус ва латин графикаси учун иккита алфавит қатор тузиш зарурлигини асослаб берди, ажнабий тилдан рус тилига таржима қилинган асарлар авторларининг фамилиясини икки шаклда — рус тилидаги транскрипциясида ва авторнинг она тилида кўрсатишни таклиф қилди.

Каталоглар тузиш юзасидан ўтказилган мунозараларнинг ва олиб борилган самарали ишларнинг натижалари «Правила для составления каталогов императорской Публичной библиотеки по азбучному порядку. Мая, 29 дня 1819» («Император Халқ кутубхонасининг каталогларини алфавит тартиби бўйича тузиш учун қоидалар. 1819 йил майнинг 29 куни») (Спб., 1819, 15-бет) номли босма инструкцияда ўз ифодасини топди. Бу қоидалар ўз даврида китобни тасвирлаш принципларига катта таъсир кўрсатди. Бу қоидаларда фикрлар биринчи марта жуда аниқ ифодалаб берилган эди, кейинчалик улар Европа миқёсида ҳамма томонидан қабул қилинган фикрлар бўлиб қолди. Бу, аввало автор сарлавҳаси принципига тааллуқлидир. Авторнинг фамилияси ва исмени инструкцияда тасвирнинг бошланишида бош келишикда ёзиш тавсия қилинади. Ҳатто авторнинг фамилияси ва исми сарлавҳага кирмаган ҳамда титул варақда умуман эслатиб ўтилмаган, бағищловнинг ёки сўз бошининг охирида кўрсатилган ҳолларда ҳам, бу қоида ўз кучида қолаверади. Бунда авторнинг фамилияси ва исми тасвир текстининг ўзида бошқа тақрорланмайди.

Автори кўрсатилмай нашр этилган китобларни тасвирлаш қоидалари уччалик муваффақиягли ишлаб чиқилмаган. Бу китоблар сарлавҳа остида тасвирланган, лекин инверсияни қўлланиш, яъни сарлавҳадаги сўзларнинг ўрнини алмаштириш тавсия қилинган эди. Биринчи ўринга асарнинг «тури»ни, яъни адабий жанри, нашрнинг хили ёки фан соҳасининг номини чиқариш таклиф қилинган эди. Агар сарлавҳада асарнинг «тури»ни белгилаб берувчи сўз бўлмаса, тасвир от сўз туркумидаги биринчи сўз тагида тузилган, иккинчи ўринга эса характеристерли бўлмаган сифатлар, сонлар ва олд кўмакчилар ўтказилган. Бу қоидалар бўйича ёзилган сарлавҳаларни идрок қилиш қанчалик қийин бўлганини қуйидаги мисоллардан кўришимиз мумкин:

«Изъяснение (математическое краткое) землемерия межевого» ёки «Металлургии (первые основания) или рудных дел».

Келиб чиқиши жиҳатидан чет тилига хос бўлган сўзларни бир хилда ифодалашни ва сўзининг рад қилинган шаклидан мисоллар ишлатишни талаб қилишни сарлавҳа остида тасвирлаш қоидалари соҳасида эришилган ютуқ деб ҳисоблаш керак.

Каталоглаштириш тўғрисидаги инструкция нашрдан чиқиши билан каталогларнинг ўзини тузиш бошланди. Қитоблар даставвал карточкаларда тасвирланиб, кейинчалик улардан китоб шаклидаги қўй ёзма каталогларга кўчирилар эди. Гарчи карточкалар каталоглар тузишда оралиқ звено бўлиб хизмат қилган бўлса-да, улар кейинчалик рус кутубхоналарининг карточка шаклидаги каталогларга ўтиб боришида катта роль ўйнади.

Ватанимизда қарор топган китоб тасвирлаш принципларининг ривожланиш тарихидаги муҳим давр ҳалқ кутубхонасининг (1820 йил) каталоглари билан боғлиқдир. «Рус тилидаги китоблар каталоги»да бир неча китобларнинг тасвири берилган бўлиб, улар ана шу китобларни нашр этган муассасаларнинг номлари билан аталган. Энг характерли мисоллардан бири иккинчи томда учрайди,— бунда Фанлар академиясининг икки нашри ва Россия академиясининг уч нашри бир жойда «Академия» сўзи остида тўпланган. Бундай мисол яккаю ягона эмас. «Инглиз тилидаги китоблар каталоги»нинг тарихи бўлимида инглиз парламентининг материаллари “Parliament”, деган ном остида тасвирланган; Ҳалқ кутубхонасининг китобхонлар талаби билан берилган китобларнинг авторлик кўрсаткичидаги И. А. Крилов 1814 йилдаёқ Москва диний академиясининг олтига номсиз нашри тасвирини «Академия московская» деган ном остида ва Харьков университетининг икки нашри тасвирини унинг номи остида тўплаган. Бу практика ватан китоб тасвирлаш ишида энг замоний принциплардан бирининг вужудга келишини— каталогларда айрим нашрларни уларни нашр этган муассасалар номи билан акс эттиришни ёки бошқача қилиб айтганда, коллектив автор номи остида тасвирлашни олдиндан пайқаган эди.

Москва университети Кутубхонасида «икки» хил каталог— алфавит ва системали каталогларнинг тузилиши ва бу каталоглар тўғрисида кутубхона директори Ф. Ф. Рейсс (1778—1852 йиллар) томонидан «Расположение библиотеки императорского Московского университета» («Император Москва университети кутубхонасининг тутган ўрни») деган китобда (М., 1826) эълон қилингандай низом рус китоб тасвирлаш назарияси ва практикасининг қўлга киритган катта ютуғи бўлди. Ватанимизда тузилган илгариги каталогларда бўлгани каби, Рейсс каталогларида ҳам, фамилия ва исм ўрнини алмаштирган ҳолда автор сарлавҳасини бериш қўлланилади, аммо келишик ўзgartирилмайди (яъни аксарият қаратқич келишигига берилади).

Каталоглаштириш соҳасида Ф. Ф. Рейсс фаслиятининг эҳамияти шундаки, у йирик илмий кутубхонанинг амалий ишида қўл ёзма каталоглар билан бир қаторда босма варақлар (ҳозирги босма карточкаларнинг тимсоли)ни қўлланиш билан варақли каталогнинг (ҳозирги карточкиали каталогга ўтиш йўлидаги шакллардан бирининг) афзаллигини исботлаб кўрсатди ва бу ишни эълон қилинган асарида асослаб берди. У шунингдек Халқ кутубхонасида илгари сурилган ғояни, яъни каталогда китобнинг шифрини кўрсатиш ғоясини ҳам амалга оширдики, бу ҳолни унинг замондошлари ижобий баҳоладилар.

Гарбий Европада китобни тасвирлаш ва алфавит каталог тузиш назарияси инглиз кутубхоначиларнинг Британия музейи кутубхонасининг каталоги тузилиши муносабати билан амалга оширган ишларида янада ривожлантирилди. Бу соҳада шу кутубхона директори А. Паниццининг (1797—1879 йиллар) хизмати каттадир, у кутубхона босма каталогининг биринчи томига «Британия музейи босма китобларининг каталогини тузиш қоидалари» (1841 йил) номи билан инструкция киритган эди. Паницци «қоидалари» ўша даврда китобларни тасвирлаш бўйича жуда батафсил ишлаб чиқилган инструкция бўлиб, унда китобни тасвирлаш принциплари бутунлай алфавит каталог вазифалари билан боғлиқ қилиб қўйилган. Фақат угина алфавит каталогнинг иккита вазифасини жуда аниқ ифодалаб бердики, булар бизнинг давримизда ҳам асосий вазифалар ҳисобланади, у ҳам бўлса: кутубхонада маълум бир китобнинг бор-йўқлигини кўрсатиш ва бир авторнинг кўпчилик асарларини, шунингдек муайян бир асарнинг ҳамма нашрларини ва таржималарини умумий шаклдаги ном остида бир жойга тўплаш вазифаларири. Бу инструкцияда айрим нашрларни муассасаларнинг номи (коллектив автор номи) остида тасвирлаш принципини биринчи марта назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш бошлаб берилди; бунга қадар мазкур принцип фақат аҳён-аҳёндагина татбиқ қилинар эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср бошларида китоб тасвирлаш назарияси

XIX асрнинг иккинчи ярми Россияда китоб тасвирлаш назариясида эришилган янги ютуқлар билан ва бу назариянинг асосий принципларини такомиллаштириш билан нишонланган эди. 1859 йилда атоқли рус кутубхонашуниси, Петербург Халқ кутубхонасининг кутубхоначиси В. И. Собольщиков (1813—1872 йиллар) кутубхоначилик иши бўйича «Об устройстве общественных библиотек и составлении их каталогов» («Жамоат кутубхоналарини ташкил қилиш ва уларнинг каталогларини тузиш тўғрисида») деган қўлланмасини чиқарди. Унда кутубхоначилик ишининг илфор методлари, фан ва маданият эҳтиёжларига кенг хизмат қилиши лозим бўлган кутубхонанинг янги

вазифалари билан боғлиқ бўлган методлари ҳимоя қилинган эди. Бу асар каталогглаштириш бўйича ватанимизда чиққан биринчи инструкция бўлиб, кутубхоналарнинг кенг доираси фойдаланиши учун мўлжалланган эди. Шу билан бирга у каталогглаштириш ва айниқса китоб тасвирилаш соҳасида Халқ кутубхонаси тўплаган ярим асрлик тажрибанинг умумлаштирилиши эди.

В. И. Собольщиков кутубхона фондларини каталогларда очиб беришга катта аҳамият берар эди. У китобхон бутун кутубхонани кичик шаклда кўра оладиган ўзига керакли ҳамма нарсанни, кичик брошурагача қараб чиқа оладиган каталоглар тузишга интилди. У тасвири ҳосил қиласидан зарур маълумотлардан қўйидагиларни кўрсатди: агар маълум бўлса, авторнинг исми ёки сарлавҳанинг асосий сўзи, сарлавҳа тексти, нашр этилган жойи, босмахонаси, нашр этилган йили, формати, томлар сони, шунингдек бетлар сони (рим ва араб рақамлари қўйилган бетлар глоҳида ва рақамланмаган бетлар), гравюралар, карталар, планлар ва шу кабилар сони ҳамда китоб шифри В. И. Собольщиков, китобни тасвирилаш вақтида фақатгина титул ва раққагина эмас, балки умуман бутун китобга асосланиш зарур, деб хисоблаган. Бундан ташқари, кутубхоначи, унинг фикрича, тасвирилаш учун етишмаган маълумотларни библиографик манбалардан қидириб топиши лозим. В. И. Собольщиков автор сарлавҳасини белгилашга айниқса катта эътибор берар эди. Автори номаълум (яъни автори кўрсатилмасдан нашр қилингай) китобларни эса у сарлавҳадаги бош келишикда қўлланилган биринчи от сўз остида, агар бундай от бўлмаса, биринчи сўз остида тасвирилашни тавсия этган.

Ярим аср давомида Халқ кутубхонасида кутубхоначи бўлиб ишлаган машҳур рус танқидчisi, публицист ва олим В. В. Стасовнинг (1824—1906 йиллар) китоб тасвирилаш тўғрисидаги фикрлари анча қизиқиш туғдиради. У «Записка об изменении некоторых правил относительно ведения систематического каталога» (Систематик каталогни юргизиш ҳақидаги баъзи бир қоидаларни ўзgartириш тўғрисида қисқача баёнот) (1874 йил) номли эълон қилинмаган асарида тасвирилаш китобнинг «характери» ва «асосий мазмунни» тўғрисида тасаввур беришини талаб қилган, шу билан бирга каталог бўйича китобларни идентифиқция қилиш (ўхшатиш) зарурлигини ҳам эсдан чиқармаган.

Ўтган асрнинг охирларида ватанимизда эълон қилинган баъзи бир асарларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Бу, биринчи навбатда, А. А. Борзенконинг Демидов юридик лицейи кутубхонаси учун тузилган «Китоб каталоглари» китоби бўлиб, унда каталог учун ҳар хил авторларнинг асарларидан иборат тўпламлардан айрим мақолаларни кўчириб ёзиш тавсия этилган эди. Аналитик тасвирилаш методикаси атоқли рус библиографи В. И. Межов (1831—1894 йиллар) томонидан «Практические советы начинающим заниматься библиографией» («Библиография билан шуғулланишни бошловчиларга амалий маслаҳат-

лар») номли мақолада баён қилинган, унда журнал ва газеталардан олинган мақолаларни тасвираш қоидалари ҳам қараб чиқилган эди.

ХХ асрнинг революциядан олдинги йиллари Россияда каталогаштириш ишлари соҳасида унчалик самараали йиллар бўлгани йўқ. 1901 йилда машҳур библиограф А. Д. Тороповнинг «Опыт руководства к подробному описанию книг...» («Китобларни батафсил тасвирашга доир қўлланма тажрибаси...») деган асари нашр этилди. Бу асарнинг аҳамияти фақат шундан иборатки, унда тасвиринг охирида китобнинг қисқача мазмуни баён қилинадиган аннотация берилиши ва китобга ёзилган рецензиялар кўрсатилиши тавсия қилинган эди. Тасвираш методикасига келганда эса, А. Д. Тороповнинг тавсиялари ватанимизда китоб тасвираш соҳасида эришилган ютуқларга нисбатан бир қадам орқага чекиниш эди ва чет эл мамлакатларининг тажрибасини бутунлай инкор қиласади. Бу асар Ю. Битовтнинг «Руководство к библиографическому описанию книг» («Китобларнинг библиографик тасвирига доир қўлланмана») (М., 1902) китобида қаттиқ танқид қилинган.

Халқ кутубхоналари учун тузилган ва амалга оширилмаган тасвираш қоидалари лойиҳаси назарий жиҳатдан бир қадар аҳамиятга эга бўлиб, «Нормальный план постановки библиотечной техники в небольших библиотеках» («Кичик кутубхоналарда кутубхона техникасини йўлга қўйишинг нормал пла-ни») га киритилган ва 1911 йилда кутубхоначилик иши юзасидан ўтказилган I Бутуироссия съездидаги муҳокама қилинган. Бу лойиҳанинг аҳамиятини белгилаб берган қиммати — автори, кўрсатилмаган асарларни сарлавҳасининг биринчи сўзи остида тасвираш тўғрисидаги таклиф бўлди. Шундай қилиб, бу лойиҳада рус китоб тасвираш ишида автори кўрсатилмаган асарларни сарлавҳадаги биринчи от остида акс эттириш соҳасида одат бўлиб қолган анъана инкор қилинди. Давлат думасининг кутубхоначиси А. М. Белов томонидан унинг «Правила составления каталогов алфавитного, систематического и предметного» («Алфавит, систематики ва предмет каталогларини тузиш қоидалари») (Пг, 1915) асарида чет эл тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилиб кўрилган эди. Бу асарда китобларни тасвираш қоидаларидан ташқари, матбуот асарининг бошқа турларини — вақтли нашрларни, географик карталарни, музика ноталари ва тасвирий график асарларни тасвираш маълум бир тартибга солинган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чет элда ҳам китоб тасвирашнинг асосий принципларини аниқлаш ва ифодалаш юзасидан самараали ишлар олиб борилди.

Атоқли Америка кутубхоначиси Ч. Кеттер (1837—1903 йиллар) янги foяларни аниқ ва равшан ифодалаб берди: «Энди ҳамма қоидалар,— деб ёзган эди у,— икки асосий принципга олиб келиши мумкин: биринчи принцип шундан иборатки, ки-

тоблар автор номи остида ёки (тўплам бўлса) редактор, ёки уларни нашр этишга жавобгар бўлган муассаса номи остида тасвирланиши лозим; иккинчи принцип шундан иборатки, агар автор, редактор ва муассаса номаълум бўлса, сарлавҳа ўрнига сарлавҳанинг артикли ёки олд қўшимчаси бўлмаган биринчи сўзи танланади¹.

Америка кутубхоначилари томонидан китоб тасвирлаш масалаларининг муввафкациятили ишлаб чиқилиши XX аср бошлирида инглиз-америка инструкцияси деб аталган инструкциянинг яратилишига олиб келди, бу инструкция кейинчалик кенг миқёсда тарқалди. Инглиз-америка инструкциясининг муҳим томонлари — тасвирнинг колектив автор номи остида берилишини қўллаш ва сарлавҳа остидаги тасвирларни алфавит қаторда жойлаштиришнинг оддийлигидир. Бу инструкция Пруссия инструкцияси деб аталган инструкцияда ўз ифодасини топган Европа каталогглаштириш анъаналарига зид эди.

Пруссия китоб тасвирлаш системаси ҳозир ўз аҳамиятини ўйқотган бўлса ҳам, иккита характерли хусусияти билан: «автор» тушунчасини тор маънода талқин қилиш ва автори кўрсатилмаган асарларни тасвирлашнинг ўзига хос методикаси билан фарқ қиласди. Автор деганда, бевосита китобни ёзган шахс тушунилади. Бу ҳолда тузувчилар ва китобни яратишида иштирок этган бошқа шахсларнинг номини автор сарлавҳасига чиқариш инкор қилинади, шунингдек муассаса (коллектив автор) номи остида тасвирлаш принципи ҳам рад этилади. Муассаса ва ташкилотларнинг нашрлари автори кўрсатилмаган асарлар қаторига киради, бу ҳол сарлавҳа остида тасвирлашни кенг қўлланишга интилишни кучайтиради. Автори кўрсатилмаган асарларни грамматик жиҳатдан мустақил бўлган биринчи от остида бош келишинда тасвирлаш тавсия қилинади. Пруссия каталогглаштириш системаси тавсия этган ўсуллар прогрессив усуllар бўлмагандиги сабабли бизнинг даври-мизда оммалашиб кетмади.

Совет китоб тасвирлаш назариясининг ривожланиши

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ватанимиз китоб тасвирлаш назариясининг ривожланишида бурилиш палласи бўлди. Гражданлар уруши тамом бўлгандан кейин китоб тасвирлаш масалаларини планли ва коллектив тарзда ишлаб чиқиш бошланди, буни фақат Совет давридагина амалга ошириш мумкин бўлди. СССРда каталогглаштириш ишларининг бошланишиданоқ давлат китоб тасвирлаш қондалари тўпламини тузиш тўғрисида кўрсатма олинган эди. Совет кутубхоначилари чет эл тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини кенг му-

¹ C. A. Cutter, The new catalogue of Harvard College Library.— „North American review“, 1869, № 108, p. 102—104.

хокама қилиб, миллий анъаналарга, рус тилининг ўзига хос хусусиятларига ва совет босма маҳсулотининг хислатларига таянишга интилар эдилар.

1922 йилдан матбуот асарларини тасвирилаш давлат қоидаларини коллектив равишда ишлаб чиқиш ҳаракати бошланади. Петроград ва Москвада каталогаштириш комиссиялари тузилади. Давлат халқ кутубхонасининг Олий кутубхонашунослик курслари ҳузуридаги ва Мактабдан ташқари таълим институтининг (ҳозир Н. К. Крупская номидаги Ленинград давлат маданият институти) китоб-кутубхоначилик факультети ҳузуридаги Петроград комиссиялари ўз олдига чекланган вазифани — келгусидаги каталогаштириш инструкцияси учун материаллар тайёрлаш вазифасини қўйган эди.

Бу нарса 1925 йилда эълон қилинган «Алфавит каталог тузиш учун асосий қоидалар»да кўриндики, бу қоидаларга яни методлар катта ишончсизлик билан киритилган эди. Алфавит каталог учун тасвирилашда биринчи сўз тариқасида муҳим бўлган сўзни ёзишни рад қилиб, бу қоидалар шу методни системали ва предмет каталогларда сақлаб қолишини кўзда тутар эдилар, коллектив авторлик принципи эса уларда алфавит каталогга доир маҳсус кўрсаткич тузиш учун ёрдамчи метод сифатидагина эътироф қилинар эди.

Румянцев музейи Кутубхонасининг (ҳозир В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси) Кутубхонашунослик кабинети (кейинчалик Институти) ҳузурида профессор А. И. Калишевский, кейинроқ Г. И. Иванов раислигида тузилган Москва каталогаштириш комиссияси ўз олдига анча аниқроқ вазифани — каталогаштириш юзасидан давлат инструкциясини тузиш вазифасини қўйган эди. Машҳур совет кутубхонашуноси Л. В. Трофимов (1885—1958 йиллар) 35 йил давомида бу комиссиянинг жуда фаол аъзоларидан бири бўлди.

Комиссиянинг биринчи совет давлат инструкциясини ишлаб чиқиш соҳасида олиб борган иши совет кутубхоначилари ва библиографларининг китоб тасвирилаш масалаларига, хусусан, коллектив автор номи остида тасвирилаш методига қизиқиши ниҳоятда ортган бир шароитда ўтди. Коллектив авторлик принципига алоҳида эътибор берилаётганига сабаб шу эдикি, планли социалистик хўжаликка асосланган совет давлати шароитида ташкилот ва муассасаларнинг расмий нашрлари тобора кўпроқ аҳамият касб этаётган эди. Бу принципни ҳаётга татбиқ этишда ва унинг методикасини ишлаб чиқишида РСФСР Давлат марказий китоб палатаси (ҳозир Бутуниттироқ китоб палатаси) муҳим ижобий роль ўйнади. Китоб палатаси томонидан нашр этилиб турган «Китоб йилномаси»да 1923 йилдан бошлаб тасвирилашни коллектив автор номи остида бериш қўллана бошлади, 1925 йилда эса, профессор Е. И. Шамурин (у ўша вақтда Китоб палатасининг редакция бўлимига мудир эди) «Каталография» деган асарида ватанимиз адабиётида биринчи марта бу прин-

цини асослаб берди. У таклиф қилган методиканинг күп қоидалари узил-кесил таҳрир қилиниб, ҳозирги замон каталоглаштириш инструкциясида амалга оширилди.

Давлат инструкцияси 1926 йилдан 1932 йилгача айрим китоблар қилиб чиқариб турилди. Унда совет кутубхоначилари томонидан илгариги йилларда назарий жиҳатдан асослаб берилган китоб тасвирлаш методлари, яъни якка бир авторнинг ҳамма асарларини унинг бир хил шаклда қабул қилинган номи остида тасвирлаш, расмий ва идора нашрларини коллектив автор номи остида тасвирлашни татбиқ қилиш, автори кўрсатилмаган асарларни сарлавҳанинг биринчи сўзи остида тасвирлаш методлари тасдиқланган эди. Шу тариқа совет каталоглаштириш методи эски анъанаалардан қатъий алоқасини уза бошлади.

«Инструкция»нинг чиқиши билан китоб тасвирлаш методикасини ишлаб чиқиш тўхтаб қолгани йўқ, балки янада шиддатлироқ бўлиб қолди. Умумий принципларгина белгиланган бўлиб, улар янада аниқлик киритишни ва батафсил текширишни талаб қиласар эди. Бу масалада китоб тасвирлаш методикаси устида узоқ вақт самарали иш олиб борган РСФСР Марказий китоб палатаси муҳим ўрин эгаллади. Палата 1927 йилдан бошлаб янги чиқариладиган китобларга босма карточкалар нашр эта бошлади, 1936 йилда эса расмий «Китоб тасвирлаш бўйича инструкция»да ўз қоидаларини баён қилиб берди, шундан кейинги саккиз йил давомида бу инструкция такомиллаштирилди ва уч марта қайта нашр этилди.

Кутубхонашунослик ва библиографиянинг назарий масалаларига бағишлиб ўтказилган 1936 йилги кенгаш совет китоб тасвирлаш ишининг янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу кенгашда Г. И. Иванов (1885—1941 йиллар) «Йирик илмий кутубхоналарда алфавит каталог» деган темада доклад қилди; у В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасининг алфавит каталогини тузиш устида иш олиб борган ва Москва давлат кутубхоначиллик институтида биринчи марта «Матбуот асарларини тасвирлаш» курсидан дарс берган эди. Г. И. Иванов йирик илмий кутубхона учун яхши ташкил этилган, совет китобхонларининг талабларини ҳисобга оладиган, китобларнинг илмий асосда тузилган тўла қонли тасвирларини ўз ичинча олувчи алфавит каталог зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан у каталог тузувчи юқори малакага эга бўлиши зарурлигини қайд қилиб ўтди

1939 йилда давлат инструкциясини бундан бўёнги ишлаб чиқиши Кутубхонашунослик ва тавсия библиографияси илмий тадқиқот институтига тоширилди, бу институт тутатилгандан кейин эса, маҳсус ташкил қилинган Кутубхоналарро каталоглаштириш комиссиясига топширилди, мазкур комиссия составига Москва ва Ленинграддаги йирик кутубхоналарнинг, Бутуништироқ Китоб палатасининг, Москва ва Ленинград кутубхоначиллик институтларининг вакиллари кирган эди. Комиссиянинг

тутган йўлидаги муҳим нарса — тасвиrlаш нормаларини ишлаб чиқишида фақат алфавит каталогни эмас, балки каталогларнинг бошқа турларини ҳам мўлжаллаб иш кўриши бўлди.

Амалга оширилган кўп йиллик ишлар натижасида ҳозирги вақтда СССРда матбуот асарларини тасвиrlаш қоидаларининг бир қанча тўпламлари яратилгай бўлиб, улар бир хил принципларга асосланган ва фақат қоидаларининг тўлиқлиги ҳамда ба-тафсиллиги билангина фарқ қиласди. Бу тўпламлар йирик илмий кутубхоналардан тортиб кичик қишлоқ кутубхоналаригача бўлган ҳамма хилдаги кутубхоналарнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган.

Китоб тасвиrlашнинг асосий принциплари

Китоб тасвиrlаш тарихини ўрганиш турли вақтда унинг ҳар хил томонларига эътибор берилғанлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтда китоб тасвиrlашнинг икки томони айниқса муҳим деб эътироф қилинмоқда.

Улардан биринчиси — тасвиrlашнинг энг бошида турувчи ва шу нашрга тегишли муҳим маълумотларни ўз ичига олувчи, шунингдек бу нашрнинг бошқа матбуот асарлари алфавит қаторида тутган ўрнини аниқлаб берувчи элементларни танлашдир. Китоб тасвиrlашнинг ҳозирги вақтда қарор топган асосий принциплари ҳам дастлабки элементлар (автор сарлавҳаси ёки китоб номи) учун маълумотлар танлашга қараб белгиланадики, бу принциплар: якка автор номи остида, коллектив автор номи остида ва сарлавҳа остида тасвиrlаш принципларидир. Каталоглаштиришнинг асосий вазифаси шу учта принципдан қайси бири у ёки бу матбуот асарининг мазмунини, турини ва қандай китобхонларга мўлжалланганлигини энг тӯғри акс эттиришга ёрдам беражагини аниқлашдан иборат. Бу, алфавит каталоглар учун ва алфавит тартибида жойлаштирилган библиографиялар учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иккинчи томони — тасвиr текстини тузишдан, яъни қолган ҳамма элементлар таркиби ва жойлашиш тартибини, каталогларда матбуот асарини тўлиқ акс эттириш ва уни шу нашрнинг бошқа нусхалари билан бир хил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар минимумини аниқлашдан ибораг. Бу масалалар тасвиrlаш умумий методикасининг асосини ташкил қиласди ва кейинги бобда кўриб чиқиласди.

Якка автор номи остида тасвиrlаш

Авторли тасвиrlаш принципи алфавит каталогда автор сарлавҳаси ташкил этувчи элемент бўлиб хизмат қила бошлашидан анча олдин вужудга келди. Автор номи қадимги Шарқнинг лой тахтачаларида, Қаллимах «Жадваллари»нинг антик даврга оид тасвиrlарида ва илк ўрта аср каталогларида китоб-

нинг белгиловчи таърифи ҳисобланган. Автор сарлавҳасига, шунингдек атоқли рус кутубхоначилари, айниқса В. И. Собольшчиков катта аҳамият берганлар.

Алфавит каталогининг энг кейинги назариётчилари аллақачон тайёр бўлган автор сарлавҳаси ғоясидангина фойдаландилар, унинг шаклини такомиллаштирилар ва бу шаклни алфавит каталогининг маҳсус вазифаларига мослаштирилар. Бироқ бизнинг давримизда ҳам автор сарлавҳаси тасвирининг туб элементи, унинг яққол кўзга ташланиб турадиган ва эсда қоладиган биринчи элементи эканлигини йўқотмади. Автор номининг биринчи ўринга қўйилиши — китоб тасвирилашнинг кутубхоначилар ва библиографларнинг кўп асрлик тажрибаси якуни сифатида вужудга келган асосий қоидаларидан биридир.

Ҳозирги вақтда авторли тасвирилаш принципи энг мустаҳкам ва кенг тарқалган принцип бўлиб, унга биноан автор номи китобнинг қаерида кўрсатилган бўлмасин, у албатта, асосий тасвирининг сарлавҳасига чиқариб ёзилади. Бироқ бу принципни амалда қўллаш усуllibаридан бир хиллик йўқ.

Айрим матбуот асарлари бир эмас, балки кўпроқ авторлар томонидан яратилаётганлиги, бошқалари эса авторини кўрсатмай нашр этилаётганлиги сабабли, кимни асарнинг автори деб ҳисоблаш ва айни қандай асарларни якка автор номи остида тасвирилаш керак, деган саволлар туғилади. Баъзан авторлар ўз асарларининг турли нашрларида ҳар хил номлар ёки бир неча номлар билан кўрсатилган бўлади. Шу муносабат билан мазкур авторнинг асарларига доир асосий тасвириларнинг сарлавҳалари бир хилда тузилган бўлиши учун автор номини сарлавҳага қай шакlda чиқариш керак, деган савол туғилади.

Бу масалаларнинг ҳаммаси маҳсус қоидалар билан тартибга солинган бўлиб, кейинги боб ана шу қоидаларни қараб чиқишига бағишланган.

Коллектив автор номи остида тасвирилаш

Матбуот асарларини коллектив автор номи остида тасвирилаш принципи ҳозирги вақтдаги китоб тасвирилаш назариясида энг мураккаб принцип бўлиб қолмоқда. Турли даврларда бу принцип кўп кутубхоначиларнинг эътиroz билдиришига сабабчи бўлган, улар бу принципни қонуний жиҳатдан ўзини оқламаган, алфавит каталогга хос бўлмаган, унга предмет принципини кири тувчи ёки китобнинг библиографик тасвирини жуда мураккаблаштириб юборувчи принцип деб уни рад қилганлар.

Яқинда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, коллектив авторлик принципи биринчи марта Ғарбий Европа каталогларида VII асрда ва Петербург Халқ кутубхонасининг илк кўрсаткичларида ва каталогларида (А. И. Криловнинг 1814 йилги кўрсаткичда, 1817 йилги босма кўрсаткичда, 1820 йилги каталогда) қўлланилган. Бунда мазкур принцип тасвириларни алфавит тартибда жуда қулай жойлаштириш учун техник усул

сифатида эмас, балки тасвирлашда китобнинг белгиловчи элементини биринчи ўринга қўйиш йўли билан китобхонлар учун китобни тўғри акс эттириш мақсадида ишлатилган. Бу принцип кейинчалик Британия музейи кутубхонасининг босма каталогида, инглиз ва америка кутубхонашуносарининг асарларида, шунингдек совет китоб тасвирлаш назариясида ривож топди.

Ҳозирги вақтда деярли ҳамма жойда тарқалган коллектив автор номи остида тасвирлаш принципини, китоб тасвирлаш методикасида катта аҳамиятга эга бўлиб, шубҳасиз, прогрессив характерга эгадир. Бу принципни қўлланиш каталогларда, библиографияларда ва илмий тадқиқотлардаги адабиётга берилган изоҳларда матбуот асарларининг энг кўп тарқалган ва ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган турларидан бири — расмий нашрларни анча тўғри акс эттиришга имкон беради. Бунга сабаб шуки, расмий нашрларнинг энг характерли аломатлари, китобхонларнинг бу нашрларга бўлган талабини ва тез идентификация қилинишини (битта нашрдаги ҳамма нусхаларнинг бир хиллигини аниқлаш) белгиловчи аломатлари — бу нашрларни чиқартирган муассаса ёки ташкилот (коллектив)нинг номидир. Бунда коллективнинг номи сарлавҳаси индивидуаллаштирилмаган ва бир қолипдаги сўзлар («ҳисобот», «асарлар», «материаллар» ва ҳоказо) билан бошланадиган нашрлар учунгина эмас, балки характерли номларга эга бўлган кўп нашрлар учун ҳам энг яхши белги бўлиб хизмат қиласи.

Материали алфавит тартибида жойлаштирилган алфавит каталогларда ва библиографик қўлланмаларда бу принципнинг қўлланилиши ҳамма нашрларнинг тасвирларини бир жойга тўплашни таъминлади, бу тасвирларда муайян коллектив автор сифатида майдонга чиқади. Бу эса коллективларнинг илмий, адабий ва амалий фаолиятини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, алфавит каталогдан расмий ва идора нашрларини қидириб топишда қулайлик яратади.

Афсуски, бу принципни қўлланишнинг аниқ чегарасини ва тасвир сарлавҳасида коллектив номининг қандай шаклда бўлишини тартибига солиб турадиган қоидаларнинг мураккаблиги ва етарли дараҷада мустаҳкам бўлмаганлиги бу принципнинг қўлланиш самарадорлигини пасайтироқда.

Сарлавҳа остида тасвирлаш

Авторнинг исми ва муассаса ёки ташкилотнинг номи билан бир қаторда матбуот асарлари сўраладиган ва идентификация қилинадиган муҳим белги — сарлавҳадир. Сарлавҳа остида тасвирлаш принципи — энг қадимий принциплардан биридан. Ҳозирга қадар бу принцип кўпгина Шарқ мамлакатларидаги китоб тасвирлаш ишида етакчи ўринни эталлаб келмоқда. Сарлавҳа остида тасвирлаш принципининг қўлланилиши бизнинг давримизда иккита асосий масалани: қандай нашрларни сар-

лавҳа остида: тасвираш мақсадга мувофиқ ва уни қандай шаклда кўрсатиш лозим? — деган масалаларни ўргага қўяди.

Кўпинча сарлавҳа остида китобхонлар эслаб қоладиган ва улар томонидан шу белгисига қараб сўраладиган асарлар тасвириланади.

Тўрт ва ундан кўп автор томонидан ёзилган асарлар ҳамда турли авторларнинг умумий сарлавҳага эга бўлган асарлари тўпламлари бундай нашрларнинг энг характерли мисолларн бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сарлавҳанинг шаклига келганда шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда деярли ҳамма жойда сарлавҳанинг титул варагда берилган сўzlари тартиби қўлланилади¹. Умумий равишида қабул қилинган бу тартибдан фарқли ўлароқ, грамматик тартибида тасвиринг алфавит қатордаги ўрнини белгиловчи сўз тариқасида сарлавҳанинг асосий маъно вазифасини бажарувчи бир сўз танланади, масалан:

4 3 2 1

«Илмий ходимларга библиографик хизмат кўрсатиши» (сўзларнинг грамматик тартиби рақамлар билан белгиланган).

Сарлавҳадаги сўзларнинг грамматик тартиби — ривожланнишнинг узун йўлини босиб ўтган методик усуслар. Сарлавҳадаги инверсияга (сўзларнинг ўрнини алмаштиришга) ўтган асрда ватанимиз ва чет эл библиографлари бир неча бор муружаат қилган эдилар. Бу усулни қўлланишга сарлавҳа состида тузилган тасвириларни алфавит қаторда мантиқий группаларга ажратишига интилиш сабаб бўлган эди. Бу усул айниқса каталогларнинг бошқа турлари бўлмаган айрим кутубхоналарда китоб тасвираш методикасини алфавит каталог вазифала-рига бўйсундиришининг қонуний натижаси бўлди.

Бироқ, сарлавҳалари ноаниқ ва эсда қолиши қийин бўлган сўзлар билан бошланувчи, автори кўрсатилмаган китобларнинг тасвириларини группаларга ажратишида маълум даражадаги афзаллигига қарамай, бу усул нашрларни идентификация қилишни қийинлаштиради ва кўп ҳолларда библиографик ёзувни мураккаб топишмоққа айлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кўпчилик мамлакатларда бу усулни қўллашдан воз кечилди ва тасвирида сарлавҳанинг титул варагда берилган сўзлари тартибига амал қилинмоқда.

Матбуот асарларини тасвирашга доир умумий талаблар

Матбуот асарларини тасвирашга айрим умумий талаблар қўйилади. Бу талаблар мазкур асарнинг типига — китоб, вақтли

¹ Бу, гарчи чет эл кутубхонашунеолари асарларида «механик тартиб» номини олган бўлса ҳам, сўзларнинг, шубҳасиз, энг табиий ва оддий тартибидир.

нашр, тўпламдаги мақола ва шу кабиларга, тасвирилашнинг мақсадига — бу асар кутубхона каталогида, библиографик кўрсаткичда ёки илмий тадқиқот соҳасидаги бирор асарнинг изоҳида акс этганими-йўқми — бунга боғлиқ эмас.

1. Тасвирилаш тасвириланётган материални, унинг мазмуни ва шаклини тўғри ҳамда етарли даражада тўлиқ акс эттириши лозим. Бунинг маъноси шуки, тасвирилаш матбуот асарининг мазмуни тўғрисида, уни яратишда иштирок этган шахслар тўғрисида, асарнинг характеристи, типи ва қандай китобхонларга мўлжалланганлиги ҳақида тушунча бериши лозим.

Совет кутубхонашунослиги кутубхона каталоги кутубхонада мавжуд бўлган матбуот асарларининг оддий рўйхати бўлиб эмас, балки китобни пропаганда қилишнинг ва китоб ўқишга раҳбарлик қилишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилишига асослангани сабабли, тасвирилаш элементларининг таркиби ва уларни тўлдириш етарли даражада бўлиши керак, токи китобхон асарнинг ўзини кўрмасдан унинг тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлсин. Каталоглаштириш вақтида жой ва вақтни тежаш мулоҳазалари бу талабни бузмаслигига қарабигина ҳисобга олиниши мумкин.

2. Матбуот асарларини тасвирилаш ҳар бир нашрни хатосиз ва тез идентификация қилиш имкониятини таъминлаб бериши лозим. Бу деган сўз, нашрнинг ўзига мурожаат қилмасдан туриб, тасвирга биноан мазкур номдаги асар тиражининг бир нусхаси кутубхонада бор эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, ҳозир босма маҳсулотлар кўп сонли ва хилма-хил бўлган бир шароитда, бу талабни қондириш учун тасвирида бир хилда тузилган элементларининг анча батафсил составига эга бўлиш зарур. Битта асарнинг баъзи нашрлари, масалан, фақат нашриётнинг номи, бетлар сони ёки суратларнинг мавжудлиги билан бир-биридан фарқ қиласи. Бу ҳолда ана шу маълумотларгина бир нашрни иккинчисидан ажратишига ёрдам бериши мумкин.

3. Тасвир кўзда тутилган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, бирор-бир нашрнинг кичик оммавий кутубхона каталогидаги тасвири шу нашрнинг катта илмий кутубхона каталогидаги тасвиридан бирмунча фарқ қилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, кичик оммавий кутубхонадаги фонд кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган матбуот асарларининг озигина хилидан иборат бўлади. Бу ерда китобхонлар биринчи галда асарларнинг бирор-бир нашри билан эмас, балки бу асарларнинг ўзи билан қизиқадилар. Шу сабабли кичик кутубхона учун тасвирилашда баъзи бир тафсилотлар тушириб қолдирилиши мумкин. Йирик илмий ёки маҳсус кутубхонада эса китобхон учун нашрнинг барча тафсилоти муҳимdir, бундай кутубхонанинг фондида матбуот асарларининг кўпгина турлари бор бўлиб, улар оммавий китобхон учун мўлжалланмаган ҳолда олинади, яъни улар — расмий идора нашрлари, илмий муасса-

саларнинг давомли нашрлари, техника адабиётининг махсус хиллари ва бошқалар бўлади. Шу сабабли бундай кутубхона каталогларида матбуот асарларининг тасвири анча тўла бўлиши, уларни тузиш қоидалари эса нашрларнинг анча кенг доирасини қамраб олиши лозим.

Маълумки, бир типдаги кутубхоналарда тасвирлар бир хилда тузилиши, турли типдаги кутубхоналарда эса мавжуд бир хил принципларга асосланиш лозим, акс ҳолда турли кутубхоналарга қатновчи китобхон уларнинг каталогларидан фойдалана олмайди, кутубхоналарнинг ўзлари бўлса, ишларни бирлаштириш вақтида қийинчиликка учрайдилар, чунки, бир хилдаги китоблар каталогларда турлича кўрсатилган бўлиб қолади.

Кутубхонага мурожаат қиласидаги китобхон китоблар тўғрисидаги маълумотларни кўпинча библиографик кўрсаткичлардан билиб олади. Шунинг учун ҳам библиографик тасвир билан каталог тасвири ўртасида маълум ўзаро боғланиш бўлиши муҳимdir.

Каталог тасвири билан библиографик тасвир ўртасидаги ўзаро боғланиш

Кутубхона каталоги ва библиографик кўрсаткич одатдаги алоҳида хусусиятларига кўра, ўзларини ҳосил қиласидаги тасвирларга турли талаблар қўядилар. Каталогни кўздан кечираётган вақтда (ҳозирги каталогларнинг жуда кўпчилик қисми карточка шаклида тузилади), алоҳида карточкадан иборат ҳар бир тасвир мустақил деб қаралади. Китоб ёки рўйхат шаклидаги библиографик кўрсаткичда эса ҳар бир тасвир шу бетда жойлаштирилган бошқа ҳамма тасвирлар билан бир қаторда тушунилади. Одатда, тасвирларга умумий сарлавҳа қўйилади, бу сарлавҳа кўпинча олдиндан чиқарилган ва шундан кейинги ҳамма тасвирлар учун умумий бўлган маълумотлар (масалан, авторнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, сериянинг нашр этилган йили ёки сарлавҳаси)га ўхшаб кетади.

Бундан ташқари, библиографик кўрсаткичлар болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилишдан тортиб, то олимларнинг фан ва техниканинг энг мураккаб соҳаларида янги тадқиқотлар тўғрисида ахборот беришига қадар ғоят хилма-хил мақсадлар учун тузилади. Библиографиялар маълум бир доирадаги китобхонларнинг анча тор ва аниқ талабларини қондиришига қаратилган бўлиши мумкин, каталоглар эса одатда маэкур кутубхонанинг ҳамма китобхонлари учун мўлжаллаб тузилади.

Бу эса ўз навбатида библиографияларни тузиш методларини, шу жумладан китобларни тасвирлашнинг каталог эриша олмайдиган методларини ҳам бир-биридан кўпроқ фарқ қилишга олиб келади. Мана шу сабабли библиография кўрсаткичлари учун қўлланиладиган тасвир кутубхона каталоглари учун қўлланила-

диган тасвирдан фақат бирмунча фарқ қилиб қолмасдан, шу билан бирга стабиллиги ҳам камроқдир. Бу тасвир қандай китобхонларга мұлжалланганига, қайси вақтға доир материални қамраб олганига, унга киритилган нашрларнинг характеристика, библиографиянинг вазифаларига ва бошқа күпгина жиҳатларга боғлиқдир.

Үнчалик муҳим бўлмаган бошқа бир қатор тафовутлар ҳам мавжуд. Кутубхона каталоги карточкасида тасвир элементлари тасвирнинг турига қараб турлича жойлаштирилган бўлади, токи бу элементларнинг карточкадаги чизиқли жойлашувининг ўзи тасвир турини кўрсатиб берсин. Библиографик кўрсаткичда ҳамма тасвирлар ўзларининг тишига қарамай бир хилда жойлаштирилади.

Шу билан бирга, мана шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, кўпинча китобхон маълум бир нашрни биринчи марта айни библиографик манбалардан билиб олади, кейин эса, уни олиш учун кутубхонага мурожаат қиласди, бу нашрни кутубхона каталогидан излаб топади. Демак, агар бу нашр библиографияда ва каталогда бутунлай бошқача тасвирланган бўлса, китобхон уни топа олмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, китобхон библиографик кўрсаткичда турли авторларнинг мақолалар тўплами уни тузган кишининг фамилияси остида тасвирланганини кўриши мумкин. Агар у кутубхона каталогига мурожаат қиласиган бўлса, у ерда бу тўплам сарлавҳа остида тасвирланади. Шундай қилиб, китобхон бу китобни каталогдан бутунлай топа олмаслиги ва уни кутубхонада йўқ экан деб ўлашиб, ёки уни каталогдан топган тақдирда ҳам, бу ўзи излаётган ва библиографияда бошқача тасвирланганини кўрган нашр эканлигини билолмаслиги мумкин.

Шуларга асосланиб, каталогдаги тасвир билан библиографиядаги тасвирнинг бир-бирига боғлиқ бўлиши проблемаси, жуда кўп шундай ҳал қилинмоқдаки, токи нашрларнинг турлари учун каталогдаги асосий тасвир билан библиографик кўрсаткичдаги ёзув бир хил маълумотлардан бошлансан. Тасвирлашга доир турли талаблар шундай бир хилликка эришиш учун имкон бермаган тақдирда, алфавит каталогларда каталоглаштириладиган нашрнинг библиографик тасвири бошланадиган маълумотлар остида, албатта, қўшимча тасвир бериш кўзда тутилади.

Каталоглаштириш инструкцияларининг роли

Матбуот асарларини тасвирлашга нисбатан қўйилган умумий талабларни бажариш учун тасвирлашга доир ҳамма ҳоллар қатъий тартибга солинган бўлиши зарур. Бунга тасвирлаш қоидаларини тузиш билан эришилади, бу қоидалар тўпламларга бирлаштирилади, мазкур тўпламлар каталоглаштириш инструкциялари бўлиб, улар бизда «Умумий қоидалар» деб аталади.

Қаталоглаштириш инструкцияси бир турдаги матбуот асарларининг бир типдаги кутубхоналарда бир хилда бўлишини таъминлайди ва бу билан каталогларнинг маълумот бериш ва тарбиявий вазифаларни бажариши учун энг яхши шароит туфдириб беради. Кутубхоначиларнинг каталоглар тузиш соҳасидаги амалий тажрибасини умумлаштириш асосида тузиладиган инструкциялар каталоглардаги тасвиirlарни бир хил қилиш ва илфор методларни амалий ишга жорий этиш мақсадларига хизмат қиласди. Инструкция айни чоғда кутубхоначи учун матбуот асарларини тасвиirlашдан иборат мураккаб жараённи енгиллаштирадиган қўлланма ҳамдир. Инструкция қанчалик мукаммалроқ тузилган бўлса, унда қанчалик кўп ҳоллар ҳисобга олиниб, бир тартибга солинган бўлса, мисоллар қанчалик кўп бўлса, унинг кутубхоначининг амалий ишида кўрсатадиган ёрдами ҳам шунчалик муҳимроқ бўлади.

Инструкциялар вақт-вақти билан қайтадан кўриб чиқиласди ва уларга ўзгаришлар киритилади. Совет Иттилоғида бу иш В. И. Ленин номидаги СССР Кутубхонаси ҳузурида тузилган Кутубхоналаро каталоглаштириш комиссияси томонидан амалга ошириласди, бу комиссияга йирик кутубхоналарнинг, Москва ва Ленинград кутубхоначилик институтларининг ва Бутуниттилоғ Китоб палатасининг вакиллари киради.

Партия ва ҳукумат қарорларида фан, маданият ва халқ хўжалиги ходимларига кутубхона хизмати кўрсатиш соҳасидаги янги вазифалар белгилаб берилган бўлиб, бу вазифалар совет кутубхоналари каталогларига нисбатан ҳам янги талаблар қўймоқда. Босма маҳсулотларнинг тобора кўплайиб бориши билан нашрларнинг янги турлари ва хиллари пайдо бўлмоқда, матбуот асарларидаги библиографик маълумотларни матбаа жиҳатидан безатиш тадрижий равишда ўзгариб бормоқда. Бу ҳол уларни тасвиirlаш қоидаларига аниқликлар ва қўшимчалар киритишини зарур қилиб қўймоқда. Китоб тасвиirlash қоидаларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар совет кутубхоначиларининг колектив кучи, файрати билан олиб бориляпти.

«Матбуот асарларини тасвиirlашнинг умумий қоидалари»

Ҳозирги вақтда СССР да тасвиirlash қоидаларининг олдинги бўлимда текшириб чиқилган талабларга жавоб берувчи бир неча тўпламлари вужудга келган.

Аввало булар жумласига йирик илмий кутубхоналар учун кўп томдан иборат инструкция — «Единые правила описания произведений печати для библиотечных каталогов» («Кутубхона каталоглари учун матбуот асарларини тасвиirlашнинг умумий қоидалари») (1—6-қисмлар. М.—Л., 1949—1965) киради. Умумий қоидалар нашрларнинг ҳар хил турларига қараб бир неча

қисмдан иборат (бу қоидалар рус тилида нашр этилганлиги сабабли қўйида уларнинг номи русча келтирилди)¹.

Айрим қисмлари иккинчи нашр қилиб чиқарилган бу қоидалар тўпламига яна бир қанча инструкциялар қўшилди².

Кичик оммавий кутубхоналар учун илгариги принципларга асосланган, фақат китобларни эмас, балки вақтли нашрларни ҳам тасвирлаш қоидаларини ўз ичига олувчи унчалик батафсил бўлмаган қоидалар тўплами, шунингдек алфавит каталог тузиш қоидалари — «Единые правила описания произведений печати и организации алфавитного каталога для небольших библиотек» («Кичик кутубхоналар учун матбуот асарларини тасвирлашнинг ва алфавит каталог тузишнинг умумий қоидалари») (М., 1963, 301- бет) мавжуд. Бу нашрни ватанимиз китоб тасвирлаш ишидаги катта ютуқлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Унда энг янги принципларга мос келувчи қоидалар сиқиқ шаклда баён қилинган. Бу қоидалар мамлакат кутубхоначиларининг катта колектив тажрибасини акс эттиради. Материални ифодалаш методикаси кутубхоначилик техникумлари ҳамда олий ўқув юртлари студентларига ва амалиётчи кутубхоначиларга китоб тасвирлашни ўргатиш тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам тасвирлаш қоидаларини ушбу дарсларикда баён қилишда мазкур нашрдан асосий қўлланма сифатида фойдаланилади.

Бу иккита қоидалар тўплами билан бир қаторда қишлоқ кутубхоналари ва касаба союзларининг кичик кутубхоналари, шунингдек жамоатчилик асосида ташкил этилган кутубхоналар учун жуда қисқа инструкция тузилган, бу — «Правила описания книг и составления алфавитного каталога для сельских библиотек» («Қишлоқ кутубхоналари учун китоб тасвирлаш ва алфавит каталог тузиш қоидалари»дир) (М., 1964, 58- бет).

Сўнгги вақтларга қадар библиографлар ўз ихтиёларида маҳсус каталогглаштириш инструкциясига эга эмас эдилар ва тасвирлашда кичик кутубхоналар учун мўлжалланган, библиография тасвирининг хусусиятлари қисқача кўрсатиб ўтилган қоидалардан фойдаланиб келар эдилар. СССР Фанлар Академияси

¹ Қаралсин: 1- қисм, 1- китоб. «Описание книг». М., 1949, 334- бет; тузилган ва тўлдирилган 2- нашри. М., 1959, 668- бет.

1- қисм. 2- китоб. «Организация алфавитного каталога книг». М., 1952, 49- бет; тузилган ва тўлдирилган 2- нашри. М., 1961, 163- бет.

2- қисм. «Описание периодических изданий». Л., 1954, 132- бет.

3- қисм. «Описание картографических изданий». Л., 1950, 51- бет.

4- қисм. «Описание нотных изданий». М., 1952; 64- бет, «Описание нот и музыкальных записей», тузатилган ва тўлдирилган 2- нашри. М., 1963, 64- бет.

5- қисм. «Описание печатной графики». Л., 1958, 90- бет.

6- қисм. «Специальные виды технических изданий». М., 1957, 119- бет.

² Қаралсин: «Групповая обработка произведений печати. Инструктивно-методические указания». М., 1958, 94- бет.

² «Инструкция по описанию книг на языках стран зарубежного Востока». М., 1960, 51- бет; 47 варақ мисолялар бор.

«Инструкция по описанию иностранных книг XVI—XVII вв.».

миясининг кутубхонаси 1964 йилда «Правила библиографического описания произведений печати. Пособие для библиографов научных и издательских работников» («Матбуот асарларини библиографик жиҳатдан тасвирлаш қоидалари. Библиографлар,ilmий ва нашриёт ходимлари учун қўлланмана»)ни нашр этди. Бу нашр китобларни, вақтли нашрларни ва мақолаларни библиографик кўрсаткичларда, китоб ва мақолаларга илова қилинган адабиёт рўйхатларида, сноска ва изоҳларда тасвирлаш юзасидан амалий қўлланма бўла олади.

Совет каталогглаштириш инструкцияларини янада яхшилаш масалалари 1965 йилда ўтказилган каталогглаштириш бўйича илмий конференцияда муҳокама қилинди. Конференция совет каталогглаштириш назариясининг ҳар хил типдаги кутубхоналар учун тасвирлаш принципларининг бирлиги тўғрисидаги асосий қоидалари тўғри эканлигини тасдиқлади. У кутубхоналар ва библиографик кўрсаткичлар учун қўлланиладиган тасвирлаш қоидаларини тағин ҳам кўпроқ бир-бирига яқинлаштириш вазифасини қўйди. Тузувчиси кўрсатилиб нашр этилган китобларни тасвирлаш қоидаларига аниқлик киритиш ва соддалаштириш, коллектив автор номи остида тасвирлаш ҳажмини торайтириш ва форманинг сарлавҳаси остида тасвирлаш қоидаларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди.

Халқаро китоб тасвирлаш принциплари

Кутубхона иш жараёнларини, айниқса каталогглаштириш соҳасида унификация қилиш турли мамлакат кутубхоначилари ўртасида адабиёт айирбошлаш, йиғма каталогларни йўлга қўйиш, янги олинган китоблар тўғрисида ўзаро ахборотлар бериб туриш, библиографиялар тузиш соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Мана шунинг учун ҳам халқаро китоб тасвирлаш принципларини вужудга келтириш foяси бир неча ўн йиллардан бўён турли мамлакат кутубхоначиларининг ақлини банд қилиб келяпти. Бироқ фақат кейинги йиллардагина бундай принципларни вужудга келтиришнинг реал имкониятлари маълум бўла бошлади. 1961 йилда Парижда каталогглаштириш принциплари бўйича Халқаро конференция ўтказилди, бу конференция ана шундай принциплар баён этилган ҳужжатни яқдиллик билан қабул қилди. Н. К. Крупская номидаги Ленинград давлат маданият институтининг доценти Г. Г. Фирсов бошчилигидаги совет делегацияси бу конференция ишида фаол қатнашди.

Халқаро битимга эришишининг асосий қийинчилиги шундан иборат эдики, китоб тасвирлашнинг иккита асосий чет эл системаси — асримизнинг бошланишидаёқ қарор топган инглиз-америка ва прусс системалари асосий масалаларда бир-бирлари билан келиша олмайдилар. Инглиз-америка инструкцияси, Америка, Европа ва Осиёning кўпгина мамлакатларида каталогглаш-

тириш ишига таъсир кўрсатди. Бироқ колектив автор номи остида тасвирланадиган нашрлар доирасининг ҳаддан ташқари кенгайиб бораётганлиги ва тасвир сарлавҳасида муассасалар номини ёзиш шаклини белгилаб берувчи қоидаларнинг мураккаблиги инструкцияда тавсия қилинаётган қоидаларнинг берадиган самарасини анча пасайтиради. Иккинчи томондан, прусс инструкциясининг асосий қоидалари уларни татбиқ этган немис кутубхоначилари ва бир қанча бошқа мамлакатлар — Австрия, Чехословакия, Польша, Швеция, Дания, Норвегия, Швейцария кутубхоначилари томонидан аллақачон танқид қилинган эди.

Париждаги конференциянинг асосий муваффақияти худди шундан иборат бўлдики, юқоридаги зиддиятлар бартараф қилинди. Конференцияда қабул қилинган ҳужжатлар каталогглаштириш юзасидан миллий инструкцияларни қайта ишлаб чиқиши вақтида йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилиши лозим. Конференцияда ифодалаб берилган принциплар йирик универсал кутубхоналарнинг фондларини очиб кўрсатувчи каталоглар учун маҳсус мўлжаллангандир. Лекин бу принциплардан библиографик кўрсаткичларда ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Автор асарлари унинг энг машҳур ва тўлиқ номи остида тасвирланиши лозим. Коллектив автор номи остидаги асосий тасвирдан «асар ўз характеристери жиҳатидан коллектив фикрининг ёки коллектив фаoliyatining ifodasi bўlsa... ёки сарлавҳанинг ифодаланиши ёки titul varaqdagi maъlumotlар asarning xarakteri bilan bir bўlib, asarning mazmuuni учун умуман коллектив жавобгар эканлигини аниқ кўрсатган...»¹ ҳолларда фойдаланиш тавсия қилинади. Бу принципларга асосан сарлавҳа остидаги асосий тасвир қўйидаги асарларга: авторлари аниқланмаган асарларга, уттадан кўп авторга эга бўлган асарларга, бир неча авторнинг умумий сарлавҳага эга бўлган асарлар тўпламларига, авторининг номидан кўра сарлавҳаси бўйича кўпроқ машҳур бўлган матбуот асарларига (вақти нашрлар ҳам шунга киради) татбиқ қилинади.

Кейинги боблардан шу нарса маълум бўладики, китоб тасвирлашнинг мана шу халқаро принциплари совет «Умумий қоидалари» нинг асосий фикрлари билан деярли батамом мос келади, бу ҳол совет китоб тасвирлаш назарияси ва практикаси тўғри йўлдан ривожланиб бораётганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

¹ «ФИАБ. Каталоглаштириш принциплари бўйича халқаро конференция». Париж, 1961 йил 9—18 октябрь. Дастрлабки расмий ҳисобот. Резолюция. 1. Принципларни баён қилиш.— «ЮНЕСКОнинг кутубхоналари учун бюллетени», 1962, 16-том, № 2, 60-бет.

МАТБУОТ АСАРЛАРИНИ ТАСВИРЛАШНИНГ УМУМИЙ МЕТОДИКАСИ

Китобларнинг турлари ва тасвирлаш нуқтаи назаридан уларнинг элементлари.— Библиографик тасвирнинг элементлари ва турлари.— Асосий тасвир.— Ёрдамчи тасвирлар.— Ёрдамчи карточкалар. Алфавит каталог карточкаларида кутубхона белгилари.

Китобларнинг турлари ва тасвир нуқтаи назаридан уларнинг элементлари

Китобларнинг турлари Совет кутубхоналарида матбуот асарлари

жуддир, лекин фонднинг асосий қисмини китоблар, брошюралар, вақтли нашрлар ташкил этади. Ирик ва маҳсус кутубхоналар, бундан ташқари, картографик материал, ноталар, тасвирий графика билан ҳам тўлдирилади. Босма маҳсулотнинг мана шу ҳар бир турига оид асарлар ўз навбатида мазмуни, қандай китобхонга мўлжаллангани, текстининг тили, нашрий безатилиши жиҳатидан фарқ қиласи. Китобхонлар шу барча бой тўпламлардан фойдалана олишлари учун, кутубхоналар уларга тегишли ишлов беради: рўйхатга олади, инвентарь дафтарларига ёzáди, билим соҳалари бўйича тақсимлаб чиқади (системалаштиради), тасвирлайди, сўнгра эса уларга каталоглар тузади.

Ушбу боб матбуот асарларини тасвирлашнинг умумий методикаси масалаларнига бағишиланган. Бироқ, тасвирлаш методикасини баён этишга киришишдан олдин, китобларнинг турлари, уларнинг тузилиши, шунингдек уларнинг *китоб элементлари* деб аталувчи айрим қисмлари билан умумий тарзда танишиб чиқиш лозим. Китобнинг мазмунигагина эмас, балки унинг безатилишига ҳам тушуниб олмоқ кўп жиҳатдан уни тўғри тасвирлаш ва каталогларни лозим даражада ташкил этиш имконини беради.

Совет китоб нашриётлари босма маҳсулот чиқариш соҳасидаги ўз фаолиятларида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитетнинг «Нашриёт маҳсулотининг босилишига доир маълумотлар» деган 1966 йилги техник шартларига амал қиласидилар. Ана шу ҳужжатга мувофиқ мамлакатимиздаги барча нашриётлар турли хил нашрлар учун маълум стандартларга қатъий асосланишлари, матбуот асарларини безатишга доир зарур талабларга риоя қилишлари шарт ва ҳоказо. Нашриётлар

баъзан жорий қилинган талабларни бузадилар. Бу, расмий нашрларга, «Илмий ахборотлар» типидаги турлі хил тұпламларға, асарларнинг тұпламларига, серияларига ва шу кабиларга тааллуклады. Матбуот асарларини безатишида асоссиз равишида күпгина хилма-хилликларни учраб туриши натижасида уларни тасвирлаш қишине қолданылады, китобларни тасвирлаш методикаси мураккаблашады.

Бирон-бир аник ҳисобга олиб бўлмайдиган ранг-баранг бутун китоб маҳсулотини тасвир нуқтаи назаридан китобларнинг иккита асосий турига киритиш мумкин: *авторли китоблар* ва *автори номаълум китоблар*.

Авторли китоблар — автори (авторлари) кўрсатилиб нашр этилган китоблардир — улар ўз навбатида якка *авторнинг* ва *коллектив авторнинг* асарлари бўлиши мумкин.

Якка ёки алоҳида автор дейилгандан, китобни ёзган кишини (масалан: В. И. Ленин, Давлат ва революция) ёки уни бир ёхуд бир неча авторнинг асарларидан тузишда иштирок этган шахсни (тузувчини) тушунмоқ керак (масалан: «Ленин кутубхоначилик иши тўғрисида». Тузувчи А. Г. Кравченко).

Коллектив автор деб муассаса ёки ташкилотни¹ аташ қабул қилинган бўлиб, улар ўз номларидан эълон қилинган материаларнинг автори сифатида қаралади («КПСС. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси»).

«Коллектив автор» тушунчаси билан «авторлар коллективи» терминини чалкаштириб юбормаслик керак; «авторлар коллективи»деганда бир ёки бир неча асарни ёзиш учун бир неча шахснинг бирлашуви тушунилади.

Автори номаълум китоблар — якка ёки коллектив автори кўрсатилмай нашр этилган китоблар бўлиб, уларнинг автори кимлигини нашрнинг ўзидаги маълумотлар асосида ҳам, библиографик қидиришлар йўли билан ҳам аниқлашнинг иложи бўлмаган.

Китобга киритилган асарлар ўз миқдорига қараб алоҳида асарларга ва тўпламларга ажратилади.

Алоҳида асар (масалан, М. А. Шолохов, Очилган қўриқ; К. А. Тимиров, Усимликлар ҳаёти).

Тўплам — турли хил ҳужжатларни, адабий, илмий ва бошқа асарларни ўз ичига олган китобdir. Тўпламлар бир авторнинг асарларидан тузилган *авторли тўпламларга* (Н. К. Крупская Кутубхоначилик иши тўғрисида); бир неча авторнинг битта темага доир асарларини қамраб олган ва *умумий сарлавҳага эга ёўлган тўпламларга* («Владимир Ильич Ленин ҳақида. Хотирадар тўплами») ва бир неча авторнинг битта темага доир асарларини ёки турли масалаларга бағишиланган асарларни ўз ичига олган, *умумий сарлавҳага эга бўлмаган тўпламларга* (А. Гайдар, Мактаб.— Ю. Кримов, «Дербент» танкери) бўлинади.

¹ Бундан кейин қулай бўлсин учун бу иккита тушунча ўрнига битта «коллектив» деган термин ишлатилади.

Юқорида күрсатылған китоблар — авторли ва автори номаъ-лум китоблар, алоҳида асарлар ва тұпламлар бир томли ёки күп томли нашрлар бўлиши мумкин. Бу, нашриётнинг у ёки бу асарни қандай эълон қилишига боғлиқ. Нашриёт уни битта китоб қилиб чиқарадими ёки ўз мазмуни жиҳатдан бир бутуни ташкил этувчи бир неча китоб қилиб чиқарадими — ана шунга боғлиқ.

Китобнинг элементлари Ҳар қандай китоб, брошюра, журнал китобнинг босма листларидан иборат алоҳида дафтарлардан ташкил топади. Оддий китобнинг бир босма листи 16 бет текстни ўз ичига олади. Ҳар бир босма листнинг биринчи ва учинчи бетида чап томондаги пастки бурчагида *сигнатура* деб аталувчи тартиб номери кўрсатилади. Сигнатура китобни брошюровка қилишни осонлаштиради. Бироқ турли китобларнинг босма листларини чалкаштириб юбормаслик учун ҳар бир листнинг биринчи бетида сигнатура билан ёнма-ён қисқача таниб олиш маълумотлари: автор ва сарлавҳа, кўпинча эса фақат асарнинг сарлавҳаси келтирилади. Бу маълумотлар босмахона ишида латинча сўз билан *норма* деб аталади. Китобхонларга қулайлик туғдириш мақсадида китобнинг ҳар бир бетига номер қўйилади, шу билан бирга бетларни номерлаш (*пагинация*) икки турда қўлланилади: *ёппасига* номерлаш ва *алоҳида* номерлаш. Бетларнинг тартиб номерлари *колон цифрлар* дейилади. *Ёппасига* номерлашда китобнинг барча бетлари кетма-кет номерлар билан белгиланади. *Алоҳида* *пагинацияда* китобнинг ҳар бир айрим қисми (сўз бошиси, мундарижаси, тексти, хотимаси) ўз мустақил номерига эга бўлади. Айрим китобларда бетларнинг юқори қисмida авторларнинг фамилиялари ва асарларнинг сарлавҳалари ёки боблар, қисмлар ва шу кабиларнинг номлари босилған бўлади. Бундай бетма-бет ёзувлар *колон титуллар* дейилади.

Кўпгина китоблар, журнallарда расмлар — текстни тушунирувчи ёки тўлдирувчи тасвирлар: суратлар, портретлар, чизмалар, жадваллар, диаграммалар, карталар ва шу кабилар берилади. Кўпчилик ҳолларда расмлар китоб текстининг орасида босилади, бироқ расмлар текстдан ташқарида ҳам, илова қилинган ва *алоҳида варақларда* ҳам анча тез-тез учраб туради. Улар текстдаги расмлардан шу билан фарқ қиласиди, биринчидан, бетларнинг умумий номерларига кирмайди, иккинчидан, одатда аъло сифатли (масалан, мелован) қофозга босилади. Бундай шу нарсани ҳисобга олиш керакки, илова қилинган варақлардаги расмлар китоб бетларининг орасига ёпиштирилади ва шундай қилиб, у билан бир бутуни ташкил қиласиди, китобнинг айрим варақларидаги расмлар эса алоҳида қўйилиб, ундан ажралиб қолгандек бўлиб туради.

Айрим нашрларда бирон-бир ҳужжат, хат, қўл ёзма, чизма ва шу кабиларнинг аниқ кўчирмасидан иборат бўлган расмлар учрайди. Расмнинг бундай тури *факсимиile* деб аталади. Баъ-

зан китобнинг бошланишида бирон шахснинг (авторнинг ёки асар қаҳрамонининг ва бошқаларнинг) портрети ёки китоб мазмунини акс эттирувчи расм берилади. Бундай расмлар *фронтистиспс* дейилади.

Брошюровка қилинган ва тикилган дафтарлар (босма листлар) блок ҳосил қилиб, у юмшоқ муқова билан қопланади ёки нашриёт муқовасига (қаттиқ муқовага) қўйилади.

Юмшоқ муқова — брошюровка қилинган китобнинг қофоз ёки папка жилдири. Юмшоқ муқова (ёки қаттиқ муқовага) нинг устига китоб тўғрисидаги энг муҳим маълумотлар, чунончи: автор, сарлавҳа, нашриётнинг номи, китобнинг чиқсан йили ёзилади. Кўпгина китоблар, айниқса катта ҳажмдаги китоблар юмшоқ муқова ўрнига *нашриёт муқовасига* эга бўладилар. Қаттиқ муқова иккита қопқоқ ва корешок (тикилган жой) дан иборат бўлиб, унинг устига ҳам китоб тўғрисидаги таниқли маълумотлар ёзилади, бироқ бу маълумотлар юмшоқ ёки қаттиқ муқовадагига нисбатан янада қисқароқ бўлади, яъни: асар автори ва сарлавҳаси, кўпинча эса фақат сарлавҳанинг ўзи берилади. Юмшоқ муқова ва нашриёт муқоваси китобхонларнинг диққатини жалб қилиш мақсадида, бадиий жиҳатдан безатилиб чиқарилади, бу иш кўпинча машҳур графиклар томонидан бажарилади.

Кўпгина нашриётлар ўз маҳсулотининг бирмунча қисмини нашриёт муқоваси ёки юмшоқ муқовага кийдириладиган *супермуқоваларда* — четлари буқланган ўрама қофозларда чиқардилар. Одатда супермуқова бадиий томондан безатилидаги ва унда асар авторининг фамилияси ва асар сарлавҳаси кўрсатилади.

Муқовадан кейин, қоидага кўра, китобнинг жуда муҳим элементи — *титул варағи* келади. У кутубхоначига китобни библиографик жиҳатдан тасвирлаш учун асос бўлиб хизмат қиласида ва китобхон учун биринчи манба ҳисобланади, у ана шу манбадан китоб тўғрисида кўп ёки оз даражада муфассал маълумотлар олади.

Титул варақда одатда автор тўғрисидаги маълумотлар (унинг лавозими, илмий даражаси, илмий ва фахрий узвони); асарнинг сарлавҳаси, унинг қандай китобхонларга мўлжалланганлиги, адабий жанри, нашрнинг характеристири ва шакли, китобни яратишда иштирок этган муҳаррирлар, таржимонлар, безатувчилар ва бошқа шахслар ҳақидаги маълумотлар, нашрнинг қайта чиқаётган-чиқмаётганлиги, китоб қандай серия составига кирадиган бўлса, ўша сериянинг номи, нашр этилган жой, нашриёт ва китобнинг чиқсан йили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлади.

Юқорида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, бაъзи бир нашрларнинг титул варақларида шиорлар, цитаталар, ҳикматли сўзлар, бағишивлар, тасдиқланганлиги тўғрисида белгилар, қайси босмахонада чоп этилганлиги, китобнинг баҳоси ва шу кабиларни ҳам учратиш мумкин, бироқ бу маълумотлар одатда тасвирда кўчириб берилмайди.

Титул варақлар бир неча турларга бўлиниади.

Китоб тўғрисидаги анча аниқ библиографик маълумотларни ўзида акс эттирган ва шу сабабли китобни тасвирлаш учун асос сифатида фойдаланиладиган титул варақ *асосий титул варақ* дейилади. Кўпинча у икки бетни эгаллайди ва китоб тўғрисидаги маълумотлар китоб разворотининг чап ва ўнг бетларига жойлаштирилади. Бундай титул варақ *кенг титул варақ* номини олган.

Асосий титул варақ қандай сарлавҳага эга бўлса, шундай сарлавҳага эга бўлган, бироқ ундақ бирон-бир нарсаси билан фарқ қиласидиган титул варақ *қўшимча титул варақ* дейилади.

Қўшимча титул варақ, масалан, эски китобларни қайта нашр этишда қўлланилади. Бундай ҳолда янги нашрнинг титул *варағи* (асосий титул варақ) билан бир қаторда бу китобнинг анча аввалги, одатда биринчи нашр титул *варағининг* факсимилие нусхаси (қўшимча титул варақ) жойлаштирилади. Қўшимча титул варақларни таржима қилинган нашрларнинг талайгина қисмида, шунингдек иттифоқдош нашриётлар томонидан уларнинг она тилида чиқариладиган китобларда ҳам учратиш мумкин. Китоб тексти тилида босилган асосий титул варақдан бошқа тилда ана шундай нусха кўчирадиган қўшимча титул варақлар *параллел титул варақлар* дейилади (масалан, асосий титул варақ ўзбек тилида, параллел титул варақ — рус тилида ёки асосий титул варақ рус тилида, қўшимча титул варақ чех тилида).

Шунингдек, кўп томли нашрларининг аксарияти, баъзи бир нашриёт сериялари ва давомли нашрлар ҳам иккита титул варақ билан чиқарилади. *Умумий титул варақ* деб аталувчи чап титул варақда бутун нашрга тааллуқли бўлган маълумотлар берилади. *Хусусий титул варақ* деб ном олган ўнг титул варақда фақат маълум бир томга, бўлакка, қисмга тегишли бўлган маълумотлар келтирилади.

Баъзи китобларда титул варақдан олдин ёки бевосита ундан кейин *шмуц титул* жойлашган бўлади. Унда китобнинг қисқача сарлавҳаси, баъзан автори, шунингдек сериясининг сарлавҳаси кўрсатилади. Шмуц титул варақдан сарлавҳа ости ва китобнинг босилишига доир маълумотлар йўқлиги билан фарқ қиласиди. Бундан ташқари китобнинг бир қисми, бўлимни, бобининг сарлавҳаси ва шу кабилар битилган алоҳида варағи ҳам шмуц титул дейилади.

Совет китоб нашр этиш ишида анчадан бўён китоб титул варағининг орқа томонида, кўпинча эса супер обложканинг клапланларида ҳам, *наширо аннотациясини* беришдан иборат яхши апъана қарор топган. Бундай ишнинг фойдали эканлиги шак-шубҳасиздир: аннотациялар китобхонга асарнинг мазмуни, унинг гоявий йўналиши билан умумий тарзда танишиб чиқиш, учинг автори тўғрисидаги айrim маълумотларни билиб олиш имконини беради.

Китоблар кўп ҳолларда *сўз боши* — қисқача кириш тексти

билан бошланади, унда автор, муҳаррир ёки нашриёт эълон қилинаётган материални ва унинг аҳамиятини таътифлаб берадилар, китобни ёзилиши ва яратилишида иштирок этгандарнинг номлари ва ҳоказоларни маълум қиласидилар. Сўз бошидан кейин ёки нашрнинг охирида *мундарижа* босилади — бу бўлимлар, қисмлар, боблар ва ҳоказоларни китобда жойлаштирилганига қараб ва эгаллаган бетларини кўрсатган ҳолда кетма-кет санаб чиқишидир. Асарнинг *асосий текст* китобнинг асосий қисми ҳисобланади. Кўпгина нашрлардан *сўнг сўзни* — бошқа шахснинг шу асар ёки унинг авторининг ижоди ҳақидаги мақоласини учратиш мумкин. Талайгина илмий китобларда сдатда бутун текстдан кейин ёки бобларнинг охирида *библиография* — авторнинг ўз асарини ёзишда фойдаланган адабиётлари рўйхати ёки баён этилган темага оид бўлган китобларнинг рўйхати кўрсатилади. Библиография кўпинча сатр остидаги сноскаларда берилади. Китобнинг охирида ёки титул варафининг орқа томонида унинг *босилишига доир маълумотлар* берилади, бу маълумотларга автор (авторлар)нинг исми, отасининг исми ва фамилияси, китобки яратишда иштирок этган бошқа шахсларнинг (нашриёт муҳаррири, бадиий муҳаррир, техник муҳаррир, корректор ва бошқаларнинг) фамилиялари, қўл ёзма теришга берилган, унинг босилишига рухсат этилган вақт тўғрисидаги, китобнинг ҳажми, унинг тиражи, асарни босиб чиқарган босмахона ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар киради.

Бу барча элементлардан китобни тасвирлаш вақтида маълум даражада фойдаланилади. Аввал айтиб ўтилганидек, титул варақ шундай мақсадлар учун маълумотлар олинадиган асосий манбадир. Сўз боши, мундарижа, нашриёт аннотацияси билан танишиб чиқиши китобнинг мазмуни, унинг foявий йўналиши, қандай китобхонларга мўлжалланганлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Баъзан сўз боши ёки сўнг сўз асосида китобнинг авторини аниқлаш мумкин бўлади. Ҳатто колон титул, норма, китобнинг босилишига доир маълумотлар каби гўё иккинчи даражали туюлган элементлар баъзи бир ҳолларда, масалан, нуқсонли нусхаларни тасвирлашда китобнинг босилган вақти, унинг сарлавҳаси ва бошқа маълумотларни аниқлашда ягона манба бўлиши мумкин.

Революциягача бўлган даврда китоб тасвирлашга доир кўпгина инструкцияларнинг авторлари бу масалага расмиятчилик билан қараганлар. Улар титул варақдаги маълумотларнинг ҳаммасини тасвирга тўлалигича кўчиришни тавсия этгандар, айрим авторлар эса бундан ҳам нари кетганлар. Масалан, машҳур библиограф А. Д. Торопов титул варақда турли шрифтларда босилган маълумотларни тасвирда алоҳида ажратиб кўрсатиш шарт, деб ҳисоблаган. Шундай қилиб, бу ва шунга ўхшаш инструкцияларга мувофиқ, китобни тасвирлаш, аслини олганда, унинг титул варафини айнан «суратга олиш»га айланиб қолган эди.

Совет кутубхоначилари ва библиографлари китоб тасвирилаш масаласини иззария ва амалиётда бошқача ҳал қилмоқдалар. Улар титул вараққа кўр-кўронга ёпишиб олмасдан, тасвир манбай сифатида умуман бутун китобни оладилар. «Умумий қоидалар»да китоб тўғрисидаги библиографик маълумотларнинг минимуми белгиланган бўлиб, улар китобни тасвирилашда кўчириб ёзилади, шунингдек тасвириларнинг турлари ва шакллари аниқланган, каталог карточкасида библиографик маълумотларни жойлаштириш қоидалари белгиланган ҳамда китобларни ва матбуот асарларининг бошқа турларини тасвирилашга доир тавсияномалар ишлаб чиқилган. Бу тавсияномалар совет кутубхонашунослиги ва совет каталоглаштириш мактаби эришган ютуқларга, шунингдек ватанимизда ва чет элларда китоб тасвирилаш соҳасида кўлга киритилган кўп йиллик илфор тажрибага таянади. Бу тавсияномалар совет китобининг хусусиятларига, китобхонлар талабига ва совет кутубхоначилик иши олдида турган умумий вазифаларга асосланади.

Библиографик тасвириларнинг элементлари ва турлари

Тасвирилардан фойдаланишда қулайлик туғдириш ва уларнинг кўзга яхшироқ ташланишига эришиш мақсадида китоб тўғрисидаги библиографик маълумотлар ўз характеристига қараб, тасвир элементлари деб аталувчи айrim группаларга бирлаштирилади ва доимо қатъий аниқ тартиб билан жойлаштирилади.

Шу элементларни кўриб чиқиб, улардан ҳар бири қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаймиз ва у ёки бу тасвир элементи матбуот асарини таърифлашга қай даражада ёрдам беришини белгилаб оламиз.

Тасвир сарлавҳаси Биринчи ва энг муҳим элемент тасвир сарлавҳаси — алфавит (баъзан эса сис-темали) каталогнинг тасвиридаги ўрнини белгиловчи сўз ёки сўзлардир. Авторнинг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош харфлари, йирик кутубхоналарда эса, авторнинг фамилияси, тўлиқ исми ва отасининг исми, баъзан тахаллуси, шунингдек муассаса ёки ташкилотнинг номлари (коллектив автор) ўз номларидан эълон қилинган баъзи бир расмий материалларга нисбатан тасвир сарлавҳаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тасвир сарлавҳаси ёрдамида бир авторнинг барча асарлари тасвирини алфавит каталогда бирлаштиришга эришилади. Бу мақсадда бир авторнинг асарлари учун ёки битта муассаса нашрлари учун тасвир сарлавҳасини автор китобда қандай аталганидан қатъи назар, бир хил шаклда кўрсатиш керак.

Сарлавҳа Сарлавҳа, яъни асарнинг номи, тасвир-нинг иккинчи элементи бўлиб, унинг аҳамияти тасвир сарлавҳасининг аҳамиятидан кам эмас. Сарлавҳа у ёки бу авторнинг асарлари тасвири орасида карточка-

нинг ўрнини аниқлаб берадиган белги бўлиб хизмат қиласди. Автори кўрсатилмай нашр қилинган китоблар учун сарлавҳа тасвирнинг биринчи элементи аҳамиятига эга бўлади ва карточканинг алфавит каталогдаги ўрнини белгилаб беради.

Сарлавҳа китобда қандай берилган бўлса, тасвирда ҳам худди шундай кўрсатилади. Сарлавҳани ўзgartириш, қисқартириш ёки унинг айрим сўзларининг ўрнини алмаштиришга йўл қўйилмайди, чунки бу китобхонни қизиқтирган китоблар тасвирини қидириб топишни қийинлаштириб юбориши мумкин. Сарлавҳа шу қадар муҳим элементки, ҳатто у китобда йўқ бўлганда ҳам тасвирда кўрсатилиши лозим. Масалан, шундай нашрлар учрайдики, уларнинг титул варафи ёки юмшоқ муқовасида фақат авторнинг фамилиясигина берилган бўлади. Бундай ҳолда нашрнинг характеристига қараб тасвирда тўғри қавс ичидаги шартли сарлавҳа: [Акарлар], [Шеърлар тўплами] ва бошқаларни кўрсатиш лозим. Тасвир сарлавҳаси сифатида олинган автор фамилияси карточкані мазкур автор асарлари тасвирларининг умумий қаторига киритиш имконини беради, кутубхоначи томонидан тузиленган сарлавҳа эса, авторнинг бошқа асарлари тасвирлари орасида карточканинг ўрнини белгилаб беради. Бу қоида муассаса ва ташкилотлар номидан чиқадиган материалларга ҳам баб-баравар таалуқлидир.

Биринчи қарашда тасвирлашда тасвир сарлавҳаси ва сарлавҳани кўрсатиш билан китобни таърифлашни тугаллаш мумкин-дек бўлиб туюлади. Масалан, «Пушкин А. С. Евгений Онегин» деган ёзув худди шу асарни сўраш учун батамом етарлидай туюлади.

Ҳақиқатда аҳвол бундай эмас. Агар тасвирда фақат шу маълумотлар кўрсатилса у ҳолда кутубхона китобхонларнинг хилма-хил талабларини қондира олмайди. Бир китобхонни «Евгений Онегин»нинг маълум бўлган ҳамма вариантларга, батафсил шарҳларга эга бўлган энг тўлиқ нашри қизиқтиради. Бошқа китобхон бу романнинг профессор Б. В. Томашевский таҳрири остида чиқарилган нашрини олишни хоҳлайди. Учинчи китобхонни расмлар билан: лекин, албатта, машҳур рассом Д. Н. Қардовский расмлари билан чиқарилган «Евгений Онегин», ўрта мактаб ўқувчисини эса, Детгизнинг «Мактаб кутубхонаси» сериясидаги нашри қизиқтиради. Келтирилган тасвир қўйилган масалаларнинг биронтасига ҳам жавоб беришга қодир эмас ва кўрсатиб ўтилган китобхонлардан бирор тасвирнинг ҳам талабини қондира олмайди. Шу нарса мутлақо равшанки, асарни анча тўла ва аниқ таърифлаш учун унинг авторининг фамилиясини ва асар сарлавҳасини кўрсатишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунинг учун сарлавҳадан кейин баъзи бир қўшимча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинган эди.

Сарлавҳа ости маълумотлари

Сарлавҳа ости маълумотлари сарлавҳани аниқлаштирадиган ва тўлдирадиган, асар мазмунини очиб берадиган маълу-

мотлардир. Сарлавча ости маълумотларига асарнинг адабий жанрини (роман, повесть, поэма ва ҳоказолар), шаклини (чизмалар альбоми ва шу кабилар) кўрсатиш, қандай китобхонларга мўлжалланганлиги тўғрисидаги маълумотлар (кутубхоначилар учун амалий қўлланма), китобни яратишда иштирок этган шахсларнинг (муҳаррир, таржимон, рассом, сўз боши автори ва бошқаларнинг) фамилияларини кўрсатиш, қайта нашр қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар (тузатилган ва тўлдирилган б-нашри) кабилар киради.

Сарлавча ости маълумотлари, номидан кўриниб турибдики, китобда одатда сарлавҳадан кейин берилади. Бироқ шундай нашрлар ҳам учрайдики, уларда сарлавча ости маълумотлари титул варақнинг орқа томонида, юмшоқ муқовада, босилишига оид маълумотларда ва сўз бошида келтирилади.

Тасвирида сарлавча ости маълумотларининг ҳаммаси эмас, балки китобни таърифлашда муҳим аҳамиятга эга бўлганларигина, яъни унинг мазмунини очиб берувчи, нашрнинг фазилатларини характерловчи ва китоб танлашни енгиллаштирувчи маълумотларгина кўрсатилади. Китобхон китобларни турлича қабул қиласиди; уларда баъзан муҳаррирлар ёки рассомлар сифатида номлари нотаниш ёки камроқ таниш бўлган шахслар, бошқа ҳолларда эса йирик олимлар ёки машҳур санъаткорлар тилга олинади.

Тасвирида сарлавча ости маълумотлари, камдан-кам ҳоллардан ташқари, китобда қандай берилган бўлса, худди шундай изчиллик билан ёзилаверади. Бунда кўпроқ тарқалган айrim сўзлар, сарлавча ости маълумотлари составига киравчи, китоб нашр этишга ва кутубхоначилик — библиографияга доир терминларни қисқартирилган шаклда келтириш, баъзан эса бутун-бутун гапларни тушириб қолдириш ҳам мумкин. Бироқ барча кутубхоналардаги каталоглар ва библиографик кўрсаткичларда қисқартишлар бир хил бўлиши керак, шу мақсадда «Умумий қондалар»да қисқартишларнинг маҳсус жадвали босилган.

Китобнинг босилишига ости маълумотларидан ташқари, уни **доир маълумотлар** қизиқтираётган китоб қайси йили, қайси нашриётда ва ҳатто қайси шаҳарда босмадан чиққанлигини билиш ниҳоятда муҳим нарсадир. Бу группа маълумотлари тасвирининг китоб босилишига доир маълумотлар номи билан маълум бўлган навбатдаги тўртинчи элементини ташкил қиласиди. Улар китобхоннинг китоб тўғрисидаги тасаввурини бойитади, китоб характеристикасини тўлдиради.

Бир мисол келтирамиз. А. Фадеев «Ёш гвардия» романининг 1951 йилги ва ундан кейинги ҳамма йилларга доир нашрлари 1946 йилги биринчи нашридан анчагина фарқ қиласиди. Маълумки, бу ташкилотнинг фаолияти ҳақида ва унинг айrim иштирокчиларининг тақдирин тўғрисида янги материаллар топилган бўлиб, романнинг дастлабки вариантига зарур аниқликлар ва қў-

шимчалар киритиш талаб қилинган эди. Сиёсий, техник, қишлоқ хўжалик китобларининг нашр этилган йилини билишнинг муҳимлигини асослаб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак. Масалан, «СССР нинг иқтисодий географияси», «Радиоҳаваскор справочниги» каби китобларнинг тасвирларида нашр этилган йилини кўрсатиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳар кимга аёндир.

Нашриётнинг аҳамияти ҳам нашр этилган йилнинг аҳамиятидан кам эмас. Тасвирда нашриётнинг номини кўрсатиш китобхоннинг китоб тўғрисидаги тасаввурини кенгайтиради ва унни танлаб олиши осонлаштиради. Масалан, нашриётнинг профилига қараб асарникт тематикаси ҳақида холоса чиқариш мумкин («Колос» нашриёти қишлоқ хўжалигига доир китоблар чиқарди); нашриёт профили айни вақтнинг ўзида асарнинг қандай китобхонларга мўлжалланганлигини аниқлаш имконини ҳам беради. Масалан, «Детская литература» ва «Молодая гвардия» нашриётлари турли китобхонларга хизмат қилишга даъват этилганлар. Ниҳоят, революцияга қадар бўлган рус ва чет эл нашрларида нашриёт номи асарнинг идеология йўналиши тўғрисида, авторининг сиёсий қарашлари ҳақида маълум даражада холоса чиқариш имконини беради.

Кузатишларнинг кўрсатишича, китоб танлашда нашр этилган жойини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Асар босилиб чиққан шаҳарни кўрсатиш ҳам асарни маълум даражада таърифлайди. Китобхон бир хил темадаги китобларга, масалан, турли область нашриётларида қишлоқ хўжалик экинларини стишириш юзасидан эълон қилинган асарларга турлича муносабатда бўлади. Шу нашрларнинг ҳар бирида ҳар қайси областнинг зона хусусиятлари ўз аксини топади деб тахмин қилиш мумкин.

Китобнинг босилишига доир маълумотлар китобда қандай кўрсатилганлигидан қатъи назар тасвирда доимо қатъий белгиланган изчиллик билан берилади: нашр этилган жойи, нашриёт номи, нашр этилган йили кўрсатилади. Бу маълумотларни ёзишда «Умумий қоидала»да белгиланган қисқартиришларга йўл қўйилади.

Миқдорий характеристика Бу, тасвирда келтирилган ва сон жиҳатидан бешинчи элемент бўлиб, китобхонга китобнинг ҳажми тўғрисида ҳукм чиқариш, унда китобхонни қизиқтирадиган проблема қанчалик тўла ёритилганлиги тўғрисида бирмунча тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Миқдорий характеристика бетларнинг сони ва расмлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу маълумотларни яхшироқ уқиб олиш ва уларнинг кўпроқ кўзга ташланиши учун, одатда иккинчи вертикал чизиқдан бошлаб алоҳида чизиққа жойлаштирилади. Миқдорий характеристика ёзувда қисқартирилган шаклда бажарилади.

Сарлавҳа усти маълумотлари

Кўпгина китобларда, одатда титул вараги ёки муқованинг юқори қисмида автор фамилиясидан олдин ёки сарлавҳадан олдин нашрни маъқуллаган муассаса ёки ташкилотнинг номи учратиш мумкин. Кўпинча ана шу жойда сериянинг сарлавҳаси, баъзан эса муассасанинг номи ва сериянинг сарлавҳаси эълон қилинган бўлади. Бу маълумотларни, туриш жойларига қараб, сарлавҳа усти маълумотлари деб аташ қабул қилинган. Бу маълумотлар тасвирга навбатдаги олтичи элемент қилиб кўчирилади. Сарлавҳа устида нашрни маъқуллаган муассаса номининг бўлиши унга маълум даражада иуфуз бағишлайди (масалан, «Рус совет адабиётӣ» дарслигида СССР Фанлар Академияси А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг муҳри). Тасвирда серия сарлавҳасини кўрсатиш асар тематикасини («Оммавий радиокутубхона») таърифлаб беради, қандай китобхонларга мўлжалланганлигини («Ўқувчи кутубхонаси»), сериянинг адабий жанри ва адабий йўналишнни («Шоир кутубхонаси») белгилайди. Шундай қилиб, сарлавҳа усти маълумотлари маълум даражада сарлавҳа ости маълумотларини тўлдиради.

Сарлавҳа усти маълумотлари тасвирда қисқартирилган шаклда келтирилади. Уларни бошқа библиографик маълумотлардан ажратиш учун ҳар доим думалоқ қавсларга олинади ва миқдорий характеристикадан кейин жойлаштирилади.

Юқорида санаб ўтилган библиографик тасвир элементлари, тасвир сарлавҳасидан ташқари, *тасвир тексти* термини билан бирлаштирилади. Кўпчилик ҳолларда тасвир тексти китобнинг ўзидан олинган маълумотлар асосида тузилади. Бироқ, шундай нашрлар ҳам учрайдики, уларни таърифлаш учун тасвирга айрим қўшимча маълумотларни киритиш талаб қилинади. Буни эслатмалар ёрдамида амалга ошириладики, улар ҳам библиографик тасвир элементи ҳисобланади.

Эслатмалар

Эслатмаларнинг мазмуни жуда хилмажилдир. Уларга китобда автор қаерда берилганлиги, унинг илмий даражаси, илмий ёки фахрий уйвонини кўрсатиш, титул варақ билан муқовадаги маълумотлар ўртасида каттагина айрмалар борлиги, шу нусханинг ҳусусиятларини ҳақидаги (масалан, дастхат мавжудлиги, нусхадаги нуқсонлар), китобда айрим иловаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги (масалан, чизмалар альбоми) белгилар ва бошқа нарсалар киради. Эслатмалар соф ташқи тарздаги маълумотлар билан бир қаторда китоб мазмунига ҳам таалуқли бўлishi мумкин. Масалан, муайян бир асарнинг бошқа асарлар билан алоқадор эканлигини кўрсатиш, китобда библиографиялар, бошқа тиллардаги хulosалар мавжудлигини кўрсатиш фойдалидир, турли авторларнинг мақолаларидан иборат тўпламларни, бир авторнинг танланган асарларидан тузилган тўпламларни тасвирлашда эса бу нашрларнинг мазмунини очиб беришга интилиш зарур.

Шундай қилиб, эслатмалар, бир томондан, тасвир текстини баъзи бир расмий маълумотлар билан тўлдиради, иккинчи томондан, китобларнинг мазмунини очиб бериш йўли билан уларни маълум даражада пропаганда қилишга ёрдам беради.

Аннотация

Тасвирга аннотация илова қилиниши мумкин, у — асарга унинг мазмуни, фояй-сиёсий йўналиши, қиймати, кимларга мўлжалланганлиги ва ҳоказо томонлардан баҳо беради.

Аннотациялаш — кутубхонасидан китобларни аъло даражада билишни, библиография ишида катта тажрибага эга бўлишни талаб қиласидиган жуда ҳам қийин ишдир. Шунинг учун ҳам кутубхоналар бу мақсадда В. И Ленин номли СССР Давлат кутубхонасининг *аннотацияланган босма карточкаларидан* кенг фойдаланишлари лозим; бу аннотациялар билимнинг турли соҳаларидаги юқори малакали мутахассислар томонидан тузилади.

Тасвир турлари

Кутубхона каталогларида тасвирнинг бир неча турлари ишлатилади, улар кимларга мўлжалланганлиги, китоблар тўғрисида ўзида мавжуд библиографик маълумотларнинг тўлалиги жиҳатидан ҳам, уларни тузиш методикаси жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиласидилар.

Тасвирлар кимларга мўлжалланганига қараб *асосий* ва *ёрдамчи тасвирлар* бўлади. Тасвирнинг тўлиқ бўлиши ўз навбатида унинг кимларга мўлжаллангани билан белгиланади.

Тасвирлар тузиш методикасига қараб *авторли (номли) тасвирларга ва сарлавҳа остидаги тасвирларга* бўлинади.

Асосий тасвир

Ҳар бири номдаги матбуот асарига (ҳар бир нусхасига эмас), у китоб, журнал, газета, географик карта, ноталар ва ҳоказолар бўлишидан қатъи назар, одатда, алфавит каталог учун битта асосий тасвир тузилади.

Асосий тасвирлар ҳар қандай кутубхона каталогини тузиш учун негиз бўлиб хизмат қиласиди. Асосий тасвирнинг ўз олдинга қўйган вазифаси — кутубхона фондларини айнан ўхшаш (*адекват*) қилиб акс эттиришдир. Шунга асосланиб, асосий тасвирлар етарли даражада тўлиқ библиографик маълумотларни ўз ичига оладики, улар тасвирланаётган асарни бошқа асарлардан фарқ қилиш, унинг мазмунини, идеологик йўналишини, қандай китобхонларга мўлжалланганлиги ва ҳоказоларни аниқлаш имконини беради.

Алфавит каталогда асосий тасвир алоҳида муҳим ролни баъзаради. Асосий тасвирларнинг карточкаларига ёрдамчи тасвирларнинг мавжудлиги тўғрисида, шу китоб тасвирларининг бошқа каталогларда турган жойи тўғрисида системали каталог индексларини ва предмет рубрикаларини кўрсатиш йўли билан белгилар қўйилади. Бунинг натижасида асосий тасвирлар орқали алфавит каталогнинг бошқа каталоглар ва кутубхона фонди

билингвальдиги алоқаси амалга оширилади. Ниҳоят, асосий тасвир орқали биринчи галда хизматга доир турли маълумотлари билиб олинади.

Олдинги параграфда келтирилган тасвир элементлари китоб тўғрисидаги асосий элементларни акс эттиради. Бироқ, қандай ҳолларда шу библиографик маълумотлардан қайсилари қўлланилиши, шунингдек уларнинг карточкаларда қандай жойлашуви кўпгина сабабларга боғлиқдир.

Тасвирлаш методикаси ҳам матбуот асарларининг характеристига, уларнинг нашрий жиҳатдан безатилишига, ҳам китобда автор бор ёки йўқлигига, китобнинг бир ёки бир неча автор томонидан ёзилганлигига, у ёки бу асарнинг бир ёки бир неча томда чиққан-чиқмаганлигига ва ҳоказоларга боғлиқдир. Бироқ амалий ишда дуч келинадиган китобларнинг жуда хилма-хил бўлишига қарамай, уларнинг тасвири, юқорида айтиб ўтилганидек, ё автор фамилияси остида (авторли тасвир) ёки сарлавҳа остида ифодаланади. «Умумий қоидалар» да қандай ҳолларда ва қандай асарларга нисбатан у ёки бу тасвир методи қўлланилиши тўғрисида кўрсатмалар берилган.

Авторли тасвир Авторли тасвир бирор бир шахснинг (автор, тузувчи ва бошқалар) фамилияси остида ёки китобни нашр эттирган муассасаса ёки ташкилотнинг номи остида берилиши мумкин. Биринчи ҳолда якка *автор номи остидаги тасвир*, иккинчи ҳолда *коллектив автор номи остидаги тасвир* деб аталади.

Автор сифатида қабул қилинган автор фамилияси ёки муассасаса номи каталогда жойлаштирувчи сўзлар (тасвир сарлавҳаси) бўлиб хизмат қиласи.

Жойлаштирувчи сўзни (сўзларни) алоҳида ажратиб кўрсатиш зарурлиги ва авторли тасвирни сарлавҳа остидаги тасвирдан кўз билан кўриб фарқ қилиш учун тасвир сарлавҳаси алоҳида чизиққа (автор сатрига) чиқарилади ва гўёки бутун тасвирига бошчилик қиласи.

Сарлавҳа остидаги тасвир Сарлавҳа остидаги тасвир авторли тасвирдан тасвир сарлавҳасининг йўқлиги билан фарқ қиласи. Шунинг учун ҳам карточкалар каталогда сарлавҳанинг биринчи сўзи бўйича жойлаштирилади. Сарлавҳа остидаги тасвир ҳам, авторли тасвир сингари, автор чизиғидан (биринчи чизиқдан), бироқ иккинчи вертикалдан бошланади. Барча кейинги ёзувлар авторли тасвирдаги каби жойлаштириллаверади:

Ёрдамчи тасвирлар

Ёрдамчи тасвирларнинг аҳамияти Тўла қонли алфавит каталог тузиш учун асосий тасвирларнинг ўзи етарли бўлмайди. Шундай принцип асосида ташкил қилинган каталог унга мурожаат қилувчиларнинг саволларига ҳар доим ҳам жавоб беравермайди.

Тажриба бізға шу нарсаны ўргатадыки, китобхонлар турли сабабларга күра, ҳар хил психологик тасаввурлар оқибатида, үзларнин қызықтирувчи китобларнинг тасвиirlарини құпинча үша фамилия ёки сарлавҳадаги үша сүз остидан, кутубхоначи асос қилиб олган мұхим белги бүйічә қидирмайдилар. Масалан, шундай ҳоллар күп бўладики, икки ёки уч авторли асарлар иккинчи ёки учинчи авторнинг фамилияси бўйича сўралади, ваҳоланки бундай нашрларнинг асосий тасвиirlари каталогда биринчи авторларнинг фамилияси бўйича туради. Шунингдек, кузатишларнинг кўрсатишича, жуда кўп китобхонлар расмий материалларнинг тасвиirlарини улар каталогда акс эттирилган муассасаларнинг номи остидан эмас, балки сарлавҳалар остидан қидирадилар.

Асосий тасвиirlардангина ташкил топган алфавит каталог китобхонларнинг тўпламларга киритилган асарлар, вақтли матбуотдаги мақолалар, нашриёт серияларига кирган китобларга бўлган талабларини қондира олмайди, чунки бу асарлар тўпламлар, вақтли матбуот ва нашриёт сериялари бўйича сўралган. Ниҳоят, бундай каталог у ёки бу авторнинг бирор киши билан шерик бўлиб ёзган, ёки унинг таҳрири остида эълон қилинган, ёхуд унинг таржимасида чиққан асарларини аниқлаб бера олмайди ва ҳоказо. Масалан, агар К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» деган китоби учун каталогга фақат асосий тасвиir киритиладиган бўлса, у ҳолда биргаликда ёзилган бу асар Ф. Энгельснинг фақат ёлғиз ўзи ёзган бошқа асарлар орасида акс этмайди.

Бу айтилганларнинг ҳаммасига шуни қўшимча қилиш керакки, барча китобхонлар ҳам каталогдан зарур нарсани эркин топа олади, ҳамма ҳам унинг қандай ташкил қилинганлигини, тасвиirlар қандай тартибда жойлаштирилганлиги ва шу кабиларни тасаввур қила олади, деб бўлмайди. Шу сабабли, алфавит каталог ўз олдига қўйилган вазифаларга тўла жавоб бера олиши учун, у автор белгисига қараб, кутубхона фондини ғоят тўлиқ даражада очиб бериб, ишончли справка — библиография воситаси ва китобхонларга жуда қулай бўлиши учун, асосий тасвиirlар билан бир қаторда ёрдамчи тасвиirlar ва ёрдамчи карточкаларни кенг қўлланиш зарур.

Агар асосий тасвиiri ҳар бир номдаги китоб учун тузиш шарт бўлса, ёрдамчи тасвиirlar ҳамма китоблар учун эмас, балки фақат зарурат бўлган тақдирдагина тузилади.

Ёрдамчи тасвиirlарни қўлланиш ҳажми кутубхонанинг профилига, унинг олдида турган вазифаларга, китобхонларнинг составига ва уларнинг талаблари характеристига, шунингдек алоҳида олинган ҳар бир кутубхонанинг имкониятларига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Ёрдамчи тасвиirlар жуда мұхим вазифани бажарадилар. Уларнинг ёрдами билан кутубхона фондларини ҳар томонлама очиб бериш, баъзи бир авторларнинг асарларини тўлароқ аниқлаб чиқиш, китобларни пропаганда қилишини яхшилаш, китоб-

хопларнинг каталогдан фойдаланишини енгиллаштириш мумкин бўлади. Ёрдамчи тасвирлар асосий тасвирлардан фақат ўзининг кимларга мўлжаллангани билан эмас, балки мазмуни билан, айримлари эса яна ўз шакли билан ҳам фарқ қиласди. Улар асар тўғрисидаги энг муҳим маълумотларнигина ўз ичига олади; баъзи бир библиографик элементлар умуман келтирилмайди. Агар китобхон китоб тўғрисидаги батафсил библиографик маълумотларни билиб олмоқчи бўлса, у ана шу маълумотларни асосий тасвир орқали ҳар маҳал аниқлаб олиши мумкин, уни бу тасвирга унинг учун тузилган ҳар қандай ёрдамчи тасвир барча ҳолларда йўллай олади.

Ёрдамчи тасвирлар-нинг турлари Алфавит каталогда ёрдамчи тасвирларнинг уч тури: 1) қўшимча тасвирлар, 2) серияли тасвирлар, 3) аналитик тасвирлар қўлланилади.

Катта справка-библиография ишларини олиб борадиган йирик универсал кутубхоналарда ёрдамчи тасвирлар жуда хилмажи белгиларига қараб кенг татбиқ қилинади. Фондларини узоқ муддатга сақлаш мўлжалланмаган, справка-библиография ишлари кам ҳажмда олиб бориладиган район, шаҳар касаба союз кутубхоналарида ва кичик илмий кутубхоналарда ёрдамчи тасвирлар чекланган ҳолда қўлланилади. «Умумий қоидалар» да уларни энг зарур ҳолларда, ёрдамчи тасвирларсиз каталогдан керакли материалларни топиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган пайтларда ёки айниқса актуал китобларни пропаганда қилиш таъмин этилмаётган пайтлардагина тузиш тавсия қилинади.

Ёрдамчи тасвирларнинг энг тарқалган тури қўшимча тасвирлардир. Бироқ, оммавий кутубхоналарда «Умумий қоидалар» нинг тавсияларига кўра, бу тасвирлардан камдан-кам ҳоллардагина фойдаланилади.

Номлар кўрсатилган қўшимча тасвирларни, масалаи, авторли китобларни тасвирлашда шерик авторлар учун, мақолалар тўпламларини тасвирлашда тузувчилар ёки муҳаррирлар учун, иккита колективнинг биргаликда чиқарган нашрларини тасвирлашда муассаса ёки ташкилот учун тузиш мақсаддага мувофиқидир. Муқовада автори кўрсатилмаган китобларни, шунингдек, номлари ўзлари чиқарган айrim расмий нашрлар сарлавҳасига кирмаган муассаса ва ташкилотларнинг нашрларини тасвирлашда сарлавҳага қўшимча тасвирлар бериш тавсия қилинади. Албатта, айrim ҳолларда нашрнинг характеристига, алоҳида бир кутубхонанинг имкониятлари ва профилига қараб, қўшимча тасвирларни қўлланишдаги бу чеклашлар доираси кенгайтирилиши мумкин. Демак болалар китобларини тасвирлашда бе затувчи рассомларга қўшимча тасвирлар киритиш жуда фойдалидир; агар кўпгина таржима нашрларининг таржимонлари шу соҳада кўзга кўринган мутахассис ва ҳоказолар бўлса, уларга ҳам қўшимча тасвирлар тузиш талаб қилинади.

Қўшимча тасвирлар, бошқа ҳар қандай ёрдамчи тасвир каби, асосий тасвирга нисбатан камроқ библиографик маълумотларга эга бўлади. Лекин шунга қарамай, қўшимча тасвир ҳам ўша китобни етарли даражада тавсифлаб бериши керак. Библиографик маълумотларнинг «Умумий қоидалар» да белгиланган минимуми, чунончи: *қўшимча тасвир сарлавҳаси, асосий тасвир сарлавҳаси, сарлавҳа, асосий сарлавҳа ости маълумотлари* ва китобнинг босилишига оид маълумотлар — бу мақсадларга тўла жавоб беради. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, библиографик тасвир элементларини карточкага ёзиш номи кўрсатилган тасвирда ҳам, сарлавҳага бериладиган қўшимча тасвирда ҳам доим иккинчи вертикалдан бошланади. Бундай арзимаган техник деталь қўшимча тасвирларнинг асосий тасвирлардан тезда, ташқи белгисига қараб ажратиш имконини беради. Библиографик элементларнинг изчиллигига келганда, улар асосий тасвирлар учун қабул қилинган изчилликка тўла мос келади¹.

Ёрдамчи карточкалар

Ёрдамчи тасвирлар каби ёрдамчи карточкалар олдига ҳам китобхонларнинг каталогдан зарур нарсани топишини енгиллаштириш ваундан фойдаланишига ёрдам бериш вазифаси қўйилади. Бироқ ёрдамчи карточкалар ёрдамчи тасвирлардан анча фарқ қиласди: ёрдамчи карточкалар библиографик тасвирга эга бўлмайди, бирор-бир аниқ нашрга боғлиқ эмас, шунинг учун ҳам шифр кўрсаткичлари бўлмайди. Ёрдамчи карточкаларга йўналтирувчи ва справка карточкалари киради.

**Йўналтирувчи
карточкалар** Йўналтирувчи карточкалар (йўналтиргичлар) икки хил бўлади: *умумий* ва *хусусий*. *Умумий йўналтиргичлар* (ёки

уларни ҳавола қилувчилар деб ҳам атайдилар) рус тилида қисқартирилган «см.» (смотри) (қаралсин) сўзи ёрдамида китобхонни автор фамилияси ёки муассасаса номининг рад қилинган шаклидан тасвир сарлавҳасида қабул қилинган шаклига ҳавола қиласди.

Ҳаммага маълумки, авторлар ўз асарларини турлича нашр қилдирадилар. Бир хил авторлар уларни фақат ўзларининг ҳақиқий фамилиялари билан, бошқалари фақат тахаллуслари билан чиқарадилар. Баъзи ёзувчилар ҳам иккала шаклдан ҳам фойдаланадилар.

Алфавит каталогда (бу ҳақда қўйироқда батафсил гапирилади) бир авторнинг асарлари ҳар доим унинг номининг бир хил, кўпроқ машҳур бўлган шакли остида: ё ҳақиқий фамилияси

¹ Серияли ва аналитик тасвирларни тузишнинг характеристикаси ва методикаси кейинги бобда баён қилинади.

остида ёки тахаллуси остида акс эттирилади. Шунинг учун ҳам, китобхонга у ёки бу авторнинг асарлари қандай сарлавҳа остида тасвирланганини кўрсатиш мақсадида каталогга *умумий йўналтиргичлар* киритилади. Айрим ҳолда улар тахаллусдан ҳақиқий фамилияга (масалан, Бельтов Н. дан Плеханов Г. В. га), бошқа ҳолда — ҳақиқий фамилиядан тахаллусга (масалан, Голиков А. П. дан Гайдар А. П. га) ҳавола қилинади.

Кўпинча авторларнинг фамилиялари, айниқса Совет Иттифоқи ҳалқлари тилларидаги ва чет тиллардаги китобларда турлича ёзилади. Масалан, Ленин мукофоти лауреати бўлган машҳур эстон ёзувчisinинг «Ледовая книга» («Муз китоби») асари Ю. Шмуул ва Ю. Смуул фамилиялари остида, инглиз ёзувчиси Голсуорсининг асарлари эса унинг фамилиясининг бешдан ортиқ турли шакли остида эълон қилинган.

Баъзи бир муассаса ва ташкилотларнинг нашрларини босиб чиқаришда ҳам шунга ўхшаш ҳоллар бўлиб туради. Кўпинча бирор-бир муассасанинг номи китобда бир хил пайтда тўлиқ шаклда ёзилади, ҳатто олган барча ҳукумат мукофотлари ҳам бирмабир сараб ўтилади, бошқа вақтда фақат қисқа номнинг ўзи келтирилади. Баъзан муассасанинг бир хил нашрда берилган номининг шакли бошқа материалларда фойдаланилган шаклидан сезиларли даражада фарқ қиласи (масалан, Ленинград шаҳар ҳалқ маорифи бўлими ва Ленинград шаҳар ижрокомиининг ҳалқ маорифи бўлими).

Хусусий йўналтиргичлар (ёки уларни яна ҳар томонлама йўналтиргичлар ҳам деб атайдилар) «см. также» (смотри также) (яна қаралсун) деган сўзлар ёрдамида битта тасвир сарлавҳасидан шу каталогда қабул қилинган иккинчи сарлавҳага ўзаро ҳавола қиласи.

Йўналтиргичларнинг бу хили асосан номлари ўзгартирилган муассаса ва ташкилотларнинг расмий нашрларини тасвирлашда қўлланилади. Масалан, СССР Министрлар Совети ҳузурида мавжуд бўлган Олий мактаб ишлари комитети 1946 йилда СССР Олий таълим министрлиги қилиб қайта ўзгартирилди. 1959 йилда бу Министрлик яна қайта тузилиб, шундан кейин СССР Олий ва ўрта маҳсус таълим министрлиги деб атала бошлади. Бу муассасалар материалларининг тасвирлари мавжуд қоидаларга биноан материалларни эълон қилган муассасаларнинг номларига мувофиқ равишда каталогда ҳар хил жойларда туради. Бироқ китобхон бирон сабабга кўра тасвир сарлавҳаси шаклларидан биттасигагина мурожаат қиласиган бўлса, жузъий йўналтиргичлар ёрдамида барча бошқа тасвир сарлавҳаларига ҳавола қилинади, каталогдаги керакли материал ана шу сарлавҳалар остида акс эттирилган бўлади.

Булардан ташқарн, жузъий йўналтиргичлар турли каталоглардаги ёки ҳар хил алфавит қаторларидаги бир хил тасвир сарлавҳаларини бир-бирига боғлаб турис учун ҳам қўлланилади. Масалан, кутубхонада айрим авторларнинг рус ва чет тиллар-

даги китоблари бор бўлса, рус китоблари каталогнга китобхонни чет тиллардаги китоблар каталогида мавжуд бўлган ўша сарлавҳага ҳавола қилидиган жузъий йўналтиргич, киритиш жуда фойдалидир. (Гюго В. см. также Hugo V.) (Гюго В. яна қаралсин: Hugo V.).

Ниҳоят, жузъий йўналтиргичларни турли каталоглардаги, масалан, китоблар каталоги ва ноталар каталогидаги бир хил тасвир сарлавҳаларини ўзаро боғлаш учун ҳам қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай йўналтиргичлар китобхонга уни қизиқтираётган авторнинг кутубхонада бор бўлган асарлари ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишда ёрдам беради.

Справка карточка-лари.

Справка карточкалари ҳам йўналтиргичлар каби тасвирга эга эмас. Уларнинг вазифаси — китобхонга маълум бир якка ёки коллектив авторнинг асарини каталогдан топишга ёрдам беришdir.

Китобхонни фақат бошқа тасвир сарлавҳасига ҳавола қилиш талаб қилинадига пайтдагина эмас, балки баъзи бир тушунтиришлар бериш зарур бўлган ҳолларда справка карточкалари умумий ва жузъий йўналтиргичларнинг ўрнини босиши мумкин. Масалан, муассасанинг эски номидан ушинг янги номига ҳавола қилишда қайси йилда қайта қуриш содир бўлганини, шу ном остида қандай муассасалар бирлашганини ва ҳоказоларни кўрсатиш фойдалидир. «Умумий қоидалар» справка карточкалари ни бир хил сўзлар билан бошланган муассасаларнинг номлари (Олий Совет, Министрлар Совети, Министрлик ва бошқалар), шунингдек расмий нашрларнинг характерли бўлмаган намуналии сарлавҳаларида (Устав, Резолюция, Протокол ва ҳоказолар) қўлланишни тавсия этади. Намунали сарлавҳаларга бир марта тузилган справка карточкалари сарлавҳага берилган бир қатор ёрдамчи тасвирларнинг ўрнини босади, кутубхоначининг вақтини тежайди ва каталогни ортиқча карточкалардан озод қиласди.

Кўпинча справка карточкалари библиографик аҳамиятга эга бўлади. Улардан коллектив тахаллусларни очиб кўрсатиш учун, бошқа шахсларники деб хато ёзиб қўйилган ёки фақат автори номаълум тарздагина машҳур бўлган китобларнинг ҳақиқий авторини аниқлаш ва ҳоказолар учун фойдаланиллади. Тажрибанинг ўргатишича, китобхонлар бадий адабиёт авторларини ҳар доим ҳам эсда тутавермайдилар. Шу муносабат билан ҳар бир асарнинг сарлавҳасига қўшимча тасвирлар тузавериш мақсадга мувофиқ эмас. Бу, биринчидан, қиммат тушади, иккинчидан, каталогни кераксиз нарсалар билан тўлдириб юборади. Шунинг учун справка карточкалари оммавий кутубхоналарда классик адабиётдан ташқари, ватанимиз ва жаҳон бадий адабиётининг сарлавҳаларига кенг қўлланилмоқда. Бундай карточкалар одатда бадий адабиёт асарлари сарлавҳаларининг алоҳида карто текасига киритилади.

Алфавит каталог карточкаларидаги кутубхона белгилари

Кутубхоначилар китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёни-дагина эмас, балки ўзларининг бошқа вазифаларини бажариш: кутубхонани тўлдириш, фондларни ташкил этиш ва ҳоказолар муносабати билан ҳам ҳар турли справкалар олиш учун каталоглар ёрдамига мурожаат қиласидилар. Баъзан кутубхонада маълум бир нашрнинг неча нусхаси борлигини текшириш талаб қилинади. Кўпинча кўп томли нашрнинг баъзи қисмига берилган шифр ёки инвентарь номерини, у ёки бу китобнинг каталогга киритилган ёрдамчи тасвирларини аниқлаш зарур бўлиб қолади. Маълум бир асар системали каталогнинг қайси бўлимига киритилганини ва ҳоказоларни аниқлаш лозим бўлиб қолган ҳоллар кўп учрайди.

Бу хилдаги справкаларни бажаришни осонлаштириш, шунингдек шу кутубхонанинг барча каталогларини бир-бири билан бояглаш учун карточкаларда *кутубхона белгилари* қўлланилади, бу белгиларга қуйидагилар киради: 1) шифр; 2) инвентарь номери; 3) ёрдамчи тасвирлар тўғрисидаги справкалар; 4) системалии каталогнинг тўлиқ индекси; 5) предмет рубрикалари.

Кутубхона белгилари, шифрдан ташқари, фақат алфавит каталогдаги қилинади. Улар асосий тасвирларнинг олд ва орқа томонларига қўйилади.

Шифр

Шифр — китобнинг токчадаги ўрнини кўрсатувчи шартли белгидир. Совет оммавий кутубхоналаридаги китоб шифри классификация (токча) индексидан ва авторлик белгисидан иборат бўлади. Бу алфавит каталогнинг асосий ва барча ёрдамчи тасвирларидаги, шунингдек бошқа каталоглар ва картотекаларнинг ҳамма карточкаларидаги карточканинг олд томонида, юқорисидаги чап бурчагида келтирилади.

Инвентарь номери

Инвентарь номери — тартиб номери (номерлари) бўлиб, бирор нашр кутубхонага келтирилган вақтда кутубхонанинг инвентарь дафтарига ани шу номер остида ёзиб қўйилади. Каталог карточкаларидаги инвентарь номерларини китоб юборилган фонд билан бирга кўрсатиш мавжуд нусхалар сонини ва китоб кутубхонанинг қайси бўлимни ҳисобида турганлигини аниқлаш имконини беради. Инвентарь номерлари ёрдамчи алфавит каталогнинг тешик-часи юқорига айлантириб қўйилган асосий карточкасининг орқа томонида пастки чап бурчакда келтирилади.

Ёрдамчи тасвирлар тўғрисидаги справкалар

Справкалар у ёки бу асарнинг асосий тасвирга қўшимча тарзда каталогга қандай ёрдамчи тасвирлар киритилганини аниқлаш имконини беради. Бундай справкалар кутубхонадан ўчирилган китобларнинг карточкаларини каталоглардан олиб ташлаш жараёнини анча осонлаштиради ва тезлаштиради. Бундан ташқари, справкалар кутубхона-

чига зарур бўлиб қолган тақдирда библиографик тасвирларга ёки китоб шифрларига қандайдир ўзгартишлар киритишда ёрдам беради.

Ёрдамчи тасвирлар тўғрисидаги справкалар фақат алфавит каталогнинг асосий карточкаларидағина қилинади. Улар карточканинг орқа томонида тешикчанинг тагига қисқартирилган шаклда ёзилади, масалан: «Соавт». (соавторга ёрдамчи тасвир), «Сер». (серияли тасвир). Ёрдамчи тасвир тўғрисидаги справкани шартли қисқартишлардан фойдаланиш йўли билан ифодалашнинг имкони бўлмай қолган тақдирда, шахс (шахслар)нинг тасвир сарлавҳаси сифатида қабул қилишган фамилияси, исми ва отаси исемининг бош ҳарфларини карточкада кўрсатиш зарур. Масалан, тўрт ва ундан ортиқ авторнинг китобларини тасвирилашда ҳам худди шундай қилишга тўғри келади.

**Системали каталог-
нинг тўлиқ индекси** Бу кутубхона белгиси алфавит каталогнинг асосий карточкасига қўйилади. У аввало, алфавит ва системали каталогларни бир-бирига боғлаш ва ўчирилган китобларнинг тасвирларини системали каталогдан олиб ташлаш жараёнини енгиллаштириш учун хизмат қиласди.

Алфавит каталог карточкаларида индекслар турлича кўрсатилади. Бир хил кутубхоналар уни карточканинг олд томонига ўнгдан пастки бурчагига жойлаштирадилар. Бошқалари ҳам худди шу жойга-ку, бироқ карточканинг орқа томонига ёзадилар. Ҳар иккала усулдан ҳам фойдаланса бўлади, аммо иккинчиси мақсадга мувофиқроқдир. Модомики бу белгилар фақат кутубхоначи учунгина мўлжалланар экан, карточканинг олд томонини китобхон учун зарур бўлмаган маълумотлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юборишининг ҳожати йўқ.

Предмет рубрикалари Предмет каталогларига эга бўлган кутубхоналарда алфавит каталог карточкаларида предмет рубрикалари кўрсатилади. Предмет рубрикалари, кутубхонанинг кўпгина белгилари каби, асосий тасвирнинг орқа томонида кўрсатилади.

**Босма карточкаларда
кутубхона белгилари** Кутубхона белгиларини карточкаларга киритиш қанчалик оддий иш бўлмасин, у кутубхоначининг вақтини олади, уни қандай қўшимча тасвирлар тузиш, китобни қайси бўлимга киритиш кераклигини олдиндан ҳал этишга мажбур бўлади. Босма карточкалардан фойдаланадиган кутубхоналарда бу бутун жараён бирмунча енгиллашади.

Бутуниттифоқ китоб палатасининг босма карточкаларида ёрдамчи тасвирлар тузилиши лозим бўлган фамилиялар кўрсатилади, предмет рубрикалари, системали каталог индекслари ва авторлик белгиси келтирилади. Кутубхоналарга Бутуниттифоқ китоб палатаси тавсияларининг қайси биридан ўзлари фойдаланаётганлигини қайд қилишгина қолади, холос. Афсуски, аннотацияланган карточкаларда индекслар ва авторлик белгисидан ташқари, бошқа ҳеч қандай кутубхона белгилари қўйилмайди.

МАТБУОТ АСАРЛАРИНИ ТАСВИРЛАШНИНГ ХУСУСИЙ МЕТОДИКАСИ

Авторли китобларни ва автори кўрсатилмай нашр қилинган китобларни тасвирлаш.— Расмий ва бошқарма нашрларини тасвирлаш.— Кўп томли нашрлар ва серияларни тасвирлаш.— Бақтли нашрларни тасвирлаш.
— Аналитик тасвир.

**Авторли китобларни ва автори (тузувлчиси)
кўрсатилмай нашр қилинган китобларни тасвирлаш**

**Автори кўрсатилиб
нашр қилинган китоб-
лар**

Авторли китобларнинг автори нашрнинг қаерида (муқовасида, титул варагида, босилишига доир маълумотларда ва ҳозорларда) кўрсатилишидан қатъи назар, «Умумий қондалар» га мувофиқ, уларни автор фамилияси остида тасвирлаш тавсия қилинади. Агар автор китобнинг ҳеч қаерида кўрсатилмаган бўлса, кутубхоначи уни аниқлаш учун мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак. Бу вазифани бажаришнинг иложи бўлмай қолган тақдирдагина китоб сарлавҳа остида тасвирланади.

Каталоглаштириш ва библиографияда автори кўрсатилиб нашр қилинган китобларни тасвирлаш узоқ вақт давомида авторларнинг фамилиялари остида тасвирлашдан иборат ягона принцип асосида амалга ошириб келинган эди. Бунда авторларнинг миқдори эътиборга олинмас эди. Тасвирлашнинг бундай методи формал логика нуқтаи назаридан маълум даражада ўзини оқласа ҳам, амалий ишда мутлақо қаноатланарсиз бўлиб чиқди. Уни қўлланиш авторли китобларнинг каттагина қисмини қидириб топишни ҳаддан ташқари қийинлаштириб юборди.

Кўпчилик авторларга мансуб бўлган китобларни китобхонлар томонидан сўралишини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу китоблар одатда сарлавҳаси бўйича сўралади, авторларнинг фамилиялари бўйича камроқ, муҳаррирнинг фамилияси ёки бошқа бирор-бир белгилари бўйича яна ҳам камроқ сўралади.

Китоб сўрашнинг бундай характеристики эътиборга олиб, совет каталоглаштириш назарияси 30-йиллардаёқ авторли китобларга нисбатан уларни тасвирлашга алоҳида-алоҳида ёндошиш йўлига ўтиб олди. Бир, икки ва уч авторли китобларни аввалгидек авторларнинг фамилиялари остида тасвирлаш давом этди.

Бироқ тўрт ва ундан кўпроқ автор томонидан ёзилган китоблар эса сарлавҳа остида тасвиirlана бошлади.

Бир авторли китобларни тасвиirlашда тасвири сарлавҳасида, табиийки, битта фамилия, иккита автор бўлган пайтда, ҳар иккаласининг фамилияси кўрсатилган. Уч авторли китобларни тасвиirlашда — биринчи авторнинг фамилияси бериллиб, «ва бошқ.» деган қисқартирилган сўзлар қўшилган. Бундай тўла бўлмаган тасвири сарлавҳаси, албатта, шартлидир¹. У соғ амалий мулоҳазалардан келиб чиқсан: вақтни иқтисод қилиш, энг муҳими эса, тасвири сарлавҳасини карточкаларни каталогга жойлаштиришга таъсир қилмайдиган маълумотлар билан тўлдириб юбормасликдир. Китобхонга тасвири сарлавҳасидаги «ва бошқ.» сўзлари остида яширилган бошқа авторлар тўғрисида ахборот бериш мақсадида ҳамда унинг олдида худди ўша ўзи қидираётган китобнинг тасвири турганини кўрсатиш учун китоб қандай безатилганига қараб, асосий тасвирида, эслатма ёки сарлавҳа остида маълумотларида учала авторнинг фамилияси санаб ўтилади. Агар китобхоннинг бирон-бир мулоҳазага бориб, икки ва уч авторли китобларнинг тасвирини тасвири сарлавҳасида кўрсатилган биринчи автор фамилияси остидан қидирмайдиган бўлса, каталогга иккинчи ва учинчи авторларга қўшимча тасвири киритилади.

Тўрт ва ундан ортиқ авторли китоблар ҳам, юқорида айтиб ўтилганидек, авторли китоблар ҳисобланниб сарлавҳа остида тасвиirlанади. Агар авторлар сони тўртта бўлса, эслатмада ёки сарлавҳа ости маълумотларида барча авторларнинг фамилияси келтирилади, мабодо авторлар сони бешта ва ундан ортиқ бўлса, фақат дастлабки учта авторнинг фамилиялари ёзилиб, «ва бошқ.» сўзлари қўшилади. Кўпроқ эса қоладиган биринчи авторга қўшимча тасвири тузилади. Бироқ «Умумий қоидалар» да бу умумий қоидани юзаки тушунмаслик керак, деб каталог тузувчилар ҳаққоний равишда огоҳлантирилади. Айрим ҳолларда, бундай китобларнинг авторлари ва муҳаррирлари қаторида машҳур жамоат ва сиёсий арбоблар, йирик олимлар ҳамда маълум бир кутубхонанинг китобхонлари учун алоҳида қизиқиш туғдирадиган бошқа шахслар бўлган тақдирда, фақат биринчи авторгагина эмас, балки бошқа авторларга ҳам, муҳаррирга ҳам қўшимча тасвиirlар тузилиши мумкин.

Қўшимча тасвиirlарни қўлланиш тўғрисида гапирилар экан, «Умумий қоидалар»да баъзи ҳолларда уларнинг айримларидан воз кечиш мумкин. Лекин шу шарт биланки, бундай соддлаштириш китобхонларга хизмат кўрсатишга таъсир қилмаслиги керак, дейилади. Унча катта бўлмаган район кутубхонасида, масалан, шерик авторга қўшимча тасвири берилмаган бўлса, кутубхоначи ҳар ҳолда бирор-бир ўйл билан бўлса-да, китобхон талаб

¹ «Умумий қоидалар»нинг янги нашри (1963 йил) чиқишига қадар тасвири сарлавҳасида учала фамилия ҳам келтирилар эди.

қылган китобин топиб беради. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, біздегі ҳар қандай кутубхона — ўсуви организмидир. Бинобарин, агар у ҳозир китобларнинг қаерда жойлашганлигиги ни унчалик қийналмасдан толиш имконияти бор бўлган нисбатан озроқ фондга эга бўлса, бироқ тез орада шундай катта кутубхонага айланиши мумкинки, яхши ташкил қилинган каталогларсиз, қўшимча тасвирларсиз китобхонларга хизмат қилиши қийин бўлиб қолади. Тажриба бизга, каталогда бўш қолган жойни тўлдириш ҳар доим қийин бўлади, деб ўргатмоқда. Шунинг учун ҳам бу ишни кейин қиларман, дейиш ўрнига китобни ўз вақтида тўлиқ қўлдан ўтказиб чиқсан маъқул.

Авторли китобларни тасвирлашнинг юқорида баён қилинган методикасини қўлланишининг ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайдидаги тажрибаси унинг тўғрилигини ва мақсадга мувофиқ эканлигини бутунлай очиқ-равшан тасдиқлади. Бу метод бошқа мамлакатларнинг мутахассислари томонидан ҳам маъқулланди ва каталоглаштириш принциплари юзасидан 1961 йилда бўлиб ўтган Халқаро конференция қарори билан умумий тарзда қўлланиш учун тавсия қилинди.

Авторли сарлавҳа-
нинг бир хил бўлиши

Авторли сарлавҳанинг каталогда бир хил бўлиши тўғрисидаги масала жуда муҳим аҳамиятга эгадидр. Агар автор китобда қандай кўрсатилган бўлса, тасвир сарлавҳаси ҳам ҳар доим шундай шаклда келтирилганда эди, у ҳолда каталогдаги шу тасвир сарлавҳаси остида ўша авторнинг барча асарлари акс эттирилганига ҳеч маҳал ишониб бўлмас эди.

Маълумки, В. И. Лениннинг асарлари кўпгина тахаллуслар остида чиқсан Г. В. Плехановнинг асарлари ўзининг ҳақиқий фамилияси остида ҳам, В. Н. Алексеев, Н. Бельтов, А. Волгин ва бошқа тахаллуслари остида ҳам нашр этилган. Кўпинча авторнинг фамилияси ўз асарларининг турли нашрларида ҳар хил ёзилган бўлади: Я. Гашек ва Я. Хашек. Одатда китобларда рус, украин ва бошқа авторларнинг фамилиялари иккита инициал билан кўрсатилади, бироқ фамилияларда фақат биттагина инициал берилган нашрлар ҳам хийлагина тарқалган.

Автор фамилиясининг китобда берилган шаклига қатъий риоя қилиш шунга олиб келадими, битта авторнинг асарлари алфавит каталогнинг турли жойларида, баъзан бир-биридан анча узоқ жойда бўлиб қолиши мумкин (масалан, Н. Бельтов ва Г. В. Плеханов). Шунинг учун китобларни тасвирлашда китобда кўрсатилган фамилия шаклини баъзан анча тез-тез ўзгартириб туришга, баъзан эса уни бошқаси билан алмаштиришга тўғри келади.

Автор адабиётда қай даражада кўпроқ машҳурлигига қараб, тасвир сарлавҳасида ё ҳақиқий фамилияси, ёки тахаллуси, ёхуд фамилия ҳамда тахаллуси ва ҳоказолар билан қўшиб келтирилади. «Умумий қоидалар» да айрим конкрет ҳолларда қўшалоқ ва улама фамилияларга, қўшимчали фамилияларга эга бўлган

авторларнинг Совет Иттифоқи составига кирувчи миллатларга мансуб авторларнинг хорижий Шарқ мамлакатлари авторлари ва бошқаларнинг асарларини тасвирилашда тасвир сарлавҳасини қандай ифодалаш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берилган. Шу билан бирга «Умумий қоидалар»да танлаб олинган фамилия шакли ва ўша авторнинг кутубхонада мавжуд бўлган барча асарлари учун ўзгартмасдан қолиши керак, деган қатъий талаб қайд қилиб ўтилади. Шу нарса мутлақо равшанки, тасвир сарлавҳаси қилиб олинмаган фамилия шаклларига зарур йўналтиргичлар берилиши керак.

Тузувчиси кўрсатилиб босилган китоблар Тузувчиси кўрсатилиб босилган китобларни тасвирилаш, эҳтимол, китобларни тасвирилаш назариясининг энг қониқарезиз ишлаб чиқилган масалаларидан бири бўлса керак. Китобларни тасвирилашда кўпроқ тортишувли, баъзан эса нотўғри хуносаларга келиш ҳоллари худди шу нашр турларида учраб турди. Бундай аҳвол «тузувчи» деган тушунчанинг шартли ва ноаниқ эканлиги билан, тузувчиси кўрсатилиб нашр қилинган китобларни безатишдаги ҳар хиллик билан изоҳланади.

Тузувчи деганда, одатда бир ёки бир неча авторнинг асарларидан иборат китобни тузган ёки расмий бошқарма ҳужжатларини қайта ишлаган ва босишга тайёрлаган ёки фольклор материалини ва шу кабиларини тўплаган ва нашр эттирган шахс тушунилади. Шу билан бирга тузувчининг ўзи ҳақиқий автор бўлган ҳоллар ҳам оз эмас.

Каталог тузувчининг жиҳдий қийинчиликларга дуч келишига тузувчиси кўрсатилиб нашр этилган китобларнинг безатилишида бир хилликнинг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Баъзи нашрларда тузувчи титул варагда, бошқаларида унинг орқа томонида келтирилади. Жуда кўпинча тузувчининг фамилиясини сўз бошида, китоб текстида ва унинг босилишига доир маълумотларда учратиш мумкин.

Совет китоб тасвирилаш назариясининг ривожланишида тузувчиси кўрсатилиб нашр қилинган китобларни тасвирилаш масаласи бир неча марта методик жиҳатдан ҳал қилинганлиги маълум.Faқат кейинги вақтлардагина бу масала тўғри ҳал қилинган.

Бир вақтлар автор билан тузувчи ўртасидаги фарқ ажратилмаган ва тузувчиси кўрсатилган ҳамма китоблар унинг фамилияси остида тасвириланаверилган. Ҳатто турли авторларнинг асарларидан ташкил топган тўпламлар ҳам каталогда тузувчининг фамилияси остида ўз аксини топган. Масалани бундай ҳал қилиш ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан нотўғри эди. Бир томондан, каталог тузувчи тасвир сарлавҳасига тузувчининг фамилиясини чиқарар экан, бу билан унга тегишли бўлмаган асарни уники деб ёзиб қўйган бўларди. Иккинчи томондан, китобхон тўпламларнинг тасвириларини уларни тузган кишининг фамилияси бўйича қидиришини тахмин қилиш қийин. Тажриба-

нинг кўрсатишича, бундай нашрлар кўпинча сарлавҳаси бўйича сўралади ва қидирилади.

Вақт ўтиши билан бу ниҳоятда оддий ва ўзини оқламаган қоидага тузатишлар ва чеклашлар киритилди. Масалан, турли авторларнинг умумий сарлавҳага эга бўлган тўпламлари, программа-методик материаллар сарлавҳа остида тасвирлана бошлади. Бироқ тузувчиси титул варақда ёки муқовада кўрсатилган бундай нашрларни аввалги қоидалар бўйича тасвирлашни давом эттирилар. Бундай маълум даражадаги формал иш ахволни камроқ яхшилади, бироқ у тузувчиси кўрсатилиб нашр қилинган китобларни тасвирлашга алоҳида-алоҳида ёндошиш зарурлигини билдиради эди. Агар тузувчи китобга алоҳида илмий ёки адабий қиймат бағишлиовчи катта меҳнат сарфлаган бўлса ва шунга биноан нашр бир хил типдаги нашрлар қаторида ажралиб турса, тузувчининг фамилияси устунлик қилувчи белги бўлиши мумкин. Сарлавҳа — иккинчи ана шундай муҳим белги бўлиб, китобнинг мазмуни унинг тузувчисига камроқ боғлиқ бўлган ҳолларда уни индивидуаллаштиради. Бошқача сўзлар билан айтганда, тузувчининг бу китобни яратишдаги роли асосан материал танлаш ва уни босмага тайёрлаш билан чекланганлигина билдиради.

«Умумий қоидалар» бу принципиал тўғри йўл-йўриқларга амал қилиб, тексти тўла-тўқис тузувчининг ўзига тегишли бўлган китобларни (илмий мазмундаги асарлар, монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ҳоказоларни) тузувчининг фамилияси остида тасвирлашни тавсия этади. Бундан ташқари, тузувчининг фамилияси остида унга тегишли бўлмаган асарлардан тузилган, бироқ у илмий ва бадиий жиҳатдан жидий қайта ишлаган нашрлар (турли луғатлар, справочниклар, географик йўл кўрсаткичлар, ҳалқ ижоди асарларининг адабий ёзувларидан тузилган тўпламлар ва ҳоказолар) тасвирланади.

Библиографик кўрсаткичларни тасвирлаш тўғрисидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Уларни тасвирлаш методикаси ҳам мустаҳкам бўлмаган. Бу нашрлар вақт ўз характеристики ва ҳажмига қарамасдан, бирмунча тузувчининг фамилияси остида тасвирланиб, сарлавҳасига қўшимча тасвир берилган. Бундай практика ўзини оқламади ва каталогнинг ҳаддан ташқари тўлиб кетишига сабаб бўлди. Ҳозирги вақтда тасвирлашнинг мақсадга мувофиқ методи топилган бўлиб, у кўрсаткичларни расмийлаштиришга асосланмайди, балки уларнинг вазифасига ва илмий қийматига суюнади. Жуда пухта асарлардан иборат бўлган библиографик нашрлар, шунингдек, методик материалларга, кириш мақолаларига, кенг шарҳларга эга бўлган кўрсаткичлар авторли асарлар сифатида қаралиб, тузувчининг фамилияси остида тасвирланади. Маълумки, кутубхоналар томонидан чиқариладиган кичик библиографик кўрсаткичлар, адабиётларнинг тавсия рўйхатлари, эсдаликлар ва бошқа-

лар ҳақиқий асар ҳисобланмайди ва одатда, сарлавҳаси ёки темаси бўйича сўралади, шу сабабли «Умумий қоидалар» уларни сарлавҳа остида тасвирлашни тавсия этади.

Ҳар хил справка нашрларини тасвирлашда шу нарсани на-зарда тутиш керакки, улар каталогдан ҳам тузувчининг фамилияси остидан, ҳам сарлавҳаси остидан қидирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ҳолда сарлавҳага қўшимча тасвир бериш ниҳоятда фойдали бўлади.

Юқорида нашрларнинг шундай баъзи бир турлари кўриб чиқилдики, уларни яратишда тузувчиларнинг ижодий иштироки - гоят аниқ намоён бўлган. Бундай нашрлар билан бир қаторда, тузувчининг роли асарларни танлаб олиш ва босмага тайёрлаш-дангина иборат бўлган кўпгина китоблар ҳам мавжуд. Шундай килиб, бу группадаги китоблар учун асосий белги сарлавҳадир. «Умумий қоидалар» бундай нашрларга ҳар хил тўпламларни, чунончи: турли авторларнинг умумий сарлавҳага эга бўлган асарлари тўпламларини, тарихий ва адабий ҳужжатлар тўпламларини, архив материаллари ва хатлар тўпламларини, халқ ижоди асарлари тўпламларини, инструктив ва методик ҳужжатлар тўпламларини, шунингдек ўқув программалари-методик материалларни, ихтиrolар учун темалар рўйхатини, автор текстига эга бўлмаган справка нашрларини, кўчаларга оид справочниклар ва бошқаларни киритади.

Бу ва шунга ўхшашиб нашрларнинг барчаси каталогда сарлавҳа остида акс эттирилади. Қўшимча тасвирларга келганда, агар тузувчиларнинг фамилиялари титул варақ ёки муқовада кўрсатилган бўлса, уларга қўшимча тасвир бериш ўзини тўла-тўкис оқлаган бўлади. Шундай безатишка тузувчи китобхоннинг кўз ўнгига бўлади, шу сабабли китоб тузувчининг фамилияси бўйича сўралиши мумкин, деб фараз қилишликка асос бўлади. Кутубхона ишининг хусусиятлари, унинг вазифаларига қараб қўшимча тасвирлар бошқа шахсларга (муҳаррир, шарҳловчи ва ҳоказоларга) ҳам берилиши мумкин.

**Авторлари кўрсатилмай нашр қилинган
китоблар**

Авторлари кўрсатилмай эълон қилинадиган китоблар жуда кўп. Улар мазмунни, қандай китобхонларга мўлжаллангани, характеристери ва ўзининг безатилиши жиҳатидан ниҳоятда хилма-хилдир. Бундай нашрлар жумласига аввалио турли сабабларга кўра, авторларининг фамилиялари ёки музассасаларнинг номлари кўрсатилмай чиқсан ва адабиётда автори номаълум асарлар номини олган асарлар киритилади. Совет воқелиги шароитида автори номаълум нашрлар анча кам учрайдиган воқеадир. Бироқ революцияга қадар бўлган Россияда кўпгина китоблар, айниқса сиёсий мазмундаги китоблар автори номаълум ҳолда чиқсан. Капиталистик мамлакатларда бундай практика бизнинг кунларимизда ҳам бўлиб туради. Бу ҳол турли сабаблар билан ҳам, цензура мулоҳазалари билан ҳам полиция томонидан таъқиб қилинишига қарши чора-тадбирлар билан

изоҳланади. Кўпинча нашрларнинг автори номаълум бўлиши нуқул шахсий характердаги сабаблар оқибати, баъзан эса нашриётларнинг шунчаки расмийлаштириши натижаси ҳамdir.

Автори номаълум нашрларга, шунингдек машхур адабий ва тарихий ёдгорликлар ва халқ эпоси асарлари: «Игорь полки жангномаси», «Рус ҳақиқати», «Калевала», «Минг бир кеч», «Роланд ҳақида қўшиқ» ва бошқалар ҳам киради.

Библиография ва кутубхоначилик ишида автори номаълум нашрларга нисбатан қатъий бир қондида белгиланган бўлиб, у библиограф ва кутубхонасидан бутун куч-ғайратни китоб авторини аниқлашга сарфлашни талаб қиласди. Бундай қидиришнинг ижобий натижаси мазкур авторнинг кутубхонада мавжуд бўлган асарлари рўйхатини тўлдириш ва китобхонни бундай жуда қийин библиографик ишдан озод қилиш имконини беради. Мутлақо равшанки, бундай жиддий текшириш ишини фақат йирик кутубхоналаргина қила олиши мумкин. Зарур справка-библиография аппаратига эга бўлмаган кичкина кутубхоналар автори номаълум бўлган китобларнинг авторини мажбурий равиша аниқлашдан озод қилинадилар.

Бироқ автори номаълум нашрлар китобхонларга сарлавҳаси билан таниш бўлганлиги туфайли, бу китобларни аниқланган авторининг фамилияси остида тасвирлаш сарлавҳага бериладиган мажбурий қўшимча тасвирни истисно қўлмайди, бу қўшимча тасвир китобхоннинг талабларини тўлароқ қондириш ва уни қизқираётган китобни топишни осонлаштириш имконини беради.

Китобларнинг баъзи бир турларини тасвирлаш хусусиятлари Тури-туман авторли китоблар ва автори кўрсатилмай қиқарилган китоблар орасида уларни тасвирлашда бир оз бошқачароқ ёндошишни талаб қиласдиган нашрлар ҳам топилади. Бундай нашрларнинг ҳаммасини санаб чиқиш мумкин эмас: улар жуда кўп. «Умумий қоидалар»да баъзи бир кўпроқ тарқалган китоб турларини, чунончи: мақолалар тўпламлари, хрестоматиялар, чет тилларни ўрганувчилар учун ўқув қўлланмалари, либереттолар, инсценировкалар, айрим шахсларнинг ҳаёти ва ижодини тасвирлашга, айрим муассасалар, айрим мамлакатлар ва жойларни тасвирлашга бағишлиган асарлар, қайта ишланган асарлар, бошқа асарларнинг қисқартмаси ёки уларга қўшимчалар, иловалар ҳисобланувчи нарсалар ва шу кабиларни тасвирлашга доир кўрсатмалар берилади. Уз-ўзидан маълумки, тасвирлашнинг умумий қоидалари мана шу барча материалларга тааллуқлидир. Лекин бу нашрларнинг мазмун хусусиятларини, уларнинг характеристикини, қандай китобхонларга мўлжалланганини ва бошқа фарқ қилувчи белгиларини назарда тутиб, айрим ҳолларда тасвирларни қўшимча эслатма билан таъминлаш, бошқа ҳолларда — умумий қоидаларда кўзда тутилмаган қўшимчага тасвир тузиб чиқиш, баъзан эса унинг шаклини ўзгаририш талаб қилинади.

Масалан, хрестоматиялар тузувчининг фамилияси остида тасвирланади. Лекин, кўпигина китобхонлар бу нашрларни каталогдан сарлавҳаси бўйича сўраши ва қидириши аниқланганлиги сабабли, «Умумий қоидалар» каталогга сарлавҳага оид қўшими-ча тасвир киритишин талаб қилади. Мақолалар тўпламлари сарлавҳа остида тасвирланади, лекин кутубхоначи имкони бори-ча уларнинг мазмунини очиб бериши лозим. «Умумий қоидалар» бу муҳим вазифани амалга оширишнинг турли йўлларини кўр-сатиб беради.

Авторнинг фамилияси остида сарлавҳа остида тасвирлаш жуда кенг, хилма-хил доирадаги китобларга нисбатан қўллани-лади. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, тузувчиларига эга бўлган, шунингдек, тузувчилари кўрсатилмай чиқарилган кўпиги-на нашрлар муассаса ёки ташкилотнинг номи остида тасвирла-нади. Муассаса ёки ташкилотларнинг номи остида тасвирлашни қўлланиш чегараси ва методикаси расмий ва бошқарма нашрла-рини тасвирлашга бағишлиланган кейинги бўлимда баён қилинади.

**Расмий ва бошқарма нашрларини тасвирлаш.
Колективъ автор**

**Расмий ва бошқар-
ма нашрларининг тур-
лари ҳамда уларнинг
аҳамияти**

Муассаса ва ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган, уларнинг фаолияти билан ёки уларга бўйсунувчи органлар-нинг иши билан бирор-бир даражада боғлиқ бўлган матбуот асарлари бош-

қарма нашрлари деб аталади. Улар мазмуни, қандай мақсадни кўзлаши ва шакли жиҳатидан ғоят хилма-хилдир. Бошқарма нашрларига илмий текшириш характеридаги материаллар (ма-салан, илмий асарлар тўпламлари, турли қўлланмалар, эълон қилинган қўл ёзмалар ва ҳужжатлар ҳам), шунингдек, ҳужжат-ларга асосланган ҳисобот ёки директива характеридаги материа-лар (масалан, ҳисоботлар, сметалар, уставлар, протокол-лар, лавозимларга доир инструкциялар) ҳам киради. Муассаса ва ташкилотлар ёки мансабдор шахслар томонидан уларнинг хизмат вазифаларини бажариш тариқасида чиқариладиган нашр-ларнинг бу кейинги группаси расмий нашрлар номини олган.

Расмий ва бошқарма адабиётига мунтазам ишлаб турган муассаса ва ташкилотларнинг материаллари билан бир қаторда маълум бир вақт мобайнида, одатда қисқа ва кўпинча илгаридан планлаштирилган мuddат давомида ишлайдиган бирлашмалар-нинг нашрлари ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Шундай бирлаш-малардан, масалан, ҳалқаро конгресслар, Бутуниттифоқ симпо-зиумлари, съездлар, конференциялар, кенгашлар, слётлар ва ҳоказолар, шунингдек, турли тематикадаги кўчма виставкалар, илмий экспедициялар, хилма-хил маданий-оқартув ва спорт тадбирларини ўтказиш учун тузиладиган ташкилотлар (фес-тиваллар, форумлар, олимпиадалар, турнирлар ва шу кабилар) каталоглаштириша **муваққат ташкилотлар** деган ном олганлар.

Расмий ва бошқарма нашрлари китоблар, брошюралар, варақалар, вақтли нашрлар (масалан, «Асарлар», «Бюллетенлар», «Ахборотлар») ва график тасвирлар (масалан, диаграммалар, схемалар, плакатлар) шаклида босилиб чиқади.

Бу нашрлар кутубхоналарнинг айниқса мажбурий нусха оладиган йирик кутубхоналарнинг китоб ва бошқа фондлари орасида катта ўрин эгаллайди. Бинобарин, бундай бўлиши тасодифий эмас. Биринчидан, матбуот асарларининг бу тури Совет Иттифоқидаги барча босма маҳсулотнинг 40% га яқинини ташкил қилади. Иккинчидан — бу энг асосийси — турли протоколлар, резолюциялар, ҳисоботлар, уставлар, нормативлар, статистик маълумотлар ва бошқа расмий ҳамда бошқарма нашрларидан китобхонлар ўзларининг илмий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятларида справка мақсадларида актив фойдаланадилар. Шунингдек, ҳозирги вақтда асосан тарихий қийматга эга бўлган расмий нашрларга ҳам талаб оз эмас. Буларга партиянинг дастлабки съездларининг СССР Марказий ижроия комитети сессияларининг стенографик ҳисоботлари ва протоколлари, партия ва ҳукумат қарорлари, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидағи қонунларга доир материаллар киради.

Расмий ва бошқарма нашрлари кўпроқ уларни эълон қилдирган муассаса ёки ташкилотнинг номи остида тасвирланади. Бу метод адабиётда ва кутубхоначилик практикасида *автор номи остида тасвирлаш* номини олган.

Коллектив авторни қўлланиш чегараси Муассаса ва ташкилотларни автор сифатида тан олиш китоб тасвирлаш назарияси ва практикасининг ривожланиши да катта қадам бўлди. Коллектив автор номи остида тасвирлаш методини қўлланиш алфавит каталогнинг справка ахборот бериш қийматини оширади, чунки коллектив номи остида партия, давлат, жамоат, илмий ва бошқа ташкилотларнинг нашрларини якка авторнинг асарлари билан бир қаторда акс эттириш мумкин бўлади.

«Автор» деган тушунчанинг кенгайиши, автори муассасадан иборат нашрлар борлигини тан олиш сарлавҳа остида тасвирланиши лозим бўлган материаллар миқдорини кескин қисқартириб юборди. Тузувчиси кўрсатилмай эълон қилинган расмий нашрлар авторли китоблар сифатида тасвирлана бошланди, бу нашрларни чиқарган муассаса ёки ташкилотнинг номи тасвир сарлавҳасига чиқарилди.

Муассаса ва ташкилотни автор сифатида тан олиш ҳатто тузувчиси кўрсатилган айрим нашрларни коллектив асар деб ҳисоблаш ва бу билан якка автор номи остида тасвирланадиган нашрлар доирасини анча торайтиришга имкон берди.

Коллектив автор номи остида тасвирлашни қўлланиш битта коллективининг барча материаллари қандай босилганлигидан қатъи назар (тузувчиси кўрсатилиб ёки кўрсатилмай), ҳар қандай алоҳида нашрни китобхон қандай сўрашига қарамасдан

(тузувчининг номи остида, сарлавҳа остида, нашр эттирган муассасанинг номи остида), уларнинг тасвирлар каталогидан сосон ва тез тошилишини таъминлайди.

Бироқ муассаса ва ташкилотлар авторлар сифатида тан олиниши билан улар эълон қилган ҳамма материаллар уларнинг номи остида тасвирланиши лозим, деб ўйлаш хатодир. Бундай практика шу нарсага олиб келиши мумкинки, коллектив автор номи остида тасвирланиши лозим бўлган нашрлар доираси ҳаддан ташқари кенгайиб кетади ва бу билан каталогдан фойдаланишни жуда ҳам мураккаблаштириб юборади.

«Умумий қоидалар» расмий ва бошқарма нашрларининг характеристига ва совет кутубхоналарининг тажрибасига асосланиб, ўзининг тавсияларида бу турдаги адабиётни тасвирлаш масаласига доир алоҳида-алоҳида ёndoшади. Нашрларнинг бир қисмини коллектив автор номи остида бир қисмини сарлавҳа остида, айrim материалларни эса, якка автор номи остида тасвирлаш таклиф этилади.

Коллектив автор номи остида тасвирлаш чегарасини белгилашда «Умумий қоидалар» нашр типини унинг мазмуни, характеристери ва вазифасини ҳисобга олган ҳолда йирик кутубхоналар учун ҳал қилувчи мезон сифатида қабул қиласди.

Бир неча мисолларни кўриб чиқайлик.

Муассаса ва ташкилотлар томонидан чиқариладиган адабиётлар ўз характеристири жиҳатидан жуда хилма-хилдир. Масалан, РСФСР Маданият министрининг 1960 йил 26 январдаги «РСФСР да кутубхоначилик ишини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги 49-сонли буйруғи ўз мазмуни ва вазифаси жиҳатидан уни нашр эттирган муассасанинг фаолияти билан шу қадар мустаҳкам боғланганки, уни шу муассасанинг асари деб қабул қиласлик мумкин эмас, шу сабабли у коллектив автор номи остида тасвирланиши лозим. РСФСР Маданият министрлиги томонидан нашр этилган «Кичик кутубхоналар учун матбуот асарларини тасвирлаш ва алфавит каталог ташкил этишнинг умумий қоидалири» фақат РСФСР Маданият министрлиги системасидаги кутубхоналардагина қўлланилиб қолмайди ва шунинг учун ҳам китобхонлар уни фақат шу министрликнинг асари деб қарамайдилар. Нашрларнинг бундай типини сарлавҳа остида тасвирлаш мақсадга мувофиқроқдир. Кўпинча бир талай нашрларнинг мазмуни шу қадар хилма-хил ва турли характеристерда бўладики, уни сарлавҳада ифодалаш мумкин бўлмай қолади, бунинг оқибатида у одатда ўзига хос хусусияти номаълум бўлган, чайналган шаклга эга бўлади («Асарлар», «Илмий асарлар», «Асарлар тўплами» ва ҳоказолар). Сарлавҳасига уларни нашр қилдирган муассасанинг номини қўшмасдан сўралиши мумкин бўлмаган бу ва шунга ўхшаш нашрларни коллектив автор номи остида тасвирлаш керак.

Коллектив автор номи остида тасвирланадиган нашрларнинг типларига доир келтирилган бу мисоллар билан тасвирлашнинг

бу методини қўлланишнинг чегараси тўғрисидаги масала ҳал этилди деб бўлмайди. Расмий ва бошқарма нашрларининг хиллари жуда кўплиги сабабли, колектив автор номи остида тасвирлаши қўлланиш чегарасининг аниқ ва айниқса ягона мезонини белгилаш мумкин эмас. Бу мураккаб проблемани ҳал этишда иккита асосий қоидага: 1) битта муассасанинг нашрларини бир жойга тўплаш зарурлигига ва 2) китобнинг элементларидан қайси бири — сарлавҳали ёки муассасанинг номими — нашрнинг мазмуни ва вазифасини тўлароқ ва аниқроқ характерлаб беришини ва тасвирнинг дастлабки сўзлари сифатида олинганда, китобхонларнинг талабига кўпроқ мос келишини ҳисобга олишга асосланмоқ керак.

Шу нарса мутлақо равшанки, фондлари жуда хилма-хил составдаги расмий ва бошқарма адабиётига эга бўлган йирик кутубхоналарда колектив автор номи остида тасвирлаш максимал даражада кенг миқёсда қўлланилади. Кичик оммавий кутубхоналарда бу методдан фойдаланиш чекланган бўлиб, уни қўлланиш ҳажми бу кутубхоналар фондларининг составига мос келади.

«Умумий қоидалар» йирик кутубхоналар учун расмий ва бошқарма нашрларининг мазмунига қараб нашрларнинг қуидаги типларини колектив автор номи остида тасвирлашни тавсия қиласди:

1. *Расмий ҳужжатли материаллар* — муассасанинг фаолиятини, унинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита ҳужжатлар билан асословчи нашрлар.

Материалларнинг бу группасига уставлар, манифестлар, ҳалқ-қа қаратса қилинган мурожаатлар, муассасаларнинг иши тўғрисидаги стенографик ҳисботлар, протоколлар, докладлар ва ҳоказолар киради.

2. *Директив материаллар* — юқори орган томонидан қуий органларга бериладиган умумий раҳбарлик кўрсатмалари, уларни нашр эттирган муассаса ёки унинг қарамоғида бўлган ташкилотлар системаси доирасидагина қўлланишга мўлжалланган оператив-хизмат характеридаги кўрсатмалар.

Бу группага қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, циркулярлар, инструкциялар, кўрсатмалар ва ҳоказолар киради.

3. *Бошқармаларнинг норматив материаллари* — фақат уларни нашр эттирган муассаса учунгина мажбурий бўлиб, бошқарманинг ички стандартлари характерига эга бўлган ҳужжатлар, ғормалар, нархлар, прейскурантлар, тариф-малака справочниклари ва ҳоказолар.

4. *Ахборот-справка материаллари*: келиб-кетиб турувчилар учун йўл кўрсаткичлари, эсдаликлар, проспектлар, кутубхоналар, музейлар, нашриётлар, савдо бирлашмаларининг каталоглари, олимпиадалар, матчлар, турнирлар ва шу кабиларнинг материаллари.

5. Чоп эттирган муассасанинг номи сарлавҳага ажралмас қисм сифатида кирадиган ёки киради деб тахмин қилинган нашрлар.

Расмий материалларнинг анча-мунча қисми сарлавҳа остида тасвиранади. Бунга аввало қонунчиликка доир материалларнинг катта группаси: конституциялар, айрим қонунлар, қонун кодекслари, ҳарбий уставлар ва қўлланмаларнинг нашрлари киради.

Шунингдек, сарлавҳа остида қўйидагилар тасвиранади: 1) партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан нашр эттирилган *программ-методик, пропагандистик, статистик, инструктив материаллар* ҳам тасвиранади, бироқ шу шарт биланки, бу материалларнинг сарлавҳалари тугалланган индивидуал характерга эга бўлсин, китобхонлар томонидан уларни нашр эттирган муассасалар кўрсатилмасдан сўралиши мумкин бўлсин, масалан, «СССР матбуоти». Бутуниттифоқ Китоб палатаси томонидан нашр этилган статистик материаллар.

2) *Намунавий уставлар ва низомлар, масалан: «СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тасдиқлаган СССР Олий ўқув юртларининг намунавий Устави».*

3) Нашр эттирилган муассаса доирасидагина эмас, балки бошқа бошқармалар, муассасалар ва ҳоказолар томонидан ҳам қўлланишга мўлжалланган *инструкциялар, программалар, техник йўл-йўриқлар, эсадаликлар, агрономия қоидалари* ва бошқа нашрлар, масалан: «Оммавий кутубхоналарда кутубхона техники менинг минимуми». СССР Маданият министрлиги нашр этган инструкциялар ва формалар.

4) *Йигма ахборот-справка нашрлари, масалан: «СССР университетларига кирувчилар учун справочник».*

Сарлавҳа остида тасвиранадиган расмий нашрларнинг юқорида келтирилган рўйхатини, албатта, тўла-тўқис рўйхат деб қарамаслик керак. Қайси бошқармага мансублигидан қатъи назар муассасаларнинг расмий нашрлардан кенг фойдаланиш имконияти, китоб тўғрисида аниқ тасаввур берадиган алоҳида сарлавҳанинг мавжудлиги ва ниҳоят, нашрнинг намунавий характерга эга бўлиши сарлавҳа остида тасвирилаш методини қўлланиш учун мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Расмий нашрларни тасвирилашнинг умумий қоидаларига биноан алоҳида тузувчиси кўрсатилиб эълон қилинган материаллар коллектив автор номи остида тасвиrlаниши мумкин. Масалан, М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат ҳалқ кутубхонасининг 1962—1963 йилларга оид ҳисоботида титул варагининг орқа томонида унинг тузувчиси — Т. И. Скрипкина кўрсатилган, демак ҳисобот кутубхонанинг номи остида тасвириланади.

Бироқ мақсадга мувофиқ келадиган бу метод барча расмий материаллар учун ҳам татбиқ қилинаётгани йўқ. Шундай нашр-

лар борки, уларда якка автор ёки тузувчининг роли шу дара-жада катта бўлади, шунинг учун истисно тариқасида уларнинг фамилиялари тасвир сарлавҳаси қилиб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолларда коллектив авторга фақат қўшимча тасвирнинг ўзигина тузилади.

«Умумий қоидалар» якка автор (тузувчи) номи остида тасвирланадиган расмий материаллар қаторига Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик лагерь мамлакатларининг раҳбарлари, давлат, сиёсий ва жамоат арбобларининг, капиталистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда касаба союзлари раҳбарларининг съездлар, конференциялар ва шу кабилардаги ҳисоботлари, докладлари ва нутқларини батамом асосли равишда киритади. Масалан, РКП(б) Марказий Комитетининг В. И. Ленин томонидан қилинган ҳисоботлари якка авторнинг асари сифатида тасвирланади. Бундай методнинг мақсадга мувофиқ эканлиги аниқ: уни қўлланиш бу актуал материалларнинг тасвирларини осон ва тез топишини таъминлади.

Шунингдек, муассаса, ташкилотнинг фаолиятига гўё умумий характеристика берадиган, бироқ расмий ҳисобот характеристига эга бўлмаган тарихий очерк тариқасидаги асарлар ҳам тузувчининг фамилияси остида тасвирланади. Шундай нашрга Ю. С. Афанасьев билан А. С. Мильниковнинг 1964 йилда чиққан «Халқ кутубхонаси. 150 йил» деган брошюраси мисол бўлиши мумкин.

Коллектив автор номи остида тасвирлашнинг умумий қоидалари

Якка автор асарларини тасвирлашнинг умумий қоидалари коллектив автор асарларига ҳам тааллуқлидир. Библиографик тасвир элементлари ва уларни карточкада жойлаштириш тартиби тўла-тўқис сақланиб қолади, шунинг учун коллектив автор номи остида тасвирлашни қонуний равишида авторли тасвирнинг бир тури деб қараш керак. Унчалик катта бўлмаган фарқ шундан иборатки, коллектив автор номи остида тасвирлашда «Умумий қоидалар» тўла асосли равишида қисқартиришларга, баъзи ҳолларда эса тасвир сарлаҳасида ва сарлавҳада баъзи сўзларни келтириб ўтирасликка йўл қўяди. Бунинг натижасида тасвир сарлавҳаларининг ифодаланиши соддалашди, сарлавҳалар мъянолироқ бўлиб қолди. Масалан, тасвир сарлавҳасида кўрсатилган муассаса номини сарлавҳада такрорлашдан воз кечиши тасвирнинг аниқлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, тасвир сарлавҳасида кўпгина совет муассасалари номига қўшиладиган «давлат» сифатини, муассасалар олган орденлар ва бошқа ҳукумат мукофотларининг номини тушириб қолдириш тасвир сарлавҳасини ифодалашни енгиллаштиради, холос. Масалан, «Меҳнат Қизил Байроқ орденли М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси» деган узундан-узоқ расмий ном ўрнига, тасвир сарлавҳаси

учун қисқартырған шаклда — «М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонаси. Ленинград» деб күрсатиш батамом етарлидир. Бироқ бунда «Үмумий қоидалар» тасвир сарлавҳаси бир хилда бўлиши зарурлигига алоҳида эътиборни жалб қиласди. Айни битта муассасанинг номи унинг турли нашрларида ҳар хил шаклда бўлиши — анча тез-тез учраб турадиган ҳодисадир. Баъзи ҳолларда муассасанинг номи тўла шаклда (КПСС Москва шаҳар комитети), бошқа ҳолларда ҳарфли шартли қисқартма тарзида (КПСС Москва ШК) ёки мураккаб қисқартма сўз тарзида (КПСС Москва шаҳаркоми) келтирилади. Битта муассасанинг барча нашрларини каталогда бир жойга тўплаш учун тасвир сарлавҳасида унинг номининг мумкин бўлган шаклларидан бирини — ё тўла шаклини, ёки қисқарган шаклини ишлатиш керак. Совет кутубхоналари тажрибасида, кичикроқ мустаснодан ташқари, тўла шакли қабул қилинган. Бу проблеманинг самарали ҳал қилиниши шак-шубҳасиз шу фактга асосланадики, тўла шакл анча равshan шакл бўлиб, каталогдан фойдаланишда бирор-бир қийинчилик бўлиши эҳтимолига барҳам беради. Қисқартырған шаклдан фойдаланиш эса, унинг мураккаблиги, маънони очиб беришнинг қийинлиги зарур тасвирларни қидиришда баъзи бир ноқулайликлар туғдиради.

Шу билан бирга кўпгина муассаса ва ташкилотлар ҳам борки, улар ўзларининг қисқарган номлари билан машҳурдирлар, уларни тасвирлашда ҳам шу қисқартма номлардан (КПСС, ВЛКСМ, ВЦСПС ва бошқалар) фойдаланилади.

Тасвир сарлавҳасининг бир хил бўлиши тўғрисидаги масала уни *стандартлаш* масаласи билан мустаҳкам боғлиқdir; стандартлаш, сўзларнинг муассаса номида қандай келтирилганлигидан қатъи назар, олдиндан белгиланган тартибда ёзилишидир. Тасвир сарлавҳасини стандартлаш алфавит каталогда бир хил типдаги коллективлар тасвирини максимал даражада бир-бирига яқинлаштириш имконини беради.

Расмий ва бошқарма нашрлари тасвир сарлавҳасининг қандай ифодаланишига қараб, шартли равишда бир неча группага бўлиниши мумкин.

Биринчи группани СССР ва унга кирадиган республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг ва давлатни идора килиш органларининг нашрлари ташкил этади. Бу группага СССР Олий Советининг, иттифоқдош ва автоном республикалар олий советларининг нашрлари, СССР Министрлар Советининг, иттифоқдош ва автоном республикалар министрлар советларининг, СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар министрлар советлари ҳузуридаги комитет ва комиссияларнинг нашрлари, министрликлар, уларнинг бошқармалар ва бўлимларининг нашрлари киради.

Иккинчи группа маҳаллий давлат ҳокимияти ва идора органларининг нашрларини, яъни меҳнаткашлар депутатлари

область, ўлка, округ, район Советлари ҳамда уларнинг бўлиmlари ва бошқармалари нашрларини ўз ичига олади.

Бу нашрлар каталогда муассасанинг расмий номи остида акс эттирилади, бу муассаса китобда қандай аталганидан қатъи назар каталогда ҳар доим географик сифатдан (Калинин область маданият бошқармаси) бошланади. (Китоб — Калинин область ижрокомининг маданият бошқармаси.)

Учинчи группани Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва иттилоқдош республикалар коммунистик партияларининг, область, ўлка, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг нашрлари, чет эл мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг, Бутунитифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ва республикалар ёшлар ташкилотларининг, Бутунитифоқ Қасаба Союзлари Марказий Совети ва айрим касаба союз ташкилотларининг нашрлари, жамиятлар ва жамоат ташкилотларининг нашрлари ташкил қиласди.

Бу группа материаллари ташкилотнинг расмий номи остида (кўпчилик ҳолларда қисқартирилган шаклда) тасвиранади.

Тўртинчи группага илмий, маданий-оқартув муассасалари, ўқув юртлари, хўжалик, ишлаб чиқариш, савдо ва транспорт ташкилотларининг расмий нашрлари киради. Булар илмий текшириш институтлари, театрлар, музейлар, клублар, кутубхоналар, олий ўқув юртлари, фабрикалар, заводлар, трестлар, темир йўл бошқармалари, сув ва ҳаво транспорти муассасаларининг ва бошқаларнинг нашрларидан иборат бўлади.

Бу материаллар одатда муассаса ва ташкилотларнинг тўлиқ расмий номи остида тасвиранадилар. (В. И. Ленин номидаги Бутунитифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси.) Агар муассаса ўз номининг қисқартирилган шакли (Ленэнерго) ўзига хос ном («Союз», завод) остида кўпроқ танилган бўлсагина, сарлавҳаси учун қисқартирилган шакл ёки ўзига хос ном қабул қилинади.

**Қўшимча тасвиirlар
ва йўналтирувчи
карточкалар**

Тажрибанинг кўрсатишича, колектив автор номи остида тасвиранган расмий ва бошқарма нашрларини китобхонлар кўпинча сарлавҳаси бўйича ёки

тузувчисига қараб қидирадилар. Каталогда сарлавҳа остида акс эттирилган нашрларни эса, кўпинча уни нашр эттирган муассасанинг номи бўйича сўрайдилар.

Кутубхоналар китобхонга керакли бўлган тасвиirlарни топишга йўл кўрсатиш учун алфавит каталогга ёрдамчи тасвиirlар ва ёрдамчи карточкалар киритадилар. Коллектив автор номи остида тасвиirlашда қўшимча тасвиirlар ва йўналтирувчи карточкаларни қўлланиш якка автор асарларини тасвиirlашдагига нисбатан кўпроқ аҳамият касб этади, чунки расмий материалларнинг тасвиirlарини қидириб топиш маълум қийинчиликларга эгадир.

Каталогга қачон ва қандай қўшимча тасвиirlарни кири-тишининг барча ҳолларини олдиндан айтиб бериш мумкин эмас. Бу ҳол, илгари бир неча марта кўрсатиб ўтилганидек, кутубхонанинг профилига ҳам фондларининг состави ва ҳаж-мига ҳам, китобхонлар контингентига ҳам, уларнинг талаб-ларининг характеристига ҳам боғлиқ бўлади. Шундай бўлса ҳам, энг зарур қўшимча тасвиirlар минимумини назарда тутиш мумкин, уларсиз китобхонларга малакали хизмат кўрсагниши тасаввур қилиб бўлмайди.

Масалан, «Умумий қоидалар» коллектив автор номи остида тасвиirlарнинг сарлавҳаларига, агар улар етарли да-ражада индивидуаллаштирилган бўлса, қўшимча тасвиirlар тузишни тавсия қилади. Масалан, КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда кутубхона ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги (1959 йил), «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги (1960 йил) ёки «Ўрта умумтаълим мактабларининг ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги (1966 йил) қарорларини сарлавҳа остида қидириш ҳам мумкин. Ҳамиша коллектив автор номи остида тасвиirlанадиган расмий-ҳужжатли материаллар сарлавҳаларга қўшимча тасвиirlар беришини талаб қилмайдилар (агар сарлавҳалар индивидуал характерга эга бўлмаса, албатт). Масалан, китобхон В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасининг 1963 йилги иши тўғрисидаги ҳисботи тасвиiri ни қидирав экан, айни ҳолда уни нашр этган муассасанинг номини айтмаслиги мумкин эмас, шу сабабли унинг сарлав-ҳасига қўшимча тасвиir бериш ортиқча бўлиб қолади. Бироқ ҳар ҳолда китобхон ўзини қизиқтирган тасвиirlни сарлавҳаси бўйича қидириши мумкинлигини назарда тутиб, китобхонлар каталогига намунавий сарлавҳалар («Ҳисбот», «Қарор» ва шу кабилар) учун справка карточкаларини киритиш фойдадан холи эмас. Шундай қилиб, қуйидагича хулоса чиқариш мумкин; расмий нашрлар ўзига хос сарлавҳага эга бўлмаган ёки муассасанинг номи сарлавҳа составига кирган (ёки унга киради деб тахмин қилинган) ва нашрларни уларни чоп этган коллективнинг номини айтмасдан туриб сўраш мумкин бўлмаган пайтларда сарлавҳага қўшимча тасвиir тузилмайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг биргаликда чиқарилган нашрларини, шунингдек, итти-фоқдош республикалар коммунистик партиялари Марказий Комитетлари билан Министрлар советларининг нашрларини коллектив автор номи остида тасвиirlашда каталогга китобда иккинчи бўлиб кўрсатилган коллектив (соавтор) учун қўшимча тасвиir киритиш керак.

Расмий ва бошқарма нашрлари сарлавҳа остида тасвиirlangan ҳолларда материални ўз номидан эълон қилган муассасаса (ёки ташкилот) учун каталогга қўшимча тасвиirlар киритиш

мақсадга мувофиқдир. Баъзи ҳолларда қўшимча тасвиirlар тузувчи ёки муҳарирiga ҳам берилиши мумкин.

Қўшимча тасвиirlарни қўллаш ҳажми тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, у ёки бу кутубхонанинг имкониятларига боғлиқдир. Ирик кутубхоналарда қўшимча тасвиirlар фақат сарлавҳаларгагина эмас, балки тузвучиси, муҳарир ва коллективига ҳам, албатта, зарурдир. Кичик кутубхоналарда хизмат кўрсатиш сифатига птур етказмасдан туриб сарлавҳага ва айрим ҳолларда коллективига қўшимча тасвиirlар бериш билан чекланса ҳам бўлади.

Ҳамма китобхонлар ҳам каталогнинг тузилиш қоидалари билан етарли даражада хабардор эмаслар. Шу сабабли каталогга қўшимча тасвиirlар билан бир қаторда йўналтирувчи карточкаларни киритиш жуда фойдалидир. Масалан, давлат ҳокимиyati органларининг расмий номларидан каталогда қабул қилинган шаклига ҳавола қилувчи йўналтиргичлар китобхонга катта ёрдам бериши мумкин. «Олий Совет» номига, шунингдек номлари бир хил сўзлар билан, масалан, «Министрлик» деган сўз билан бошланувчи муассасаларга ҳавола қилувчи йўналтирувчи карточкалар ўзларини батамом оқладилар.

«Умумий қоидалар» да қўшимча тасвиirlар ва ёрдамчи карточкаларни қўлланишнинг бошқа кўпгина конкрет ҳоллари келтирилади. Бу ерда шу нарсани яна бир карра таъкидлаш керакки, қўшимча тасвиirlар ва йўналтируvчи карточкаларни киритиш каталогнинг сифатини яхшилайди, коллективларнинг асарларини яна ҳам тўла ва ҳар томонлама аниқлаб беради, каталогнинг справка-библиографик аҳамиятини оширади ва китобхонга ўзини қизиқтираётган китобларнинг тасвиirlарини топишни осонлаштиради.

Расмий ва бошқарма нашрларини тасвиirlаш, шубҳасиз, маълум қийинчилликларга эга. Коллектив автор номи остида тасвиirlаниши лозим бўлган нашрларни ҳар доим ҳам аниқ белгилаб бўлмайди. Баъзан тасвиirlарнинг сарлавҳаларини тўғри ифодалаш, қандай қўшимча ва йўналтируvчи карточкаларни каталогга киритишлигини аниқлаш қийин бўлади.

Бу жиҳатдан Бутуниттифоқ китоб палатаси катта ёрдам кўрсатади, у айрим коллективларнинг структурасида рўй берган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида кутубхоналарни хабардор қилиб туради. Баъзи бир кутубхоналар каталог билан бир қаторда, асарлари кутубхонада мавжуд бўлган муассаса ва ташкилотлар номларининг маҳсус карточкасини олиб борадилар, у ёки бу тасвир сарлавҳаси учун зарур бўлган йўналтируvчи ва справка карточкаларини кўрсатадилар. Бу картотека «коллектив автор учун калит» номини олган бўлиб, бир хил кутубхоналарда алфавит тартибда, бошқаларида системали тартибда тузилган. Кутубхоналар булар билан бир қаторда яхши тўлдирилган справка аппаратига ҳам эга бўлиши керак.

Ниҳоят, коллектив автор номи остида тасвирлаш каталоглаштириш ишларини бирмунча қимматлаштириб юборади, деган фикрға ҳам қўшилмаслик мүмкін эмас. Муассасаларнинг кўпгина нашрлари каталогга қўшимча тасвирлаш, йўналтирувчи ва справка карточкаларини, албатта, киритишини талаб қиласди. Бироқ кутубхона фондини тўла очиб бериш ва ундан актив фойдаланиш нуқтаи назаридан қараганда, коллектив автор номи остида тасвирлаш методи тўла-тўкис ўзини оқлади. У фақат йирик, илмий кутубхоналардагина эмас, балки жуда кўп шаҳар ва район кутубхоналарида ҳам мустаҳкам қарор топди.

Кўп томли нашрлар ва серияларни тасвирлаш

Кўп томли нашрлар-ни тасвирлашнинг умумий қоидалари

Баъзи бир асарлар мазмунига, қандай мақсадларга мўлжалланганлигига қараб, кўпинча методик мулоҳазалар билан, баъзан эса техник сабабларга кўра, бир

неча китоб, қисм ва томдан иборат қилиб нашр этилади. Ўз мазмуни жиҳатидан бир бутунни ташкил этувчи ва олдиндан муайян томлар миқдори билан чеклаб қўйилган бундай нашрлар полиграфияда ва кутубхона иши тажрибасида *кўптомли нашрлар* номини олган.

Бир томли нашрлар билан кўптомли нашрлар ўртасида принципиал муҳим тафовутларнинг йўқлиги кўптомли нашрларни бир томли нашрлар каби тасвирлаш, яъни ҳар бир алоҳида томга индивидуал тасвир тузиш имконини беради. Бундай метод бир вақтлар бизнинг кутубхоналаримизда тарқалган эди. Айрим ҳолларда, кейинги баёнлардан маълум бўлишича, у ҳозирги вақтда ҳам қўлланилмоқда. Бироқ тасвирлашнинг бу методи ўзининг ҳар қанча оддийлигига қарамасдан мукаммалликдан анча узоқ туради. У тежамли эмас, кутубхоначи учун ҳам, китобхон учун ҳам жуда ноқулай. Бу методни қўлланиш натижасида каталог ўша-ўша бир хил библиографик маълумотларни маълум даражада такрорловчи кўп миқдордаги карточкалар билан тўлиб кетишини тушуниш қийин эмас. Масалан, бу методдан фойдаланиб, Ч. Диккенс Асарлар тўпламининг сўнгги ўттиз томлик Совет нашрини тасвирлаш учун ҳар бир карточкада авторнинг фамилиясини, умумий сарлавҳасини, сарлавҳа ости маълумотларини ва босилишига доир маълумотларни такрорлаган ҳолда камида ўтизта карточкани тўлдириш талаб қилинган бўлар эди.

Бу методнинг ноқулайлиги аниқ кўриниб турибди: у кўп вақтни олади; тасвирланётган томга тааллуқли бўлган библиографик маълумотлар жуда кўп, умумий маълумотлар ичida қоришиб кетади; бутун нашрнинг тасвири билан танишиб чиқиши ҳаддан ташқари қийинлашади, чунки бунинг учун кўп миқдордаги карточкаларни кўриб чиқишига тўғри келади.

Кўптомли нашрни расмийлаштириш хусусиятлари, уни умумий бир бутун нашр деб қараш мумкинлиги тасвирлашнинг кўп-

роқ мақсадға мұвоғиқроқ бошқа бир методини вужудға келтириди, бу метод *ийғма тасвирлаш методи* деб аталади. Мазкур методнинг моҳияти шундан иборатки, битта ёзув остида мустақил нашр қилинган бир неча матбуот асарининг тасвири бирлаштирилади. Буни күптомли нашрларга татбиқ қилганда битта тасвирда маълум бир нашрнинг барча томларини (қисмлари ва бошқаларни) бирлаштириш мүмкінligини билдиради.

Ийғма тасвирлаш методи бутун күптомли нашрга тааллуқли бўлган библиографик маълумотларни тасвирда борйўғи бир марта кўрсатиш имконини беради. Бу ўз навбатида одатдаги библиографик тасвир схемасини бир оз ўзгартириш, янги элементлар киритиш заруратини туғдирди. Тасвирга кўпроқ аниқлик киритиш мақсадида унда бир-бирига боғлиқ бўлган иккита қисм: *умумий қисм ва спецификация (тағсилот қисм)* ажратиб кўрсатилди. Бунда тасвирнинг умумий қисмига бутун күптомли нашр учун умумий бўлган маълумотлар, спецификацияга — конкрет бир томга тааллуқли бўлган жузъий сарлавҳалар ва бошқа библиографик маълумотлар киритилади.

Шу муносабат билан тасвирнинг умумий қисмидаги сарлавҳа ости маълумотларини янги элементлар билан тўлдириш — кутубхонада мавжуд бўлган томларнинг номерларини, қисмларини, чиқарилишини ва бошқаларни кўрсатиш; босилишига доир маълумотларда иккита санани келтириш: агар нашрлар бир неча йил давомида босилган бўлса, биринчи томи билан охирги томи чиққан йилларни (тире орқали) кўрсатиш; миқдорий характеристикани спецификацияга кўчириш; сарлавҳа усти маълумотларини миқдорий характеристика ўрнида кўрсатиш талаб қилинди.

Ийғма тасвирда фақат битта нашрнинг томлари (қисмлари, чиқарилиши ва бошқалар) бирлаштирилади. Бироқ баъзи ҳолларда бу тўғри қоидани бузишга ва йиғма тасвирга турли нашрларнинг айрим томларини киритишга тўғри келади. «Умумий қоидалар» стереотип (бир қолипдаги) нашрлар¹ учун ва материалларнинг томлар бўйича тақсимланиши бир-бирига мос келадиган нашрлар учун ана шундай мустасоноликка йўл қўяди. Масалан, бир неча бор қайта нашр қилинадиган ўрта мактаб дарслекларининг тасвирларини бирлаштириш мумкин, бироқ шу шарт биланки, улар бир йил мобайнида чиққан ва битта комплектни ташкил қилган бўлишлари керак.

Ийғма тасвирнинг икки тури мавжуд: ёпиқ тасвир ва очиқ тасвир.

Кўптомли ва вақтли нашрларнинг тўла бўлмаган комплектларини ва босилиб тугалланмаган қисмларини ва серияларни тасвирлаш очиқ тасвир дейилади. Бу тасвирда кутубхонада мавжуд бўлган томлар (қисмлар ва бошқалар) ҳамда уларнинг

¹ Стереотип нашр — олдингисидан ҳеч бир фарқ қилмайдиган бир хил набордан босилган нашр.

нашр этилган йиллари қақидаги маълумотлар тугалланмаган холда кўрсатилади ва қалам билан ёзилади (масалан, Т. 4, 7, 10; 1962—1964). Худди шу турдаги матбуот асарларининг тўла комплектларинн ва уларнинг тугалланган нашрларини тасвирлаш ёниқ тасвир номини олган; бу тасвирда мавжуд бўлган томлар ва уларнинг нашр этилган йиллари тўғрисидаги маълумотлар тугалланган ҳолда келтирилади (масалан, Т. 1—10; 1962—1965).

Якка авторнинг асарларини, муассаса ва ташкилотларнинг расмий материалларини, мақолалар тўпламларини ва бир томли нашрларнинг бошқа турларини тасвирлашнинг умумий қоидалири худди шундай кўптомли нашрларга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Кўптомли нашрларни тасвирлашда айрим томларнинг мазмунини очиб беришга алоҳида диққат-эътибор қилиниши лозим.

Кўптомли нашрларни тасвирлашда баъзан кутубхоначини қийин аҳволга солиб қўядиган анча мураккаб ҳодисалар учраб туради.

Кўпинча кўптомли нашр мазмуни, қандай мақсадни кўзда тутгани, баъзан эса автор асарининг ҳажмига қараб ёки техник сабабларга кўра, умумий стандартдан у ёки бу тарздаги чекинишлар билан босилиб чиқади. Масалан, баъзи нашрларда айрим томларни номерлаштириш анча мураккаб бўлади, кўпинча нашрда тасвирлаш учун зарур бўлган маълумотлар етишмайди ёки улар одатдагидан мураккаброқ шаклда келтирилади. Баъзан кўптомли нашрларда томларнинг чиқишига қараб умумий сарлавҳа алмаштирилади, авторлар, муҳаррирлар состави ва бошқалар ўзгартирилади. Шундай нашрлар ҳам учрайдики, уларда жузъий сарлавҳалар титул варақларида эмас, балки китобнинг бошқа жойларида ёки бутунлай йўқ бўлади.

Нашрнинг бу барча хусусиятлари ва қабул қилинган умумий нормалардан четга чиқишлиар, тасвирнинг тўлиқ бўлишига, айрим томларнинг мазмунини очиб беришга салбий таъсир қиласлиги керак. «Умумий қоидалар»да тасвирлашнинг кўпгина жузъий ҳоллари назарда тутилган ва тегишли тасвирномалар берилган.

Баъзи томларни тасвирлаш

Баъзи бир томлари системали ката-логнинг турили бўлимларида ёки тематик картотекада қўшимча акс эттириши ни талаб қиласлиган кўптомли нашрлар анча тез-тез учраб туради. Кўпинча кутубхонада бутун кўптомли нашрдан фақат бир-икки томи мавжуд бўлади, лекин кутубхона унинг тўла комплектини тўплашни ўз олдига вазифа қилиб қўймайди ёки бунинг учун имконият бўлмайди. Бундай ҳолларда йиғма тасвир тузиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли «Умумий қоидалар» бундай тасвирни индивидуал тасвир билан алмаштириш мумкинлигини назарда тутади. Ҳар бир том бир томли нашр сифатида қаради ва тегишли равища тасвирланади.

«Умумий қоидалар»да тасвирида жузъий сарлавҳанинг ўрни билан бир-биридан фарқ қиласидиган айрим томларни тасвирилашнинг иккита усули баён қилинади. Биринчи усулга биноан жузъий сарлавҳа томнинг номери кўрсатилганидан кейин, сарлавҳа ости маълумотларида келтирилади. Иккинчи усулга кўра жузъий сарлавҳа бир томли нашрларни тасвирилашдаги каби ўзининг одатдаги ўрнида кўрсатилади.

Биринчи усулнинг афзаллиги шундаки, уни ҳар қандай айрим томларни, ҳатто жузъий сарлавҳаларга эга бўлмагаи томларни тасвирилаш учун қўллаш мумкин. Бироқ бундай ҳолда тасвириланётган томнинг библиографик маълумотлари иккинчи планда жойлаштирилади. Иккинчи усулнинг афзаллиги шундаки, томнинг жузъий сарлавҳасига тезда китобхоннинг кўзи тушади, бироқ у фақат тугалланган жузъий сарлавҳага эга бўлган томларни тасвирилашдагина қўлланилиши мумкин.

Босма карточкалар-дан фойдаланиш Кўптомли нашрлар учун ҳам аннотация ёзилган, ҳам аннотация ёзилмаган босма карточкалар асосан баъзи бир томларнинг тасвирилари билан бирга чиқарилади.

Йиғма тасвиirlар фақат В.И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси ва Бутуниттироқ китоб палатаси бир вақтнинг ўзида ёки қисқа мuddат орасида кўптомли нашрнинг тўла комплектини ёки кетма-кет бир неча том, қисм, чиқарилиш ва бошқаларни олгандагина тузилади.

Афсуски, йиғма тасвиirlар ҳатто кўптомли нашрларни босиб чиқариш тугаллангандан кейин ҳам чиқарилмайди. Бизнинг марказий каталоглаштириш органларимизнинг бундай практикаси кутубхоналарни ё бу нашрлар учун босма карточкалар ишлатишдан воз кечишига ёки улардан фойдаланилган тақдирда ҳам, онгли равишда каталог ҳажмини истар-истамас кенгайтиришга мажбур қиласиди.

**Сериялар.
Тушунчани таърифлаш
ва серияларнинг тур-
лари**

Нашриёт ва кутубхоначилик ишларида серия деб «одатда тематикасининг умумийлиги ёки бир-бирига яқинлиги билан, ёхуд қандай китобхонларга мўлжалланганилиги ва битта нашриёт томонидан умумий (серияли) сарлавҳа остида номерланган ёки номерланмаган китоблар тарзида бир хилда безатилиб чиқариладиган бир қанча мустақил матбуот асарларига» айтилади.

Сериялар босма маҳсулотда ва Совет Иттифоқи кутубхоналарнинг фондларида анчагина катта ўрин олади. Кўптинашашиётлар партия ва ҳукумат қарорларини пропаганда қилиш, илмий билимларни ҳамда техника ва санъат соҳасидаги ютуқларни оммалаштириш мақсадида баъзи касбларни эгаллашда ёрдам бериш, китобхонлар диққатини мухум саналарга ва шу кабиларга тортиш учун бирор бир белги билан бирлаштирилган маҳсус нашрлар чиқарадилар. Китобларнинг мазмуни, қандай мақсадни кўзда тутиши ва бошқалар

ана шундай белги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, «илмий оммабоп кутубхона» типидаги универсал мазмунли сериялар билан бир қаторда билимларнинг маълум бир соҳасига («Астрономиядан оммабоп лекциялар»), айрим проблемаларга («Автоматика бўйича кутубхона») бағишлиланган ёки маълум бир группадаги китобхонларга мўлжаллланган («Пайвандловчи ишчининг илмий оммабоп кутубхонаси») бир қатор сериялар, «Мактаб кутубхонаси» ва ҳоказолар чиқиб туради.

Серияга кирувчи китобларнинг безатилиши ҳам ниҳоятда ранг-барангdir. Улар кўпроқ битта титул варағи билан чиқади. Бундай ҳолда сарлавҳа ва серия тўғрисидаги бошқа маълумотлар, одатда, титул варақнинг ёки муқованинг юқори қисмida, китоб номининг устида жойлаштирилади. Бошқа ҳолларда иккита титул варақ — умумий ва жузъий титул варақлар келтирилади. Умумий титул варақда бутун серия тўғрисидаги маълумотлар — сарлавҳа, кичик сарлавҳа, муҳаррирнинг фамилияси, нашрнинг қайта чиқиши ва босилишига доир маълумотлар жойлаштирилади; жузъий титул варақда айрим китоблар тўғрисидаги маълумотлар — автор, унинг асарининг сарлавҳаси ва бошқа библиографик маълумотлар берилади. Китобларга номер қўйиш ҳам турлича бўлади. Бир хил нашриётлар ёппасига номерлашни, бошқа нашриётлар эса йил сайин такрорланадиган номерлашни қўллайдилар; баъзи нашриётлар дастлабки икки хил номерлашин ўзида бирга қўшган аралаш номерлашдан фойдаландилар. Нашриётлар китобларни расмийлаштиришнинг мавжуд стандартини бузиб, серия белгисини фақат муқова ёки титул варағининг орқа томонидан, баъзан эса босилишига доир маълумотларда жойлаштирадиган ҳоллар ҳам кўп учраб туради. Жуда кўпгина серияларнинг китоблари номерланмасдан чиқарилади.

Серияларни тасвирлаш Китобхонлар серияни ташкил қилувчи китобларни асар авторларининг фамилияси бўйича ҳам, серияларнинг сарлавҳаси бўйича ҳам сўрайдилар. Китобхонлар талабининг характеристига қараб каталог учун тасвир тайёрланади.

Ҳар бир алоҳида китоб одатда мустақил, тугалланган асар ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир сериянинг барча китобларига ҳар қандай мустақил матбуот асари каби асосий деб ҳисобланувчи индивидуал тасвир тузилади. У китобхонга олдиндан маълум бўлган майян бир китобнинг кутубхонада бор-йўқлиги тўғрисидаги саволга жавоб беришга имкон туғдиради. Индивидуал тасвир китоб тасвирлашнинг умумий қоидаларига биноан амалга оширилади.

Асосий тасвирдан ташқари, кўпинча индивидуал тасвирга нисбатан ёрдамчи ҳисобланган йиғма серияли тасвир тузилади. У мазкур сериянинг барча китобларини каталогда бир жойга тўплаш ва кутубхонада унинг қандай китoblari мавжуд деган саволга жавоб беришга имкон туғдиради.

Серияли тасвир ҳар доим ҳам тузилавермайди. Йиғма тасвир тайёрлаш керакми, деган масалани ҳал қилишда сериянинг мазмуни, унинг қандай мақсадларга мұлжалланганлыги, кутубхонанинг профили, китобхонларининг состави ва уларниң қизиқишларини ҳисобга олиш зарур. Масалан, агар китоблар тематикасининг умумийлиги билан боғланган бўлса («Оммавий радио кутубхонаси», «Фотоҳаваскор кутубхонаси») ҳар қандай оммавий кутубхона каталогидаги йиғма серияли тасвир ўзини тўла оқлади. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, китобхон китоблардан бирини ўқиб чиққач, бошқаларини ҳам ўқигиси келади. «Солдат ва матроснинг илмий-оммабоп кутубхонаси» сериясining қандай китобхонларга мұлжалланганлигини назарда тутиб, унинг йиғма тасвири ҳарбий қисм ёки кемадаги каталогда бўлиши қонуний ҳол, оммавий кутубхонада бўлиши эса мутлақо шарт эмас. Шу билан бирга турли хил мазмундаги «Илмий оммабоп кутубхона», «Роман-газета», «Арzon кутубхона» типидаги серияларининг китобларига йиғма тасвирни бирорта ҳам кутубхонада қўлланиш мутлақо мақсадга мувофиқ эмас.

Серияли тасвир *сериянинг сарлавҳаси* остида берилади ва ҳар қандай йиғма тасвир каби икки қисмдан: 1) умумий қисмдан ва 2) спецификациядан иборат бўлади. Бу тасвир ёрдамчи тасвир бўлганидаги жуда оз библиографик маълумотларни ўз ичига олади. Умумий қисмда фақат сериянинг сарлавҳаси, нашр этилган жойи ва иили кўрсатилади. Спецификацияда китобларнинг номерлари, авторларнинг фамилиялари ва инициаллари, асарларнинг сарлавҳаси ва уларниң нашр этилган йиллари келтирилади. Айрим ҳолларда, серияларга кўпроқ индивидуаллик бериш мақсадида, бошқа библиографик маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Масалан, бир хил сарлавҳаларга эга бўлган, бироқ турли нашриётлар томонидан чиқарилган серияларни тасвирлашда босилишига доир маълумотларда уларниң номларини кўрсатиш керак.

Вақтли нашрларни тасвирлаш

Вақтли матбуотнинг аҳамияти Халқни коммунистик руҳда тарбиялашда вақтли матбуотнинг роли жуда муҳимдир. КПСС Марказий Комитеттининг 1960 йил 9 январдаги «Хозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида» деган қарорида бундай деб ёзилган: «Газета ва журнallар чинакам халқ минбари бўлиб қолиши, энг муҳим саволларга жавоб бериши, турмушга активроқ кириб бориши, коммунистик қурилишининг ва меҳнаткашларни тарбиялашнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишда партияга фаол ёрдам бериши лозим»¹.

¹ «Вопросы идеологической работы». М., 1961, 160- бет.

Қитобхон вақтли нашрлардан сиёсатга доир барча масалалар юзасидан, билимнинг ҳар хил тармоқлари юзасидан, шунингдек бадиий адабиёт ва санъат соҳасида энг қимматли материал олади. Қўлгина илмий асарлар, бадиий асарлар алоҳида нашр бўлиб чиққунга қадар вақтли матбуот саҳифаларида босилади. Фан ва техниканинг турли соҳаларига оид бўлган ҳамда вақтли матбуотда айрим мақолалар тарзида босиладиган илмий асарларнинг кўпчилиги китоб нашрларига жуда муҳим қўшимча бўладилар, баъзан эса маҳсус масалалар юзасидан ягона манба бўлиб хизмат қиласидилар, ўзларининг назарий ва амалий қийматларини узоқ йиллар мобайнида йўқотмайдилар.

«Вақтли нашр» тушунчасининг ҳажмини аниқ белгилаш осон иш эмас. Қитоблар билан вақтли нашрлар ўртасига қатъий чегара қўйиш қийин. Маъсалан, библиография ва кутубхона иши тажрибасида баъзан «вақтли» ва «давомли нашрлар» тушунчаларини аниқ белгилайдилар (умумий сарлавҳа остида номерланган китоблар тарзида чоп этиладиган, лекин қанча вақт ичиди чиқиши олдиндан белгиланмаган «Асарлар», «Илмий ахборотлар» ва бошқа илмий асарлар тўпламлари). Ҳозирги вақтда «давомли нашрлар»ни вақтли нашрлар турига киритиш қабул қилинган. Шу муносабат билан «Умумий қоидалар»нинг иккинчи қисмида уларга қўйидаги таъриф берилган: «Давомли нашрларга муассасалар, жамиятлар ёки бошқа ташкилотларнинг доимий ёки узоқ муддат давомида нашр этишга мўлжалланган «Асарлар», «Ахборотлар» ва шу каби битта умумий сарлавҳа остида номерланган китоблар тариқасида чиқадиган илмий асарлари ва бошқа материаллардан иборат тўпламлар киради, бироқ уларнинг кўпчилик қисмидаги қатъий даврийликка амал қилинмайди».

Шундай қилиб, вақтли нашрларга: газеталарни, журнallарни, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва турли ташкилотларнинг «Асарлар», «Илмий ахборотлар» типидаги давомли нашрларини ва бошқа шунга ўхшаш материалларни киритиш керак.

Вақтли нашрларни тасвирлашнинг умумий қоидалари

Вақтли нашрлар, маълумки, алоҳида номерлар, китоблар, томлар ва шу кабилалар тарзида босиб чиқарилади. Бу ҳол уларни кўп томли нашрлар учун қабул қилинган қоидалар асосида, лекин баъзи бирор соддалаштиришлар билан тасвирлаш имконини беради.

Материалларнинг шу билан бирга ҳар хил характердаги материалларнинг мўл-кўллиги вақтли нашрларни тасвирлашда мақолаларнинг авторларини аниқлаш, айрим сонларнинг мазмунини очиб бериш, миқдорий характеристика бериш ва ҳоказоларнинг зарурлигини мустасно қиласи ва уларни техник жиҳатдан деярли амалга ошириб бўлмайдиган ишга айлантиради. Шу билан бирга, китобларни тасвирлашда тилга, айрим

сүзларни қисқартишга, изчилликка ва библиографик тасвир элементларини карточкада жойлаширишга тегишли бўлган умумий қоидалар вақтли нашрларга ҳам таалуқлидир.

Журнал, газета, давомли нашрларни тасвирлашнинг манбай бўлиб бутунлай бир нашр: титул вараги, муқоваси, текстнинг биринчи ва охирги саҳифалари, сўз боши ва ҳатто обуна тўғрисидаги эълон ва бошқалар хизмат қиласи. Кутубхонада мавжуд бўлган нашрнинг барча йилларга доир комплекти тасвир бирлиги қилиб қабул этилади.

Вақтли нашрларни тасвирлаш, кўп томли нашрларни тасвирлаш каби, икки қисмдан: 1) умумий қисмдан ва 2) спецификациядан иборат бўлади.

Тасвирнинг умумий қисми нашр тўғрисидаги асосий библиографик маълумотларни: сарлавҳа, нашрнинг характеристи, унинг тематикаси, қандай китобхонларга мўлжалланганилиги ҳақидаги маълумотларни, журнал, газета, давомли нашр қайси муассасанинг органи бўлса, ўша муассасани кўрсатишни кутубхонада мавжуд бўлган вақтли нашрларнинг даврийлиги, нашр этилган жойи ва йили тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Спецификация кутубхонада бор бўлган ҳар йилги томлар, китоблар, сонлар ва бошқаларнинг рўйхатини ўз ичига олади.

Вақтли нашрларни тасвирлашга таалуқли бўлган умумий қоидалар ана шулардан иборат. Вақтли матбуотнинг тури, уёки бу нашрнинг хусусиятларига қараб библиографик маълумотларнинг тўлалиги ўзгариши мумкин. Масалан, айrim китоблари жузъий сарлавҳаларга эга бўлган давомли нашрларни тасвирлашда спецификацияда, фондда мавжуд бўлган томлар, китоблар ва бошқаларни кўрсатишдан ташқари, уларнинг авторлари фамилиясини ва асарларнинг сарлавҳасини келтириш талаб қилинади. Газеталарни тасвирлашда, аксинча, спецификацияни ёзишни фақат йилларни санаш билан чеклаш тўла етарлидир. Кўп ҳолларда, масалан, нашрни чиқариш тўхтатилганда ёки унинг сарлавҳаси ўзгарганда тасвирга турли эслатмаларни киритиш зарурати туғилади.

«Умумий қоидалар» да журналлар, газеталар ва давомли нашрларни тасвирлаш учун етарли дараражада батафсил методик кўрсатмалар баён қилинган. Бундан ташқари, тасвирлашнинг кўпроқ типик бўлган жузъий ҳоллари назарда тутилади ва тегишли тавсиялар берилади. Бу барча тафсилотларга тўхталиб ўтмасдан, фақат асосий қоидаларнинг кўриб чиқамиз.

«Умумий қоидалар» китобхонларнинг одатдаги талабига ва аслида мақолалар тўпламидан иборат бўлган вақтли матбуотнинг характеристига асосланиб журналлар ва газеталарни *сарлавҳа остида* тасвирлаш керак, деб жуда тўғри тавсия қиласи. Бироқ шундай журналлар ҳам бўладики, уларни нашр этган муассасанинг номи сарлавҳага унинг ажралмас қисми сифати-

да киради, сарлавҳанинг ўзи эса характерли бўлмай қолади («Ленинград университетининг ахбороти»). Бу хил нашрлар нашр этувчи муассасани кўрсатмасдан сўралиши мумкин эмас, шу сабабли умумий қоидаларга биноан улар каталогда *коллектив автор номи остида* акс эттирилади.

Давомли нашрлар жуда кўп ҳолларда ўзларини нашр этувчи муасссаларнинг номи остида тасвирланади. Нашр этувчи муассасанинг номини қўшмасдан сўралиши мумкин бўлган ва характерли сарлавҳа билан чиқадиган нашрларгина (масалан, «Янги ва энг янги тарихга доир илмий ахборотлар») сарлавҳа остида тасвирланади.

Давомли нашрларни тасвирлаш газета журнallарга нисбатан маълум қийинчилкларга эга. Бу қийинчилклар китоб билан вақтли нашр ўртасида оралиқ мавқеда турган матбуот асарларининг бу алоҳида турининг ўзига хос хусусиятидан, шунингдек уларни безатишнинг хилма-хиллигидан ҳам келиб чиқади.

Бир хил муассасалар ўз нашрларини «Асарлар», «Илмий ахборотлар» ва шулар каби умумий сарлавҳа остида чиқарадилар. Бошқа муассасалар уларни монография тариқасида эълон қиладилар, яъни ҳар бир алоҳида том авторнинг худди билта асари каби ёки бир неча авторнинг маълум темадаги асарлари тўплами бўлиб чиқади. Бундай нашрлар авторнинг фамилияси ёки сарлавҳаси бўйича сўралиши мумкинлигини эътиборга олиб, индивидуал тасвирларни ва уларни иккى ёқлама: китоблар каталогида ва вақтли нашрлар каталогида акс эттиришни кўзда тутиш ҳам талаб қилинди. Баъзи муассасалар давомли нашрлардан фойдаланишни қуляй қилиш мақсадида уларни сериялар тариқасида чиқарадилар. Бу ҳол тасвирлаш методикасини янада кўпроқ мураккаблаштириб юборди, чунки ҳар бир серияга мустақил тасвирлар тузиш заруратини туғдириди. Ниҳоят, муассасаларнинг ўз нашрларида китобларни номерлашнинг ҳар хил турларини қўлланишлари давомли нашрларнинг мавжуд китобларини ёзib бориш кутубхонани бир хилликка риоя этиши имкониятидан маҳрум қиласди.

Ўз сарлавҳасини ўзгартирган вақтли нашрларни тасвирлаш тўғрисидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. «Умумий қоидалар» қилич кутубхоналар учун иккита тасвир тузишни тавсия қиласди: биринчи тасвир номи ўзгариб чиққандан кейинги сонлар (томлар ва бошқалар) учун охирги сарлавҳа остида, иккинчиси вақтли нашрларнинг номи ўзгаришидан олдин босилган сонларни учун аввалги сарлавҳасининг остида берилади.

Вақтли нашрларнинг асосий тасвирлари ҳам, китобларнинг тасвирлари каби кутубхона белгиларига эга бўлади. Ужарнинг ёрдами билан айrim ҳолда вақтли нашрларнинг каталоги кутубхонанинг бошқа каталоглари билан боғланса, бошқа ҳолда эса каталогга қандай ёрдамчи тасвирлар киритилганини аниқлаш мумкин бўлади.

Ёрдамчи тасвирлар ва ёрдамчи карточка- лар

Ҳар бир номдаги вақтли нашрға ҳам, бошқа ҳар қандай матбуот асарнаби, одатда битта асосий тасвир түзилади. Айрим ҳолларда газеталар, журналлар, «Асарлар», «Илмий ахборотлар» ва шу кабиларнинг асосий тасвирларга қўшимча ва *аналитик тасвирлар* тайёрланиши мумкин. Вақтли нашрларни китоблар каталогига акс эттириш учун алоҳида қисқа тасвирлар қўлланилади.

Вақтли нашрлар каталогига ёрдамчи тасвирлардан ташқари ёрдамчи карточкалар — *йўналтирувчи* ва *справка карточка-лари* киритилади, уларни қўлланиш умумий қоидаларга бўйсунади.

Аналитик тасвирга маҳсус бўлим бағишланганлиги сабабли қўйинда фақат қўшимча ва қисқа тасвирларни қўлланиш ҳолларини кўриб чиқилади.

Қўшимча тасвирлар асос солувчиликага, ноширларга, муҳаррирлар ва бошқа шахсларга агар улар машҳур сиёсий, жамоат, фан ва адабиёт арбоблари бўлсалар, агар сарлавҳа вақтли нашрнинг асосий тасвири акс эттирилган сарлавҳадан фарқ қилган тақдирда сарлавҳага қўшимча тасвир тузилиши мумкин.

Каталогда қўшимча тасвирни қўлланиш ҳажми вақтли нашрлар фондининг катта-кичиклигига, кутубхонанинг профилига, унинг имкониятлари ва ҳоказоларга боғлиқ. Кичик кутубхоналарда баъзи бир қўшимча тасвирларни тузиш шартгина эмас, балки мақсадга номувофиқ ҳамдир. Масалан, қишлоқ район, шаҳар кутубхоналарида китобхонларга хизмат кўрсатишга зарар етказмаган ҳолда, ўзгарган сарлавҳага қўшимча тасвир тузишдан ташқари, барча қўшимча тасвирларни қўлланишдан воз кечиш мумкин.

Қисқа тасвирлар вақтли нашрларни тасвирлашнинг юқорида кўриб ўтилган қоидалари уларни вақтли матбуотнинг маҳсус каталогларида акс эттириш учун қўлланилади. Кичик кутубхоналарда вақтли нашрларнинг фақат рўйхат картотекасини тузиш билан чекланиш мумкин.

Инрик кутубхоналарнинг алфавит каталогларида ва барча типдаги кутубхоналарнинг системали каталогларида вақтли нашрларни акс эттириш учун қисқа тасвирлар қўлланилади. Бу тасвирлар фақат умумий қисмдангина иборат бўлади. Бундан ташқари, карточкада асосий тасвирга ёки рўйхат картотекасига йўналтиргичлар ҳам берилади.

Аналитик тасвир

**Аналитик тасвир-
ларнинг аҳамияти**
буот асарларнинг бошқа турларидан фойдаланиш орқалигина малакали равишда қондириш мумкин эмас.

Тажрибанинг кўрсатишича, китобхонларнинг хилма-хил талабларини фақат китоблардан, вақтли нашрлардан ва матбуот асарларнинг бошқа турларидан фойдаланиш орқалигина малакали равишда қондириш мумкин эмас.

Илмий муассасаларнинг «Асарлар»ида, «Илмий ахборотлар»-ида ва шунга ўхшаш нашрларида, жуғналларда, газеталарда, турли тўпламларда қимматли материаллар мавжуд бўлади. Бироқ бу материаллардан китобхонлар деярли фойдалана олмайдилар. Тўпламлар ва вақтли нашрларни тасвирлашнинг кутубхоналар томонидан қўлланилаётган методи нашрларнинг мазмунини очиб бера олмайди. Агар кутубхоналар ҳатто тасвирларда берилган мақолаларнинг тўла рўйхатини келтирган тақдирларида ҳам, барибир улар мақсадга эриша олмаган бўлур эдилар. Мақолалар мустақил асарлар каби ёритилмаган бўларди, бинобарин каталог мақола тариқасида босилган у ёки бу асарнинг кутубхонада мавжудлиги тўғрисида маълумот бера олмас эди. Шу сабабли ҳам кўпдан бері каталогглаштириш ва библиографияда турли матбуот асарларининг тузилиш жиҳатидан айрим қисмларини ёритиш учун *аналитик тасвирлар* қўлланила бошлади.

Шуни назарда тутиш керакки, кутубхоналар тажрибасида *аналитик тасвирларни қўлланишга* нисбатан мақсадга мувофиқ чеклашлар белгиланган. Аналитик тасвирлар, қоидага кўра, каталогларга эмас, балки журнал ва газета мақолаларининг маҳсус умумий картотекаларига киритилади.

Аналитик тасвирни тузиш «Умумий қоидалар» аналитик тасвирни ҳақли равишда ёрдамчи тасвирлар қаторига киритади. Бироқ, аналитик тасвир, масалан қўшимча тасвирга нисбатан вазифаси жиҳатидан ҳам, мазмуни-ва шакли жиҳатидан ҳам ўз хусусиятларига эга. Агар қўшимча тасвир фақат алфавит каталог учун мўлжалланса, аналитик тасвир, юқорида айтиб ўтилганидек, бундан ташқари, системали ва предмет каталогларида картотекаларда ва библиографияда қўлланилади. Мақола қайси маибадан олинниб тасвирланаётган бўлса, аналитик тасвир шу манбага нисбатан ёрдамчи характердаги функцияни бажаради ва матбуот асарининг фақат қандайдир бир қисминигина акс эттиради. Тасвирланаётган материал учун, масалан, тўплам ёки журналдан олинган мақола учун аналитик таовир асосий тасвир бўлиб хизмат қиласди.

Аналитик тасвирнинг иккىёқтама роли унинг библиографик элементлари составида ва уларнинг карточкада жойлаштирилишида ўз аксини топган.

Аналитик тасвир икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда китоб, журнал, газета ва ҳоказоларда босилган, тасвирланаётган асар (мақола, алоҳида асар) тўғрисидаги библиографик маълумотлар келтирилади. Иккинчи қисмда тасвирланаётган материал қайси манба саҳифаларида босилган бўлса, ўша манба кўрсатилади.

Аналитик тасвир, асосий тасвир каби, якка авторнинг фамилияси остида, колектив автор номи остида ёки сарлавҳа остида тузилиши мумкин. Алоҳида нашр қилинган асарларни тасвир-

лашга доир умумий қоидалар (библиографик тасвир элементлари ва уларнинг изчиллиги) умуман аналитик тасвирга ҳам таалуқлайдир. Аналитик тасвирнинг асосий тасвирдан фарқ қилувчи баъзи бир хусусиятлари «Умумий қоидалар»да тегишли тарзда эслатиб ўтилган ва тасвирнинг тегишли шакли ҳам кўрсатилган.

Асарнинг ўзи — тўпламдан ёки вақтли нашрдан олинган мақола аналитик тасвирнинг манбай бўлиб хизмат қўлади. Айрим кутубхоначиларниг тасвирни фақат мундарижадан олинган маълумотлар билан чеклаш тажрибасини тўғри деб бўлмайди. Ҳаммага маълумки, мундарижа китоб ёки журналга киритилган материаллар тўғрисидаги библиографик маълумотларни ҳар доим ҳам аник ва тўлиқ акс эттиравермайди.

Шунинг учун ҳам мундарижа асосида тузилган аналитик тасвир баъзан асар тўғрисида нотўғри тасаввур бериши мумкин.

Бироқ ҳатто тасвирлаш бу мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилган тақдирда ҳам, кўпинча унга қўшимча маълумотлар киритиш зарурати туфилади. Масалан, жуда кўпинча асарнинг тематикасини, унинг шакли ва жанрини аниқлаш, мақола бағишланган шахснинг фамилияси ва ихтисосини белгилаш, авторнинг фамилияси ва асарнинг сарлавҳасини, яъни мақоланинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган нарсаларни кўрсатишга тўғри келади. Тасвирланаётган материалнинг харakterига қараб, миқдорий характеристикада кўпинча расмлар, портретлар, карталар мавжудлигини, эслатмада эса иловалар, холосалар ва библиографиялар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиш талаб қилинади.

**Китоблар ва вақтли
нашрлардан олинган
мақолаларни тасвир-
лаш**

Тўпламлар ва бошқа китоблардан, шунингдек вақтли нашрлардан олинган мақолаларни тасвирлаш асосан бир хил гарзда амалга оширилади. Фақат материал босилган нашр тўғрисидаги маълумумларигина бир-биридан фарқ қилади: каталогда колектив авторноми остида тасвирланган манба (китоб) аналитик тасвирда сарлавҳа остида келтирилади.

«Умумий қоидалар»да материал босилган нашр ҳақидаги маълумотларни қандай кўрсатиш лозимлиги тўғрисидаги муфасал тавсиялар билан бир қаторда тасвирлашнинг жуда тез-тез учраб турадиган бошқа ҳоллари ҳам кўзда тутилади. Масалан, якка авторларнинг асарларини ва асарлар тўпламларидан олинган кириши мақолаларини тасвирлаш қоидалари анича батағеил баён қилинади, бунда Маркс, Энгельс, Ленин асарларини тасвирлашга доир қоидалар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Расмий материаллар — сұхбатлар, интервьюлар, редакцияга хатлар, турли хабарлар ва ҳоказоларни тасвирлаш методикасига айрим параграфлар бағишланган. Кўп йиллик тажрибага асосланган бу

тавсиялардан каталоглар учун тасвиirlар тузишда кенг фойдаланилади¹.

Бутуниттифоқ китоб палатасининг мақолаларга, ҳужжатли материалларга, марказий ва шттифоқдош республикаларнинг муҳим журналларнга, шунингдек давомли нашрларда босилган бадий адабиёт асарларига тузган босма карточкалари оммавий ва илмий қутубхонларга катта ёрдам беради. Бундан ташқари, ўнта асосий марказий газеталарнинг мақолаларига ҳам босма карточкалар нашр қилинади. Бироқ босма карточкалардан фойдаланишда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, аналитик тасвиirlинг Бутуниттифоқ китоб палатаси томонидан қўлланилаётган шакли «Умумий қоидалар»да тавсия қилинган шаклидан бирмунча фарқ қиласди, яъни: мақола босилган манба ҳар доим янги сатрдан ёзилади.

**Бўлимлар, боблар
ва бошқа бўлимчалар-
ни тасвиirlаш**

Кутубхоналар системали каталогдаги маълум бир проблемага доир адабиётни жуда тўлиқ қўрсатишга, марксизм-ленинизм асосчиларининг фикрлари ва асарларини акс эттиришга нитилиб, мустақил, тугалланган асарларнинг тасвиirlаридан ташқари, баъзан каталог ва библиографик картотекаларга китоб боблари, параграфлари ва бошқа бўлимчаларининг тасвиirlарини ҳам киритадилар. Бироқ бу материалларга нисбатан аналитик тасвиirlинг юқорида баён қилинган умумий қоидаларини татбиқ этиш нотўғри бўлар эди. Баъзи ҳолларда китоб бобининг бундай тасвири китобхонлар томонидан алоҳида, мустақил асарнинг тасвири деб қабул қилинган бўлар эди. Шунинг учун ҳам «Умумий қоидалар»да боблар, бўлимлар, параграфлар ва ҳоказоларни тасвиirlашда мазмунини қисман очиб бериш методидан фойдаланиш тавсия қилинади, бу метод, масалан, китобларда библиографиялар, иловалар мавқудлигини қўрсатиш учун қўлланилади.

Китобнинг боблари ва бошқа бўлимчаларини тасвиirlаш методикаси жуда оддийдир. Дастрслаб боб қайси асосий асардан олиб тасвиirlанаётган бўлса, шу асар тўғрисидаги қисқача маълумотлар одатдаги тартибда келтирилади, сўнгра эслатмада бу боб, параграф ва ҳоказолар тўғрисидаги библиографик маълумотлар қўрсатилади.

**Рецензияларни
тасвиirlаш**

Рецензиялар — бадий, плмий асар, спектакль, концерт, кинофильм ва шу кабилар ҳақидаги мулоҳазалар, танқидий фикрлар бўлиб, улар китобхонларга хизмат қўрсатишда муҳим роль ўйнайдилар. Рецензиялардан фойдаланиш кутубхоначига китобларни пропаганда қилишда, энг яхши асарларни

¹ Маълумки, аналитик тасвиirlар библиографияда жуда кенг қўлланилади. Шу мақсадда СССР Фанлар Академияси Кутубхонасининг нашри бўлган «Правила библиографического описания произведений печати» («Матбуот асарларини библиографик жиҳатдан тасвиirlаш қоидалари»)нинг тегишли бўлимидан (Л., 1964, 105—132-бетлар) фойдаланиш керак.

китобхонларга яқинлаштиришда ёрдам беради. Шуларни эътиборга олиб, кутубхоналар рецензияларни каталоглар ва картотекаларда кенг ёритадилар.

Рецензиялар ҳар қандай бадий асар каби ўз авторларига эга бўладилар, шунинг учун ҳам уларни рецензентларнинг фамилиялари остида тасвирлаш табиий бўлар эди. Бироқ бундай тасвирлаш методини мақсадга мувофиқ метод деб ҳисоблаш мумкин эмас. Тажрибанинг кўрсатишича, китобхонлар жуда кўп ҳолларда рецензияни ким ёзганини эслаб қола олмайдилар, шу сабабли уни одатда рецензия қилинган асарнинг автори ва сарлавҳаси бўйича қидирадилар. Бу мутлақо қонуний бўлган талаб шакли каталог олдига кутубхонада у ёки бу асарга доир қандай рецензиялар мавжуд, деган саволга жавоб бериш вазифасини қўяди.

Шунга мувофиқ рецензиялар рецензия қилинган асарларнинг автори ва сарлавҳаси остида тасвирланади. Тасвир икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда рецензия қилинган китоб тўғрисидаги асосий библиографик маълумотлар келтирилади. Иккинчи қисм рецензиянинг ўз тасвиридан, яъни унинг автори, сарлавҳаси ва рецензия босилган манба тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топади. Шундай қилиб, иккинчи қисм умумий қондаларга бўйсунадиган одатдаги аналитик тасвирдан иборат бўлади.

«Умумий қондалар»да рецензияларни тасвирлашнинг муфасал методикаси ишлаб чиқилға, тегишли параграфларда характерли сарлавҳага эга бўлган рецензияларни, мустақил сарлавҳага эга бўлмаган рецензияларни тасвирлаш усуслари баён қилниади, битта асарга берилган бир неча рецензиянинг йиғма тасвирларини тузиш бўйича тавсиялар берилади, журнallар, кўптомли нашрлар ва серияларга ёзилган рецензияларни тасвирлашга оид намуналар келтирилади.

«Умумий қондалар»да юқорида баён қилинган метод билан бир қаторда рецензияларни тасвирлашнинг бошқа методи ҳам кўриб чиқилади. У маълум бир авторнинг эълон қилинган қандай рецензиялари мавжуд, деган саволга жавоб қайтариш зарурати туфайли вужудга келган. Китобхонларни китоблар тўғрисидаги мулоҳазалар, марксизм-ленин主义 асосчилари, партия ва ҳукумат раҳбарлари, Ватанимиз ҳамда жаҳон фани ва адабиёти классиклари томонидан ёзилган танқидий фикрлар қизиқтиради. Шу нарса мутлақо равшанки, бундай материаллар рецензия авторикинг фамилияси остида тасвирланиши лозим. Китобхон ўзини қизиқтираётган асарга доир яна қандай рецензиялар мавжуд, деган саволга жавоб олиши учун каталог (карточка)га, бундан ташқари, рецензия қилинган асар автори остидаги тасвирни ҳам киритиш зарур. Мазкур асарга бир неча рецензия мавжуд бўлса, йиғма тасвир тузилади, унда марксизм-ленин主义 асосчилари, партия ва ҳукумат раҳбарлари томонидан ёзилган рецензиялар биринчи ўринга қўйилади.

Рецензиялар кутубхона каталогларида турлича акс эттирилади. Бир хил кутубхоналар рецензияларни умумий каталогларда тегишли нашрнинг асосий тасвирида қайд қиласидилар. Бошқа кутубхоналар рецензиялар тасвирини алоҳида карточкаларда тузадилар ва рецензия қилинган китобнинг асосий тасвирларида кейин жойлаширадилар. Ниҳоят, кўпгина кутубхоналар мустақил рецензиялар картотекасини юргизадилар¹.

Хулоса қилиб шуни эслатиб ўтиш керакки, марказлашган каталогглаштиришдан фойдаланганда рецензияларни тасвирлаш ва уларни каталогларда ва картотекаларда акс эттириш анча енгиллашади.

Бутуниттифоқ китоб палатасининг мақолалардан иборат материалларга доир босма карточкаларининг юқорида эслатиб ўтилган комплектлари, шунингдек, журналлар, газеталар ҳамда давомли нашрларда босилган рецензияларнинг тасвирларини ҳам ўз ичига олади.

¹ Бу масалалар 11- бобда кўрпаб чиқилади.

АЛФАВИТ ҚАТАЛОГНИ ТАШҚИЛ ҚИЛИШ

Кутубхона каталоглари системасида алфавит каталогнинг тутган ўрни.— Алфавит каталог тузиш.— Картотекаларни жойлаштириш.— Алфавит каталогни расмийлаштириш.— Алфавит каталогни таҳрир қилиш.

Кутубхона каталоглари системасида алфавит каталогнинг тутган ўрни

Алфавит каталогнинг аҳамияти

Алфавит каталог кутубхона каталоглари ва картотекалари системасида мухим ўрин тутади ва катта роль ўйнайди. Мазкур кутубхонада мавжуд бўлган китоблар ва бошқа матбуот асарларининг тасвирлари бу каталогда авторларнинг фамилиялари, автор сифатида қабул қилинган муассаса ва ташкилотларнинг номлари ҳамда асарларнинг сарлавҳалари алфавит тартибида жойлаштирилади. Алфавит каталогнинг вазифаси — иккита асосий саволга: 1) кутубхонада муайян, китобхонга олдиндан маълум бўлган китоб борми? ва 2) кутубхонада мазкур авторнинг қандай китоблари мавжуд? деган саволларга жавоб бернишдан иборат. Китобхон ва кутубхоначи ўзларига баъзи бир хусусий саволлар юзасидан, масалан, муайян бир китобнинг қандай нашрлари мавжуд, у ёки бу шахс қандай нашрларда соавтор, муҳаррир, тузувчи сифатида қатнашган, у ёки бу муассаса томонидан қандай асарлар нашр қилинган, деган ва ҳоказо саволлар юзасидан жавоб олиш лозим бўлиб қолганда алфавит каталогга мурожаат қиласидилар.

Каталогнинг бундай соғ ташқи белгисига қараб тузилиши, алфавит каталог китобларни пропаганда қилиш воситаси бўлиб хизмат қила олмайди, китобхонларга уларни қизиқтирувчи асарларни танлаб олишда ёрдам бера олмайди ва шу тариқа уларда янги қизиқишлиар уйгота олмайди, деган маънони билдирамайди. Албатта, алфавит каталог бу талабларга предмет каталогига ва айниқса системали каталогга қараганда хийла камроқ жавоб беради. Бироқ уни тўлдириш, ташкил қилиш, расмийлаштириш ҳар бир каталогда бўлгани каби, совет кутубхоналари каталоглари олдида турган умумий вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Алфавит каталог китобларни пропаганда қилишни ўзига хос алоҳида йўл билан амалга оширади. Унинг қурилишидаги ўзига хос хусусиятлар муайян бир авторнинг ёхуд у ёки бу муассасасининг барча асарларини бир жойга тўплаш ёки, адабиётда қабул қилинган ном билан айтганда, авторлар комплексларини яратиш имконини беради. Алфавит каталогни бекордан-бекорга авторлар каталоги дейилмайди, чунки мавжуд бўлган кутубхона каталогларининг биронтасида ҳам фонднинг авторлар состави алфавит каталогдаги каби тўла очиб бериilmайди. Фақат шу каталогдагина муайян бир автор асарларининг тасвирлари уларнинг мазмунидан қатъи назар, бир жойга тўпланади. Ўз-ўзидан маълумки, авторлар комплекси деган бу терминни шартли тарзда тушуниш лозим, чунки асарлари фондда мавжуд бўлган ва каталогда акс эттирилган барча авторлар ҳам алфавит каталогда кўрсатилавермайди. Масалан, инструкцияга биноан тўрт ва ундан ортиқ авторли китобларни тасвирлашда каталогда фақат биринчи авторнинг фамилияси қайд қилинади. Одатда мақолалар, тўпламлар, «Асарлар», «Илмий ахборотлар», журналлар ва ҳоказоларга киргак авторларнинг фамилиялари аниқ кўрсатилмайди. Бироқ, белгиланган чеклашларга қарамай, фақат алфавит каталоггина фондни автор белгисига қараб очиб беришга қодирдир.

Алфавит каталогнинг ёрдами билан фақат баъзи бир асарларнинг пропаганда қилиб қолмасдан, балки китобхонни у ёки бу авторнинг ижоди билан танишириш ҳам мумкин бўлади. Масалан, системали каталогда академик В. А. Обручевнинг асарлари ўз мазмунига қараб, каталогнинг геология, география, геоморфология деган бир неча бўлим ва бўлимчаларида, бадиий адабиётда ва бошқа бўлимларда тўпланади. Алфавит каталогда эса бу авторнинг барча асарлари тасвири унинг фамилияси остида бирлаштирилади ва бир жойда қатор бўлиб туради.

Кутубхона фондларини авторлар бўйича очиб бериш катта гоявий-снёсий аҳамиятга эгадир. Материалларнинг каталогда шундай ташкил қилиниши натижасида китобхон кутубхонада ўзини қизиқтираётган асарлар: марксизм-ленинизм асосчиларининг, партия ва ҳукумат раҳбарларининг, ватанимиз ва чет эл олимлари, ёзувчилари ва санъат арбобларининг асарлари, шунпидек КПСС ва Совет ҳукуматининг расмий нашрлари мавжудлигини осон ва тез аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Алфавит каталог кутубхона фондини анча тўлиқроқ кўрсатиб берадиган ягона каталогдир¹. Алфавит каталог шу туфайли ҳам ҳақли равишда ҳар қандай кутубхонанинг асосий справка аппарати ҳисобланади. Ўидан китобхонларга хизмат кўрса-

¹ Системали ва предмет каталоглари кутубхонадаги барча китобларнинг тасвирларини ўз ичига олмайди. Масалан, уларга қайта нашр қилинган баъзи бир асарларнинг тасвирлари, кўчириб босилган ҳар хил асарлар ва ҳоказолар киритилмайди.

тишда ва ҳар бир кутубхона фаолиятининг бошқа барча соҳаларида кенг фойдаланилади. Китобхонлар томонидан абонементда, ўқув залларида кутубхоналарро ва сиртқи абонемент орқали талаб қилинган китоблар тўғрисидаги справкалар алфавит каталог бўйича сурʼиширилади. Кутубхоначи алфавит каталогга фондларни тўлдириш чоғида мурожаат қилади. У сотиб олинимоқчи бўлган нашрларнинг фондларда мавжудлигини каталог бўйича текширади, уларнинг библиографик маълумотларини, у ёки бу китобнинг қанча нусхаси борлигини аниқлайди. Алфавит каталогдан фойдаланилмай туриб, янги сотиб олиниган китобларга тўғри ишлов бериб бўлмайди. Кутубхоначи каталогга қараб олинган китоблар аввал акс этган-этмаганлигини, улар қандай тасвирланганини, системали каталогнинг қайси бўлимига кўйилганини аниқлайди.

Ҳар хил тавсия рўйхатлари, адабиёт кўрсаткичлари ва хоказоларни тузишдаги справка-библиография ишларида алфавит каталогнинг аҳамияти жуда каттадир. Алфавит каталогда ёрдамчи тасвирлардан фойдаланиш унинг библиография ишидаги аҳамиятини анча оширади. Масалан, қўшимча тасвирлар ёрдамида у ёки бу авторнинг асарлари ичида унинг соавтор, муҳаррир ёки тузувчи сифатида иштирок этган бошқа асарларини ҳам аниқташ имконияти туғилади. Йирик кутубхоналарда алфавит каталог асосий библиографик манба ролини ўйнаяжагини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳаммага маълумки, В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси ва М. Ё. Салников-Шчедрин номидаги Давлат ҳалқ кутубхонасининг, шунингдек Вашингтондаги Конгресс Кутубхонасининг, Лондондаги Британия музейи Кутубхонаси ва Париждаги Миллий Кутубхонасининг алфавит каталоглари, аслини олгаида, миллий китоблар репертуари ҳисобланади.

Ниҳоят, йўналтирувчи ва справка карточкалари, шунингдек алфавит каталогнинг асосий карточкаларидаги ёрдамчи белгилар уни кутубхонасиниг бошқа каталоглари ва картотекалари билан бўғлайдиган звено қилиб қўяди.

Алфавит каталогнинг бу барча хусусиятларига яна бир шундай фазилатни ҳам қўшиш керакки, у ҳам бўлса: бу каталогдан фойдаланишиниг оддийлигидир. Ундан зарур нашрни қидираётган китобхонга классификация схемасини билишнинг зарурати йўқ (системали каталогдан фойдаланишда бу схемани билмасдан иш кўриш мумкин эмас) ёки предмет каталогига мурожаат қилганда талаб этилганидек китобнинг мазмунини предмет рубрикаси шаклида ифодалашнинг ҳожати йўқ. Узини қизиқтираётган китоб тўғрисидаги асосий библиографик маълумотларни билиш уни тез қидириб топиш учун батамом кифоя қиласади. Ҳатто китобхон китоб тўғрисидаги барча керакли маълумотларга эга бўлмаса ҳам, уни каталогда мавжуд бўлган ёрдамчи тасвирлар ва ёрдамчи карточкалар кўмагида топиб олади.

Лекин алфавит каталог катта ва турли-туман вазифаларни дал этиши лозимлігига қараласдан, унга узоқ вақт мобайнида кутубхоначиллик ишининг назариётчилари ва амалиётчилари естарли баҳо бермай келдилар.

Авваллари фонди 10 минг томдан камроқ бўлган кутубхоналарда фақат системали каталог тузиш талаб қилинар эди.

Хозирги вақтда СССР Маданият министрлигининг инструкцияси¹ биноан ҳар бир кутубхонада унинг типи ва кутубхона фондларининг ҳажмидан қатъи назар, системали каталог билан бир қаторда алфавит каталогнинг ҳам бўлиши шарт деб эътироф қилинган.

Алфавит каталог тузиш

Алфавит каталогни тузиш карточкаларни жойлаштириш, ажраткичларпи қўшиш, каталогни расмийлаштириш ва уни кузатиб (таҳрир қилиб) боришдан иборат мураккаб жараёндир. Кўрсатиб ўтилган бу ишларнинг ҳаммаси бир-бири билан маҳкам боғланган.

Ағсуски, кутубхоначиларнинг айримлари каталог тузиши масаласини фақат техник томондан олиб қарайдилар. Бундай нуқтаи назар хато бўлиши у ёқда турсин, балки зарарли ҳамдир. Албатта алфавит каталогни тузишда техник томонини ҳам назарда тутиш керак. Бироқ асосий эътибор даставвал каталогнинг кутубхона олдида турган идеологик ва ҳалқ хўжалиги вазифаларига мувофиқ бўлишига, унинг адабиётларни пропаганда қилишдаги ролига ва китоблар ташлашда китобхонга ёрдам беришига қаратилниши лозим.

Тажрибанинг кўрсатишича, каталог тузишга «техник» томондан, расмийчилик билан ёндошиш қўшинча шунга олиб келадики, кутубхоналар тўғри тайёрланган тасвиirlардан мутлақо қониқаренз каталоглар тузадилар. Шунинг учун ҳам тайёрланган тасвиirlарни шундай ташкил қилиш зарурки, оқибатда мазкур кутубхона китобларининг номма-ном рўйхати эмас, балки ўзига қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган ҳақиқий каталог вужудга келсин.

Алфавит каталогга барча асосий ва ёрдамчи (қўшимча, сериалли ва аналитик) тасвиirlар, йўналтирувчи ва справка карточкалари, шунингдек авторли асарлар ёки мақолалар тўплamlари тариқасидаги давомли нашрларнинг айrim томлари ёки китобларига берилган индивидуал тасвиirlар киритилади.

Материалнинг бундай ташкил қилиниши қизиқтирган китобнинг топилишини тўла таъминлайди. Китобхон ўзига керакли тасвиirlарни қандай қидирмасин, у каталогнинг ўзи мурожаат қилаёт-

¹ Қаралсин: «Сборник руководящих материалов по библиотечной работе». М., 1963, 188—191-бетлар.

ган жойидан ё асосий тасвир, ёки қўшимча тасвир, ё йўналтиригич, ёки справка карточкасини албатта топади.

Кутубхонанинг справка-библиография ишида алфавит каталогнинг ролини ошириш мақсадида урушдан кейинги йилларда у ёки бу китоб қайси шахс (персонал)га бағишлиланган бўлса, каталогда шу шахс тўғрисида кенг қўшимча тасвир берила бошланди. Кейинчалик бу тажриба муассаса ёки ташкилотларнинг фаолиятини ёритадиган ёки бирор-бир жойининг тасвирига бағишлиланган асарларга ҳам ёйилди. Алфавит қаталогда бу хил қўшимча тасвирларни қўлланиш справка ишларида, албатта, маълум қулайликлар туғдирали. Шу билан бирга, персоналия типидаги тасвирлар аслида предмет тасвирлари бўлиб, улар алфавит каталогга хос эмаслигини ва уларни каталогга киритиш тасвирларни ортиқча такрорлашдан иборат бўлишини назарда тутиш керак. Бундан ташқари, у ёки бу шахс ёхуд бирор-бир жойга бағишлиланган адабиёт тўғрисида уларга тузилган қўшимча тасвирлар асосида бериладиган справка ҳам атайн тўълиқ бўлмайди. Маълумки, «Умумий қоидалар»га биноан бу қўшимча тасвирлар фақат шундай нашрларга берилиши мумкинки, китоб бағишлиланган шахснинг фамилияси ёки жой, муассасанинг номи бу нашрларнинг сарлавҳасига ёки кичик сарлавҳаларига кирган бўлиши керак.

Кутубхоналар фондида китоблардан ташқари матбуот асарларининг бошқа турлари ҳам бўлади. Масалан, вақтли нашрлар бўлмайдиган бирорта ҳам кутубхона йўқ. Техника кутубхоналари ва кўпгина область кутубхоналари турли хил техник ҳужжатлар — ГОСТлар, авторлик гувоҳномалари, фирма каталоглари ва ҳоказоларни оладилар. Ноталар ва музика адабиётининг катта тўпламларига эга бўлган кутубхоналар сони йил саёнин кўпайиб бормоқда.

Йирик кутубхоналарнинг умумий каталогида бу материалларни ва нокитобий бошқа материалларни акс эттириш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай практика умумий каталогнинг ҳаддан ташқари кенгайиб кетишига олиб келади ва ундан фойдаланишини қўйинлаштиради. Нашрларнинг ҳар бир алоҳида тури учун мустақил каталогга эга бўлиш кутубхоналар учун янада тўғрироқ ва китобхонлар учун янада қулайроқ бўлади.

Патентлар, стандартлар ва техника адабиётининг бошқа турлари билан қизиқувчи инженер-техник ходимлар уларнинг тасвирларини умумий алфавит каталогга нисбатан маҳсус каталоглардан тезроқ топадилар. Айни вақтда маҳсус каталоглар тузиш умумий каталогнинг ишини қисман камайтиради ва ундан масалан, стандарт ёки ноталар билан қизиқмайдиган китобхонларнинг фойдаланишини қулайлаштиради. Бундан ташқари, нашрларнинг алоҳида турлари учун мустақил каталоглар тузиш заруратини уларни каталогда тасвирлашнинг ўзига хос методлари ва ташкил қилиш принциплари тақозо этади. Стандартлар тасвири, масалан, тасвир сарлав-

ҳасига эга эмас ва шу сабабли улар алфавит каталогга киришиш учун мўлжалланмайди. Авторлик гувоҳномаларини ва ноталарни тасвирлаш элементлари китобларни тасвирлаш элементларидан шунчалик фарқ қиласиди, нашрларнинг бу турларини умумий алфавит каталогда акс эттириш ниҳоятда қийин.

Матбуот асарлари алоҳида турларининг маҳсус каталоглари каталогларнинг умумий системасига киради ва бинобарин, улар маълум даражада китоблар каталоги билан боғланган бўлиши керак. Масалан, ҳам китоблар, ҳам вақтли матбуот билан кўпгина умумий хусусиятларга эга бўлган вақтли нашрлар, айниқса ҳар хил «Асарлар», «Илмий ахборотлар» китобхонлар томонидан кўпинча китоблар каталогидан изланади. Шу сабабли бу каталогга китобхонни вақтли нашрлар каталогига ҳавола қиласидан карточкалар қўйиш фойдалидир.

Китобларнинг алфавит каталогида: стандартлар, патентлар, авторлик гувоҳномалари ва бошқа сўзлардан китобхонларни тегишли маҳсус каталогларга ҳавола қиласидан йўналтирувчи карточкаларни қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу нарса табиийки, нашрларнинг алоҳида турларини каталогда акс эттириш тўғрисидаги масала кичик оммавий кутубхоналарга — қишлоқ, район ва ҳатто шаҳар кутубхоналарининг кўпчилик қисмига тааллуқли эмас. Бу кутубхоналар асосан китоблар билан тўлдирилади; журнал ва газеталар чекланган миқдорда олинади, шунинг учун ҳам уларга маҳсус каталоглар тузиш мақсадга мувофиқ эмас. Рўйхат картотекалари батамом уларнинг ўрнини босади, бундан ташқари, вақтли нашрлар эса ўз мазмунига қараб системали каталогнинг тегишли бўлимларида акс эттирилади. Техника адабиётининг маҳсус турларига келсак, уларни бу кутубхоналар мутлақо олмайдилар.

Кўпгина область кутубхоналари, автоном республикалар ва автоном областларнинг кутубхоналари рус тилидаги китоблар билан бир қаторда Совет Йттифоқи халқларининг бошқа тилларидаги, шунингдек чет тиллардаги бой адабиётлар тўпламлага рига эгадирлар.

Бу материалларнинг тасвирларини тузишда кутубхоналар олдида бир қатор мураккаб саволлар туради. Бу кўп тиллардаги нашрларни китобларнинг ягона алфавит каталогида акс эттириш керакми ёки бир неча мустақил каталог ташкил қилиш керакми? Маҳсус каталогларни тузишда қандай хусусиятлар эътиборга олиниши лозим? Уларни тил хусусиятлари бўйича тузиш керакми ёки шрифт принципи бўйичами?

Бу масалаларни ҳал этишда тил, алфавит ва шрифт ўртасида бевосита ва мажбурий қарамлик йўқ эканлигини назарда тутиш лозим. Маълумки, СССРнинг кўпгина халқлари (масалан, татарлар, ўзбеклар, тоҷиклар, туркманлар) ва айрим чет эл халқлари (масалан, болгарлар, серблар, монголлар) ўз алфавитини сақлаб қолгани ҳолда рус граждан шрифтидан фойдалан-

моқдалар. Латин шрифтини қўлланаётган Европа мамлакатларида бошқача аҳвол кўзга ташланади. Тиллар мутлақо бошқача бўлгани ҳолда (масалан, француз, немис) бир хил алфавитдан фойдаланилади. Айни замонда шу нарса мълумки, баъзи мамлакатларда турли миллатларга мансуб кишилар бир тилда гаплашадилар. Масалан, инглиз тилидан инглиэлар ва америкаликлар, немис тилидан немислар, австралияликлар ва швейцарияликларнинг бир қисми фойдаланадилар. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, у ёки бу тилнинг ўзига хос алоҳида алфавити ва шрифти бор (масалан, грузин, арман, корейс тиллари). Бир қатор мамлакатларда аҳоли бир неча тилда гаплашади. Масалан, Совет Иттилоғида умумдавлат тили бўлган рус тили билан бир қаторда бошқа миллий тиллар ҳам кенг тарқалган. Швейцария халқи француз ва немис тилларида, бельгияликлар — француз ва фламанд тилларида гаплашадилар. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, замонлар ўтиши билан баъзи халқларнинг ёзувлари ҳам ўзгарган.

Турли хил шрифт ва алфавитларнинг ана шундай кўплиги каталоглар тузишда жиддий қийинчиликлар туғдиришини тушуниш қийин эмас. Бизнинг мамлакатимиздаги, шунингдек хорижий мамлакатлардаги турли кутубхоналарда чет тилларда чиқсан нашрларнинг алфавит каталоги ҳар хил тузилади. Масалан, Ғарбий Европа ва Американинг кўпгина кутубхоналарида барча тасвирлар тилидан қайси ёзувни қабул қилганидан қатъи назар, ягона алфавит қаторида бир алфавит асосида тасвир сарлавҳасининг бир хил шакли остида бирлаштирилади.

Бундай бирлаштиришга таржима, транскрипция ёки транслитерация¹ ёрдамида эришилади.

Бироқ ягона алфавит каталогидан фойдаланиш китобхон учун маълум ноқулайликлар туғдиради, чунки унда кўп тиллардаги тасвирлар аралашиб кетади. Китобхонлар эса, одатда она тилидан ташқари, бир-иккитадан ортиқ бошқа тилни билмайдилар. Шу сабабли тасвирларининг кўпчилик қисми китобхонга иомаълум бўлган тилда тузилган каталог билан ишлаш қийин бўлиб, кўп вақтни олади. Чунки каталогдан китобхонга таниш бўлган тилдаги маълум бир асарнинг тасвирини топиш учун ўнлаб, баъзан эса юзлаб карточкаларни қўлдан ўтказиш керак. Шунинг учун ҳам кутубхонада каталог тузиш кўпроқ графика ёхуд тил принципига асосланади.

Биринчи ҳолда ягона алфавитга бир хил графикадан фойдаланадиган тиллардаги (масалан, рус, латин, араб тилларидағи) тасвирлар бирлаштирилади. Иккинчи ҳолда турли тиллардаги

¹ Транскрипция — бир тилдаги товушларни бошқа тилдаги ҳарфлар ва ҳарфлар бирикмаси билан беришдир.

Транслитерация — бир графикадаги ҳарфларни ва ҳарфлар бирикмасини тўлалигича бошқа графикадаги ҳарфлар ёки ҳарфлар бирикмаси билан бериш.

тасвиirlар, қўлланиладиган графикасидан қатъи назар, муста-
қил алфавит қаторларини ҳосил қиладилар.

Совет кутубхоналари давлатимизнинг миллий сиёсатига амал
қилиб, ўз каталогларини асосан тил белгиси бўйича қурадилар.
Бунда агар, у ёки бу тилда айрим тарихий даврларда турли гра-
фика қўлланилган бўлса, у ҳолда барча тасвиirlар, кейинги
вақтда қабул қилинган шаклдаги тасвир сарлавҳаси остида бир-
лаштирилади. Каталогнинг бундай ташкил қилиниши у ёки бу
миллатга мансуб бўлган китобхонга ўз она тилидаги китобларни
тез ва ҳеч қандай қийналмай топиш ҳамда уларнинг шу кутуб-
хонада қанчалик тўла тақдим этилганлигини аниқлаш имкони-
ни беради.

Бундай ҳар бир алоҳида каталог ташкилий жиҳатдан муста-
қил бўлади, бироқ шу билан бирга у ягона каталогнинг бир қис-
ми ҳисобланади ва унинг алоҳида қаторини ташкил этади, холос.

Миллий ва тил принципини тиллар тафовутига турли хил
шрифт ва алфавитлар мувофиқ келадиган хорижий Шарқ мам-
лакатлари тилларидаги китобларни акс эттириш учун алфавит
қаторларини тузишга асос қилиб олиш мақсадга мувофиқdir.

Бошқа чет тилларга нисбатан кутубхоналарда қуйидаги
практика ишлаб чиқилган. Республика, область, шаҳар кутуб-
хоналарида одатда тиллар бўйича тузилган алоҳида каталог-
лар кўп бўлади. Уларнинг бундай ташкил қилинишига қўшилиш
керак. Тажрибанинг кўрсатишича, бу кутубхоналарнинг китоб-
хонлари ўзларига таниш бўлган чет тилдаги адабиётни кўпроқ
сўрайдилар, улар бу тилда галиришни биладилар ёки уни ўрга-
наётган бўладилар.

Илмий кутубхоналарда аҳвол бошқачароқ бўлади. Илмий
ходимни муайян бир асар ёки унга маълум бўлган авторларнинг
китоблари (қайси тилда чоп этилганидан қатъи назар) қизиқ-
тиради. Шунинг учун ҳам илмий, турли тармоқ кутубхоналарида
материалларни графика принципида жойлаштириш ўзини тўла
оқлади. Бироқ ҳалқ демократияси мамлакатлари тилларидаги
адабиётларки пропаганда қилиш мақсадида, бу тиллардаги ки-
тобларнинг тасвиirlарини мустақил қаторлар қилиб ажратиш
фойдалидир. В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси,
М. Е Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат ҳалқ кутубхонаси ва
мамлакатимизнинг кўпгина бошқа кутубхоналари шундай қил-
моқдалар.

Агар китобхонлар каталоги учун тил белгиси бўйича ташкил
қилиш тўла мақсадга мувофиқ бўлса, ёрдамчи каталогда ягона
алфавит қаторини қўлланиш, ундан фақат хорижий Шарқ мам-
лакатлари тилларидаги тасвиirlарни чиқариб ташлаш керак.
Бир авторнинг турли тиллардаги асарларининг тасвиirlари
ёнма-ён туриши сабабли, тасвир сарлавҳасини бир хил қилиш
енгиллашади, справка-библиография ишлари соддалашади.
Одатда кўпгина хилма-хил тиллардаги китобларни талаб қилиб
ишлайдиган ходимга амалда бир неча каталогга мурожаат қи-

лишдан кўра тасвиirlарни битта каталогдан қидириш қулайроқ бўлади. Бинобарин, справка-библиография ишлари маълум даражада соддалашади.

Чет тиллардаги китoblар каталогларини ташкил қилишда Ватанимиз авторлари асарларининг чет тилларга қилинган таржималари ва чет мамлакатлар авторлари асарларининг рус тилига қилинган таржимаси тасвиirlарининг ўрни тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб туради. Кутубхоналарда бу материални ташкил қилишнинг «Умумий қоидалар»да алътернатива шаклида қайд қилинган икки усули қўлланилади.

Биринчи усулга биноан рус авторларининг таржималари рус китoblари каталогида, иккинчи усулга биноан чет эл китoblари каталогида акс эттирилади.

Биринчи усул мақсадга мувофиқроқdir, деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолда битта авторнинг китoblари улар қайси тилда босилганидан қатъи назар, ягона каталогда акс эттирилади, бу китoblарнинг тасвиirlари эса бир жойга тўпланди. Масалан, А. Н. Толстойнинг рус тилидаги ва чет тиллардаги асарлари ёнма-ён туради.

Бироқ бу усулни қўлланиш алфавит каталоги қурилишидаги аниқликка путур етказади ва ундан фойдаланишни ниҳоятда мураккаблаштириб юборади.

Ватанимиз авторлари асарларининг таржималарини чет тиллардаги адабиётлар каталогида акс эттириш мақсадга мувофиқdir.

Шундай қилиб, қуйидаги хуносаларни чиқариш мумкин.

Алфавит каталог умумий қаторда асосий, ёрдамчи тасвиirlарга ва ёрдамчи карточкаларга эга бўлади. Кутубхонада системали ёки предмет каталоги ёки маҳсус карточкалар мавжуд бўлганда унга персоналия типидаги қўшимча тасвиirlар киритилишини мақсадга мувофиқ эмас, деб топиш керак. Нашрларнинг алоҳида турлари маҳсус каталогларда акс эттирилиши лозим. СССР халқлари тилларидаги китoblарни мустақил алфавит қаторларида акс эттириш мақсадга мувофиқdir. Оммавий кутубхоналарнинг китобхонлари учун чет тиллардаги китoblар каталогларини тил белгисига қараб тузиш, илмий кутубхоналарда — битта графикага эга бўлган тиллардаги тасвиirlарни битта каталогга бирлаштириш керак. Барча кутубхоналардаги ёрдамчи каталоглар ягона каталогдан иборат бўлиши лозим.

Карточкаларни жойлаштириш

Алфавит каталогда системали каталогдан фарқли ўлароқ карточкаларни жойлаштиришни китоб тасвиirlаш методикаси олдиндан белгилаб беради. Матбуот асарларини тасвиirlашнинг барча асосий қоидалари алфавит каталог структурасини, унга хос бўлган функцияларни амалга ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Тасвиirlарни таърифлаш, сарлав-

ҳа остида тасвирланган китоблар учун жойлаштирувчи сўзларни белгилаш ўша каталогда карточкаларни жойлаштириш масалалари билан жуда мустаҳкам тарзда боғлиқдир.

Карточкаларни жойлаштириш каталогни ташкил қилиш жараёнининг энг масъулиятли қисмидир. Карточкаларни тўғри жойлаштириш сиёсий, илмий ва бадиий жиҳатдан энг қимматли бўлган адабиётларни китобхонларга етказишни таъминлайди, уни тез топишга имкон беради, каталогдан фойдаланишини енгиллаштиради.

«Умумий қоидалар»да, айниқса тўла вариантда чиққан янги нашри иккинчи китобининг биринчи қисмида якка ва колектив авторлар асарларйининг тасвирлари, шунингдек сарлавҳа остида тасвирланган китобларни жойлаштиришнинг умумий қоидалари ва жузъий ҳоллари батафсил баён қилинади. Бундан ташқари «Умумий қоидалар»да ўзининг безатилиши ва ҳоказолар билан фарқ қиласидаган китоблар ва бошқа нашрларнинг айrim турлари тасвирларини жойлаштиришга доир тавсиялар ҳам берилади.

Алфавит каталогининг олдида турган вазифаларга кутубхона фондини автор белгиси бўйича очиб бериш, ўзига маълум бўлган авторнинг муайян китоби мавжудлигини аниқлашда китобхонга ёрдам бериш ёки кутубхонада у ёки бу авторнинг қандай китоблари борлигини ойдинлаштириш вазифаларига асосланганда тасвирларни жойлаштиришнинг асосий принципи бўлиб қатъий алфавит хизмат қиласиди.

Сўзларни, номларни ёки бутун гапларни алфавит бўйича жойлаштиришнинг икки усули ҳаммага маълум. Биринчи усул «сўз кетидан сўз» ва иккинчи усул — «ҳарф кетидан ҳарф» номини олган. Ҳар иккала усул ҳам бошлангич сўзларнинг ҳарф составига асосланади, айни чоқда бири иккинчисидан бирмунча фарқ қиласиди. Биринчи ҳолда тасвирлар сўзлар изчиллигида, иккинчи ҳолда алфавит ҳарфларининг қатъий изчиллигида жойлаштирилади, бунда текстнинг сўзларга бўлинишига ҳеч қандай ўйлайтилмайди. Масалан, қуйидаги сарлавҳаларга эга бўлган китоблар тасвирлари: 1) Книгоописание и алфавитный каталог; 2) К вопросу об описании периодических изданий; 3) Капитал — каталогда қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

«сўз кетидан сўз»
усули бўйича

К вопросу...
Капитал...
Книгоописание...

«ҳарф кетидан ҳарф»
усули бўйича

Капитал...
К вопросу...
Книгоописание...

Шу нарса мутлақо табиийки, ғоят формал бўлган иккинчи усул бизнинг кутубхоналаримизда ишлатилмайди.

Карточкаларни жойлаштириша системага солувчи элементлар

Хозирги вақтда кутубхоналар томонидан қабул қилингандай алфавит бүйича жойлаштириш асослари ўзгармас бир нарса эмас. Айрим авторларнинг асарларини иложи борица яхшироқ ва янада қулайроқ йўл билан аниқ қўрсатиб беришга интилиб, «Умумий қоидалар», аксинча баъзан материалларни мазмуни бўйича бирмунча системага солишни, тасвиirlарни алфавит бўйича эмас, балки мантиқий тартибда группаларга ажратишни тавсия қиласди.

Масалан, битта автор асарларининг тасвирини ташкил қилишда, агар унинг алоҳида асарлари билан бир қаторда асарлар тўпламлари ҳам бор бўлса, ундаи ҳолда бу барча нашрларнинг тасвиirlарини икки группада жойлаштириш таклиф қилинади.

Биринчи группада асарлар тўпламлари акс эттирилади, уларнинг тасвиirlари группа ичida яна сарлавҳаларнинг алфавити бўйича эмас, балки мантиқий тартибда, нашрларнинг тўлаликдан камая бориш тартибida жойлаштирилади: а) тўла тўплам; б) асарлар тўплами; в) асарлар; г) танланган асарлар.

Иккинчи группага битта асарни ўз ичига олиши ёки тўплам бўлишидан қатъи назар алоҳида нашрлар, масалан: ҳикоялар, қундакилар, хатлар, шунингдек бирор жанрдаги асарлар тўплами, масалан: «Бадиий асарларнинг тўла тўплами», «Танланган масалалар» ёки характерли сарлавҳага эга бўлган асарлар тўпламлари, масалан, «Избранное Маяковского» («Маяковскийнинг танланган асарлари») киради. Группага, бундан ташқари, бирор асарнинг айрим қисмлари ёки улардан олинган парчаларнинг тасвиirlари ҳам киради. Иккинчи группа доирасида тасвиirlар сарлавҳалар бўйича жойлаштиришнинг умумий қоидаларига биноан сарлавҳалардаги биринчи сўзларнинг алфавит тартибида жойлаштирилади.

Мантиқий тартиб манфаатини кўзлаб алфавитдан бундай чекиниш бизнинг барча кутубхоналаримизда қабул қилингандай бўлиб, китобхонни қўзиқтираётган нашрларни тезроқ топиш имконини беради. Китобхон у ёки бу автор асарларининг тасвиirlари орасида асарлар тўпламлари ҳам мавжудлигини билмаслиги мумкин, уларниг аниқ сарлавҳасини китобхон ҳар доим ҳам эслаб қоломайди. Бу нашрларнинг карточкаларини маҳсус группага ажратиш уларга китобхонларнинг диққатини тортади ва ўзларини қизиқтираётган авторнинг асарлари тўғрисида аниқ тасаввур олишларига имкон беради. Баъзи бир асарларнинг тасвиirlарини жойлаштириш масаласига келганимизда, алфавит тартибida жойлаштиришдан ташқари бошқа бирор-бир нарсани тавсия қилиб бўлмаса керак. Фақат ана шундай шароитдагина муайян бир авторнинг керакли нашрини тез қидириб топиш мумкин бўлади.

Ташкилий структурага мувофиқ келадиган маҳсус мантиқий тартиб коммунистик партияларнинг расмий нашрлари тасвиirlарини жойлаштириш учун ҳам жорий қилингандай. Совет Иттифоқи

Коммунистик партиясининг ҳужжатлари қандай тасвир сарлав-халари остида (РСДРП(б), РКП(б), ВКП(б), КПСС) тасвирланингидан қатъи назар, улар каталогогда «КПСС» деган ажратгичдан кейин бир жойга тўпланади.

Китобхонлар сўраётган нашрларни топишни енгиллаштириш мақсадида КПССнинг расмий материаллари қўйидаги группалар бўйича жойлаштирилади:

- 1) умуман КПСС номидан чиқсан нашрлар;
- 2) КПСС юқори органларининг нашрлари;
- 3) расмий материаллар тўпламлари;
- 4) КПСС маҳаллий ташкилотларининг нашрлари.

ВЛҚСМ, СССР касаба союз ташкилотлари нашрларининг тасвирлари ҳам худди шундай ташкил қилинади.

«Умумий қоидалар»нинг айрим нашрларининг тасвирларини жойлаштиришда имконияти борича тарихий изчилликка риоя қилиш, мантиқий тартибга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги тавсияларини ижобий баҳолаш керак. Бу, даставвал турли съездлар, конференциялар, кенгашлар ва ҳоказоларнинг расмий материалларига нисбатан татбиқ қилинадики, уларнинг тасвирларини чақирилиш саналарининг изчиллигига қараб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу нарса мутлақо равшанки, масалан, КПСС XXIII съездининг стенографик ҳисботи тасвирини каталогдан XXI, XXII съездлар ҳисботларининг тасвирларидан кейин қидириш табиийроқдир, чунки агар уни XII съезддан кейин қидириладиган бўлса, карточкалар алфавит тартибida жойлаштирилгандай бўлиб қолар эди. (Масалан, русча: Двал-цать третий... двенадцатий... .)

Баъзи кутубхоналар Маркс, Энгельс, Ленин асарларини яхшироқ пропаганда қилиш ва уларнинг тасвирларини каталогдан тезроқ топиш мақсадида, бу асарларни мустақил алфавит каталоги (қатори)да акс эттирадилар. Бундай практика билан келишиб бўлмайди. Биринчидан, марксизм-ленинизм асосчилари асарларини бошқа авторларнинг асарларидан ажратиш методологик жиҳатдан асоссизdir. Иккинчидан, Маркс, Энгельс, Ленин асарлари тасвирларини алоҳида ажратиш натижасида китобхон уларни умумий каталогдан топа олмайди ва фикри чалғайди. Марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг тасвирларини умумий каталогда, аммо имкони борича яхши безатилган алоҳида каталог яшикларида жойлаштиришни ўзини тўла оқлаган ва мақсадга мувофиқ иш деб ҳисоблаш керак.

Битта автор асарларининг тасвирларини жойлаштириш тартиби муносабати билан соавторга берилган қўшимча тасвирларнинг ҳамда икки ва уч авторли китобларга берилган тасвирларнинг ўрни тўғрисидаги масалага айниқса, барча авторлар (ёки улардан бири) матбуотда индивидуал чиқсан вақтларида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур масала яна шунинг учун ҳам алоҳида диққатга сазоворки, баъзи кутубхоналарнинг тажрибаси бу материаллар алфавит каталогда нотўғри

ташкил қилинаётганлигидан далолат бермоқда. Кутубхоналарда соф расмиятчилик мулоҳазаларидан келиб чиқиб (бир хил пайтларда тасвир сарлавҳасида иккита фамилия, бошқа пайтда битта фамилиядан кейин қисқартирилган «ва бошқ» сўзлари қўйилади) икки ва уч авторли китобларнинг тасвиirlарини, шунингдек соавторларга берилган қўшимча тасвиirlарни мазкур авторнинг индивидуал асарлари тасвиirlаридан кейин қўйиш қабул қилинган. Бундай практика натижасида китобхонни қизиқтираётган асар баъзи топилмай қолиши мумкин, чунки кўп миқдордаги бошқа карточкалар билан тўсиб қўйилган бўлади.

«Умумий қондалар», алфавит каталогнинг алоҳида авторларнинг асарларини ўзида иложи борича тўлароқ акс эттиришдан иборат асосий вазифаларидан келиб чиқиб, соавторга берилган қўшимча тасвиirlарни умумий каталогда мазкур авторнинг бошқа асарлари орасида жойлаштиришни, бунда асосий тасвиirlарнинг сарлавҳасига эътибор бермасликни тавсия этади.

Ягона алфавит қаторида у ёки бу автор томонидан алоҳида ёзилган китоблари билан бирга унинг бир ёки иккита соавтор билан биргаликда эълон қилинган китоблари ҳам акс эттирилади, лекин тасвиirlарни жойлаштиришда иккинчи авторнинг фамилияси мавжудлиги эътиборга олинмайди.

«Умумий қондалар» одатда анча тўлароқ, яхшироқ бўладиган охирги нашрларнинг тасвиirlарини биринчи ўринга чиқариши мақсадида, уларни жойлаштириш учун тескари хронологик тартибни¹ қўлланишни тавсия қилади. Хусусан, бу тартибни якка авторларнинг асарлар тўпламларига, қайта чиқадиган нашрларга ва ҳоказоларга нисбатан татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Алфавит каталогни расмийлаштириш

Каталогнинг ҳаммаболлиги, ундан фойдаланишнинг қулайлиги ва китобхонни қизиқтираётган асарларнинг тасвиirlарини тез топиш фақат каталогда акс эттирилган китобларнинг тўғри тасвиirlangانлигига ва карточкаларнинг мақсадга мувофиқ жойлаштирилганлигига боғлиқ эмас. Бу жиҳатдан каталогнинг яхши ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда расмийлаштирилиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса у китобхонлар каталоглари учун катта аҳамиятга эгадир.

Ажраткичдаги тасвир сарлавҳасини, каталог яшигидаги ёзувни фақат каталогдан зарур нарсани топишини енгиллаштирувчи воситадангина иборат деб қараш мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси кутубхонанинг сиёсий-тарбиявий ишига кўмаклашмоги лозим. Каталогнинг шундай расмийлаштирилишига эришиш зарурки, бунда китобхонлар марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, КПСС ва СССР ҳукуматининг ҳужжатлари, партия ва совет раҳбарларининг асарлари, ватанимиз ва чет мамлакат-

¹ Бу кўрсатма ёрдамчи алфавит каталогга тегишилди, чунки китобхонлар каталогида китобларнинг фақат энг яхши, одатда охирги нашрлари акс эттирилади.

ларнинг фан, техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги энг яхши асарларини жуда осон аниқлашга ва унчалик қийналмасдан топишга муваффақ бўлсинлар. Шуни ҳам назарда тутиш коракки, каталогнинг сақланиши ҳам уни расмийлаштиришга кўп даражада боғлиқ бўлади. Масалан, каталог шкафлари ва яшикларида ёзувлар аниқ бўлса, уларга кераксиз мурожаат қила-веришга ҳожат қолмайди.

Каталогни расмийлаштириш: 1) ажраткичларни киритиш ва 2) каталог шкафлари ва яшикларининг ташқи томонини безатишдан иборат бўлади.

Ажраткичларни киритиш

Каталогда ажраткичларнинг мавжуд бў-
лиши у билан ишлашни анча енгиллаш-
тиради ва керакли китобларни қидири-

шига кетадиган вақтни тежайди. Бундан ташқари, ажраткичларни қўлланиш ғоявий-сиёсий, илмий, амалий ва бадиий жиҳатдан қимматли бўлган материалларни аниқлашга ёрдам беради ҳамда уларни китобхонларга яқинлаштиришга кўмаклашади.

Ажраткичлар вазифасига қараб қуйидаги турларга бўлиниди: 1) алфавит қаторида йўл-йўриқ кўрсатишга хизмат қиласидаган ажраткичлар, 2) справка типидаги ажраткичлар ва 3) биобиблиографик ажраткичлар.

Ажраткичларнинг кўрсатиб ўтилган турларидан ҳар бирини қўллашнинг айрим ҳолларини кўриб чиқайлик:

1) *Алфавит қаторида йўл-йўриқ кўрсатишга хизмат қиласидаган ажраткичлар.* Ажраткичларнинг бу турига: а) материални бир ёки бир неча ҳарф доирасида (масалан, А дан Б гача ёки П дан Т гача) чегараловчи ҳарфли ажраткичлар; б) тасвирларни бир ёки бир неча бўғин доирасида (масалан, Аб дан Ав гача ёки Аг дан Ас гача) ажратиб турувчи бўғинли ажраткичлар; в) бутун бир сўз (фамилия)ни ёки бир неча сўзни кўрсатувчи ажраткичлар киради. Улар тасвир сарлавҳаси бир хил сўз билан бошлинувчи кўп миқдордаги карточкалар йиғилиб қолған тақдирда, шунингдек энг машҳур ва тез-тез сўраладиган авторлар ва уларнинг айрим асарлари учун: марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, КПСС, иттифоқдош республикаларнинг коммунистик партиялари, олий советлари, министрлар советларининг материаллари, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг конституциялари, қонунлари ва қарорларининг нашрлари, шунингдек, машҳур жамоат ва сиёсий арбобларининг, фан, техника, адабиёт вакилларининг фамилиялари учун, Ленин мукофоти ва ҳалқаро тинчлик мукофотлари лауреатларининг асарлари учун қўлланилади.

Ҳарфли ва бўғинли ажраткичлари одатда озроқ чиқиб турувчи қисмга; сўзларни кўрсатувчи ажраткичлар эса жуда кенг (ўрта) чиқиб турувчи қисмга эга бўладилар. Авторларнинг фамилияларини ажратиб кўрсатиш учун ўнг томони туртиб чиқкан ажраткичлардан фойдаланилади; коллектив авторлар ёки сар-

Жалил Муса

1906—1944

Совет ёзувчиси, Ленин муроғоти лауреати.

Муроғот „Моабит дафтари“ шеърлар цикли учун
берилган, 1957 йил 22 апрель

5- расм. Авторли ажраткич.

лавҳаларнинг номлари учун чап томони туртиб чиққан ажраткичлар ишлатилади; айрим асарлар учун ўнг ва чап томонлари туртиб чиққан ажраткичлардан алмашлаб фойдаланилади.

Авторли ажраткичларда фамилиядан ташқари, тўлиқ исми ва отасининг исми, ҳаёт йиллари, фаолият соҳаси (касби ёки мутахассислиги), илмий унвони ва даражаси, фахрий унвони ва авторга давлат муроғотлари берилган асарнинг номини кўрсатиш жуда ҳам мақсадга мувофиқdir (5-расмга қаралсин).

2) *Справка типидаги ажраткичлар*, масалан, битта автор асарларининг тасвиirlари олдида, битта асарнинг турли нашрлари олдида, катта миқдордаги материаллар тўпланадиган колектив автор номи остидаги тасвиirlар олдида, бир хил жойлаштирувчи сўзга эга бўлган карточкаларни жойлаштириш тартибини кўрсатиш учун ишлатилади. Справка типидаги ажраткичлар топилиши маълум қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган тасвиirlар олдида ниҳоятда зарурдир. Бунга, масалан, сарлавҳалари бир хил стандарт сўзлар: «Инструкция», «Эсдалик», «Программа» ва бошқалар билан бошланадиган нашрлар киради. Бу материалларнинг тасвиirlарини топишнинг қийин бўлишига сабаб — уларни жойлаштириш қондаларининг ғоят мураккаблигидир. Китобхонлар сарлавҳанинг составига кирувчи кўмакчилар, боғловчилар, ҳужжатларнинг номерлари ёки мутахассислик номининг олдида келувчи «катта», «бригадир» ва бошқалар типидаги сўзлар эътиборга олинган ёки олинмаган-

лигини билмаслиги мумкин; каталогда программаларнинг тасвирлари қандай жойлашганлигини: сарлавҳани ҳосил қилган сўзларнинг қатъий алфавити бўйичами, программалар мўлжалланган фанлар ёки ўқув юртлари турларининг алфавити бўйичами жойлашганлигини билмаслиги мумкин. Тажрибанинг кўрсатишича, каталогда фамилиялари олд қўшимчалари, кўмакчилар, артиклларга эга бўлган авторлар асарларининг тасвирларини қандай жойлаштириш ҳамма китобхонларга ҳам маълум эмас (масалан, «Мак» (Мак-Орлин) ёки «О» «О'Рук» олд қўшимчалари алоҳида сўзлар деб қараладилар ёки фамилияга қўшилиб биргаликда битта сўзни ташкил қиладилар.

Кутубхоналар справка типидаги ажраткичларни қўлланишнинг юқорида санаб ўтилган ва бу ерда номи тилга олинмаган бошқа кўпгина ҳолларидан ташқари ажраткичда алфавит каталогига киритиладиган ҳар қандай справка карточкасининг текстини, масалан, муассаса ёки ташкилотнинг номи ўзгарганлиги тўғрисидаги справкани, намунавий сарлавҳа бўлган «Резолюция», «Қарор»ва бошқаларга доир справкали карточкани жойлаштишлари мумкин.

Справка типидаги карточкалар учун одатда, ўртаси туртиб чиққан карточкалардан фойдаланилади (б-расмга қаралсин).

3) *Биобиблиографик ажраткичлар* авторли ажраткичларнинг турларидан ҳисобланадилар. Уларда авторлар ва уларнинг асарлари тўғрисидаги асосий маълумотлар: фамилияси, исми ва

Резолюция...

Муассаса ва ташкилотларнинг резолюциялари каталогда тегишли муассаса ёки ташкилотнинг номи остидан қаралсин.

Масалан: КПСС, Съезд, 23, Резолюциялар

отасининг исми, туғилган ва ўлган йиллари, автор ўз асарларини ёзишда фойдаланган таҳаллуслар, унинг ихтисоси, илмий дара-жаси, фаҳрли унвони ва бошқалар түғрисидаги маълумотлар жуда сиқиқ шаклда келтирилади. Бундан ташқари, ажраткичда қисқача биографик справка, авторнинг энг муҳим асарлари ва унинг ижодига бағишлиланган энг қимматли танқидий адабиёт-ларининг рўйхати берилади.

Биобиблиографик ажраткичларнинг афзалликлари шубҳа-сиздир. Уларни алфавит каталогга киритишни ҳар томонлама тавсия қилиш керак. Улар энг яхши адабиётни пропаганда қи-лиш воситаларидан бири бўлиб, китобхонга китоб танлашда маъ-лум даражада ёрдам беради. Лекин бу ажраткичлар марказлаш-тирилган ҳолда тайёрланган тақдирдагина уларнинг бу туридан кенг фойдаланиш мумкин. Маълумки, ҳозирги вақтда биоби-блиографик ажраткичлар, масалан, Польшада кўплаб нусхада нашр қилинмоқда.

Урушга қадар Кутубхонашунослик ва тавсия библиография-си илмий текшириш институти, ватанимиз ва жаҳон адабиёти-нинг машҳур авторлари, кўзга кўринган фан ва техника арбоб-лари учун босма биобиблиографик ажраткичлар нашр қилас-ди. В. В. Маяковский номидаги Ленинград Марказий кутуб-хонаси ватанимиз ва чет эллардаги таниқли табиатшунос олим-ларидан 50 кишига биобиблиографик карточкалар сериясини чи-қарган эди.

Бироқ афсуски, бу жуда фойдали ташаббус ҳозирга қадар қайта тикланган эмас. Кутубхоналарнинг биобиблиографик аж-раткичларга бўлган талаби тобора ортиб бормоқда.

* * *

Ажраткичларни қўллаш бўйича юқорида баён қилинган тав-сиялар албатта, тўла-тўқис ва мажбурий эмас. Қандай кутубхо-наларда ажраткичларнинг у ёки бу тури ва шаклларини қўлла-ниш кераклиги кутубхонанинг катта-кичиклигига, унинг ката-логларининг ҳажмига, қарор топган практикага боғлиқ бўлади. Кичик кутубхоналарда асосан ҳарфли ажраткичлардан фойда-ланишга тўла-тўқис йўл қўйиш мумкин. Бироқ китобхонларнинг диққатини энг актуал адабиётга тортиш ва уни тезроқ қидириб топиш мақсадида марксизм-ленинизм асосчиларининг, партия ва ҳукумат раҳбарларининг фамилияларини, шунингдек КПСС, СССР Олий Совети, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари-нинг номларини ажратиб кўрсатиш, бунинг учун ўртаси туртиб чиққан ажраткичлардан фойдаланиш керак.

Каталогда қанча миқдордаги ажраткич бўлиши кераклигини аниқлаш қийин. Кутубхоналарнинг тажрибасида ҳар 3—5 см дан, яъни 60—75 карточкадан кейин ажраткичлар қўйиш қабул қилинган. Ўртacha, одатда 1000 тага яқин карточкани сифдиради-ган стандарт каталог яшигига 15 тадан 20 тагача ажраткич тўғ-

ри келади, аммо бу, айрим яшикларга уларда акс эттирилган адабиётнинг характеристига қараб, кўпроқ миқдордаги ажраткичларни қўйиш мумкин эмас, деган маънони билдирамайди.

Ажраткичларни расмийлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улардаги ёзув ва текстларни ёзув машинкасида босиш ёки кутубхона ёзувида ёзиш керак. Албатта, ажраткичлар марказлаштирилган тартибда босмахонада тайёрланганда айни муддао бўлур эди.

Каталог шкафлари ва яшикларини безатиш

Каталогнинг ички томондан ташкил қилинишига унинг безатилиши ҳам мос келиши лозим. Унинг олдига ҳам каталоглардан фойдаланишни енгиллаштириш, китобларни тез топишни таъминлаш ва шу тариқа уларни пропаганда қилишига ёрдам бериш вазифаси қўйилади.

Карточкалар қўйиб чиқилиб, ажраткичлар жой-жойига киритилгач, каталог яшиклари ва шкафлар устига уларнинг мазмунига мувофиқ келадиган ёзувлар ёзилади.

Яшиклар устидаги ёзувлар яшикнинг олд томонидаги металл рамкаларга жойлаштирилади. Кутубхонада қарор топган практикага, каталогнинг катта-кичиклигига қараб ёзувлар ҳар бир яшикнинг биринчи ва охирги карточкаларида сарлавҳалардан ёки фақат тасвир сарлавҳалари бошланадиган ҳарф ва бўғинлардан иборат бўлиши мумкин (7-расмга қаралсин).

Бунда тасодифан яшикнинг бошланиши ёки охирiga тушиб қолган фамилияларни ёзувда кўрсатишдан қочиш керак. Имкони борича алоҳида тавсия қилинадиган ва кўпроқ машҳур бўлган авторларнинг фамилияларини кўрсатишга эътибор бериш зарур. Булар биринчи навбатда Маркс, Энгельс, Ленин асарларига, КПСС нашрларига, партия ва ҳукумат раҳбарларининг асарларига тааллуқlidir. Қандайдир сабабга кўра, карточкаларни бундай жойлаштиришнинг имкони бўлмай қолган тақдирда, ҳар ҳолда марксизм-ленинизм асосчиларининг фамилияларини ёзуда ушбу яшикнинг бошлангич ва охирги ҳарфлари (ёки тасвир сарлавҳалари) орасида кўрсатиш лозим.

АБ—Дон

Колас Якуб—
—Ленин В. И.—
—Луначарский А. В.

7-расм. Алфавит каталог яшиклари устидаги ёзувларнинг намуналари.

Яшиклар устидаги ёзувлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Уларнинг яхши сақланиши учун ёзув текстларини махсус лак билан ёпиш ёки ёзувлар устидан рамкага юпқа ойна, целлофан ёки бошқа тиниқ материаллар қўйиш керак.

Кутубхонада бир неча алфавит қатори (рус тилидаги китоблар қатори ва чет тиллардаги китоблар қатори) ёки бир неча

кatalogлар (kitobлар catalogи va vaqtли нашрлар catalogи) мавжуд бўлса, aжраткичлар учун картон ёки турли рангдаги қоғозлардан fойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кatalog шкафларида барча яшикларни ё горизонтал бўйича (чапдан ўнгга) ёки вертикал бўйича (юқоридан пастга) номерлаб чиқиш лозим. Тажрибада кўпроқ иккинчи усул қўлланилади, афтидан, уни тавсия қилиш керак.

Керакли catalog яшигини тез топиш учун шкафларга ҳарфлар қўйиш керакки, мазкур яшикдаги тасвиirlар шу ҳарфлардан бошланиб, шу ҳарфлар билан тугалланади.

Ҳар бир catalog албатта «Kitobларнинг алфавит catalogи», «Vaqtли нашрларнинг алфавит catalogи» ва ҳоказо деган тегишли ёзувларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, kitobхon catalogда қандай тиллардаги қайси йилларга оид матбуот асарларининг қайси турлари мавжудлигини ва шу кабиларни билиши учун, catalog ёнига уни таърифловчи тахминан қўйидаги мазмундаги текстни жойлаштириш керак.

Алфавит catalog

Кatalog 1946 йилда ташкил қилинган. Билимнинг ҳамма соҳалари бўйича 1945 йилдан бошлаб рус тилида босилиб чиқсан мавжуд kitob ва брошюralарнинг тасвиirlарини ўз ичига олган.

Алфавит catalogни таҳxир қилиш

Кatalog устида кун-далик иш олиб бориш Карточкалар жойлаштирилиб, aжраткичлар жой-жойига қуилиб, яшиклар лозим даражада безатилганидан кейин энди каталог ташкил қилиниб бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин бу, унинг устида олиб бориладиган ишлар умуман тугалланди, деган маънони билдирамайди. Ишлаб турган кутубхонада каталог устида иш олиб бориш ҳеч қачон тугамайди. Ҳар қандай кутубхонанинг ҳар бир catalogи, синчиклаб қарашга муҳтож бўлиб, мунтазам кузатиб боришини талаб қиласди. Ўз-ўзидан маълумки, kitobхонлар catalogларига нисбатан алоҳида эътибор берилиши ва ниҳоятда ғамхўрлик кўrsатилиши лозим. Бу қондадарга етарли баҳо бермаслик catalogлар сифатининг астасекин пасайишига олиб келади. Кatalогни кузатиб бориш кун

сайин жорий иш олиб боришни ва планли, вақт-вақти билан амалга ошириладиган умумий таҳрир қилишни ўз ичига олади.

Қаталог устида олиб бориладиган қундалик иш ғоят хилмакхилдир. Бу ишнинг асосий мазмуни — каталогни тегишли тартибда сақлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида аниқланадиган хатоларни тұзатышдан иборат. Каталогни тұлдириб бориш, китоб фондларининг ҳақиқияттың составига аниқ мувофиқ келишини қатый күзатып бориш зарур. Шу муносабат билан барча янги олинган адабиётни каталогда ўз ғоятта акс эттириш ва чиқарылған китобларнинг тасвирларини эса дарҳол ундан олиб ташлаш лозим. Бу талабга риоя қымаслық мавжуд китоблар тұғрисида нотұғри ахборот беришга ва айрим ҳолларда эса китобхонларга уларни қизиқтирган нашрларни беришдан бош тортишга олиб келиши мүмкінлигини тушуниш қийин эмас.

Маълумки, янги олинган китоблар ҳозир амалда бўлган сўнгги қоидалар асосида тасвирланади. Шу сабабли баъзи бир, эҳтимол, аксарият янги тасвирларнинг сарлавҳалари каталогда илгаридан мавжуд бўлган сарлавҳалардан фарқ қилиши мумкин. Агар бу тафовутлар шунчалик жиҳдий бўлиб, материални тұғри жойлаштиришга салбий таъсир қиласынан бўлса, бу тафовутларга барҳам бериб, эски тасвирларни тузатиш зарур. Кўпинча тасвирдаги хатоларни каталогдан фойдаланиш жараёнида китобхонлар, кутубхоначилар ва библиографлар аниқлайдилар. Бутуниттилоқ китоб палатаси босма карточкалардаги тузатишларнинг, йўл қўйилған хатоларнинг рўйхатларини обуначиларага мунтазам равишда юбориб туради. Бу ва шукға ўхшашиб пайқаб қолинган бошқа нуқсонларнинг ҳаммаси эътиборга олиниши, текширилиши ва тавсия қилинган тузатишлар зудлик билан эски тасвирларга киритилиши лозим.

Каталогни мунтазам равишда янги тасвирлар билан тўлдириб бориш, чиқарылған китобларнинг тасвирларини ундан олиб ташлаш карточкаларни муқаррар равишда қайта жойлаштиришни талаб қиласи. Каталог билан ишлайдиган ходимлар доимо баъзи яшикларни сийраклаштиришга, аксинча, баъзиларини зинчроқ қилишга, баъзан эса янги яшиклар қўшишга мажбур бўладилар. Карточкаларни қайта жойлаштириш ўз навбатида каталогнинг ажраткичлар билан таъминланишини қайта кўриб чиқиши заруратини туғдиради. Янги олинган актуал нашрларни аниқ кўрсатиш ва уларга китобхонларнинг диққатини тортиш мақсадида жуда кўпинча баъзи ажраткичларни олиб ташлаб. Ўнинга янги ажраткичлар қўйиш талаб қилинади. Улардан баъзи бирларининг мазмунини аниқлашга ва тўлдиришга (масалан, авторга Ленин мукофоти берилиши муносабати билан) тұғри келади.

Тасвирларни жойлаштиришдаги, карточкаларни қайта груп-палашдаги ўзгаришлар табиийки, каталог яшикларини безатишида ўз аксини топади: улардаги ёзувларни, баъзан эса шкафлардаги ҳарфли кўрсаткичларни ўзгариштиришга ёки тузатишга тұғри

рн келади. Ниҳоят, карточка ва ажраткичлардан интенсив фойдаланиш натижасида улар ифлосланади, синади, улардаги текстлар ўчиб кетади ва уларни англаб олиш қийин бўлиб қолади. Оқибатда каталогдан фойдаланиш қийинлашади. Биздаги ва чет эллардаги кутубхоналар карточкаларни ифлосланишдан сақлаш ва уларниғ пишиқлигини ошириш учун карточкаларни махсус лаклар ёки пластмасса қопламалар билан мустаҳкамлайдилар. Бироқ бу усуллар кўпинча тажриба характерига эга бўлиб, уларни фақат йирик кутубхоналаргина амалга ошира оладилар. Шунинг учун ҳам карточкаларнинг умрини узайтириш учун пшилатиладиган кимёвий воситалар ҳозирча кенг тарқалмаган экан, кутубхоналар ифлосланган ва тўзиган карточкаларни мунтазам равишда алмаштириб туришга мажбур бўлмоқдалар.

Каталогни умумий таҳрир қилиш Каталог устидаги кундалик иш қанчалик синчиклаб олиб борилмасин, унда мавжуд бўлган барча хато ва нуқсонларни тузатиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, биринчидан, кундалик иш жараёнида ҳамма хатоларни ҳам аниқлаб бўлмайди, иккинчидан, аниқланган барча нуқсонлар устида чуқур ишламасдан туриб уларни тугатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, узоқ йиллардан бери ишлаб турган катта ва кичик кутубхоналар сўнгги вақтларда ўз каталогларини умумий таҳрирдан ўтказмоқдалар.

Маълумки, каталоглар анча узоқ вақт мобайнida яратилади. Уларга киритилган китоблар тасвири у ёки бу даврда қўлланилган методикани ўзида акс эттиради. Китобларни тасвирилаш қоидалари ўзгариб ва такомиллашиб бораётганлиги сабабли, каталогларда ё алмаштиришни ёки қисман тузатишлар киритишни талаб қиласидиган катта миқдордаги карточкалар йиғилиб қолади. Бу, биринчи навбатда оммавий кутубхоналарга тааллуқли бўлиб, улар фақат 1953 йилдан бошлаб, яъни «Умумий қоидалар» эълон қилингандан кейин, китоб тасвирилашнинг ягона методларини чинакамига жорий эта бошлидилар. Бунга қадар кутубхоналар тажрибасида турли хил қўлланма ва инструкциялардан фойдаланиб келиндики, булар тасвирилаш методикасига ва каталогнинг умумий ҳолатига салбий таъсир этмай қолмади.

Олдиндан тузилган план асосида амалга ошириладиган умумий таҳрир ўз олдига каталогда мавжуд бўлган хатоларни тузатиш ва унинг сифатини ошириш вазифасини қўяди. Бироқ, шуни эътироф қилиш керакки, каталогларни таҳрир қилиш тўғрисидаги масала, нисбатан янги масала ҳисобланади. Уни амалга ошириш методикаси жуда суст ишлаб чиқилган бўлиб, адабиётда деярли ёритилмаган¹. Бу соҳадаги тажриба ҳам ниҳоятда оз. Ўз каталогларини текширишга киришаётган баъзи бир кутуб-

¹ Қуйидаги қўлланма жиддий ёрдам бериши мумкин: Е. А. Новикова, Основные книгоописания и организация алфавитного каталога. М., 1959. 289—302- бетлар.

хоналар ўз олдилариға оғир ва кераксиз вазифаны — каталогларни тұла янгилашни амалға ошириш, тасвирларни «Умумий қоидалар»нинг охирги нашрлари билан мувофиқлаштириш вазифасини құядылар. Ҳозирги замон китоб тасвирлаш методикаси билан солиширганда юзага чиққан унча принципиал бўлмаган тафовутларга барҳам беришга куч ва вақт сарфланади. Кутубхоналар айrim қисқартирилган сўзларга, миқдорий характеристикага, сарлавҳа усти маълумотларига, эслатмалар ва ҳоказоларга тузатишлар киритишга уриндиларки, буларга мутлақо зарурат йўқ.

Тажриба шу нарсани тасдиқлайдики, бирмунча йирикроқ кутубхонанинг узоқ йиллар мобайнида юритилаётган ҳар қандай каталоги тўрли шахслар томонидан кўпгина инструкциялар асосида тузилганлиги сабабли уни бекаму кўст деб бўлмайди. Ундаги тасвирлаш методларида, албатта хилма-хиллик учрайди, уларни жойлаштиришдаги хатолар ва бошқа нуқсонлар кўзга ташланадики, улар ҳам каталогни умумий текширишни зарур қилиб қўяди.

Каталогларни умумий таҳрир қилиш иккى йўл билан: уларни *ёппасига ёки танлаб олиб текшириш* билан амалға оширилиши мумкин.

Ёппасига текшириш каталогга киритилган барча тасвирларни изчил, ҳарфма-ҳарф таҳрир қилишни назарда тутади. Бу текшириш усулининг афзаллиги ҳам ана шунда. Лекин бундай таҳрир қилиш ғоят сермеҳнат жараён бўлиб, йирик кутубхоналарда бир неча йиллаб давом этади. Бунинг натижасида каталогларнинг энг актуал участкалари узоқ вақт мобайнида текширилмай ётади, буни, албатта, *ёппасига текшириш* усулининг камчилиги деб ҳисоблаш керак.

Танлаб олиб текшириш асосан каталогнинг айrim участкаларини таҳрир қилишни кўзда тутади. Кутубхоналар бу усулини қўлланиб, алоҳида муҳим аҳамията эга бўлган материалларни — Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, партия ва совет ташкилотларининг нашрларини биринчі навбатда тасвирлаш имкониятига эга бўладилар. Танлаб олиб текширишнинг сўзсиз устунлиги ҳам мана шунда. *Ёппасига текширишни* каталогнинг шу қисмларини таҳрир қилишдан бошлаш лозим.

Марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг, партия ва ҳукумат ҳужжатлари нашрларининг тасвирлари текшириб бўлингач, авторли тасвирларнинг бошқа группалари, масалан, ватанимиз ва жаҳон фани ҳамда адабиёти классикларининг, фамилиядош авторларнинг тасвирлари текшириб чиқилади. Каталогнинг айrim участкаларини текшириш навбатини белгилашда кутубхонанинг профили ва вазифалари, шунингдек китобхонларнинг составини эътиборга олиш лозим. Масалан, область кутубхонасида биринчі навбатда текширилиши лозим бўлган материаллар техника кутубхонасида анча кейинроқ муддатда текширилиши мумкин.

Танлаб олиб таҳрир қилишда унчалик мұхим бүлмаган баъзи участкалар текширилмай қолиши ҳам мүмкін. Бу, танлаб олиб таҳрир қилишнинг бўш томони бўлиб, бу усул принцип жиҳатидан ёппасига текширишни ҳам истисно қилмайдиг.

Таҳрир қилишда, бу иш қайси усул билан амалга оширилишидан қатъи назар, даставвал каталогни тўлдиришга эътибор бериш керак. Кутубхонанинг профилига тўғри келмайдиган адабиётлардан, эскириб кетган нашрлардан, мазмуни энг мұхим проблемаларга жавоб бермайдиган китоблардан қутулиш зарур.

Тасвир сарлавҳаларини карточкаларнинг каталогдаги ўрни билан боғлиқ бўлган элементларни ифодалашдаги хилма-хилликни тугатиш мұхим вазифалардан биридир. Маълумки, сўнгги йилларда бу соҳада анчагина ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги нашрларда, шунингдек босма карточкаларда ҳам кўпгина чет эл авторларининг фамилиялари аввалги ёзилишига кисбатан бошқачароқ берилмоқда. Масалан, Майн Рид ўрнига Рид Майн қабул қилинган, Қонан-Дойль учун Дойль Қонан, Брет-Гард учун Гард Брет шакли қабул қилинган. Совет Иттифоқи ва хорижий Шарқ мамлакатларидағи миллатларга мансуб бўлган авторлар асарларининг тасвирлари сарлавҳаларини ифодалашга ҳам аниқликлар киритилган.

Шу билан бир вақтда, фамилиядош авторлар асарларининг тасвирларини дикқат билан кўриб чиқиш керак. Кутубхона у ёки бу асарнинг муайян авторга тегишли эканлиги каталогда тўғри ақиқланган-аниқланганмаганлигини текшириши лозим. Айни замонда имкони борича авторларнинг инициалларини баъзан ҳар иккаласини, кўпинча эса иккиси инициалларни аниқлаш лозим. Бунда Бутуниттифоқ китоб палатасининг босма карточкаларидан китобларнинг босилиб чиқишига доир маълумотлардан фойдаланиш фойдалидир, чунки китобларда авторнинг исми ва отасининг исми кейинги қоидалар бўйича тўлиқ шаклда келирилади.

Муассаса ва ташкилотлар расмий нашрларининг тасвирлари янада кўпроқ даражада таҳрир қилишга мұхтожидир. Маълумки, оммавий кутубхоналарда «Умумий қоидалар» жорий этилганинга қадар бу материаллар асосан сарлавҳа остида тасвирланиб келинган. Ҳозирги вақтда расмий ва бошқарма нашрларига нисбатан колектив автор номи остида тасвирлаш методи қўллашылмоқда. Тасвирлаш методида бир хилликнинг бўлмаганлиги шу нарсага олиб келганки, битта муассасасининг нашрлари каталогнинг турли жойларига тушшиб қолган. Ўз-ўзидан маълумки, каталогни таҳрир қилиш вақтида улар бирлаштирилиши лозим. Шу билан бир қаторда колектив автор номи остидаги тасвир сарлавҳаларини улар «Умумий қоидалар»нинг сўнгги нашрига тўғри келадими-йўқми деган нуқтаи-назардан кўриб чиқиш керак. Қўп ҳолларда тасвир сарлавҳаларига тузатишлар, аниқликлар киритишга тўғри келиши эҳтимолдан узоқ эмас, чунки методикага мұхим ўзгариш киритилган. Тасвир сарлавҳаларини ифо-

далаш анчагина соддалаштирилган касаба союз ташкилотлари-нинг нашрлари янгича тасвирланмоқда, КПСС нинг расмий нашрларини тасвирлаш қоидалари ўзгартирилган. Киритилган бу ва бошқа барча янгиликлар каталогни таҳрир қилиш пайтида назарда тутилиши керак.

Тажриба бизга шу нарсани ўргатадики, каталогда керакли тасвирлар етишмаганды ҳам ва у ортиқча карточкалар билан тўлдириб юборилганда ҳам, китобхонни қаноатлантира олмайди. Шу муносабат билан каталогни таҳрир қилиш вақтида бирор-бир асарнинг турли нашрларининг бир неча қўшимча тасвирлари ўрнига справка карточкаси типидаги битта, анча соддалаштирилган тасвир билан чекланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда асарнинг қайта нашр қилинганлиги ҳақидаги, босилиб чиқишига доир маълумотлар кўрсатилмайди. Бироқ китобхон ўзини қизиқтирган китобни ҳар ҳолда топа олиши учун, карточкада тахминан қўйидаги мазмунда текст (яхшиси штамп) келтирилади.

Лехин И. В., ред.

Словарь иностранных слов.

Кутубхонада бу асарнинг бир неча нашри мавжудлиги туфайли ҳар бир нашрнинг муҳарририга қўшимча тасвирлар тайёрланмайди.

Асосий карточкага қаралсин

8- расм. Соддалаштирилган қўшимча тасвир.

Кутубхонадан анча илгари чиқарилган китобларнинг ёрдами чи тасвирлари каталогда қолган ёки қолмаганлигини текшириб чиқиш жуда зарур. Айни вақтда журнал ва газета мақолалари алоҳига нашр бўлиб чиқсан ва каталогда акс эттирилган бўлса, уларнинг илгариги тасвирларини каталогдан олиб ташлаш лозим. Шу билан бирга, ҳақиқатан зарур бўлган қўшимча, серияли, аналитик тасвирларнинг, йўналтирувчи ва справка карточкаларининг ҳаммаси каталогда мавжудлигини текшириб кўриш,

агар улар мавжуд бўлмаган тақдирда, бу камчиликни тўлдириш керак.

Ниҳоят, карточкаларнинг тўғри жойлаштирилганлигини, унинг сўнгги инструкцияларга мос келишини, яшикларнинг ажраткичлар билан таъминланиш даражасини пухта текширмасдан туриб каталогни таҳрир қилишни тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунда ажраткичлардаги ёзувлар улар олдинга қўйиладиган талабларга қай даражада тўғри жавоб беришига эътиборни жалб қилиш зарур.

Фондларида одатда бирмунча танилган авторларнинг асарлари қўйилган кичик кутубхоналарда бир хил фамилияли авторлар камдан-кам учрайди, шу сабабли улар таҳрир қилишни каталогнинг ўзидағи материаллар бўйича амалга оширишларни мумкин.

Йирик кутубхоналар ўз ишларини бундай чеклай олмайдилар. Улар таҳрир қилиш вақтида энциклопедиялардан, турли лугатлардан, хилма-хил справка нашрларидан, библиографик кўрсаткичлардан, албатта, фойдаланишлари, баъзан китобларнинг текстига мурожаат қилишлари лозим.

Кутубхонанинг бошқа каталоглари билан узвий боғлиқ бўлган алфавит каталогни таҳрир қилиш тасвирларни (тўла ёки қисман) китоб фонди билан солиширишни, баъзан китоблардаги, системали каталогдаги, китоб формуляларидағи шифрларни тузатишик, албатта, зарур қилиб қўяди.

Каталогларга лозим даражада эътибор берилаётган, уларни ташкил қилишни яхшилаш юзасидан кун сайин планли иш олиб борилаётган кутубхоналарда алфавит каталог китобхонлар томонидан самарали фойдаланилмоқда, уларнинг актуал китобларга бўлган талабининг ўсиб боришига ёрдам бермоқда, асарлар танлашга кўмаклашмоқда ва янги талаблар уйғотишга таъсир қилмоқда.

6- б о б

МАТБУОТ АСАРЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ. СИСТЕМАЛИ КАТАЛОГ

Кутубхона ишида матбуот асарларини классификациялашнинг ва системали каталогнинг аҳамияти.— Кутубхона классификациясининг схемаси.— Матбуот асарларини классификациялаш тарихидан (XIX аср ўрталариға қадар).— Ўзли классификация.— Кутубхона классификациясининг бошқа схемалари (XIX аср охири ва XX аср бошлари).— СССРда кутубхона классификацияси.

Матбуот асарларини классификациялашнинг ва системали каталогнинг аҳамияти

**Матбуот асарларини
классификациялаш
тўғрисида умумий
тушунча**

Китобхонларнинг тематик эҳтиёжлари ни қондириш ҳамда ижтимоий ҳаёт, фан ва маданиятнинг муҳим масалаларига доир адабиётни пропаганда қилиш ку-

тубхонанинг энг масъулиятли вазифаларидир. Китобхонларнинг қизиқтирадиган ҳар қандай темага доир матбуот асарларининг фонддан қидириб топилишига эришиш учун дастлаб матбуот асарларини мазмунига қараб классификациялаш зарур. Матбуот асарларини мазмунга қараб классификациялаш библиографиянинг барча турларида, матбуот статистикасида ва китоб савдосида ҳам кенг қўлланилади.

Классификация — фанда ва ижтимоий практикада кенг қўлланиладиган терминдир. Унинг аниқ маъноси предметларни улар ўртасидаги мавжуд ўхшаш белгиларга ва тафовутларга мувофиқ равишда группаларга (классларга) ажратишидир. Табиат ҳодисаларини ва ижтимоий ҳаётни, фанни классификациялаш мумкин. Масалан, минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот, хом ашё материаллари, ҳамда ишлаб чиқариш маҳсулотлари, тупроқ, матбуот асарлари, илм фан соҳалари, айrim тушунчалар ва бошқаларнинг классификациялари мавжуд.

Ҳар бир предмет жуда кўп белгиларга эга бўлиб, бу белгилардан қайси бири группаларга ажратишига асос қилиб олинишига қараб классификациянинг характеристи ўзгариб туради. Табиий классификация билан сунъий классификацияни бирбиридан фарқ қиласидилар. Табиий классификация предметлар

Ўртасидаги энг муҳим ўхшаш белгиларга асосланадики, бу белгилар предметлар ўртасида объектив равишда мавжуд бўлган алоқаларни предметларнинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёнида акс эттиради. Мазкур предметларга хос бўлган тасодифий ва иккинчи даражали белгиларга қараб класслар тузиш сунъий классификацияга хос хусусиятдир.

Масалан, химияда узоқ вақт элементларнинг ташқи физикавий хусусиятларига асосланган ҳар хил классификациялардан, асосан сунъий классификациялардан фойдаланилган (иссиқ ўтказувчанлик, электр ўтказувчанлик, оксидланиш хусусияти ва бошқалар). Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий системаси табиий классификациянинг классик намунаси бўлиб хизмат қила олади. Менделеев элементларни атом оғирлигининг ошиб бориши тартибида жойлаштириб, оддий жисмларнинг ва ҳар хил элементлар бирикмаларининг барча хоссалари даврий суратда такрорланиб туради, атом оғирлигига қонуний равишда боғлиқ бўлади, деб исботлади. Элементлар системаси (классификацияси) асосига, элементларнинг белгиловчи хусусияти асос қилиб олиниши химия тарихида янги даврнинг вужудга келишига имкон берди, моддаларнинг тузилиши тўғрисидаги таълимотнинг тараққий этишига сабаб бўлди.

Айрим ҳолларда сунъий классификациялар ҳам қўлланилади. Масалан, ўсимликларни баргининг ва гулларининг рангига қараб классификациялаш декоратив ўсимликшуносликда амалий жиҳатдан зарурдир.

Матбуот асарларини классификациялашда асосий белгига — асарнинг мазмунига асосланилади; бу усул мазкур классификацияга табиий классификация деб қараш имконини беради. Матбуот асарларини уларнинг форматга, олинган вақтига, нашр қилинган жойига ва ҳоказоларига қараб танлаб олиш сунъий классификацияга мисолдир. Фонд гоҳо маҳсус мақсадларни кўзлаб ана шундай ажратилади, бироқ одатда матбуот асарларини классификациялаш деганда уларни мазмунига мувофиқ тарзда группаларга ажратишгина назарда тутилади.

Матбуот асарларининг мазмуни фоят хилма-хил бўлиб, уларни ҳар хил усулда группаларга ажратишга имкон беради. Масалан, ГДРнинг лак-бўёқ саноатида полимерларни қўлланиш масалаларига доир китоблар ҳар хил белгиларига қараб бошқа китоблар билан: полимерларни бошқа тармоқларда қўлланишга онд китоблар билан, лак-бўёқ ишлаб чиқаришининг бошқа масалаларига доир китоблар билан, ГДР тўғрисидаги китоблар билан бирлаштирилиши мумкин. Биринчи ҳолда предмет-полимерлар, иккинчисида билим соҳаси — лак-бўёқ саноати техникаси, учинчисида — мамлакат белгиси, яъни ГДР группаларга ажратиш белгиси бўлиб хизмат қиласди.

Матбуот асарларини мазмунга қараб классификациялашни бошқа белгиларга, масалан, хронологик белгига қараб ҳам

амалга ошириш мүмкін; бу тариқа класификациялаш мұайян даврнинг ижтимоий тараққиеті тарихига доир барча адабиётни (фан, адабиёт, санъат, саноат ва қишлоқ хұжалик ишлаб чиқариши тарихи ва бошқаларни ҳам кириктан ҳолда) бирлаштиришга имкон беради. Матбуот асарларининг тематикаси билан бөглиқ бўлган ҳар қандай белгига қараб группаларга ажратишга уларни мазмунига қараб класификациялаш турларидан бири деб қарап мүмкин.

Бироқ кутубхона ва библиография назарияси ҳамда практикасида одатда матбуот асарларини фақат билим соҳаларига қараб группаларга ажратишина матбуот асарларини класификациялаш деб аталади. Қитобхонларнинг ҳар хил әхтиёжларини қондиришда шу тарзда группаларга ажратишининг амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги класификация тушунчасининг ана шундай торайишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, матбуот асарларини билим соҳаси белгисига қараб калассификациялаш бу асарларнинг илмий мазмунига кўпроқ мос келади. Инсоният тўплаган ҳамма илмий билимлар ўз тараққиети даврида дифференцияланган айрим билим соҳаларининг йиғиндинисидан иборатdir. Ҳар қайси фаннинг бирорта соҳасини ташкил этувчи ўқув фанини ўрганишга ўрта ва олий мактабда таълим системасига ҳамда олинган билимни мустақил равишда такомиллаштиришга асос бўлади. Қишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳам фан, техника, қишлоқ хұжалиги, адабиёт ва санъатнинг конкрет бир тармоғи билан бөғланган. Шундай қилиб, матбуот асарларини уларнинг билимнинг мұайян соҳасига муносабати белгисига қараб класификациялаш ўз ишлаб чиқариш малакаларини оширадиган китобхонларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам, мустақил билим оловчи шахсларнинг ҳам керакли адабиётни танлаб олишларига имкон беради.

**Кутубхоналарда
матбуот асарларини
ва библиографияни
класификациялаш**

Кутубхоналарда матбуот асарлари уларни китоб полкаларига системали тартибда қўйиц ёки уларнинг тасвирларини системали каталогга худди шу тартибда жойлаштириш йўли билан билим соҳалари га қараб группаларга ажратилади.

Билимнинг бир соҳасига оид китоблар (ёки уларнинг тасвирлари) группаси класификация бўлим минни ҳосил қиласади. Бўлим ичидаги янада майдага бўлимнамалар — бўлимчалар ташкил қилинади; бу бўлимчаларнинг ҳар бирида билимнинг мұайян соҳасига тегиши масалалардан бирига доир китоблар бирлаштирилади. Бўлимчалар ичидаги янада кичик бўлимчалар ҳосил қилинади. Масалан, табиий фанлар бўлимида физика, химия, геология бўлимчалари ва табиий фанлар ва бошқа соҳаларининг бўлимчалари тузилади. Физика бўлимчаси ичидаги физиканинг жузъий соҳалари: акустика, электр ва магнитизм, оптика ва бошқалар учун бўлимнамалар ташкил этилади. Бўлимни шу тартибда яна давом эттирса бўлаверади; масалан, товуш назарияси масала-

лари, товуш тезлигини ҳамда кучини ўлчаш ва бошқалар акустиканинг майда бўлинмаларини ташкил этиши мумкин.

Классификация бўлинмаларини умумийдан (бўлимдан) жузъийга (бўлимча ва бўлинмаларга) томон бундай жойлаштира бориш *системали тартиб* дейилади. «Системали жойлаштириш» ва «системали каталог» деган тушунчалар шундан келиб чиқсан: полкада бу каталогда ҳам билимнинг ҳар хил бўлимлари бўйича китоб бўлимлари, бўлинчалари, бўлинмалари ташкил қилиниб, китоблар, умумийдан жузъийга томон кетма-кет (масалан, математика умумий бўлимидан кейин каталогда жузъий бўлинмалар: арифметика, алгебра, геометрия ва бошқалар, яъни математика соҳалари келади) ёки бутундан қисмга томон (масалан, «шиша буюмлар» бўлимидан кейин шу тушунчанинг қисмларини билдирувчи бўлинмалар: «такта ойна», «ковак шиша», «техник шиша», «шиша толаси» ва бошқалар) жойлаштирилади.

Умумий ва жузъий деган тушунчалар нисбий тушунчалардир, албатта. Масалан, физика бўлимчаси — табиий фанлар ясосий бўлимига нисбатан жузъийдир — айни ҷоқда у акустика, оптика ва бошқа майда бўлинмаларга нисбатан умумийдир.

Классификация бўлинмаларини умумийдан жузъийга томон жойлаштириш принципига амал қилиб, уларнинг номларида муайян изчил тартиб: бўлим, бўлинчча, бўлинма деган ва ҳоказо тартиб белгилаш мумкин бўлур эди. Бироқ кутубхоначилик тажрибасида «бўлим» термини одатда ҳар бир бўлинишга нисбатан қўлланилади, «бўлинчча», «бўлинма» терминлари эса бўлимнинг тобелик маъносини билдириш лозим бўлган ҳоллардагина ишлатилади. Масалан, «Акустика бўлими» дейилади, бироқ айни ҷоқда бу бўлиминг физика бўлимига муносабатини кўрсатиш лозим бўлгандга «Акустика — физика бўлиминг бўлинччи» дейилади.

Библиографияда матбуот асарларини классификациялаш кенг қўлланилмоқда. Худди кутубхона системали каталоги сингари библиографик нашрларда ҳам матбуот асарларининг тасвирлари мазмунига қараб бу асарларнинг тематикасини очиб берувчи рубрикалар остида группаларга ажратилади. Библиографик нашрларда матбуот асарларини мазмунига қараб группаларга ажратиш ҳамма вақт ҳам билим соҳаларига қараб классификациялаш билан боғлайверилмайди. Библиографик нашрларнинг кўпчилигида матбуот асарларини предмет каталогига яқинлаштириб предмет асосида группаларга ажратиш усулидан, ёки географик белгиларга қараб, асарнинг тилига, нашрнинг тури ҳамда кимларга мўлжалланганлигига қараб, группаларга ажратиш усулидан фойдаланилади. Библиографиянинг тури хилларини группаларга ажратишнинг характеристи ва усуллари мазкур нашрнинг мақсадлари билан белгиланади. Бироқ билимнинг барча соҳаларига ёки кўп соҳаларига оид матбуот асарларини ўз ичига олувчи универсал характеристердаги

кўпгина библиографик нашрларда, шунингдек, катта соҳали библиографияларда асарда рубрикалар бўйича группаларга ажратилади ва рубрикалар системали каталогнинг тузилишига ўхшаш тартибда, яъни билим соҳаларига қараб жойлаштирилади.

Системали каталог, каталоглар системасида унинг роли ва тутган ўрни

да етакчи роль ўйнайди. Буning сабаби системали каталог совет кутубхоналарининг китобхонларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришдан иборат вазифаларга энг кўп даражада жавоб берадиган қилиб тузилганлигидир. Системали каталог бўлимларининг ҳар қайсисида фан, техника, адабиёт, санъатнинг муайян соҳаси назариясини, тарихини ва практикасини ҳар томонлама ёритиб берадиган матбуот асарлари тасвирлари комплекси ҳосил қилинади.

Бўлимларининг системали тартибда жойлаштирилиши бу каталогга китобхоннинг билим савиасини кенгайтирувчи қўлланма тусини беради. Муайян пайтда китобхонни қизиқтираётган конкрет масала бир-бирига яқин тематикадаги бошқа масалалар ичida берилади. Бу жиҳатдан айниқса оммавий кутубхоналарда системали каталог билим бериш аҳамиятига ҳам эга бўлиб, китобхонга уни қизиқтираётган масаланинг билимлар системасидаги ўрнини яхшироқ тушуниб олишга имкон беради. Кутубхонада каталогдан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, каталог кўпинча китобхонни янги масалаларни ўрганишга ундейди, ўқишнинг мазмуни ва характеристига муҳим таъсир кўрсатади.

Масалан, системали каталогнинг ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласига доир бўлимига мурожаат қилган китобхон бу бўлим билан ёнма-ён турган турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги, антидарвинизм танқидига доир, узоқ умр кўриш, организмларнинг қариши ва ўлиши проблемаси ҳақидаги ҳамда китобхонни қизиқтирган мавзу билан бевосита алоқадор бошқа масалаларга оид китобларни бирлаштириб турувчи бўлинмаларга дуч келади.

Илмий кутубхоналарда системали каталог мутахассис китобхони кутубхонага келтирилган унинг ихтисосига доир энг янги китоблардан хабардор қилиб, унга жуда катта ёрдам беради. Илмий ходим, инженер-конструктор, врач ва педагог системали каталогдан ўз билимларини такомиллаштириш учун, илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятлари жарабёнида келиб чиқадиган конкрет проблемаларни ҳал этиш учун зарур бўлган китоблар ҳақида маълумот олади.

Шундай қилиб, системали каталог оммавий кутубхоналарда ҳам, илмий кутубхоналарда ҳам китобхонларга ўз тематик

матбуот асарларининг тасвири билим соҳаларининг бўлимлари бўйича мазмунига мувофиқ тарзда группаларга ажратилган системали каталог ҳамма хилдаги кутубхоналарнинг каталоглар системаси-

Эҳтиёжларини конкретлаштиришга ва кутубхона фондида ўз эҳтиёжларга жавоб берадиган адабиёт бор-йўқлигини аниқлашта имкон беради. Китобхонларнинг керакли матбуот асарларини танлаб ола билиши кўп жиҳатдан кутубхона фондининг системали каталогда ўз мазмунига кўра қанчалик тўла ва мантиқан акс эттирилганлигига боғлиқdir.

Китобхонларнинг токчалар ёнига бемалол киритиш тобора кенг қўлланилаётганлиги муносабати билан, китоблар танлаб олишда системали каталогнинг роли пасаймайдими, чунки токчаларга системали тартибда қўйилган китобларни кўздан кечириш, китобхонларнинг китоблар мазмунини каталогдаги тасвирдан кўра яхшироқ ва тўлароқ аниқлаб олишига имкон беради-ку, деган савол туғилади. Ҳақиқатда эса бундай шароитда системали каталогнинг аҳамияти ҳеч бир пасаймайди. Китоблар билан бевосита танишиш имконияти китобхоннинг кутубхонада уни қизиқтирадиган темага доир адабиёт бор-йўқлиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишига имкон бермайди. Одатда, жуда кўп яхши китобларни бошқа китобхонлар олиб кетган бўладилар. Бундан ташқари, китобларни токчаларга системали тартибда жойлаштириш хилма-хил мазмундаги китобларни етарлича тўла аниқлаб олишга имкон бермайди, чунки ҳар бир китоб учун токчаларда фақат битта жой белгилаб қўйилиши мумкин. Хилма-хил мазмундаги китоблар системали каталогнинг иккита ёки ундан ҳам кўпроқ бўлимларида акс эттирилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, китобхон системали каталог бўлимининг мундарижасини кўздан кечириб чиққанидан кейингина кутубхонада мазкур масалага доир мавжуд адабиёт ҳақида тўла тасаввурга эга бўлади. Шу сабабли токчалардаги китоблар билан танишишини системали каталогнинг худди шу бўлимини олдиндан ёки кейин кўриб чиқиши билан бирга қўшиб олиб бориш зарур.

Системали каталогдан китобхонларгина фойдаланиб қолмайдилар, балки кутубхона ходимлари ҳам ички ишларда кенг фойдаланадилар. Бу каталог бўлмаган тақдирда фондни планли равишда бутлаб бўлмайди. Кутубхоначи бўлимларнинг мундарижасини кўздан кечираётib мавжуд адабиётда қандай мухим масалалар етарлича акс эттирилмаганлигини аниқлайди. Бу тариқа кўздан кечириш фонддаги эскирган, илм-фанинг ҳозирги даражасига жавоб бермайдиган китобларнинг бор-йўқлигини аниқлаш имконини ҳам беради. Справка-библиография ишлари, тематик кўргазмалар ташкил этиш, библиографик обзорлар ўтказишга тайёргарлик кўриши ва китоб пропагандасига доир бошқа оммавий тадбирлар — буларнинг ҳаммаси мавжуд адабиётни кутубхоначининг китобхонларга хизмат кўрсатишдаги бутун иши учун зарур қўлланма бўлган системали каталог воситасида ташлаши талаб қиласиди.

Кутубхона классификациясининг схемаси

Кутубхона классификацияси схемаси-нинг вазифаси

Системали каталог структураси бўлим ва бўлинмаларниң чуқур ўйланган ва илмий жиҳатдан асосланган изчилликда бўлишини талаб қиласди. Умумийдан

жузъийга томон жойлаштира бориш принципи бўлимлар мантиқий тартибининг барча томонларини қамраб ололмайди.

Масалан, шу принципга амал қилиб, СССР халқ ҳўжалиги экономикаси бўлими кўпроқ умумий бўлим сифатида СССР қишлоқ ҳўжалиги экономикаси бўлимидан олдин жойлаштирилиши лозим, деган қарорга келиш мумкин. Бироқ бу принцип икки ёки ундан кўп тенг ҳуқуқ асосидаги тобе тушунчаларни — бир босқичдаги бўлинма бўлимларини жойлаштириш изчиллигини аниқлашга ёрдам бермайди. Бу принцип, масалан, қишлоқ ҳўжалик экономикаси бўлими қайси ўринда: СССР саноати экономикаси бўлимидан олдин ёки кейин туриши кераклигини, халқ ҳўжалиги экономикаси бўлимида бир босқичдаги, яъни тенг ҳуқуқ асосидаги тобе бўлинмалар бўлган транспорт экономикаси, савдо экономикаси бўлимлари ва бошқа бўлимларнинг нисбий ўрни қандай бўлиши кераклигини аниқлашга имкон бермайди. Худди шунингдек СССР қишлоқ ҳўжалик экономикаси бўлими ёки колхоз қурилиши бўлими ичida ва ҳоказоларда бўлинмалар тартиби қандай бўлиши кераклигини аниқлаш ҳам қийинди.

Бундан ташқари, матбуот асарлари тасвирларини бўлимлар бўйича тўғри группаларга ажратиш ҳар бир бўлимнинг мазмунини аниқ белгилаб олишни, тематик жиҳатдан бир-бирига яқин бошқа бўлимлардан ажратишни талаб қиласди. Матбуот асарларининг кўплари ўз мазмунига кўра бир неча бўлимга алоқадор бўлади, бинобарин, кутубхоначи уларни системали каталогда қандай акс эттириш, уларни китоб токчаларида қайси бўлимга жойлаштириш ҳақида методик кўрсатмалар олиши лозим.

Шу мақсадда *кутубхона классификациясининг схемаси* ишлаб чиқиласди, бу схема системали каталог тузилишининг мантиқий плани бўлиб хизмат қиласди. Схемада билимнинг ҳамма соҳалари учун бўлинмалар кўрсатилиб, бўлинмалар фан, техника, адабиёт ва санъатнинг энг умумий, асосий соҳаларидан бу соҳаларни ўрганадиган жузъий масалалар ва проблемалар томон мантиқий изчилликда жойлаштирилган бўлади. Системали каталогда схема бўлинмаларига мувофиқ равища бўлимлар, бўлимчалар, бўлинмалар ташкил этиласди; улар худди ана шу тартибда жойлаштирилади.

Кутубхона классификацияси ва фанларни классификациялаш

Турли даврларда кўп мамлакатларда кутубхона классификациясининг ҳар хил схемалари тузилган бўлиб, уларда билим соҳалари ўртасидаги алоқа, муносабат ва изчиллик масалалари бир хил ҳал қилинмаган эди. Схемалар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳаммасига хос харак-

терли белгii фанлар классификацияси асосида тузилганликдир. Бу боғлиқлик гасодифий эмас. Кутубхона классификациясининг ҳар бир бўлими билимнинг муайян соҳасига мувофиқ келади. Шу сабабли кутубхона классификацияларида бўлимларнинг системали тартиби соҳаларининг мантиқий изчилликда жойлашганлигини акс эттиради.

Фанларни классификациялашнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти foят каттадир. Кўп асрлар давомида у мактаб ва университетларда таълим бериш системасига асос бўлиб келди, ўқув-планлари ҳамда программалари унга мослаб тузилди. Планли социалистик қурилиш шароитида фанларни классификациялашнинг аҳамияти айниқса каттадир; социализм шароитида фанларни классификациялаш асосида илмий текшириш институтларининг фаолият чегаралари аниқланди, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг шохобчалари ихтисослаштирилади, илмий билимларнинг ҳар бир соҳасида предметлар классификацияси ва тадқиқот методлари техникага оид билимларнинг ҳар бир соҳасида — машина ва ускуналар, хом ашё, технологик процесслар, ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва бошқаларнинг классификацияси белгиланади.

Ҳар хил даврларда файласуфлар ва олимлар илмий билимнинг ўзлари яшаган даврдаги даражасини акс эттирган фанларнинг классификацияси системасини тузганлар. Бу системаардан баъзи бирлари классификациянинг кутубхона — библиография схемаларини тузишда фойдаланилган эди. Бу схемаларни тузувчилар схемаларда асосий бўлимларнинг жойлашиш тартибини белгилаганлар ва бўлимларнинг одатдаги, фанларни классификациялашнинг улар танлаб олган системасида қабул қилинган синкларга ажратишга мувофиқ равишда деталлаштирганлар.

Кутубхона классификациясининг схемалари фанларни классификациялаш системаларига бевосита боғлиқ, лекин бу боғлиқлик уларни айнан бир нарса деб ҳисоблаш учун асос бермайди. Кутубхона классификациясининг муайян мақсадга мўлжалланган вазифаси унинг муҳим хусусиятларидан келиб чиқади.

Кутубхона классификациясининг фарқли белгиларидан бири ҳар бир бўлим учун муайян жой белгилаш, яъни бўлимларни жойлаштиришнинг чизиқли тартиби деган ўрин белгилаш зарурлигидир. Билимнинг кўп соҳалари ва айrim илмий масалалар чамбарчас боғлангандир. Масалан, диалектик материализм қоидаларини, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга изчил татбиқ этишдан иборат бўлган тарихий материализм марксизм-ленинизм фалсафаси билан узвий боғлиқдир, ҳамда айни бир вақтда тарихни материалистик тушуниш сифатида, жамиятнинг ривожланиш қонунлари тўғрисидаги таълимот сифатида тарихга бевосита алоқадордир. Педагогик психология фан сифатида айни бир вақтда ҳам педагогиканинг, ҳам психологиянинг асосий

қисмидир; геологик қидирув методикаси кончиллик ишига ҳам, геологияга ҳам бир хилда алоқадордир ва ҳоказо.

Фанларни классификация қилиш ва классификациядан бошқа соҳаларда, чунончи олий ўқув юртларини ихтиослаштиришда, фанлар ўртасидаги фақат битта алоқа йўлинигина эътироф этиш мутлақо шарт эмас. Масалан, педагогик психология ҳам педагоглар ҳам, психологлар ўрганадиган маҳсус фанлар доирасига киради. Геологик қидирув методикаси кончиллик институтларида ҳам, геологик-география факультетларида ҳам ўрганилади.

Кутубхона классификациясида аҳвол ўзгача. Системали каталогда айни бир вақтда бир неча жойда нуқул битта бўлимга эга бўлиш мумкин эмас. У каталогда атиги битта муайян жойни эгаллаши мумкин, бинобарин, уни фақат битта, бир қадар умумий бўлимга тобе қилиб қўйиш мумкин. Шу сабабли кутубхона классификациясида барча бўлимларни бамисоли битта чизиққа тортиб келтирган сингари чизиқли тартибда жойлаштириш керак. Бу юқоридаги мисолларга татбиқ қилинганда, тарихий материализм бўлим мини диалектик материализм бўлими билан бирга жойлаштириш керакми ёки тарих бўлими билан бирга жойлаштириш керакми, педагогик психологияни ёки педагогика фанлари бўлимчалари жумласига киритиш керакми, деган масалани ҳал қилиш лозимлигини билдиради.

Баъзан каталогнинг бирон бўлимида билимнинг ҳар хил соҳаларига тааллуқли тематик комплекслар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши сабабли ҳам кутубхона классификациясида фанларни классификациялашга қатъий амал қилишдан воз кечишга тўғри келади. Гарчи матбуот асарларини билим соҳаларига қараб группаларга ажратиш аксар кўпчилик ҳолларда китобхонларнинг мутахассислигига, уларнинг илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятига мувофиқ равишда адабиёт тавсия этишини имконини берса-да, айрим ҳолларда адабиётни соҳаларга қараб группаларга ажратиш китобхонлар учун айниқса муҳим бўлган комплексларнинг бўлиниб кетишига олиб боради. Бундай ҳолларда классификация схемасида комплекс бўлимлар ташкил этилади, бу бўлимларда билимнинг турли соҳаларига доир масалалар бирлаштирилади.

Ҳарбий ишга доир барча адабиётни битта бўлимда бирлаштириш соҳалар бўйича қатъий группаларга ажратишдан воз кечишга мисол бўлиб хизмат қиласиди. Ҳарбий ишга доир адабиёт билимнинг ҳар хил соҳаларига киритилади, бироқ уни бу соҳаларга тегишлилик белгисига қараб ажратиш, бу адабиётни кўп бўлимларга бўлиб юбориш заруратини келтириб чиқарган бўларди. Масалан, ҳарбий техникага доир китоблар, билимнинг тегишли соҳалари бўлимларига — авиаация (ҳарбий авиаация), радиотехника (радиони ҳарбий ишда қўлланиш), химия ва химия технологияси (ҳарбий химия ва химиявий моддалардан ҳимояланиш) ва ҳоказо бўлимларга киритилган бўлар эди. Худ-

ди шунингдек армияда санитария-гигиена тадбирларига доир адабиётни медицина бўлимига, ҳарбий матбуот тўғрисидаги адабиётни матбуот бўлимига киритишга тўғри келган бўлар эди ва ҳоказо. Шу билан бир вақтда, ҳар хил турдаги қурол-яроқларни қўлланиш тактикаси тўғрисидаги китобларни ҳарбий санъат бўлимига киритиш лозимлиги кўриниб турибди. Ҳарбий адабиётни бунчалик бўлиб юбориш ҳарбий хизматчиларга ва ҳарбий ишни ўрганувчиларга бу адабиётни муайян мақсадни кўзлаган ҳолда тавсия этиш имконини бермаган бўлур эди. Шу сабабли ҳозирги замон кутубхона классификацияси схемаларининг қўпчилигига ҳарбий ишга доир адабиётнинг бутун комплексини бирлаштирадиган ҳамда билимнинг ҳар хил соҳаларига оид матбуот асарларини ўз ичига оладиган, ўз мазмуни билан ҳарбий иш назарияси ва практикаси билан алоқадор бўлган бўлим назарда тутилган.

Кутубхона классификацияси схемасида илмий билим соҳаларига эмас, балки санъат соҳасига кирадиган матбуот асарлари учун ҳам, масалан, кутубхона фондининг катта қисмини ташкил этувчи бадиий адабиёт асарлари учун, бадиий репродукциялар, ноталар учун ҳам бўлимлар бўлиши назарда тутилмоғи керак.

Кутубхона классификацияси ундаги мавжуд бўлинмалар бўйича: қандай китобхонларга мўлжалланганлигига (масалан, муайян категориядаги китобхонлар учун дарслклар, справочниклар), нашрларнинг турига (масалан, атласлар ва карталар, вақтли нашрлар), қайси тилдалигига (француз, инглиз ва бошқа тиллардаги китоблар) ва ҳоказоларга қараб ҳам фарқланади. Системали каталогда матбуот асарларини уларнинг билимнинг бирор соҳасига мансублигига, қарабгина ажратиш билан чекланиб бўлмайди. Масалан, китобхонга ўрта мактаб учун СССР географияси дарслклари керак бўлса-ю, СССР географияси бўлимида маҳсус бўлинма бўлмаса, китобхон бундай дарслкларни қидириб топиш учун унга айни пайтда керак бўлмаган қанчадан-қанча китоблар тасвирини кўриб чиқишига тўғри келарди. Билимнинг битта соҳасига кирадиган китобларни битта бўлимда бирлаштириш уларни бўлим ичida китобхон учун мухим бўлган бошқа белгиларга мувофиқ тарзда ажратиш билан олиб борилмоғи керак. Шу сабабли кутубхона классификацияси схемасида ана шундай ажратиш имконияти ҳам назарда тутилади.

Баъзан китобнинг кимларга мўлжалланганлиги унинг асосий белгиси бўлиб хизмат қиласи. Масалан, Катта Совет Энциклопедияси, Кичик Совет Энциклопедияси, ҳар хил энциклопедик луғатлар сингари нашрларни билимнинг бирон-бир соҳаси бўлимига киритиб бўлмайди, чунки бу нашрнинг мазмуни барча билим соҳаларининг жуда хилма-хил масалаларини қамраб олган бўлади. Билимнинг барча соҳаларига ёки кўп соҳаларига оид адабиётнинг библиографик кўрсаткичлари (масалан, «Книжная летопись»), умумий журналлар, асарлар

тўпламлари ва бошқалар ҳам худди ана шундай серқирра мазмунга эга бўлиши мумкин. Бунга ўхшаш нашрлар учун кутубхона классификациясида умумий энциклопедиялар бўлими, умумий библиографик кўрсаткичлар бўлими деган ва ҳоказо маҳсус бўлимлар назарда тутилган. Кутубхона классификациясининг кўпчилик схемаларида бундай китоблар учун алоҳида, «Умумий бўлим» деб аталадиган бўлим бор; бу бўлимида ана шундай нашрларнинг ҳар хил турлари учун бўлимлар ажратилган. Умумий бўлиннинг борлиги ҳам кутубхона классификациясини ажратиб турадиган белгидир.

Демак, фанлар классификацияси кутубхона классификацияси схемасининг илмий асоси бўлибина хизмат қиласи. Схемалар ҳар хил тузилгандир. Кутубхона классификацияси бўлимларининг мундарижаси, уларнинг жойлаштириши изчиллиги, улар ўртасидаги чегараланиш матбуот асарларини системалаштиришнинг амалий вазифалари билан боғлиқдир.

Кутубхона классификациясини жадваллар кўринишида расмийлаштириш

Кутубхона классификацияси схемасининг амалий вазифаси уни схемадан кутубхоначига кундалик ишга бемалол фойдаланиш имконини берадиган қилиб расмийлаштириш заруратини келтириб чиқаралиди. Шу мақсадда схемалар одатда икки қисмдан асосий жадваллардан ва аниқлагич жадваллар (типовой бўлинмалар) дан иборат босма жадвал кўринишида нашр этилади.

Асосий жадваллар рубрикалардан ташкил топиб, ҳар бир рубрика кутубхона классификации схемасининг бўлинмаларидан бирини билдиради. Системали каталогда шу рубрикаларга мувофиқ бўлимлар, бўлимчалар ва бўлинмалар ҳосил қилинади. Барча рубрикалар жадвалларда мантиқий изчилликда келтирилади.

Жадвалларнинг ҳар бир рубрикаси билим тармоининг номими ёки шу тармоққа тааллуқли масалалардан бирини ҳамда индексни, яъни рақам ёки ҳарфлар (ёхуд айни бир вақтда ҳарфлар ва рақамлар) бирикмасидан иборат бўлган шартли белгини ўз ичига олади.

Жадвалларнинг рубрикалари баъзан рубрика тематикасини батафсилоқ таърифловчи тушунтириш тексти, шунингдек кутубхоначига бошқа рубрикаларнинг жадвалларида бир-бирига яқин тематикалар борлигини эслатиб турадиган йўналтиргичлар билан берилади. Йўналтиргичлар жуда кўп ҳолларда «яна қаралсин» деган қисқача ёзув шаклида берилади, ундан кейин индекс ва бир-бирига яқин тематика бўлимининг номи кўрсатилади. Йўналтиргичларнинг мавжудлиги туфайли кутубхоначига топилган рубрикани бошқа рубрика билан солиштириш ва классификация қилинаётган китоб улардан қайси бирига тегишли эканини ҳал этиш имконини беради.

Рубрикалар йўналтиргичлар билан бир қаторда гоҳо муайян рубрика мазмунига қандай масалалар киритилиши, қайси

масалалар бошқа рубрикаларга тааллуқли эканлиги түғрисида-
ғы методик күрсатмалар билан түлдирилади.

Масалан, область кутубхоналари учун тузилган жадваллар-
да рубрикалардан бирининг кўриниши мана бундай:

745 декоратив-амалий санъат

Амалий санъатнинг умумий масалалари. Бадний корхоналар.
Турмушни бадий безаш.

* Интерьер—қаралсин: 72

* Палех, Йстер, Хохлом деган санъаткорлариниг
санъат түғрисидаги китоблари—қаралсии: 75С

Яна қаралсии:

392 Турмушда бадий дид

Рубриканинг номи ва индекси қуюқ қора шрифт билан ажратиб кўрсатилган. Сўнгра рубрика мазмунини тушунтириб берадиган текст келтирилган. Методик кўрсатмалар (улар юлдузча билан кўрсатилган) тематик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб, 72 ва 75С индекслари остида бошқа бўлимлариниг рубрикаларига киритиладиган масалаларни кутубхоначига эслатиб туради. Ниҳоят, йўналтиргич кутубхоначига бўлим жадвалларда тематик жиҳатдан декоратив-амалий санъат билан бевосита боғлиқ, яъни 392 Турмушда бадий дид бўлими борлигини кўрсатиб беради.

Аниқлагичлар жадваллари ёрдами жадваллар бўлиб, асосий жадвалларни яна-
да деталлаштириш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Аниқлагич-
лар ёрдамида асосий жадвалларнинг исталган бўлимнида билимнинг турли соҳаларига оид матбуот асарларининг маз-
мунни ва шакли учун типик белгиларга қараб қўшимча бўлин-
малар тузиш мумкин. Масалан, ҳар бир бўлимда луғатлар,
справка китоблари, вақтли нашрлар ва ҳоказолар учраши мумкин. Аниқлагичлар жадвалларнда нашрларнинг бу турлари учун алоҳида белгилар назарда тутилганки, бу белгиларни исталган бўлим индексига қўшиб, керакли бўлинмани ҳосил қилиш мумкин. Масалан, бизда қўлланиладиган жадвалларда луғатлар ва энциклопедиялар аниқлагичи (ОЗ) нинг мавжудлиги химияга бўлимида 54 (ОЗ) ташкил қилишга имкон беради. Химияга доир луғатлар ва энциклопедиялар бўлинмасини, адабиётшунослик бўлимида 8 (ОЗ). Адабиётга доир луғатлар ва энцикли-
педиялар бўлинмасини ҳосил қилиш имконини беради. Классифи-
кациянинг ҳар хил схемаларида нашрларнинг фақат турлари белгисига қарабгина эмас, балки бошқа белгиларга: географик,
хронологик белгиларга, матбуот асарларининг тили ва бошқа белгиларга қараб ҳам қўйиладиган аниқлагичлар бор.

Ҳар хил турдаги аниқлагичларнинг¹ мавжуддиги бўлимларни асосий жадвалларда назарда тутилганига қараганда анча кўпроқ деталлаштириш имконини беради, матбуот асарларини катта ва хилма-хил фондга эга бўлган йирик кутубхоналарда классификациялаш вақтида бу айниқса муҳимдир.

Жадвалларга алфавит предмет кўрсаткичи

Классификация жадвалларида бўлинмаларнинг мантиқан изчил бўлишига қарамасдан, кутубхоначи улардан фойдаланиш чоғида баъзан аниқ бир бўлинманни қидириб топишга қийналади. Унинг жадвалларни яхши билдишини осонлаштириш учун жадвалларга одатда алфавит-предмет кўрсаткичи илова қилинади. Жадвалларнинг барча бўлинмалари, шунингдек бу бўлинмаларнинг мазмунига таалукли жуда муҳим предметлар ва тушунчалар алфавит-предмет кўрсаткичида умумий алфавит тартибидаги жойлаштирилади ва ҳар қайси ном қаршиисида жадваллар тегишли бўлинмасининг индекси кўрсатилади. Агар мазкур предмет бир неча бўлинмуга алоқадор бўлса, у ҳолда ана шу барча бўлинмаларнинг индекслари келтирилади (предмет бу бўлинмаларнинг ҳар бирида қайси нуқтани назардан қараб чиқилаётгани ҳам кўрсатилади). Масалан, область кутубхоналари учун жадвалларда кўрсаткич рубрикалари қўйидаги тарзда келтирилади:

Археография — 902.93

Археология — 902.6

Архившунослик — 902.93

Архитектура — 72

Асбест

— олиниши — 6ГИ,8

— кони — 533.284.7

— Асептика — 617.01

Аспирантура

— олий ўқув юртлари хузуридаги — 378.3

— илмий тадқиқот институтлари хузуридаги — 001С

Астероидлар — 523.24

Кутубхоначи жадваллардан бирор масалага доире рубрикани қидириб топишида қийналса, унинг индексини алфавит-предмет кўрсаткичидан фойдаланиб, тез топиб олади. Бир предмет ҳақидаги адабиёт бир неча бўлимларга киритилган ҳолларда кўрсаткич рубрикаси муайян предмет бирор индекс остида қайси нуқтани назардан ёритилгандигини очиб беради (келтирилган мисолда «Асбест» ва «Аспирантура» предметлари учун индекслар ана шундай берилган).

Кутубхона классификацияси бўлимлари-нинг индекслари

Кутубхона классификацияси жадвалларидан фойдаланишда индексларнинг тузилиши катта аҳамият касб этади. Кўп кутубхона классификацияларининг

¹ Аниқлагичлар ва уларнинг қўлланилиши ҳақида кейин батафсилоқ гапириллади.

авторлари индексларнинг бирор хилини танлашга ва уларнинг тузилишига катта аҳамият берганликлари бежиз эмас. Индекслар, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, рақамлар ёки ҳарфлар бирикмасидан иборатdir. Жадвалларнинг ҳар бир рубрикасига алоҳида, бошқалардан фарқ қилувчи индекс берилади. Индекслар тузиш учун фойдаланилган белгиларга қараб, рақамили ва ҳарфли индексларни бир-биридан фарқ қиладилар. Агар индексларда рақамлар ва ҳарфлар алмашиниб келса, бундай индекслар аралаш индекслар деб аталади.

Мавжуд классификация схемаларида бу индекслар турларининг биридан (масалан, фақат рақамли индекслардан) ёки айни бир вақтда ҳар хил турларидан фойдаланилганлиги кўзга ташланади. Совет кутубхоналарида фойдаланиладиган жадвалларда индексларнинг ҳамма турлари қўлланилса-да, кўпроқ рақамли бирикмалардан таркиб топган индекслардан фойдаланилади. Матбуот асарларини классификациялаш ва системали каталогларни ташкил қилиш ишида индекслар жуда муҳим роль ўйнайди. Кутубхоначи муайян китобнинг жадваллардаги маълум бўлинмага алоқасини аниқлагач, шу бўлинмага берилган индексни китобга ва системали каталог карточкасига ёзиб қўяди. Кейинчалик китоблар ана шу индексларга мувофиқ полкаларга, карточкалар эса — каталог яшикларига қўйилади. Бундан ташқари, индекслар рубрикаларнинг жадвалларда қабул қилинган изчиллигини мустаҳкамлайди ҳамда системали каталогда ва китоб токчаларида бўлимларнинг худди ана шундай тартибига амал қилинишига имкон беради.

Рақамли индексларнинг асосий фазилати уларнинг оддийлиги, китобхонларга тушунарли изчиллиқда бўлишидир. Китобхон системали каталогдан индекси ўзига таниш, масалан, индекси 54 бўлган бўлимни қидираётib, бу рақамни индекси 53 55 бўлган бўлимлар ўртасидан осонгина топа олади.

Ҳарфий белгиларнинг изчиллиги алфавит билан белгилана-ди. Ӯдатда алфавитдаги ҳарфлар тартиби рақамлар тартибига нисбатан қийинроқ идроқ қилинади. Китобхон ҳамма вақт ҳам, масалан, АФ, АЧ, АЦ, АХ индекслари қайси тартибда келишини аниқлаб ололмайди.

Рақамли белгилар бошқа жиҳатлардан ҳам қулайроқдир. Кутубхоначи китобхонни каталог томон ўйлар экан, китобхонни қизиқтираётган масалага доир китоб турган бўлимнииг индексини айтади. Рақамли индексни айтиш осон. Рақамларнинг ҳар қандай бирикмаси яхлит сон тариқасида талаффуз қилинади, масалан, 53 (эллик уч), ҳолбуки айrim ҳарфлар бирикмасини талаффуз қилиш жуда қийин; масалан, ШХЦ, ЧФФ, БПБ. Шусабабли рақамли индекслар ҳарфли индексларга нисбатан хотирада яхшироқ сақланиб қолади.

Араб рақамлари асосида тузилган индекслар, китобхопларнинг қайси тилда гапириши ва ўқишидан қатъий назар, ҳаммага тушунарлидир. Ҳарбий шартли белгили схемаларини эса,

индексларда фойдаланилган алфавит ишлатиладиган мамлакат ва жойлардаги кутубхоналардагина ишлатылса бўлади.

Рақамли индекслар кўп сонли бўлгани учун қўлланишига ноқулайдир. Классификациялаш ишида оз миқдордаги белгилардан тузилган қисқа индексларга эга бўлиш яхши натижа беради. Рақамлар жами ўнта (0 дан 9 гача) бўлганлиги учун уларнинг бирикмаларидан икки-уч белгили озгина миқдорда қисқа шартли белги: 100 та икки хонали (00 дан 99 гача), 1000 та уч хонали (100×10) олиш мумкин. Ҳарфлардан фойдаланганда жуда кўп қисқа индекслар ҳосил қилиш мумкин. Ўзбек алфавитида 30 дан ортиқ ҳарф бор. Агар содда бўлсин учун уларни ўттизта деб қабул қилинса, 900 дан ортиқроқ (30×30) икки хонали ва 27 000 дан кўпроқ (900×30) уч хонали индекс олиш мумкин. Кўп бўлинмалари бўлган мукаммал классификация схемаларида рақамли индекслар албатта кўп хонали бўлади. (Битта индексда беш-олтига ва кўпроқ белги бўлади.) Ҳарфларни қўлланиш эса кўпчилик бўлинмалар учун уч-тўрт белгидан иборат шартли белги билан чекланиш имконини беради.

Рақамли ва ҳарфли индексларнинг нуқсонлари жуда кўп кутубхона ва библиография классификацияси схемаларини тузувчиларда аралаш индекслардан фойдаланиш фикрини уйғотди. Ҳарф ва рақамларнинг ҳар хил бирикмалари моҳирлик билан қўшилганда қисқароқ шартли белгилар тузишга эришилади, чунки бирикма ҳосил қилиш учун фойдаланилайдиган белгилар сони кўпаяди ва айни вақтда ҳарфли индексларга хос айрим камчиликлардан қутилиш мумкин бўлади. Бу хилдаги индекслар, масалан, К347 ёки 6Т5 айтиш учун қулай ва нуқул ҳарфли ибораларга нисбатан осонроқ эсда қолади.

Индексларнинг структураси ҳам улардан амалда фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Тузилиш усулига кўра босқичли ва тартибли (рақамли) индексларни бир-биридан фарқ қиласидилар.

Босқичли индексларнинг фарқли белгиси—уларнинг классификациянинг мантиқий структураси билан бевосита боғлиқлигидир. Бу индексларда ҳар бир асосий бўлим (биринчи босқич бўлинмас) битта белги билан—рақам ёки ҳарф билан белгиланади. Унинг барча бўлимчалари (иккинчи босқич бўлинмаси) икки хонали белгига эга бўлиб, унда асосий бўлим индекси биринчи белги бўлиб хизмат қиласиди. Учинчи босқич бўлинмаларига уч хонали индекслар берилган бўлиб, улардаги дастлабки икки белги бўлимчага индексига мувофиқ бўлади. Навбатдаги босқичлар бўлинмалари учун индекслар худди шу усулда, яъни бир қадар умумий бўлинманинг шартли белгисига битта янги белги қўшиш йўли билан тузилади.

Рақамли индексларга ҳам, ҳарфли индексларга ҳам, аралаш индексларга ҳам босқичли структура бериш мумкин. Масалан, совет кутубхоналарида фойдаланилайдиган схемадаги индекслар

(баъзи бўлимларда рақамли индекслар), бошқаларида аралаш индекслар қуидагича босқичли структурага эга бўлади:

5 Табиатшунослик ва ма-
тематика
51 Математика
517 Олий математика
517. 1¹ Сонлар на-
зарияси.
Олий алгебра

6 Техника
6Т Транспорт
6Т1 Темир йўл
6Т1. 1 Темир
йўл

Рақамлардангина фойдаланиб тузиладиган босқичли индекслар ўнли индекслар деб аталади. Рақамлар сони атиги 10 та (0 дан 9 гача) бўлганлиги учун ҳар бир бўлимда навбатдаги босқичнинг кўп деганда 10 та бўлинмасини ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳол билимнинг бирон-бир соҳаси бўлимида ўн бир, ўн икки ёки ундан кўпроқ бўлинма ҳосил қилиш зарурати туғилганда катта қийинчилик туғдиради. Ҳарфли ва аралаш-босқичли индекслардан фойдаланиш бу камчиликдан қутулишга имкон беради.

Тартибли (ёки рақамли) индекслар бамисоли бўлинмаларниг инвентарь номеридир. Бундай индексда ўзини бўлинма қайси умумий бўлимнинг қисми эканлигини аниқлаб бўлмайди. Масалан, шартли белгилар босқичли қилиб тузилганда 523 индексига қараб бу—схемадаги бешинчи бўлим учинчи бўлимчалининг иккинчи бўлинмаси эканлигини аниқлаш мумкин бўлса, шартли белгилар тартибли тузилганда, худди ўша индекс мазкур бўлинма схеманинг барча бўлинмалари тартибли рўйхатидага беш юз ўттиз иккинчи ўринни эгаллашни кўрсатади, холос.

Хозирги вақтда совет ва чет эл кутубхоналарида қўлланадиган классификация схемаларида тартибли индекслардан анча устунликка эга бўлган босқичли индекслардан кўпроқ, фойдаланилади. Босқичли индекслар схемани бирмунча ихчамлаштиради, зарур бўлганда унинг янги нашрларида асосий структурага путур етказмай, қўшимча бўлинмалар ҳосил қилишга имкон беради. Жадвалларда қабул қилинган майда бўлинмаларни майдалаш кутубхона учун ортиқча бўлиб қолган ҳолларда индекслардаги охирги белгиларни ташлаб юбориб, китобларни умумий бўлимга киритиш мумкин. Масалан, олий математиканинг жузъий бўлинмаларидаги 517,1, 517,2 ва ҳоказо индексли барча китобларни 517 бўлимга киритиш, яъни уларни ана шу умумий бўлимда бирлаштириш мумкин.

Босқичли индекслар бир нуқсонга эга—улардан фойдаланиш гоҳо индексларни номатлуб тарзда чўзиб юборишга олиб кела-ди, чунки ҳар бир янги босқич бўлинма ўнг томондан албатта

¹ Учинчи белгидан кейинги нуқта ҳеч бир маънога эга эмас, уни индекснинг номини айтиш осонроқ бўлсин учунгина қўйилади: «Беш юз ўн етти, бир».

янги белги қўшиш билан ифодаланади (ҳатто бўлинманинг аввалги босқичларида белги сони кам индекслар фойдаланилмай қолган ҳолларда ҳам шундай бўлади).

* *

Классификация схемаси кўпинча конкрет йирик кутубхонанинг эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган ва полиграфик жиҳатдан безашга эҳтиёж бўлмаган ўтмиш замонлардан фарқли ўлароқ, кутубхона классификациясининг ҳозирги схемалари жуда кўп ҳолларда уларни муайян типдаги кутубхоналарда қўлланишини ҳисобга олиб тузилади ва босма тарзда нашр этилади. Утган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўп мамлакатларда бир-биридан ўзининг илмий асоси жиҳатидан ҳам, шунингдек индексларнинг расмийлаштирилиши, аниқлагичларнинг характеристири тузилиши жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилиувчи кўпгина кутубхона классификацияси схемалари нашр этилди. Бу схемалардан баъзи бирлари шу схемалар ишлаб чиқилган мамлакатдан анча олис жойларда ҳам кенг қўлланилди. Бошқаларидан амалда деярли фойдаланилмади. ёки қайси кутубхона базасида тузилган бўлса, ўша кутубхонадан ташқарига чиқмади.

Кўп жиҳатдан кутубхона классификацияси схемасига ўхшаш бўлиб, универсал ва соҳали мазмундаги библиографик нашрлар учун ҳам классификация схемалари ишлаб чиқилди. Бу схемалардан кутубхона практикасида ҳам, библиография практикасида ҳам фойдаланилади.

Классификациянинг кутубхона ва библиографик схемалари узоқ тараққиёт тарихига эгадир. Ўтмишда яратилган схемаларнинг кўплари матбуот асарларини классификациялашга доир ҳозирги замон проблемаларини ҳал этишга муҳим таъсир кўрсатди. Бу проблемаларни яхшироқ тушуниб олиш учун классификация схемалари тараққиётининг асосий босқичларини кўздан кечириш яхши натижা беради.

Матбуот асарларини классификациялаш тарихидан (XIX аср ўрталарига қадар)

Қадимги дунё ва илк ўрта асрлар ларини ишлаб чиқиш катта ўрин тутади. Жуда қадим замонларда ёк ўша вақтдаги мавжуд кутубхоналарда қўл ёзмаларни уларнинг мазмунига кўра бир қадар системалаштирилган, қўл ёзмалар рўйхатлари тузилган, бу рўйхатлар каталог вазифасини ўтаган эди. Афсуски, каталогларнинг асл нусхалари сақланиб қолмаган ва уларнинг тузилиши ҳақида ўша давр адабий манбаларида мавжуд бўлган фикрларга

қарабгина муҳокама юритиш мумкин. Бу манбалардан, масалан, илгари эслатиб ўтилган машҳур Александрия кутубхонасининг каталоги ҳақида маълумотлар борлиги маълум бўлди; бу каталогни юонон олими Каллимаҳ (эрэмиздан аввалги III аср) тузган.

Кутубхонада сақланган қўл ёзмаларнинг анча қисми (90 000 га яқин) батафсил рўйхатга олинган ҳамда эпос, лирика, тарих, фалсафа ва бошқа бўлимлар бўйича системага солинган эди. Ҳар бир бўлим қўл ёзманинг мазмунига мувофиқ, тузилган бўлинмаларга ҳам эга бўлган. Қадимги Рим кутубхоналарида эрамизнинг дастлабки асрларнда қўл ёзмаларнинг тасвиirlари мазмунига мувофиқ равишда группаларга ажратилган каталоглар бўлганлиги ҳам маълум.

Қадимги дунё кутубхоналари фойдаланган классификация схемалари тўғрисида аниқ маълумотларнинг йўқлиги мазкур схемаларнинг илмий даражаси ҳақида фикр юритишга имкон бермайди. Бироқ, антик даврда илмий билимларнинг шундан кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатган фанларни классификациялаш системаларининг ишлаб чиқилиши (қадимги замонда Платон, Аристотель ва бошқа файласуфлар тузган системалар) ўша вақтлардаги кутубхона классификациялари ҳам антик даврдаги фаннинг юқори даражасини акс эттирган, деб тахмин қилишга имкон беради. Бу тахмин ҳақиқатга анча яқин, чунки Гречия ва Рим кутубхоналари илмий тафаккур марказларидан бўлган бу кутубхоналарда йирик олимлар, файласуфлар, шоирлар ишлаганлар.

Илк ўрта асрлар даврида черков ҳукмронлиги фан ва маданиятни инқиrozга олиб борган бир вақтда монастирлар ва соборлар ҳузурнинг ишлаб турган кутубхоналар биқиқ ҳолда бўлиб, кишиларнинг жуда чекланган доирасигина улардан баҳраманд бўлар эдп. Бу кутубхоналар фондларининг асосни илоҳиётга онд китоблар, «черков отахонлари»нинг ижодлари ташкил этар эди. Бу кутубхоналарда қадимги дунё мутафаккирларнинг сақланиб қолган асрлари ва ўша вақтлардаги мактабларда ўқитиладиган фанларга доир дунёвий характердаги китоблар, ниҳоятда оз эди. Китоблар жавонларда йирик бўлимлар бўйича унча деталлаштирасдан группаларга ажратилар, каталоглар эса, китобларнинг токчалардаги ўрни кўрсатилган жавон рўйхатларидангина иборат бўлар эди.

Ўша даврдаги кутубхона классификацияси схемаларига ўрта асрларда расм бўлиб, мактаб таълимига асос қилиб олинган «етти эркин санъат» системаси бир қадар таъсир кўрсатган эди. Бу система фанларнинг икки комплексини: «тривиум» (уч фандан иборат комплекс) ва «квадривиум» (тўрт фандан иборат комплекс)ни ўз ичига олади. Биринчи комплексга грамматика, діялектика ва риторика, иккинчи комплексга — арифметика, геометрия, музика ва астрономия кирад эди. Бу фанларнинг мазмунини ўша даврдаги ўқимишли киши учун зарур деб ҳисоб-

ланадиган оддий амалий билимлар ташкил қиласы. Масалан, грамматика асосан католиклар черковининг расмий тили бўлган латин тилини ўргатиш билан тугар, диалектика деганда илоҳиёт мавзуларида узоқ схоластик баҳс олиб бориш маҳорати тушунилар эди.

Ўрта асрлар ва янги давр (XII—XVIII асрлар)

XII—XIII асрларда Фарбий Европада дастлабки университетлар вужудга келиб, уларда кутубхоналар ташкил этилади. Университетлар узоқ вақт чер

ков билан мустаҳкам боғланган бўлиб, черков ўқитиладиган фанлар доирасини ва уларни ўқитиш характерини назорат қилиб турар эди; илоҳиёт факультети асосий факультет эди. Бироқ иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши, савдо алоқаларининг ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши фаннинг дин асоратидан аста-секин қутула боришига замин ҳозирлади. Университетлардаги кутубхоналарнинг фондлари секин-аста хилма-хил тематикадаги китоблар билан тўла бошлайди. XIII—XIV асрларда, босма дастгоҳ кашф қилинмасидан олдинкоқ, қўл ёзма китобларни хаттоллар томонидан кўпайтириш бирмунча ортади.

XV асрда босма китобларнинг вужудга келиши университет кутубхоналарининг кенгайишига имкон беради. Кутубхоналардан фойдаланувчи кишилар доираси ҳам кенгайди. Ана шундай шароитда фондларнинг мазмунини очиб берувчи каталогларга бўлган эҳтиёж ортди. Худди шу даврда билимларни системалаштиришга уриниб кўрилган энциклопедик характердаги босма асарлар яратилади. Бу энциклопедик асарлар университет кутубхоналари каталогларидаги китобларнинг системалаштирилишига таъсир этмай қоломасди.

XV аср охирларидан бошлаб университет кутубхоналарида китобларни университетларда ўрганиладиган ўқув фанларига мувофиқ тарзда системалаштириш қарор топди. Кутубхона классификациясининг XVI—XVII асрларда кенг ёйилган «факультет системалари» ҳам худди шу даврга тааллуқлидир. Бундай системалар учун фондларни ўша вақтдаги кўпчилик университетларда мавжуд бўлган тўртта, яъни фалсафа, медицина, юридик ва илоҳиёт факультетларига мувофиқ равишда тўрт қисмга бўлиш характерлидир. Китоблар бу бўлимлар ичida алфавит тартибида ёки ҳеч бир деталлаштирилмасдан шартли номерлар бўйича жойлаштирилган.

Швейцариялик олим ва библиограф Конрад Геснер (XVI аср) классификацияси жуда машҳур бўлган; Геснер бу классификацияни ўзи тузган «Умумий кутубхона» деган катта библиография учун ишлаб чиқсан эди. Бу асар томларидан бирида ҳар хил тиллардаги китоблар 250 дан ортиқ бўлинмадан иборат бўлган классификация асосида системали тартибда жойлаштирилган эди. К. Геснер классификациясида мактабда ўқитиладиган («етти эркин санъат» системасига кирадиган фанлар бўлимлари ҳамда «факультет» фанлари—фалсафа, медицина,

юриспруденция ва илоҳиёт бўлимлари ўзига хос бир тарзда бирга қўшилган эди.

К. Геснер классификацияси схемаси, шубҳасиз, ўз даврида жуда катта воқеа бўлган эди. Ўша замондаги бир қанча кутубхона ва библиография классификацияларидан ҳамда бирмунча кейинги талай кутубхона ва библиографик классификациялардан бу схемани қўйидаги хусусиятлар бўлимларнинг батафсил ишлаб чиқилганлиги; ўша даврдаги янги илмий масалаларни ёритувчи китоблар учун маҳсус бўлинмалар ажратилганлиги; рубрикалари кенг мазмунли китобларни билимнинг худди ўша тармоғига доир жузъий масалаларга бағишлиланган тор мазмунли китоблардан ажратишга имкон берадиган схеманинг амалда фойдаланишга қулайлиги, бирбирига ўхаш тематикаларни боғлаб турувчи жуда кўп ўйналитиргичларнинг борлиги ажратиб туради. Классификациянинг прогрессив характеристи яна шу нарсада ифодаланардики, унда «инсон турмуши учун фойдали механик санъат» деган алоҳида бўлим биринчи бор ажратиб кўрсатилган эди; бу бўлим архитектура ва бинокорликка доир адабиётни, касбкорлик ва ҳунармандчилик ҳақидаги, таом тайёрлаш ҳақидаги ва техника комплексини ташкил этувчи бошқа масалаларга доир адабиётни ўз ичига олар эди.

Ўзоқ вақт йирик хусусий кутубхонада ишлаган немис идеалист файласуфи Готфрид Лейбницнинг (1646—1716 йиллар) кутубхона классификацияси жуда машҳурдир. Гарчи унинг схемасига «факультет системалари» учун типик бўлимлар — теология (илоҳиёт), юриспруденция, медицина ва фалсафа киритилган бўлса-да, улар анча деталлаштирилган. Булардан ташқари, Лейбниц схемага икки бўлимни: бешинчи — тарих ва олтинчи — аралаш материаллар ва умумий китоблар бўлимларини киритган. Унинг схемасида логика, этика ва сиёsat билан бирга табииёт фанларини, математика ва филологияни ҳам ўз ичига олган фалсафа бўлими анча муфассал ишланган эди. Фалсафани ўша вақтдаги жуда кўп илмий классификациялар учун характеристи бўлган бундай талқин қилиш XVIII аср охири-гача давом этган.

Ғарбий Европадаги ҳар хил университет кутубхоналарида фойдаланилган «факультет системалари» билан бир вақтда «француз системаси» деб аталган система ҳам кенг ёйилди; икки аср давомида (XIX аср бошларига қадар) Франциянинг нашриётлари ва китоб дўконлари библиографияларида ҳамда босма каталогларида ана шу система қўлланилган. Бу библиография ва каталоглар машҳур француз библиографлари ва кутубхоначилари томонидан тузилар эди.

«Француз системаси»нинг вариантлари гоҳо жуда деталлаштириб юборилар, айримлари 500 тагача бўлинмани, шу жумладан нашрларнинг характеристи ва тур белгиларига қараб ташкил этилган жуда кўп бўлинмаларни ўз ичига олади. «Француз

системаси», «факультет системалари»га кўп жиҳатдан ўхшашдир. «Француз системасида» илоҳиёт, юридик фанлар ва фалсафа (медицина одатда фалсафа бўлимига киритилар эди) бўлимлари асосий ўринда турар эди. Бироқ бу системанинг бир қанча вариантларида айрим фанлар фалсафа составидан ажратилган: тарих, ижтимоий фанлар, бадиий адабиёт мустақил бўлимлари ва бошқа айрим мустақил бўлимлар вужудга келган. Кейинчалик «француз системаси» бирмунча ўзгартирилган ҳолда Европадаги бир қанча мамлакатлар кутубхоналарида қўлланила бошлади.

Тузилиши ўз давридаги илмий билимлар даражасига жавоб берган К. Геснер ва Г. Лейбниц системаларидан фарқли ўтароқ «француз системаси» китоб классификациясининг амалий вазифалари билан кўп даражада боғланган ҳамда классификациянинг кўп вариантларида католицизмнинг реакцион қарашларини акс эттирган эди.

Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэконнинг (1561—1626 йиллар) XVII аср бошларидаги тузган фанлар классификацияси XVII ва XIX асрлардаги кутубхона классификацияси схемаларининг, шу жумладан, «француз системаси» энг кейинги вариантларининг тузилишига катта таъсир кўрсатди. У фанни тараққий эттириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, орадан бир ярим аср ўтгандан сўнг бу классификация бирмунча ўзгартирилган ва тўлдирилган ҳолда Д. Дидро билан Ж. Л. Даламбер томонидан нашр этилган кўп томли француз энциклопедиясига асос қилиб олинган ҳамда феодализмга, абсолютизмга ва реакцион черков идеологиясига қарши курашда революцион буржуазиянинг гоявий қороли бўлиб хизмат қилган эди.

Карл Маркс Ф. Бэконни «инглиз материализмининг ва умуман янги замоннинг тажрибага таянадиган фанлари асосчиси» деб таърифлаган эди. Ф. Бэкон тузган классификацияда фаннинг XV аср иккичи ярми давридаёқ бошланган жадал ривожи умумлаштирилган ҳам ўрта асрлардаги схоластик схемаларга қарама-қарши ўлароқ табиат ҳодисаларини ва жамият ҳаётини ўрганишга таянадиган фанларга кенг ўрин берилган эди.

Бироқ Ф. Бэкон фанларни ажратишда жуда кўп идеалистик системалар учун традицион бўлган группаларга ажратишга,— «инсон руҳининг қобилиятларига» кўра, бирор фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини қандай «қобилият» белгилашига мувофиқ равишда группаларга ажратган эди. Ф. Бэконнинг қарашларига кўра, бундай қобилият учта: хотира, тасаввур ва ақл-идроқидир. Хотира инсон билимлари биринчи группасининг тарихнинг пайдо бўлишини белгилаб берган; тасаввур негизида поэзия пайдо бўлган; ақл-идроқнинг фаолияти фанларнинг энг катта группасини—фалсафани, ёки Фаннинг ўзини вужудга келтирган.

Бундай ажратиши асоссиз, тасодифий ва аслида идеалистик бўлиб, у асосий деб ҳисоблаш лозим бўлган белгидан—фан предметидан, уни ўрганиш обьектидан келиб чиқмаган эди. Аксинча, бир предмет тўғрисидаги фанлар ҳар хил группаларга киритилган эди. Масалан, табиат тарихи (худди жамият тарихи, кашфиётлар тарихи—«механик тарих» сингари) биринчи группага, табиат ҳақидаги фанлар эса (худди жамият ҳақидаги, механик санъатлар ҳақидаги фанлар сингари) учинчи группага кириб қолган эди.

Ф. Бэкон классификациясида ғайри илмий тушунчаларни фанлар жумласига киритиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, учинчи группа «худо ҳақидаги фан» «ижтимоий фалсафа» билан бошланади, инсон ҳақидаги фанлар бўлинмалари жумласига «ақл-идрокли, илоҳий рух ҳақида»ги бўлим киритилган. Бу зиддиятлар ҳамда илмий ва диний дунёқарашларни бир-бира билан келиширишга уриниш Ф. Бэкон классификацияси тузилган давр учун табиийдир.

Бу классификацияда фанларни ажратишинг тамомила шартлилиги ва субъективлигига қарамай, унда илмий билимларни системалаштиришга янгича ёндошиш белгилари пайдо бўлган эди. Ф. Бэкон дунёning эволюцион ривожланиш принципига амал қилиб, табиат тарихи бўлимида самовий жисмлар тарихини, ер ва денгизлар тарихини, ўсимликлар ва ҳайвонот тарихини кетма-кет жойлаштиради. Инсон ҳақидаги фанлар бўлимида у «якка киши тўғрисидаги» ва «жамиятда яшовчи бошқа мавжудотлар билан алоқадор бўлган инсон тўғрисидаги» фанларни ажратиб кўрсатган. Ф. Бэкон ўз классификациясига эндиғина вужудга келган ва ҳали мустақил фан сифатида шаклланиб бўлмаган илмий билимнинг баъзи соҳаларини ҳам киритган эди. Масалан, у машиналарнинг техника тараққиётидаги аҳамиятини олдиндан пайқаб, «машиналар ҳақидаги фанлар» группасини ажратиб кўрсатган эди. Ўз даврининг буюк кашфиёт бўлган Ф. Бэкон классификациясидан кутубхона классификацияси схемаларини тузган кўп кишилар, чунопчи, XIX асрда гарчи бу вақтга келиб у илмий билимлар даражасининг анча ўсгаллиги туфайли жуда эскирганлигига қарамай фойдаланганлар.

Россияяда китобларни мазмунига қараб системага солиши эҳтиёжи XVIII аср бошларида пайдо бўлади; бу вақтда граждантик китоблари нашр этиш ривожланаётган ҳамда илмий кутубхоналар ташкил этиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилгани эди.

Россиянинг монастир кутубхоналари худди Ғарбий Европадаги сингари асосан шкаф рўйхатлари типидаги каталогларга эга бўлиб, уларда китоблар тасвири китобларнинг шкафларда жойлашувига мувофиқ — баъзан форматига, тилига, гоҳо авторлар исмларининг алфавитига қараб группаларига ажратилар эди.

Петербургда 1714 йилда Кунсткамера (Ноёб буюмлар кабинети) хузурида бунёд этилган халқ кутубхонасида (кейинчалик у Фанлар Академиясининг кутубхонасига айланган) китобларни жойлаштиришда, шунингдек, каталогда тасвирларни группаларга ажратишида «факультет системаси» варианларидан бири қўллацилар эди.

Фанлар академияси кутубхонасида қўлланилган классификация схемаси асосида Россияда биринчи марта бу кутубхона китобларининг системали каталоги тузилган ва латин тилида нашр қилинган эди¹. Кейинчалик библиограф ва кутубхоначи И. Бакмайстер ўзининг «Опыт о Библиотеке»² деган қизиқарли асарида бу классификациянинг камчиликларини ҳар томонлама тақиқ қилиб, унинг расмий характеристини ҳамда деталлаштирилишининг чекланганлигини кўрсатиб ўтган эди. Бекмайстернинг ўзи мазкур классификацияга жуда кўп тузатишлар ва қўшимчалар киритган эди.

XIX асрнинг
биринчи ярми

XVIII асрнинг сўнгги йиллари ва XIX асрнинг бошларида француз буржуа революцияси фоялари таъсирида Францияда яиги принципларга асосланган кутубхона-библиография классификациялари тузишга интилиш юзага келди. Уша даврдаги ҳар хил лойиҳаларда илоҳиётни олдинги ўринлардан бирига қўйишдан кескин воз кечиш фояси намоён бўлади. Баъзи авторлар фанлар учун шундай тартиб ўрнатишга уриндиларки, бу тартиб ишоният тарихидаги билим олиш изчиллигига, олам ва табиат ҳақидаги билимлардан инсон ҳамда жамият ҳақидаги билимлар томон борадиган изчилликда ўрганишга мос бўлиши лозим эди; бошқа авторлар фанларнинг ҳар хил эҳтиёжлар моддий ва маънавий эҳтиёжлар таъсирида вужудга келиш изчиллиги тўғрироқ изчиллик деб ҳисоблар эдилар. Уша даврдаги кўпдан-кўп классификация лойиҳалари учун асос қилиб олинган фояларнинг прогрессив характеристида бўлганлигига қарамай, уларда асосий эътибор фанларни классификация қилишга қаратилган ҳамда кутубхона классификацияси тузилиши билан боғлиқ бўлган масалалар етарлича ҳисобга олинмаган эди. Францияда реакция бошланганлиги ва реакция билан бирга черков таъсирининг кучайиши муносабати билан бу схемалар амалда қўлланилмади.

Ғарбий Европа кутубхоналарида «Француз системаси»нинг энг кейинги ва идеологик жиҳатдан жуда реакцион вариантларидан бири — Ж. Ш. Брюне (1810 йил) классификацияси кенг

¹ Гарчи титул варагида 1742 йил деб кўрсатилган бўлса-да, тахминан 1742—1744 йилларда босилган. Бу каталогнинг кейинчалик рус тилида нашр этилган бир қисми (нашр этилган йили кўрсатилмаган) «Камерный каталог» деган ном билан машҳур.

² И. Бакмайстер, Опыт о Библиотеке и Кабинете редкостей и истории натуральной Санкт-Петербургской императорской Академии наук; бу асар Фанлар академиясининг ички кутубхоначиси Иоганин Бакмайстер томонидан француз тилида нашр этилган, рус тилинга эса Василий Костицов таржима қилган. Спб., 1799.

ёйнлдн. Брюне француз революциясидан кейин бошлаган реакция янгиликларини акс эттириб кутубхона классификациясининг илмий билим ривожига боғлиқлигини қатъий суратда рад этади ва кутубхона классификациясига китобларни жойлаштириш учун қулай бўлган амалий схема деб қарайди. У революция давридаги системаларнинг авторларини «илоҳий китобларни» менсимасликда айблаб, илоҳиёт деталлаштирилган класни яна биринчи ўринга қўяди. Бюрне системасида ижтимоий фан бўлимлари тартибсиз жойлаштирилган бўлиб, уларнинг ўзаро алоқасини англаб олиш мумкин эмас. Юриспруденция бўлими ижтимоий фанлар комплексидан чиқариб ташланиб, илоҳиёт бўлимига яқинлаштирилган эди. Брюне системаси Европада XIX асрнинг биринчи чорагида ҳукмронлик қилган реакцион идеологияга ҳамоҳанг эди. Бу системанинг таъсири жуда катта бўлди ва кейинги даврлардаги кўп системаларнинг структурасида жумладан Париждаги Миллый кутубхона ва Лондондаги Британия музейи кутубхонаси ҳозирга қадар қўлланаётган схемаларда акс этди.

Немис университет кутубхоналари XIX асрнинг биринчи ярмида «факультет системаси»нинг ҳар хил вариантларидан уларни янада деталлаштирилган ҳолда фойдаланганлар. 50-йилларда А. Шлейермахернинг пухта ишлаб чиқилган библиографик классификация муносиб равишда шуҳрат қозонди; унда «факультет системалари»нинг асосий бўлимлари схеманинг охиридан жой олган бўлиб, улардан олдин эса умумий бўлим, адабиёт ва санъат, тарих, математика ва табииётшунослик бўлимлари жойлаштирилган эди; бундан ташқари, унга иқтисодий ва техника фанларининг катта бўлими ҳам киритилган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида рус кутубхона ва библиографик классификациялари жуда тараққий этди. Натуралист олим П. Г. Демидов ўз кутубхонасининг каталоги¹ учун ишлаб чиққан схема энг дастлабки классификациялардан бири бўлиб, бу схема Россия ва Европадаги ғоят нодир нашрларни ўз ичига олган эди. Бу схеманинг табииёт фанлари ва технология бўлими кутубхонасининг асосий мундарижасига мувофиқ тарзда ҳаммадан кўра кўпроқ деталлаштирилган эди. Фанларни бир-биридан умумий тарзда чегаралашда П. Г. Демидовнинг XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида прогрессив француз классификацияларининг бирмунча таъсирида бўлганлиги кўзга ташланади.

П. Г. Демидов ўзи қабул қиласган фанлар тартибини «билиш қобилиятига қараб» деган традицион бўлим билан асосланган бўлишига қарамай, у фанларни Ф. Бэкон классификациясидаги традицион ажратишдан четга чиққан. Илоҳиёт фалсафа бўлимидан чиқариб ташланган, алоҳида технология бўлими ажратилган, тарих бўлимида фақат жамият тарихи ва география қолдирил-

¹ Бу каталог 1806 йилда нашр этилган; унинг бир қисми орадан 40 йил ўтгач, библиограф В. М. Үндольский томонидан қўйилаги номда нашр қилинган: «Каталог Российской книгам библиотеки Павла Григорьевича Демидова, Составленный им самим». М., 1846.

ган. Схема у ёзма ва оғзаки ижодиёт тарихига, фанлар тарихи, библиография, энциклопедияга доир адабиётни ва умумий мазмудаги бошқа китобларни ўз ичига оладиган умумий бўлим (Полиматия) билан тугалланади.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида Петербургдаги Халқ кутубхонасига асос бўлиб хизмат қилган катта китоб коллекцияси системага солинди. 1809 йилда А. Н. Оленин Халқ кутубхонаси фондини ташкил этиш ва каталогларини тузиш учун фойдаланилган классификацияни эълон қиласди; Оленин Халқ кутубхонасида директор ёрдамчиси лавозимида (кейинчалик директор лавозимида) ишлаган. Бу асарга¹ сўз бошида А. Н. Оленин ўша вақтда жуда машҳур бўлган чет эл классификация схемаларини таҳлил қилиб чиққан. Бу схемаларнинг асосий камчилиги авторнинг баҳосига кўра,— бўлимларнинг қабул қилинган тартиби етарлича асослаб берилмаганлигидир. А. Н. Оленин ўз схемасида «бир билимдан иккинчисига» қўйидагича мантиқий «ўтишни» белгилаб берган:

I. Фанлар

Ақлий фанлар:

1. Илоҳиёт
2. Ҳуқуқшунослик
3. Фалсафа
4. Тарих
5. Табиатшунослик тарихи
6. Табиблик (медицина)
7. Физика
8. Химия
9. Математика

Табииёт фанлари:

Аниқ фанлар:

II. Санъат

1. Механик санъат
2. Эркин санъат
3. Сўз санъати

III. Филология:

1. Тилшунослик
2. Полиграфия
3. Танқид

Бу схемада фанларнинг мантиқий ўзаро алоқаси бўлимларнинг жойлашувида акс эттирилган: охирги «ақлий фанлар» тарих — бўлими «табииёт фанлари»— табиатшунослик тарихининг биринчи бўлимига ўтиш бўлиб хизмат қиласди; математика табииёт фанлари ва аниқ фанлардан «санъатлар»нинг биринчи бўлимига — механик санъатга ўтишдир. Сўз санъати — охирги группага — тилшунослик билан бошланадиган «филология»га ўтишдир.

Фанларнинг бундай тартиби бирмунча сунъий тартибларлигига қарамасдан фанлар кескин узилишларсиз бамисоли яхлит

¹ Қаралсин. А. Н. Оленин. Опыт нового библиографического порядка для Санкт-Петербургской имп. библиотеки. Пг., 1809.

бир бутунни ташкил этадиган схема тузиш ғояси қизиқиш уйғотады. Классификация схемаларининг традицион тузилишидан четга чиқиши, чунончи медицина, табиатшунослик тарихи, физика ва бошқа фанларнинг фалсафадан ажратилиши ҳам диққатга сазовордир.

XIX аср биринчи чорагининг охирларида Москва университети кутубхонасининг фондлари системалаштирилган эди. Кутубхонага раҳбарлик қилган профессор Ф. Ф. Рейсс ўзи тузган классификацияни¹ бу ишга асос қилиб олди. Рейсс схемасининг мантиқий структурасини, гарчи автор сўз бошида классификацияни вазифалари ва системали каталог ҳақида тўғри фикрларни айтган бўлса-да, илмий схема деб бўлмайди. Ф. Ф. Рейсс «икки томга бўлиш» деган расмий принципини, яъни ҳар бир тушунчаки изчилилк билан иккига ажратишни классификацияга асос қилиб олган эди. У ҳамма фанларни «илоҳий ва «башарий» фанларга бўлади, «башарий» фанлар яна «сезишга мойил бўлмаган фанлар»га ва «сезса бўладиган фанлар»га бўлинади; «сезса бўладиган фанлар», «моддий нарсалар ҳақидаги» ҳамда «илоҳий нарсалар ҳақидаги» фанларни ва бошқа фанларни ўз ичига олади. Бундай бўлишнинг сунъийлиги кўриниб турибди: у фанларни кўп томонлама алоқаларини ҳеч бир очиб беролмайди.

Бироқ бу схеманинг ижобий томонлари ҳам бор эди: у ҳар хил турдаги нашрлар—лугатлар, ўқиши китоблари, карталар, жадваллар ва бошқалар учун кўп бўлинмаларга эга эди. Унда араб рақамларидан ва латин ҳамда юнон алфавитлари ҳарфларидан тузилган босқичли индекслар системаси яхши ишлаб чиқилган эди.

1843 йилга келиб «План расположения библиотеки...»²ни тузган К. К. Фойгт Қозон университети кутубхонасида оригинал классификация схемасини ишлаб чиқкан эди. У ўз схемасининг муқаддимаси рус ва чет эл классификациялари энг муҳим схемаларининг мунтазам ва танқидий обзорини берган. К. К. Фойгт схемасининг асосий ғояси — инсон билимининг яхлитлигидир. Мунгизам обзорда таърифлаб берилган бу тўғри фикр А. Н. Олениннинг фикрига нисбатан бирмунча чуқурроқ ва тўлароқ фикр бўлса-да, афуски, схемада аниқ акс эттирилмаган эди.

К. К. Фойгт фанларни «инсоннинг эҳтиёжларига қараб» ажратишни схемага асос қилиб олган эди. У инсоннинг моддий заруратини (эҳтиёжларини) белгиловчи нарса деб билиб, асосий бўлымлар схемасини ишлаб чиқди; бу схемада биринчи ўринни «кошиқ-овқат» эҳтиёжи билан бөглиқ бўлган «Саноат» бўлими олган, сўнгра «Харбий иш» («ташқп хавфсизлик» эҳтиёжи) «Юриспруденция» («ички хавфсизлик» эҳтиёжи) ва ҳоказолар келади.

¹ Қаралсн: Ф. Ф. Рейсс, Расположение библиотеки императорского Московского университета... М., 1826.

² К. К. Фойгт, План расположения библиотеки императорского Қазақского университета. Қўл ёзма, Қозон университетининг архиви.

Фанларни «инсон руҳининг қобилияtlарига қараб» ажратиш қанчалик шартли бўлса, уларни «инсоннинг эҳтиёjlарига қараб ажратиш ҳам шунчалик шартлидир. Масалан, Қ. Қ. Фойгт тарихни «иззат-нафс» эҳтиёжи билан, табииёт фанларини — «синчковлик» эҳтиёжи билан боғлади; бу — Фойгт фанларнинг ҳақиқий келиб чиқишини, уларнинг ижтимоий практика билан, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан алоқасини тушунмаганилигидан далолат беради.

XIX асрнинг биринчи ярмида классификациянинг китоб дўконлари босма каталоглари учун мўлжалланган библиографик схемалари ҳам ишлаб чиқилди.

Будаврдаги рус классификация схемаларининг кўпчилигига хос хусусият мазкур схемалар авторларининг «факультет» ва «француз» системалари қоидаларидан четга чиқишига интилишлари эди; «факультет» ва «француз» системаларида илоҳиёт, албатта етакчи ўринда туар, жуда кўп мустақил фанлар фалсафага киритилар эди. Классификация тузилишининг янги формаларини излаш, унинг мантиқий асосини белгилаш XIX аср биринчи ярмидаги рус классификацион фикрининг прогрессивлигини характерлаб беради.

Бу интилишлар академик К. Э. Бэрнинг классификациясида нифодалаб берилган бўлиб, у Фанлар академиясининг Петербургдаги чет эл бўлимига мўлжалланган эди¹. К. Э. Бэр фанларни уларнинг мазмунига мувофиқ равиша дунёнинг тараққий этиш тарихини акс эттирадиган изчилликда: анорганик табиат ҳақидаги, органик табиат ҳақидаги, инсон ҳақидаги, жамият ҳақидаги фанлар тартибида жойлаштиришга уриниб кўрган эди. Унинг классификацияси умумий мазмунга эга бўлгап учта бўлим билан бошланади:

I. Библиография ва адабиёт умумий тарихи.

II. Умуммиллий ва полиграфик китоблар (энциклопедиялар, юноностонлик ва римлик авторларининг китоблари).

III. Тилшунослик.

Сўнгра қўйидаги бўлимлар келади:

IV. Математика.

V—VII. Табнатшунослик.

VIII Антропология ёки инсон танаси ва руҳи тўғрисидаги таълимот.

IX—XII Тарих ва география, сиёsat ва ҳуқуқ, экономика ва технология.

XIII—XIV. Санъат ва нафис адабиёт.

XV—XVI. Илоҳиёт ва фалсафа.

XVII Медицина.

XVIII. Ҳарбий иш ва денгиз иши.

¹ Латин тилида 1841 ва 1908 йилларда босиб чиқарилган; русча таржимасида: К. Э. Бэр, Система классификации книг 11-го отделения библиотеки Российской Академии наук. Л., 1926.

XIX Архитектура. Бинокорлик

XX—XXI Құл ёзмалар ва кутубхона каталоглари.

К. Э. Бәр классификациясида фанларнинг мантиқий силсиласини яратышга ҳаракат қылған. Табиат ҳақидағи фанлар умумий табиатшунослық—физика ва химия (V) бўлими билан бошлиланади, сўнгра анорганик табиат ҳақидағи—геология ва минерология (VI) фанлари бўлимлари ва органик табиат ҳақидағи (VII) фанлар бўлимлари келади. Антропология, умумий физиология ва психология алоҳида бўлим — инсон ҳақидағи фанлар (VIII) бўлими қилиб ажратилган ҳамда жамият ҳақидағи фанлар комплексига (IX—XII) ўтиш бўлиб хизмат қиласиди. Санъат ва адабиёт мустақил бўлимлар қилиб берилган.

К. Э. Бәр назарий ва амалий фанларни ёритувчи адабиётни, масалаи, химия ҳамда химия технологиясига доир китобларни, назарий ва техникавий физикага доир китобларни бирлаштиришдек мураккаб масалани ҳал этишга биринчи бўлиб киришган эди. Бироқ, у амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига асосланиб, мустақил тараққий этган фанларни (масалан, медицина, ҳарбий иш ва денгиз иши, архитектурани) алоҳида бўлимларга ажратган.

Бу схема яхшилаб безатилган. Схеманинг бўлимлари ва бўлинмалари аниқ босқичли индекслар билан кўрсатилган: асосий бўлимлари рақамлар билан, бўлимчалар — латин алфавитининг бош ҳарфлари билан; бундан кейинги бўлинмалар — кичик латин ҳарфлари, баъзан юнон ҳарфлари билан ифодаланган.

К. Э. Бэрнинг ўз давридаги илгор илмий қараашларини акс эттирган ва амалда фойдаланишга етарли даражада мослаштирилган схемаси XIX аср биринчи ярмидаги кутубхона классификацияларининг энг яхшилари жумласига киритилиши мумкин.

Ўнли классификация

М. Дьюининг ўнли классификацияси

XIX асрнинг 70-йилларида кутубхона классификацияси АҚШда сезиларли дарражада тараққий этди. Бу йирик саноатнинг тайёр техник кадрларга эҳтиёжининг ўсиши ва шу билан бирга кутубхоначилик ишининг кенгайиши билан боғлиқдир. Бу даврда кутубхоналар фондларини ташкил этиш учун ва тобора ривожланётган библиография учун зарур бўлган мукаммал классификация схемалари ишлаб чиқиласиди.

Ана шундай схемалардан бири Ўнли классификация деб аталган классификациядир. Кейинчалик Американинг таниқли кутубхонашуноси бўлиб қолган М. Дьюи даставвал бу схемани унча катта бўлмаган кутубхона эҳтиёжлари учун ишлаб чиқиб, брошюра тарзида бостириб чиқарган эди (1876 йил). Бу классификация АҚШ кутубхоналарида, кейинчалик Англияда, бирмунча ўзгарган ҳолда эса бошқа кўп мамлакатларнинг кутубхоналарида ҳам кенг расм бўлган.

Үнли классификациянинг илмий асоси бирмунча илгариги системаларга нисбатан ҳеч қандай янгиликка эга эмас эди. М. Дьюи, кутубхона классификациясида бўлимларни қатъий мантиқий изчилликда жойлашириб бўлмайди, деб ўйлар эди. Унинг фикрича, фанларнинг ҳар қандай классификацияси шартлидир: шу сабабли у масалани янгича ҳал қилиш йўлини қидирмади, балки бўлимларни жойлаширишнинг олдинги асрдаги жуда кўп схемаларда қабул қилинган традицион тартибини қабул қилди. Дьюи қабул қилган тартибни таҳлил қилишда бўлимларни жойлаширишнинг Ф. Бэконнинг фанлар классификацияси билан алоқаси борлигини кўриш мумкин. Дьюи ўз схемасига ўнта асосий бўлимни (классни) асос қилиб олиб, уларнинг ҳар бирини битта рақам билан белгилаган:

- 0 Умумий бўлим
- 1 Фалсафа
- 2 Дин
- 3 Ижтимоий фанлар
- 4 Филология
- 5 Аниқ фанлар
- 6 Амалий фанлар (техника, медицина, қишлоқ хўжалиги)
- 7 Санъат. Спорт
- 8 Адабиёт ва адабиётшунослик
- 9 Тарих. География. Биографиялар.

Дастлабки олти бўлим (О индекси билан белгиланган умумий бўлимни ҳисобга олмаганда) фанларнинг Ф. Бэкон классификациясидаги учинчи группасига фалсафа ёки Фанлар), санъат ва адабиёт бўлимлари—иккинчи группага (Поэзия), тарих ва география бўлимлари — биринчи группага (Тарих) муовофик келади. Шундай қилиб, Ф. Бэкон классификацияси М. Дьюи схемасида бамисоли тескари тартибда кўрсатилган.

Схеманинг асосий бўлимларини жойлашириш изчиллигига фанлар ўртасидаги табиий алоқа бузилган. Тарих ижтимоий фанлардан (9 ва 3- бўлимлар), адабиёт филологиядан (8 ва 4- бўлимлар) ажралиб қолган. Шунки таъкидлаб ўтиш керакки, айрим бўлимларни (масалан, 5 аниқ фанлар бўлимини) М. Дьюи бирмунча мантиқийроқ деталлаштирган, чунки у бу ўринда фанларни классификациялашнинг анча кейинги системаларига асосланган. Бироқ у қўллаган ижтимоий фанлар бўлимини ажратиб кўрсатиш усули ижтимоий турмуш ҳодисалари ўртасидаги ҳақиқий боғланишларни очиб бермайди.

М. Дьюи схемасидаги сунъийликка, классификация мантиқининг бузилишига бу схемага Ф. Бэконнинг фанларни классификациялашга доир эскирган схемаси асос қилиб олинганилигигина эмас, балки индексларнинг тузилиш усули ҳам сабаб бўлган.

М. Дьюи схемасида «ўнли» индекслар (схеманинг номи ҳам шундан олинган), яъни босқичли шартли белгилар қўлланилган бўлиб, уларда фақат араб рақамларидан фойдаланилади. Унинг ҳар бир асосий бўлими (биринчи босқич бўлинмаси) бўлимни

унинг индексига иккинчи рақамни қўшиш йўли билан янада бўлиш имкониятини туғдириш учун битта рақам билан пфодаланган.

Мисол учун М. Дъюи ўнли классификацияси бўлимларидан бирининг бир неча бўлинмалари индексларини келтирамиз:

5 Аниқ фанлар

- 51 Математика
 - 511 Арифметика
 - 512 Алгебра
 - 513 Геометрия
 - 514 Тригонометрия
 - ва бошқалар
- 52 Астрономия
 - 521 Назарий астрономия
 - 522 Амалий астрономия
 - 523 Тасвирий астрономия
 - ва бошқалар
- 53 Физика
 - 531 Назарий механика
 - 531.1 Кинематика
 - 531.2 Статика
 - ва бошқалар
 - 532 Гидромеханика
 - 533 Аэромеханика

Рақамларнинг ҳаммаси ўнта бўлганлиги учун асосий бўлимлар, шунингдек, бўлимда ҳосил қилинадиган иккинчи, учинчи босқичли ва ҳоказо бўлинмалар сони ўнтадан ортиқ бўла олмайди. Бу чеклов Ўнли классификация тузилишининг сунъийлигини янада оширган. Масалан, Ўнли классификация «амалий фанлар» бўлимида билимнинг мазмун жиҳатидан ҳар хил бўлган медицина, техника, қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларини бирлаштиради. Санъет ва спортнинг (7-бўлим), тарих, география ва биографиялар (9-бўлим)нинг бирлаштирилганлиги мантиқий жиҳатдан асоссизdir. Мазкур классификациянинг айrim бўлимлари ҳам худди шундай сунъий равишда бўлингандир.

Бироқ ўнли индекслар асос эътибори билан бенуқсондир. Ўнли классификациянинг кўрсатиб ўтилган кўпгина камчиликлари бу индекслардан нотўғри, расмиятчилик билан фойдаланиш натижасида келиб чиқсан. Бу индексларнинг босқичли ва рақамли эканлиги классификациянинг оммалашувига кўп жиҳатдан ёрдам берган: ўнли шартли белгиларни эслаб қолиш осон, улар ҳар хил типдаги ва турдаги кутубхоналарда схемадан дифференциялаштирган ҳолда фойдаланиш имконини беради.

М. Дьюи классификациянинг амалий жиҳатдан қулай бўшига алоҳида аҳамият бериб, ўни индексларни жойлаштириш тартибидаги бир қадар шартлиликтин,—уч хонали индексларнинг кўпинча икки хонали индекслардан, масалан, 511, 512, 513 ва ҳоказо то 519 гача бўлган индексларнинг (яъни 51-бўлим барча бўлинмаларининг) 52 индексидан олдин келиши билан боғлиқ бўлган шартлиликтин бартараф қилиш усулини топган. Бу ноқулайликни бартараф этиш учун у икки хонали индексларга битта ноль, бир хонали индексларга иккита ноль қўшган, натижада индекслар бутун сонлар изчиллигига жойлашадиган бўлган:

500 (5 индекси ўрнига)
510 (51 индекси ўрнига)
511
512
...
519
520 (52 индекси ўрнига)
521 ва ҳоказо

М. Дьюи бошқа воситалари билан ҳам ўз схемасининг амалий қийматини оширган: схеманинг навбатдаги ҳар бир нашрида янги китоблар тематикасига татбиқан қўшимча бўлинмалар киритган; схемага муфассал алфавит — предмет кўрсаткичи берган, бу кўрсаткич ёрдамида ҳар қандай бўлинмани, ҳатто бу бўлинманинг схемадаги ўрни мантиқий жиҳатдан тўла асосланмаган бўлса-да, осонгина топиш мумкин, у айни бир хил белгига қараб ҳосил қилинган бўлинмаларни ўз ичига оловчи бўлимларга охирги белгиси бир хил индекслар берган: масалан: Англия тарихи бўлими 942 индексига, Англия географияси эса — 914,2, Франция тарихи — 944, Франция географияси эса — 914,4 индексига эга.

АҚШда ҳозирга қадар **Ўнили** классификациянинг кенгайтирилган ва тўлдирилган янги нашрлари вакт-вақти билан босилиб туради. АҚШдаги жами кутубхоналарнинг деярли 90 проценти ҳамда Англиянинг кўп кутубхоналарида шу схема қўлланади. **Ўнили** классификациянинг сўнгги ўн йилликларда чиқкан нашрларида АҚШ ҳукмрон доираларининг реакцион идеологияси чуқур акс этди. Буни 1959 йилда нашр этилган охирги, ўн олтинчи нашрдан кўриш осон¹. Бу нашр рубрикаларининг мазмуни ва характеристики халқаро ва ички сиёсатнинг кескин

¹ Dewey Decimal classification and relative index. 16 ed. Washington. 1959.

проблемаларини хаспўшлашга ҳамда ҳозирги замон буржуа фанининг зиёнкорлик, реакцион идеологиясини акс эттирувчи масалаларни биринчи ўринга қўйишга интилишдан гувоҳлик беради.

Масалан, «Фалсафий системалар ва йўналишлар» деган бўлимда ҳозирги замон идеалистик фалсафасининг ҳар хил йўналишлари учун кўпдан-кўп рубрикалар ажратилган, ҳолбук, материализм учун атиги биттагина рубрика назарда тутилганки, бу рубрика буржуа фалсафасининг ниқоб мақсадидагина ўзини материалистик деб атовчи буржуа фалсафаси оқимлари-ни ҳам ўз ичига олади.

«Халқаро муносабатлар» бўлимида ажратилган бирдан-бир рубрика «совуқ уруш» масалаларига бағишиланган бўлиб, бутун прогрессив инсониятни ҳаяжонга солаётган халқларнинг тинчлик учун кураши проблемаси эса жадвалларда ҳам, кўрсаткичда ҳам эслатиб ўтилмаган.

Жаҳон матбуоти АҚШда негрларни сиёсий жиҳатдан камситишнинг ёвуз формалари ҳақидаги, негр халқининг ўз хуқуқлари учун олиб бораётган мардонавор кураши ҳақидаги хабарлар билан тўла, бироқ сиёsat бўлимида бу масалага доир биронта рубрикани топиб бўлмайди. Фақат меҳнат экономикаси бўлимида «Ишчи кучи ёллашдаги камситиш» деган рубрика кўзда тутилган ва изоҳда камситиш ҳақида «ишлаб чиқариш малакаси билан боғлиқ бўлмаган» мулоҳазалар билан ниқобланган шаклдагина гапириб ўтилади.

Классификацияда кескин социал проблемаларни очиб беришдан четлашишга интилишдан гувоҳлик берувчи ана шу мисоллар билан бир қаторда жадвалларда «Дин» бўлими муфассал ишлаб чиқилган; бу бўлим 50 дан ортиқ саҳифани банд қилган ва 760 рубрикани ўз ичига олган. 19 та рубрикага эга бўлган «Окульт фанлар» бўлими ҳам назарда тутилган бўлиб, бу рубрикалар орасида «Шарпа», «Каромат қилиш (картага, кофе қўйқумига, чой баргига қараб каромат қилиш)», «Афсунгарлик» ва бошқа рубрикалар бор.

Ўнли классификация мазмунида ва тузилишида шу қадар ёрқин акс эттирилган буржуа идеологияси капиталистик мамлакатларнинг кутубхоналарида қўлланилаётган кутубхона классификациясининг бошқа схемалари учун ҳам озми-кўпми характеристидир.

Универсал ўнли классификация

XX аср бошларида ўнли классификациянинг иккинчи варианти тузилган эди.

XIX аср охирида Брюсселда бир нечта мамлакатлар библиографларининг ташабbusи билан ташкил этилган Халқаро библиография институтининг (ҳозир Халқаро ҳужжатлар Федерацияси деб аталади) асосий вазифаларидан бири «Универсал библиографик репертуар», қадим замонлардан ҳозирги вақтгача барча мамлакатларда, ҳамма тилларда билимининг ҳамма соҳаларига оид адабиёт библиографиясини

тузиш эди¹. Шу муносабат билан мукаммал классификация схемаси зарур бўлиб қолган эди.

Ўша вақтда мавжуд бўлган кутубхона-библиография классификацияси схемаларининг ҳеч биридан бундай мақсад учун фойдаланиб бўлмас эди. Уларнинг ҳаммаси миллий схема характеристига эга бўлиб, асосан мазкур мамлакат тўғрисидаги адабиёт учун зарур бўлинмалар ишлаб чиқилган эди (масалан, тарих, экономика, адабиётшунослик ва бошқа бўлимларда шундай бўлган). Ўнли классификацияни зарур бўлган даражада қайта ишлаган ҳолда фойдаланишга қарор қилинган эди.

Ўнли классификациянинг янги варианти 1897 йилдан бошлаб француз тилида алоҳида-алоҳида китоблар тарзида эълон қилина бошлаган, 1905 йилда эса «Универсал библиографик репертуар юзасидан қўлланма² деган номда нашр этилган. Бу вариант П. Отле бошчилигидаги бир группа библиографлар томонидан ишлаб чиқилган. Бу вариантнинг ҳозирги вақтда ҳар хил тилларга таржима қилиб босилаётган нашрлари «Универсал ўнли классификация» (ЎЎҚ) деган номда чиқаётир.

«Универсал ўнли классификация»даги асосий бўлимлар схемаси бу классификацияни Дъюи классификацияси билан таққослаганда, ўзгармай қолган, аммо ундаги бу бўлимлар анча кўпроқ деталлаштирилган, баъзи бир бўлинмаларнинг индексларига ва номларига ўзгаришлар киритилган. Биринчи ва иккинчи босқичларнинг ташқи кўриниши ўзгариштирилган, яъни индекслар охиридаги ноллар тушириб қолдирилган.

Бироқ Универсал ўнли классификацияни ажратиб турадиган асосий белги унда аниқлагичларнинг мукаммал системаси мавжудлиги бўлиб, бу нарса унинг тузилишига ҳамда кутубхона ва библиография практикасида фойдаланиш истиқболларига тудан таъсир этди. Дъюининг ўнли классификациясидан фарқли ўлароқ, Универсал ўнли классификация матбуот асарларини классификациялашда янги йўналишни бошлаб берди. Индекслари тайёр рубрикалар олдиндан белгилаб қўйиладиган илгариги классификация схемалари ўрнига (баъзан улар «санама» классификация схемалари деб аталади) матбуот асарларини классификация қилиш жараёнида индексларни аниқлагичлар билан бирга қўшиш йўли билан, гоҳо эса мустақил индексларни бир-бири билан қўшиб ҳам керакли рубрикалар ҳосил қилинадиган кўчма схема пайдо бўлади. Индекслар тузилишининг бу комбинацион принципидан кейинги даврдаги кўпгина схемаларда кенг фойдаланилган. Асосий жадвалларда тайёр индекслари бўлмаган янги масалалар ва темалар учун кутубхоначи схема-

¹ Реал имкониятларни ҳисобга олмасдан қўйилган бу вазифа ҳозирга қадар ҳам бажарилгани йўқ.

² Кутубхоначиликка доир адабиётда бу вариантни кўпинча «манэюль» деб атайдилар; бу ўзбекчага таржимада «қўлланма», яъни схема номининг охирги сўзига мувофиқ келади.

нинг ҳар хил элементларини белгиланган усулда бирга қўшиб индекслар тузолади.

Универсал ўнли классификацияда индекслар комбинацион тузилишининг қуидаги усуллари назарда тутилган. 1. Асосий жадвалларнинг индексларини умумий аниқлагичлар билан бирга қўшиш.

2. Асосий жадвалларнинг индексларини аналитик (махсус) аниқлагичлар билан бирга қўшиш.

3. Асосий жадвалларнинг бир неча индексларини ўзаро бирбирига қўшиш.

Тил, форма, мақол, замон, халқ нуқтаи назарларининг аниқлагичлари умумий аниқлагичлар жумласига киради.

Умумий аниқлагичларнинг мана шу турларидан ҳар бирига уларни асосий индекслардан ажротишга имкон берадиган ўз шартли белгилари берилган. Қуидада келтирилган жадвал индексларни умумий аниқлагичларнинг айрим турлари билан бирга қўшиш усулларини англаб олишга имкон беради:

| Аниқлагичларнинг тuri | Тиниш белгилари | Аниқлагичга мисол | Индексларни аниқлагич билан бирга қўшишга мисоллар |
|--|-----------------|--|--|
| Тил аниқлагичлари (лингвистик аниқлагичлар) | — | -4 француз тили | 54-4 Химия (француз тилидаги адабиёт) |
| Форма аниқлагичлари | (0...) | (03) Энциклопедик лугатлар | 54(03) Химияга доир энциклопедиялар ва лугатлар |
| Макон аниқлагичлари (географик аниқлагичлар) | (...) | (44) Франция | 9(44) Франция тарихи |
| Хроинологик вақт аниқлагичлари | | „1848“ минг саккиз юз кириқ саккизинчи йил | 9(44) „1848“ Франциянинг 1848 йилги тарихи |
| Нуқтаи назар аниқлагичлари | 00... | 002.5 Автоматлаштириш | 685.3.002.5 Пойабзал ишлаб чиқаришдаги автоматлаштириш |

Умумий аниқлагичлардан билимнинг барча соҳалари бўлимларida тенг асосларда фойдаланиш мумкин. Барча ҳолларда мазкур аниқлагичнинг аҳамияти ўзгармайди, масалан, 4 белгиси француз тилидаги китоблар учун ҳамма вақт тармоқ бўлимларидан бирининг бўлинмасига берилади.

Умумий аниқлагичлардан фарқли ўлароқ, аналитик (ёки маҳсус) аниқлагичлар схеманинг чекланган бир қисмида, билимнинг

бирор соҳасидаги бир неча бўлимлар ичидаги фойдаланишга мўлжалланган. Чунончи, техника умумий бўлимида, техниканинг айрим йирик соҳалари бўлимларида, медицина бўлимида ва бошқаларда аналитик аниқлагичлар бор. Бу аниқлагичларнинг вазифаси мазкур билим соҳаси учун типик бўлган айни бир хил белгиларга кўра бир неча бўлимларни ажратиш воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Айрим бўлимларда «-» (дефис), бошқаларидага «0» нуқтадан кейин ноль) тиниш белги бўлиб хизмат қиласди: аналитик аниқлагичлар ана шу тиниш белги ёрдамида индекслар билан бирлаштирилади.

Масалан, 62 *Умуман техника* бўлимида техниканинг барча соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган аналитик аниқлагичлар бор. Улар қаторидан, масалан, 72 *Мойлаш* учун жиҳозларни топиш мумкин. Бу аниқлагични техниканинг исталган соҳаси бўлимига қўшиш техниканинг мазкур соҳасида қўлланиладиган мойлаш жиҳозларига доир китоблар учун керакли бўлинма ҳосил қилишга имкон беради.

Асосий жадвалларнинг индекслари (айрим ҳолларда бир турдаги аниқлагичлар ҳам) ўзаро «:» белгиси (нисбатан белгиси) ёрдамида бирга қўшилади. Билимнинг бир соҳаси бўлимида бошқа соҳа билан алоқа белгиси бўйича (ёки иккита предмет, ходиса, тарихий воқея ва бошқа белгилар бўйича) бўлинма тузиш қийин бўлган ҳолларда ана шундай бирикма тузиш зарур бўлиб қолади. Мана, масалан 63 индексини (қишлоқ хўжалик бўлими) нисбат белгиси ёрдамида 576.8 (микробиология бўлими) индекси билан бирлаштириб, янги мазмунга эга бўлган — 63:576.8 *Қишлоқ хўжалик микробиологияси* индексини ҳосил қилиш мумкин. Айрим бўлимларда деярли ҳамма бўлинмалар нисбат белгиси воситасида ҳосил қилинади, масалан:

016 Соҳали библиография

016:1 Фалсафа библиографияси

016:3 Ижтимоий-сиёсий адабиёт библиографияси

016:33 Сиёсий иқтисод библиографияси

016:5 Табиатшунослик библиографияси

016:57 Биология библиографияси

Индексларни комбинациялаштиришнинг кўрсатиб ўтилган усувлари схемани анча кенгайтиради, классификацияни жуда ихчамлаштиради. Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, унинг бундай тузилишининг салбий томони ҳам бор. Индекслари олдиндан белгилаб қўйилган рубрикалар санаб кўрсатиладиган схемалар индексларнинг комбинацион тузилиши усулидан фойдаланадиган схемаларга нисбатан бирмунча барқарорроқдир. Айни бир тушунчанинг ўзи ҳар хил усувлар билан ифодаланиши мумкин, чунки индекс элементлари ҳар хил алмашиниб келади. Масалан, юқорида келтирилган 63:576.8 индекси (қишлоқ хўжалик микробиологияси) ўрнига худди шундай асос билан 576.8:63 индексини берса бўлади. Гарчи бу ўринда айни бир хил элементлар қўлланилган бўлса-да, бироқ бу индекслар бир-би-

ридан анча фарқ қиласи. Биринчи ҳолда рубрика 63 Қишлоқ хұжалиги бўлими ичидан, иккинчи ҳолда 576.8 Микробиология бўлими ичидан ажратиб кўрсатилган.

Универсал ўнли классификациянинг ҳозирги вақтдаги нашрларида кўпгина «параллел» аниқлагичлар бор, масалан, нуқтаи назар аниқлагичларидан кўплари ўз аҳамиятига кўра техника бўлимининг аналитик аниқлагичлари билан деярли мос келади. Умумий ва аналитик аниқлагичларни индекснинг охиригагина эмас, балки бошига ҳам ва ҳатто ўртасига ҳам жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма классификациянинг беқарорлигини янада оширади. Буларнинг ҳаммаси «хилма-хиллик» кутубхонага турли вақтда келиб тушадиган материалларни ҳар хил классификация қилиш хавфини туғдиради.

Шунга қарамай, Универсал ўнли классификация деталлаштирилиш даражасига кўра ҳам, табиатшунослик ва техника айрим бўлимларининг чуқур ишланиши жиҳатидан ҳам классификация тарихида, шубҳасиз, катта ҳодисадир. У жуда кенг ёйилган, кўп тилларга таржима қилинган бўлиб, дунёдаги деярли ҳамма мамлакатларда ундан озми-кўпми фойдаланилмоқда.

Аммо Универсал ўнли классификациянинг илмий негизи мутлақо қаноатланарли эмас, бу гап айниқса ижтимоий фанлар бўлимларига таалуқлидир. М. Дьюининг ўнли классификациясида намоён бўлган буржуа идеологияси Универсал ўнли классификация тузилишида ҳам сақланиб қолган. Бу классификация тузилгандан бери орадан деярли 60 йил ўтганлиги учун ундаги кўп нарсалар эскирган, вақт-вақти билан киритиб туриладиган тузатишлар эса индексларда мустаҳкамланиб қолган бўлимлар структурасини тузата олмайди.

Бу классификациядан дунёдаги жуда кўп мамлакатлар фойдаланаётганлиги муносабати билан ундан совет кутубхоналаридан ҳам фойдаланиш яхши натижা бериши ҳақидаги масала бир неча марта кўтариб чиқилди. Схеманинг бир хил бўлиши мамлакатимизда ва чет элларда чиқсан адабиётни каталогларимизда акс эттиришни анча осонластирган бўлур эди, чунки кўп китобларга хорижий журнallарда чиқадиган мақолаларга ана шу классификация индекслари қўйилади. Аммо ижтимоий-сиёсий тематика бўлимларининг идеологик жиҳатдан нотўғрилиги, улар тузилишининг марксча-ленинча дунёқарашга кескин зидлиги бизда бу схемадан фойдаланишга имкон бермайди.

СССР министрлар Советининг 1962 йил 11 майдаги қарори билан Универсал ўнли классификация илмий ахборот органлари ва техника кутубхоналари учунгина ҳамда техника ва табиий-илмий адабиёт учунгина мажбурий классификация тариқасида жорий қилинган¹.

¹ СССР кутубхоналарида Универсал ўнли классификациядан фойдаланиш ҳақида худди шу бобнинг «СССРда кутубхона классификацияси» деган бўлимида батрафсил гапирилган; ўшанга қаралсин.

Кутубхона классификациясининг бошқа схемалари (XIX аср охири ва XX аср бошлари)

Кутубхона классификациясининг худди шу даврда тузилган ва эълон қилинган бошқа схемалари бирмунча камроқ ёйилди. Гарчи улардан айримлари Ўнли классификацияга нисбатан маълум устунликка эга бўлса-да (Ўнли классификацияда бўлимлар бир қадар мантиқий жойлаштирилган эди), Ўнли классификация устун туарди; чунки бошқа классификациялар индексларининг тузилиши нисбатан оддий бўлиб, бесёнақай ва фойдаланишга ноқулай эди.

Кўпчилик схемаларда индексларнинг комбинацион тузилиш методи (Ч. Кеттер, Д. Браун, Г. Блисс схемаларида ва айниқса Ш. Ранганатан схемасида) ўз ифодасини топди. Текширилаётган схемалар авторларининг схемалар тузилишини фаннинг замонавий даражасига яқинлаштиришга интилишларига қарамай, бу схемаларнинг ҳаммасида айниқса ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимлари структурасида буржуа дунёқарашининг чекланганлиги акс этган.

Айни чоқда бу схемаларда фанларни матбуот асарларининг марксча-ленинча классификация қилишга таянадиган чинакам илмий классификацияни яратиш ишида ҳисобга олиниши лозим бўлган бир қанча яхши жиҳатлар мавжудлигини ҳам кўрсатиб ўтмоқ зарур.

Ч. Кеттер классификацияси

XIX асрнинг охирги ўн йилларида америкалик кутубхонашунос Ч. Кеттер схемаси вужудга келди. Унда асосий бўлимларнинг жойлашиш изчиллиги Ўнли классификациядагига қараганда анча мантиқийроқдир: тарих ва ижтимоий фанлар, тилшунослик ҳамда адабиёт бўлимлари бир-бирига яқинлаштирилган, медицина амалий фанлардан ажратилиб, табииёт фанлари бўлимидан кейин келади, бинокорлик иши ва саноат ишлаб чиқариши бўлимлари бир-биридан ажратилган.

Ч. Кеттер ўз классификациясини ҳар хил кўламдаги — жуда кичик, 1000 жилдан кам китобга эга бўлган кутубхоналардан тортиб, фондида бир неча юз минг жилд китоб бўлган йирик кутубхоналарнинг ҳам фойдаланишига қуладай қилишга интилган эди. Кеттер бўлимларнинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлган схемаларнинг олтига вариантини эълон қилган; биринчи вариант фақат 11 та йирик бўлимни ўз ичига олади. Навбатдаги ҳар бир вариант ўзидан олдин келган вариантни ривожлантиради¹.

Ч. Кеттер схеманинг секин-аста деталлаштира бориш имкониятини яратиш учун босқичли индексларни қўллади, бироқ Кеттер схемасида индекслар латин алфавити ҳарфларининг биримкласидан иборатдир. Бу ҳол ҳар бир бўлимда 10 дан ортиқ

¹ Сўнгги, еттинчи, энг мукаммал вариант тугалланмай қолган.

бўлинма (латин алфавитида 26 ҳарф бор) тузишга имкон берган, лекин айни вақтда талаффуз қилиш қийин бўлган ва эсда яхши қолмайдиган индексларнинг ҳосил бўлишига олиб келган. Ана шу нуқсон, шунингдек схема эълон қилингандан вақтга келиб (1891—1893 йиллар) АҚШнинг кўпчилик кутубхоналари ўрли классификацияни қўллай бошлаганилиги факти Ч. Кеттер схемасидан Америка кутубхоналарининг жуда оз фойдаланишига сабаб бўлган.

Ч. Кеттер схемаси диққатга сазовордир. Бу схемада «кенгайтириш» принципининг қўлланилиши ижобий баҳога лойиқdir. Умумий классификация асосида бўлинмаларнинг катта-кичклиги ҳар хил бўлган схемаларнинг бир қанча вариантиларини ишлаб чиқиши, шубҳасиз, рационал ғоядир, чунки у фондининг ҳажми турлича бўлган кутубхоналарда умумий (асос қилиб олинган) схемани қўлланишга имкон беради. Ч. Кеттернинг хизмати яна шундаки, у кутубхона классификацияси тарихида биринчи бўлиб схемага аниқлагичларнинг етарли даражада батафсил жадвалларини (географик аниқлагичлар ва форма аниқлагичларни) киритди¹. Бирмунча кейинги даврдаги схемаларни тузувчиларнинг ҳаммаси бу самарали ғояни ривожлантирадилар, бўлимларни мазмун ва шаклнинг айни бир хилдаги белгиларига қўра деталлаштиришга имкон берувчи аниқлагичларни яхшилаб ишлаб чиқиши усусларини қидирадилар.

АҚШ Конгресси кутубхонасининг классификацияси XIX ва XX асрлар бўсағасида АҚШда ва Конгресс кутубхонаси учун классификация схемаси ишлаб чиқилга бўлиб, у ҳозир Америка Кўшма Штатларининг илмий кутубхоналарида кенг тарқалган. Бу вақтга келиб, 1800 йилда асос солинган Конгресс кутубхонасида китоб фонди анча кўпайди ва шу сабабли уни батафсил классификация қилиш зарурати пайдо бўлди.

Классификация схемасини кутубхонанинг Ч. Мартел раҳбарлигидаги бир группа ходимлари тузган. Иш бошланган чорда асосий бўлимларнинг схемаси белгилаб олинган эди. Қейинчалик ҳар бир бўлимни билимнинг муайян соҳасидаги мутахассислар группаси мустақил равишда деталлаштирган. Бу группалар бир-биридан алоҳида-алоҳида ишлаб, айни бир масалани кўпинча ҳар хил ҳал қилди. Масалан, мамлакатлар бўйича бўлиш ҳар хил бўлимларда ҳар хил изчилликдаги хилмачил техник усуслар билан ҳал этилди. Бўлимларни деталлаштириш даражасида ҳам бир хиллик йўқ. Бўлимларнинг майдалаштирилиши кутубхонада бирор соҳага доир адабиётнинг бор-йўқлигига мувофиқ келади. Натижада бўлимлар жуда нотекис де-

¹ Ч. Кеттер кутубхона классификациясининг дастлабки схемалари 1879 йилдан, яъни Ўнли классификациянинг иккинчи вариантидан анча олдин эълон қилина бошлаган эди.

таллаштирилган, бинобарин, бутун схема яхши боғланмаган соҳали классификация схемалари йифиндисидан иборат бўлиб қолган.

Конгресс кутубхонаси схемасида ўзига хос индекслар қўлла-нилган. Асосий бўлимлар латин алфавитининг бош ҳарфлари билан белгиланган. Схема умумий бўлим (A индекси) билан бошланиб, ундан кейин фалсафа, тарих, география ва ижтимоий фанлар (B—L индекслари) санъат, тилшунослик ва адабиёт (M—P), аниқ фанлар (Q) келади, медицина, қишлоқ хўжалиги ва техника (R—T), шунингдек ҳарбий иш ва денгиз иши (L—Y) алоҳида бўлим қилиб берилган.

Схема структурасининг конкрет билим соҳасига доир китоблар сонига боғлиқлиги айниқса тарих бўлимлари комплексининг тузилишида намоён бўлганки, биз буни юқорида кўрсатиб ўтган эдик:

С тарих фанлари

Д Тарих ва ўлкашунослик (умуман Америка мамлакатларидан бошқа ҳамма мамлакатларнинг ҳам тарихи ва ўлкашунослиги)

Е Америка (АҚШдан ташқари)

F АҚШ

Мантиқий тузилишдан воз кечиш ҳамда Америка билан АҚШни алоҳида-алоҳида бўлимлар қилиб ажратиш Конгресс кутубхонасида Америка тўғрисидаги китоблар бошқа мамлакатлар ҳақидаги китоблардан, АҚШ ҳақидаги китоблар Американинг бошқа мамлакатлари ҳақидаги китоблардан кўпроқ эканлигига асосланган.

Ҳамма бўлимлардаги бўлинмалар бўлим индексига латин алфавитининг иккинчи бош ҳарфини қўшиш йўли билан ҳосил қилинган, масалан:

T Техника

TE Иўл иши

TH Қурилиш

Бундан кейинги деталлаштириш индекснинг дастлабки иккиси бельгисига рақамли бирикмалар қўшиш билан ҳосил қилинади; рақамли бирикмалар ҳар қайси бўлинманинг тартиб ўринини кўрсатади. Масалан, TH-123 индекси бўлинманинг қурилиш бўлими бўлинмалари қаторида бир юз йигирма учинчи ўринни эгаллашини кўрсатади. Конгресс кутубхонаси схемасининг индекслари белгиларнинг (ҳарфлар ва рақамларнинг) бирга қўшилиши жиҳатидан ҳам, тузилиш усули (дастлабки белгиларнинг босқичли, кейингиларининг номерли бўлиши) жиҳатидан ҳам аралаш схемадир.

Конгресс кутубхонаси нашр этадиган босма карточкаларда АҚШда жуда кенг тарқалган иккита классификация схемасининг — Ўнли классификациянинг ва Конгресс кутубхонаси классификациясининг индекслари кўрсатилади.

Ж. Браун классификацияси

Инглиз кутубхонашуноси Ж. Браун ас-
римизнинг бошларидаги жуда ўзига хос,
аммо умуман яхши чиқмагани ва амалда
фойдаланиш ноқулай бўлган кутубхона классификацияси схема-
сини яратиб, уни «предмет классификации» деб атаган эди.
Браун билимнинг асосий соҳалари бўлимларини дунёнинг анор-
ганик табиятдан инсон ва жамиятга томон эволюциясини акс
эттирадиган изчилликда жойлаштирган; аммо у бунда табият
тараққиётини идеалистик тушунишга асосланган эди. Масалан,
Ж. Браун анорганик табият ҳақидаги фанларга «материя»
ҳақидаги фанлар деб қараган, инсон ва жамият ҳақидаги
фанларни инсонда ақл-идрок мавжудлиги билан боғлаган
эди.

Асосий бўлимлар схемада латин ҳарфлари билан белгилан-
ган; бир группадаги фанлар бўлимларига бир неча бош
ҳарфлар қўйилган. Кейинги бўлинмалар уч хонали рақамли (ту-
зилишига кўра ўнли индексларга ўхшаш) индекслар билан ифо-
даланган. Ж. Браун техникага доир фанлар, медицина, санъат
деган алоҳида бўлимлар ҳосил қилишдан воз кечиб, бу фанлар-
нинг айрим соҳаларини уларга тегишли назарий фанлар бўлим-
ларига кирифтган эди. Масалан, механика бўлимидан кейин схе-
мада механика билан алоқадор «амалий» фанлар (техника)
санъат, ёруғлик физикаси (оптика) бўлимидан кейин — ёритиш
техникаси бўлими, товуш физикаси (акустика) бўлимидан ке-
йин — музика ва қўшиқ бўлимлари келади. Шундай қилиб, гўё
«предмет комплекслари» яратилган ёруғлик предмети, «товуш»
предмети билан боғлиқ бўлган барча билим соҳалари шу ком-
плексга киритилган эди.

Ж. Браун назарий ва амалий фанларни бир-бирига яқинлаш-
тириш ҳақидаги тўғри фикрни расман амалга ошириб, техникага
оид фанлар, санъат медицинанинг табиий комплексларини буз-
ган. Браун анқлагичлар хусусида ёки уларнинг, автор атагани-
дек «категориялар» хусусида ҳам шунчалик ноизчилдир. Схема-
да «категориялар»нинг битта жадвали берилган бўлиб, у жуда
хилма-хил ва тасодифий тартибда жойлаштирилган 1000 та ту-
шунчани ўз ичига олади.

Г. Блисс ва Ш. Рангана- татан классифика- цияси

Сўнгги ўн йилларда яратилган чет
эл кутубхона классификацияси схема-
ларидан энг машҳурлари Г. Блисс
(АҚШ) ва Ш. Ранганатан (Ҳиндистон)

схемаларидир.

Нью-Йорк шаҳар коллежининг кутубхоначиси Г. Блисс, қатъ-
ий илмий классификация зарур деб жар солса-да, ҳақиқатда
фанларнинг қатъий изчиллигини белгилаб бермайди. Унинг клас-
сификациясига алътернативлик принципи, яъни бўлим учун схе-
мада назарда тутилган бир неча ўриндан мазкур кутубхона ша-
роитида энг самарали жой танлаш принципи асос қилиб олинган.
Г. Блисс схемасида бундай алътернатив ечимлар жуда кўп, ма-

салан, психология бўлими ё фалсафа бўлимига киритилиши, ёхуд антропология ва ижтимоий фанлар ўртасида мустақил бўлим қилиб ажратиб қўйилиши мумкин; техника бўлимини физика бўлинмалари қаторига ёки амалий фанлар бўлимига жойлаштирса бўлади.

Альтернатив ечимлар принципидан бир меъёрда фойдалан- маслик Г. Блисс схемасини барқарорликдан маҳрум этади: билимнинг айрим энг муҳим соҳалари бўлимлари унда муайян ўринга эга эмас.

Г. Блисс классификациясида АҚШ хукмрон синфларининг реакцион идеологияси яққол ёкс этган. Этика дин бўлимига киритилган, «Революция» рубрикаси «социал бузғунчилик» рубрикаси билан ёнма-ён жойлаштирилган. «Паст халқлар», «паст ирқлар» деган терминлар қайта-қайта ишлатилган. Табиий танланиш ва яшаш учун курашнинг биологик қонунларига ижтимоий тараққиёт омиллари деб қаралади.

Буржуа кутубхонашунослигида Г. Блисс классификациясига кўпинча ҳаддан ташқари юқори баҳо берилади, бироқ амалда бу классификациядан жуда кам фойдаланилади.

Ҳозирги замон чет эл кутубхонашунослигида атоқли ҳинд кутубхоначиси Ш. Ранганатаннинг асарлари жуда машҳурдир. Ранганатан кўп йиллар давомида Мадорасдаги университет кутубхонасига раҳбарлик қилган ва кексайиб қолганлигига қарамай, ҳозир ҳам халқаро кутубхоначилик ташкилотларида катта иш олиб бормоқда. Ранганатаннинг унинг кутубхона ишининг ҳар хил проблемаларига доир асарлари кутубхонанинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида прогрессив фикрда эканлигидан далолат беради. Ранганатаннинг илмий ишлари кутубхона классификацияси ва системали каталог соҳасидаги тадқиқотлар билан кўпроқ боғлиқдир.

Ранганатан ишлаб чиққан ва биринчи бор 1933 йилда эълон қилинган «Баён аломати ёрдамида классификациялаш» деган асарида классификация қилинаётган асарлар тематикасига мувофиқ келадиган барча тушунчалар учун олдиндан рубрикалар белгиланган «санама» схемалар методидан қатъяни воз кечади. «Универсал ўнли классификация»да кенг фойдаланилган индексларни комбинацион тузиш методини Ранганатан янада ривожлантириди. Унинг схемасида 26 га асосий бўлим кўрсатилган (кеинги нашрларида бўлимларнинг сони кўпайтирилган). Бу бўлимларниг схемада қабул қилинган изчиллиги қизиқиш турдирмайди. У кўп жиҳатдан Браун ва Блисс схемаларига ўхшайди, бинобарин, автор бошқа буржуа кутубхонашунослари изидан бориб, асосий қаторнинг илмийлиги проблемасига унча аҳамият бермайди. У асосий эътиборини билимнинг асосий соҳалари бўлимларини деталлаштириш масалаларига қаратади.

Ранганатан ҳар бир асосий бўлим доирасида бир неча жадвал тузиб чиқади, бу жадваллар мазкур билим соҳасини турлича нуқтаи назардан акс эттирадиган бўлинмаларни ўз ичига олади.

Ранганатан биринчи пашрда бу жадвалларни «характеристикалар» деб атайди, кейинчалик уларга «фасетлар» (билимнинг шу соҳаси қараб чиқилиши мумкин бўлган нуқтаи назарлар) деб ном беради. Масалан, химия бўлимида химиянинг асосий масалалари бўлган моддаларнинг белгиси ва элементларнинг биринши усулларининг жадваллари (фасетлари) берилган. Ўсимлик шунослик бўлимида ўсимликлар турларининг ўсимлик хизмати таркибий қисмларининг, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш методлари географик белгисининг фасетлари бор. Медицина бўлимида одам танаси органлари беморларни даволаш уларга қараваш илмий проблемалари методлари нуқтаи назаридан тузилган жадваллар берилган.

Фасетларнинг бўлинмалари рақамли белгиларга эга. Қеракли тушунча индекси асосий бўлимининг ҳарфий ифодасига тегишли фасетлар жадвалларидан олинган ифодаларни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади. Рақамли ифодалар ҳар хил белгилар ёрдамида, кўпинча баён аломати ёрдамида бирлаштирилади; худди шу нарса «Баён аломати ёрдамида классификациялаш» системасининг номини белгилаб берган. Медицина бўлимининг шу усулда тузилган индекслари қўйидаги мисолларда кўрсатилган:

35:411 Анемия

(L—медицина бўлими индекси, 35—кон, :411—атрофия)

L 25:42 Юқумли ичак касалликлари

(L—медицина индекси 25—ичак; :42—юқумли
касалликлар)

Ранганатан классификация схемаси фойдаланиш учун жуда мураккаб схема бўлиб чиқди ва кенг ёйилмади. Унинг классификациялашга доир асарларида мисол учун келтирилган бъззи бир индекслар умумий аниqlагичлар ва фасет белгиларнинг ҳар хил жадвалларидан олинган 25—30 белгидан иборатдир. Индекс айрим элементлари тартибининг мураккаблиги ва шартлилиги, индекслар таркибига бу элементларни боғлаб турувчи ҳар хил қўшимча белгиларнинг киритилиши индексларни кутубхоначи учун ҳам, каталогдан фойдаланадиган китобхон учун ҳам мураккаблаштириб қўяди.

Ранганатан ўзининг бундан кейинги асарларида фасетли классификация ғоясини ишлаб чиқишини давом эттиради. Билимнинг хилма-хил соҳаларини фасетлар бўйича бўлишни тартибга солиш йўлларидаги изланишларида у матбуот асарларини классификация қилишининг ўзига хос стандарти бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган умумий «фасетли формула»ни қўлланиш мумкин деб ўйлайди. Ҳар бир асар бу формулага мувофиқ қўйидаги беш нуқтаи назардан қараб чиқилмоғи лозим: конкрет ту-

шунча (билим соҳаси, предмет, масала), модда (материал), энергия (жараён, ҳаракат), фазо (географик нуқтаи назар), замон (давр, вақт, йил). Ранганатан худди мана шу беш ҳадли формулага ёпишиб олмай, фасетларни стандартлаштириш ғоясининг ўзига алоҳида эътибор беради. Ҳозирги замон чет эл кутубхона-шуносларининг кўпчилиги бу ғояни қўллаб-қувватламоқдалар, бироқ фасетли формуланинг бирмунча бошқача варианларини белгилаб олмоқдалар.

Фасетларга қараб классификациялаш принципи, шубҳасиз, кутубхона фоқди мундарижасини очиб беришдан иборат бу жараённи тартибга солиш йўлини кўрсатади, классификация схемаси тузилишига қонуний тус бериш имконини туғдиради. Бироқ билимнинг хилма-хил соҳалари бўлимларини қисмларга ажратишнинг умумий формуласи топилиши даргумон. Ранганатан ва умумий фасетли формула деган бу ғояни ишлаб чиқаётган чет эл кутубхонашунослари хилма-хил фанлар ўрганадиган обьектлар ўртасида чуқур сифат тафовути борлигини англамаётирлар. Масалан, ижтимоий фанлар бўлимларида ижтимоий ҳаёт ҳодисалари учун табиат ҳодисаларини ёки ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларни тадқиқ этувчи фарқлар бўлимларидан мутлақо бошқа нуқтаи назарларда бўлинмалар ташкил этиш зарурати пайдо бўлади.

Ранганатан илгари сурган бир қанча қоидаларнинг баҳсли характеристерда эканлигига қарамай, унинг классификациялаш соҳасидаги асарлари чет эл кутубхонашунослигида катта воқеадир.

XIX асрнинг иккинчи ярми—XX асрнинг бошларида Россияда кутубхона классификацияси

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия кутубхоналари қўлланган кутубхона классификацияси схемаларида катта ўзгаришлар юз бермади. Йирик кутубхоналар бундан олдинроқ классификация схемалари тузилган ва эндиғина уларнинг кам-кўстини қисман тузатмоқда эди. Россияда китобларни системалаштиришнинг бу даврдаги назарий ва амалий масалалари ҳозирча кам ўрганилганлигини айтиб ўтиш керак.

Кутубхона классификацияси масалаларига қизиқиш XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида сезиларли даражада кучайди. Матбуот саҳифаларида Ўнли классификация ҳақида, Халқаро библиография институтининг иши ҳақида маълумотлар пайдо бўлди. Ўша вақтда Россияда чиқсан баъзи бир библиографик нашрларда китоблар тасвири Ўнли классификация индекслари билан бирга берилар эди.

Ўша вақтда Россиянинг революциядан илгариги атоқли кутубхонашуноси ва библиографи Н. А. Рубакин ўзининг «Среди книг»¹ («Китоблар орасида») деган катта асари учун мукаммал

¹ Н. А. Рубакин, Среди книг. Опыт обзора русских книжных богатств в связи с историей научно-философских и литературно-общественных идей, 2-нашри, 1—3- томлар, «Наука», 1911—1915. Биринчи нашри 1906 йилда бир том бўлиб чиқкан.

библиографик схема тузди. Бу схема XIX аср биринчи ярмидаги буржуа фалсафасининг ва социологиясининг намояндаси О. Контнинг фанлар классификацияси таъсирида тузилган эди.

О. Контнинг фанлар классификациясида фанлар мантиқий қаторининг «мураккабликнинг ошиб бориши ва умумийликнинг камайиб бориши» тартибида бўлиши тояси ифодаланган бўлиб, Н. А. Рубакинни шу тоя ўзига жалб қилган эди. Бу тоя утопик социализмнинг таниқли намояндаларидан бири Сен-Симондан олинган бўлиб, О. Конт классификациясида бузилган шаклда берилган, бироқ бу схема Контга табиат ҳақидаги: олам ҳақидаги, анорганик табиат ҳақидаги, органик табиат ҳақидаги фанларнинг мантиқий қаторини белгилашга имкон берган эди. О. Конт схемаси фанлар билан тугалланар эди. Фанларнинг мана шу сўнгги группаси бўлинмаларини ишлаб чиқишида О. Контнинг реакцион қарашлари айниқса кўпроқ акс этган эди.

Н. А. Рубакин ўз библиографик классификациясида ҳамма фанларни тескари тартибда жойлаштирган: биринчи ўринга социал турмуш ҳақидаги фанларни, сўнгра органик табиат ҳақидаги, анорганик табиат ҳақидаги ва, ниҳоят, билиш методлари ҳақидаги фанларни ва фалсафани қўйган. Унинг фикрича, бундай тартиб китобхонга аввало унга яқинроқ бўлган ҳодисалар ҳақидаги (жамиятдаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги), сўнгра эса бир қадар умумий ва бир қадар мавхум фанлар ҳақидаги китобларни беришга имкон туғдирар эди.

Н. А. Рубакин классификацияси бир неча айрим кутубхоналарнинг босма каталогларида материални системалаштиришга бирмунча таъсир этди. Кутубхоналарнинг амалий иши учун бу классификация унча яроқли бўлиб чиқмади. Айниқса ижтимоий фанлар бўлимларида майдада бўлинмаларнинг жуда кўпайиб кетганлиги, бўлинмаларнинг аниқ ифодаланган босқичлари йўқлиги, бўлимларнинг сарлавҳалари жуда кўп сўзлар воситасида берилганлиги, индексларнинг йўқлиги ана шунга олиб келган эди.

Ўнли классификациядан фойдаланиш рус кутубхоначиларини тобора кўпроқ қизиқтира борди. Матбуотда шундай мақолалар пайдо бўлдики, уларнинг авторлари Россиянинг шаҳар ва земство кутубхоналарида қўлланилаётган ҳаддан ташқари қисқа, кам ишланган классификация схемаларининг қониқарсизлигини таъкидлаб ўтар эдилар. Б. С. Боднарский, Е. Н. Добржинский, П. А. Унде-Попов Ўнли классификацияни қўлланишининг актив тарғиботчилари эдилар. Бошқа кутубхонашунослар гарчи бу классификациянинг амалий жиҳатдан қулайлигини тан олсаларда, унинг илмий жиҳатдан асоссизлигини кўрсатиб ўтганлар. Уша йилларда Ўнли классификациянинг қисқартирилган таржималари (асосан унинг иккинчи варианти) мамлакатда биринчи бор нашр этилди. Секин-аста бу классификация Россия кутубхоналарида амалда ҳам қўлланила бошлади. 1917 йилга келиб Москва, Петроград ва бошқа шаҳарларнинг кўпчилик кутубхон

налари Ўнли классификациядан фойдаланаарди, унинг индекслари мамлакатимизда чиққан бир қанча библиографик нашрларда қўлланиларди.

ХХ аср бошларидаги рус кутубхоначилари орасида Ўнли классификацияга нисбатан зид фикрлар қарор топди. Бир томондан, ўнли индексларнинг амалий жиҳатдан қулайлиги эътироф этилди, бошқа томондан, асосий бўлимларнинг ва улар бўлинмаларининг изчилиги, фаънинг ўша вақтдаги даражасига жавоб бермаслиги қаттиқ танқид қилинди. Бу ўнли индекслардан фойдаланган ҳолда классификация схемалари тузишга олиб келди, бироқ бу схемалар ўнли классификациянинг мантиқий тузилишига муҳим тузатишлар киритар эди. Кутубхоначилик соҳасининг таниқли арбоби П. М. Богданов шундай схемаларнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқди. Богданов ишлаб чиққан схемаларда муҳим устунликка эга бўлишига қарамай асосий классларнинг изчилиги Ўнли классификацияга нисбатан мантиқийроқлиги, уларда рус кутубхонаси практикасининг амалий эҳтиёжлари ҳисобга олингандиги, ижтимоий фан бўлимларининг бир қадар илмий тарзда ишлаб чиқилгандиги сабабли бу схема амалда кенг ёйилмади.

Бу — Ўнли классификациянинг Россия кутубхоналарида қисман қўлланила бошлагандиги, унинг индекслари рус кутубхоначиларига яхши танишлиги ва кўнишиб қолинган индексларни ўзгартириш номақбул бўлиб кўрингандиги билан изоҳланади.

СССРда кутубхона классификацияси

Бош сиёсий оқартув
комитетининг қисқар-
тирилган жадваллари

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кенг меҳнаткашлар оммасини ўқишига, мустақил билим олишга жалб қилиш вазифасини қўйдилар. Кутубхоналар сони дарҳол анча кўпайди, уларнинг китоб фондлари тўхтовсиз ўсиб борди. Кутубхоначилик ишини марказлаштириш, китоб фондларини планли ва бир хил ташкил этиш, уларни умумий схема асосида классификациялаш зарурати туғилди.

Хатолари кўриниб турганлиги ва социализм идеологиясига номувофиқлигига қарамай, совет мамлакатининг кутубхоначи ходимлари ўзларига жуда яхши маълум бўлган ва амалда қисман синаб кўрилган Ўнли классификацияга мурожаат қилдилар. Бошқа яхши классификация у вақтда йўқ эди.

Октябрь революциясидан кейинги дастлабки йилларда Ўнли классификация совет кутубхоналари практикасига жорий этилди. Жуда кўп шаҳарларда босилиб чиққан Ўнли классификация қисқа жадвалларининг нашрлари кўпинча бирин иккинчи сидан тубдан фарқ қилас, таржима авторлари индексларга ҳамиша ҳам тўғри бўлмаган кўпдан-кўп тузатишлар киритар эдилар.

Бунинг оқибатида каталоглар ташкил этишда ва кутубхоналарнинг фондларини классификациялашда бир хиллик йўқлиги кутубхоначилик ишини марказлаштириш ғоясига кескин зид эди. Шу сабабли 1920 йилда тузилган Республика Бош сиёсий-оқартув комитети (Главполитпросвет) «РСФСРнинг барча кутубхоналарини Ўнли классификациянинг Брюссель халқаро системасига мажбурий суратда ўтказиш тўғрисида» (1921 йил 12 январь) қарор қабул қилди. Худди ўша йили Ўнли классификация жадвалларининг биринчи расмий нашри эълон қилинди.

Ўнли классификацияни барча кутубхоналар учун умумий ва мажбурий система тариқасида танлаб олинишига ўша вақтдаги шарт-шароит таъсир этган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўнли классификация кенг ёйилган бўлиб, уни бошқа система билан алмаштириш амалий жиҳатдан жуда қийин бўлур эди. Бунинг устига, совет идеологиясига мувофиқ келадиган янги классификация йўқ эди, уни ишлаб чиқиш эса кўп вақт талаб қиласр эди; хорижий ва революциядан илгариги рус классификация схемалари совет кутубхоналарининг эҳтиёjlарига, худди Ўнли классификация сингари, деярли жавоб бермасди.

Ўнли классификация эса мамлакатнинг барча халқларига, улар фойдаланаётган алфавитдан қатъий назар, тушунарли бўлган рақамли индекслари билан диққатни ўзига тортар эди.

1921 йилдан бошлаб Республика Бош сиёсий-оқартув комитети жадвалларидан фақат янги кутубхоналарига эмас, балки илгаридан мавжуд бўлган кутубхоналар ҳам фойдалана бошлайдилар. 1925 йилда жорий этилган марказлаштириб каталоглаштириш ҳам жадвалларнинг жорий этилишига ёрдам берди: аннотация ёзилган босма карточкага индекслар Республика Бош сиёсий-оқартув комитети жадваллари асосида қўйиларди. Кутубхоналарнинг китобларни классификация қилиш ва системали каталог тузиш ишига марказлашган ҳолда раҳбарлик қилиш ана шу тарзда бошлаб юборилган эди.

Аммо Республика Бош сиёсий-оқартув комитети тавсия этган ва Ўнли классификациянинг идеологик нуқсонлари тўла бартараф қилинмаган жадваллар совет кутубхоналари ходимларини қаноатлантирмади. Жадвалларда совет воқелигидаги янги ҳодисаларни ҳисобга оладиган бўлинмалар йўқ эди; бу жадваллар жуда қисқа бўлиб, ўсиб кетган кутубхона фондларига мувофиқ келмас эди. Кутубхоначилар матбуот саҳифаларида Ўнли классификацияни қаттиқ танқид қилдилар. Кутубхона ходимларининг Бутурроссия съезди (1924 йил) жадвалларнинг совет кутубхоналари вазифаларига номувофиқлигини таъкидлаб ўтиб, Ўнли классификацияни қайта кўрнб

¹ «Десятичная» международная классификация книг. Сокращенные таблицы составленные Особой комиссией при ГПП для обязательного употребления в библиотеках РСФСР». М., Госиздат, 1921.

чиқишига киришишни ва бунинг учун маҳсус орган тузишни тавсия этди.

Республика Баш сиёсий-оқартув комитети жадвалларининг шундан кейинги нашларига (1927 ва 1931 йиллар) киритилган жузъий тузатишлар аҳволни деярли ўзгартиргади. Ўни классификациянинг буржуача характери илгаригидек ижтимоий-сиёсий масалаларга доир адабиёт бўлимида, тарих, фалсафа бўлимларида айниқса яққол кўриниб турарди. Масалан, совет китобхони учун жуда муҳим бўлган марксизм бўлими Ўни классификацияда 335.5 индексига эга эди. Ўни индексларнинг босқичли структурасига мувофиқ у 335 Социализм бўлинмининг бўлинмалари жумласига «социалистик» («христиан социализми», «фабича социализм», «катетер социализм» ва бошقا) номлар билан ниқбланувчи реакцион таълимотлар учун ажратилган бўлинмалар билан бир қаторга кирган.

Марксизмни антимарксистик таълимотлар билан бир қаторда бирлаштирган социализм бўлими 33 *Иқтисодий фанлар* бўлими составига кирган. Шундай қилиш билан марксизмга иқтисодий назариялардан бири деб қарабланган. Бу схемада буржуа фанининг марксча-ленинча таълимотнинг революцион характерини яширишга, ниқоблашга интилиши, бу таълимот пролетариатнинг яхлит дунёқарashi эканлигини инкор этишига интилиши ўз ифодасини топган.

Коммунистик партиялар бўлими (индекси 329.15) консерватив, либерал, христиан-демократик ва бошقا буржуа партиялари бўлимлари қаторидан жой олган. Фалсафа бўлимида диалектик материализм материалистик фалсафа ниқоби остига яширинувчи идеалистик фалсафий оқимлар—вульгар материализм, прогматизм, позитивизм ва махизм билан бирлаштирилган эди.

Тарих бўлими тарихни илмий асосда даврларга бўлишга зид бўлган хронологик бўлинмаларга эга эди. Географик аниқлагичлар жумласида тарих, география ва бошқа бўлимларда мамлакатимиз ҳақидаги барча адабиётни бирлаштиришга имкон берадиган аниқлагич йўқ эди; схемада Россиянинг Европа қисми учун битта аниқлагич (47), Россиянинг Осиё қисми учун эса бошқа аниқлагичлар: Сибирь учун (57) ва Ўрта Осиё учун (58) аниқлагичлари кўзда тутилган эди.

Республика Баш сиёсий-оқартув комитети жадвалларининг етарлича деталлаштирилмаганлиги матбуотда Ўни классификация жадвалларининг жуда кўп майда бўлинмаларга эга бўлган бир қанча нашрлари эълон қилинишига сабаб бўлди. Таржималарнинг авторлари бу нашрларнинг ҳар қайсисида рубрикаларга ва индексларга хилма-хил тузатишлар киритар эдилар. Бу нашрлар орасида катта кутубхоналарда энг кўп фойдаланилгани Е. Н. Добржинский қайта ишлаган Ўни классификация жадвалларидир (сўнгги бор 1931 йилда нашр этилган). Бу нашрнинг автори кутубхона классификацияси

соҳасидаги машҳур мутахассислардан бири эди, бироқ у киригган тузатиш ва қўшимчалар классификациянинг идеологик нуқсонларини бартараф қилиш у ёқда турсин, балки бир қанча ҳолларда бу нуқсонларни янада чуқурлашириб юборган эди. Добржинский бу нашрда, масалан, ўзи ўйлаб чиқарган «Генетик социология» деган ном билан бўлим ташкил этган, бу бўлимда жамиятнинг пайдо бўлиши инсон организмининг биологик хусусиятлари билан боғланган, динга «жамиятни сақлаб туриш ва тараққий эттириш» шартларидан бири, деб қараган эди: марксизм бўлимнинг бўлинмалари жумласига «народниклик» рубрикаси киритилган эди; «Ҳозирги замон коммунизми» бўлими «ленинизм» ва «оппозиция» бўлинмаларини ўз ичига олган эди. Классификацияга киритилган ва сиёсий жиҳатдан хато бўлган бундай «тузатишлар»га мисоллар жуда кўп эди, бинобарин, кутубхоналар Е. Н. Добржинский жадвалларидан фойдаланишда табиатшунослик ва техника бўлимлари билан-гина чекланишга мажбур бўлган эдилар.

Л. Н. Троповский Ўнли классификация мантикий структурасининг нуқсонларини рубрикаларни индексларига ва таърифларига

айрим тузатишлар киритиш билан бартараф қилиб бўлмас эди. Республика Бош сиёсий-оқартув комитети амалдаги классификация жадвалларини қайта кўриб чиқиш ва уларга бирмунча чуқур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш мақсадида маҳсус комиссия тузди. Бу ишни таниқли совет библиографи Л. Н. Троповский давом эттириди ва охирига етказди.

Л. Н. Троповский қайта ишлаган жадваллар 1938 йилда эълон қилинди. Бу жадвалларда совет китобхонлари учун жуда муҳим матбуот асарларини пропаганда қилиш ва полкаларга китобларни мақсадга мувофиқ равишда системалаштириш вазифаларига жавоб берадиган бир қанча янги принципиал ечимлар бор эди.

Л. Н. Троповский Ўнли классификацияга киритиш энг муҳим ўзгартишлар жумласига қўйидагиларни киритиш лозим:

1. «Марксизм-ленинизм» бўлимнинг ташкил этилиши ва уни ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимидаги асосий (биринчи) ўринга қўйилиши.

2. Марксизм-ленинизм асосчиларининг барча асарларини китоб полкаларида бирлашириб, шундан кейин бу асарларни системали каталог бўлимларida мазмунга мувофиқ тарзда ҳар томонлама акс эттирилиши.

3. Совет Иттилоғи Коммунистик партиясининг, чет мамлакатлар коммунистик партияларининг, Бутуниттилоғ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг ва чет мамлакатлар коммунистик ёшлар союзларининг фаолиятини ёритувчи китоблар учун деталлаширилган бўлимларнинг ташкил этилиши.

4. Фалсафа умумий бўлимидаги марксча-ленинча фалсафанинг ажратиб қўйилиши.

5. Ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимларида СССРнинг ижтимоий, давлат ва иқтисодий тузумини акс эттирувчи китобларнинг, шунингдек, капиталистик мамлакатлар ҳақидаги ана шундай китобларнинг изчил чегараланиши.

6. СССР тарихи ва чет мамлакатлар тарихи бўлимларида совет фанида қарор топган даврларга ажратишга мувофиқ равища хронологик бўлинмаларнинг қўлланилиши.

7. СССРдаги республикалар ва областлар учун янги географик бўлинмаларнинг қўлланилиши.

8. Классификация бўлинмалари сарлавҳаларнинг совет илмий терминологиясиغا мувофиқ равища таърифланиши.

Л. Н. Троповский жадвалларининг босиб чиқарилиши совет кутубхона классификацияси тарихида муҳим босқичdir. Оммавий кутубхоналарда китобларни классификация қилиш нисбатан мустаҳкам заминга эга бўлди.

Тўғри, бу жадвалларга илгаригидек асосий бўлимлар қатори шартли бўлган Ўнли классификация негиз қилиб олинган бўлиб, унда ижтимоий фанларнинг энг асосий соҳалари илмий жиҳатдан асосланмаган изчилликда берилган эди; бутун -схемани тубдан ўзгартирмай туриб бу ва бошқа камчиликларни тугатиб бўлмас эди. Бироқ бўлимлар ичидаги бўлинмаларнинг мантиқий изчиллиги, классификация бўлинмалари сарлавҳаларининг совет фанида қабул қилинган терминологияга мослиги совет воқелигидаги энг муҳим ҳодисалар учун янги бўлимлар ташкил этилганлиги туфайли Л. Н. Троповский жадваллари совет кутубхоналарининг системали каталоглар тузиш ва полкаларда китобларни системалаштириш соҳасидаги ишига керакли йўлланма берди.

Ўнли классификация бўлинмалари мазмунига ва изчиллигига Л. Н. Троповский киритган ўзгаришлар индексларнинг структурасида ҳам ўзгаришлар қилинишига олиб келди. Янги тузилган бўлинмаларга, шунингдек, схемада ўрни ўзгарган бўлинмаларга илгари қўлланиб келган индекслардан ташқи кўриниши билан фарқ қиласидан янги индекслар берилди. Барча рақамли бирикмалардан жадвалларнинг аввалги нашрларида фойдаланилганлиги сабабли индекслар составига ҳарфлар киритишга тўғри келди, бу билан ўнли индекслар структурасига пуртур етказилди.

Масалан, марксизм-ленинизм бўлими Л. Н. Троповский жадвалларида аввалги 335.5 индекси ўрнига ЗК индексини олди ва З *Ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимнинг бошига, яъни 31 Статистика, 32 Сиёсат* ва бошқа бўлимчалардан олдин жойлаштирилди. Диалектик материализм I *Фалсафа* бўлимида IM индекси остида, тарихий материализм IMI индекси остида алоҳида ажратиб кўйилди. Россия территорияси учун илгариги бир неча географик аниқлагичлар: (47), (57), (58) ўринига СССР учун ягона аниқлагич — (C) ташкил этилиб, у кейинчалик иттифоқ-

дош республикалар ва областлар бўйича бўлинган (С1) — РСФСР, (С2) — УССР ва бошқалар.

Л. Н. Троповский жадваллари оммавий кутубхоналарда, шунингдек жуда кўп маҳсус кутубхоналарда қўлланила бошлиди; улардан бу кутубхоналарда асосан ижтимоий-сиёсий адабиётни классификация қилиш учун фойдаланилди. Айни вақтда унча катта бўлмаган кутубхоналар учун, шунингдек, болалар ва мактаб кутубхоналари учун қисқартирилган жадваллар тайёрланди ҳамда нашр этилди. 1944 йилда Бутуниттифоқ китоб палатаси йирик кутубхоналар фондларини классификациялашга бўлган эҳтиёжини қондиришни назарда тутиб, Ўнли классификация жадвалларини нашр этди; уни Н. В. Русинов таржима қилган ва қисман қайта ишлаган эди. Бу нашр ўша вақтда Ўнли классификациянинг рус тилидаги энг деталлаштирилган жадваллари эди. Бу нашр Л. Н. Троповский қайта ишлаган жадвалларнинг эълон қилинганидан ва совет кутубхоналари практикасига жорий этилганидан бир неча йил кейин босилиб чиққанлигига қарамай, Н. В. Русинов жадвалларида фалсафа, ижтимоий фанлар ва тарих бўлимларида Ўнли классификациянинг шу бўлимлари структураси деярли тўла сақланиб қолган эди. Айрим рубрикаларнинг таърифига киритилган озгина тузатишлар бу бўлимларда Ўнли классификациянинг ғоявий нуқсонларини бартараф қила олмади. Шу сабабли, Е. Н. Добржинский жадваллари сингари, бу нашрдан кутубхоналар асосан табиий-илмий адабиётни ва техникага оид адабиётни классификациялаш учун фойдаландилар.

**Оммавий кутубхоналар
ва облост кутубхона-
лари учун кутубхона
классификацияси
жадваллари**

Урушдан кейинги йилларда ўзарган халқаро вазият ҳамда совет фани ва техникасининг янада тараққий этиши совет оммавий кутубхоналарида қўлла-нилиб келган структурага муҳим қў-шимчалар ҳамда ўзgartишлар киритиш заруратини туғдирди. Жадвалларнинг ҳозирги нашрлари асосан Л. Н. Троповский жадваллари структурасини сақлаб қолган бўлиб, айни чоқда бир қанча муҳим хусусиятларга ҳам эгадир. Бу хусусиятлардан энг муҳимлари жумласига қўйидагилар киради:

1. Ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимида социалистик мамлакатлар (индекслари 327.1 ва ЗЗМИ) ҳамда капиталистик, қарам ва мустамлака мамлакатлар (индекслари 327.2 ҳамда ЗЗМ2) учун характерли сиёсий ёки иқтисодий ҳодисаларни ёритувчи китоблар учун бўлимлар тузилган.

2. Ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимида СССРдаги ҳамда айрим чет мамлакатлардаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ҳақида-ги, давлат тузуми ҳақидаги, маданият ва халқ маорифи ҳақида-ги китоблар индексларга «С» ва «И» ҳарфларини қўшиш йўли билан ажратилган.

3. КПСС тарихи, СССР тарихи ва чет мамлакатлар тарихи бўлимларида совет фани тарихни даврларга ажратишига кирит-

ган тузатишларга мувофиқ равища хронологик бўлинмалар аниқлаштирилган.

4. Чет мамлакатлар тарихи бўлимида даставвалги мамлакатлар бўйича ажратиш ўрнига катта хронологик даврлар бўйича ажратиш усулидан фойдаланилиб, кейин ҳар бир давр ичидагирим мамлакатлар бўйича бўлинмалар ҳосил қилинган.

5. Техника бўлимининг илгариги структураси техниканинг замонавий даражасига мувофиқ келмаганлиги сабабли бу бўлим батамом қайта тузилган.

6. Бадиий адабиёт бўлими барча асарлар ёзувчиларнинг фамилияси бўйича алфавитга мувофиқ жойлаштириладиган илгариги тартиб ўрнига айрим халқлар адабиётлари бўйича ажратилган.

Жадвалларга келгусида ҳам тузатишлар киритиб турилиши муқаррардир, чунки ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳамда фан ва техника тараққиёти ҳамиша классификация структурасини вақт-вақти билан янгилаб туришни тақозо этади.

1963 йилда оммавий кутубхоналар учун жадваллар асосида область кутубхоналари учун жадваллар ишлаб чиқилди ва нашр қилинди¹. Бу нашрда оммавий кутубхоналар учун жадваллардаги бўлинмалардан (800 га яқин рубрика) кўра кўпроқ бўлинмалар (4000 дан ортиқ рубрика) берилган. Бундан ташқари, кўп бобларда фонди катта кутубхоналарда деталлаштириш имкониятини оширувчи аналитик аниқлагичлар назарда тутилган. Область кутубхоналари оммавий кутубхоналар учун тузилган қисқа жадваллар билан қаноатлана олмас ва жадвалларни мустақил равища деталлаштириш юзасидан мураккаб ҳамда сермашақват иш олиб боришига мажбур эдилар. Бу кутубхоналарга мўлжалланган жадвалларнинг нашр этилиши, уларнинг ишини анча енгиллаштири ҳамда уларнинг фондларини классификациялашда бир хилликка эришиш имконини берди.

Техника кутубхоналарида матбуот асарлари-ни классификациялаш

Техника кутубхоналари ўз фондларини классификациялашда сўнгти вақтларга ча жуда кўп қийинчиликка дуч келар эдилар. СССРда нашр қилинган жадвалларнинг биронтаси ҳам, гарчи билимларнинг битта соҳаси билан алоқадор бўлса-да, кимларга мўлжалланганлиги юзасидан ниҳоятда турли-туман фондга эга бўлган йирик техника кутубхоналарининг эҳтиёжини қондира олмас эди. Техника кутубхоналари фондларининг ўзига хос хусусияти шуки, уларда китоблар, журнал мақолалари жузъий, баъзан жуда тор масалаларга бағишлиланган ҳар хил ахборот материаллари бўлади. Битта бўлинмага тематик жиҳатдан жуда хилма-хил бўлган

¹ «Таблицы библиотечной классификации для областных библиотек» З. Н. Амбарцумян таҳрири остида. М., Бутуниттифоқ китоб палатаси, 1963, 252- бет.

кўпдан-кўп материалларни киритиш лозим бўлганлиги сабабли, уларни ҳатто область кутубхоналари учун жадваллар асосида ҳам классификациялашнинг амалий жиҳатдан иложи йўқ.

Иирик техника кутубхоналарига чет тилларда чиқсан жуда кўп китоб ва журналлар келтирилишини ҳамда уларни мазмұнига қараб (айниқса техникага оид журналларда босилган айрим мақолаларни) классификациялаш учун кўпгина чет тилларни яхши биладиган аллақанча мутахассисларга эга бўлиш лозимлигини ҳам ҳисобга олиш керак эди. Жуда кўп чет мамлакатларда босилган китоб ва мақолаларга қўйиладиган универсал ўнли классификация индексларидан фойдаланилган тақдирда бу иш анча енгиллаштирилган бўлур эди. Бу классификациянинг гарчи жуда эскирган бўлса-да, деталлаштирилиши даражаси ва жаҳон кутубхона ҳамда библиография практикасида расм бўлганлиги жиҳатидан тенгсизлиги юқорида кўрсатиб ўтилган эди.

Ана шу мулоҳазаларга асосланиб, СССР Министрлар Совети «Мамлакатда фан-техника ахборотини ташкил этишни яхшилаш чоралари тўғрисида» 1962 йил 11 майда чиқарган қарорида барча фан-техника нашриётларига, фан-техника журналлари редакцияларига, фан-техника ахбороти органлари ва техника кутубхоналарига ҳам Ватанимизда, ҳам чет элларда босилган барча табиий-илмий адабиётни ҳамда техникага доир адабиётни классификациялаш учун 1963 йилдан эътиборан Универсал ўнли классификациядан фойдаланишга ўтиш вазифасини юклади.

Бу классификациянинг рус тилида тўла нашри шу вақтгача бўлмаганлиги сабабли илмий ахборот органларига ва Давлат халқ илмий-техника кутубхонасига Универсал ўнли классификациянинг 5 ҳамда 6 бўлимларини рус тилида тайёрлаш ва босиб чиқариш вазифаси топширилди. Ҳозир бу материал таржима қилинган бўлиб, уни айрим бўлаклар тарзида нашр этиш 1964 йилда тугалланган.

Бироқ бундай мураккаб нашрни босиб чиқариш маълум вақт талаб қилинганлиги учун Бутуниттифоқ китоб палатаси 1962 йил охирида Универсал ўнли классификациянинг қисқартирилган жадвалларини¹ нашр қилди; бунда мазкур жадваллардан техника кутубхоналарида фойдаланиш назарда тутилган эди.

Афсуски, бу нашрда жиддий камчиликлар бор. Жадвални тузувчилар асосан 30-йиллардаги немисча нашрга таянган ва чет элларда вақт-вақти билан босилиб турадиган Универсал ўнли классификацияга тузатиш ҳамда қўшимчалардан тўла фойдаланмаган эдилар. Бундан ташқари, мазкур нашрда

¹ «Универсальная десятичная классификация. Сокращенные таблицы». М., Бутуниттифоқ китоб палатаси, 1962, 726- бет.

техникага доир жуда кўп терминлар рус тилига аниқ таржима қилинмаган эди, бу эса кўп ҳолларда классификациялашда қўйол хатоларга олиб келади.

Бу нашрда классификациянинг барча бўлимларини, жумладан совет кутубхоналарида фойдаланиш учун мутлақо яроқсиз бўлган фалсафа, ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва тарих бўлимларини беришга қарор қилингандигини ҳам нотўри деб ҳисобламоқ керак. Тузувчилар бу бўлимлар структурасига ва рубрикалар таърифига жузъий тузатишлар киритишга уриниб кўрганлар, бироқ улар классификациянинг ана шу бўлимларига хос идеологик нуқсонларни бартараф қила олмаганлар. Бу жиддий нуқсонлар кўрсатиб ўтилган нашрдан техника кутубхоналарида фойдаланишга имкон бермайди.

Ўнли классификацияга киритилган Совет классификация-сининг янги схемаси ўзгартишлар қанчалик жиддий бўлмасин, бу ўзгартишлар ундаги чуқур идеологик нуқсонларни тўла бартараф қила олмаслиги юқорида кўрсатиб ўтилган эди. Шу муносабат билан СССРда бир неча йиллар давомида фанларни марксча-ленинча классификация қилишга таянадиган кутубхона-библиография классификацияси схемасини яратиш учун катта иш олиб борилди ва бу ҳозир тугалланай деб қолди. Асосан, В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасида олиб борилаётган бу ишга мамлакатимизнинг энг йирик илмий кутубхоналари, чунончи М. Е. Салников-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси, СССР Фанлар Академиясининг кутубхонаси, шунингдек, айрим йирик маҳсус кутубхоналар жалб қилинган.

Илмий асосда қилинадиган классификация ишлаб чиқишига социалистик мамлакатларда ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу мамлакатларнинг иш тажрибаси синчилаб ўрганилди ва совет классификация схемасини ишлаб чиқишида ҳисобга олинди.

Классификация йирик универсал кутубхоналарнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб тузилган, аммо маҳсус кутубхоналар ҳам ундан фойдаланишлари мумкин.

1960 йилдан эътиборан кутубхона-библиография классификацияси (ҚБК)¹ алоҳида-алоҳида китоблар ҳолида нашр этила бошлади. 1966 йилнинг охирига келиб бу классификациянинг 25 китоби нашр этилди; бу китоблар табииётшуносликнинг барча соҳаларини ва техникани, медицинани, қишлоқ ҳўжалиги ва ижтимоий фанларнинг айрим соҳаларини тўла қамраб олган эди.

1966 йилда ва 1967 йил бошларида қолган бешта китоб ҳам нашр этилди.

Янги схема устида олиб борилган ишда уни тузувчилар кўпгина қийинчиликларга дуч келдилар. Улар схемани фанлар-

¹ Библиотечно-библиографическая классификация. Таблицы для научных библиотек, М., В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси, 1960.

нинг марксча-ленинча классификацияси негизида тузишдан иборат асосий принципга амал қилиб, айни вақтда фанларнинг яхлит ва тўла ҳолдаги бундай системаси ҳанузгача йўқлигини ҳам ҳисобга олдилар. Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларида фанларнинг чинакам илмий классификацияси тузилишининг асосий методологик принциплари кўрсатиб берилган бўлса-да, бироқ замонавий билим соҳаларининг барчасини қамраб олувчи системада бу принципларнинг конкрет иродаси ҳозирча шаклланиш жараёнидадир. Шу сабабли янги кутубхона схемаси авторларининг бир йўла жуда кўп соғ илмий проблемаларни, яъни фанларнинг ҳозирги тараққиётида қандай нисбатда-ю, қандай алоқада деган масалаларни ҳам ҳал этишлари зарур эди. Бу масалани ҳал этишга барча билим соҳаларининг мутахассислари ва йирик олимлар жалб этилди.

Янги кутубхона-библиография классификациясини тузувчилар Ф. Энгельснинг «Анти-Дюоринг» ва «Табиат диалектикаси» асарларида мавжуд бўлган фанлар классификациясининг тузилиши тўғрисидаги конкрет кўрсатмаларга амал қилдилар. Ф. Энгельс барча билимлар мажмуини борлиқнинг уч соҳасига мувофиқ равища уч группага: жонсиз табиат ҳақидаги фанлар, тирик организмлар ҳақидаги фанлар ва жамият ҳақидаги фанларга бўлади.

Табиатда ва жамиятда содир бўладиган хилма-хил ҳодисалар материя ҳаракатининг турли хил формалариdir. Фаннинг вазифаси табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини очиш, материянинг ҳаракат формалари ўртасидаги диалектик алоқаларни аниқлашдир. Шу сабабли фанларнинг диалектик-материалистик классификацияси материянинг ҳаракат формалари классификациясига мувофиқ равища тузилиши лозим.

Ф. Энгельс бундай деб таъкидлайди: «Ҳаракатнинг бир формаси бошқа формасидан ўсиб чиқиши сингари бу формаларнинг инъикоси бўлган турли фанлар ҳам заруран бир-биридан келиб чиқмоғи лозим»¹ у ифодалаган қўйидаги классик таърифда ҳам худди шу фикр баён қилинган: «Ҳар бири ҳаракатнинг айрим формасини ёки ҳаракатнинг ўзаро боғланган ва бир-бирига ўтиб турувчи формаларини анализ қилувчи фанларнинг классификацияси, шу билан бирга, улардаги ички изчилликка кўра, шу ҳаракат формаларнинг классификацияси жойлашувиёрки, унинг аҳамияти ҳам худди шундадир»².

Шундай қилиб, фанлар ўрганаладиган обьектлар ўртасидаги, ҳаракатланувчи материя формалари ва турлари ўртасидаги мавжуд алоқа ҳамда муносабатлар фанларнинг чинакам илмий классификацияси тузилишининг асосини ташкил қиласди.

¹ Ф. Энгельс. Табиат диалектикаси, қаралсин: Марксча-ленинча философия, хрестоматияси. «Ўқитувчи» нашриёти, 1971. 489-бет.

² Ўша ерда.

Ф. Энгельс ана шу асосий принципга мувофиқ материя ҳаракати формаларининг умумий схемасини белгилаб беради. Материя ҳаракати формаларининг жойлашуви тартибини белгилашда у материя ҳаракатининг энг оддий формаларидан мураккаброқ формаларига изчил ўта боришига асосланади.

Материя ҳаракатининг энг оддий формаси—фазода ўрин алмашиб механик ҳаракатидир. Бу ҳаракат натижасида маълум шароитларда, масалан, жисмлар бир-бирига текканда янги ҳодисалар (товуш, ёруғлик, иссиқлик, электр) ҳосил бўлади; бу ҳодисаларнинг табиатини механика қонулари билан аниқлаб бўлмайди. Ҳаракат механик формасининг бир қадар мураккаб — физик формага ўтиши юз беради.

Ҳаракатнинг физик формаси муайян шароитларда яна ҳам мураккаброқ формага айланади. Масалан, ўз табиатига кўра физик ҳодисалар бўлган қизиш ёки электр разряди натижасида химиявий бирикмалар ҳосил бўлади ёки жисмлар парчаланади. Материя ҳаракатининг янада мураккаброқ янги формаси — химиявий формаси вужудга келади.

Табиат ривожида рўй берган навбатдаги диалектик ўтиш—организмга ўтиш — ҳаракат химиявий формасининг янада мураккаброқ формага биологик формага ўтишидир. Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари, жамият материя ҳаракатининг олий формасидир.

Энгельс материя ҳаракати формалари класифиқацияяга мувофиқ табиат ҳақидаги асосий фанлар класифиқациясини ҳудди ўшандай изчилликда, яъни механика, физика, химия, биология фанлари деб белгилайди. Табиат ҳақидаги фанлар қаторининг мантиқий интиҳоси жамият ҳақидаги ва ижтимоий онг ҳақидаги фанлар бўлмоғи лозим .

Бу умумий схема билимнинг мавжуд барча соҳалари класифиқацияси эмас, албатта. Ундан техникага, медицинага, қишлоқ хўжалигига доир фанлар ва билимнинг бошқа соҳалари жой олмаган, жамият ҳақидаги ҳамда ижтимоий онг ҳақидаги фанларнинг қайси ўринда келиш тартиби аниқланмаган.

Мана шу масалаларнинг ҳаммаси ҳамда бошқа жуда кўп муҳим масалалар марксизм-ленинзм асосчиларининг асарларини фанларнинг табиати, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳақида кўрсатмалар берилган асарларни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш негизидагина ҳал этилиши мумкин эди. Янги, совет кутубхона класифиқациясининг илмий асосини яратиш учун ана шу масалаларни ҳал этиш зарур эди.

Матбуот асарларини класифиқация қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни тўғри ҳал этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди: ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимларида социалистик ва капиталистик мамлакатлар ҳақидаги адабиётни белгилаб олиш, яъни совет воқеалигининг муҳим мавзуларини биринчи ўринга қўйиш; замонавий фан ҳамда техниканинг энг муҳим масалаларини аниқлаб олишга имкон берадиган деталлаштиришга эришиш лозим эди.

Асосий бўлимлар тартиби Ф. Энгельс фанлар классификациясининг принципиал схемасига мувофиқ белгиланган: аввал жонсиз табиат ҳақидаги, сўнгра жонли табиат ҳақидаги фанлар берилиб, улардан кейин инсоннинг табиатга таъсири ҳақидаги фанлар — техника, агрономия, медицина қўйилган, бу қатор жамият ва ижтимоий онг ҳақидаги фанлар билан тугайди. Бутун схема тепасига табиат ва жамият тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан—коммунистик идеологиянинг назарий асоси бўлган марксизм-ленинизм бўлими қўйилган.

Бошқа классификация схемаларининг «умумий бўлим» деб аталадиган бўлимига мувофиқ келадиган универсал мазмундаги китоблар бўлими схеманинг охирига қўйилган.

Шундай қилиб, рус алфавитининг бош ҳарфлари билан белгиланган асосий бўлимлар қуйидаги қаторни ташкил этади:

А Марксизм-ленинизм

Б Умуман табииёт фанлари

В Физика-математика фанлари

Г Химия фанлари

Д Ер ҳақидаги фанлар

Е Биология фанлари

Ж./О техника. Техника фанлари

П Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалик фанлари

Р Соғлиқни сақлаш. Медицина фанлари

С Умуман ижтимоий фанлар

Т Тарих. Тарих фанлари

У Экономика. Экономика фанлари

Ф Коммунистик ва ишчи партиялар. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотлари

Х Давлат ва ҳуқуқ. Юридик фанлар

Ц Ҳарбий иш. Ҳарбий фанлар

Ч Фан. Маориф. Педагогика

Ш Филология фанлари. Бадиий адабиёт

Щ Санъат. Санъатшунослик.

Э Дин. Атеизм

Ю Фалсафа фанлари. Психология

Я Универсал мазмундаги адабиёт

Кутубхона-библиография классификациясининг партиявийлиги ва қатъий илмийлиги асосий класслар қаторини аниқлаш билангина тугамайди, албатта. Ҳар бир классни классификациялаш нуқтai назаридан ишлаб чиқиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, янги совет системаси бу жиҳатдан илгари тузилган барча классификациялардан тубдан фарқ қиласди. Кутубхона классификациясида тарихда биринчи бор илғор идеология — марксизм-ленинизм дунёкараши акс этди, бўлинмаларнинг мазмуни ва изчиллиги эса совет фанининг энг янги ютуқларига мувофиқ ҳолга келтирildи. Ҳар бир классни ишлаб чиқишига билимнинг тегишли соҳалари таниқли олимлари ва мутахассислари жалб қилинди. Масалан, китоблардан бирини — «Ер ҳақи-

даги фанлар» китобини тузишда география ва геодезия фанлари соҳасидаги 90 дан ортиқ олим, шу жумладан СССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари ва муҳбир аъзолари иштирок этдилар.

Кўрсатилган 28 та классдан ҳар бирининг шундан кейинги бўлиниши унинг ҳарфий белгисига ўнли индексларни қўшиш йўли билан бўлимларга ажратилади, масалан:

Г Химия

Г1 Умумий ва анерганик химия

Г11 Химиянинг асосий тушунчалари ва назариялари

Г111 Химиянинг асосий қонунлари

Г112 Атом-молекуляр назарияси

Г112.2 Химияда электрон назарияси

Кутубхона-библиография нашрларидан бирида барча бўлимларни деталлаштиришга мўлжалланган типовой бўлинмалар бор. Умумий типовой бўлинмаларнинг биринчи жадвалида марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари учун ва СССРнинг йўл-йўриқ кўрсатувчи ва директив материаллари учун рубрикалар тузиш назарда тутилади; улардан кейин умумий мавзу ҳамда масалаларга (методология, тарих, ташкилотга) доир адабиёт учун ва матбуот асарларининг шакли ҳамда кимларга мўлжалланганлигини характерловчи бўлинмалар (справка нашрлари, тўпламлар, дарсликлар, оммабоп нашрлар) келади. Худди шу китобда территорияларга тааллуқли типовой бўлинмаларнинг иккита жадвали келтирилган. Булардан биринчиси, асосан, табииёт фанларига, иккинчиси, социал-иқтисодий ва гуманитар фанлар бўлинмаларига мўлжалланган. Биринчи жадвалга физик-географик белги, иккинчи жадвалга маъмурий территориал белги асос қилиб олинган.

Умумий типовой бўлинмаларнинг жадваллари учун Рус алфавитининг кичик ҳарфларидан фойдаланилади, улар иккинчи белгидан бошлаб рақамлар билан тўлдирилади. Масалан:

в Фаннинг фалсафий масалалари. Фан методологияси

в01 Фаннинг предмети ва вазифалари

в02 Фаннинг партиявийлиги

в03 Реакцион назарияларни танқид. Ревизионизм танқиди

л Муассасалар ва ташкилотлар

л1 Академиялар

л2 Илмий тадқиқот институтлари

л61 Музейлар

л62 Кўргазмалар

л64 Заповедниклар

Территориал типовой бўлинмаларнинг ҳар иккала жадвали учун кичик қавсдаги рақамлар (ёки уларнинг ҳарфлар билан бирикмаси) хизмат қиласи, масалан (биринчи жадвал):

(О) Ер шари. Барча мамлакатлар

- (2) СССР
- (2Р) РСФСР
- (3) Умуман чет мамлакатлар
- (4) Европа
- (44) Марказий Европа
- (44А) Австрия

Жуда күп соҳали бўлимларда махсус типовой бўлинмалар (аналитик бўлинмалар) назарда тутилганки, улар батафсил классификация қилиш имкониятини анча кўпайтиради.

Қабул қилингандан индекслаш янги классификациянинг энг қулагай томонидир. Асосий классларни ва умумий типовой бўлинмаларни ифодалаш учун қўлланилган рус алфавити ҳарфлари схемадан миллий республикалар кутубхоналарида фойдаланишда қийинчилик туғдиради. Индексларни типовой бўлинмалар билан қўшиш усули ҳам ортиқча даражада мураккаблаштириб юборилган. Кўпгина практик ходимлар томонидан рус алфавити ҳарфларини рақамлар билан алмаштириб, индекслашни содлаштириш таклифи илгари сурилди. Эҳтимол, схема устида олиб борилаётган ишни тугаллаш вақтида бундай ўзгартиш киритилар.

СССР Маданият министрлиги коллегияси 1965 йил нояброда кутубхона-библиография классификациясининг биринчи нашрини кутубхоналарнинг иш практикасига жорий этиш ҳамда классификациялашнинг қисқартирган вариантларини тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси, М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат ҳалқ кутубхонаси, СССР Фанлар Академияси кутубхонасининг ва Бутуниттироқ китоб палатасининг катта иши қайд қилиб ўтилди; буларнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари натижасида биринчи бор марксча-ленинча методология асосида совет кутубхона-библиография классификацияси яратилди, у энг йирик кутубхоналарда каталогларни илмий асосда ташкил этишга, китоб фонdlаридан фойдаланишга ҳамда китобни кенг пропаганда қилишга имкон беради.

Коллегия янги классификацияни йирик илмий кутубхоналар практикасига жорий этишини тавсия этди ҳамда классификациини тузишда иштирок этган кутубхоналарга яқин йилларда облости кутубхоналари ва оммавий кутубхоналар учун ҳамда қисқартирилган вариантлар классификацияни қўлланишга доир методик қўлланма ишлаб чиқиши, шунингдек жадвалларга доир қўшимчалар ва ўзгартишларни системали равишда нашр этиб туришни ташкил этиш вазифасини топшириди.

Қарорда янги классификацияни маданият институтларида ўқитиши зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилади. Коллегия СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот ишлари комитетига чиқаётган адабийётни 1967 йил январидан эътиборан янги жадваллар бўйича марказлаштирилган классификация қилишни амалга

ошириш ҳақидаги илтимос билан мурожаат қилди. Шунингдек, СССР Маданият министрлиги ҳузурида классификациялаш Кенгаш түзиш белгилаб қўйилди; Кенгаш зиммасига кутубхона-билиография классификациясининг ҳар хил вариантиларини хилма-хил кутубхоналарда қўлланишни бир-бирига мувофиқ-лаштириш вазифаси юкланган эди.

Шундай қилиб, янги классификация ва унинг қисқартирилган вариантилари тузилгандан кейин системали каталоглар ҳамда фондларни жойлаштириш учун мамлакатимиз кутубхоналарида ҳозир фойдаланилаётган классификация схемаларини яқин вақтда янги совет классификация схемаси билан алмаштиришдан иборат улкан иш турибди.

СССР да билиография классификацияси Библиографик классификацияга ҳам ҳақ-ли суратда алоҳида эътибор берилади. СССР да билиографик нашрлар система-масининг ташкил этилиши мазмуни ва вазифасига кўра ҳар хил билиографик кўрсаткичлар түзишга имкон берадиган класси-фикация схемаларига эҳтиёж туғдирди.

Жорий қайд қилиш билиография нашрларининг кўпчили-гига Бутуниттироқ китоб палатасининг умумий классификация схемасидан фойдаланилади. Бу схема марксизм-ленинизм, КПСС ва ВЛҚСМ бўлимлари билан бошланади. Улардан кейин ижти-моий фанлар, табиатшунослик, техника ва қишлоқ хўжалик бў-лимлари, соғлиқни сақлаш ва медицина, маданият, тилшунослик, адабиёт ва санъат бўлимлари келади, китобшунослик ва умумий характердаги справочниклар бўлимлари билан тугайди. Схемада ҳаммаси бўлиб 31 та бўлим бор; улар рим рақамлари билан, бўлимчалар эса араб рақамлари билан ҳамда янада кичикроқ бўлинмалар рус алфавитининг кичик ҳарфлари билан ифодалан-ган.

Схема матбуотда босилиб чиқаётган билимининг айрим соҳа-ларига оид адабиёт номларининг тахминий ўртача сонига муво-фиқ равишда деталлаштирилган. Масалан, ижтимоий фанлар учун 11 та асосий бўлим назарда тутилган, техника бўлимида 14 та бўлимча ва қарийиб 70 та бўлинма бор; айрим бўли-мларда эса икки-учта бўлимча бўлиб, улар шундан бошқа бўлин-маларга бўлинмаган.

Бутуниттироқ китоб палатаси китоблар, шунингдек, журнал ва газета мақолалари билиографиясида фойдаланиладиган ана шу асосий схема билан бир қаторда матбуот асарларининг маҳсус турлари: нота — музикага оид адабиёт, бадиий графикага, гео-графияга доир адабиёт учун алоҳида схемалар қўлланади. Асосий схема ва матбуот асарларининг алоҳида турлари схемасидан қис-ман кутубхоначилик практикасида, масалан, ҳар хил картотека-лар түзишда, баъзан эса айрим фондлар (нота—музикага доир адабиёт, карталар) ташкил этишда фойдаланилади.

Тарих, экономика, техника соҳалари, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар бўйича тармоқ билиографияларини нашр этувчи

ташкилотлар ҳам мукаммал классификация схемалари тузадилар. Тегишли мутахассисликлар кутубхоналари гоҳо улардан маҳсус схемалар тузиш ҳамда журнал мақолалари картотекалари тузиш учун материал сифатида фойдаланадилар.

Кутубхоначилик практикасида библиография схемаларидан қисман фойдаланиши кутубхона ва библиография классификациялари жуда кўп умумий хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлайди. Кутубхона ва библиография муассасаларининг куч-гайратини бирлаштириш матбуот асарлари илмий классификациясини муваффақиятли ишлаб чиқишининг зарур шартидир.

Машина техникасидан фойдаланиб классифи- кациялаш проблемаси

Кутубхона классификациясининг кўриб чиқилган барча схемалари, шу жумладан ҳозир ишлаб чиқилаётган совет кутубхона классификация схемаси ҳам карточка ҳамда босма каталогарининг қатъий қарор топган формаларидан фойдаланишга, шунингдек китобларни полкаларга системали жойлаштиришга мўлжалланган. Сўнгги йилларда СССРда ва чет элларда механизациялаштирилган усулда ахборот излашда энг янги замонавий техникадан фойдаланиш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқотларнинг натижалари ҳозирча аниқ хулоса чиқариш учун кифоя қўлмайди, бироқ ҳозирги классификация схемаларидан биронтаси ҳам матбуот асарларини кодлаш ҳамда шундан кейин механизациялашган усулда излаш учун яроқли бўлмайди, деб тахмин қилиш мумкин. Ҳозир қўлланилаётган классификация схемалари учун ҳал қилювчи аҳамиятга эга бўлган кўп масалалар (масалан, асосий бўлимларнинг мантиқий қатори, бўлинмаларининг изчиллиги ва ҳоказолар) машина техникасига асосланадиган ахборот излаш учун унчалик мұхим эмас. Айни вақтда механизациялаштирилган усулда ахборот излаш системали каталогда фойдаланиладиган классификация учун аҳамиятли бўлмаган янги проблемаларни илгари суради.

Классификация қилиш ва ахборот излаш системалари яратиш проблемалари ҳозирги вақтда кўп мамлакатларда ишлаб чиқилмоқда. Халқаро миқёсда бу проблемалар Халқаро ҳужжатлар федерациясининг иш планида турнбди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда замонавий излаш системалари проблемалари Бутуниттифоқ илмий ва техника ахбороти институти (ВИНИТИ) томонидан тадқиқ қилинмоқда. 1964 йилда СССР Стандартлар, ўчловлар ва ўлчаш асбоблари Давлат комитети ҳузуррида Бутуниттифоқ техника ахбороти, классификация ва кодлаш илмий тадқиқот институти барпо этилди; институтнинг вазифаси матбуот асарларини ҳамда ҳужжатли материалларни (патентлар, стандартлар ва бошқаларни) классификация қилишининг умумий давлат системасини яратишдан иборат. Институт бу вазифани В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси, Давлат ҳалқ илмий-техника кутубхонаси ҳамда ВИНИТИ билан ўзаро ҳамкорликда ҳал этишга даъват қилинган.

Библиография ва кутубхона ишини механизациялаштириш соҳасидаги тадқиқотлар қандай суръатлар билан тараққий этишини олдиндан айтиш қийин. Фақат шуни ишонч билан айтиш мумкинки, системали каталоглар ҳозирги босқичда фондда муайян мазмундаги матбуот асарларининг мавжудлиги ҳақида китобхонларга ахборот бера оладиган асосий манба бўлиб қолаётир. Шу сабабли илмий жиҳатдан асосслаб берилган ва амалда қўлланишга қулай кутубхона классификация схемасининг мавжудлиги китобхонларга кутубхона хизмати кўрсатишни планли ташкил этишнинг энг муҳим шартидир.

МАТБУОТ АСАРЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШНИНГ УМУМИЙ МЕТОДИКАСИ

Классификациялаш жараёни.— Классификациялашга қўйиладиган асосий талаблар.— Классификациялашнинг биринчи босқичи — китобни таҳлил қилиш.— Классификациялашнинг иккинчи босқичи — қарор қабул қилиш.— Классификациялашнинг учинчи босқичи — индекслаш.

Классификациялаш жараёни

Кутубхона классификацияси схемаси системали каталогнинг ва китобларни полкаларга системали жойлаштиришнинг мантиқий плани бўлиб хизмат қиласди. Унинг рубрикаларига, рубрикаларнинг схемадаги изчиллигига мувофиқ равишда схемада каталог ва токчаларда тегишли билим соҳаларининг бўлимлари ҳамда бўлинмалари ҳосил этилади. Бўлим ва бўлинмалар системали каталогда мазмунан билимнинг ана шу соҳаларига тегишли матбуот асарларининг тасвирлари билан тўлдирилади. Мободо кутубхона ўз фондини системали жойлаштириш усулини қўлланадиган бўлса, китоблар, токчаларга худди ана шу тартибда жойлаштирилади.

Кутубхоначи матбуот асарларини ва уларнинг тасвирларини бу тарзда группаларга ажратиш учун ҳар бир асар билан танишиб чиқиши, унинг мазмунни билимнинг қайси соҳасига тегишли эканлигини, қандай китобхонга мўлжалланганлигини ҳамда хусусан қандай масалани ўрганаётганда керак бўлишини аниқлаши, ишҳоят бу асарнинг муайян бўлимга тегишилиги ҳақида бир фикрга келиши лозим. Кутубхоначининг бу иши *классификациялаш жараёни* деб аталади.

Матбуот асарларини классификациялаш жараёни фақат кутубхона ишидагина расм бўлаётгани йўқ. Бу библиографнинг системалаштирилган библиографик кўрсаткичлар тайёрлаш вақтидаги ишининг ажралмас қисмини ташкил этади, классификациялаш жараёнидан китоб савдоши ишида, нашриётларнинг тематик проспектларини ҳамда планларини ишлаб чиқишида ва бошқаларда фойдаланилади. Равшонки, бу жараён қаерда ва қандай мақсад учун амалга оширилаётганига боғлиқ ҳолда, алоҳида хусусиятлар касб этади, бироқ унинг асосий мазмунни ўз гармай қолаверади

Системали каталог тузиш учун ҳам, китоб фондини системали тартибда жойлаштириш учун ҳам классификация жараёнини бажарыш кутубхонасидан билимнинг ҳар хил соҳалари асосий проблематикасини яхши билишни, муайян кутубхонанинг вазифаларини аниқ тушунишни ва бу ишнинг методларини эгаллаб олишни талаб қиласди. Матбуот асарларини билимнинг ҳар хил соҳалари бўлимлари бўйича пухта ўйлаб тўғри тақсимлаш имконини берувчи барча ишларнинг бутун мажмуюи матбуот асарларини классификациялаш методикаси ўрганадиган мавзуни ташкил этади.

Билимнинг муайян соҳасига кирадиган матбуот асарларини классификациялаш жараёнида кутубхоначилар олдида кўпинча муайян тематикадаги асарларнигина классификациялаш учун муҳим масалалар келиб чиқади. Масалан, тарихий адабиётни классификация қилинар экан, асарни муайян бўлимга киритишида мазмуннинг қайси томонига кўпроқ эътибор бериш керак — территориягами ёки давргами деган масалани ҳал қилишга тўғри келади. Техникага доир адабиётни классификациялашда бошқача характердаги масалалар, яъни группаларга ажратишига технологик жараёни (масалан, металларни кавшарлаш ёки уларга термик ишлов беришни) асос қилиб олиш керакми ёки ишлаб чиқаришнинг ана шу жараёни қўлланиш асарнинг мазмунини ташкил этадиган тармогини (масалан, кемасозликда металларни кавшарлашни) асос қилиб олиш керакми деган масала юзага келади. Шу муносабат билан матбуот асарларини классификациялаш методикаси билимнинг барча соҳаларига оид матбуот асарларини классификациялашда мажбурий бўлган жуда умумий методларни текширадиган умумий ва конкрет соҳага доир адабиётни классификациялашнинг алоҳида методларини белгилаб берувчи жузъий методикага бўлинади. Мазкур бобда умумий методика масалалари қараб чиқилади.

Классификациялаш жараёни ишнинг уч асосий босқинчни ўз ичига олади. Биринчи босқич — *асарни таҳлил қилиш*, унинг мазмунни билан яхшилаб танишиш; иккинчи босқич — асарни муайян бўлимга киритиш ҳақида бир фикрга келиш, учинчى босқич — *индекслаш*, яъни қабул қилинган қарорни китобларнинг токчадаги ўрнини кўрсатадиган индекслар тарзида (китобларни токчаларга системали жойлаштиришдан фойдаланилганда) ва системали каталогда каталог карточкалари тарзида расмийлаштириш.

Кўрсатилган иш босқичларидан ҳар бирининг мазмуни ва бажарплиш изчилиги мазкур бобда қараб чиқилган. Унда асосий диққат-эътибор кутубхона фондларининг асосий қисмини ташкил этувчи китобларни классификациялашга қаратилади. Аналитик классификация жараёнида тузиладиган карточкаларни индекслар билан расмийлаштириш алоҳида қараб чиқилган. Матбуот асарларининг айрим қисмларини классификациялашин анализтик классификация деб аталади; асарларнинг бу қисмларни ўз аҳамияти ва илмий қийматига кўра, ҳар хил библиографик

нашрларда ва маҳсус картотекаларда мустақил суратда акс эттиришга лойиқ бўлади. Масалан, тўпламлардан ва асарларнинг томларидан олинган мақолалар, вақтли нашрларда институтларнинг «Илмий ахборот»ларида, «Асарлар»ида ва бошқаларда босилган мақола ҳамда материаллар кўпинча ана шундай класификация қилинади.

Классификациялашга қўйиладиган асосий талаблар

Матбуот асарларини классификациялаш мантиқий жараён бўлиб, уни расмий схемага, бир қолипга солинган қоидалар йиғиндишига бўйсундириб бўлмайди. Битта тематиканинг ўзига оид китоблар хилма-хил турдаги кутубхоналарда кутубхонанинг вазифаларига, фонди ва ҳажми характерига, китобхонларнинг составига қараб турлича классификация қилиниши мумкин. Шу сабабли даставвал бу ишнинг асослари билан танишиб чиқиш, кутубхона фондини тўғри ва амалда самарали классификациялаш имконини берувчи талабларни аниқлаб олиш зарур.

Системали каталог учун ва китобларни токчаларга жойлаштириш учун классификациялаш Асосий талаблардан бири — классификациялаш жараёнининг хусусиятларини, яъни шу жараённинг мақсадларига баглиқ хусусиятларини аниқ тушунишdir. Матбуот асарларини системали каталогда, библиографик картотекаларда ва кўрсаткичларда акс эттириши мақсадида классификациялаш китобларни полкаларга системали жойлаштириш учун классификациялашдан кўп жиҳатдан фарқ қиласди.

Биринчи фарқ шундаки, матбуот асарлари мазмунига ҳамда китобхонлар учун аҳамиятига кўра айни бир вақтда иккι ёки ундан кўп бўлимларга алоқадор бўлса, уларни системали каталогда, библиографик кўрсаткичлар ва картотекаларда ҳар томонлама акс эттиришга эришса бўлади. Масалан, М. И. Қалинишининг «Коммунистик тарбия ва ҳарбий бурч ҳақида» (1962 йил) деган нутқлар ҳамда мақолалар тўплами мазмунига кўра *Коммунистик ахлоқ*. *Коммунистик тарбия* бўлимига ва СССР *Қуролли Кучларида партияий-сиёсий иш* бўлимига баб-бара-вар тааллуқлиидир. Каталогда ва библиографияда бу китобнинг тасвирини ҳар иккала бўлимга жойлаштириш мумкин. Бир асарни бундай ҳар томонлама очиб бериш имконияти *такрор акс эттириши методи деб юритилади*.

Китобларни токчаларга системали жойлаштириш учун классификациялашда ўзгача ҳол юзага келади. Китобнинг мазмунни қанчалик мураккаб бўлмасин, у токчалардан фақат битта муайян ўринин олиши мумкин¹. Шу муюносабат билан бундай китобларни классификациялашда қутубхоначи! китоб асос эътибори

¹ Китобхонларнинг токчалар ёнига бориб мустақил равишда китоб танланнига имкон берган кутубхоналар Маркс, Энгельс ва Ленин асарлари, шунингдек энг муҳим партияий ҳужжатлар хусусида жойлаштиришнинг бу қоидасига қисман тузатиш киритади. Бу ҳақда 8-бобга қаралсин.

билингвальдик алоқадорлигини аниқлаши керак. Системали каталогда акс эттириш учун бу масала амалий аҳамиятга эга эмас.

Иккинчи фарқ системали каталогда ва библиографик картотекаларда *аналитик классификация* методини қўлланишдан, яъни аналитик тасвиirlар ёрдамида ҳар хил бўлимларда китобларнинг (мақолаларнинг, баъзан айrim бобларнинг) энг муҳим қисмларини акс эттиришдан иборат.

Учинчидан фарқ *бўлинмаларнинг майдалик даражаси* ҳақида-ги масала билан боғлиқdir. Китобхон системали каталогдан муайян, гоҳо жуда бир ёқлама ва маҳсус масалага оид адабиётни қидирап экан, бу адабиётнинг ҳаммасини, гарчи бундай адабиёт оз бўлса-да, алоҳида бўлинмада акс эттирилишидан манфаатдордир. Каталогнинг мукаммал классификацияси керакли асарларни қидириб топишни осонлаштиради, китобхонни билимнинг худди шу соҳасига тааллуқли бошқа масалаларга оид асарларнииг тасвиirlарини қараб чиқиш заруратидан қутқаради.

Китобларни токчаларга жойлаштиришда бўлинмаларни ҳаддан ташқари майдалаштириб юбориш анчагина амалий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Майдада бўлинмалар одатда кўп жой оладиган индексларга эга бўлиб, уларни китобларнинг корешокларига жойлаштириш қийин. Китобларни жойлаштириш вақтида бу индексларнинг аралашиб кетиши осон бўлиб, натижада китоблар ўзининг тегишли бўлимига киритилмай қолади. Бўлимларни деталлаштиришда олинадиган янги китобларни киритиб қўйиш учун майдада бўлинмалар ўртасида кўп миқдорда бўш оралиқлар қолдиришга тўғри келади, бу эса китоб омборининг фойдали майдонидан норационал фойдаланилишига сабаб бўлади.

Буларнинг ҳаммаси китобларни токчаларга жойлаштиришда бўлинмаларини ҳаддан ташқари майдалаштириб юборилишидан қочишни ва китобларни тор жузъий масалалар бўйича тематикаси кенгроқ бўлимларда бирлаштиришни талаб қилади. Масалан, тўқимачилик корхоналари бўлмаган районларда жойлашган оммавий кутубхоналар токчаларда 6П9.2 *Тўқимачилик ишлаб чиқарииши* бўлимини ташкил этар эканлар, жадвалларда бу саноатнинг айrim тармоқлари (ип-газлама, жун ишлаб чиқариш ва бошқалар) учун назарда тутилган индекслардан фойдаланмасликлари ҳамда бу масалаларга оид китобларни 6П9.2 Умумий бўлимига жойлаштиришлари мумкин. Аммо системали каталогда шу китоблар ўз мазмунига мувофиқ равишда 6П9.21 *Ип-газлама ишлаб чиқарииши*, 6П9.22 *Луб толаси технологияси* ва 6П9.23 *Жун ишлаб чиқарииши* бўлимчаларнида акс эттирилади. Область кутубхоналари учун мўлжалланган жадвалларда майдада бўлимлар сони оммавий кутубхоналар учун мўлжалланган жадваллардаги майдада бўлимлар сонидан кўпроқ, бинобарни ҳозир кўрсатиб ўтилган бўлимчаларнинг ҳар бирни баъзан ўн-ўн иккита бўлинмани ўз ичига олади.

Область кутубхонаси каталогида бўлинмаларни майдалаштириб юбориш ўзини оқлаган, бироқ токчаларда китобларни асосий бўлимчаларда бирлаштириш (яъни 6П9.21, 6П9.22 ва бошқа индекслар остида бирлаштириш) билан чекланиш яхши натижа беради.

Айтилганларнинг ҳаммасидан, системали каталогда такрор гкс эттириш ва аналитик классификация методларидан фойдаланиш, шунингдек каталог бўлимларини батафсил деталлаштириш кутубхона фонди мазмунини чукурроқ ҳамда ҳар томонлама ёрнишга имкон беради, деган хуласа чиқариш лозим. Айни вақтда кутубхоначи қўлдан ўtkазиладиган материалларни дифференциация қилиб олиши кўрсатилган методларни даставал каталогда кенг пропаганда қилишга лойиқ бўлган энг муҳим асарларни классификациялашда қўлланиши лозим.

**Классификациянинг
партиявийлиги. Мат-
буот асарларининг ғоя-
вий ва илмий қиймати-
ни ҳисобга олиш**

Матбуот асарларини мазмунига қараб классификациялаш, системали каталог тузиш совет кутубхонаси оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишининг ажralmas қисмидир. Матбуот асарларини классификация қилаётган кутубхоначи китобни кутубхона йўли билан пропаганда қилишнинг партиявиийлик принципига амал қилиши, китобхонларда меҳнаткашларнинг илфор дунёкараши бўлган коммунистик идеологиянинг таркиб топишига ёрдам берини лозим.

Классификациялаш жараёнида асарларнинг тематикасигагина асосланиб қолмай, балки асарларнинг ғоявий ва илмий қийматини ҳам ҳисобга олиш лозим. Партия съездларининг ва Марказий Комитет пленумларининг қарорлари, партия ҳамда ҳукуматнинг қарорлари, марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, жаҳон фани классикларининг ғоят муҳим сиёсий ва илмий аҳамиятга эга бўлган асарлари системали каталогда асосли равища очиб беришни талаб қиласди. Бу асарлардан кўпчилиги, китобхонларга турли масалаларни ўрганиш вақтида манба бўлиб хизмат қиласди ва улар бир вақтнинг ўзида каталогнинг бир неча бўлимида акс эттирилмоғи лозим.

Мисол тариқасида К. Маркснинг «Францияда гражданлар уруши» деган асарини келтирамиз; унда Париж коммунасининг тарихий аҳамияти кўрсатиб берилган, пролетариат диктатураси тўғрисидаги ва капиталистик давлатнинг янги типдаги давлат, пролетар давлати билан алмашинуву тўғрисидаги таълимотнинг энг муҳим қондалари таърифлаб берилган. Ғоят муҳим ғоявий мазмунига эга бўлиб, марксча-ленинча назариянинг бош манбаларидан ҳисобланган бу асар системали каталогда фақат Париж коммунаси тарихи бўлимидағина эмас, балки давлат назарияси ва пролетариат спийфий кураши бўлиmlарида ҳам акс эттирилиши керак. Бундан ташқари К. Маркснинг барча асарлари совет кутубхоналарида қабул қилинган методикага мувофиқ уларнинг мазмунидан қатъий пазар, марксизм-ленинизм

асосчиларининг асарлари деган маҳсус бўлимда бирлаштирилади¹.

Худди шу мавзуни баён этадиган, бироқ биринчи манба аҳамиятига эга бўлмаган китобларга келганда бошқача қарор қабул қилинмоғи лозим. Масалан, Париж коммунаси тарихига багишланган ҳар бир совет китобида шубҳасиз, пролетариат диктатураси тўғрисидаги, пролетариат давлати тузиш тўғрисидаги, Париж коммунаси даврида вужудга келган пролетариат синфий курашининг янги даври тўғрисидаги марксистик қондалар ҳам ёритилади. Лекин барча бундай китобларни уларнинг асосий мавзуга мувофиқ равишдагина, яъни тарих бўлимидағина акс эттириш кифоядир. Худди шу сабабдан К. Маркснинг «Францияда гражданлар уруши» асарини ўрганиш учун қўлланма бўлган китобни, гарчи унда мазкур асарнинг барча асосий қондалари ёртилган бўлса-да, каталогнинг К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларпга шарҳлар тўпланган бўлимидағина акс эттириш кифоядир.

Китобда асосий мавзу билан бир қаторда йўл-йўлакай бошқа мавзулар акс эттирилган холларда тақрор акс эттириш методини қўлланиш ҳам яхши натижа бермайди. Чунончи, электротехникага доир оммабоп китобларнинг дастлабки бобларнда қўпинча электрнинг табиати ҳақидаги оддий маълумотлар баёни қилинган бўлади; бирон-бир ишлаб чиқаришнинг химиявий технологиясини ёритувчи китобларда химияга доир қисқа маълумотлар келтирилади ва ҳоказо. Бу китобларни улар бевосита алоқадор бўлган техника бўлиmlаридан ташқари яна табиатшуносликнинг тегишли бўлиmlарида ҳам акс эттириш хато бўлур эди: бундай кириш бўлиmlари мустақил аҳамиятга эга бўлмай, китобнинг асосий мавзуини баён қилишга доир қисқа муқаддима бўлиб хизмат қиласди, холос.

Китобнинг гоявий ва имлый қийматини ҳисобга олиш аналитик классификация методи билан акс эттиришга арзийдиган айрим қисмларнинг мазмунини очишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, жуда кўп энг муҳим цартиявий хужжатлар, ҳукуматнинг фармон ва қарорлари, КПСС Марказий Комитети Пленумларида ҳамда Олий Совет сессияларида килинган докладлар, маҳаллий партия ва совет органларнинг қарорлари фақат вақтли матбуотда ёки тўпламлarda босилиб чиқади. Аналитик классификация методини қўлланиб, уларни системали каталогнинг тегишли бўлиmlарида акс эттириш лозим.

**Классификацияни про-
филлаштириш. Кутуб-
хонанинг хусусиятла-
рини ҳисобга олиш**

китобхонларининг составини ҳам ҳисобга олиш муҳимdir. Кутубхонанинг хусусиятларини ҳисобга олиш область, район, қишлоқ

Матбуот асарларини классификациялашда муайян кутубхонанинг хусусиятларини, унинг типи ва турини, у жойлашган районнинг қайси соҳага ихтисослашганлигини, фонднинг ҳажми ҳамда мазмунини,

¹ 8- бобга қаралсии.

кутубхоналарида, болалар кутубхоналарида, илмий, маҳсус кутубхоналарда ва бошқа кутубхоналарда фойдаланиш учун мўлжалланган классификация жадвалларини танлашда қисман аниқлаб олинган. Бироқ кутубхонанинг тип ёки тур жиҳатдан бирон группага мансублиги унинг барча хусусиятларини қамраб ололмайди. Масалан, район кутубхонаси фонди 10—15 минг китобдан, баъзан эса 50—60 минг китобдан иборат бўлади. Кутубхона қишлоқ ёки саноат районида жойлашган бўлиши мумкин. Дехқончилик районларидағи район ва қишлоқ кутубхоналари нинг фондлари мазмун жиҳатидан чорвачилик районларидаги кутубхоналар фондларидан тубдан фарқ қиласди. Тўқи-мачилик саноати корхоналари жойлашган райондаги кутубхоналарда ишлаб чиқаришнинг ана шу соҳасига тегишли адабиёт айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Бўларниң ҳаммаси фондни классификациялашга таъсир этиди. Фондда кенг кўламда берилган адабиётни кутубхоначи анча батафсил классификация қиласди системалик каталогда, қисман эса токчаларда ҳам майда бўлинмалар ҳосил қиласди. Кутубхона ҳизмат кўрсатадиган китобхонларниң асосий группаларида (масалан, уларниң ишлаб чиқариш фаолияти характерига кўра) катта қизиқиши уйғотувчи китобларга нисбатан такрор акс эттириш ва аналитик классификация методлари кенг қўлланади.

Классификациялаш жараёнининг кутубхонанинг иш шароитига ҳамда вазифаларига bogлиқлиги бу жараёнга бир хиллик киритишни талаб қиласди. Айни бир китобни турлича классификациялаш мумкинлиги классификация қилишда тасодифий, етарлича асослаб берилмаган қарорга келиш хавфини туғдиради. Ҳар хил турдаги аниқлагичларни бир хилда қўлланмаслик ҳам улардан фойдаланишдаги бир хилликка пуртур етказиши мумкин. Китобларни токчаларга жойлаштириш учун ва системалик каталог учун қўлланиладиган майда бўлинмаларниң ҳар хил даражаси ишда жуда аниқликни ва бир хилликни талаб қиласди, муайян планга амал қилмай турлиб, бунга эришиб бўлмайди.

**Жадвалларни
аниқлаб олиш** Классификация жараёнини бир хил килиб ўтказишнинг энг муҳим шарти жадвалларни муайян кутубхонанинг эҳтиёжларига татбиқсан олдиндан *аниқлаб олишидир*.

Муайян типдаги кутубхоналарда фойдаланиш учун мўлжалланган жадваллар кутубхонанинг фонди ҳамда вазифаларига мувофиқ равишда конкретлаштирилган бўлиши лозим. Айрим майда рубрикалар мазкур тематикага доир адабиёт фондда нисбатан озгина номда берилганини ва ортиқча деталлаштиришга зарурат бўлмаганини учун ортиқчалик қилиб қолиши мумкин. Бошқа ҳолларда, аксинча, жадвалларда келтирилган деталлаштириш етарли бўлмайди ва кутубхоначи жадвални янги бўлинмалар билан тўлдириш яхши натижа беради, деган қарорга келади. Масалан, баъзи бир катта оммавий кутубхона-

ларда область кутубхоналари учун жадвалларда келтирилган рубрикалардан гоҳо қисман фойдаланиш дурустгина самара беради.

Жадвалларнинг барча нашрларида умумий ва маҳсус ақиқлагичларнинг мавжудлиги ҳам асосий жадваллар текстидаги назарда тутилмаган керакли бўлинмалар тузиш имконини беради. Кутубхона фондига ҳар хил вақтларда келтириладиган китобларни классификациялашда бир хилликка риоя қилиш учун кутубхоначи илгарироқ келтирилга¹ китобларни классификациялаш пайтида жадвалларда қандай қисқартишлар қилингандиги ёки уларга қўшимчалар киритилгандигини билиши зарур. Бунга жадвалларни аниқлаб олиш, яъни киритилган барча тузатишларни уларда акс эттириш йўли билан эришилади.

Кутубхоначи жадвалларни аниқлаётib:

а) асосий жадвалларнинг қайси рубрикалардан китобларни жойлаштириш учун ва системали каталог учун бир вақтда фойдаланилишини ҳамда қайсилари фақат системали каталог учун фойдаланилишини;

б) қайси рубрикаларнинг ортиқчалигини ва улардаки умуман фойдаланилмаслигини;

в) жадвалларга, шу жумладан аниқлагичлар ёрдамида тузилган жадвалларга қандай қўшимча рубрикалар киритилиши лозимлигини белгилаб олиши лозим.

Қўрсатиб ўтилган аниқлаб олиш усулларидан айримларини бевосита жадваллар текстидаги белгилаб қўйиш, масалан, системали каталог учунгина фойдаланиладиган рубрикаларга «ИЧ» (индексдан чап томонга) белгисини қўйиш фойдаланилмаган рубрикаларнинг индексларини қалам билан ўчириб қўйиш мумкин ва ҳоказо. Янги киритилган қўшимча рубрикалар учун жадвалларнинг тегишли саҳифаларидағи корешокка энсиз тоза қоғоз варақча ёпиштириш ва уларга белгиланган рубрикаларни ёзиб қўйиш, яхши натижга беради. Жадвалларнинг саҳифаларига ёпиштирилган варақчани шундай тўлдириш керакки, қўшимча рубрикалар қайси бўлимга киритиладиган бўлса, ўша бўлим рубрикаси билан ёнма-ён қўрсатиладиган бўлсин (9-расмга қаралсин).

**Методик қарорлар
карто текаси**

Баён қилиш характеристи, қандай китобхонларга мўлжаллангандиги, полиграфик жиҳатдан безатилиши ва бошқа белгилари

га кўра ўхшаш бўлган матбуот асарларига татбиқан классификациялаш методларининг бир хиллиги жадвалларни аниқлаб олиш сингари алоҳида аҳамиятга эга. Бу бир хилликка риоя қнлиш осон эмас, чунки ҳар хил билим соҳалари бўлимларига тегишли китоблар кўпинча ана шундай умумий белгиларга эга бўлади. Масалан, билимнинг кўп соҳалари бўлимларига спровоцик характеристидаги китоблар, библиографик қўрсаткичлар, йўл қўрсаткичлар, программалар, атласлар ва бошқалар учрайди.

Область кутубхоналари учун жадвалларда¹ муайян тематикадаги китобларни классификациялашнинг ҳар хил усуллариниң қўлланиш имконияти ҳақидаги кўрсатмалар кўп учрайди. Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот масалаларига доир адабиёт 1МИ. 5 бўлимига киритилади, бироқ ҳоҳиш бўлган пайтларда уни 34 индекси остида бирлаштириш мумкин; мамлакатшунослик библиографиясини 016:91 бўлимида ёки 015.9 индекси остида йигса бўлади; КПССнинг социалистик қурилишнинг хилма-хил соҳаларида раҳбарлиги масалаларига доир адабиётни тегишли соҳали бўлимларга киртиш тавсия этилади, аммо кутубхоналар бу адабиётни қўшимча равишда ЗКП.5 бўлимида ҳам акс эттиришлари мумкин.

Кўп ҳолларда кутубхона бирон-бир масалага доир адабиётни классификациялаш учун жадваллар тавсия этилган методдан фарқ қиласидан маҳсус методни қўлланиш мумкин. Масалан, педагогика институтларининг кутубхоналарида ўрта мактабда ўқитиш методикасига доир ҳамма адабиётни бўлимнинг ҳар хил соҳалари бўлимлари бўйича тақсимламасдан (жадвалларда шундай қилиш тавсия қилинади) 373 (070.2) индекси остида бирлаштириш яхши натижа беради. Бу бўлимни деталлаштириш учун муносабат аниқлагичидан фойдаланилса бўлади. Масалан, 51 (070.2) индекси ўрнига 373 (070.2):51, *Математика ўқитишга доир методик қўлланмалар*, 9(070.2) индекси ўрнига 373 (070.2):9 *Тарих ўқитишга доир методик қўлланмалар*.

Кўрсатиб ўтилган ва шуларга ўхшаш барча ҳолларда кутубхона қабул қилган қарорни ёзib қўйиш зарур. Бу мақсадда *методик қарорлар картотекаси* юритиш фойдалидир. Бу картотеканинг ҳар бир карточкасида кутубхона қарори билан қабул қилинган текст уни тушунтирувчи мисол билан берилади. Карточканинг сарлавҳасида қайси тема ёки масала юзасидан қарор қабул қилинса, ўша тема ёки масаланинг номи кўрсатилади, сўнгра шу мазмундаги китобларни классификация қилиш учун қабул қилинган усол қисқача таърифланади. Масалан, агар кутубхона ўрта мактабда ўқитишнинг юкорида кўрсатилган масалаларига доир материалларни классификация қилиш методидан фойдаланишин яхши натижа беради деб топса, мазкур кутубхонанинг методик қарорлар картотекасига кутубхоначининг кўйилдаги ёзуви ёзилган картотека киритилиши керак (10- расмга қаралсин).

Картотекага адабиётни турли бўлимларда классификация қилинаётган асарларда масаланинг қайси нуқтан назардан ёритилганлиги билан боғлиқ ҳолда, кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича ҳам классификация қилиш методлари кўрсатилган кар-

¹ Мазкур қўлланмада, алоҳида таъкидланган ҳоллардан ташқари, мисоллар «Область кутубхоналари учун кутубхона классификацияси жадваллари» (М. 1963) пашри асосида келтириллади.

| | | |
|--------|-----------|---|
| | 6П4.6-082 | 1. Кесиш асбоблари 2. Ўйиш асбоблари 3. Тиш очиш асбоблари 4. Фрезалар 5. Чўзадиган ва тешадиган асбоблар 6. Тешикларни ишлашда қўлланиладиган асбоблар (пармалар, зенкерлар, развёрткалар, йўниб кертиш асбоблари) |
| ИЧ | | 7. Абразив асбоб 8. Эговлар. Рашиллар 9. Арралар, дастарралар, қайчилар, омбурлар Токарлик иши ¹ |
| 6П4.61 | 61-03 | Токарлик ишини ташкил қилиш Токарликда ишлов бернишда қирқиши режимлари Жадал эговлаш ва куч билан эговлаш. Техника жиҳатидан нормалаштириш |
| | ·61-08 | Токарлик станоклари |
| | ·61-082 | Токарлик станокларини автоматлаштириш ва модернизация қилиш |
| | ·61-09 | Токарлик ишларида техника хавфсизлиги |
| | ·613 | Револьвер ва карусель станоклар |
| | ·615 | Токарлик автоматлари ва ярим автоматлар |
| 6П4.62 | | Бурама резьба ўйиш. Винт ясайдиган ва резъбага ишлов берадиган станоклар Токарлик-винт ясаш станоклари Резбани силлиқлаш станоклари |
| 6П4.63 | | Тиш кесиш ишлари Тиш кесиш станоклари ва улар учун мосламалар Тишни фрезерлаш. Тиш очиш ва тиш ўйини Тишни силлиқлаш |
| ИЧ | .634 | Тишни фрезерлаш |
| | .635 | Тиш очиш ва тиш ўйини |
| | .637 | Тишни силлиқлаш |
| 6П4.64 | | Фрезерлик иши * Тишни фрезерлаш-қаралсин: 6П4.634 * Резбани фрезерлаш-қаралсин: 6П4.62 |
| 6П4.65 | | Металларни рандалаш ва тешиш. Металларни чўзиш Рандалаш, тешиш ва чўзиш станоклари * Тиш очиш ва тиш ўйини-қаралсин: 6П4.635 |
| ИЧ | .651 | Рандалаш ва тешиш |
| | .653 | Чўзиш ва тешик очиш |
| 6П4.66 | | Тешикка ишлов бериш Тешикларга ишлов бериладиган пармалаш, йўниб ўйиш станоклари ва бошқа станоклар |
| ИЧ | .662 | Пармалаш |
| | .663 | Зенкерлаш (зенклаш, пековалаш) |
| | .665 | Тешикларни кенгайтириш |
| | .666 | Йўниб ишлаш |

¹ 6П4.6 бўлимнинг шундан кейинги барча бўлимларида аналитик аниқловчилар ёрдамида шунга ўхшаш бўлимлалар ёсила қилиниши мумкин.

6П4.61(083) Токарлик ишига оид справка китоблари

ИЧ 6П4.61-054 Токарлик цехларида завод ички транспорти

ИЧ 6П4.61-07 Токарлик ишини техника жиҳатидан назорат қилиш

ИЧ 6П4.64-07 Фрезерлик ишларини техника жиҳатдан назорат қилиш

6П4.64-08 Фрезерлик станоклари

6П4.64-09 Фрезерлик ишларида хавфсизлик техникаси

6П4.65-08 Тешабидиган ва чўзадиган рандалаш станоклари

аниқлаб олинган жадваллари. (Чапда—жадвалларининг бети. Ўнгда—ёнини тирилган қўшимчалар.)

Эчкалар қўшиб қўйиш самарали натижа беради (11-расмга қа алсин).

Бундай карточкалар уларнинг сарлавҳалари алфавити тар ибдида жойлаштирилади, бу кутубхоначига кутубхонага келти

Ўрта мактабда ўқитиш методикаси

1. Барча адабиёт, шу жумладан айрим фанларни ўқитиш масалаларига доир китоблар 373 (070.2) бўлимида тўпланади.
2. Системали каталогда ва токчаларда бу бўлимда муносабат аниқлагичи ёрдамида бўлинмалар ҳосил қилинади, масалан, 373(070.2): 51

Ўрта мактабда математика ўқитиш методикаси

10-расм.

Социализм ва коммунизм

1. Коммунистик жамият қурилиши, жамиятнинг коммунизм томон зафарли юриши масалаларига доир адабиёт 1МИ. 9 бўлимига киритилади.

2. Капитализмдан социализмга ўтиш жамият тарақ-қиётидаги алоҳида тарихий давр эканлиги ҳақидаги китоблар 1МИ. 52 бўлимига киритилади.

Шу даврнинг иқтисодий қонуниятлари текшириладиган китоблар 33.031 бўлимига киритилади.

3. Социализмнинг ўсиб коммунизмга ўтиш қонуниятлари ҳақидаги китоблар тегишли равишда 1МИ. 9 33.033 бўлимларига киритилади.

риладиган китобларни классификациялаш жараёнида қийициликлар вужудга келганды методик қарорлар картотекасига зарур маълумотни киритиб қўйиншга имкон беради.

Оммавий кутубхоналар оладиган аннотация ёзилган босма карточкалар комплектларига баъзан қарорнинг тавсия қилинадиган методлари кўрсатилган карточкалар киритиб қўйилади. Бу карточкаларни мазкур кутубхонанинг қаторлар картотекасига киритиш лозим; бундай вақтда картотекада келтирилган текстни кутубхонада қабул қилинган методика билан ва фойдаланиладиган жадвалларнинг индекслари билан олдиндан мувофиқлаштириб олиш керак.

Мисол учун методик қарорлар картотекаси учун босма карточкалар намунасини келтирамиз:

Болалар ёзувчилари

Болалар ёзувчилари ижодига доир китоблар адабиётшунослик бўлименинг тегишили бўлинмаларига киритилади ва қўшимча равишда 8Ю бўлимида акс эттирилади. Болалар адабиёти тарихи. Масалан: Борис Житков ижоди 8Р2+8Ю

Кутубхоначининг ёнгинасида унинг иш столи устида турадиган методик қарорлар картотекаси фойдаланиладиган классификация методларининг бир хиллигига риоя қилиншда катта ёрдам беради.

Классификациялашнинг биринчи босқичи— китобни таҳлил қилиш

Кутубхоначи китобни таҳлил қиласр экан, унинг ўз мазмун жиҳатидан билимнинг қайси соҳасига тегишили эканини белгилаши, унинг илмий ва гоявий қийматини ҳамда шунга ўхшаш мазмундаги китоблар қаторидаги нисбий аҳамиятини билиб олиши, уни китобхонга қандай масалаларни ўрганиш учун тавсия қилиш кераклигини аниқлаши лозим. Китобни системали каталогогда акс

эттириш ва унинг токчалардаги ўрнини аниқлаш учун китобнинг қандай китобхонларга мўлжалланганлигини ёритиш, баён шаклини, нашр турини, полиграфик жиҳатдан қандай безатилганлигини ва китобхон учун аҳамиятга эга бўлган бошқа хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Китоб билан бевосита танишиб чиққандагина бундай қилишга эришиш мумкин. Одатда китобнинг ўзини кўрмай туриб классификация қилиб бўлмайди. Ҳатто батафсил ва яхши тузилган аннотация ҳам китобхонга матбуот асарларини классификациялаш учун тўлиқ маълумот бермайди.

Китоб билан танишишда титул варагида келтирилган маълумотлар яхши натижа беради. Гарчи бу маълумотлар классификациялаш учун етарли бўлмаса-да, уларни эътиборсиз қолдирмаслик керак. Сарлавҳа ва сарлавҳа остидаги маълумотлар китобнинг мазмуни ҳамда унинг қандай китобхонларга мўлжалланганлиги ҳақида дастлабки, умумий тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Гоҳо китобларнинг мазмунини очиб бермайдиган сарлавҳалар (жумладан, илмий-оммабоп китобларнинг сарлавҳалари) учрайди, масалан: «Қўлга тушмас киши ҳақида ҳикоялар», «Ечишган жумбоқ» ва бошқалар; бундай сарлавҳалар китобхонларнинг диққатини жалб қилиш, уларни қизиқтириш мақсадида қўйилгандир.

Китобнинг мазмунини ва айниқса илмий қийматини аниқлашга қўпинча авторнинг номи ёрдам беради. Агар автор фан классиги ёки билимнинг муайян соҳасидаги асарлари билан машҳур йирик олим бўлса, китоб системали каталогда чуқуроқ очиб берилиши, унинг мазмуни ҳар хил нуқтаи назардан акс эттирилиши мумкин, чунки у ҳар хил масалаларни ўрганишда аҳамиятга эгадир.

Китоб характеристикаси учун китобни чиқарган нашриётнинг қайси соҳага ихтинослашганлиги, туркумнинг кўрсатилиши, сарлавҳа тенасиғдаги маълумотлар ҳам аҳамиятга эгадир. Сўз боши ва нашриёт аннотациясида қимматли маълумотлар бўлади, чунки одатда уларда китобнинг темаси ва қандай китобхонларга мўлжалланганлиги очиб берилган бўлади.

Бироқ бу маълумотларнинг барчаси китобнинг мазмуни ҳақида дастлабки умумий тушунча беради, холос. Кутубхоначи бутун текстни синчилаб кўздан кечириб чиқиши асосидагина узил-кесил бир хулоса чиқара олади. Китоб мазмуни билан ғиз танишиб чиқиши ҳамда уни классификациялаш учун зарур бўлган барча маълумотларни аниқлай олиш маҳоратига бирданига эришиб бўлмайди, бу иш амалий малакага эга бўлишни талаб этади. Дастлабки пайтларда китоб билан танишиш, айниқса унинг ҳажми катта ва тематик жиҳатдан мураккаб бўлса, кўп вақт сарфлашни талаб қиласди. Узоқ вақт давомида тўпланган тажрибагина кутубхоначининг классификация қилинаётган китоблар мазмунини уларни кўздан кечириш йўли билан тўғри аниқлай олишига имкон беради.

Кутубхоначига унча таниш бўлмаган масала ва мавзулар ёритиб бериладиган китоблар таҳлил қилинаётган энциклопедиялардан, лугатлар ва справочниклардан кенг фойдаланиш зарур; улар тушунарсиз терминларни, тарихий воқеалар санасини аниқлаб олишга, ёритилаётган масала билимнинг қайси соҳасига тегишли эканлигини белгилаб олишга ёрдам беради ва ҳоказо.

Кутубхоначининг ҳар хил масала ва темаларга оид китобларни классификация қилишига тўғри келади, шу сабабли у етарлича кенг сиёсий ҳамда илмий савияга эга бўлиши, вақтли матбуотда ёртилиб турадиган янги илмий фактлар билан қизиқиши, ижтимоий ҳаёт, фан ва техника, адабиёт ҳамда санъат соҳасида ги сўнгги воқеалардан ҳамиша хабардор бўлиб бориши лозим.

Айни вақтда ниҳоятда хилма-хил тематикадаги китоблар мазмуни билан доимий равишда танишиб боришини, справка нашрларидан системали фойдаланишни талаб этувчи классификациялаш иши кутубхоначининг билим кўлами кенгайишига ёрдам беради, унга фан ва ижтимоий ҳаётнинг кўп масалаларида қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида умумий тушунча беради. Бу, ўз навбатида, кутубхонага янги келтирилган китобларни классификациялашда уларнинг мазмунини яхшироқ ва тезроқ аниқлаб олишга имкон беради.

Классификациялашнинг иккинчи босқичи— қарор қабул қилиш

Китобни таҳлил қилиш тугагандан кейингина кутубхоначи иккинчи босқичга ўтади, яъни китобнинг токчалардаги ўрни ҳақида (агар кутубхонада фондни системали жойлаштириш усулидан фойдаланилса) ва уни системали каталогда акс эттириш ҳақида қарор қабул қиласди; бунда китобларни токчаларга жойлаштириш мақсадида ўтказилган классификациялаш жараёнида аниқланган ва юқорида кўрсатиб ўтилган тафовутларни ҳисобга олади.

Бу босқичда кутубхоначи китоб ўз мазмунига мувофиқ равишда кутубхона классификацияси жадвалларининг қайси бўлинмасига киритилишини аниқлаб олади. Бунинг учун жадвалларни яхши билиш, классификация структурасини тушуниш лозим.

Барча бўлинмаларнинг умумийдан жузъий томонга изчил жойлашиб боришида ифодаланадиган жадвалларнинг мантикий структураси керакли рубрикан (классификация бўлинмасини) қидириб топишни осонлаштиради. Кутубхоначи даставвал китобда қараб чиқилаётган масала кутубхона классификациясининг асосий ва энг ўйрик бўлимларидан қайси бирига: ижтимоий-сиёсий фанлар комплексига тегишлими, табииёт фанларига тегишлими, техникага тегишлими, санъатга тегишлими эканлигини ва бошқаларни аниқлайди. Сўнгра навбатдаги босқич бўлинма бўлими рубрикасини топади. Кутубхоначи худди шундай изчиллик-

да тобора майдароқ бўлинмаларга, яъни умумийдан жузъий томонга ўта бориб, китобнинг асосий темасига мувофиқ келади-ган бўлинмани топиши лозим.

Китоб СССР халқ ҳўжалигини планлаштириш масалаларига бағишлиланган деб фараз қиласайлик. Бу ҳолда керакли классификация бўлинмаси жадваллардан қўйидаги йўл билан топилади:

1. Халқ ҳўжалигини планлаштириш ижтимоий-сиёсий масалалар комплексига киради. Демак, керакли бўлинма асосий бўлимда — З *Ижтимоий-сиёсий адабиёт* бўлимидан туриши керак.

2. Бу бўлимдаги иккинчи босқич бўлинма бўлимларининг (яъни 31, 32 ва шунга ўхшаш индексларга эга бўлган бўлимларнинг) мазмуни билан танишгач, керакли бўлинмани 33 *Экономика фанлари*. Экономика бўлимидан қидириш лозимлигини аниқлаб оламиз.

3. Худди шу тартибда 33 *Экономика фанлари*. Экономика бўлимидаги учинчи босқич бўлинмалар орасидан (улар уч хонали индексларга эга) унинг 33С СССР халқ ҳўжалиги бўлимчасини топамиз.

4. Тўртинчи босқич (тўрт хонали индекслари бўлган) бўлинмалар орасидан қидираётган бўлинмамизни—33С3 СССР халқ ҳўжалигини планлаштириши бўлинмасини топамиз.

Шундай қилиб, керакли бўлинма мантиқий босқичларга эта жадваллардан умумийдан (асосий бўлим — З *Ижтимоий-сиёсий адабиёт*) жузъийга томон (тўртинчи босқич бўлинмаси — 33С3 СССР халқ ҳўжалигини планлаштириш) борган бўлинишларни изчил қидира бориш йўли билан топилди.

Кутубхоначи жадваллардан керакли рубрикани қидираётib, умумийдан жузъийга мантиқий ўтища хатога йўл қўядиган ёки жадвалларнинг рубрикалари етарлича тўла таърифланмаганилиги туфайли адашиб кетадиган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда рубрикаларга берилган ҳар хил тушунтиришлар ва изоҳлар, шунингдек жадвалларда келтирилган йўналтиргичлар кутубхоначига катта ёрдам беради. Масалан, кутубхоначи СССР-да химия саноатини планлаштириш масалаларига доир китобни классификация қилаётib, уни 33С3 СССР халқ ҳўжалигини планлаштириши бўлимига киритиш лозим деб хато хulosага келса, у вақтда жадваллардаги йўналтиргич бу хатога йўл қўймасликка имкон беради. Йўналтиргич тексти — «СССР халқ ҳўжалиги айrim тармоқларининг планлари ва планлаштирилиши — тегишли соҳали бўлимлардан қаралсин» — навбатдаги бўлинмаларни кўздан кечиришин давом эттириш ва 338 СССР саноати, транспорти ва алоқаси экономикаси бўлими бўлинмалари қаторида келтирилган керакли рубрикани: 338:6П7 *Химия саноати экономикаси* рубрикасини топиш вазифасини юклайди.

Алфавит-предмет кўр.
саткичидан фойдала-
ниш

Жадвалларда керакли бўлинмани умумий бўлимдан жузъий бўлимларга изчил ўта бориш йўли билан қидириш, кутубхоначининг жадвал структурасида яхши ва

тўла мўлжал олишига, билимнинг мазкур соҳаси бўлими ичидаги бўлинмаларнинг тобелик занжирини англаб олишига ёрдам беради. Айни вақтда шуни эътироф этиш керакки, бу усул муайян қийинчиликларни, айниқса майда рубрикалар кўп бўлган, мураккаб жадваллардан фойдаланишдаги қийинчиликларни ҳам ўз ичига олади. Бу иш кутубхоначига осон бўлсин учун классификация жадвалларига юқорида айтилганидек, алфавит-предмет кўрсаткичлари илова қилинади; билимнинг барча энг муҳим соҳалари, масалалар ва предметларнинг номлари умумий алфавит тартибида жойлаштирилган. Алфавит-предмет кўрсаткичидан фойдаланиш керакли бўлинма индексини тез топишга имкон беради. Масалан, флотация (фойдали қазилмаларни бойитиш усуллардан бири) масалаларга доир китобни классификация қилиш зарурати туғилганда кутубхоначи бу рубрикани область кутубхоналари учун мўлжалланган жадвалларда қарийб уч саҳифани эгаллайдиган кончилик бўлимидан қидириш учун анча вақт сарфлайди. У алфавит-предмет кўрсаткичидан «Флотация — 6П1.93» рубрикасини анча осон ва тезроқ топади ҳамда шу индекс бўйича жадваллардаги керакли рубрикага мурожаат қиласди.

Алфавит-предмет кўрсаткичи кутубхоначининг муайян предмет ҳақидаги адабиёт,— китобда шу предметнинг қайси нуқтаи назардан таҳлил қилинаётганлигига боғлиқ ҳолда,— қайси бўлимларда акс эттирилиши лозимлигини аниқлашига ёрдам беради. Масалан «Минерал ўғитлар» рубрикаси кўрсаткичда қўйидаги кўринишда берилган:

Минерал ўғитлар

| | |
|-----------------|-----------|
| — олиниши | — 6П1.84 |
| — кони | — 553.284 |
| — ишлатилиши | — 631.8 |
| — ишлаб чиқариш | — 6П7.28 |

Предметнинг ҳар хил жиҳатлари ана шу тартибида берилishi туфайли кутубхоначи жадвалларнинг классификация қилинаётган китоб мавзуига мувофиқ келадиган рубрикасига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бироқ алфавит-предмет кўрсаткичидан жадвалларга қўшимча аппарат сифатидагина фойдаланиш ва унда топилган индексга ҳеч бир ҳолда узил-кесил индекс деб қарамаслик лозим. Қарор ҳамиша асосий жадваллар текстидан топилган рубрикаларга асосланиб қабул қилинади чунки у ердаги сарлавҳачалар ва методик кўрсатмалар китобни худди ана шу бўлимга киритиш ҳақида пухта хулоса чиқариш учун зарурдир.

Кутубхона классификацияси жадваллари классификация жараённада асосий жадваллар текстидан келтирилмаган муфассал бўлинмалар ҳосил қилишга имкон берадиган аниқлагичлар қўшимча жадвалларини ўз ичига олади. Системали каталогогда ёки токчаларда мавжуд бўлган ҳар бир бўлимда

индексларга тегишли аниқлагичларни қўшиш йўли билан майда бўлинмалар ҳосил қилиш мумкин. Бироқ аниқлагичлардан ҳамма ҳолларда фойдаланиш шарт эмас; ё муйайн бўлимда китобларнинг кўплиги ёки унда ҳосил қилиниши мумкин бўлган бўлинмаларнинг муҳим бўлинмалар эканлиги аниқлагичлардан фойдаланиш керакми, керак эмаслигини кўрсатади.

Аниқлагичлар икки групгага: *умумий* ва *аналитик* (ёки *максус*) аниқлагичларга бўлинади. Умумий аниқлагичлар муйайн бўлимлар билан чекланган ҳолда қўлланилмайди, зарур бўлганда улардан исталган бўлимда майда бўлинмалар ҳосил қилиш учун фойдаланса бўлади; аналитик аниқлагичларнинг қўлланиладиган доираси билимнинг бирон соҳасининг муйайн бўлимлари билан чеклаб қўйилган бўлади.

Умумий аниқлагичлар¹ жумласига аниқлагичларнинг қўйидаги турлари киради: нашрни унинг турларига ва қандай китобхонларга мўлжалланганлигига қараб ажратувчи *шакл аниқлагичлари* (Ш. А.); фанни ўқитиш методикаси ва фан тарихи аниқлагичлари ҳам шакл аниқлагичлари жумласига киради; мамлакат ёки жой белгисига қараб бўлинмалар ҳосил қилиш учун қўлланиладиган *географик аниқлагичлар* (Г. А.); шакл аниқлагичлари ва географик аниқлагичлар нашрнинг охирида асосий жадваллардан кейин берилган; *муносабат аниқлагичлари* (М. А.); билимнинг бир соҳасининг иккинчи соҳаси билан муносабати белгисига кўра бўлинмалар ҳосил қилиш имконини берадиган *муносабат аниқлагичлари* (М. А.); жадваллар тарзида маҳсус белгилар билан кўрсатилган аниқлагичларнинг дастлабки икки туридан фарқли ўлароқ, муносабат аниқлагичлари учун асосий жадваллар бўлимларининг индексларидан фойдаланилади; бу индекслар бўлинмаларга ажратилаётган бўлим индексига баён аломати орқали қўшилади.

Кўпчилик бўлимларда — техника, тилшунослик, қишлоқ хўйжалиги ва бошқа бўлимларда *аналитик аниқлагичлар* бор. Улар билимнинг муйайн соҳаси бўлинмаларини фақат шу соҳа учун характерли типовой белгиларга қараб, ҳосил қилишга мўлжалланган. Масалан, техника бўлимида ишлаб чиқаришининг умумий технологияси, техник нормалаштириш, лойиҳалаш, иш режими аналитик аниқлагичлари бор. Тилшунослик бўлимида — орфография, фонетика, грамматика аниқлагичлари ва бошқа тил категорияларининг аниқлагичлари мавжуд. Аналитик аниқлагичлар умумий аниқлагичлардан фарқли ўлароқ, асосий жадваллар текстида улар қўлланиладиган бўлимнинг бошида берилган.

Аниқлагичлар ҳақида дурустроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун аниқлагичларнинг қиёсий жадвалини келтирамиз; унда

¹ Бу ерда область кутубхоналари учун жадвалларда келтирилган аниқлагичларнинг турларигина берилди. Универсал ўнли классификацияда бошқа турлар ҳам назарда тутилган.

аниқлагичларнинг ташқи белгилари кўрсатилган ва мисоллар берилган:

| Аниқлагичларнинг тури | Вазифаси (бўлим бўлинмасининг белгиси) | Ташқи белгиси | Мисоллар |
|---------------------------------------|---|--|---|
| Умумий аниқлагичлар | | | |
| Ш. А. | Нашр тури, қандай китобхонларга мўлжалланганиги | Нолдан бошланадиган рақамли белгиси, қавсда | (01) Библиографик кўрпрақмали саткичлар (03) Энциклопедиялар. Луғатлар (083) Справочниклар |
| Г. А. | Мамлакат ёки жой Билимнинг бошқа соҳаси билан алоқаси | Нолдан бошланадиган рақамли ёки ҳарфли, ёки аралаш белгисиз қавсда | (С) СССР (С126) Ленинград областি (И4) Европа (98) Арктика |
| Аналитик аниқлагичлар | | | |
| Техника бўлиммининг аниқлагичлари | Ишлаб чиқариш учун типик белгилар бўйича | Олдидан дефис қўйиладиган рақамли белги | 02 ишлаб чиқариш умумий технологияси —030.5 Техник нормалаштириш —06 Хом ашё. Материаллар |
| Тилшунослик бўлиммининг аниқлагичлари | Тилшунослик учун типик белгилар бўйича | Бу ҳам | —02 Тил тарихи —04 Орфография —05 Фонетика |

Умумий аниқлагичларни қўлланаётганда гарчи улардан исталган бўлимда фойдаланиш мумкин бўлса-да, ҳар бир ҳолда деталлаштирилаётган бўлимнинг тематикасига аниқлагичларнинг қайси тури энг кўп мувофиқ келишини ҳисобга олиш зарурлигини ёдда тутиш лозим. Масалан, географик аниқлагичлар бўлишнинг территориал белгиси асосий аҳамиятга эга бўлган умумий география, иқтисодий география бўлимларида ва бошқа бўлимларда бўлинмалар ҳосил қилиш учун фойдалидир. Чунончи, 33C5 СССРнинг иқтисодий географияси бўлимида географик аниқлагичлар воситасида қўйидаги тарзда бўлинмалар ҳосил қилиш тўғри бўлади:

33C5 (С126) Ленинград области экономикиаси

33C5 (С2) Украина ССР экономикиаси

33C5 (С42) Озарбайжон ССР экономикиаси

Мамлакатларнинг номлари, айрим ҳалқлар адабиёти ва тилларнинг бош ҳарфларидан иборат бўлиб, қавсга олинган

ҳамда жадвалларнинг рубрикаларига доир методик изоҳларга тегишли кўрсатмалар берилганда қўлланиладиган белгилар аниқлагичлар қаторида алоҳида ўрин тутади. Масалан, З4И Айрим чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи рубрикасига қўидагича изоҳ берилган: «Бу бўлимда айрим мамлакатлар учун рубрикалар ажратиш ва уларни алфавит тартибида жойлаштириш зарур». Демак, индекслар мана бундай бўлади:

34И (Болг) Болгария давлати ва ҳуқуқи

34И (Ит) Италия давлати ва ҳуқуқи

34И (Рум) Руминия давлати ва ҳуқуқи

Ижтимоий-сиёсий адабиёт, тарих, адабиётшунослик ҳамда бадиий адабиёт, тилшунослик бўлимларида ва бошқа бўлимларда ҳам ана шунга ўхшаш кўрсатмалар бор. Чет мамлакатларнинг умумий ва иқтисодий географияси бўлимларида бу белгилар қитъаларнинг географик аниқлагичлари билан қўшилиб кетади:

91(И5) (Яп) Япония географияси

33И (И5) (Яп) Япониянинг экономикаси ва иқтисодий географияси.

Муносабат аниқлагичлари билимнинг ҳар хил соҳалари бўлимларига алоқадор муносабат муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлимларни деталлаштиришга ёрдам беради. Масалан, 338:6П Саноатнинг айрим тармоқлари экономикаси бўлимни техника бўлимининг тегишли индекслари ёрдамида (жадваллардаги рубрикаларга қўшимча равишда) деталлаштириш қонунийdir:

338:6П9.2 Тўқимачилик саноати экономикаси

338:6П9.3 Тикувчилик саноати экономикаси

338:6П7.4 Ёқилғи саноати экономикаси

338:6П7.53 Целлюлоза-қофоз саноати экономикаси

Шакл аниқлагичлари ўз аҳамиятига кўра бир қадар универсал бўлиб, деярли барча бўлимларда уларни қўлланиш расм бўлмоқда:

33С5 (083) СССР иқтисодий географиясига доир справочник характеридаги китоблар

33С5 (С2) (0883) Украина ССР экономикасига доир справочник характеридаги китоблар

52 (083) Астрономияга доир справочник характеридаги китоблар

9 (С) (083) СССР тарихига доир справочник характеридаги китоблар

Аналитик аниқлагичлар қайси бўлимда келтирилганлигига қараб, улардан ўша бўлимнинг барча бўлимчаларида амалий жиҳатдан фойдаланилиши мумкин, масалан:

6П4.1—030.5 Металл буюмлар қўйиш саноатида техник нормалаштириш

6П7. 53—030.5 Целлюлоза-қофоз саноатида техник нормалаштириш

Аммо аналитик аниқлагичлар техника умумий бўлимидаи бошқа бўлимларда ҳам бор. Улар техника бўлимининг айрим жузъий бўлимларида ҳам, масалан, 6П3 *Металлургия*. Металлшунослик бўлимида ҳам келтирилган. Улар асосан техника умумий бўлимидаи аналитик аниқловчилар билан мувофиқлаштирилган, аммо кўпроқ металлургия саноатининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради; шу сабабли металлургия бўлимчалирида даставвал 6П3 индекси остида келтирилган аналитик аниқлагичлардан фойдаланиш, техника бўлими аниқлагичларидан эса металлургия бўлимида ана шундай аниқлагичлар йўқ бўлган вақтдагина фойдаланиш лозим. Масалан, 6П3-02 *Металлургия жараёнлари* индекси 6П3.12 Чўян саноати бўлимчасида 6П3.12—02 чўян ишлаб чиқариш жараёнлари бўлинмасини ташкил этишига имкон беради. Бироқ техник нормалаштириш масалаларини 6П3 бўлимида ажратиб кўрсатиш учун аналитик аниқлагич йўқ, демак, техника умумий бўлимидаи белгидан фойдаланиш ва бўлинма учун 6П3—030.5 индексини тузиш мумкин.

**Ҳар хил мазмундаги
китобларни классифи-
кациялаш**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар хил мазмунга эга бўлган житоблар такror акс эттириш ва аналитик классификация методларини қўлланиш яхши натижа беришини ҳамда кутубхоначи муайян китоб токчаларда қайси бўлимга жойлаштирилишини аниқлаша вақтида нимага амал қилиши керак, деган масалалар методик жиҳатдан аниқлаб олиниши керак.

Ана шу хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда ҳар хил мазмундаги китобларни классификациялашда иккита масала: қандай ҳолларда акс эттириш ва аналитик классификация методларини қўлланиш яхши натижа беришини ҳамда кутубхоначи муайян китоб токчаларда қайси бўлимга жойлаштирилишини аниқлаша вақтида нимага амал қилиши керак.

Кутубхоначи кутубхона фондининг мазмунини тўлароқ очиш учун такрор акс эттириш методининг аҳамиятига юқори баҳо берар экан, муайян китобнинг мазмуни уни бир неча бўлимда акс эттиришга қанчалик лойиқлиги ҳақида ўзига ҳисоб бериши лозим. Бу методдан нотўғри фойдаланиш каталог бўлимларининг мазкур бўлимлар тематикасига бевосита боғлиқ бўлмаган ва сал-пал алоқадор бўлган китобларнинг тасвирлари билан асоссиз равища тўлдирилишига олиб келиши мумкин.

Такрор акс эттириш методини қўлланиш зарур бўлган ва китобхоннинг китобларни танлаб олишига катта ёрдам берадиган қўйидаги жуда харакатерли ҳолларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Билимнинг бир қанча соҳалари учун, фан ва ижтимоий практиканинг ҳар хил соҳалари учун асосий манба аҳамиятига

эга бўлган китоблар: марксизм-ленинизм асосчиларининг кўп-гина асарлари, партия ҳамда ҳукуматнинг қарорлари, партия съездларида ва КПСС Марказий Комитети Пленумларида қи-линган докладлар, билимнинг ҳар хил соҳаларига доир. клас-сик асарлар ҳамда катта сиёсий ва илмий аҳамиятга эга бош-қа матбуот асарлари.

2. Каталогнинг ҳар хил бўлимларига тааллуқли бир қанча масалалар, етарлича тўла ёритилган китоблар. Масалан, бу методни адабиёт ва санъатда қўлланишни тавсифлаб берадиган социалистик реализм ҳақидаги китоблар ҳар иккала бўлимда ҳам акс эттирилиши керак. Бироқ билимнинг уч ёки бундан кўпроқ жузъий масалалари ёритилган китобни мана шу жузъ-ий масалаларнинг барчасини тематик жиҳатдан бирлаштириб турадиган умумий бўлимга киритиш дурустроқ натижа беради. Ҷўончи, СССР саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспорти экономикаси масалаларига доир мақолалар тўпламини СССР ҳалқ хўжалиги умумий бўлимида кўрсатилган учта бўлимчада қўшимча равишда акс эттирмасдан ифода этиш маъқулроқдир.

3. Мазмуни билимнинг бир соҳасига тегишли бўлиб, муайян китобхонларга мўлжалланганлиги номаълум китоблар. Масалан, «Токарлар учун математика», «Радиоҳаваскорлар учун физика» ва шундай характердаги бошқа китоблар, агар уларда асосий фан (математика, физика) бирор мутахассисликка мувофиқлаштириб (токарлик иши, радиотехника) баён қилинган бўлса, системали каталогда икки марта акс эттири-лиши керак.

4. Бирор сабаб билан билимнинг ҳар хил соҳаларига қан-дай муносабатда эканлигидан қатъи назар, муайян турдаги нашрлар бўлимида бирлаштириладиган китобларни тегишли соҳа бўлимларида қўшимча равишда акс эттириш лозим. Масалан, бирон-бир билим соҳасига оид адабиётнинг библио-график кўрсаткичларини улардан кутубхоначининг фойдалани-шини осонлаштириш учун нашр тури белгисига кўра библио-графия бўлимида бирлаштирган маъқул. Бунда улар кўрсат-кичларнинг тематикасига мувофиқ равишда билим соҳалари бўлиmlарида ҳам, албатта акс эттирилади.

Келтирилган мисоллар матбуот асарларини системали каталогда такрор акс эттириш лозим бўлган барча ҳолларни тўла-тўкис ўз ичига олмайди. Китобларнинг мазкур кутубхона хизмат кўрсатадиган китобхонлар учун аҳамиятига қараб, такрор акс эттириш методини янада кенгроқ қўллансан бўлади. Масалан, техника кутубхоналарида баъзан хавфсизлик техни-касига оид китоблар (хавфсизлик техникаси бўлимида ва соҳали бўлиmlarda), техник нормалаштиришга оид китоблар (техник нормалаш бўлимида ва соҳали бўлиmlarda) такрор акс эттирилади.

Кутубхоналар практикасида журнал ва газета мақолалари, рецензиялар тематик картотекалар, ўлкашунослик каталоглари

түзишда аналитик классификациядан кенг фойдаланилади. Китобларнинг системали каталогида аналитик классификация методидан анча камроқ фойдаланилади. Бундай қилиш батамом ўринлидир, чунки мавжуд қўлланмаларга мувофиқ барча оммавий ва илмий кутубхоналарда (қишлоқ кутубхоналаридан ташқари) журнал ва газета мақолалари картотекасини түзиш шартдир.

Бироқ системали каталогда аналитик классификацияни қўлланиш маълум даражада зарурдир. Китобхонларнинг аксар кўпчилиги керакли адабиётни танлашда системали каталог билангина чекланиши ва мақолалар картотекасига мурожаат қилмаслиги ҳисобга олинса, бу айниқса муҳимdir.

Биринчи марта вақтли матбуотда ёки ҳар хил тўпламларда эълон қилинган ғоят муҳим партия ва ҳукумат ҳужжатлари тегишли тематиканинг системали каталоги бўлимларида ўз вақтида акс эттирилмоғи лозим. Бу ҳужжатлар алоҳида-алоҳида нашрлар билан босилиб чиққанидан кейин уларнинг аналитик тасвирлари каталогдан олиниб, айрим брошора ва китобларнинг тасвирлари билан алмаштирилади.

Марксизм-ленинизм асосчиларининг алоҳида-алоҳида китоб бўлиб чиққан, лекин бирон-бир сабабга кўра кутубхонада бўлмаган нашрлари ҳам Маркс, Энгельс ва Ленин асарларининг тегишли томларидан олинган аналитик тасвирлар ёрдамида системали каталогда акс эттирилиши лозим.

Тўпламлар ва журнallардан олинган, жуда муҳим мақолаларнинг аналитик тасвирларини системали каталогга қўйидаги ҳолларда, яъни унда ажратиб кўрсатилган замонанинг янгидан янги муҳим масалалари бўлинмалари шу тематикадаги китоблар йўқлиги учун етарлича очиб берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда киритилса, фойдали бўлади. Алоҳида-алоҳида китоб бўлиб чиқмаган жуда муҳим матбуот асарларини акс эттириш учун аналитик классификацияни пухта ўйлаб қўлланиш китобхонларга ўзларини қизиқтирадиган масалаларга доир асарларни танлаб олишида ёрдам беришда системали каталогнинг ролини активлаштиради.

Ҳар хил мазмундаги китобларни токчалардаги тегишли бўйимларга киритиш учун классификациялаш кутубхоначидан китоб мазмунидаги энг муҳим нарсани топа олиш ва шунга мувофиқ фондни системали жойлаштиришда китобнинг ўрнини белгилай олиш маҳоратини талаб қиласди. Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларига ва партия ҳужжатларига келганда область кутубхоналари ва оммавий кутубхоналар учун мўлжалланган классификация жадвалларида уларни бу асарлар учун белгиланган бўйимларга бирлаштириш тўғрисида маълум кўрсатма бор¹. ■ Бир қанча масалаларни ёритувчи бошқа китоблар — асарлар, ҳар хил тематикадаги ма-

¹ 8- бобга қаралсин.

қолалардан иборат тўпламлар ва ана шунга ўхшаш бошқа китоблар учун полкаларда асосий мазмун нималигига қараб жой белгиланади. Айрим жуда типик ҳолларда классификация жадвалларида полкаларга жойлашириш учун бўлим танлаш ҳақида кўрсатма берилади. Масалан, кўпинча айрим мамлакат ҳақидаги, унинг тарихи, географияси, экономикаси ва маданияти ҳақида маълумотлар бўлган китоблар учраб туради. Область кутубхоналари учун классификация жадвалларида бу китобларни шу мамлакат географияси бўлимига жойлашириш тавсия қилинади. Жадвалларнинг бошқа бўлимида ҳам, шунга ўхшаш кўрсатмалар бор.

Махсус кутубхоналарда ҳар хил мазмундаги китоблар учун токчаларда мазкур кутубхонанинг асосий ихтисослигига мувофиқ равишда ҳатто бу ихтисослик билан алоқадор масала китоб учун асосий бўлмаса-да, жой белгиланиши мумкин. Масалан, медицина кутубхонасида техника, қишлоқ хўжалиги, медицина нинг ҳар хил соҳаларида рентгенотехникани қўлланиш ҳақидаги китоб гарчи бу сўнгги бўлим китобнинг мазмунида устун бўлмаса-да, рентгенотехника умумий бўлимига эмас, балки медицина бўлимига киритилиши мумкин.

Классификациялашнинг учинчи босқичи— индекслаш

Китобларни классификациялаш жараёни уларни индекслаш, яъни қабул қилинган қарорни индекслар воситасида ёзиш билан тугалланади. Бўлимнинг китобга ва каталог карточкасига қўйилган индекси китобнинг токчада ва системали каталогда оладиган жойини кўрсатади.

Кутубхоначилар оғзаки нутқда кўпинча «китобнинг индекси» деган иборани ишлатадилар. Бу иборани «муайян китоб киритилган бўлим индекси»нинг шартли қисқартмаси деб тушунмоқ керак, чунки индекс айрим китобнинг алоҳида белгиси бўлиб хизмат қила олмайди. Бир бўлимга киритилган барча китобларнинг индекси бир хил бўлади.

Кўрсатилган хусусиятларга мувофиқ китобларни токчаларга жойлашириш учун ва системали каталог учун классификация қилишда классификация жараёнида белгиланадиган қўйидаги индекс номларини фарқлайдилар:

Шифр индекси (бошқача қилиб айтганда, токча индекси) китобнинг токчаларга жойлаширилиши лозим бўлган бўлимни кўрсатади. Китоб шифрини системали жойлаштирганда (китобнинг токчалардаги ўрнининг шартли белгиси) бўлим индексидан ва автор белгисидан иборат бўлади; автор белгиси автор жадваллари деб аталган жадвалларга мувофиқ автор фамилиясининг дастлабки бўғиилари билан ёки сарлавҳанинг

биринчи сўзи билан белгиланади. Автор белгилари китобларни бир бўлим ичига алфавит тартибida жойлаштириши осонлаштиради.

Китоб шифри китобнинг титул варагига, муқованинг корешогига ва мазкур китобнинг тасвири ёзилган барча карточкаларнинг чап томондаги юқори бурчагига қўйилади.

Шифр индекси карточканинг каталогдаги ўрнини билдирувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қила олмайди, чунки баъзан китобни бир неча бўлимда акс эттириш лозим бўлиб қолади, унга тузилган карточкалар эса кутубхоначининг китобни токчалардан топишига имкон берадиган айнан битта индексга эга бўлиши лозим.

Кутубхоначининг китобни системали каталогда акс эттириш хақидаги қарори китобнинг *тўлиқ индексида* ифодаланади. Китобнинг тўлиқ индекси деган термин бирмунча шартлидир: китоб фақат битта бўлимда (токчада қайси бўлимда турган бўлса, худди ўша бўлимда) акс эттирилган бўлса, у шифр индексига мос бўлади. Агар китоб бир неча бўлимда кўрсатиладиган бўлса, унинг тўлиқ индекси «плюс» (+) ишораси билан бирлаштирилган ана шу барча бўлимларнинг индексларини ўз ичига олган бўлади. Биринчи ўринга китобнинг токчалардаги ўрнига мувофиқ келадиган индекс қўйилади, қолган индекслар уларнинг сон қийматига мос изчилликда жойлаштирилади. Шундай қилиб, В. И. Лениннинг «Ёшлил союзининг вазифалари», «РКСМнинг III Бутун Россия съездига сўзланган нутқ» деган асари учун тўлиқ индекс бўлган ЗК23+1МИ 721+ЗКСМ +37 китоб В. И. Лениннинг барча асарлари тўпланадиган ЗК23 бўлимида эканлигини кўрсатади: каталогнинг худди шу бўлимида биринчи (асосий) карточка жойлаштирилади, каталогнинг тўлиқ индексида келтирилган бошқа бўлимларига эса қўшимча карточкалар қўйилади. Қўшимча карточкалардаги тасвири асосий карточкадаги тасвирга тўла мувофиқ келади.

Тўлиқ индекс справка характеристига эга бўлиб, ундан муайян китобнинг тасвири ёзилган барча карточкаларни топиш лозим бўлган ҳолларда (масалан, тузатиш киритиш ёки уларни кейинроқ босилиб чиқсан китоб тасвири билан алмаштириш учун) фойдаланилади. Шу сабабли тўлиқ индекси фақат асосий карточканинг ўнг томонидаги пастки бурчакда, шунингдек, алфавит каталоги асосий карточкасининг орқасида кўрсатилади; олдиндан маълумки, бу асосий карточкада кутубхонанинг барча каталогларида карточканинг турадиган жойи хақидаги маълумотлар бўлиши лозим. Китобнинг ўзида тўлиқ индексни келтириш шарт эмас, бироқ баъзи бир кутубхоналарда тўлиқ индекс титул варагининг орқа томонида кўрсатилади.

Системали каталогнинг барча карточкаларида шифр индексининг ва асосий карточкаларда тўлиқ индекснинг борлиги мазкур карточка каталогда эгаллаши лозим бўлган жойни кўрсатиш учун кифоя қилмайди. Бу мақсадда ҳар бир карточ-

3К23 Ленин В. И.

3—15 Ёшлар союзининг вазифалари. 1920 йил 2 октябрда Рос. Ком. Ёшлар Союзининг III съездида сўзланган нутқ.

М., „Молодая гвардия“, 1965.
32-бет, 400 000 нусха, 2 т.

3К23+1МИ.721+3КСМ+37

3К23

Асосий карточка

3К23 Ленин В. И.

3—15 Ёшлар союзининг вазифалари. 1920 йил 2 октября
титларда Рос. Ком. Ёшлар Союзининг III съездида
сўзланган нутқ.

М., „Молодая гвардия“, 1965.
32-бет, 400 000 нусха, 2 т.

1МИ. 721

1МИ. 721 бўлими учун қўшимча карточка

12- расм. Асосий ва қўшимча карточкал

ЗК23 Ленин В. И.

3—15 Ёшлар Союзининг вазифалари. 1920 йил 2 октябрда Рос. Ком. Ёшлар Союзининг III съездида сўзланган нутқ.

М., „Молодая гвардия“, 1965.
32-бет, 400 000 нусха, 2 т.

ЗКСМ

ЗКСМ бўлими учун қўшимча карточка

ЗК23 Ленин В. И.

3—15 Ёшлар Союзининг вазифалари. 1920 йил 2 октября Рос. Ком. Ёшлар Союзининг III съездида сўзланган нутқ.

М., „Молодая гвардия“, 1965.
32-бет, 400 000 нусха, 2 т.

37

37- бўлим учун қўшимча карточка

жслар билан расмийлаштиришга мисоллар

канинг чап томонидаги пастки бурчагига карточка жойлаштирилиши лозим бўлган бўлимнинг индекси ёзилади. Бу индекс карточканинг каталог индекси деб аталади. В. И. Лениннинг китоби учун юқорида келтирилган мисолда асосий карточкада каталог индекси ЗК23, учта қўшимча карточканинг ҳар бирида эса шунга мувофиқ равища: биринчисида—1МИ. 721, иккинчисида—ЗКСМ, учинчисида 37 бўлади, шифр индекси ҳамма карточкаларда ЗК23 бўлади (12-расмга қаралсин).

Мазкур ҳолда асосий карточкада шифр индекси қандай бўлса, каталог индекси ҳам шундай. Бошқа ҳолларда улар тўла мос келмаслиги мумкин, масалан, клубларда олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишлар ҳақидаги китоб системали каталогда муфассал 379.51 индекси билан ажратиб кўрсатилган, токчаларда эса клубларда олиб бориладиган иш ҳақидаги барча китоблар 379,5 *Клуб иши* умумий бўлимида тўплangan бўлса, у ҳолда карточкада шифр индекси 379.5 тўлиқ индекс ва каталог индекси эса 379.51 бўлади.

Китобни такрор акс эттириш зарур бўлмаган ва карточка каталогнинг қайси бўлимида турган бўлса, токчада ўша жойга кўйилган ҳолларда шифр индекси, тўлиқ индекс ва каталог индекслари бир хил бўлади. Аммо бошқа ҳолларда бундай мувофиқлик бўлмаганлиги учун карточкаларни каталогларда жойлаштириш жараёни осонлаштириш мақсадида каталог индексларини, гарчи улар шифр индексига мувофиқ бўлсалар ҳам, мажбурий равища қўйиб чиқиш тавсия этилади. Кўп кутубхоналар системали каталог карточкаларни индекслар билан бундай расмийлаштириш тажрибасини қабул қилганлар. Бошқа усул — тўлиқ индексларни асосий карточкалардагина эмас, балки қўшимча карточкаларда ҳам тўлиқ индекснинг каталог индекси бўлиб хизмат қиласидиган, яъни мазкур карточканинг каталогдаги жойини кўрсатадиган қисмининг тагига чизиладиган усул камроқ қўлланилади.

**Босма карточкалардан
фойдаланиш** Классификациялашда босма карточкалар
(аннотация қилинган ва аннотация килинмаган карточкалар) катта ёрдам беради. Уларда китобларнинг тўлиқ индекслари кўрсатилади, бу индекслар кутубхоначининг китобларни тўғри классификация қилишига кўмаклашади. Бироқ шуни асло унутмаслик керакки, бу индекслар њеч қачон кутубхоналар практикасига кўр-кўёна жорий қилинмаслиги лозим. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Босма карточкалардаги индекслар мазкур кутубхонада қўлланиладиган схема бўйича белгиланмаган бўлиши мумкин. Аннотация қилинган карточкаларда индекслар оммавий кутубхоналар учун мўлжалланган жадваллар бўйича, аннотация қилинмаган карточкаларда эса худди шу индекслар¹ (улар қуюқ қора шрифт билан босилган) бу бундан ташқари, бутуниттифоқ китоб пала-

¹ Оммавий китоблар олмайдиган кутубхоналар учун бу индекслар карточкада кўрсатилмайди.

таси практикасида кўп йиллар муқаддам қабул қилинган Универсал ўнли классификациянинг нашр қилинмаган варианти бўйича олинган индекслар кўрсатилади. Агар китобларда Универсал ўнли классификация жадваллари тўла нашрининг босма индекси берилган бўлса, у ҳам Бутуниттифоқ китоб палатасининг карточкаларида кўрсатилади. Демак, бу ҳар хил индексларнинг кутубхонада қабул қилинган схемага мувофиқ келиш-келмаслигини аниқламай туриб улардан фойдаланиш ярамайди.

Ҳатто бундай мувофиқлик борлиги аниқланган ҳолларда ҳам кутубхонада оз ёки кўп миқдордаги майдада бўлинмаларнинг қўлланилиши ёки унинг классификация методи босма карточкалар учун қабул қилинган методдан бирмунча фарқ қилишини ҳисобга олмоқ лозим.

Шунга қарамай, фойдаланиладиган схема вариантиларидағи ва классификациялаш методикасидаги мавжуд тафовутлар босма карточкаларда берилган индексларни рад этишга имкон бермайди. Бу индекслар тажрибали мутахассислар томонидан тузилган бўлиб, айниқса китобнинг мураккаб мазмуни унинг асосий мавзуини аниқлаб олишда қийинчилик туғдирадиган ҳолларда қимматли консультация тариқасида хизмат қилиши мумкин. Масалан, ўzlари учун мўлжалланган жадвалларни қўлланувчи область кутубхоналари босма карточкалардаги индексларни область кутубхоналари учун жадваллардан аниқлаб олиб, улардан фойдаланишлари мумкин. Ҳатто область кутубхоналарида ва оммавий кутубхоналарда қўлланилмайдиган Ўнли классификация индекслари ҳам, бу китоб табиатшунослик ёки техника бўлимига кирадими экономика ёки спёсат бўлимига кирадими деган жумбоқни ҳал қилишда фойдали бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Кўп нашриётлар китобларда бериб борадиган босма индексларга ҳам худди шундай танқидий ёндошмоқ лозим. Хусусан бу индекслар хилма-хил нашриётлар томонидан ва муайян типдаги кутубхоналарга боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланганилиги сабабли фондни классификациялашда ҳар хилликка йўл қўймаслик учун уларни ўз шароитига мувофиқ равишда текшириб кўриш зарур.

Аналитик тасвирлари бўлган карточкаларда индекслаш

қабул қилиш методлари уларни системали каталогдага ёки карточкаларда акс эттириш учун) китобларнинг мазмунини тўла ҳажмда классификация қилиш методларидан ҳеч нима билан фарқ қилмайди. Бироқ аналитик классификация учинчи босқичда айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Тўпламдан, асарларнинг бирор томидан ёки журналдан олингани мақояла шифр индексига эга бўла олмайди, чунки токчаларда

Китобнинг ёки вақтли нашрнинг мустақил бир қисмини ташкил этадиган матбуот асарларини таҳлил қилиш, шунингдек классификациялаш юзасидан қарор

қабул қилиш методлари уларни системали каталогдага ёки карточкаларда акс эттириш учун) китобларнинг мазмунини тўла ҳажмда классификация қилиш методларидан ҳеч нима билан фарқ қилмайди. Бироқ аналитик классификация учинчи босқичда айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

у алоҳида жойни эгаллаб турмайди. Бу мақолани топиш учун китобнинг шифрни ёки шу мақола босилган журналинг чиқсан или ва сонини кўрсатиш керак. Аналитик тасвиirlар тузиш қоидаларига мувофиқ сарлавҳадан ва сарлавҳа ости маълумотларидан кейин улар мазкур асар эълон қилинган нашр тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Чамаси, агар асар китобда берилган бўлса, китоб шифрини асарнинг номи билан эмас, балки шу китобнинг тасвири билан ёнма-ён жойлаштириш лозим. Акс ҳолда кутубхоначи бу асарни кўрсатилган шифр билан точка-лардан излаши мумкин ва, равшанки, бу асарнинг алоҳида нашри токчаларда йўқлиги учун кутубхоначи уни тополмайди. Демак, аналитик классификация жараёнида китоб шифри унинг тўла мазмуни билан илгарироқ белгилаб олингандигини назарда тутган ҳолда, асарнинг фақат тўла ва каталог индексларигина белгиланади.

Иккинчи хусусият китобнинг тўла индексини системали каталогга умуман китобни тасвири карточкалардан ташқари, китобдан жой олган мақолаларнинг аналитик тасвиirlари карточкаларининг ҳам киритилганлигини кўрсатган ҳолда тўлдириш зарурати билан боғлиқdir. Бу — китоб тасвиirlари каталогдан чиқарилганда (масалан, китоб йўқолганда) кутубхоначи мақолаларнинг аналитик тасвиirlарини ҳам ана шу китобдан топа ва чиқариб ташлай олишн учун зарур. Ана шу мақсадда асосий карточкада китобнинг тўла индексидан пастда тўғри қавсда аналитик карточка жойлашган бўлимнинг индекси ва мазкур мақола тасвирининг биринчи сўзи кўрсатилади.

Системали каталог карточкаларини индекслар билан расмийлаштиришнинг бу хусусиятларини мисоллар билан кўриб чиқамиз.

Кутубхоначи Д. И. Писаревнинг танланган адабий-танқидий мақолалари тўпламини классификация қилаётib, китобнинг асосий мазмунига кўра, уни 8Р1.3 *XIX—XX асрларда* (1917 йилга қадар) рус адабиёт тарихи бўлимига киритди. Кутубхоначи тўплам мундарижасида «Генрих Гейне» деган мақолани кўриб қолиб, бу мақолани аналитик классификация методи билан 8И (Нем) 5 *XIX асрдаги немис адабиёти тарихи бўлимида* акс эттиришга қарор қилди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ системали каталог учун умуман тўпламнинг тасвири ёзилган битта карточка ва юқорида зикр қилинган мақоланинг аналитик тасвири ёзилган битта карточка тузиш лозим. Китоб токчаларда 8Р1 *Улуф Октябрь социалистик революциясига қадар рус адабиёти тарихи бўлимига жойлаштирилган*.

Бу қарор қўйидаги индекслар билаы акс эттирилмоғи керак. Шифр индекси — 8Р1

Китобнинг тўлиқ индекси — 8Р1.3 (+ан.8И(Нем) 5 Писарев)

Тўғри қавсдаги ёзув каталогга аналитик карточка (+ан) киритилганлигини, у 8И (Нем) 5 бўлимига мақола авторининг фамилияси остига (Писарев) жойлаштирилганлигини билдиради.

Аналитик карточкалар китобларнинг системали каталогига киритилган ҳоллардагина карточкалар индекслар билан ана шундай расмийлаштирилади. Уларни журнал ва газета мақолалари картотекасига киритиш каталогда буни муайян китобнинг тасвирили карточкасида кўрсатиб қўйиши талаб қилмайди.

Вақтли нашрларда эълон қилинган мақолалар ва бошқа материалларнинг анализаторлари уларни системали каталогга киритиш чогида китобнинг алоҳида нашрлари тартибасида индекслаштирилади: Биринчи (асосий) карточкага мазкур мақоланинг (ёки бошқа материалнинг) тўлиқ индекси ва каталог индекси, қўшимча карточкаларга эса каталог индекси жойлаштирилади. Вақтли нашрнинг шифр индексини кўрсатмаслик керак, чунки журнал ва газеталар китоблардан айрим қўйилади ҳамда тасвирида кўрсатилган журналинг номи билан чиқкан йили ва тегишли сони бўйича осон топилади:

Писарев Д. И.

Генрих Гейне—Қўйидаги китобда: Писарев Д. И.
8Р1 Адабий танқидий мақолалар М., 1959, 390—449-
бетлар

П34

8И (пем) 5

13-расм. Аналитик карточка

Классификациялаш жараёни унинг мантиқи китобнинг мазмунини аниқлаш, уни муайян мә киритиш ҳақида қарор қабул қилиш ҳамда кито токчаларга индексларни ёзишдан иборат техи уйғулаштириб туради. Маълумки, классификаи нинг мантиқий томони жуда масъулиятли бў нинг жуда билимдон бўлишини, билимнинг ҳа

ти замонавий илмий проблемалар билан етарлича таниш бўлишини талаб қиласди. Бироқ классификациялаш жараёнида ҳар икки жиҳат (мантиқий ва техник жиҳатлар) узвий равишда қўшилиб, бирлашиб кетган бўлиб, қабул қилинган қарорни индексларда акс эттиришга етарлича эътибор бермаслик, китоб тўғри таҳлил қилинган бўлишига қарамай, бутун ишни йўққа чиқариши ҳамда уни классификациялаш ҳақида принцип жиҳатидан тўғри қарор қабул қилишга имкон бермаслиги мумкин. Тўлиқ индекс ва шифр индекси тушунчаларини қориштириб юбориш, аниқлагичлардан тўғри фойдаланмаслик, рақамни нотўғри ёзиш — буларнинг ҳаммаси классификациялашда ҳамда кутубхона фондининг ҳақиқий мазмунини китобхонларга тўла очиб беришда муқаррар равишда жиддий хатоларга олиб келади.

Муқаррар. таҳлил
зенас.
зис.
зис.

МАТБУОТ АСАРЛАРИНИ КЛАССИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ХУСУСИЙ МЕТОДИКАСИ

Классификациялашнинг хусусий методикаси ҳақида умумий тушунча.— Ижтимоий-снёсий адабиёт классификацияси.— Табиий-плтмий медицина, техника ва қишлоқ хўжалигига доир адабиёт классификацияси.— Бадиий адабиёт, адабиётшунослик, тилшунослик ва санъатга оид адабиёт классификацияси.— Нашрларнинг айрим турлари классификацияси.

Классификациялашнинг хусусий методикаси ҳақида умумий тушунча

Бундан олдинги бобда кўриб чиқилган классификациянинг умумий методикаси матбуот асарларини классификациялаш жараёнининг мазмуни, тартиблари ва ундан кўзланадиган мақсадни белгилаб беради. Матбуот асари билан танишиш, унинг нашр турини ва қандай китобхонларга мўлжалланганлигини аниқлаш, бирор қарорга келиш ҳамда у қарорни индекслар тарикасида ёзиб қўйиш — буларнинг ҳаммаси ҳар қандай тематикага доир китобларни классификациялашда ўзгармасдан қолаверади. Айни вақтда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, билимнинг муайян соҳасига оид китобларнинг тематикаси билан бевосита боғлиқ баъзи масалаларни ҳал этиш учун кўрсатиб ўтилган умумий методларни қўлланишнинг ўзи етарли бўлмай қолади. Кўпчилик ҳолларда бундай масалалар бир бўлим ичидағи бир қанча бўлишишлар тематикасига тааллуқли тушунчалар мазмунини аниқ белгилаш зарурати туғилган пайтда, айниқса, бу бўлинишлар билимнинг шу соҳаси учун жуда муҳим бўлган ҳар хил белгилар асосида аниқланган вақтда пайдо бўлади. Муайян бўлим мазмунни билан тематикаси бир-бирига яқин бошқа бўлиmlар мазмуни ўртасидаги чегарани белгилаб олиш, умумий ва аналитик аниқлагичлардан билимнинг муайян соҳасига оид китоблар тематикасига татбиқан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлаб олиш анича муҳим.

Мана шу ва бошқа методик масалалар классификациялашнинг жузъий методикасига доир тегишли бўлимнинг предметини ташкил этади. Бундай бўлиmlар кўн бўлиб, уларда билимнинг ҳар бир саҳасига оид китоблар учун уларни тематикасининг хусусиятларига мос тарзда классификациялаш методларини жамлаш зарурати пайдо бўлади. Шундай қилиб, классификациялашнинг хусусий методикаси ижтимоий-снёсий, табиий-плтмий

адабиётни, техникага оид адабиётни ва ҳоказоларни классификациялаш методикасининг мустақил бўлимларни ўз ичига олади.

Хусусий методика бўлимларидан ҳар бирига тааллуқли масалалар доираси жуда кенг ва хилма-хилдир. Масалан, ижтимоий-сиёсий адабиётни классификациялаш методикасидан мустақил қисмларни — иқтисодий, сиёсий адабиётни, ҳукуқга долр адабиётни ва шунинг сингари адабиётни классификациялаш методикасини алоҳида ажратиш мумкин. Иқтисодий адабиётни классификациялашда экономика ва сиёсий иқтисод бўлимлари ўртасидаги, айрим соҳалар экономикаси билан маҳаллий экономика ва ҳоказолар ўртасидаги фарқларни аниқлаб олиш масалалари пайдо бўлади. Кутубхоначи сиёсий адабиётни классификация қилаётганида бошқа масалаларга, масалан, айрим мамлакатларнинг сиёсий ҳаёти билан битта социал системадаги барча мамлакатлар ёки мамлакатлар группалари учун умумий бўлган турли сиёсий проблемалар бўлимлари ўртасидаги фарқни аниқлаш масаласи пайдо бўлади.

Шундай қилиб, билимнинг муайян соҳасига оид матбуот асарларини классификациялаш ва уларни системали каталогда акс эттириш хусусиятларини кўриб чиқиш хусусий методикасининг ғоят кўп бўлимларидан ҳар бирининг мазмуни бўлиб хизмат қиласди. Классификациялаш хусусий методикасининг бу соҳали бўлимларниш яна бир соҳалараро бўлим билан тўлдириш мумкин, бу бўлим нашрларнинг алоҳида турларини, муайян китобхонларга мўлжалланган, баён формаси билан фарқ қиласидиган матбуот асарларини ва шунинг сингариларни классификациялаш методикасини кўриб чиқади. Улардан баъзилари, масалан, биографик асарлар, ғиблиографик кўрсаткичлар классификациялашда қатъий тартиб белгиланишини талаб этади, чунки уларни ҳар хил бўлимларга киритишга йўл қўйилади.

Хусусий методикага тааллуқли масалаларнинг кенг доираси фақат бир қанча махсус қўлланмалардагина тўлиқ кўриб чиқилмоғи мумкин. Бу бобда унинг баъзи бир энг муҳим масалалари ёритилган. Классификациялаш методикасини конкрет тарзда кўриб чиқиш ҳамиша муайян схемадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиши кераклиги сабабли бу боб бўлимларидағи барча методик кўрсатмалар ва китоблар учун индексларнинг мисоллари (алоҳида айтиб ўтилган ҳоллар бундан мустасно) облар¹ кутубхоналари учун кутубхона классификацияси жадвалларига татбиқан берилади.

Ижтимоий-сиёсий адабиёт классификацияси

Совет кутубхоналарининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги асосий вазифасини ҳал этишда ижтимоий-сиёсий адабиётни пропаганда қилиш жуда муҳим ўрин

¹ Қўйидаги китобдан қаралсин: «Таблицы библиотечной классификации для областных библиотек», З. Н. Амбарцумян таҳрири остида. М., Бутуниттифоқ китоб палатасининг нашриёти, 1963, 252-бет.

тутади. «Бизнинг фикримизча,— деган эди Владимир Ильич Советларнинг Бутун Россия II съездида сулҳ ҳақидаги доклад юзасидан сўзлаган охирги сўзида,— омма онгли бўлса, давлат кучли бўлади. Омма ҳамма нарсани билиб, ҳамма нарсани муҳо-кама қилиб, ҳамма ишни онгли суратда бажаргандагина давлат кучли бўлади». Бу билимларни эгаллашда ижтимоий-сиёсий китобнинг роли фоят каттадир. У китобхонларни марксизм-ленин-измнинг революцион назарияси билан, экономика, сиёсат, маданият ва жамият ҳаётининг бошқа томонлари тараққий этишининг қонуниятлари тушунчаси билан қуроллантиради. Ижтимоий-сиёсий адабиётни мунтазам тарзда ўқиб бориш коммунизм қуриш учун курашда совет кишиларининг активлигини оширади, юз берадиган воқеа-ҳодисаларнинг бир-бири билан боғланишини чуқурроқ тушўниб олиш, уларнинг тараққиёт жараёнини олдиндан кўриш ва келгусида уларга таъсири этиш имконини беради.

Партия Марказий Комитетининг 1963 йил июнь Пленуми совет кишиларини коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш, уларда илмий-материалистик дунёқарашни таркиб топтириш, коммунистлар ва партиясизлардан марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганишни талаб этади, деб кўрсатиб ўтган эди. Бу кўрсатма совет кутубхоналарининг ижтимоий-сиёсий китоб устида олиб берадиган ишининг негизи бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, сиёсий иқтисод масалаларига доир адабиётни, СССРнинг ва чет мамлакатларнинг ҳозирги иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ҳаётини ёритиб берувчи китобларни системали каталогда тўғри ва ҳар томонлама ёритмасдан туриб, уларни актив пропаганда қилиб бўлмайди. Шунинг учун кутубхоначи ижтимоий-сиёсий мазмундаги китобларни классификациялашга айниқса катта эътибор бермоғи керак. Бу шунинг учун зарурки, ижтимоий-сиёсий тематикадаги кўпгина китоблар ниҳоятда ҳар томонлама мазмунга эга бўлиб, улар билан етарлича танишиб чиқмаслик классификациялашда жиддий хатоларга олиб бориши мумкин.

Область кутубхоналари учун тузиб чиқилган жадвалларда ижтимоий-сиёсий адабиёт бир қанча бўлимларда берилган. Улардан баъзилари фақат ижтимоий-сиёсий тематикадаги китобларни группаларга ажратиш учун мўлжалланган бўлиб, бошқа бўлимларда ижтимоий-сиёсий адабиёт ана шу бўлимларнинг асосий мазмунини ташкил этадиган бошқа фанларга доир китоблар билан бир қаторда қисман акс эттирилади.

Қуйидаги бўлимлар биринчи группага киритилади:

3К Марксизм-ленинизм

3 Ижтимоий-сиёсий адабиёт

9 Тарих

Ижтимоий-сиёсий тематикадаги китобларнинг бўлнимлари-ни қисман ўз ичига олган бўлимлар:

1 Философия. Психология. Логика

2 Атеизм. Дин

91 География.

ЗК Марксизм-ленинизм бўлими муҳим методологик аҳамиятга эга бўлган адабиётни бирлаштиради. Кутубхона классификациясининг соҳали структураси ЗК бўлимида марксизм-ленинизм масалаларига доир ҳамма адабиётни бирлаштириш имконини бермайди. Унинг энг муҳим таркибий қисмлари билимининг тегишли соҳаларига доир бўлиmlарда: марксизм-ленинизм фалсафаси ва илмий коммунизм — I философия бўлимида, марксизм-ленинизмнинг иқтисодий таълимоти — 33 *Сиёсий иқтисод* бўлимида берилган. Ҳудди шунингдек тил ҳақидаги марксча-ленинча таълимоти — 4 *Тишиунослик* бўлимига, адабиёт тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот — 8 *Адабиётшиунослик* бўлимига, маданият ва маданий революция тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот — 37 *Маданият. Ҳалқ маорифи* ва ҳоказолар бўлимига киритилади. Бу масалани бошқача ҳал қилиш соҳали бўлиmlарнинг мазмунини ҳаддан ташқари чеклаб қўйишга олиб борган бўлур эди.

ЗК бўлими бўлинмаларида аввало Маркс, Энгельс, Ленининг барча асарлари марксизм-ленинзмни ўрганиш учун асосий манба сифатида бирлаштирилади, шунингдек турли авторларнинг марксизм-ленинзм асосчиларининг айrim асарларига берган характеристикасидан, уларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятининг тасвиридан иборат бўлган китоблари бирлаштирилади. Марксча-ленинча таълимотни амалга оширувчи Совет Иттилоғи Коммунистик партиясиининг, чет мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг фаолияти тўғрисидаги, Бутуниттилоғ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ҳақидаги ҳамда чет мамлакатларда бевосита коммунистик партиялар раҳбарлигида иш олиб борувчи коммунистик ёшлар союзлари тўғрисидаги, шунингдек болалар коммунистик ҳаракати ҳақидаги адабиёт ҳам шу бўлимида берилган.

З *Ижтимоий-сиёсий адабиёт* бўлими. Бу бўлиннинг структураси бир қанча сабабларга кўра ниҳоятда ўзига хосдир. Биринчидан, ижтимоий фанларнинг турли соҳаларига доир бўлиmlарнинг кўпчилигида назарий масалаларга доир китоблар учун ҳам, айrim мамлакатларнинг (ёки ҳозирги дунё мамлакатлари группасининг) ҳозирги ижтимоий-сиёсий ҳаётини, иқтисодий аҳволини, давлат тузумини ёритадиган китоблар учун ҳам бўлинмалар ажратиш назарда тутилган. Иккинчидан, бу бўлиmlарда индексга С ҳарфини қўшиш йўли билан (қавссиз) СССР тўғрисидаги адабиёт ва индексга И ҳаргини қўшиш йўли билан (бу ҳам қавссиз) чет мамлакатлар тўғрисидаги адабиёт изчил тақсимланади. Учинчидан, социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётидаги тафовутларни назарда тутиб, чет мамлакатлардаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисидаги адабиётни бирлаштирувчи ҳамма бўлиmlarda ҳар бир алоҳида мамлакат учун, албатта рубрикалар ажратиш усули қўлланилади.

9. *Тарих* бўлими ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлими билан жуда мустаҳкам боғланган бўлиб, у аслида шу кенг комплекснинг бир қисми ҳисобланади. Бу бўлимга ўмуман инсоният жамияти тараққиётининг ҳамда айrim мамлакатлардаги, айrim даврлар ва замонлардаги инсоният жамияти тараққиётининг боришини кўриб чиқадиган китоблар киритилади.

1 *Философия. Психология. Логика* бўлими. Бўлимнинг дастлабки бўлинмаларида марксизм-ленинизм фалсафаси — диалектика ва тарихий материализм акс эттирилган, шунингдек илмий коммунизм ҳақидаги адабиёт берилган.

Марксга қадар бўлган фалсафа тарихи ва турли ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихи ҳамда ҳозирги замон буржуа фалсафаси ва социологияси тарихи алоҳида бўлим қилиб ажратилган. Шундан кейин психология ва логика бўлимлари келади.

Бу бўлимда тарихий материализмга, илмий коммунизмга ва ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихига доир адабиётнинг мавжуд эканлиги уни бевосита ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлими билан бөглайди.

2 *Атеизм* бўлими. Диннинг келиб чиқиши ва моҳияти, илмий атеистик пропаганда ва уни йўлга қўйиш методикаси масалалари — бўлимнинг ижтимоий-сиёсий адабиёт комплексига бевосита алоқадор эканлигини белгилаб берадиган асосий мазмуни мана шу.

Бу бўлимдаги системали каталогда оламнинг тузилиши, ҳаётнинг моҳияти ҳамда вужудга келиши, одамнинг пайдо бўлиши ва ҳоказолар ҳақидаги диний қарашларни илмий жиҳатдан танқид қилишни ўз ичига олган табиий-илмий тематикадаги китоблар ҳам (қўшимча карточкалар ёрдамида) акс эттирилади.

91. *География* бўлими. Бу бўлимга мамлакатга ёки муайян жойга, унинг табиати ҳамда аҳолисига комплекс ҳарактеристика берадиган умумгеографик адабиёт киритилади. Асосий бўлинмалар кўпинча географик аниқлагичлар ёрдамида тузилади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётни классификациялаш жараёнинда вужудга келадиган масалалар допраси жуда кенгdir. Кутубхона классификацияси жадвалларида рубрикаларга доир жуда кўп эслатмалар берилган бўлиб, улар кутубхоначининг классификация қилинадиган китобларнинг бир-бирига яқин тематика бўлинмалари ўртасидаги чегарасини тўғри аниқлаб олишига ёрдам беради.

Баъзи энг муҳим матбуот асарларини классификациялаш масалалари алоҳида кўриб чиқишини талаб этади, бу асарларни фаол пропаганда қилиш уларни системали каталогда тўғри акс эттиришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

**Марксизм-ленинизм
асосчиларининг асарларини
классификациялаш**

Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини пропаганда қилиш кутубхоналарининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Марксизм-ленинизм асосчилари

асарларининг ҳамма нашрлари — асарлар, танланган асарлар тўпламлари, тематик тўпламлар ва айрим асарлар, шунингдек марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларига бағишиланган обзор ҳамда библиографик характердаги китоблар, Маркс, Энгельс, Лениннинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берувчи асарлар китоб токчаларида ҳамда каталогда ЗК1, ЗК2 бўлимларининг бўлин-маларида ва ЗК4 бўлимида бирлаштирилади.

ЗК Марксизм-ленинизм бўлимида Маркс, Энгельс, Ленин барча асарларининг тўпланишига сабаб шуки, кўриб чиқиладиган масаладан қатъи назар бу асарлардан ҳар бири марксизм-ленинзмни ўрганишнинг зарур манбаидир. Ўларни китоб токчаларида бир жойга тўплаш амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки кутубхоначининг китобхон сўраган ҳар бир асарни қидириб топишини осонлаштиради. Бу масала бошқача ҳал қилинганда, яъни бу асарлар класификация қилинаётганда бўлимлар бўйича мазмунига қараб бўлинганда эди, барча ҳолларда кутубхоначи уларнинг токчаларидағи ўрнини аниқлаш учун каталог бўйича иш тутишга мажбур бўлар эди. Ниҳоят, яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, Маркс, Энгельс ва Лениннинг кўпгина асарлари мазмунига кўра кўп томонлама асарлар бўлиб, уларни киритиш лозим бўлган битта бўлими аниқлаш анча қийин бўлади.

Бироқ, марксизм-ленинизм асосчиларининг барча асарларини битта бўлимда бирлаштириш билан бирга, уларни ўзларининг конкрет мазмунларига кўра киритиб қўйиладиган системали каталог бўлиmlарида ҳам кенг акс эттириш зарур. Китобхонлар ўзларини қизиқтирган муайян масалага доир адабиёт танлаш учун системали каталогга мурожаат этганларида марксизм-ленинизм асосчиларининг мана шу масалага оид барча асарлари ҳақида маълумотлар олишлари керак.

Китобхонларнинг токчалар ёнига бемалол қира олиш шароитларида марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг нусхалари етарли миқдорда мавжуд бўлган пайтда тегишли тематика бўлиmlарига мурожаат қиладиган китобхонларга биринчи навбатда ана шу асарларни тавсия этиш мақсадида уларнинг биттадан нусхасини фонднинг тегишли бўлиmlарига жойлаштириш зарур. Бу нусхаларга муайян бўлимининг индекси кўрсатилган очиқ рангдаги ёрлиқлар ёпиштириб қўйилмоғи керак. Бу асарни олишни истаган китобхонга кутубхоначи ЗК бўлимидағи мавжуд нусхалардан бошқа бирини бериб, муайян бўлим индекси қўйилган нусхани эса токчаларда қолдиради.

Бундан ташқари, тегишли тематика бўлиmlарига Маркс, Энгельс ва Лениннинг мазмунига кўра шу бўлимга тааллукли бўлган барча асарлари рўйхати қўйилиши керак.

Шуни назарда тутиш керакки, марксизм -ленинизм асосчиларининг асарларини класификациялаш кутубхоначидан бу асарларнинг мазмунини жуда яхшилаб билиб олишни талаб этади. Уларни класификациялашда кутубхоначининг ишини енгиллаштириш мақсадида «Оммавий кутубхоналар учун кутубхона

классификацияси жадваллари» нашрига илова тариқасида «Маркс, Энгельс ва Лениннинг тўла индекслари кўрсатилган асарлари айrim нашрларининг рўйхати» критиленган. Бу индекслар кутубхоначиларга область кутубхоналарида ва илмий кутубхоналарда системали каталоглар ташкил қилишда ҳам ёрдам беради.

Тасвиirlарни системали каталогка жойлаштириш бўйича совет кутубхоналарида қабул қилинган қоидаларга биноан, марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг тасвиirlари ҳар бир бўлимда биринчи ўринга жойлаштирилади. Дастлаб Маркс билан Энгельснинг биргаликда ёзган асарларининг, сўнгра Маркс, Энгельс, Ленин асарларининг тасвиirlари изчиллик билан қўйиб чиқилади. Шундай қилинганлиги туфайли, китобхон ўзини қизқириган масала юзасидан бўлимга мурожаат қилган пайтида аввало марксизм-ленинизм асосчиларининг шу масалага онд мавжуд асарлари ҳақида маълумотлар олади.

ЗК14 ва ЗК24 бўлимларида марксизм-ленинизм асосчиларининг айrim асарларини ўрганишда ёрдам тариқасидаги изоҳлар ва қўлланмалар тўпланади. Шарҳлаб берилётган асарлар тематикасига мос келувчи бўлимларда бундай қўлланмалар акс эттирилмайди. Масалан, қуйндаги брошюра: Ф. М. Лиходев В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» деган асағи тўғрисида, М., 1958—ЗК24 бўлимига киритилади ҳамда 34 Давлат ва ҳуқуқ бўлимида акс эттирилмайди. ЗК14 ва ЗК24 бўлимларидағи системали каталогда изоҳлар ҳамда қўлланмалар шарҳлаб берилган асарларининг номлари остида группаларга ажратиб чиқилади. Қўлланмаларнинг тасвиirlари берилган карточкаларда бу тариқа группаларга ажратишни осонлаштириш мақсадида автор сатрининг юқорисида асарнинг номи кўрсатилади.

Марксизм-ленинизм асосчиларининг фикрлари асосида бирор илмий проблемани характерлаб берадиган китоблар, масалан: «Ленин миллий масала тўғрисида» ёки «Ленин марксистик партияянинг тактик асослари тўғрисида» деган китоблар бошқача классификация қилинади. Бундай асарлар тегишли тематика бўлимларнинг киритилади ҳамда ЗК1 ва ЗК2 бўлимларининг бўлинмаларида тақорланмайди.

Биографик характердаги асарлар, шунингдек Маркс, Энгельс, Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги хотиралар тегишли тарзда ЗК16 ва ЗК26 бўлимларига киритилади. Агар китобда марксизм-ленинизм асосчилари фаолиятининг бир томони ёритиладиган бўлса, бу китоб тегишли тематика бўлимида қўшимча тарзда акс эттирилади. Масалан, қуйндаги китоб: С. И. Арапов В. И. Ленин ва Қизил Армия (хотиралар) М., 1958 — тўлиқ ЗК26+355С индексини олмоги керак.

Маркс, Энгельс ёки Лениннинг бирор масалага доир назарий фикрларининг характеристикиси уларнинг худди шу соҳадаги амалий фаолиятининг баёни билан бирга қўшилиб кетган китоблар тез-тез учраб туради. Бундай ҳолда ҳам китоблар икки бў-

лимда — тегишли масалага доир бўлимда ва ЗК16 бўлимида ёки ЗК26 бўлимида акс эттирилади. Китобнинг токчадаги ўрни унинг асосий мазмунига қараб белгиланади. Масалан, қуйидаги китоб: П. Б. Жибрев, Ленин ва Совет мамлакатини электрлаштириш. М., 1960 — босма карточкада ЗК26+ЗЗС индексини олган, чунки бу китобда В. И. Лениннинг СССРни электрлаштириш планини тузиш ва уни амалга ошириш борасидаги фаолиятни кенг ёритилган.

Кутубхоначи марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг айрим нашрларини классификация қилаётганда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу асарларнинг тўлиқ индеҳслари аниқлаб қўйилган рўйхатлари берилган «Оммавий кутубхоналар учун кутубхона классификацияси жадваллари»га доир иловага асосланиб иш тутади. Лекин бу кутубхоначини Маркс, Энгельс ва Лениннинг алоҳида нашр этилмаган, аммо системали каталогда акс эттирилган асарларини мустаҳид равишда классификациялаш заруратидан озод қilmайди. Бу ҳолда кутубхоначи асарларнинг томларида ёки тўпламларида мавжуд бўлган бу асарлардан фойдаланган ҳолда аналитик классификациялаш методини қўлланади.

Марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг аналитик классификацияси кутубхонасидан бу асарларнинг мазмунни билан муфассал танишиб чиқишини ва улар акс эттирилиши лозим бўлган системали каталог бўлимларини аниқлаб олишни талаб этади. Бу ишни фақат малакали кутубхоначигина бажариши мумкин. Каталогда аналитик классификациялаш методи билан акс эттириладиган асарларни танлашнинг тасодифий характеристерда бўлмаслиги жуда муҳимdir. Ҳатто йирик кутубхонада ҳам нисбатан унча кўп бўлмаган асарларни аналитик тарзда акс эттириш мумкин. Олий ўқув юртларининг энг муҳим ижтимоий-сийёсий фанларга доир программаларига илова қилинган адабиёт рўйхатлари, шунингдек тавсия библиографик кўрсаткичлари катта ёрдам бериши мумкин.

Одатда, марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари фақат катта кутубхоналардагина аналитик классификация қилинади. Лекин алоҳида нашр этилган бирор энг муҳим асар нима учундир мазкур нашрда бўлмаса ва кутубхонада асарларнинг тегишли томидагина мавжуд бўлган ҳолларда кичик кутубхоналарда ҳам бу методни қўлланиш зарур. Бунда кутубхоначи, албатта асарнинг аналитик тасвирини тузади, унинг учун «Оммавий кутубхоналар учун кутубхона классификацияси жадваллари»га илова қилинган рўйхатга биноан тўлиқ индекс белгилаб чиқади.

Марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини классификациялаш, шифрларни аниқлаш, уларни полкаларга жойлаштириш ва системали каталогда акс эттириш масалаларига алоҳида эътибор билан қарав, бу масалаларнинг тўғри ҳал этилиши кўп жиҳатдан бу энг муҳим асарларни китобхонларга фаол тавсия этишга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

**Партия ва ҳукумат
хужжатларини класси-
фикациялаш**

Марказий Комитетининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг биргаликда чиқарган қарорлари, СССР Олий Совети сессияларининг материаллари, партия ва ҳукумат раҳбарларининг докладлари ҳамда партия ва ҳукуматнинг бошқа ҳужжатлари совет жамияти ҳаётида ғоят катта уюштирувчилик ҳамда йўналтирувчилик аҳамиятига эгадир. Бу ҳужжатларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш кеңг меҳнаткашлар оммасини коммунистик курилиш вазифаларини бажаришга илҳомлантиради, уларни мамлакатимизда экономиканни юксалтириш учун, социалмистик фан ва маданиятни тараққий эттириш учун курашга сафарбар этади.

Бу материалларни классификациялаш ва системали каталогда акс эттириш кутубхоначи зиммасига катта маъсуллият юклайди. Унинг тўғри индексларни мустақил равишда аниқлаб олиши зарур бўлади, чунки марказлашган каталоггластиришнинг турли нашрлари ҳамиша ҳам унга ўз вақтида ёрдам бера олмаслиги мумкин. Партия ва ҳукумат янги ҳужжатларининг вақтли матбуотда босилиб чиқиши ва уларни зудлик билан классификациялашни ва системали каталогда акс эттиришни талааб этади, индекслари аниқланган босма карточкалар эса кутубхонага анча кейин, бу ҳужжатлар алоҳида нашр бўлиб чиққанидан сўнг келиб тушади. Газета ва журнал материалларининг босма карточкаларини ҳамма оммавий кутубхоналар ҳам олавермайди¹.

Бизда қарор топгай иш тажрибасига биноан барча партия ҳужжатлари ўз мазмунни ва характеристидан қатъи назар биринчи навбатда КПСС тарихининг тегишли даврларига доир бўлимларга киритилади. Бундай классификациялаш кутубхоначининг исталган партия ҳужжатини тез топиб олишини осонлаштиради.

Партия съездлари ва конференцияларининг стенографик хисоботлари, шунингдек съездлар, конференциялар, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг турли масалаларга доир резолюциялари тўпламлари системали каталогда фақат партия тарихи тегишли даврларининг бўлимларидагина акс эттирилади. Масалан, КПСС XXII съездининг стенографик ҳисоботи фақат ЗКИИ-19 бўлимидагина акс эттирилади.

Марказий партия органлари қарорларининг, партия съездларида ва КПСС Марказий Комитети Пленумларида қилинган докладларининг, КПСС Марказий Комитетининг муайян масалага доир қарорларининг, шунингдек КПСС Марказий Комитети би-

¹ Сўнгги йилларда чиққаш партия ҳужжатларининг нашрларида тўлиқ индекслар титул варақининг орқа томонида ёки нашрнинг охирида босилиб чиқишига доир маълумотларда берилмоқда.

лан СССР Министрлар Советининг биргаликда чиқарган қарорларининг алоҳида нашрлари системамин каталогда ўзларининг конкрет мазмунига кўра улар қайси бўлимларга тааллуқли бўлса, ўша бўлимларда ҳам қўшимча тарзда акс эттирилади. Қитобхонларнинг фонддан бемалол фойдаланишлари шароитида қарорларнинг алоҳида нусхалари (марксизм-ленинизм асосчилари нинг асарларини қандай жойлаштириш кераклиги тушунтириб берилган олдинги параграфдаги усулни қўлланган ҳолда) тегишли соҳали бўлимларга жойлаштирилади.

Масалан, КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия программасининг вазифалари тўғрисида» (1960 йил) ги қарори КПСС тарихининг ҳозирги даври бўлимига киритилмоғи лозим, системали каталогда эса партияниң идеологик иши бўлимига ҳам қўшимча карточка қўйилади; шундай қилиб, бу қарор учун тўлиқ индекс — ЗКПІ = 18 + ЗКП4 бўлади. Бу қарорнинг бир нусхаси ЗКП4 бўлимига (қитобхонлар бемалол фойдаланадиган токчаларга) қўйилмоғи керак.

Партияниң бирор масалага доир қарорлари, тўпламлари турли даврларга тааллуқли ҳужжатларни бирлаштирувчи тўпламлар тегишли тематика бўлимигагина жойлаштирилади ва КПСС тарихи бўлимида акс эттирилмайди. Бундай тўпламлар бир даврга тааллуқли партия ҳужжатларини ўз ичига олган ҳолларда улар партия тарихининг шу даври бўлимига киритилади ҳамда тўпламларнинг мазмунига мос келадиган бўлиmlарда қўшимча тарзда акс эттирилади.

Партияниң социалистик қурилишнинг муайян соҳасидаги фаолиятини характерлаб берадиган китоблар ҳам худди шундай классификация қилинади: партияниң турли давлардаги фаолиятини ёритувчи китоблар фақат тегишли соҳали бўлиmlарга, битта муайян даврдаги ана шу фаолиятни ёритувчи китоблар эса КПСС тарихининг шу даврдаги бўлимига ва қўшимча тарзда мазкур масалага бағишланган бўлимига киритилади.

Ҳукумат ҳужжатлари, шунингдек маҳаллий ҳокимият орғанларининг қарорлари ва фармойишлари бошқача классификация қилинади. СССР Олий Совети Президиуми ва республикалар олий советлари фармонларининг, СССР Министрлар Совети ҳамда республикалар министрлар советлари қарорларининг, маҳаллий органларнинг муайян масалага доир қарорларининг алоҳида нашрлари шу ҳужжатлар тематикасига мос бўлган бўлиmlаргагина киритилади, яъни конкрет мазмунига қараб классификация қилинади. Масалан, «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва РСФСРда ҳалқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида Қонун» (1959 йил) З7С бўлимига киритилади.

СССР Олий Совети, иттифоқдош республикалар олий советлари сессияларининг, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район советлар сессияларининг стенографик ҳисоботлари З4С бўлимининг тегишли бўлинмаларига киритилади.

Хронология белгиси асосида бирлаштирилган ҳар хил мазмун ва ҳарактердаги қонунлар, фармонлар ҳамда ҳукумат қарорлари түпламлари, масалан, муайян йилга оид қонунлар, фармонлар ва қарорларнинг түпламлари шу мақсад учун мўлжалланган бўлимга—34С2 СССР қонунлари, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг умумий түпламлари бўлимига жойлаштирилади. Бироқ битта муайян масалага доир раҳбарлик ҳарактеридаги материаллар тегишли тарзда танлаб олинган ҳукумат ҳужжатлари (ёки партия ва ҳукумат) ҳужжатларининг тематик түпламлари фақат тегишли тематика бўлимига жойлаштирилади. Масалан, умуман СССР ҳалқ ҳўжалиги масалаларига доир раҳбар материаллар түплами 33С СССР ҳалқ ҳўжалиги бўлимига киритилмоғи, химия саноати масалаларига доир раҳбар материаллар түплами 338:6П7 Химия саноати экономикаси бўлимига киритилмоғи керак ва ҳоказо.

Партия ва ҳукумат ҳужжатлари худди марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари сингари ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун кутубхона бу ҳужжатларга, нисбатан уларни системали каталогда тўлиқроқ акс эттириш методини қўлланади. Партия ва ҳукумат ҳужжатлари алоҳида нашр бўлиб чиққунига қадар уларни вақтли матбуотда зъёлон қилинган нусхалари асосида каталогда ўз вақтида акс эттириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бундан, ҳатто кичик кутубхоналарда ҳам бу материаллар учун, албатта аналитик классификациялаш методи қўлланилмоғи керак, деган холоса чиқариш лозим. Энг муҳим ҳужжатни ҳали нашриёт алоҳида китоб қилиб чиқаришга, улгурмаганлигин ёки кутубхона ҳали уни сотиб олмаганлиги учунгина каталог бўлимларида бу ҳужжат тасвирининг бўлмаслигига йўл қўйиш мумкин эмас.

Китобхонини уни қизиқтирадиган масалага доир мавжуд партия ва ҳукумат кўрсатмалари билан биринчи навбатда таништириш ғоят муҳимдир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукумат ҳужжатларининг тасвиirlари системали каталогнинг ҳар бир бўлимчаси ичida марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларидан кейин, қолган барча китобларнинг тасвиirlаридан олдин жойлаштирилади. Партия ҳужжатларининг тасвиirlари КПСС тарихи барча даврларининг бўлинмаларида бу ҳужжатларда кўрсатилган саналарнинг тўғри хронология тартибида қўйилади. Партия ва ҳукумат ҳужжатлари қолган барча бўлинмларда тескари хронология тартибида жойлаштирилади, бундан мақсад — сўнгги йиллардаги ҳужжатларни биринchi ўринга қўйишdir.

Сиёsat, экономика масалаларига доир адабиёт ва география-га оид адабиёт клас- сификацияси

Ижтимоий-сиёсий¹ адабиётни классификациялаш пайтида кутубхоначи олдидага кўндаланг бўлиб турадиган кенг масалалар доираси ичida шу бўлимларга кирадиган китобларни классификациялаш масалалари энг кўп сонли ва методик жиҳатдан мураккаб масалалардир. Бир томондан, мамлакатнинг ҳозирги

сиёсий аҳволи ва унинг тарихи бўлимлари ўртасидаги, сиёсат ва экономика, сиёсат ҳамда давлат тузуми бўлимлари ўртасидаги, сиёсат ва экономика бўлимлари ўртасидаги, иккинчи томондан, умумий география бўлими ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш қийин ишдир. Саноат ва қишлоқ хўжалик экономикаси бўлимида берилган масалалар саноат ишлаб чиқарishi техникаси ҳамда агротехникага тааллуқли масалалар билан ўзаро чатишиб кетади.

Бу бўлимларни чегаралаш мезонини баъзан китобларнинг типовой категорииларини аниқлаган ҳолда шартли тарзда белгилашга тўғри келади; бу китобларни уларнинг мазмуни, баён этилиш характеристига мувофиқ тарзда бирор бўлимга киритиш тавсия этилади. Муайян масалага доир адабиётни тўлиқроқ акс эттириш учун боғловчни йўналтиргичларни қўлланишга ва бошқа бўлиmdагиларга қараганда анча кўп қўшимча карточкалар тузишга тўғри келади.

32 Сиёсат, 33 Экономика фанлари. Экономика ва 34 Давлат. Ҳуқуқ бўлиmlари жадвалларда асосий белгилари бир-бирига ўхаш структурага эгадирлар.

32 Сиёсат

32С СССР нинг сиёсий аҳволи, ижтимоий ва сиёсий тузуми

32И Айrim чет мамлакатларнинг сиёсати, ҳозирги сиёсий аҳволи, ижтимоий ва сиёсий тузуми

327 Халқаро муноса-батлар. Диипломатика. СССР нинг ташқи сиёсати

327.1 Жаҳон социализм системаси (умумий асарлар)

33 Экономика фанлари. Экономика

33 Сиёсий иқтисод. Марксизм-ленин主义нинг иқтисодий таълимоти

33С СССР нинг халқ хўжалиги

33И Айrim чет мамлакатларнинг сиёсати, ҳозирги сиёсий аҳволи, ижтимоий ва сиёсий тузуми

33М Жаҳон экономикиаси. Жаҳон хўжалиги. Халқаро савдо

33M1 Жаҳон социалистик хўжалик системаси (умумий асарлар)

34. Давлат. Ҳуқуқ

34 Давлат ва ҳуқуқ

34С Совет социалистик давлати ва ҳуқуқи

34И Айrim чет мамлакатларнинг давлати ва ҳуқуқи

341 Халқаро ҳуқуқ

34M1 Социалистик мамлакатларнинг давлат ва ҳуқуқи (умумий асарлар)

| | | |
|--|---|--|
| 327.2 Жаҳон капиталистик система-си (умумий асарлар) | 33M2 Жаҳон хўжалигининг капиталистик системаси (умумий асарлар) | 34M2 Капиталистик мамлакатларнинг давлат ҳуқуқи (умумий асарлар) |
| 327.3 Жаҳон халқларининг тинчлик учун курарши | | |
| 327.4 Халқаро касабачилик ҳаракати | | |
| 327.6 Халқаро хотин-қизлар ҳаракати. Хотин-қизлар масаласи | | |

Юқорида келтирилган бўлинмалар рўйхатидан кўриниб турибдики, СССР ҳамда чет мамлакатларнинг ҳозирги сиёсий проблемаларига, ташқи ва ички сиёсатига доир асосий адабиёт 32 бўлимнинг бўлинмаларида жамланади. Лекин айрим мамлакатлардаги ички ва ташқи сиёсий вазиятни ёки ўтган даврлардаги халқаро муносабатларни ҳарактерлаб берувчи худди ўша масалаларга бағишланган китоблар тарих бўлимига киритилиши керак. Шу муносабат билан ҳозирги давр билан тарих ўртасидаги хронологик чегарани белгилаб олиш зарурати туғилади. Бу чегарани доимий қилиб белгилаб бўлмаса керак: биз бугун ҳозирги даврдаги нарса деб қабул қилган нарсамиз бир неча йилдан кейин тарих предметига айланниб қолади. Совет кутубхоналари вужудга келган дастлабки йилларда 1917 йил октябрь ойи — бутун нисоният тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ана шундай хронологик чегара бўлгани эди. Кейинчалик сиёсат ва тарих бўлиmlари ўртасидаги хронологик чегара тарихий тараққиёт жараёнига мувофиқ тарзда ўзгарди ҳамда СССР ва чет мамлакатлар тарихини илмий асосда даврларга бўлишга мос равишда белгиланди.

Ҳозирги вақтда сиёсат ва тарих бўлиmlари ўртасида адабиётни чегаралаш қуидагича белгиланади:
СССР учун (СССР тарихини қабул қилган тарзда даврларга бўлиш асосида):

- 1958 йилга қадар ижтимоий-сиёсий ҳаётда рўй берган барча воқеалар тўғрисидаги адабиёт—9 (С) бўлимига;
- 1959 йилдан бошлаб ҳозирги сиёсий аҳвол тўғрисидаги адабиёт — 32С бўлимига; чет мамлакатлар учун (улар тарихини даврларга бўлишга мувофиқ тарзда);

— социалистик мамлакатларнинг халқ ҳокимияти ўрнатилгунга қадар бўлган даврдаги, мустамлакачилик зулмидан озод бўлган мамлакатлар мустақиллик эълон қилингунга қадар бўлган даврдаги қолган мамлакатларнинг 1945 йилга қадар бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган барча воқеалар ҳақидаги адабиёт—9 (И) бўлимига;

— кўрсатилган даврлардан бошлаб ҳозирги спёсий аҳвол тўғрисидаги адабиёт—32И бўлимига киритилади.

32С ва 32И бўлиmlарига СССР ва чет мамлакатларнинг ҳозирги сиёсий аҳволини характерлаб берадиган китоблар билан бир қаторда мазкур мамлакат ижтимоий-сиёсий тузумининг умумий характеристикасини ёки бу тузумнинг айрим томонлари характеристикасини ўз ичига олган китоблар ҳам киритилади. Масалан, 32С бўлимига совет жамиятининг ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги, ишчилар синфи, колхозчи-дэҳқонлар ва совет зиёлиларининг аҳволи ҳақидаги, совет халқининг сиёсий ҳушёрлиги тўғрисидаги китоблар киритилади. Бу китоблар ҳозирги даврнинг хронологик чегаралари билан боғланмаган бўлиши мумкин. Масалан, Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли қашшоқлик ва ҳуқуқсизликдан ҳалос бўлган Совет Иттилоғи ҳалқларининг бузилмас дўстлигп тўғрисидаги китоблар, гарчи ҳатто уларнинг мазмуни сўнгги йиллардаги воқеалар билан боғланмаган бўлса ҳам, 32С бўлимига киритилиши лозим. Худди шу сабабга кўра; масалан, Франциянинг мустамлакачилик сиёсати тўғрисидаги китоблар Франциянинг сиёсати ва сиёсий аҳволи рубрикасига киритилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, чет мамлакатлар тўғрисидаги китобларни бирлаштирувчи ижтимоий-сиёсий адабиётнинг барча бўлиmlаридаги мамлакатлар бўйича бўлиб чиқиши усули қўлланилади. Бунга сабаб «чет мамлакатлар» тушунчасининг жуда кенглигидир. Бундай мамлакатлар жумласига социалистик ва капиталистик мамлакатлар; мустамлакалар аҳолисини эксплуатация қилувчи метрополиялар ва мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш учун курашаётган мустамлака мамлакатлари киради.

Баъзан турлича иқтисодий ва сиёсий укладга эга бўлган мамлакатлар ижтимоий ҳаётидаги бутунлай қарама-қарши ҳодисаларни характерлаб берадиган китобларни умумий алфавит тартибида бир-бiri билан қоришлириб юбормаслик учун бўлиmlарда, айниқса системали каталогда ҳар бир алоҳида мамлакат учун рубрикаларни ажратиб кўрсатиш зарур. Мамлакатларнинг рубрикалари бўлим ичida улар номларининг алфавит тартибида жойлаштирилади. Классификациялаш пайтида карточкаларни мамлакатларнинг рубрикаларига қараб жойлаштиришни осонлаштириш учун индексга мамлакат номининг дастлабки ҳарфлари қавс ичida қўшиб қўйилади, масалан, Испаниядаги сиёсий аҳвол тўғрисидаги китоблар учун 32И (Исп.), Япониядаги иқтисодий аҳвол тўғрисидаги китоблар учун

ЗЗИ (Яп.) ва ҳоказо деб ёзиб қўйилади. Системали каталогда ҳар бир рубрика муайян мамлакатнинг номи ёзиб қўйилган маҳсус ажраткич карточка билан ажратилади (индекси кўрсатилмайди, индекс муайян рубрикалар алоҳида-алоҳида ажратиб қўйилган умумий бўлим ажраткичидагина келтирилади).

Айтилган мана шу барча фикрлардан, кўрсатиб ўтилган ижтимоий-сиёсий адабиёт бўлимларига кирадиган айrim мамлакатлар тўғрисидаги китобларни классификация қилиш пайтида мамлакат белгиси — китобнинг ижтимоий фанлар тегишли соҳасининг бўлими ичидаи асосий, белгиловчи ўрнидир, деган хуоса чиқариш лозим.

Жадвалларда 327 Халқаро муносабатлар ва 33М Жаҳон экономикаси. Жаҳон хўжалиги бўлимларида умуман социалистик мамлакатларнинг (321.1 ва 33М1) ҳамда капиталистик мамлакатларнинг (327. 2 ва 33М2) аҳволини характерлаб берувчи китоблар учун бўлинмалар назарда тутилган. Масалан, «Капитализм дунёси — ҳуқуқсизлик ва меҳнаткашларни эзиш дунёси» деган китоб 327. 2 бўлимига, Италиядаги сиёсий зулм тўғрисидаги, итальян халқининг революцион кураши ҳақидаги китоб эса ЗЗИ (Итал.) бўлимига тегишли бўлади.

Мамлакатлардан бирининг ёки СССРдаги битта республика (область)нинг фақат сиёсий аҳволини ёки фақат экономикасини ёритувчи китоблар билан бир қаторда, мамлакат ёки жойнинг комплекс сиёсий-иқтисодий характеристикасини ўз ичига олган жуда кўп китоблар ҳам учрайди. Кутубхоначидаги СССР республикалари ва областлари тўғрисидаги бундай китобларга нисбатан одатда шубҳа туғилмайди. Бу китобларнинг асосий мазмуни ҳамиша муайян республика ёки областдаги ҳозирги иқтисодий аҳвол билан, уларнинг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш истиқболлари билан боғлиқ бўлади. СССР аниқлагичлари индексига аниқлагичларни қўшиш йўли билан территориал белги бўйича бўлишлар жадвалларда фақат экономика бўлимида—33С5 СССР иқтисодий географияси бўлимидагина назарда тутилган. Шундай қилиб, комплекс характердаги бундай китобларнинг мазмуни ҳам, жадвалларнинг тузилиши ҳам уларни экономика бўлимига киритишга сабаб бўлади.

Айни бир вақтда чет мамлакатлардан бирининг ёки мамлакатлар группасининг (масалан, социалистик мамлакатлар группаси ёки муайян географик комплексдаги мамлакатлар группасининг) сиёсий ва пътисодий аҳволини ёритувчи китобларни классификация қилишда бошқача ҳолат юзага келади. Ижтимоий ҳаётнинг қайси томони — экономиками ёки сиёсий вазиятми — китобда кўпроқ ёритилганлигини ҳамиша ҳам аниқлаб бўлмайди, шунинг учун кутубхоначи бундай китобларни классификация қилишининг олдиндан қабул қилинган методикасига мувофиқ китобларни экономика ва сиёсат бўлимларидан такрор акс эттиришга мажбур бўлади.

Кўп китоблар тасвириларининг асосиз тақрорланишига барҳам бериш мақсадида оммавий кутубхоналарнинг ҳозирги иш тажрибасида бундай китоблар фақат чет мамлакатлар экономикикаси бўлимининг тегишли рубрикасигагина киритилади, сиёсат бўлимига қўшимча карточкалар тузилмайди. Масалан, Руминия Халқ Республикасининг ҳозирги иқтисодий ва сиёсий аҳволини характерлаб берадиган китоб фақат 33И бўлимигагина киритилади. Системали каталогда 32И бўлимида экономика бўлимига ҳавола қўйувчи қўйидагича умумий йўналтиргич берилади: «Айрим чет мамлакатларнинг умумий сиёсий-иктисодий характеристикасини ўз ичига олган китоблар — қарабалсинг: 33И» 327.1 ва 327.2 бўлимларидан 33М1 ҳамда 33М2 бўлимларига ҳавола қўйувчи худди шу характердаги йўналтиргич берилади.

Экономика ва сиёсатни умумий география бўлими билан чеклаб қўйиш адабиётни классификациялашнинг қийин масалаларидан биридир. Кўпинча бирор мамлакат ёки жой тўғрисидаги сиёсий-иктисодий характердаги китобларда табиий-географик характеристикани (жой рельефи, дарё ва қўлларнинг тасвири, иқлим ва ҳоказоларни) ўз ичига олган боблар ёки бўлимлар бўллади. Иккинчи томондан, худди ўша мамлакат ёки жойнинг умумий географиясига доир китобларда одатда унинг сиёсий аҳволи ва экономикасининг ҳозирги ҳолати, аҳолисининг нима билан шуғулланиши ва ҳоказолар характеристикаси берилади.

Ҳозирги тажрибада бундай комплекс мазмундаги китобларни 91 *География* бўлимининг тегишли бўлинмаларига киритиш тавсия этилади. Йўл очерклари, бирор мамлакат бўйлаб саёҳат ва ҳоказолар типидаги китоблар ҳам худди шундай классификация қилинади.

Бироқ агар бундай комплекс мазмундаги китобларда мамлакат экономикасига доир кенг материал берилган бўлса, уларни экономиканинг тегишли бўлинмаларида акс эттириш мақсадида улар учун қўшимча карточкалар тузилади. Масалан, қўйидаги китоб: Г. И. Мухин ва М. П. Потёмкин. Австралия (256-бет) — тўлиқ 91(9) + 33И (Австралия) индексини олиши керак.

Совет кутубхоналарининг фондларида мамлакатимиз экономикасига доир жуда кўп адабиёт мавжуд. Бу адабиётни классификациялаш методикасининг хусусиятларини кўриб чиқиш зарур, чунки жадвалларда бу бўлимлар муфассал бўлинмалардан жуда кўпларини ўз ичига олади.

СССР халқ хўжалигининг умумий масалаларига доир китоблар 33С бўлимига жойлаштирилади. Бу бўлимда шундай бўлинмалар назарда тутилганки, улар ўзларига киритилган китобларнинг тематикасига мувофиқ учта мустақил қаторни ташкил қиласди: 1) асосий халқ хўжалик проблемаларига (планлаштириш, меҳнат масалаларига) доир китоблар; 2) айрим республикалар, ўлкалар, областлар экономикасига доир китоблар; 3) халқ хўжалигининг айрим тармоқларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқага) доир китоблар.

Бу бўлинмалар учун индекслар белгиланган бўлиб, улар ўзларининг рақамли ва ҳарфли белгилари билан ҳамиша ҳам умумий бўлим индекси — 33С билан боғланавермайди. Масалан, 331, 333, 336, 338 ва бошқа индекслар рақамларининг составига кўра мустақил бўлимларнинг индексларига ўхшаб туради. Шунга қарамасдан, мазмунига кўра бу бўлинмаларни СССР халқ хўжалиги бўлимига нисбатан алоҳида бўлимлар деб қарамоқ ва уларни 33С бўлимининг ажраткич карточкасидаги асосий бўлинмалар рўйхатига киритмоқ лозим.

Кўрсатиб ўтилган уч группанинг баъзи бўлинмаларини келтирамиз:

| СССР халқ хўжалигининг умумий проблемалари: | СССР территориал бўлиниши: | СССР халқ хўжалигининг тармоқлари: |
|---|---|--|
| 33C3 СССР халқ хўжалигини планлаштириш | 33C5 СССР иқтисодий географияси | 333 СССР социалистик қишлоқ хўжалиги экономикаси |
| 331 СССР да меҳнат (бу бўлимнинг барча бўлинмаларини бирга олган ҳолда) | (Бу бўлимда бўлинмалар географик аниқлагичлар ёрдамида, масалан, 33C5(С2) Украина ССР экономикиси аниқлагичи ёрдамида тузилади) | 338 Саноат, транспорт, алоқа экономикаси (Бу бўлимдаги бундан кейинги бўлинмалар муносабат аниқлагичлари ёрдамида, масалан, 338:6П7 Химия саноати экономикаси аниқлагичи ёрдамида тузилади). |

Классификациялаш пайтида қийинчиликлар асосан шунинг учун юзага келадики, муайян бир группанинг бўлинмаларига кириши яққол кўриниб турган китоблар (масалан, «Халқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш вазифалари ва йўллари» ёки «Украина ССР экономикаси», ёхуд «СССР химия саноати экономикаси» деган китоблар) билан бир қаторда ўз тематикаси жиҳатидан группаларнинг иккита бўлинмасига, баъзан эса барча учала группанинг бўлинмаларига бевосита алоқадор бўлган китоблар ҳам учрайди. Масалан, Украинанинг химия саноати учун кадрлар тайёрлаш масаласига доир китоб қўйидаги бўлинмаларга алоқадор бўлади:

3331.6 Кадрлар

338:6П7 Химия саноатининг экономикаси

33C5 (С2) Украина экономикаси

Бундай мазмундаги китоблар билан нима қилмоқ керак? Бу масалани ҳал этиш учун қуйидаги методик кўрсатмаларга амал қилмоқ лозим:

1. Китобда гап ҳалқ хўжалиги муайян тармоғининг экономикаси тўғрисида бораётган барча ҳолларда, бу белги асосий белги деб қаралади ва китоб мазкур тармоқ экономикаси бўлимининг токчаларига жойлаштирилади.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган мисолда китоб 338:6П7 бўлимида токчаларга жойлаштирилмоғи керак.

2. СССР республикалари ёки областларидан бирининг ҳалқ хўжалигидаги бирор тармоқ экономикасининг аҳволи ва уни ривожлантириш тўғрисидаги китобларни системали каталогда тегишли тармоқ экономикаси бўлимига киритиш ҳамда уларни муайян республика ёки область экономикаси бўлимида қўшимча равишида акс эттириш тавсия қилинади. Демак, кўриб чиқилаётган китоб учун тўлиқ индекс 338:6П7+33C5(С2) қилиб белгиланади. Бу китобхонга ҳар бир республика ёки область экономикаси бўлимида кутубхонадаги умуман бу республика экономикасини ёритувчи китобларнингина эмас, балки ана шу тематикага доир барча мавжуд адабиётни ҳам кўрсатиши имконини беради.

Агар кутубхона бу ерда тавсия этилаётган усульнин тўла-тўқис амалга ошириб бўлмайди деб топса, шу кутубхона қайси республика ёки область териториясида жойлашган бўлса, ўша республика ёки областьга доир бутун иқтисодий адабиётга нисбатан бу усул, албатта қўлланилмоғи керак, деб ҳисоблаш лозим.

3. СССР ҳалқ хўжалигининг конкрет проблемалари бўйларига (33C3, 33C4 индекслари, шунингдек 331 бўлимининг ҳамма бўлинмалари) ана шу проблемаларни умуман СССР ҳалқ хўжалигига нисбатан ёритадиган китобларгина киритилади. Агар бу проблемаларга ҳалқ хўжалиги тармоқларидан бирига нисбатан қаралгандек қараладиган бўлса, унда китоблар шу тармоқ бўлимига (қўшимча карточкаларсиз) жойлаштирилади. Масалан, химия саноати соҳасидаги планлаштиришга ва планларни бажаришга доир, кадрлар билан таъминлашга оид, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа иқтисодий масалаларга доир китоблар фақат 338:6П7 СССР химия саноати экономикаси бўлимиагина киритилмоғи керак. Худди шу проблемаларни СССРнинг муайян республикасига ёки областига нисбатан қараб чиқадиган китоблар 33C5 СССР иқтисодий географияси бўлимининг тегишли бўлинмаларига киритилади, масалан, Украина ССР ҳалқ хўжалигини кадрлар билан таъминлаш масалаларига доир китоблар 33C5(С2) бўлимига киритилади.

Қишлоқ хўжалиги экономикасига доир адабиётни классификациялаш масалалари ҳам худди шундай ҳал этилади. 333 СССР социалистик қишлоқ хўжалиги экономикаси бўлимида қўйида-гича икки типдаги бўлинмалар назарда тутилган:

Қишлоқ хұжалигининг айрим проблемалари белгилари ва қишлоқ хұжалик корхоналарининг турлари бүйіча:

333.0 Қишлоқ хұжалик экономикасининг айрим масалалари ва проблемалари

333.3 Совхозлар

333.4 Колхозлар

Қишлоқ хұжалик иш.таб чиқариши-
нинг тармоқ белгисін бүйіча:

333.7 Қишлоқ хұжалик айрим тармоқларининг экономикаси

333.72 Ұсимлиқшунослик экономикаси (қишлоқ хұжалик әкінларининг турлари бүйіча бундан кейинги бұлиннишлар билан)

333.76 Чорвачилик экономикаси (чорвачилик соҳалари бүйіча бундан кейинги бұлиннишлар билан)

Мазмунига күра айни бир вақтда күрсатыб ўтилған ҳар иккала группанинг бўлимнамаларига алоқадор бўлған китобларни классификациялашда соҳаларга қараб бўлишни китобхон учун энг муҳим бўлган классификациялаш тариқасида афзал кўрилади. Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи колхоз ва совхозлар тўғрисидаги китоблар 333.3 ҳамда 333.4 бўлимларига эмас, балки 333.76. Чорвачилик экономикаси бўлимига киритилади.

Экономикага доир адабиётни классификациялашда, бир томондан, экономика бўлими мазмунидаги чегараларни ва иккичи томондан, техника ҳамда қишлоқ хұжалиги (агротехника) бўлимлари мазмунидаги чегараларни тўғри белгилаб олиш жуда муҳим методик масаладир. Техник-иқтисодий характердаги саноат ишлаб чиқаришига — ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техник нормалаштириш, хұжалик ҳисоби, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳоказо масалаларга оид китобларни классификациялаш пайтида айниқса кўп қийинчиликлар пайдо бўлади.

Классификация қилинадиган китобларда берилған масалаларни кўриб чиқиш аспекти бу адабиётни күрсатыб ўтилған бўлимлардан бирига киритишнинг мезони бўлиб хизмат қилиши лозим. Агар бу масалалар (биргаликда ёки улардан бири) айрим корхона (цех)нинг иши доирасида қараб чиқиладиган бўлса, китоблар кўпчилик ҳолларда техниканинг тегишли бўлимларига киритилади. Борди-ю, худди шу масалалар умумий тарэза, СССР ёки республика, область, шаҳар, район саноатининг бутуғ тармоқлари аспектда баён қилинадиган бўлса, унда китоблар тегишли равишда экономика бўлимининг соҳали ёки территориал бўлиннамаларида бирига киритилади. Масалани ҳал қилишида тортишув бўлған ҳолларда техника бўлимларини афзал кўрмоқ керак.

Қишлоқ хұжалиги масалаларига доир худди шундай характердаги китоблар ҳам бир томондан, қишлоқ хұжалик экономи-

жаси бўлими, иккинчи томондан, агротехника ва чорвачилик бўйимлари ўртасида шу тариқа ажратилади.

КПСС тарихи, СССР тарихи ва чет мамлакатлар тарихига доир адабиёт классификацияси

Партия тарихига доир адабиёт ЗКП1 индекси остида ажратиб кўрсатилади ва партия ҳақидаги барча адабиётни бирлаштирувчи ЗКП *Партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бўлимига киради.*

ЗКП1 КПСС тарихи бўлими партия тарихининг айрим даврларига оид бўлинмаларни ўз ичига олади. Ўни индексларнинг тузилиш усули бир бўлимда бир босқичнинг ўндан зиёд бўлинмасини ҳосил қилиш имконини бермайди. Шунинг учун ЗКП1 бўлимида КПСС тарихи даврларига истисно тариқасида ЗКП1 индексига дефис орқали қўшиладиган босқичли белгилар эмас, балки тартибли (номерли) белгилар: биринчи давр учун — ЗКП1-1, иккинчи давр учун — ЗКП1-2 ва ҳоказо, охирги бўлинма учун — ЗКП1-19 белгилари тайинлаб қўйилган. Халқаро коммунистик ҳаракат, чет мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг фаолияти тўғрисидаги китоблар учун ЗКИ бўлими назарда тутилган.

9(С) СССР тарихи бўлими хронологик белги асосида иккита катта даврга — 9(С)1 СССРнинг Үлуг Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган тарихи ви 9(С)2 СССР нинг совет давридаги тарихи даврларига ажратилиб, улар СССР тарихини даврларга бўлишнинг тарихий фанда белгиланган қоидаларига мувофиқ алоҳида-алоҳида даврларга бўлинади. Бу бўлинмалар (хронологик белгисига кўра) кўрсатилган индексларга — 9(С)11, 9(С)12 ёки 9(С)21, 9(С)22 ва ҳоказоларга рақамлар қўшиш ўйли билан ҳосил қилинади.

Бўлинмаларнинг бошқа группаси (территориал беягисига кўра) — айрим республикалар, областлар тарихи ва СССР халқлари тарихи учун группа — географик аниқлагичлар ёрдамида тузилади. Масалан, Литва ССР ва литва халқи тарихига 9 (С61), Ўзбекистон ССР ва ўзбек халқи тарихига 9(С52) индекслари ва ҳоказолар берилади.

Ниҳоят, асосан мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналарининг вужудга келиши ва тараққий этиши тарихини ҳамда Россиядаги ишчилар ҳаракати тарихини ёритиб берувчи китобларга мўлжалланган 9(С): 338 СССР фабрикалари ва заводларининг тарихи деган алоҳида бўлим ажратилган.

Чет мамлакатлар тарихига оид ҳамма китоблар 9(И) бўлимига киритилади, бу бўлимда ўрта асрлардан бошланиб, энг янги тарихи даври билан тугайдиган йирик даврларга мўлжалланган бўлинмалар кўзда тутилган.

9(И) умумий бўлимида ҳам, даврлар учун мавжуд бўлинмаларнинг ҳар бирда ҳам айрим чет мамлакатлар учун рубрикалар ажратилади. Масалан, Европанинг 1870 йилдан 1917 йилгача бўлган даврдаги тарихига оид китоблар 9(И)32 бўли-

мига, Франциянинг худди шу даврдаги тарихига оид китоблар эса 9(И)32 (Франция) рубрикаси остида алоҳида ажратиб қўйилади. Жадвалларда область кутубхоналари учун 9 (И...) Айрим чет мамлакатлар тарихи алтернатив индекси берилган бўлиб, унда қўшимча карточкалар ёрдамида битта мамлакат тўғрисидаги бутун адабиётни тўплаш мумкин.

СССР тарихи ва чет мамлакатлар тарихи бўлимларида хронологик белги бўйича бўлинмаларнинг мавжудлиги бу адабиётни классификациялаш жараёнининг алоҳида характерга эга эканлигини белгилаб беради. Кутубхоначи китобда қайси мамлакатнинг айни қайси даврдаги тарихи ёритилганлигини зинқлаши ва уни ана шу маълумотларга мувофиқ классификациялаш юзасидан бирор қарорга келиши лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, китобнинг мазмуни ҳамиша ҳам битта хронологик даврга сифавермайди. Агар китоб ўз мазмунига кўра иккита даврга тааллуқли бўлса, тўлиқроқ ёритилган даврга асосий эътибор берилади, бошқа давр бўлимига эса қўшимча карточка қўйиб қўйилади.

Бирор йирик тарихий воқеа арафасида вужудга келган шароитни, унинг юзага келиш сабабларини ёритиб берадиган китоблар, одатда, ўша тарихий воқеани ўз ичига оладиган давр бўлинмасига киритилади. Масалан, Европада Франция-Пруссия ва Париж коммунаси арафасида тарихан юзага келган вазият характеристикасиги ўз ичига оладиган китоблар 9(И)312 (1789 — 1870 йиллар даври) бўлимига эмас, балки 9(И)32 (1870 — 1914 йиллар даври) бўлимига киритилади.

Агар китобда учта ва ундан кўпроқ давр ёритилган бўлса, у ҳолда китоб ўз мазмунида барча ана шу даврларни қамраб олган анча умумийроқ бўлимга киритилади. Масалан, мамлакатимизнинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб 20-йилларнинг охиригача бўлган тарихи баён этилган китоб 9(С)2 бўлимига қўйилади.

КПСС тарихи бўлинмалари билан СССР тарихининг тегишли даврлари бўлинмалари ўртасидаги китобларни ажратиш жуда муҳимdir. Масалан, Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказишга доир бўлган воқеаларнинг қандай борганлигини характерлаб берадиган ҳар бир китобда ишчилар синфи курашинин ҳамда революция ғалабасининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган партиянинг роли, албатта ёритиб берилган бўлади. Аксинча, партиянинг ана шу даврдаги фаолияти тўғрисидаги китобларнинг авторлари мамлакатимизда ўша вақтда вужудга келган умумий тарихий шароитни ёритмасдан қола олмайдилар.

Иккала бўлим бўлинмаларида китобларни такрор акс эттириш методининг қўлланилиши амалда уларнинг мазмун жиҳатидан деярли тўла бир хилда бўлиб қолишига олиб келган бўйур эди. Шунинг учун, одатда, системали каталогда бу бўлимлар ўртасида ҳар томонламали йўналтиргичлар билан

чекланилади. Ҳар иккала бўлимда фақат В. И. Ленин асарлари, партия ва ҳукуматнинг муайян даврга тааллуқли ҳужжатлари ва бошқа баъзи жуда муҳим тарихий манбалар акс эттирилади. Қолган барча китоблар ўзларининг мазмунларига ва баён этилиш аспектларига қараб, бу бўлимлардан фақат биттасига киритилади. КПСС тарихи ва СССР тарихи бўлимларида худди битта давр бўлинмаларида йўналтиргичларнинг мавжудлиги китобхоннинг китобларни ҳар иккала бўлим каталогининг тегишли бўлинмаларидан қараб чиқишини зарур қилиб қўяди.

9(С) СССР тарихи бўлимида хронологик ва терриориал белгилар бўйича бўлинмаларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, фабрика ва заводлар тарихининг алоҳида бўлими мавжудлиги уларни аниқ чегаралашни талаб этади. Кўпинча муайян тарихий даврда, аммо бир жой доирасида бўлиб ўтган воқеаларни ёритувчи китоблар, масалан, «Гражданлар уруши йилларида Сибирдаги партизанлар ҳаракати», «Кавказ бир минг тўқиз юз бешинчи йилда, «Украина Улуғ Ватан уруши йилларида» деган китоблар тез-тез учраб туради. Бу китобларнинг ҳаммаси китобхонларда, биринчидан, конкрет тарихий давр тарихини, иккинчидан, бирор республика ёки мамлакатимизнинг бирор жойи тарихини ўрганиш вақтида қизиқиш туғдиради.

Айни вақтда китоблар мазмунининг ҳам хронологик, ҳам терриориал белгиларини ҳисобга олувчи муфассал бўлинмаларни ташкил этиш назарий жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлган нарсадир, аммо бундай бўлинмалар ҳамма кутубхоналарда ҳам амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Масалан, «Гражданлар уруши йилларида Сибирдаги партизанлар ҳаракати» деган китоб учун индексни аниқлагичлар билан бирга қўшишнинг иккита усули билан: 9(С18)22 ёки 9(С)22 (С18) маҳсус бўлинмасини ҳосил қилиш мумкин бўлур эди. Биринчи усулни қўлланиш 9(С18) Сибирь тарихи бўлимида (гражданлар уруши даврининг хронологик белгиси № 22 ёрдамида) китоб мазмунига аниқ жавоб берадиган бўлинма ажратишни назарда тутади. Иккинчи усул худди шундай бўлинма ҳосил қилиш имконини беради, лекин бу бўлинма 9(С)22 Чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданлар уруши даврида Совет Россияси бўлимида Сибирь учун (С18) географик аниқлагичи ёрдамида ҳосил қилинади.

Бундай майда бўлинмаларнинг қўлланитиши тарихий адабиётнинг катта фондига эга бўлган кутубхоналардагина ўзини оқлади. Оммавий кутубхоналарда ва кўпчилик область кутубхоналарида бундай ортиқча тафсилотли метод ўрнига такрор акс эттириш методидан фойдаланиш афзал кўрилади, чунки такрор акс эттириш методи системалик каталогда хронологик белги асосида ҳам, терриориал белги асосида ҳам тарихий адабиётнинг етарли даражада тўлиқ бўлимларини ҳосил қилиш имконини беради. Бунинг учун умуман Ватанимиз тарихининг маълум бир даврини эмас, балки республикалар ёки областлар-

дан бири, шаҳарлардан бири доирасидаги даврни ёритиб берувчи китоблар муайян давр бўлимига киритилади, системали каталогда эса муайян жой тарихи бўлимида қўшимча равишда акс эттирилади. Бу методнинг қўлланилиши гражданлар уруши йилларида Сибирдаги партизанлар ҳаракати тўғрисидаги китоб учун тўлиқ — 9(С)22+9(С18) индексини, биринчи рус революцияси даврида Кавказдаги воқеаларнинг авж олиб кетиши тўғрисидаги китоб учун тўлиқ 9(С)173+9(С4) индексини, Улуғ Ватан уруши йилларида Украина нинг шаҳар ва қишлоқлари тўғрисидаги китоб учун тўлиқ 9(С)27+9(С2) индексини белгилаш вазифасини юклайди.

СССР тарихи бўлимида хронологик ва территориал бўлинмалардан ташқари 9(С):338 СССР фабрикалари ва заводларининг тарихи деган бўлима ҳам бор. Бу бўлима мамлакатимиздаги фабрика ва заводлар ишчи коллективларининг ижтимоий ҳаётда иштирок этишини акс эттирувчи китоблар учун мўлжалланган. Китобда фабрика ёки заводнинг муайян даврдаги тарихи акс эттирилган ҳолларда, шу давр бўлимига қўшимча карточка киритиб қўйилади.

* * *

Ижтимоий-сиёсий масалаларга доир китобларни классификациялашнинг кўриб чиқилган ҳамма методлари журнал ва газета мақолалари картотекасида акс эттирилган журналлар ҳамда газеталардан олинган мақолаларни классификациялаш учун ҳам қўлланилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, китобхонлар учун катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина жуда муҳим материаллар айрим китоб ҳамда брошюралар тариқасида нашр қилинишидан олдин ижтимоий-сиёсий тематикадаги журналларда ва газеталарда эълон қилинади. Шунинг учун вақтли нашрларда босиб чиқарилган алоҳида аҳамиятли материалларни китобларнинг системали каталогида ҳам аналитик классификациялаш методи билан акс эттириш зарур. Бундай акс эттириш биринчи галда партия ва ҳукуматнинг биринчи марта эълон қилинган қарорларига нисбатан татбиқ қилинади. Кейинчалик, бу қарорлар айрим нашр бўлиб босмадан чиқиши билан ақалитик тасвиirlар шу нашрларнинг тасвиirlари билан алмаштирилади.

Табиий-илмий, медицина, техника ва қишлоқ хўжалигига доир адабиёт классификацияси

Бўлимларнинг клас-
сификациялаш
жадвалларида тутган
ўрни

Табииёт, медицина, техника ва қишлоқ хўжалигига доир адабиёт бўлимлари табиат тўғрисидаги фанлар, табиат қонуларини ўрганувчи фанлар ҳамда табиатни ўзgartириш тўғрисидаги фанлар бўлимларининг циклини ташкил этади.

Үнли классификацияда улар икки бўлимда: 5 *Математика*. *Табиатшунослик фанлари ва 6 Амалий фанлар* бўлимларида берилган. Оммавий кутубхоналар ва область кутубхоналари учун классификациялаш жадвалларида эса бу фанлар беш бўлимда қўйидаги тартибда акс эттирилган:

5 Табиатшунослик ва математика.

5А Антропология. Одам анатомияси ва физиологияси.

61 Медицина. Соғлиқни сақлаш.

6 Техника.

63 Қишлоқ хўжалиги.

Назарий ва амалий фанлар бўлимларининг қабул қилинган изчиллиги уларнинг бир-бирига мустаҳкам боғлиқ эканлигини акс эттиради ҳамда айни вақтда бу боғланишга, биринчидан, медицина, техника ва қишлоқ хўжалигини мустаҳкил бўлимлар қилиб ажратиб кўрсатиш зарурати сабаб бўлган, чунки билиминг бу соҳалари мутлақо ҳар хил объектларни ўрганади ва уларни бир бўлимда бирлаштириш илмий адабиётни системага солиши талабларига жавоб бермайди; иккинчидан, 5А *Антропология*. *Одам анатомияси ва физиологияси* бўлимини ташкил қилишининг мақсадга мувофиқлиги сабаб бўладики, бу бўлим ўнли классификацияда одам тўғрисидаги тарқалиб кетган фанларни бирлаштиради.

5А бўлимига киритилган фанлар биология фанидан чиқиб келган фан тармоқларининг каттагина қисмини ташкил этади. Бу классификациялаш жадвалларининг асосий қаторида 5А бўлиминг ўрнини комплекс биологик фанлар билан тугалланадиган бевосита табиатшунослик бўлимидан кейин жойлашадиган қилиб белгилаб беради.

Қолган бўлимларининг изчиллиги медицина бўлимини 5А бўлими билан ёнма-ён жойлаштиришга сабаб бўлган. Бу иккала бўлими бир-бири билан жуда мустаҳкам боғланиб кетган: 5А бўлими одам организмининг анатомияси ва физиологияси тўғрисидаги фанлардан, 61 бўлими эса одам организми нормал фаплиятининг бузилишлари ҳақидаги фанлардан ташкил топади.

Ишлаб чиқариш воситалари тўғрисидаги фанларни акс эттирувчи бўлим бўлган техника бўлими — халқ хўжалигининг негизи тариқасида қишлоқ хўжалик бўлимидан олдин қўйилади.

Санаб ўтилган ҳамма бўлиmlар, уларнинг ҳар бирига бир белгили индекс берилмаганлигига қарамасдан, асосий бўлиmlар жумласига киради.

Табиатшунослик бўлиmlари билан бошقا бўлиmlар ўртасидаги бўгланиш ва чегараланиш Кўриб чиқладиган бўлиmlар бир-бири билан ва классификациялашнинг баъзи бир бошқа бўлиmlари билан ўзаро жуда мустаҳкам боғланиб кетган. Бу бўлиmlардан ҳар бирининг мазмуни чегарасини, айниқса: 1) табиатшунослик бўлими билан техника, медицина ҳамда қишлоқ хўжалик бўлиmlари; 2) техника бўлими билан қолган бўлиmlар; 3) бир томондан, техника ва қишлоқ хўжалик бўлиmlари билан.

лик бўлимлари, иккинчи томондан, экономика бўлими ўртаси-даги чегарани аниқлаш жуда муҳимdir.

Табиатшуносликнинг майян тармоқлари медицина, техника ва қишлоқ хўжалигига асос қилиб олинади. Шунинг учун табиатшунослик ва амалий фанлар бўлимларида мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин жуда кўп рубрикалар бўлади, масалан:

| 5 Табиатшунослик | 61 Медицина | 6 Техника | 63 Қишлоқ хўжалиги |
|--|--|---|---|
| Физика Химия Геология Микробиология | Физиотерапия Фармацевтическая химия Медицина микробиологии | Амалий физика Химия саноати Инженерлик геологияси Озиқ-овқат микробиологияси | Агрофизика Агрономия Тупроқшунослик Қишлоқ хўжалик микробиологияси |

Кўриб чиқилаётган бўлимлар ўртасида адабиётни чегаралаш пайтида табиатнинг обьектиз қонунларини билиш табиий фанларга асос қилиб олинишини назарда тутмоқ керак. Улар физик, химик, биологик ва бошқа ҳодисалар табиатда қандай бўлса, уларни шундайлигича ўрганиб, бу билан улардан инсон манфатлари йўлида амалий фойдаланишга кўмаклашади. Шунинг учун табиатдаги бирор воқеани табиий шароитда кўриб чиқадиган китоблар 5 бўлимга киритилади. Бу китоблар ҳодисаларни бевосита кузатишнинг ҳам, уларни сунъий лаборатория шароитларида ўрганишнинг ҳам самараси бўлиши мумкин.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, медицинада табиат қонунларининг амалий тарзда қўлланилиши техника, қишлоқ хўжалиги ҳамда медицинага оид фанларнинг ўрганиш предметидир.

Демак, табиий смолалар ва уларнинг хоссалари тўғрисидаги адабиёт химия бўлимига, сунъий смолалар ҳамда уларни ишлаб чиқариш химияси тўғрисидаги адабиёт эса химия саноати бўлимига киритилади.

Билимларнинг тегишли соҳаларига доир назарий асослар баён қилинган китоблар техника, қишлоқ хўжалиги ва медицина бўлимларида берилади. Масалан, ҳавода учиш, кон механикаси, назарий электротехника ва ҳоказолар тўғрисидаги китоблар техника бўлимига; қишлоқ хўжалик ўсимликлари ва ҳайвонлар биологиясига доир адабиёт қишлоқ хўжалик бўлимига; патологик жараёнларнинг, медицина микробиологиясининг қонуниятлари тўғрисидаги ва ҳоказо асарлар медицина бўлимига киритилади.

Ишлаб чиқаришнинг ёки медицинанинг бирор соҳасидаги тадқиқотларнинг физикавий, химиявий ва биологик методларидан фойдаланиш тўғрисидаги китоблар худди шу бўлимларга киритилади, масалан, металларнинг химиявий анализи ҳақидаги китоб металлургия ва металлшунослик бўлимига, терапиянинг

биологик методлари түгрисидаги китоб эса терапия бўлимига жойлаштирилади.

Табииёт фанларининг маълумотларидан фақат ишлаб чиқариш ва медицинадагина эмас, балки оз даражада бўлса-да, билимнинг ҳамда инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳам фойдаланилади. Масалан, музика акустикаси товуш назарияси билан боғланган, аммо товуш назариясида акустиканинг физикавий қонунларига музиковий товушлар ва ҳамоҳангликлар қурилишига татбиқ қилинадиган нарса деб қарабланлиги сабабли музика акустикасига доир китоблар музика бўлимига киритилади.

Классификациялаш тажрибасида медицина, техника ва қишлоқ хўжалиги бўлиmlари билан табиатшунослик бўлими ўтрасидаги индексни танлаш қийин бўладиган ҳоллар ҳам тез-тез учраб туради. Бу ҳоллардан энг типикларини қараб чиқамиз.

Баъзи китобларда табиий-илмий фан саноати ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг, ёхуд медицинанинг муайян соҳаси доирасида баён қилинади. Кўпинча бу китоблар муайян ихтисос эгаларига мўлжалланган бўлади. Масалан, бўёқчи инженерга химиядан, зоотехникка биологиядан, физиотерапевт врачга физикадан мўлжалланган китоблар ва шунинг сингарилар ана шундай китоблардир.

Бу хил китобларни классификациялаш масаласини уларнинг мазмуни билан синчиклаб танишиб чиқилгандан кейингина ҳал этиш мумкин. Бундай китобларнинг кўпларида уларнинг бирор ихтисосга албадорлиги кам ифодаланган бўлади, бинобарин, китобларда тегишли табиий фанга тааллуқли масалалар доираси мунтазам равишда баён қилинган бўлади. Бундай ҳолларда китобларни муайян фан бўлимига (бизнинг мисолларимизда химия, биология ва физикага) киритиш кифоя қиласи. Агар бу фан чекланган ҳажмда, унинг муайян ишлаб чиқариш ёки ихтисосга татбиқ қилиниши нуқтаи назаридан қараб чиқиладиган бўлса, масала бошқача ҳал қилинмоғи керак, бинобарин, китоблар мазкур ишлаб чиқариш ёки ихтисос бўлимига (бизнинг мисолларимизда химия саноати, чорвачилик ва физиотерапия бўлиmlарига) жойлаштирилади. Ниҳоят, учинчи ҳолда муайян фан изчиллик билан етарлича тўлиқ ҳажмда системали тарзда ёритилган бўлиши мумкин, аммо барча мисоллар ва бу фаннинг баён этилиш аспекти ишлаб чиқариш (ихтисос)нинг маълум бир тармоғига татбиқан берилади. Бунда такрор акс эттириш методини қўлланиш: китобни тегишли ишлаб чиқариш бўлимига киритиш ва муайян табиий фан бўлимида қўшимча равишда акс эттириш зарур.

Баъзи китобларда табиатшуносликнинг бирор масаласи бир-бирига яқин бўлган амалий фан маълумотларидан фойдаланган ҳолда қараб чиқилади, масалан, ўсимликнинг ривожланишида ёруғликнинг роли түгрисидаги китобда келтириладиган кўпчилик мисоллар қишлоқ хўжалик экинларига тааллуқли бўлади.

Бундай китоблар 5 бўлимга жойлаштирилади, чунки уларда табиий-илмий проблемалар баён этилиб, расмли материал эса иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Табиий ва амалий фанлар бўлимларига, айниқса илмий-оммабоп фанлар бўлимларига киритиладиган китоблар учун шу нарса характерлики, улардаги муқаддима ёки хотима боблари китобнинг асосий мазмуни билан боғлиқ бўлган бўлимга кирмаслиги мумкин. Масалан, кўз касалликлари тўғрисидаги китобда муқаддима боби кўзнинг кўриш аъзоси сифатидаги характеристикасига бағишланиши, кристаллар тўғрисидаги китобда эса хотима бобида саноатда кристалларнинг аҳамияти ҳақида гапирилиши мумкин. Китобларни уларнинг асосий мазмунига қараб классификация қилишнинг умумий методига мувофиқ, биринчи китоб фақат медицина бўлимига, иккинчи китоб эса фақат табиатшунослик бўлимига киритилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, медицина ва инсон фаялиятининг бошқа баъзи бирг соҳалари табиатшунослик биланги на эмас, балки техника билан ҳам боғлиқдир. Техника — ҳалқ хўжалиги ва фандаги тараққиётни белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир. Техниканинг жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатга чуқур кириб бориши адабиётда ўз ифодасини топади. Қутубхоналарнинг фондларида машиналар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва ҳоказоларнинг меҳнатнинг турли соҳаларида қўлланилиши тўғрисида жуда кўп китоблар бор. Бундай китоблар жуда хилма-хил нашриётлар томонидан, масалан, «Медицина», «Колос», «Искусство», «Физкультура и спорт», «Узбекистон», «Ўқитувчи», «Фан», «Ёш гвардия» ва бошқа нашриётлар томонидан нашр этилиши мумкин. Бундай матбуот асарларини тўла асос билан техникага доир адабиёт деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ техникага доир ҳамма китоб ҳам техника бўлимига киритилавермайди. Бу бўлимда каталогнинг бошқа бўлимлари билан алоқадорликни кўрсатувчи кўпгина йўналтиргичлар бўлади, улардан айримларининг жадвалларида эса техник мазмундаги рубрикалар, масалан, 355.9 Ҳарбий техника, 615.5 Медицина рентгенологияси ва радиологияси, 7A.08 Спорт инишотлари ва ҳоказо рубрикалар бўлади. Бу хил йўналтиргич ва рубрикаларнинг мавжудлиги меҳнатнинг бирор соҳасида техникадан фойдаланиш тўғрисидаги китоблар муайян тармоқ бўлимига жойлаштирилишини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, техникага доир китоб «қўлланилишига» ёки «климатрга мўлжалланганлигига» қараб классификация қилинади. Классификациялашнинг бундай методидан техникага доир адабиётни системага солишдагина фойдаланилмайди. Бу метод умуман классификациялашнинг асосий методларидан бири бўлиб, уни ташкил қилишини бошлаб беради. Биз бу методга табиий ва амалий фанлар бўлимлари ўртасида адабиётни чегаралаш масаласини қараб чиқаётганимизда дуч келган эдик, лекин техникага доир адабиётни группаларга ажратишида «қўлланилишига» қа-

раб классификациялаш методидан жуда кенг фойдаланилади. Бундай классификациялаш китоблар китобхон учун қайси бўлимларга кўпроқ фойдали бўлса, уларни ўша бўлимларда акс эттиришни таъминлайди. Шу классификация асосида китоблар, масалан, мактаб физика кабинетига доир асбоблар тўғрисидаги китоблар асбобшунослик бўлимига эмас, балки физикани ўрганиш методикаси бўлимига, пойгачи автомобиль ҳайдаш тўғрисидаги китоб автомобиллар бўлимига эмас, балки автомотоспорт бўлимига киритилади. Биринчи темага тааллуқли китоблар аввало ўқитувчиларга, иккинчи темага оид китоблар эса автомотоспорт билан шуғулланувчи кишиларга керак.

Бироқ шуни назарда тутиш керакки, асосан асбоб-ускуналардан фойдаланиш тўғрисида гап борадиган адабиёт нотехник бўлимларга киритилади. Унинг ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги китоблар эса кўпчилик ҳолларда техника бўлимига киритилади. Мактаб физика кабинетлари учун асбоблар ишлаб чиқариш тўғрисида биз келтирган мисоллардаги китоблар асбобсозлик бўлимига, пойгачи автомобиллар ишлаб чиқариш тўғрисидаги китоб эса автомобиллар бўлимига киритилмоғи лозим.

Агар техника бўлимида баъзи бир маҳсус асбоб-ускуналар, машиналар, инструментлар, саноат маҳсулотлари ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги китоблар учун бўлинмалар назарда тутилмаган бўлса, китоблар бу техникадан фойдаланишга доир адабиёт тўпланадиган бўлимларга жойлаштирилади; масалан, медицина асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш тўғрисидаги адабиёт оммавий кутубхоналар ва область кутубхоналари учун жадваллар асосида медицина бўлимига жойлаштирилади (оммавий кутубхоналар учун жадвалларда — индекси 610 : 6).

Техника бўлими билан қишлоқ хўжалик, ҳарбий иш ва медицина бўлиmlари ўртасида адабиётни чегаралашга алоҳида тўхталиб ўтмоқ керак.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги қудратли техника билан қуролланган. Унда қишлоқ хўжалик машиналаридан — экиш, йиғиш, териш машиналаридан, маҳсус тракторлар ҳамда автомобиллардан ва бошқалардан ҳам, ҳалқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида қўлланиладиган универсал машиналардан — автомобиллар, двигателлар, тракторлар, кўчма электростанциялар ва ҳоказолардан ҳам фойдаланилади. Машиналарнинг биринчи группаси ҳақидаги ҳамма китоблар, уларда бу машиналарни конструкциялаш, ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш масалалари қараб чиқилиши, қараб чиқилмаслигидан қатъи назар, қишлоқ хўжалик бўлимида акс эттирилади. Техника бўлимига қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳақидаги адабиёт қўйилмаган. Машиналарнинг иккинчи группаси тўғрисидаги адабиёт, унда гап бу машиналарнинг қишлоқ хўжалик ишларида қўлланилиши тўғрисида борган тақдирдагина, қишлоқ хўжалик бўлимига тушади. Худди шунга ўхшаб қишлоқ хўжалик мелиорацияси масалалари учун ажратиладиган бўлинмалар

қишлоқ хўжалик бўлимиға киритилади, бироқ ирригация система-маларида гидротехник иншоотлар қурилиши ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги адабиёт техника бўлимиға киритилади.

Ҳарбий ишда техника жуда кенг кўламда қўлланилади. Техниканинг қарийб ҳар бир соҳасидан — радио, электротехника, авиация, флот ва ҳоказолардан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланилади. Ҳарбий техникага оид адабиёт оммавий кутубхоналарга оммабоп китоблар тарзида, асосан, ДОСААФ нашрида келтирилади. Ёшларга мўлжалланган бундай китобларда бўлажак ҳарбий хизматчиларга ҳарбий техниканинг баъзи масалаларига доир дастлабки билимлар бериш мақсад қилиб олинган бўлади. Бу адабиётнинг ҳаммаси ҳарбий бўлимиға киритилади. Ҳарбий техникага оид адабиётни «қўлланилишига» қараб классификациялаш бу адабиётни ҳарбий ишни ўрганаётган, ДОСААФ тўғаракларида ва бошқа тўғаракларда ишлаётган китобхонларга яқинлаштириш имконини беради.

Универсал ўнли классификациядан фойдаланувчи кутубхоналар бу адабиётни бошқача тартибда системага солади. Бу классификациялашда 6(623 Ҳарбий техника) бўлимида ҳарбий техника учун маҳсус бўлим очиш назарда тутилган. Бу бўлимда ҳарбий қуроллар, машиналар, иншоотлар ва ҳоказолар назарияси, конструкцияси ҳамда ишлаб чиқарилиши, шунингдек бу техникага хизмат кўрсатиш қараб чиқиладиган китоблар тўпландади. Ҳарбий ҳаракатларда мудофаа ва ҳужум қилиш қуролларидан фойдаланиш тўғрисидаги адабиёт эса ҳарбий фан бўлимиға (355—359) киритилади.

Медицина бўлими техника бўлими билан фақат асбоб-ускуналарнинг баъзи турларидан медицина мақсадларида фойдаланиш жиҳатидангина боғлиқ эмас. Саноат корхоналари, турар жойлар, жамоат бинолари, канализация ва ҳоказолар муайян санитария-гигиена нормаларига жавоб бермоғи керак. Бу нормалар ҳақидаги адабиёт медицина бўлимиға киритилади, чунки уларни ишлаб чиқиш билан гигиенага доир фанлар шуғулланади. Лекин ҳар хил иншоотлар ва асбоб-ускуналарни лойиҳалашибтириш пайтида бу нормалардан фойдаланиш тўғрисидаги адабиёт техника бўлимиға киритилади.

Техника бўлими ва қишлоқ хўжалик бўлими халқ хўжалиги экономикаси бўлими билан жуда мустаҳкам боғланиб кетган. Бу бўлимлар ўртасидаги чегаралаш масалалари олдинги бўлимда баён этилган. Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш ҳам ўзининг иқтисодий проблемаларига эга, аммо бу темага оид ҳамма адабиёт медицина бўлимида (610 индекси) тўпландади.

Табиий-иммий адабиёт классификацияси Табиий фанлар бўлими табиатда юз берадиган жараёплар ва ҳодисаларни ўрганишучи фанларни қамраб олади.

Бу бўлимнинг бир қанча асосий бўлинмалари табиий фанларнинг анъанавий тарзда юзага келган комплекслари — физика, химия, астрономия геология ва биология фанларидан таркиб

топган бўлиб, улар табиат тўғрисидаги умумийроқ фанлардан жузъийроқ фанларга қараб бориш принципи асосида жойлаштирилган.

Бўлим қуидаги асосий бўлинмалардан ташкил топган:

5. Табиатшунослик ва математика

| | |
|--------------------------------|--|
| 5 Табиатшунослик ва математика | 55 Геология. Табиий география. Геофизика |
| 51 Математика | 56 Палеонтология |
| 52 Астрономия | 57 Биология |
| 53 Физика | 57А Микробиология |
| 54 Химия | 58 Ботаника |
| | 59 Зоология |

Математиканинг табиат тўғрисидаги фан бўлимига кири-тилиши бирмунча шартли бўлса-да, асосиз эмас. Математика, деб таъкидлаган эди Ф. Энгельс, «воёей дунёнинг фазовий формалари ва миқдор муносабатлари»ни ўрганади¹. У табиатнинг баъзи жараёнлари ва қонуниятларини ўзига хос тарзда акс эттиради. Кўпгина табиий фанларнинг тараққиёти математика билан боғлиқдир. Шунинг учун кўпчилик кутубхона класификацияларида математика фанлари табиатшунослик бўлимига киритилган.

Бироқ шуни қайд қилиб ўтиш мумкинки, Ўнли классификацияда бўйсундириш принципига қатъий риоя қилинмаган. Физика билан химия астрономияга қараганда анча умумий фанлардир. Табиатнинг барча соҳаларида физиковий ва химиявий жараёнлар юз беради. Физика ва химия бўлимларини табиат тўғрисидаги бир қанча фанлардан олдин қўйиш ва уларни математика бўлимидан кейин жойлаштириш мантикий жиҳатдан тўғрироқ бўлур эди.

Индексларига биноан 58 *Ботаника* ва 59 *Зоология* бўлимилари биология билан бир қаторда 5 бўлимнинг асосий бўлинмалари жумласига киради. Аслида бу фанлар 57 индекси берилган биологиянинг бўлимларидир. Ўнли классификацияда амалий мулоҳазалардан келиб чиқиб, бўлиmlар мантикий жиҳатдан шу тарзда бузиб бўйсундирилган эди. Бу ҳол ана шу бўлиmlар учун анча қисқа индекслар тузиш имконини берди.

5 индексли бўлимнинг биринчи бўлинмаси табиатшуносликнинг ва унинг бир қанча соҳаларининг умумий масалалари қараб чиқилган китобларни ўз ичига олади.

Физика ва химия бўлиmlари физиковий ҳамда химиявий жараёнларни табиатнинг бирор соҳасига тааллуқли бўлмаган умумий нуқтаи назарда баён қилиб берувчи китобларга мўлжалланган; худди шу жараёнларга бағишлиланган бўлса-да,

¹ Ф. Энгельс. Анти-Дюриңг. Уздавнашр, 1957, 48-бет.

муайян соҳага татбиқан ишлаб чиқилган тадқиқотлар тегишли бўлимга киритилади. Масалан, денгиз физикаси тўғрисидаги китоблар океанография бўлимига, осмон механикаси ҳақидаги китоблар эса астрономия бўлимига жойлаширилади ва ҳоказо.

57 *Биология* бўлими ҳам 57А *Микробиология*, 58 *Биология* 59 *Зоология* бўлимларига нисбатан худди шундай умумий бўлим бўлиб ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, агар китобда гап умуман табиатдаги мавсумий ҳодисалар тўғрисида борадиган бўлса, у биология бўлимига қўйилади: ўсимликлар дунёсидаги мавсумий ҳодисалар ҳақидаги китоб ботаника бўлимига, ҳайвонот дунёсидаги мавсумий ҳодисалар тўғрисидаги китоб эса зоология бўлимига киритилади.

Бўлимнинг бундан кейинги бўлинмаларида ҳам умумий ва хусусий бўлимчаларни бир-биридан фарқ қилиш зарур. Масалан, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси морфологияси, анатомияси, физиологияси ҳамда географияси учун ботаника ва зоология бўлинмаларида худди шундай тузилган бўлинмалар умумий бўлинмалар бўлиб, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турларига қараб тузилган бўлинмалар эса хусусий бўлинмалар ҳисобланади. Масалан, паррандалар анатомияси тўғрисидаги китобни ҳайвонлар анатомиясининг умумий масалалари бўлимига эмас, балки паррандалар бўлимига киритиш лозим бўлади (596. 4 индекси).

Табиатшунослик бўлимининг структураси аниқлагичлар ёрдамида кенгайтирилиши мумкин. Бу бўлим учун шакл аниқлагичларидан кенг фойдаланиш характерлидир. Географик аниқлагичларни ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси географияси бўлинмларига жойлаширган маъқул. Оммавий кутубхоналар каталогларининг бу бўлимида бошқа аниқлагичлардан камроқ фойдаланилади.

Табиатшуносликка доир китобларни классификация қилишда қўйидаги ҳолларда такror акс эттириш методини қўлланиш тавсия этилади: китобда табиатшуносликнинг бирор масаласи бу масаланинг диний нуқтаи назардан шарҳлаб берилишини танқид қилиш билан биргаликда тушунтириб берилган пайтда (бунда китоб илмий атеизм бўлимида такror акс эттирилади, масалан, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги китобга $57.022+25$ индекси берилади); агар китобда бирор областнинг бутун ўсимликлар ёки ҳайвонот дунёси эмас, балки фақат айрим туригина қараб чиқладиган бўлса, бу китоб ўсимликлар (ҳайвонлар)нинг тегишли тури бўлимига асосий карточка билан қўйилмоғи, муайян область ўсимликлари (ҳайвонот дунёси) географияси бўлимида қўшимча тарзда акс эттирилмоғи керак, масалан, Арктика паррандалари тўғрисидаги китобга $596.4+591.6$ (98) индекси берилади.

Медицинага доир адабиёт классификацияси

Медицина бўлими кишилар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга доир, касалликларнинг олдини олиш, уларнинг диаг-

ностикаси ҳамда даволашга оид илмий билимлар ва амалий фаолиятларни қамраб олади. Худди шу бўлимга амалий медицина фанлари — суд медицинаси, авиация медицинаси ва бошқалар ҳам киритилади. Бу бўлимнинг асосий бўлинмалари қўйидагилардир:

- 61 Медицина
- 610 Соғлиқни сақлаш
- 613 Гигиена ва санитария
- 615/619 Касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш
 - 61:34 Суд медицинаси
 - 61:355 Ҳарбий медицина
 - 61:6T5 Авиация медицинаси ва космик медицина

611, 612, 614 ва 619 индексли бўлинмаларнинг йўқлигига сабаб шуки, оммавий кутубхоналар учун Ўнли класификацияни қайта ишлаб чиқиш пайтида одам анатомияси ва физиологияси бўлимчалари (611, 612) медицина бўлимидан чиқарилиб, 5A бўлимига ўтказилган ҳамда ветеринария бўлимчаси (619) чорвачилик бўлимига, гигиена санитария бўлимчалари (613 ва 614) эса битта бўлимга бирлаштирилган эди.

Медицина бўлимидаги бир қанча асосий қаторларда умумий нарсалардан хусусий нарсаларга мантиқан ўтиш аввало кейин келадиган фанларга нисбатан анча умумий характерга эга бўлган соғлиқни сақлаш ва гигиенани биринчи ўринга чиқаришда ифодаланади. Айтиб ўтилган бўлимларда бўлинмаларнинг комплексларини группаларга ажратиш учун асос қилиб олинадиган белгилар хилма-хилдир: 610 бўлимида соғлиқни сақлаш проблемалари; 613 бўлимида гигиена фанларининг соҳалари; 616, 617 бўлимида айрим аъзоларнинг касалланиши ёки касалликларнинг турлари ва ҳоказолар ана шундай белгилар бўлиб ҳисобланади.

Медицина бўлимида умумий ва хусусий бўлинишлар нисбатидаги асосий нарса — 615 *Умумий патология. Умумий диагностика. Умумий терапия* бўлими билан ундан кейинги бўлимлар ўртасида адабиётни тўғри тақсимлашдан иборат. 615 бўлими ўз бўлинмалари билан биргаликда патология, диагностика, терапия, шифобаҳш таомлар, курортология, даволаш физкультураси ва ҳоказо умумий масалаларга доир адабиётга мўлжалланган. Худди шу масалалар баён этиладиган, лекин айрим органларнинг касалликларига ёки муайян касалликка татбиқан баён этиладиган китоблар 616/618 бўлиmlарининг тегишли бўлинмаларига киритилади, масалан, ўпка касалликлари диагностикасига доир китоблар диагностика бўлимига эмас, балки нафас олиш органлари касалликлари бўлимига киритилади.

Бироқ шуни айтиш керакки, бирор орган касалликларини даволаш тўғрисидаги ҳамма адабиёт ҳам бу органларнинг

бўлимларига киритилавермайди. Юқумли касалликлар, хавфли ва хавфсиз шишлар ҳамда хирургик даволаш тўғрисидаги китоблар бундан мустаснодир (базъи ҳоллардан ташқари). Бу тариқа мустасно қилиб қўйиш ўзини оқлаган: юқумли касалликлар шунингдек, шишлар профилактикаси ва уларни даволаш ўз хусусиятларига эга бўлиб, медицинанинг маҳсус тармоқлари шу масалалар билан шуғулланади.

Болалар касалликлари тўғрисидаги китобларни классификациялашда 618Д *Педиатрия* бўлимига берилган эслатмани назарда тутмоқ керак. Бу эслатмада болаларнинг айрим касалликлари тўғрисидаги матбуот асарларини (бемор болаларга уй шароитида қарашиб тўғрисидаги оммабол брошюралар бундан мустаснодир) касалликларнинг бу турларига оид тегишли бўлинмаларда қўшимча тарзда акс эттирилиши кўрсатиб ўтилган. Шундай қилиб, болалар касалликлари тўғрисидаги адабиёт билан танишишни истайдиган педиатр врачлар ва китобхонларни назарда тутиб, 618Д бўлимида шу масалага доир ҳамма адабиёт тўпланади. Айни вақтда касалликларнинг тегишли турлари бўлимида жойлаштирилган қўшимча тасвирлар туфайли бу бўлиmlарда бирор ихтисосдаги врачлар учун керакли ҳамма адабиётни тўплашга эришилади.

Медицина бўлимини деталлаштириш учун шакл аниқлагичларидан фойдаланиш мумкин; географик аниқлагичлар чекланган ҳолда, асосан совет ва чет эл соғлиқни сақлаш бўлинмаларида қўлланилади.

**Техникага доир
адабиёт классифика-
цияси** Техника бўлимида саноат ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт ва алоқа ситалари, қуроллари ҳамда методларини ўрганиш ва улардан амалда фойдаланишга доир матбуот асарлари бирлаштирилади.

Оммавий кутубхоналар ва облость кутубхоналари учун классификациялаш жадвалларида бу бўлим янгидан ишлаб чиқилган бўлиб, у ўзининг тузилиши жиҳатидан худди ўша Универсал ўнли классификация бўлимидан тубдан фарқ қиласди. Ишлаб чиқариш белгиси бўлимининг янги структурасига асос қилиб олинган, яъни бўлимининг тузилиши ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини акс эттиради. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидир. Бу тармоқлар, жадвалларда мустақил бўлим қилиб берилган қишлоқ хўжалик бўлимидан ташқари, техника бўлимининг асосий бўлимларини ҳосил қиласди. Унинг бир катор асосий бўлинмалари қўйидагилардир:

6 Техника

60 ... Техниканинг умумий масалалари. Умумтехника фанлари

6П Саноат

6С Қурилиш. Коммунал техника

6Т Транспорт

6Ф Алоқа техникаси. Радиотехника

Бу бўлимлардан ҳар бирини деталлаштиришда ҳалқ ҳўжалиги тегишли тармоғининг структураси ҳисобга олинади. Масалан, ҳажмига кўра энг катта бўлган саноат бўлимига оғир саноатнинг тармоғини ташкил этадиган бўлинмалар бошчилик қилади. Улардан кейин саноатнинг бошқа тармоқлари ўзларининг ҳалқ ҳўжалиги учун аҳамиятига қараб жойлаштирилади. Саноатдаги бирор тармоғнинг бўлими ўзига кирувчи барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини қамраб олади, масалан, озиқовқат саноати бўлимига ун-крупа, нонвойчилик, қанд-шакар ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш тармоқлари киритилган.

6 бўлим тузилишидаги ишлаб чиқариш белгиси каталогда турли ишлаб чиқариш ходимлари ва мутахассисларнинг ўз ихтисослари юзасидан қизиқишиларига жавоб берадиган комплексларни яратишга имкон беради.

Техника ва экономика бўлимлари ўртасида адабиётни чегаралашнинг илгари кўриб чиқилган методларига мувофиқ, 6 бўлим саноат ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт ҳамда алоқанинг техник томонлари тўғрисидаги китобларга мўлжалланган.

Бу бўлимнинг индекслари Ўнли классификациядаги ҳудди шу бўлимнинг индексларидан фарқ қилади. Индексларга ҳарфлар қўшиш (6П, 6С, 6Т) уларнинг эсда сақланиб қолишини оширади. Алоқа бўлими—6Ф учун шундай эсда сақланиб қолишини осонлаштирадиган индекс ҳосил қилишнинг иложи бўлмади. Унда биринчи ҳарф бўлимнинг биринчи ҳарфига тўғри келмайди. Бўлинманинг бундан кейинги босқичларida индексларнинг ўнли тузилиши—6П2, 6П2.1, 6П2.11 ва ҳоказолар сақланиб қолади. Индекслар проблемаси шундай ҳал қилинганки, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа асосий тармоқларининг бўлинмалари, жуда кам ҳоллардан ташқари, уч хонали индекслар билан белгиланган.

Техника бўлимидаги умумий ва хусусий бўлинмаларнинг нисбатини қараб чиқайлик. Умумий бўлим—6 Техника — умуман техника тўғрисидаги адабиёт учун техника ихтисосларига, техника тарихига оид умумий асарлар учун, шунингдек бирор масала техниканинг кўпгина соҳаларига татбиқан қараб чиқиладиган китоблар ва ҳоказолар учун мўлжалланган.

Шунингдек, 60 ...бўлими бутун 6 бўлим учун умумий бўлим бўйиб ҳисобланади. Унинг бўлинмаларида техника тараққиёти, рационализаторлик ва кашфиётчилик, техника таълими сингари техниканинг умумий масалаларига доир адабиёт, шунингдек умумтехника фанларига доир — амалий механика, материаллар қаршилиги ва ҳоказоларга доир адабиёт тўпланади. Ҳудди шу масалаларни ёритадиган, лекин техниканинг муайян тармоқларига илова тариқасида бериладиган китоблар бу тармоқларнинг бўлимларига киритилади. Масалан, тўқимачилик ишлаб

чиқариши, кон механикаси, қурилиш материаллари қаршилиги-даги техника тараққиеті тұғрисидаги адабиёт тегишли тармоқла бўлимларга киритилади.

Техниканинг бирор тармоғига доир бўлимда унинг умумий масалалари учун бўлинмалар ҳамда хом ашё, машиналар, технологик жараёнлар турлари ва ҳоказоларнинг хусусий бўлинмалари берилган. Агар китобда бу масалалардан бирортаси хом ашё, машиналар, технологик жараёнлар ва ҳоказолардан бирига татбиқан қараб чиқиладиган бўлса, китоблар тегишли хусусий бўлинмаларга киритилади; масалан, 6П1 *Кончилик ишлари* бўлимидаги 6П1, 6П1 (09), 6П1. 1, 6П1. 2, 6П1. 3 умумий бўлинмалари бўлади. Уларга кончилик ишининг умумий масалаларига доир — фойдалы қазилмалар тарихи, уларни қидириш ва қазиб чиқаришга, кончилик ишларига, уларни механизациялаш ва ҳоказоларга оид китоблар киритилади. 6П1. 4, 6П1. 5, 6П1. 6, 6П1. 7, 6П1. 8 индекслари бўлган бўлинмалар бўлимнинг хусусий бўлинмаларидир. Улар муайян фойдалы қазилмаларни: кўмир, торф, нефть ва бошқаларни қидириб топиш ҳамда қазиб чиқариш ҳақидаги китобларга мўлжалланган. Демак, кўмир қазиб чиқаришни механизациялаш тұғрисидаги китоб 6П1. 4. *Кўмир қазиб чиқариш бўлимига* (фойдалы қазилмаларни ковлаб олишни механизациялаш умумий бўлимига эмас) жойлаштирилади.

Техникага доир адабиётни классификациялашда умумий ва маҳсус аниқлагичлардан фойдаланилади. Справка адабиёти, луғатлар, техника каталоглари, прейскурантлар, мол баҳоларининг справочниклари ва шунга ўхшаш материалларни, илмий-техник мұассасалар ҳамда ташкилотларнинг асарларини алоҳида ажратиш учун форма аниқлагичларини қўлланиш жуда фойдалидир. Маҳаллий ишлаб чиқаришни (маҳаллий илғорларнинг фаолиятини ҳам) техника нұқтаи назаридан характерлаб берадиган китоблар учун бўлинма ташкил қилиш зарур бўлиб қолган холларда географик аниқлагичлардан фойдаланиш ўринлиди. Масалан, Боку шаҳридаги оммавий кутубхоналарда системали каталогда, масалан, 6П1.6 (С42) *Боку нефть кони* деган бўлинма тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Техника кутубхоналари географик аниқлагичлардан анча кенг фойдаланадилар. Масалан, чет әл машиналари (автомобиллар, самолётлар ва бошқалар) тұғрисидаги китобларни мамлакатлар бўйича алоҳида ажратиб кўрсатиши талаб этилган вақтда ёки техниканинг бирор масаласи территория билан (йўллар, портлар ва ҳоказоларнинг техник тасвири билан) маълум даражада боғлиқ бўлган пайтда географик аниқлагичлардан фойдаланилади. Муносабат аниқлагичи оммавий кутубхоналар каталогларининг техника бўлимидаги нисбатан кичикроқ роль ўйнади. Техникага доир адабиётни классификациялаш учун Универсал ўнли классификациядан фойдаланадиган маҳсус кутубхоналарда бу аниқлагич анча кенг қўллапилади, айниқса кутубхона ихтисослаштирувчи

мутахассисликка оид адабиётни бир ерга тұплашни мақсад қи-
либ қүйгін пайтда кенг құлланилади.

Техника бўлиммининг аналитик ёки маҳсус аниқлагичлари («Область кутубхоналари учун жадваллар»да улар 89—91-бет-
ларда келтирилган) техникага доир адабиётнинг катта-катта
фондларига эга бўлган кутубхоналарда фаннинг турли соҳала-
рига оид бўлимларда кичик бўлинмалар, масалан, техник нор-
малаштириш, ишлатиладиган хом ашё, ишлаб чиқариш асбоб-
ускуналари ва бошқаларнинг турлари сингари белгиларига
қараб бўлинмалар тузиш имконини беради. Шунингдек, оммавий
кутубхоналар учун жадвалларда техникага доир адабиётнинг
аналитик аниқлагичлари назарда тутилган, лекин уларнинг сони
анча кам, албатта.

Техникага доир адабиётда одатда технологик жараёнлар,
машиналар, конструкциялар ва материаллар қараб чиқилади.
Технологик жараёнлар, машиналар, материалларнинг баъзила-
ридан фақат бирон-бир ишлаб чиқаришда, масалан, мартен
процессида (металлургияда), пойабзал машиналарида (пойаб-
зал ишлаб чиқаришида), том ёпиш материалларида (қурилишда
фойдаланилади. Бу масалаларга бағишлиланган китобларни клас-
сификациялаш қийинчилик туғдирмайди — улар тегишли бўлим-
ларга киритилади. Аммо шундай жараёнлар, машиналар ва
материаллар борки, улардан жуда кўп ишлаб чиқаришларда
фойдаланилади. Металларни пайвандлаш, қуритиш, ер ишлари
ва ҳоказолар ана шундай жараёнлар жумласига, металл, ёғоч,
пластмасса ва бошқалар худди шундай материаллар жумласига,
юк кўтарадиган машиналар, двигателлар, компрессорлар ва
бошқалар ана шундай машиналар жумласига киради. Класси-
фикациялаш жадвалларида барча ана шундай жараёнлар,
машиналар ва материаллар учун бўлимлар назарда тутилган
бўлиб, улар тўғрисидаги умумий адабиёт ўша бўлимларга кири-
тилади. Муайян ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган китоблар
«қўлланиши»га қараб классификация қилинади.

Классификациялашнинг бундай методикаси катта устунликка
эга бўлишига — материални самарали тарзда комплекслашга
ёрдам беришига, китобларни бевосита улар билан қизиқадиган
китобхоналарга яқинлаштиришга, кутубхоначига адабиётни
системага солишида дурустгина йўл-йўриқ беришига қарамасдан,
бу методика техника бўлими китобхонларини группаларга ажра-
тишда мълум камчиликлар бўлишига олиб боради. Бу камчи-
ликлардан асосийи шундан иборатки, системали каталогда
адабиёт машинасозликнинг бир-бирига яқин соҳаларига оид
адабиёт, бир-бирига ўхшаш технологик жараёнлар ва техника-
нинг тармоқлараро масалаларига оид китоблар тарқалиб кета-
ди. Масалан, тўқимачилик саноатида қўлланиладиган станоклар
тўғрисидаги китоблар ип газлама, жун, шойи ва бошқа ишлаб
чиқариш бўлимларига тарқалиб кетади. Айни вақтда ип газлама
ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар яратадиган конструктор-

лар ва технологларга тўқимачилик саноатининг бошқа тармоқларини жиҳозлаш тўғрисидаги китоблар қизиқарли бўлиши шубҳасизdir. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

«Қўлланилишига» қараб классификациялашнинг салбий томонлари асбоб-ускуналардан фойдаланишга ва уларни ишлаб чиқаришга бағишлиланган китобларни системага солишда айниқса яққол кўринади. Бу ҳол бир қанча йирик кутубхоналарнинг маҳсус машиналар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш тўғрисидаги адабиётга мўлжалланган тармоқли машинасозлик бўлимини жорий этиш яхши самара бериши ҳақидаги масалани ўртага қўйиши учун асос берди. Лекин бундай бўлим ҳам нуқсонлардан холи эмас. У маҳсус машиналарни конструкциялаш ва улардан фойдаланишнинг бир-бири билан маҳкам боғлиқлиги тўғрисидаги адабиётнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун совет кутубхоналари ва библиография органлари техникага доир адабиётни системага солисан «қўлланилишига» қараб классификациялаш методига амал қиласидилар. Шундай бўлса-да, бу методни суистеъмол қиласлик ва уни беҳуда нарса даражасигача олиб бормаслик лозим. Масалан, автомобилъ заводида токарлик станогида турли машиналар учун умумий деталлар тайёрлаш соҳасидаги иш тажрибаси тўғрисидаги китобни автомобиллар бўлимига эмас, балки токарлик ишлари бўлимига киритган маъқул, у ҳар бир токарь учун, унинг саноатдаги қайси тармоқда ишлашидан қатъи назар, қизиқарли бўлади.

Оммавий кутубхоналар ва область кутубхоналарнинг классификациялаш жадвалларида техника бўлинмининг бальзи бўлинмаларини тузишда «қўлланилишига» қараб классификациялашдан воз кечиш ва материални мақсадга мувофиқроқ тарзда группаларга ажратиш ҳолларига дуч келиш мумкин. Масалан, кончилик иши бўлимида фойдали қазилмаларни бойитиш тўғрисидаги адабиёт ўзининг қандай турга киришидан қатъи назар бир жойда (6П1. 9 индекси билан) тўпланади. Шундай қилиб, кўмирни бойитиш тўғрисидаги китоб кўмир қазиб чиқариш бўлимига эмас, балки бойитиш методлари асосида бўлинадиган фойдали қазилмаларни бойитиш бўлимига киритилади.

Бальзи техника кутубхоналари «қўлланилишига» қараб классификациялашдаги нуқсонларга барҳам беришга интилиб, материалларни такрорлашга тутинадилар ва уларни «қўлланилишига» қараб ҳам, предметига (хом ашё, технология жараёни, асбоб-ускуна ва ҳоказоларга) қараб ҳам классификация қиласидилар. Бироқ бундай такрорлаш усулини фақат маҳсус кутубхонадагина қўлланиш мумкин. Бунда қайси тематикадаги техникавий китоблар каталогда такрор акс эттирилишини ва қандай нуқтаи назарларда акс эттирилишини олдиндан ҳал қилиш, шунингдек каталогнинг турли жойларида мазмунига кўра бир хил комплекслар тузмаслик учун классификациялаш методини яхшилаб

ўйлаб олиш зарур. Универсал кутубхоналар эса «құлланилишига» қараб классификациялаш нүқсонларига бевосита каталогда әмас, балки унинг учун яхшилаб тузилган алфавит-предмет күрсаткичи ёрдамида барҳам берадилар. Агар, масалан, саноатнинг турли тармоқларидағи металларни пайвандлаш түғрисидаги адабиёт каталогда турли бўлимларга: кемасозлик, самолётсозлик, қурилиш иши ва бошқа бўлимлар бўйича тарқатиладиган бўлса, унда алфавит-предмет күрсаткичидаги «Металларни пайвандлаш» рубрикаси остида бу масаланинг барча аспектлари тегишли бўлимларнинг индекслари кўрсатилган ҳолда бир жойга тўпланди.

Универсал кутубхоналар классификациялашнинг умумий методлари асосида техникага доир китобларни такрор акс эттириш усулини қўлланадилар. Китоб аввало ўз мазмунига кўра иккита бўлимга киритилиши мумкин бўлган пайтда ана шу усул қўлланилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, масалан агар китобда кенг ёйилган бирор технологик жараённинг (классификациялаш жадвалларида мустақил бўлим қилиб берилган технологик жараённинг) муайян ишлаб чиқаришда қўлланилиши қараб чиқилган ва шу билан бирга мазкур жараённинг умумий методлари ҳамда усуллари анча дурустроқ ёритилган бўлса, у ҳолда китоб иккита бўлимга киритилмоғи керак; асосий карточка тегишли ишлаб чиқариш бўлимига, қўшимча карточка эса муайян технологик жараён бўлимига қўйилади. Масалан, агар асбобсозликда аниқ штамплаш түғрисидаги китобда бу технология жараённинг умумий масалаларини қараб чиқиш кўпроқ ўрин олган бўлса, унда мазкур китобни асбобсозлик бўлимига киритиш ва металларни босим билан ишлаш бўлимида қўшимча тарзда акс эттириш лозим.

Системали каталогнинг соҳали тузилиши тақозоэ эттан техникага доир китобларни классификациялашнинг юқорида баён этилган методикаси саноат, қурилиш, транспорт ва алоқанинг ҳар бир тармоғига оид бўлимда шу соҳага таалуқли бўлган қарийб ҳамма адабиёт турларини тўплаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигига доир адабиёт классификацияси 63 Қишлоқ хўжалик бўлими қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари түғрисида; китобларга мўлжалланган. Шунга биноан бўлим икки қисмдан: деҳқончилик ва ўсимлийчилик масалаларини акс эттириб, 631—635 индексларини олган биринчи қисмдан; 636—639 индексларини олиб, чорвачиликни акс эттирувчи иккинчи қисмдан иборат. Ҳар иккала бўлим ҳам бир хилда тузилган: аввал қишлоқ хўжалигидаги бу тармоқлардан ҳар бирининг умумий масалалари учун бўлинмалар, сўнгра қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик турларининг хусусий бўлинмалари келади.

63 Умумий бўлим (область кутубхоналари жадвалларида 63 ва 630 бўлимлар) агрономия ҳамда чорвачилик масалалари айни

бир вақтда күриб чиқиладиган китобларга, масалан: энциклопедиялар, луғатлар, қишлоқ хўжалик тарихига доир китоблар ва бошқаларга мўлжалланган. 631 Умумий дехқончилик ва 632 Қишлоқ хўжалик ўсимликларини муҳофаза қилиш... бўлимлари айрим экин турларининг бўлимларига нисбатан умумий бўлимлар бўлиб ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, агробиология, агротехника, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агрохимия ва ҳоказоларнинг умумий масалаларига доир китоблар 631 бўлинмаларига, ўсимликларга оид касалликлар ҳақидаги китоблар эса 632 бўлимга жойлаширилади. Худди шу масалалар кўриб чиқиладиган, лекин муайян экинларга доир иловаларда кўриб чиқиладиган матбуот асарлари ана шу экинларнинг бўлимларига киритилади. Шундай қилиб, ўсимликшуносликнинг ҳар бир бўлимида тегишли экин агротехникасига доир ҳамма адабиёт тўпланади.

Чорвачилик бўлимида умумий бўлинмалар жуда осон фарқ қилинадиган индексларга эга. 636 асосий индекси ноль билан тўлдирилган. Масалан, 636. 09. Ҳайвонларга оид касалликлар.

Қишлоқ хўжалик бўлимида умумий аниқлагичлардан (шакл аниқлагичларидан ташқари) географик аниқлагичлар ҳам қўлланилади. Географик аниқлагичлардан бўлинменинг умумий бўлинмаларида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу аниқлагичлар ёрдамида, масалан, буғдои бўлинмасида мамлакатимизнинг турли областлари ва районларидаги буғдои агротехникаси тўғрисидаги бўлинмалар тузилади. Қишлоқ хўжалиги районларига жойлашган область кутубхоналари ва оммавий кутубхоналарда бундай бўлинмалар тузиш фойдалидир. Худди шу кутубхоналарда айрим республикалар, ўлкалар ва ҳоказоларнинг ўсимликшунослиги ҳамда чорвачилигини акс эттирувчи бўлимларни ажратиш учун 631 (С..) ва 636 (С...) географик аниқлагичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай бўлимлар қўшимча карточкалар билан тўлдириб борилади, чунки асосий карточкалар китобларнинг мазмунига тўғри келадиган бўлимларга киритилади. Масалан, Сибирь буғдои тўғрисидаги китоб 633.1+631 (С 19) индексини олади. Бу такрорлаш ўзини оқлаган: у мамлакатимиз ўсимликшунослиги ва чорвачилигини регионал планда кўрсатиш имконини берадики, бу нарса илмий, амалий ва иқтисодий жиҳатдан жуда муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик бўлимида аналитик аниқлагичлардан фойдаланиш кўзда тутилган. Улар ўсимликшунослик ва чорвачилик қисмларининг бошида берилган бўлиб, бу қисмлардан ҳар бирининг китоблари учун типик бўлган белгиларни акс эттиради. Бундан ташқари, ҳар иккала қисм учун умумий бўлган аналитик аниқлагичлар ҳам бор.

Қишлоқ хўжалик бўлимида, масалан, қишлоқ хўжалик машиналари бўлинмасида, ўсимликлар, дон, озуқа ва бошқа экинларга оид касалликлар ҳамда зааркунандалар бўлинма-

ларида алфавит тартиби шаклида жойлаштириладиган предмет рубрикалари ёрдамида бўлинмаларни деталлаштиришга кенг йўл қўйилади. Агар бўлим мазмунини бир хил тушунчаларнинг — ўсимликлар, касалликлар ва ҳоказоларнинг рўйхати тариқасида кўрсатиш мумкин бўлган тақдирдагина системали каталог учун характерли бўлган мантиқий изчилликни алфавит изчиллик билан алмаштириш ўринли бўлади. Қишлоқ хўжалик бўлими бу жиҳатдан катта имкониятларга эга.

Қишлоқ хўжалигининг баъзи масалаларига доир китобларнинг классификация қилинишини қараб чиқайлик.

Қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг умумий масалалари ҳақидаги адабиёт 631. З қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш бўлимига ҳамда унинг бўлинмаларига жойлаштирилади. Қишлоқ хўжалигида универсал машиналардан фойдаланишнинг умумий масалаларига доир китоблар ҳам худди шу бўлимига киритилади. Муайян ўсимлик ёки молни парвариш қилишга оид ишларда қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш тўғрисидаги адабиёт «қўлланилишига» қараб классификация қилинади. Қишлоқ хўжалик районларидағи кутубхоналарда бу машиналар ҳақидаги китобларни 631. З бўлимининг тегишли бўлинмаларида такрор акс эттириш мақсадга мувофиқdir. Бу ҳолда турли машиналарда ишлашига тўғри келадиган китобхонлар — қишлоқ хўжалик механизаторлари бу бўлиминдан ўзлари учун керакли бўлган ҳамма адабиётни топа оладилар.

Худди ўша кутубхоналарда айрим ўсимлик касалликлари тўғрисидаги китобни каталогнинг иккита бўлимида акс эттириш ҳам тавсия қилинади; асосий карточка муайян ўсимлик бўлимига киритилади, қўшимча карточка эса ўсимликларга оид касалликлар бўлимига жойлаштирилади. Кўпинча худди бир хил касалликлар ва зараркунандаларнинг ўзлари ўсимликларнинг ҳар хил турларига шикаст етказиши ана шундай классификациялашини тақозо этади; ўсимлишуносликнинг бир соҳасидаги бу касалликларга қарши қўлланилган кураш чоралари бошқа тармоқларнинг ходимларида ҳам қизиқиш туғдиради.

Ҳайвонларга оид касалликлар тўғрисидаги китоблар учун ҳам классификациялашнинг тахминан худди шундай методикаси тавсия қилинади; бу классификациядаги фарқ фақат шундаки, асосий индексни танлаш кутубхоналарнинг шароитига қараб ўзгариши мумкин.

**Бадиий адабиёт, адабиётшуносликка,
тилшуносликка ва санъатга доир китоблар
классификацияси**

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори идеология фронтининг барча ходимларидан бадиий адабиёт ва

санъат асарларини активроқ пропаганда қилишни, бадий адабиёт, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ күргазмалари ташкил қилишни, библиография ишини яхшилашни талаб этади.

Бу вазифаларни ҳал этишда бадий адабиёт ва адабиётшуносликнинг, санъат ҳамда тилшунослик масалаларига доир адабиётнинг жуда бой фондларига эга бўлган совет кутубхоналарининг роли фоят каттадир.

Китобхонларнинг айниқса китоб токчаларидан эркин фойдаланишлари шароитларида бу фондларни ўйлаб ташкил этиш, уларни каталоглар ва карточкаларда ҳар томонлама акс эттириш китобхонларнинг эстетик дидини таркиб топтирадиган, уларнинг адабиёт ҳамда санъат асарларини чуқурроқ ва тўлиқроқ идрок этишига имкон берадиган адабиётни актив пропаганда қилиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Тилшунослик, адабиёт-шунослик ва бадий адабиёт бўлимларининг структураси

Адабиётшунослик тил тўғрисидаги фан билан узвий боғланиб кетган. Тилнинг грамматик ва синтактик қурилиши адабий услубнинг асосини ташкил этади.

Ёзувчи ижоди билан жиддий қизиққан китобхон ёзувчи асарининг адабий композициясини, асосий персонажларнинг характеристикасинигина эмас, балки ёзувчининг тилини ҳам ўрганади. Бизга «Грибоедов тили», «Маяковский тилининг сўз бойлиги» ва ҳоказо иборалар яхши танишдир. Ўнли классификацияда бу боғланиш тўғри очиб берилмаган, чунки 4 *Тилшунослик* ва 8 *Адабиётшунослик* бўлимлари ўртасига табиатшунослик, техника, қишлоқ хўжалиги ҳамда санъат бўлимлари (санъат бўлими спорт тўғрисидаги адабиётни ҳам ўз ичига олади) кириб қолган.

Биз фойдаланаётган жадвалларда бу бўлимлар тартибиunchалик ўзгармай қолган, лекин улардан ҳар бирининг структураси маълум даражада қайта ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, жадваллар охирида, берилган бадий адабиётга алоҳида бўлим ажратилган.

Ўнли классификацияда 4 *Тилшунослик* бўлимини бўлишга ҳозирги вақтда эскириб қолган ва филология фанида қабул қилинган илмий систематикага зид келадиган тилларни группаларга ажратиш усули асос қилиб олинган. Ўнли классификацияда биринчи ўринга Гарбий Европадаги асосий тиллар: инглиз, немис, француз тиллари ва бошқа тиллар кўйилган эди. Улардан кейин латин ва юнон тиллари келар эди. Европа, Осиё ва бошқа қитъаларда яшовчи бошқа халқларнинг тиллари охирида «Дунёдаги бошқа тиллар» деган умумий рубрика остида берилар эди. 8 *Адабиётшунослик* бўлими ҳам худди шу тартибда тузилган эди. Тиллар ва адабиётларнинг бундай жойлаштирилиши амалий мақсадларга ҳам жавоб бермас эди. У, масалан, СССР халқларининг ҳамма тиллари ва адабиётини бирлаштириш имконини бермас эди. Ваҳоланки, худди шундай бирлаштириш айниқса адабиёт ва адабиётшунослик бўлимла-

рида жуда муҳимдир. Шунда китобхонлар совет ёзувчилари-нинг бир ерда тўпланган асарларини, шунингдек СССР халқлари адабиётлари тўғрисидаги барча китобларни топа оладиган бўладилар.

Совет кўтубхоналарида фойдаланиладиган жадваллардаги бу муҳим нуқсонларга барҳам бериш учун тилшунослик, адабиётшунослик ва бадий адабиёт бўлимлари тубдан қайта ўзгартирилди. Бўлимларнинг умумий структураси аниқландикси, бу бўлимларнинг қуйида келтирилган асосий бўлинмаларини таққослаб бунга осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин:

| 4 Тилшунослик | 8 Адабиётшунослик | Бадий адабиёт |
|------------------------------------|--|------------------------------------|
| 4 Тилшунослик (умумий масалалар) | 8 Адабиётшунослик (умумий масалалар) | — |
| 4Р Рус тили | 8Р Рус адабиёти тарихи | Р Рус адабиёти |
| 4С СССР даги бошқа халқлар тиллари | 8С СССР даги бошқа халқлар адабиёти тарихи | С СССР даги бошқа халқлар адабиёти |
| 4И Чет тиллар | 8И Чет мамлакатлар адабиёти тарихи | И Чет мамлакатлар адабиёти |
| 4А Қадимги ва антик давр тиллари | 8А Қадимги ва антик давр адабиёти тарихи | А Қадимги ва антик давр адабиёти |
| | 8Ю Болалар адабиёти тарихи | — |

Бадий адабиёт классификацияси Бадий адабиётни классификациялаш илмий, илмий-оммабоп ва бошқа китобларни классификациялашдан тубдан фарқ қиласиди. Асарларни предметлари ёки бир-бирига ўхшаш илмий ва оммабоп адабиёт темалари бўйича группаларга ажратишни бадий адабиётни классификациялашга асос қилиб олиб бўлмайди, чунки бундай қилиш вульгарлаштиришга олиб борган бўлар эди. Бадий асарларни билимнинг бирор муайян соҳасига киритиб бўлмайди. Масалан, Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясини ёки Ф. М. Достоевскийнинг «Идиот» романини системали каталогнинг қайси бўлимларига киритиш керак³. Системали каталогларда бадий адабиётни тематик жиҳатдан танлаб олиш борасидаги интилишлар муваффақиятли бўлмади. Бадий адабиётни фақат тематик картотекалардагина, шунингдек кўргазмалардагина ва бемалол фойдаланиладиган алоҳида стеллажлардагина айрим, актуал темалар бўйича танлашга йўл қўйилади.

Бадиий адабиётни токчаларда ва системали каталогда адабиий ижод турлари ҳамда жанрлар (поэзия, очерклар, драматик асарлар, мемуарлар ва ҳоказолар) бўйича классификациялаш амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу тариқа классификациялаш бир халқнинг ва авторнинг барча асарларини уларнинг бадиий формаларидан қатъи назар каталогда бир ерда бирлаштириш имконини бермайди. Бадиий адабиёт асарларини бундай усулда классификациялашда кўпгина ёзувчилярнинг ижоди каталогнинг бир қанча рубрикаларида: «Поэзия», «Драма», «Роман»да ўз ифодасини топган бўлур эди.

Совет кутубхоналарининг амалий ишида бадиий адабиётга алоҳида бўлим ажратиб қўйилган. Бадиий адабиёт биринчи навбатда миллий белгисига қараб классификация қилинади. Бу белги бадиий адабиётга миллий маданият намоён бўлишининг энг муҳим формаларидан бири деб қарайдиган совет адабиёт шунослиги принципларига мос бўлиб тушади.

Бадиий адабиётни классификациялаш жадвалларида қўйидаги маҳсус индекслар бор.

P Рус адабиёти

C СССР ҳалқлари адабиёти (рус адабиётидан ташқари)

I Чет мамлакатлар ҳалқлари адабиёти

A Қадимги ва антик давр адабиёти

Рус адабиётининг кичик бўлимлари ичida даврлар бўйича қўйидаги бўлинмалар берилади:

P1 Революциягача бўлган рус адабиёти

P2 Рус совет адабиёти.

Область кутубхоналари тажрибасида бу бўлимнинг қўйидаги анча майдо бўлинмалари қўлланилади: P11 Қадимги рус адабиёти, P12 XVIII асрдаги рус адабиёти, P13 XIX аср ва XX аср бошларидаги рус адабиёти. Адабиёт анча кўп бўлган пайтларда бу бўлинмалардан оммавий кутубхонларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, системали каталогда бадиий адабиётни жанрларга қараб бўлиш назарда тутилмайди. Бир ёзувчининг ҳамма асарлари бир жойга тўпланади.

С СССР ҳалқлари адабиёти ва И Чет мамлакатлар ҳалқлари адабиёти бўлимларида миллий адабиётлар алоҳида алоҳида ажратилиб, ҳалқ номининг алфавит тартибида жойлаштирилади. Шу мақсадда С ва И индексларига (қавсда) ҳалқ номининг бошланғич ҳарфлари қўшиб қўйилади. Масалан, Украина адабиётининг индекси С (Укр), Англия адабиётининг индекси И (Ан) бўлади.

СССР ҳалқлари адабиёти бўлимларида, шунингдек чет эл адабиёти бўлимларида «Область кутубхоналари учун жадваллар»да назарда тутилган бўлимчалар учун хронологик аниқлагичлардан, масалан С (Укр) 13 XIX аср ва XX аср бошларидаги Украина адабиёти, И(Ан) 4 XVII аср охири ва XVIII асрдаги Англия адабиёти хронологик аниқлагичларидан фойдаланиш мумкин.

Совет кутубхоналарида амалий тарздаги мұлоқазалар ҳисебга олиниб, СССР халқлари адабиеті (С комплексінде) зачет мамлакатлар халқлари адабиеті (И комплексінде) бўлимларини илмий асосда системага солиш принциплари бўйича — қитъалар ва тарихан юзага келган территориал ҳамда маданий комплекслар бўйича тақсимланмасдан, алфавит тартибида жойлаштирилади. Алфавит тартиби кўпчилик китобхонлар омаси учун каталогдан ва адабиёт бўлими токчаларидан ўzlарини қизиқтирган китобни қидириб топишда анча жўнроқ, осонроқ ва қулайроқ бўлади.

Бироқ системали каталогда токчаларда бадиий адабиётни миллий адабиётлар бўлимлари бўйича ҳар бир бўлим ичидагитта ёзувчининг барча асарларини (жанридан қатъи назар) бирлаштирган ҳолда классификациялаш бадиий асарлар учун анча муҳим бўлган бошқа белгилар асосида ҳам группаларга ажратиш заруратига барҳам бермайди. Бунга тавсия тематик ва жанр картотекаларини тузиш йўли билан, шунингдек шу белгилар асосида энг муҳим асарларни алоҳида стеллажларда тўплаш билан эришилади

Масалан, бадиий ижоднинг айрим турлари ва жанрларининг рубрикаларига эга бўлган тавсия картотекаси юритиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Ашулалар» рубрикаси остида ҳархил ашулалар тўпламларни йиғилади. Тавсия тематик картотекаларини тузиш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда алоҳида актуал темалардаги рубрикалар остида улар билан тематик жиҳатдан боғлиқ бўлган асарлар ҳам акс эттирилади. Бадиий адабиётнинг тематик картотекаси рубрикаларига системали каталогнинг тегишли бўлимларидан йўналтиргичлар бериш керак. Масалан, кутубхонада «Бадиий адабиётда коммунист образи» деган рубрика алоҳида ажратиб кўрсатилган тематик картотека мавжуд бўлган пайтда унга системали каталогнинг 1МИ7 Коммунистик ахлоқ. Коммунистик тарбия ва З КСМ Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи. Совет ёшлари деган бўлимларидан йўналтиргичлар бериш керак бўлади.

Оммавий кутубхоналарнинг фондларида китобхонларни бирор фан асослари билан ёки жузъий илмий проблема билан беллетристик формада таниширадиган китоблар оз эмас. Бу китобларни классификациялашда бадиий адабиёт бўлими ва билим ёки фаннинг тегишли соҳаси бўлимидан бирини танлаб олишга тўғри келади. Шунга эътибор бермоқ керакки, бу китобларни классификациялаш кўп жиҳатдан шартли бўлиб, уни аниқ бир тартибга солиб бўлмайди. Бунда асарнинг конкрет мазмунини, унда баён этилган нарсанинг асосий йўналиши ва характеристерини ҳисбага олиш зарур.

Масалан А. С. Макаренконинг социалистик жамиятнинг янги кишисини тарбиялашга доир энг муҳим принциплар чуқур ёритиб берилган «Педагогик поэма» деган асарини совет педагогикаси бўлимига киритмоқ лозим. Айни вақтда бу асар совет

бадиий адабиётида мұхым воқеа бўлиб, уни бу бўлимда ҳам қўшимча тарзда акс эттириш зарур.

Бошқа ҳолларда баъзи асарлар ўзларидағи мавжуд фактик материал билан китобхонларда маълум даражада қизиқиши туғдирди. Бундай асарларни бадиий адабиёт бўлимидаги жойлаштириш ва мазмунига кўра соҳали бўлимларда қўшимчага рашишда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Н. Равичнинг «Улуғ помор ҳақида қисса» (М. В. Ломоносовнинг ҳаётини тўғрисида) китобини рус совет адабиёти бўлимидаги киритиш ва рус фани бўлимидаги М. В. Ломоносов тўғрисидаги бошқа китоблар билан биргаликда қўшимчага тарзда акс эттириш тўғрироқ бўлади.

Бадиий ва илмий адабиёт бўлимлари ўртасида адабиётни чегаралаш масаласи очерклар, фельетонлар тўпламлари ва ҳоказоларни классификациялаш пайтида ҳам кўндаланг бўлиб туради.

Очерк тарзидаги адабиёт, китобнинг характеристи ва олдига қўйган мақсадига қараб, турлича классификация қилинади. Битта муайян темага бағишиланган ёки анчагина фактик материални ўз ичига олган очерклар билим соҳалари бўйича классификация қилинади. Масалан, совет жамоатчи хотин-қизлари тўғрисидаги очерклар тўплами 32С8 бўлимидаги киритилади.

Агар очерклар ижоди асосан бадиий адабиётга алоқадор бўлган авторлар томонидан ёзилган бўлса, уларга бадиий адабиётнинг тегишли бўлимидаги иккинчи индекс бериш мақсадга мувофиқдир. Масалан, М. Горькийнинг «Сариқ иблис шаҳри» очерклари 9(И) 7(АҚШ) + Р2 бўлимидаги киритилади.

Турли масалалар ҳамда темаларга бағишиланган очерклар, фельетонлар тўпламлари ва ҳоказолар бадиий адабиёт бўлимларига жойлаштирилади. Масалан, «Рус фельетони» тўплами рус бадиий адабиёти бўлимидаги киритилади.

Киносценарийлар, романлар, повестлар, пьесалар ва ҳоказолардан қилинган инсценировкаларни классификациялаш масаласи ҳам ҳал қилинмоғи керак. Улар одатда барча бошқа адабиий асарлар билан бир қаторда бадиий адабиётнинг тегишли бўлимларига киритилади. Масалан, француз ёзувчиси Стендальнинг «Қизил ва қора» деган романни асосидаги фильм сценарийсига И (Фр) индекси, Д. Фурмановнинг «Чапаев» повести асосидаги киносценарийга Р2 индекс берилмоғи керак.

Драма асарларининг нашрлари саҳнада қўйишга доир изоҳ ва кўрсатмаларга ёки уларнинг муайян театрдаги постановкасига оид тасвирларга эга бўлиб, қандай китобхонларга мўлжалланганлиги аниқ кўрсатилган бўлса, улар 792 *Theatr* бўлимидаги жойлаштирилади ва бадиий адабиёт бўлчимларида акс эттирилмайди. Масалан, А. С. Грибоедовнинг М. Горький номли Москва бадиий академик театри саҳналаштирган «Ақллилик балоси» комедиясининг босилиб чиққан китобига 792С индекси берилади.

Адабиёт назарияси масалаларига (бадий метод, услугуб, жанр масалаларига), адабиёт тарихига ва адабий асарларга изоҳ ҳамда баҳолар берадиган адабий

ганқидга доир китоблар адабиётшунослик бўлимига киритилади.

Ўни классификацияда адабиётшунослик масалалари 8 бўйимда бадий адабиёт билан бирлаштирилган эди. Кутубхона ишларига оид адабиётда¹ баъзи авторлар, бундай бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этадилар ва ҳар бир ҳалқ бадий адабиётини асосан илмий кутубхоналарда ўша ҳалқ тарихи ва танқиди билан бирга қўшишга доир бир қанча далиллар келтирадилар.

Аммо оммавий кутубхоналар ва область кутубхоналарининг иш шароитида бу тавсия учнчалик яроқли эмас, чунки китобхонларнинг асосий қисми учун бутун бадий адабиётнинг бир ерда тўплангани ва мустақил бўлим қилиб ажратиб қўйилгани муҳимdir.

Илмий ва оммавий кутубхоналарда бадий адабиётга ёндашишда тафовут бўлишига сабаб шуки, илмий кутубхонанинг асосий китобхонлари бадий асарларга ўзларининг тарихий адабий ишларида фойдаланиладиган дастлабки манбалар сифатида мурожаат қиласига олимлар, аспирантлар, ёзувчилар ва бошқа мутахассислар бўлади.

Улар учун, масалан, Балъзакнинг ҳамма асарлари ва унинг ижоди тўғрисидаги адабиёт бир жойда тўплангани қулай. Оммавий кутубхонада ҳамма китобхонлар ҳам бундай бирлаштиришдан унча манфаатдор эмаслар. Шунинг учун ҳам билим доираси турлича бўлган кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган бадий адабиёт алоҳида бўлим қилиб бирлаштирилади.

Шу мулоҳазаларга кўра, оммавий кутубхоналар ва область кутубхоналари иш тажрибасида 8 Адабиётшунослик бўлими фарқат адабиётшуносликка доир асарларга мўлжалланган бўлиб, бадий адабиётга эса алоҳида индекслар берилган.

Рус адабиёти тарихи ва СССР ҳалқлари адабиётлари тарихи бўлимларида, «Область кутубхоналари учун жадваллар»да ҳам чет мамлакатлар ҳалқлари адабиётлари тарихи бўлимларида бадий адабиёт бўлимларида ҳам шунга ўхаш фойдаланиладиган хронологик бўлинмалар назарда тутилган.

Айрим ҳалқларнинг ҳозирги замон адабиёти тарихига доир китоблардан ташқари иккита мустақил бўлим: 8А Антик давр

¹ Қаралсин: Н. А. Таманцев. К вопросу с типовой схеме систематического каталога художественной литературы в массовой библиотеке. Қуйидаги китобда: «Труды Ленинградского государственного библиотечного института имени Н. К. Крупской», I-том, Л., 1956, 125—134-бетлар.

О. В. Данилова. Классификация художественной литературы и литературоведения для каталогов крупных библиотек универсального характера. Қуйидаги китобда: «Труды Государственной библиотеки СССР имени В. И. Ленина», I-том, М., 1957, 75—125-бетлар.

адабиёти тарихи ва 8Ю Болалар адабиёти тарихи бўлимлари ҳам алоҳида ажратилган.

Болалар адабиёти тарихи учун мустақил индекс ажратишига сабаб шуки, сўнгги йилларда болалар адабиёти маслаларини назарий жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Болалар учун нашрлар тиражининг катталиги, илмий тадқиқот характеридаги маҳсус муассасаларнинг мавжудлиги совет адабиётшунослигида болалар ва ўсмиirlар адабиёти назарияси, тарихи ҳамда танқидининг салмоғини анча оширмоқда.

Ҷузвичларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги китоблар, шунингдек, уларнинг асарлари ҳақидаги танқидий китоблар адабиётшуносликка доир асарлар орасида катта ўрин тутади ҳамда улар тарих ва адабий танқиднинг тегишли бўлимларига киритилади. Системали каталогда ёзувчиларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги китоблар муайян халқ адабиёти бўлими ичida шахсий рубрикалар остида (биографияси берилган шахслар фамилияларининг алфавит тартибида) ажратиб кўрсатилади. Масалан:

8И(Бол) Болгария адабиёти (тарихи ва танқиди).

Благоев Д.

Ботев X.

Димитрова Б.

димитрова
Стоянов Л.

«Область кутубхоналари учун жадваллар»да битта ёзувчи ҳақидағы адабиётни деталлаштириш учун аналитик аниқлаги-лар назарда тутилған.

Рус ёзувчиларининг ҳаёти ва фаолияти билак боғлиқ бўлган адабий музейлар ҳамда жойларга доир йўл кўрсаткичлари токчаларда ва каталогда маҳсус 8Р(069) индекси остида алоҳида ажратиб қўйилади. Агар бу турдаги нашрлар битта ёзувчининг ижодига алоқадор бўлса, уларни ҳам тегишли адабиёт тарихи бўлимининг шахсий рубрикасида акс эттириш мақсадга мувафиқдир. Масалан, «Толстой бўлган жойлар бўйлаб» деган китоб тўлиқ 8Р(069)+8Р1.3 (*Толстой Л. Н.*) индексини одади.

Фольклор Оғзаки халқ ижоди — фольклор адабий ижод билан мустахкам боғланган.

Совет кутубхоналарининг иш тажрибасида фольклор одатда адабиёт ва адабиётшунослик билан бирлаштириллади-ю, лекин фольклорга доир адабиёт турлича классификация қилинади. Йирик кутубхоналарда алоҳида фольклор бўлими тузилиб, унда фольклор тарихига ва айрим халқлар фольклорига оид материаллар учун бўлинмалар ташкил қилинади.

«Область кутубхоналари учун жадваллар»да фольклор (халқ оғзаки ижоди асарлари) ва фольклористика (фольклор назарияси, тарихи ва методологияси) биринчи марта мустақил Ф фольклор бўлими қилиб ажратиб қўйилган. Бу бўлимда фольклорга онд адабиётни қўйидаги тарзда классификациялаш имконини берувчи маҳсус рубрикалар келтирилган:

Ф1 Фольклористика.

Ф4 Жаҳон фольклори.

Ф9 СССР даги бошқа халқлар фольклори.

Ф9Р Рус фольклори.

Ф9С СССР даги бошқа халқлар фольклори.

Ф9И Чет мамлакатлар халқлари фольклори.

Бундан ташқари, муайян халқ фольклори бўлимида алоҳида жанрлар рубрикасини ташкил қилиш имконини берувчи анализатор аниқлагичлар келтирилган.

Масалан, «Ирландия саглари» деган китобга Ф9И (Ирл)—22 индекси, «Рус халқ мақолалари ва маталлари» деган китобга Ф9Р=5 индекси берилади.

Оммавий кутубхоналарда айрим халқларнинг оғзаки ижодига оид асарлар шу халқларнинг адабиёти бўлимида, фольклористикага доир адабиёт эса адабиёт тарихининг тегишли бўлимларига киритилади. Кутубхона агар хоҳласа бу бўлимлардан ҳар бирида тегишли индексларга «Ф» ҳарфини қўшиш йўли билан фольклорни алоҳида ажратиб кўрсатиши мумкин, масалан, 8РФ *Рус фольклори тарихи*, РФ *Рус фольклори*, И(Гол)Ф *Голландия фольклори*.

Тилшуносликка доир
адабиёт классифика-
цияси

Тилшунослик бўлимида тил ва тилшунослик масалаларига доир умумий китоблар, айрим тиллар, уларнинг грамматикаси, синтаксиси, фонетикасига бағишиланган

тадқиқотлар, тил луғатлари, айрим тилларни ўрганишга оид дарслеклар ҳамда ўқув қўлланмалари, хрестоматиялар, чет тилларни ўрганиш учун адаптация қилинган (соддалаштирилган) ҳолда нашр этилган китоблар киради.

Йирик оммавий кутубхоналарда тилшуносликнинг жузъий масалаларга (орфографияси, луғатлари, грамматикасига) оид кўп миқдордаги адабиёт мавжуд бўлган пайтда «Область кутубхоналари учун жадваллар»да келтирилган:— 04 Орфография,— 05 Фонетика,— 06 Грамматика,— 09 Таржима ва бошқа анализатор аниқлагичлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, удмурт тили орфографиясига доир китобга 4С(Удм)—04, чех тили грамматикасига оид китобга 4И(Чехосл)—06 индекси берилади ва ҳоказо.

Тилларни ўрганишга доир ўқув қўлланмалари орасида адаптация қилинган текстлар деб аталган текстларнинг нашрлари — чет тилларни ўрганишга мўлжалланган адабий-бадиий ёки илмий асарлар осонлаштирилган текстларининг нашрлари алоҳида ўрин тутади. Бу нашрларнинг таҳририй жиҳатдан расмийлаштирилиши, текстнинг анча қисқартирилиши, қийин ибораларнинг олиб ташланиши, луғат, изоҳлар ва фонетик транскрипциянинг мавжудлиги уларнинг қандай китобхонларга мўлжалланганлигини кўрсатиб туради ҳамда китобхонларга чет тилни ўрганишда кўмаклашади. Д. Дефонинг француз тилида адаптация қилиб нашр этилган «Робинзон Крузо» романини мазкур автор-

нинг барча асарлари йиғилган И(Фр) бўлимига жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки адаптация қилинган нашрлар оригиналдан анча фарқ қиласи ва асарнинг бадиий қиймати тўғрисида тўғри тасаввур бера олмайди. Шунинг учун оммавий кутубхоналарда бу хил нашрлар 4 Тилшунослик бўлимида, тегишли тилларнинг бўлинмаларида (075 т) аниқлагичидан фойдаланган ҳолда токчаларга ҳам, системали каталогга ҳам жойлаштирилади. Бизнинг мисолимида келтирилган нашр 4И(Фр) (075т) бўлимига киритилмоғи керак. «Область кутубхоналар» учун жадваллар»да худди шу нашрлар учун (0,75.13) ва (0,75.33) аниқлагичлари назарда тутилган.

Икки тилда тузилган лугатлар одатда тегишли тиллар бўлинмаларига биринчи бўлиб келган тилга қараб жойлаштирилади. Уларни бир-биридан ажратиш учун (03) аниқлагичидан фойдаланилади. Масалан, немисча-инглизча лугатлар немис тили бўлимига (инглиз тили бўлимига эмас), инглизча-немисча лугатлар эса инглиз тили бўлимига киритилади. Истисно тариқасида рус тилидан бошқа тилларнинг бири учун икки тилда тузилга лугатларни иккинчи тил белгиси асосида классификациялаш мақсадга мувофиқроқдир, чунки бундай лугатлардан рус тилини ўрганишда эмас, балки шу тилни ўрганишда фойдаланилади. Шундай қилиб, инглизча-русча ва русча-инглизча лугатлар 4И(Ан) (03) бўлимига киритилмоғи керак.

Автоном республикалар ва миллий областлар кутубхоналарида она тили биринчи ўринда кўрсатилади: 4Б Бошқирд тили, 4Ё Ёкут тили (4С(бошқ) ва 4С(Ёқ) индекслари ўнига). Бу кутубхоналарда икки тилда тузилган лугатлар (рус тилидан миллий тилга ва миллий тилдан рус тилига тузилган лугатлар) тегишли тарзда 4Р(03) русча-бошқирдча лугат ва 4Б(03) бошқирдча-русча лугат бўлимларига киритилади.

Кўп тилда тузилган лугатлар 4И(03) умумий бўлимига киритилади.

Терминологияга доир тил лугатлари, масалан, медицина лугати, геология лугати ва ҳоказолар бошқа классификация қилинади. Улар лугат тематикасига қараб соҳали бўлимларга киритилади ва бўлимлар ичida (03) форма аниқлагичи ёрдамида алоҳида ажратиб кўрсатилади. Улар тилшунослик бўлимида (тилга мувофиқ тарзда) қўшимча равишда акс эттирилади. Масалан, инглиз-русча геодезия терминлари лугати тўлиқ 912.3(03) + 4И(Ан) (03) индексини олмоғи керак.

«Жадваллар»да рус бўлмаган мактабларнинг ўқувчиларига мўлжалланган рус тили дарслклари учун 4Р(075.19) маҳсус аниқлагичи назарда тутилган. Уларнинг рус мактаблари учун чиқарилган дарслклардан катта фарқ қилиши уларни алоҳида ажратиб кўрсатишни талаб қиласи. Бундай дарслклар рус бўлмаган мактабларга мўлжалланганлиги учун улардаги тушунтириш тексти миллий тилда берилади.

Ўқув-методик адабиёт — ҳар хил ўқув программалари, айрим

тилларни ўқитиш методикасига доир китоблар тегишли тил ичидаги тегишли аниқлагичлар ёрдами билан алоҳида ажратиб қўйилади.

Алоҳида бир ёзувчининг тилини ёки алоҳида бир адабий йўналишни ўрганишдан баҳс этадиган китоблар адабиёт тарихининг тегишли бўлимига киритилади. Масалан, М. А. Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» романи қаҳрамонларининг тили тўғрисидаги китоб 8Р2 бўлимига жойлаштирилади.

**Санъатга доир
адабиёт классифика-
цияси**

Санъатга (архитектура, тасвирий санъат ва музикага) доир адабиёт 7 бўлимидаги акс эттирилади. Ҳозирги вақтда жадвалларда бу бўлим кўп жиҳатдан қайта ишлаб чиқилган. Санъатнинг ҳар бир турига оид бўлим ичидаги иккита бўлимчча: СССР халқлари санъати ва чет мамлакатлар халқлари санъати масалаларига доир адабиёт бўлимлари белгиланган. Бу жиҳатдан санъат бўлимининг структураси адабиёт-шунослик бўлимининг структурасига ўхшашир, фақат фарқ шундаки, СССР халқлари санъати битта бўлимда рус ва СССР-даги бошқа халқлар санъатига ажратилмаган ҳолда бирлаштирилади. Масалан:

73 Ҳайкалтарошлиқ

73С СССР халқлари ҳайкалтарошлиги

73И Чет мамлакатлар халқлари ҳайкалтарошлиги.

Шу билан бир қаторда СССР халқлари санъати айрим соҳаларининг ичидаги революцияга қадар бўлган ва совет давридаги санъатга доир адабиётни бир-биридан фарқ қилиш учун даврларга ажратиш жорий этилган, масалан:

76 Графика санъати

76С СССР халқлари графика санъати

76С1 СССР халқларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган графика санъати

76С2 Совет графика санъати.

Санъатни ва унинг айрим турларини ўқитиш методикаси масалалари учун 7(07) *Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси* деган йигма бўлим алоҳида ажратиб қўйилган. Бу бўлим тасвирий санъатнинг турли соҳаларини ўқитишни ташкил этиш ва унинг методикаси билан боғлиқ бўлган барча масалаларни қамраб олади («Область кутубхоналари учун жадваллар»да тасвирий санъатига доир ҳамма адабиётни 71 индекси остида алоҳида ажратиб қўйиш имконияти назарда тутилган).

«Жадваллар»нинг бошқа бўлимларидаги сингари Санъат бўлимидаги ҳам умумий ва жуззий масалаларни бир-биридан тўғри ажратиш жуда муҳимдир. Масалан, Н. Г. Чернишевскийнинг «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати» деган асарини 7 Санъат бўлимига киритиш, лекин музика эстетикаси масалаларига оид китобни эса 78 Музика бўлимидаги акс эттириш керак.

Санъатга доир адабиётни классификациялаш пайтида санъатнинг баъзи тармоқларига оид бўлимлар, масалан: 72 Архитекту-

ра, 778 Кино санъати ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган, мазмунни жиҳатидан 6 *Техника бўлимнинг бўлинмаларига тааллуқли анчагина масалалар пайдо бўлади.*

72 *Архитектура* бўлимига фақат шаҳарлар, шаҳар ансамблари ва биноларини қуришга архитектура нуқтаи назаридан қарайдиган китобларгина киритилади. Масалан, Москвадаги якти туар жой бинолари тўғрисидаги адабиёт совет архитектураси асарлари сифатида 72С1 бўлимига киритилмоғи лозим. Бироқ қурилиш пайтида янги техникани қўлланиш тўғрисидаги, фойдаланилган қурилиш материаллари, қурилиш технологияси, техник ҳисоб-китоблар, биноларнинг қисмлари ҳамда деталларининг лойиҳалари, тасвиirlари техник нуқтаи назардан 6С *Қурилиш ишлари* бўлимнинг бўлинмаларига киритилади, чунки бу адабиёт мутахассис бинокорларга мўлжалланган бўлади.

Ёғочдан, металдан, шишадан, газмолдан, сопол ва ҳоказолардан ясалган бадий буюмларнинг тасвирини ўз ичига олган ҳамда бадий ижодиёт асари деб қарабадиган китоблар декоратив-амалий санъат бўлимида (745 индекси билан) тўпланади. Бадий нақшнинг ҳар хил турлари тўғрисидаги китоблар ҳам шу бўлима киритилади.

7 *Санъат бўлимини системали каталогнинг бошқа бўлинмалари* билан аниқ чегаралаш кинематографияга доир адабиётни классификация қилишини ҳам талаб этади, чунки биз фойдалана-диган жадвалларда кино масалалари бир қанча бўлиmlарда берилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, киносценарийларни бадий асарларнинг бошқа турлари билан бир қаторда бадий адабиёт бўлимига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Кино санъати масалалари, кинофильмлар характеристикиаси, айrim kino арбобларининг ижоди ва ҳоказолар 778 *Кино санъати* бўлимида, кино санъати, киносъёмка ва кинопроекция масалаларига онд китоблар эса 6П9. 78 *Кино санъати бўлимининг тегишли бўлинмаларига жойлаштирилади*. Масалан, «Киномеханик справочники»га 6П9. 782 /083/ индекси берилади¹.

Аслида маданий-оқартув ишлари проблемасининг бир қисми бўлиб ҳисобланувчи аҳолига кино хизмати кўрсатиш вазифалари ва кино хизмати кўрсатишни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар 379. 7 бўлимасига жойлаштирилади. Бу бўлимчага, масалан, кинопрокатни йўлга қўйиш, кинотеатрларнинг иши ва шунинг сингари характеристидаги китоблар киритилади.

Санъатнинг айrim соҳалари тарихига доир китоблар, шунингдек атоқли санъат арбобларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги китоблар жуда кўп. Умуман санъат тарихидан баҳс этадиган асарлар ёки санъатнинг бир қанча ҳар хил соҳалари арбобларига характеристика берадиган китоблар 7 бўлима, бир соҳа — ҳай-

¹ Оммавий кутубхоналар учун жадвалларда бу бўлиmlарни бирмунча бошқачароқ жойлаштириш низарда тутилган.

жайларошлик, тасвирий санъат, музика ва ҳоказолар тарихига ёки фаолиятига оид китоблар эса /09/ аниқлагициз тегишли бўлимчаларга жойлаштирилади. Масалан, С. Т. Коненковнинг биографияси совет ҳайкалтарошлиги тарихи ва назариясига оид бошқа китоблар билан биргаликда 73С2 бўлимига жойлаштирилиши керак.

Санъатнинг барча соҳалари бўлимлари ичida айрим рассомлар, музикачилар, артистлар тўғрисидаги китобларни алоҳида рубрикалар остида ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу рубрикалар шу шахслар фамилияларининг алфавит тартибида бўлимларнинг ичига жойлаштирилади.

Бадий музейлар ва кўргазмалар тўғрисидаги китоблар шу музей ёки кўргазмаларнинг характеристига, уларда санъатнинг ҳар хил асарларининг бор-йўқлиги ёки фақат тасвирий санъат, графика ва ҳоказо асарлар борлигига қараб классификация қилинади.

Бадий музейлар ва кўргазмаларни ташкил қилиш масалаларига доир умумий характеристдаги китоблар ёки турли музейлар ҳамда кўргазмаларнинг тасвирини ўз ичига олган китоблар, йўл кўрсаткичлари, каталоглар, турли бадий музейлар репродукцияларининг альбомлари, шунингдек бир музей ёки кўргазманинг йўл кўрсаткичлари, каталоглари, санъатнинг бир қанча соҳаларини (тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ ва бошқа соҳаларини) намойиш қилувчи асарлар 7,7С ҳамда 7И бўлимининг тегишли бўлинмаларига жойлаштирилади, масалан: М. Башилова ва Т. Стерникнинг «Останкино. Крепостнойлар ижодининг сарой-музейи» деган йўл кўрсаткичи 7С1/069/ бўлимига киритилади.

Худди шу характеристдаги, аммо санъатнинг бир соҳаси билан боғлиқ бўлган нашрлар санъатга оид тегишли соҳаларнинг бўлиминчаларига жойлаштирилади. Масалан, А. А. Бахрушинномидаги театр музейи тўғрисидаги китобга 792/069/ индекси, совет рассомларининг суратлари кўргазмаси каталогига 75С2/069/ индекси берилади.

Нашрларнинг айрим турлари классификацияси

Мазмунига кўра билимнинг турли соҳаларга тааллуқли бўлган кўничилик матбуот асарлари қайси китобхонларга мўлжалланганлиги, баён этилиш формаси, нашрий безатилишга доир хусусиятлари жиҳатидан муҳим ўхшаш белгиларга эга бўлади. Ҳар хил справка нашрлари, луғатлар ва энциклопедиялар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, атласлар, альбомлар ва нашрларнинг кўпгина бошқа турлари ана шундай асарлар жумласига киритилади. Нашрларнинг бу айрим турларидан баъзилари билимнинг бир соҳасига оид материалдан таркиб топган бўлади, худди шу характеристдаги бошқа турлари эса бирор муайян соҳа билан боғланмаган бўлиб, ҳар томонламали мазмунига кўра уларни соҳали бўлиmlарнинг бирортасига ҳам

қиритиб бўлмайди. Масалан, математик терминлар луғатларини, математикага доир справка нашрларини, математикани ўрганиш ва ўқитишига оид методик қўлланмаларни билимнинг шу соҳасига оид бўлимда тўплаш мумкин ва лозим бўлади. Билимнинг барча ёки кўпчилик соҳаларига оид маълумотлардан таркиб топган энциклопедик луғатлар ва умумий справочникларни, ижтимоий-сиёсий масалаларга, адабиётшунослик ҳамда санъатга доир, техниканинг ҳозирги вақтдаги масалаларнига оид мақолаларни бирлаштирадиган журнallарни, нашрларнинг кенг тематикани ўз ичига олган бошқа кўпгина турларини соҳали бўлимлардан бирортасига киритиб бўлмайди.

Оммавий ва область кутубхоналаримизда фойдаланиладиган классификациялаш жадвалларида билимларнинг тури соҳаларига оид бўлимлардан ташқари умумий бўлим (о индексли) деб аталган бўлим ҳам бор, унда билимнинг бирор соҳаси билан боғлиқ бўлмаган матбуот асарлари учун бўлинмалар назарда тутилган. Умуман фан, матбуот тараққиётининг ҳозирги проблемаларига ёки тарихига бағишланган асарлар биринчи галда ана шу матбуот асарлари жумласига киритилади. Бу ерда гарчи фаннинг алоҳида соҳаларидан иборат бўлса-да, ўз мазмунига кўра, билимнинг барча соҳаларига оид адабиётни пропаганда қилиш билан узвий равишда боғлакиб кетган кутубхонашунослик ва библиография бўлимлари ҳам бўлади. Муайян проблематикага оид ана шу бўлимлар билан бир қаторда кўп томонлама мазмунни ўзида акс эттирган нашрларнинг айрим турлари ҳам бирлаштириладики, улар учун алоҳида индекслар назарда тутилган.

Соҳали мазмунга эга бўлган нашрларнинг айрим турлари тегишли бўлимларда форма аниқлагичлари ёрдамида алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Ана шундай индекслар ва аниқлагичлардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз:

| | Оммавий кутубхоналар учун жадваллар | | Область кутубхоналари учун жадваллар | |
|---|-------------------------------------|----------------|--|-------------------------|
| | индекслар | аниқлагичлар | индекслар | аниқлагичлар |
| Библиографик кўрсаткичлар | 011, 016 | (01) | 011, 013, 014 015, 016, 017 018, 019 | (01) |
| Луғатлар | 03 | (03) | 03 | (03) |
| Журналлар | 05 | (05) | 05 | (05) |
| Справочниклар, календарлар | 03 | (083) (069) | 058, 059 | (059), (08...) (069) |
| Йўл кўрсаткичлари | — | | — | |
| Урганиш ва ўқитишига доир методик қўлланмалар | — | (07) (075) | — | (07...) (075...) |
| Дарслер | — | | | |

Кўриниб турибдики, форма аниқлагичлари қавсга олинган рақамли белгилардан таркиб топади, лекин биринчи рақами ҳамиша нолдан иборат бўлади. Умумий бўлим бўлинмаларининг индекслари ҳам нолдан бошланганлиги сабабли нашрларнинг айрим турларига оид индекслар ва аниқлагичларнинг сон ифодалари кўпинча (аммо ҳамма вақт эмас) бир-бирига тўғри келавермайди.

Умумий бўлим индексларидан, одатда, билимнинг барча ёки кўпчилик соҳаларига оид материални қамраб олган нашрларнинг тегишли турларини классификациялаш учун фойдаланилади. Аниқлагичлар соҳали бўлимларда нашрларнинг худди шундай турларининг керақли бўлинмаларини ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Масалан, Қатта Совет Энциклопедияси 03 бўлимига жойлаштирилади. Адабиёт энциклопедиясига эса 8(03) индекси берилади. Дарсликлар, бирор фанни ўрганиш ёки ўқитишга доир методик кўлланмалар, йўл кўрсаткичлари (география ёки музей ва кўргазмаларнинг йўл кўрсаткичлари) сингари нашрларнинг турлари ҳамиша билимнинг муайян соҳасига киритилади, шу боисдан улар учун фақат аниқлагичлар назарда тутилган.

Юқорида эслатиб ўтилган нашрлар турларининг кўпчилигини классификациялаш методикаси жуда содда бўлиб, барча кутубхоналарда маълум даражада бир хилда қўлланилади.

Бироқ, айрим турлардаги барча нашрлар ҳам келтирилган, қоидага мувофиқ тарзда классификация қилинавермайди. Библиографик кўрсаткичларни, журналларни (вақтли нашрлар), кўп томли асарларни, шунингдек айрим шахсларнинг (персоналиянинг) ҳаёти ва фаолиятига ҳамда билимнинг айрим соҳалари тарихига бағишиланган асарларни классификациялаш методлари алоҳида қараб чиқишини талаб этади. Гарчи айрим шахсларнинг (персоналиянинг) ҳаёти ва фаолиятига ҳамда нашрларнинг айрим турлари тарихига бағишиланган асарлар нашрларнинг айрим турларига киритилмаса-да, кутубхоначи уларни билимнинг барча соҳаларига оид бўлиmlарда учратиб туради, улар учун махсус (09) ва (092) белгилари форма аниқлагичлари қаторида келтирилган.

Библиографик кўрсаткичлар

Библиографик кўрсаткичлар нашрларнинг алоҳида турлари орасида катта ўрин тутади. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бир кутубхона фондидағи миқдори жиҳатидангина эмас, балки улар асосан кутубхона ишида ҳал қилувчи роль ўйнаяжаги ва китобхонларга адабиёт ташлашда ёрдам бериши сабабли ҳам уларнинг аҳамияти фоят каттадир. Китобхонларнинг умумий мадданий савияси ортиши билан уларнинг библиографик кўрсаткичларга бўлган эҳтиёжлари анча кучайиб боради. Барча китобхонлар, шу жумладан анча билимдон китобхонлар ҳам ўзларини қизиқтирган китоблар ва барча бошқа нашрлар тўғрисида муфассал маълумот олишга муҳтоҷ бўладилар. Шу боисдан библиография билан танишиш улар учун муҳим аҳамиятга эга.

Кутубхона фондтарининг катта-кичкклигидан қатъи назар, ҳар бир кутубхонада библиографик кўрсаткичлар бўлади ва кўпчилик кутубхоналарда улардан фақат китобхонларгина эмас, балки кутубхоначиларнинг ўзлари ҳам китобхонлар билан инди-видуал тарзда иш олиб боришда ҳам, адабиётни тавсия этиш ва пропаганда қилиш борасидаги кўпчилик оммавий тадбирларни ташкил этишда ҳам, шунингдек барча ички ишларда (фондни тўлдириш, каталоглар, карточкалар ва ҳоказолар тузишда) ҳам фойдаланадилар.

Китобхонлар ва кутубхоначилар кутубхонада мавжуд барча библиографик кўрсаткичлардан фойдаланиш имконига эга бўлишлари учун бу кўрсаткичларни китоб токчаларига тўғри жойлаштириш ҳамда системали каталогогда акс эттириш, яъни библиографик адабиётни классификациялашнинг энг маъқул методини қидириб топиш зарур.

Совет кутубхоналарида фойдаланиладиган классификациялаш жадвалларида 01 *Библиография* бўлими назарда тутилган, бу бўлимда бутун библиографик адабиётни бирлаштириш тавсия этилади. Бу бўлимда библиографик кўрсаткичларнинг ҳар хил турлари учун бўлинмалар мавжуд.

Универсал мазмундаги (билимнинг барча ёки кўпчилик соҳаларига оид адабиётни ўз ичига оладиган) библиографик кўрсаткичлар токчаларда тўпланиб, системали каталогдаги бўлимда тавсия библиографияси ва ҳалқаро библиография учун иккита бўлинмаси бўлган 11 *Умумий библиографик қўлланмалар ҳамда кўрсаткичлар* индекси остида акс эттирилади.

Билимнинг алоҳида соҳаларига доир библиография учун бўлинмалар 016 бўлимида муносабат аниқлагичлари ёрдамида ҳосил қилинади. Бу бўлинмалардан энг муҳимлари, масалан: 016:5 *Табиий-илмий адабиёт библиографияси*, 016:6 *Техникага доир адабиёт библиографияси* ва ҳоказолар жадвалларда санаб ўтилган. Бу бўлимда анча майдароқ бўлинмаларга эга бўлиш зарурати туғилган пайѓда кутубхоначи улар учун керакли индексларни, масалан: 016:53 *Физикага доир адабиёт библиографияси*, 016:6П1 *Кончилик ишига доир адабиёт библиографиясини мустақил равишда ҳосил қилиши мумкин*.

Бутун библиографик адабиётни бир бўлимда бирлаштириш кутубхоначи ходимларнинг бу адабиётни қидириб топиши ҳамда ундан фойдаланишини енгиллаштиради. Лекин системали каталог бўлимига мурожаат қиласидиган китобхонларни кутубхонада муайян тематикадаги китобларнинг тасвирлари билан бир қаторда шу масалага доир библиографиянинг борлигидан ҳам хабардор қилиш керак. Шунинг учун соҳали барча библиографик кўрсаткичлар бўлиmlарда кўрсаткичларнинг тематикасига аниқ тўғри келадиган қўшимча карточкалар ёрдамида албатта акс эттирилади. Масалан, асбобсозлик масалаларига доир адабиётнинг (бу бўлимнинг индекси — 6П5.8) библиографик кўрсаткичларига тўлиқ 016:6+6П5.8 индекси, ичдан ёниш давига-

тэллари түғрисидаги адабиётга (бу бўлимнинг индекси—6П2.24) тўлиқ 016:6+6П2.24 индекс берилади.

Кўпчилик совет кутубхоналаридаги китобхонларнинг китоб токчалари ёнига бемалол кира олиш системаси жорий этилганини муносабати билан библиографик кўрсаткичларнинг токчалардаги ўрни түғрисидаги масала жуда муҳим масалага айланниб бормоқда. Барча кўрсаткичлар библиография бўлимнинг бўлинмаларида бирлаштирилган пайтида китобхонлар бу бўлима мурожаат этиши билан уларни топиб олиши мумкин. Китобхонлар соҳали бўлинмаларда адабиёт танлаш пайтида эса бу кўрсаткичларига дуч келмайдилар. Шунинг оқибатида баъзи кутубхончилар айниқса токчалардан бемалол фойдаланиш жорий этилган биринчи йилда библиографик кўрсаткичларни токчаларга мазмунига қараб жойлаштириши таклиф қилиб чиқдилар. Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, библиографик кўрсаткичларнинг тематик жиҳатдан ниҳоятда хилма-хиллигини ва кутубхона ходимларининг улар билан муттасил ишлаши зарурлигини назарда тутиб, барча кўрсаткичларни оммавий кутубхоналарда бўлимлар бўйича тўплашни ўзини оқлаган усул деб ҳисоблаб бўлмайди. Бунинг устига, справка-библиография бўлимлари мавжуд бўлиб, уларнинг ишларини ҳар хил библиографик кўрсаткичлардан фойдаланмасдан амалга ошириб бўлмайдиган область кутубхоналаридаги бу тажриба маъқул кўрилмайди.

Китобхонларнинг китоб токчалари ёнига бемалол кира олишлари шароитида мазкур проблемани бошқача ҳал қилиш ҳам мумкин. Кўпчилик кутубхоналар энг қимматли, муҳим тавсия библиографияси кўрсаткичларнинг айrim нусхаларини бўлимларда ўз мазмунига кўра қўйиладиган токчаларга жойлаштирадилар. Кўрсаткичлар эскириши билан улар янгироқ кўрсаткичлар билан алмаштирилади ёки уларни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаса, бутунлай олиб ташланади. Шундай қилиб, кўрсаткичлар токчалардаги соҳали бўлинмаларга вақтинча қўйилади, кўпроқ кўргазма токчаларига жойлаштирилади, бу ҳол уларни класифициациялаш методига таъсир этмайди.

Кутубхоначиларнинг ўзлари китобхонлар билан индивидуал тарзда ишлаш пайтида соҳали библиографияни анча тўлиқ тавсия қилиш ишини йўлга қўйишлари, айни вақтда китобхонларни бўлимларида бошқа китоблар билан бир қаторда кутубхонада мавжуд бўлган библиографик кўрсаткичлар ҳам акс этирилган системали каталогдан фойдаланишга ўргатиб боришлари керак.

«Область кутубхоналари учун жадваллар»да умумий ва соҳали библиография учун рубрикалардан ташқари библиографиянинг бошқа турлари — библиография, нашрларнинг айrim турлари библиографияси, давлат ва ўлка библиографияси учун рубрикалар ҳам берилган. Бироқ библиографиянинг ана шу турлари соҳали характер касб этган барча ҳолларда тегишли соҳа

библиографияси бўлмини афзал деб қаралади. Масалан, «Машинасозликка доир вақтли нашрлар библиографияси» машина-созликка оид барча библиографик кўрсаткичлар сингари класификация қилинади. Фақат 015.6 *Ўлкашунослик библиографияси* бўлимидағина библиография бу турининг (умумий ва соҳали библиографиянинг) барча нашрларини тўплаш тавсия этилади.

Персоналиялар ва билимнинг айрим соҳалари тарихига доир китоблар

Китобхонлар айниқса оммавий кутубхоналарга сиёсий арбобларнинг, фан, техника, санъат, адабиёт арбобларининг биографияларини жуда кўп сўраб келадилар.

Китобхонлар айрим шахслар ҳақидаги

бошқа адабиётга (бирор тарихий шахснинг фаолияти ҳамда ижодини характерлаб берадиган, унинг дунёқараси ва ҳоказоларни акс эттирадиган эсадаликлар, мемуарлар, асарларга) жуда қизиқадилар. Кутубхоналар китобхонларнинг персоналияларга шундай қизиқишини назарда тутиб, ўз фондларини шундай китоблар билан ҳам тўлдириб борадилар, бундан мақсад — китобхонларнинг мавжуд эҳтиёжларини қондиришгина эмас, балки бу адабиётни актив пропаганда қилиш ҳамdir.

Айрим шахсларнинг (персоналиянинг ҳаёти), сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти тўғрисидаги китоблар билим, санъатдаги бирор соҳасининг, шунингдек айрим халқлар ижтимоий ҳаётининг тарихига оид адабиётнинг бир қисми ҳисобланади. «Фан тарихи ғояларни тараққий эттириш билан чекланиб қолмайди, у социал шароит, мамлакат ва даврга қараб, ўз хусусиятлари, истеъоддларига эга бўлган жонли кишиларга ҳам бир хилда тааллуқли бўлмоғи керак», — деб ёзган эди академик С. И. Вавилов. Бу фикр санъат, адабиёт тарихига ва ҳоказоларга ҳам тааллуқлидир.

Айрим шахсларга доир адабиётнинг оммалашиб кетганлиги, кутубхоналар фондларида унинг кўп эканлиги бу адабиётни класификациялаш ва системали каталогларда акс эттириш методикасини алоҳида эътибор билан кўриб чиқишига ундаиди. Бу шунинг учун ҳам жуда муҳимки, биз кутубхонашуносликка доир адабиётда ва кутубхона ишларида бу масалани ҳал этишда етарлича бир хиллик йўқлигини кўрамиз. Бундан ташқари, китобхонларнинг китоб токчалари ёнига бемалол кира олишлари жорий этилган оммавий кутубхоналар китобхонни бирор конкрет шахс тўғрисидаги, машғулоти ўзига маълум бўлган шахс ҳақидаги ёки умуман машҳур кишиларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақидаги адабиёт қизиқтириш ёки қизиқтирмаслигидан қатъи назар китобхон уларга персоналияларни қидириб топишни осонлаштиришни гарантиялаб қўймоги керак.

Персоналияларни класификациялаш методикасини аниқлашда бир қанча қийинчликларга дуч келинади. Муайян адабиёт ёзувчиларининг адабий ижодини ўрганмасдан туриб, адабиёт тарихини, айрим рассомлар ижодини ва ҳоказоларни кўз-

дан кечирмасдан туриб, тасвирий санъат тарихини ўрганиб бўлмайди. Бундан, айрим соҳалардаги персоналиялар шу соҳалар тарихига оид китоблар билан бирлаштирилмоғи лозим, деган табиий хулоса келиб чиқади.

Совет кутубхоналари фойдаланаётган оммавий кутубхоналар ва облассы кутубхоналари учун кутубхона классификацияси жадвалларида, табиий фанлар, техника бўлимларида, шунингдек медицина, география бўлимларида ҳамда бошқа бўлимларда бирор фан тарихи ёки техника тармоғи бўлимлари индексларини тузиш мақсадида (09) *Фан (предмет) тарихи*. *Фан арбобларининг ҳаёти ва фаолияти аниқлагичи, адабиётнинг янада майдароқ бўлинмаларини ҳосил қилиш учун (09C) СССРда фан тарихи. Ватанимиз олимларининг ҳаёти ва фаолияти ҳамда (09И) Чет мамлакатларда фан тарихи. Чет мамлакатлар олимларининг ҳаёти ва фаолияти аниқлагичлари ишлатилади.* Бу аниқлагичларнинг биридан фойдаланиш билимнинг ҳар қандай соҳаси тарихига оид бўлимнинг индексини (фан ва техниканинг худди шу соҳалари арбоблари тўғрисидаги китобларни ҳам киритган ҳолда) тузиш имконини беради. Санъат ва адабиёт тарихи бўлимлари ўзларининг бутун бўлинмалари билан бундан мустаснодир, уларда (09), (09C) ва (09И) аниқлагичлари ёрдамида тарих рубрикалари тузилмайди, чунки бу бўлимларда асосан адабиёт тарихи ҳамда санъат тарихига оид китоблар тўпланади, шу сабабли бу бўлимларнинг бўлинмалари ҳам хронологик даврлар белгисига қараб тузилади. Масалан: 8Р1 *Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган рус адабиёти тарихи*; 8Р2 *Рус совет адабиёти тарихи*; 7С1 *СССР халқларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган санъати*; 7С2 *Совет санъати*.

Катта китоб фондига эга бўлган облассы кутубхоналари ва маҳсус кутубхоналарда фанлар ҳамда уларнинг соҳалари тарихига оид адабиёт (09) аниқлагичи ёрдамида алоҳида бўлинмалар қилиб ажратилади. Масалан, 6П1. (09) *Кончилик шилари тарихи бўлинмаси* билан бир қаторда 6П1.4(09) *Тошкўмир саноати тарихи*, 6П1. 6(09) *Нефть қазиб чиқарши саноати тарихи* ва ҳоказо майдароқ бўлинмалар ҳам тузилади.

Оммавий кутубхоналарда бундай бўлинмалар тузиш бу кутубхоналарда билимларнинг хусусий соҳалари тарихига доир китоблар кам бўлганлиги сабабли, фан ва техниканинг асосий тармоғи тарихига оид адабиётнинг ўринсиз бўлиб-бўлиб қўйилишига олиб боради. Шунинг учун оммавий кутубхоналар учун жадвалларда бундай мазмундаги адабиётни классификация қилишининг бошқа методи тавсия этилган. Фаннинг хусусий соҳалари тарихига доир китоблар (09) аниқлагичсиз тегишли бўлинмаларга киритилади, аммо бунда уларни муайян фан тарихининг умумий бўлимида албатта қўшимча тарзда акс эттириш керак бўлади.

Шундай қилиб, тошкўмир саноати тарихига доир китобларга тўлиқ 6П1.4+6П1.(09) индекси, акустика (физика, соҳалари)

тариҳига оид китобларга тўлиқ 534+53(09) индекси берилади. Гарчи классификациялашнинг бундай методи кутубхоначи зиммасига фаннинг жузъий соҳалари тариҳига оид китобларни икки марта акс эттириш ва улар учун иккита карточка тузиш вазифасини юкласа-да, бунга фонди унча катта бўлмаган кутубхоналар учун каталогнинг бир бўлимида билимнинг муйян соҳасига доир барча китоблар тасвирини анча оқилона бирлаштириш билан эришилади.

Фан ва техника арбблари тўғрисидаги асарлар ҳам кўрсатилиб ўтилган методлардан бирортаси асосида классификация қилинади. Бинобарин, биографиялар олимлар, ёзувчилар, артистларнинг кашfiётларини, асарлари ва ижодий фаолиятларини характерлаб берадиган китоблар билан биргаликда токчаларда тўпланиб, бу китоблар қайси шахсларга бағишлиланган бўлса, системали каталогда ўшаларнинг ихтисосларига тегишли бўлимларда акс эттирилади.

Кутубхона классификацияси жадвалларида (09) аниқлагицидан ташқари (092) *Библиография* аниқлагичи ҳам келтирилган. Ундан фақат тарих ва партия тарихи бўлимларида, яъни (09) аниқлагичи амалда керак бўлмайдиган бўлимларда фойдаланилади.

Маркс, Энгельс ва Лениннинг ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишлиланган китобларни классификация қилиш учун (092) аниқлагицидан фойдаланилмайди, чунки жадвалларда бу асарлар учун алоҳида ЗК16 ва ЗК26 индекслари назарда тутилган.

Юқорида айтиб ўтиланидек, оммавий кутубхоналарда билимнинг соҳаларидан қатъий назар, персоналиялар билан қизиқувчи кутубхоналар бўлади. Кутубхоналар ана шундай китобхонларнинг эҳтиёжларини ҳам қондириши керак. Китобхонларнинг ўзлари китобларни бевосита токчалардан мустақил равишда танлаб олиши шароитида бу масала анча жиддий масала бўлиб туради. Бунинг учун оммавий кутубхоналарда тематик токчалар ташкил этилиб, уларда билимнинг бирор соҳасидан қатъи назар, бир қанча шахсларнинг биографияси тўпланади. Тематик токчалар тавсия характерида бўлганлиги сабабли уларда иложи борича оммабспроқ ва баён этилиш услуги қизиқарлироқ бўлган адабиётни саралаб тўпаш керак, аммо айrim соҳалар тарихи бўлимларини камбагаллаштириб қўймаслик учун уларга кутубхонадаги мавжуд ҳамма персоналияларни (ягона нусхага эга бўлган китобларни) қўймаслик керак, албатта. Бошқа тематик токчалардаги сингари бу токчаларга қўйилган библиографик китоблар составини маълум вақт ўтгандан кейин алмаштириш мумкин. Токчаларда персоналияларни тематик жиҳатдан танлаш фақат қўшимча метод бўлиб, уни айrim шахсларга бағишлиланган адабиётни классификациялашнинг асосий методикаси билан алмаштириб бўлмаслигини унутмаслик лозим.

Биографияга доир мақолалар билан бир қаторда айrim

шахс ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзилган асарларнинг библиографик рўйхатлари, шунингдек унинг ўз асарлари рўйхати ҳам киритилган биобиблиографик нашрлар ҳам персоналиялар жумласига киради. Бу нашрларнинг ана шундай характеристери уларни классификациялаш методини ҳам белгилаб беради. Уларни китоб токчаларига бошқа соҳали библиографик кўрсаткичлар билан бирга қўйилади, системали каталогда эса улар соҳали библиография бўлимнинг тегишли бўлинмасидагина эмас, балки билимнинг тегишли соҳаси тарихига оид бўлимда ҳам акс эттирилади. Масалан, К. А. Тимирязевнинг биобиблиографияси 016:5 табиий-илмий адабиёт библиографияси бўлимида ва 57(09) биология тарихи бўлимида акс эттирилади.

Билимнинг бирор соҳаси тарихига оид барча бўлимларга (полкалар ва каталогларга) дастлаб муайян соҳа тарихига доир асарлар, ундан кейин эса гап қайси шахслар тўғрисида борадиган бўлса, ўша шахслар фамилияларининг алфавит тартибида қўйиладиган персоналиялар жойлаштирилади.

Вақтли нашрлар Вақтли нашрларда -- журнал ва газеталарда сиёсий ҳамда хўжалик ҳаётининг актуал масалаларига доир; фан ва маданиятнинг ҳозирги проблемаларига оид муҳим материаллар эълон қилинади. Китобхоналар ва кутубхоначилар вақтли нашрлардан активлик билан фойдаланадилар. Кутубхоналар вақтли нашрларни турли методлар билан китобхонларгача стказишлари шу мақсадда каталоглардан ҳам фойдаланишлари керак.

Вақтли нашрлар ҳам мазмун, ҳам шакл хусусиятларига қараб бошқа китоблардан алоҳида ажратилиб, маҳсус жиҳозланган стеллажларга жойлаштирилади, шу билан бирга, журналлар ва газеталар алоҳида фондларни ташкил этади.

Журналлар ҳам, газеталар ҳам ўз номларининг алфавит тартибида, тахланганда эса нашр этилган йили ва тартиб номери асосида жойлаштирилади. Шунинг учун журналларни, айниқса газеталарни жойлаштириш учун классификациялаб ўтиришга зарурат йўқ.

Газеталар китоб каталогларида акс эттирилмайди. Журналларнинг тасвирлари ёзилган карточкалар системали каталогда берилмоғи керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, журналларни уларнинг мазмунига қараб, тематик жиҳатдан билимнинг кўпгина соҳаларига тааллуқли бўлган материалларни ўз ичига оловчи умумий журналларга ва билимнинг қандайдир бир ёки бир қанча бир-бирига яқин соҳалари билан алоқадор бўлган маҳсус (соҳали) журналларга ажратиш мумкин.

Кутубхонада журналларнинг маҳсус каталоги бўлмаган пайтда барча журналлар (умумий ва маҳсус журналлар) системали каталогдаги 05 Журналлар бўлимида акс эттирилади, бунда журналнинг ҳар бир номи битга карточкада

берилмоги лозим, бу карточкада журнал сарлавҳаси, сарлавҳа ости маълумотлари ва босилиб чиқишига оид маълумотлар (тафсилотсиз) кўрсатилган бўлади.

Бу карточкалар ё журналлар номларининг умумий алфавити тартибида жойлаштирилади ёки «Адабий-бадиий журналлар», «Ижтимоий-сиёсий журналлар», «Техника журналлари» ва ҳоказо рубрикалар остида группаларга ажратилади (карточкалар журналлар номларининг алфавит тартибида ҳар бир рубрика ичига ҳам жойлаштирилади).

Аммо журналларни фақат (05) умумий бўлимда жойлаштириш улардан китобхонларнинг актив фойдаланишига кафолат бера олмайди. Системали каталогнинг ҳар бир соҳали бўлимига мурожаат этадиган китобхонларга шу тематикадаги мавжуд журналларни кўрсатиш жуда муҳимdir, чунки уларда кўпинча муҳим масалаларга доир материаллар шу масалаларга оид мустақил китоблар пайдо бўлишидан олдинроқ босилиб чиқади. Шунинг учун барча маҳсус журналлар қўшимча карточкалар ёрдамида билимнинг тегишли соҳаларига оид бўлиmlарга жойлаштирилади. Соҳали бўлиmlар ичida журналлар учун (05) аниқлагичи ёрдамида бўлинмалар тузилади¹. Демак, «За рубежом» ва «Международная жизнь» журналларига тўлиқ 05+327(—05) индекси берилади.

Журналлардан олинган энг муҳим мақолаларни бундан кейин журнал ва газета мақолалари картотекасида акс эттириш, алоҳида муҳим материалларни эса, юқорида айтиб ўтилганидек, системали каталогда ҳам китобларнинг тасвирлари билан биргаликда акс эттириш учун улар конкрет мазмунига мувофиқ тарзда аналитик классификация қилинади.

Кўп томли
нашрлар

Ҳар бир кутубхона фонdlарида ало-
ҳида китоблар тарзида нашр этилган
матбуот асарларидан ташқари ҳамиша

кўп томли нашрлар (кўп томлик), яъни икки ёки ундан кўпроқ томларда (китоблар, қисмлар ва ҳоказоларда) босилиб чиққан нашрлар ҳам бўлади. Уз мазмунига кўра билимнинг бир соҳасига тааллуқли бўлган айрим йирик асарлар кўп томли нашрлар тариқасида бостириб чиқарилади. Бирор авторнинг кўпинча билимнинг ҳар хил соҳаларига оид асарларини ўз ичига олган тўлиқ ва танланган асарлари кўп томли нашрлар турининг жуда кенг ёйилган формасидир.

Кўп томли нашр ўз мазмунига кўра билимнинг бир соҳаси билан ёки бу соҳа қисмларидан бири билан чекланган ҳамма ҳолларда классификациялаш лайтида ҳеч қандай қийинчилик юз бермайди. Бундай нашрнинг ҳамма томлари токчаларда ҳам, системали каталогда ҳам билимнинг шу соҳасига оид бўлиmdа томларнинг мазмунига мувофиқ тарзда акс эттирила-

¹ Область кутубхоналаридаги бу бўлинмаларда барча вақтли ва давомли нашрлар акс эттирилади.

ди. Агар айрим томлар муайян соҳанинг жузъий проблемаларига бағишлиланган бўлса, улардан ҳар бирини системали каталогнинг ана шу бўлими бўлинмаларида қўшимча равишда акс эттириш мумкин. Масалан, физикага доир кўп томли нашр асосан физиканинг умумий бўлимига киритилади, айрим томлар эса шу бўлимнинг бўлинмаларида қўшимча равишда акс эттирилади: бири назарий механика бўлимида, иккинчиси гидромеханика бўлимида, учинчиси аэромеханика бўлимида акс эттирилади ва ҳоказо.

Ҳар хил тематикага оид асарларни ўз ичига олган кўп томли нашрларни классификация қилиш анча қийинроқ. Бундай кўп томли асарларнинг ҳаммасини токчада ҳам, системали каталогда ҳам бир ерда тўплаш зарур. Уларни қайси бўлимда бирлаштиришни аниқлаш масаласи мураккаб мазмундаги китобларни классификациялашнинг умумий методикасига мувофиқ, яъни кўп томликка кирган асарларнинг асосий мазмунига ёки авторнинг асосий ихтисосига қараб ҳал қилинади. Мазмуни асосан кўп томликнинг мазмунни чегарасидан чиқиб кетадиган айрим томларни системали каталогда шу томларнинг тематикасига мос келадиган бўлимда қўшимча карточкалар билан акс эттириш лозим. Масалан, агар Н. Г. Чернишевский асарларининг бутун кўп томли нашри Россиядаги фалсафа тарихи бўлимида тўпланадиган бўлса, унда эстетикага доир асарлар жамланган алоҳида том учун эстетика бўлимида карточка бўлиши, «Нима қилмоқ керак?» романи жойлашгани том учун рус бадиий адабиёти бўлимига карточка қўйиб қўйиш зарур ва ҳоказо.

Муайян кутубхонанинг китоблари учун қимматли бўлган айрим асар бошқа тематикадаги асарлар билан бир қаторда кўп томликнинг томларидан бирига киритилган барча ҳолларда аналитик классификация методини қўлланиш, яъни бу асарнинг аналитик тасвирини тузиш, ана шу карточканни системали каталогда тасвирланган асарнинг тематикасига мос келадиган бўлимга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Кўп томли нашрларни классификациялашнинг бундай методикаси системали каталогнинг кўп бўлинмалари мазмунини бойитиш имконини берадики, бу нарса мазкур асарлар алоҳида китоблар қилиб нашр қилинмаган ёки бу китоблар кутубхона фондидаги бўлмаган пайтда жуда муҳимдир.

9-боб

СИСТЕМАЛИ ҚАТАЛОГНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Системали каталогни ташкил қилиш жараёни тұғри-
сида умумий түшүнчә.— Каталог бўлинмаларини ву-
жудга келтириш.— Китоблар тасвиirlарини ҳар бир
бўлинманинг ичига жойлаштириш.— Системали ката-
логни расмийлаштириш.— Ажраткич карточкалар.—
Китобхонларга системали каталогдан фойдаланишида
ёрдамлашиш.— Системали каталогни таҳир қилиш.

Системали каталогни ташкил қилиш жараёни тұғ-
рисида умумий түшүнчә

Системали каталогни ташкил қилиш матбуот асарларини
класификациялашынг бундан олдинги жараёни билан бевоси-
та боғлиқдир. Класификациялаш пайтида келинган хulosага
биноан тасвиirlар бу каталогда груppаларга ажратилиб, унинг
бўлимлари, бўлимчалари ва майдада бўлинмалари ҳосил қилина-
ди. Бироқ системали каталогни яратиш ишининг мазмуни бу
билан тугамайди. Уни вужудга келтириш жараёнида кутубхона-
чиdan ўйлаб бир хulosага келишиш талаб этувчи кўпгина ама-
лый масалалар юзага келади. Бўлимлар ва уларнинг бўлимча-
ларини жойлаштириш тартибини китобхонларга түшунарлы
қилиб қўйиш, тематика жиҳатидан бир-бирига яқин, аммо би-
лимнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган бўлимлар ўртаси-
даги боғланишни ёритиб бериш, каталогнинг барча бўлинма-
ларини аниқ чегаралаш, ҳар бир бўлинма ичидаги тасвиirlар
тартибини аниқлаб олиш керак.

Бу ҳамда бошқа масалаларни ҳал этиш, энг яхши асарларни
пропаганда қилиш ва китобхонга керакли китобни танлаб
олишида актив ёрдамлашиш мақсадида каталогда кутубхона
фонди мазмунини ёритишнинг энг самарали методларини аниқ-
лаб олиш *системали каталогни ташкил қилиш жараёнининг*
мазмунини ташкил этади; бу жараён қўйидаги қисмларни ўз
ичига олади.

1. Каталог бўлинмаларини вужудга келтириш, яъни тасвиirlарни
бўлимлар, бўлимчалар ва майдада бўлинмалар бўйича
груppаларга ажратиш.

2. Тасвиirlарни ҳар бир бўлинма ичига жойлаштириш.

3. Каталогни расмийлаштириш — бўлинмалар мазмунини
очиб бериш ва ажраткич карточкалар ёрдамида улар ўртасида-
ги тематик боғланишни аниқлаш.

4. Каталогдан фойдаланишни енгиллаштирувчи қўлланмалар яратиш.

5. Системали каталогни таҳрир қилиш.

Каталог бўлинмаларини вужудга келтириш

Классификациялаш пайтида бир хил каталог индексини олган матбуот асарлари тасвиirlарининг группаси системали каталогнинг мустақил бўлинмасини ташкил этади. Кутубхона фондини мустақил тўлдириб бориш жараёнида каталог бўлинмасига янги келтирилган китобларнинг тасвиirlари киритилади, йўқолган ёки фонддан чиқарилган китоблар эса ўз вақтида каталог ҳисобидан ўчириб ташланади. Бундан шу нарса равshan бўлиб турибдики, системали каталог бўлинмаларини вужудга келтириш — кутубхона мавжуд бўлиб турган ҳамма вақт мобайнида узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Шуни назарда тутиб, каталог тузиш пайтида унга янги келтирилган китобларга мўлжалланган карточкаларни шунчаки киритиб қўйиш билан чекланиш ярамайди, каталог бўлимлари ва бўлимчаларини вужудга келтиришга чуқур ўйлаган ҳолда ёндошиш зарур. Қитоб фонди орта борган ва бўлинмалардан ҳар бирида шунга мувофиқ тарзда тасвиirlар сони кўпая борган сари бир вақтлар қабул қилингани бўлинмаларни майдалаш етарли бўлмай қолиши, қўшимча равишда деталлаштиришини (масалан, умумий ва аналитик аниқлагичлардан фойдаланиш ўюли билан) тақозо қилиши мумкин. Карточкалар киритиш янги келтирилган китобларнинг карточкаларидаги индексларни илгари муайян бўлинмага киритилган китоблар тематикаси билан танқидий равишда таққослаш асосида қабул қилинган классификациялаш қарорларининг тўғрилигини контрол қилиш имконини ҳам беради. Шуни эсда тутмоқ керакки, системали каталог библиография билан бир қаторда китобхонни қизиқтирадиган масалага оид китобларни танлаб олишнинг асосий манбай бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун унинг бўлимлари ва бўлинмаларини вужудга келтириш пайтида асосий эътибор уларни тегишли тематикадаги энг муҳим матбуот асарлари — марксизм-ленинизм асосчилари асарлари, партия ва ҳукумат ҳужжатлари, классикларнинг билиминг муайян соҳасига оид асарлари тасвиirlари билан тўлдиришга қаратилмоғи керак. Бўлимни тўлдириш мутлақо қониқарсиз бўлган ҳолларда, масалан, фондда ҳозирги замоннинг янги муҳим масаласига оид алоҳида китоблар бўлмаган пайтда бўлимга тўпламлар ёки журнallардан олинган энг муҳим мақолаларнинг аналитик тасвиirlарини киритиши мақсадга мувофиқдир.

Системали каталогнинг кутубхона фонди мазмунини ёритишдан иборат асосий вазифасини назарда тутиб, айни битта асарнинг фонддаги мавжуд барча нашрлари тасвиirlарини системали каталогга киритиши керак эмас. Бундай қилишнинг фойдаси

йўқ, чунки мазкур асарнинг мазмани уларда асосан ўзгармай қолаверади ҳамда унга қисман тузатиш ва қўшимчалар киритилди, холос. Шунинг учун системали каталогга фақат энг яхши нашрларнинг, асосан сўнгги йиллардаги нашрларнинг тасъирларини киритиш тасвия этилади. Бунда бадиий адабиёт асарларига эҳтиётроқ бўлиб ёндошиш лозим. Ёзувчиларнинг ижоди тўғрисида кенг муқаддима очерклари, ҳар хил рассомларнинг расмлари ва бошқа муҳим хусусиятлари бўлган турли нашрларнинг фондда мавжудлиги бу барча нашрларнинг каталогда акс эттирилишини оқлади.

Бўлимларни вужудга келтириш жараёнида системали каталогни матбуот асарларининг тасвиirlари билан тўлдириб бориш ҳақида бош қотирилар экан, каталогда ҳар бир карточканинг ўринини кўрсатиб турадиган унинг пастки қисмининг чап томондаги бурчагида жойлашган каталог индексини унумаслик кепрак. Шунинг учун агар китобнинг илгари ўtkазилган классификациясига ўзгартишлар киритиш талаб этиладиган бўлса, унинг китоб ва карточкалардаги индексларига ҳам тузатишлар киритиш лозим. Шундай қилиб каталогнинг бир бўлинмасига ҳамиша битта каталог индексига эга бўлган, муайян бўлинма индексига мос қеладиган карточкалар қўйилади.

Тасвиirlар орасида: *асосий тасвиirlар* (китоб токчаларининг худди ўша бўлимига қўйиладиган китоблар учун), *қўшимча тасвиirlар* (асосий мазмунига кўра бошқа бўлинмаларга ўтказилган, лекин бу ерда ҳам қўшимча тарзда акс эттирилган китоблар учун) ва *аналитик тасвиirlар* (асарларнинг томларидан, тўпламлардан ёки вақтли нашрлардан олинган мақола ҳамда бошқа материаллар учун) бўлиши мумкин. Фондда муайян мазалага доир мавжуд матбуот асарлари мазмунининг бир хиллиги бу тасвиirlарни бирлаштиришга сабаб бўлган.

Каталогда ҳамма бўлинмалар ўз индекслариغا ва рубрикаларнинг жадваллардаги жойлашув тартибиغا мувофиқ тарзда жойлаштирилади. Бўлим ичida аниқлагичлар ёрдамида тузилган бўлинмалар аниқлагичсиз худди шу индексга эга бўлган бўлимдан бевосита кейин жойлаштирилади. Агар бир бўлимда ҳар хил аниқлагичлар ёрдамида тузилган бўлинмалар учраб қолса, уларни қўйидаги тартибда жойлаштиришни тасвия этамиз:

аниқлагичсиз индекс
шакл аниқлагичлари бўлган индекс
географик аниқлагичлари бўлган индекс
муносабат аниқлагичлари бўлган индекс
аналитик аниқлагичлари бўлган индекс

Ана шу схемага асосланиб ЗЗС5(083) СССР иқтисодий географиясига доир справка китоблари индексига эга бўлган бўлимни каталогда ЗЗС5(С1) РСФСР иқтисодий географияси,

33C5(C2) УССР иқтисодий географияси ва ҳоказо бўлимлардан олдин жойлаштириш, 6C8.1 Йўл қурилишида қидириш ва лойи-халаши ишлари бўлимида эса 6C8.1:552,58 Йўл тупроқшунослиги (муносабат аниқлагиши ва 552.58 Тупроқшунослик индекси ёрда-мидга тузилган) бўлимчаси 6C8.1—01 ва 6C8.1—09 аналитик аниқлагичларидан фойдаланган ҳолда тузилган бўлимлардан олдин келмоги керак.

КИТОБЛАР ТАСВИРЛАРИНИ ҲАР БИР БЎЛИНМАНИНГ ИЧИГА ЖОЙЛАШТИРИШ

Системали каталогни тўғри тузиш учун бир бўлинмада бирлаштирилган тасвиirlарни жойлаштириш тартиби муҳим аҳамиятга эга. Тасвиirlарни анча самаралироқ жойлаштириш масаласи кўпинча кутубхона матбуоти саҳифаларида муҳокама қилинади ва кутубхоналар томонидан турлича ҳал этилади.

Каталогнинг бир бўлинмасига қўйилган *тасвиirlарни жойлаштиришининг алфавит тартиби* маълум устунликларга эга. Бу тартиб ҳар бир китобнинг тасвири тутадиган ўринни аниқ белгилаб беради, бир авторнинг муайян масалага доир ҳамма асарларини бир жойга тўплашни таъминлайди, китобхон китобнинг номини аниқ эслай олмаган, авторнинг исми ва отасининг исми ни билмаган, бинобарин, алфавит каталогдан фойдалана олмайдиган ҳолларда унга керакли китобларнинг тасвиirlарини қидириб топиш имконини беради. Тасвиirlар алфавит тартибida жойлаштирилганда кутубхоначи муайян бўлинмада маълум асарнинг акс эттирилган ёки акс эттирилмаганлигини тез текшириш имкониятига эга бўладики, бу нарса каталогни таҳрир қилишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бундай тартиб системали каталогнинг китобхонга китоб танлашда ёрдамлашишдан иборат бўлган вазифасига тўла маънода жавоб бермайди. Тасвиirlар алфавит тартибida жойлаштирилган пайтда илмий жиҳатдан жуда қимматли китоблар муайян бўлинманинг охирига, унча қимматли бўлмаган китоблар эса бўлинманинг олдига чиқиб қолиши мумкин. Китобхонлар эса ҳамиша ҳам бутун бўлинманинг мундарижаси билан танишавермайдилар, кўпинча бўлинманинг бошида жойлашган бир қанча тасвиirlарни кўздан кечириш билан чекланиб қўя қоладилар.

Баъзан китоб авторини ва сарлавҳасини эмас, балки нашр этилган йилини асосий белги деб билиб, тасвиirlарнинг алфавит тартиби ўрнига *тескари хронологик* тартиб қўлланилади. Бу тартиб қўлланилганда нашрлар хронологияси камая бориб, дастлаб охириги йилда нашр этилган китобларнинг, сўнгра ундан олдинги йилларда нашр қилинган китобларнинг тасвиirlари жойлаштирилади ва ҳоказо. Китобхоннинг биринчи галда ҳар бир бўлинмада янги китоблар тасвиiriни, гўё фаннинг ҳозирги даражасини акс эттирувчи тасвиiriни учратишни, тасвиirlарни жойлаштиришнинг бундай тартибини, алфавит бўйича жойлаштириш тар-

тибидан устунлиги деб ҳисоблайдилар. Аслида эса китобнинг нашр этилган йили ҳамиша ҳам унинг ёзилган вақтига тўғри келавермайди — сўнгги йилларда чиққан китоблар орасида қайта нашр этилган китоблар оз эмас ва уларни биринчи ўринга чиқариб қўйинши асосли бир нарса деб бўлмайди. Айни вақтда тасвирларни нашр этиш йилининг тескари хронологиясида жойлаштириш каталогни ташкил қилишда ҳам, ундан фойдаланишда ҳам кўпгина амалий ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Аввало бир авторнинг турли йилларда босилиб чиққан асарлари тасвирларининг ҳар ер-ҳар ерда тарқалиб ётиши номақ-бул эканлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Ўзларини қизиқтирган масала билан бўлимга мурожаат қиласидиган китобхонлар ўзларига таниш бўлган авторларнинг асарларини жамланган ҳолда топиб берилишини талаб этишга ҳақлидирлар. Кутубхоначи қайта нашр этилган китоб тасвирини сўнгги йилда чиққан асарлар қаторига қўйганда, олдинги нашр учун тузилган карточкани олиб ташломайди, чунки бу китоб сўнгги йилларнинг қай биринда босмадан чиққанлигини эслай олмайди. Натижада ҳар хил йилларда нашр этилган айни битта китобнинг тасвирлари ёзилган карточкалар каталогнинг бир бўлинмасининг турли жойларнда қолиб кетадики, бу ҳол китобхонларда ҳақли равишда норозилик туғдиради. Турли йилларда босилиб чиққан томлар ва кўп томли асарларнинг нашрлари ё шартли равишда танлаб олинган йил остида бир ерда тўпланиши керак ёки бўлинма ичидаги турли жойларда тарқалиб ётаверади. Ниҳоят, бир йил остида бир қанча, баъзан кўпгина китобларнинг тасвирлари бирлаштирилганлиги сабабли, айни шу йилнинг ўзида нашр этилган китобларнинг тасвирлари учун ҳар ҳолда тасвирларни жойлаштиришнинг алфавит тартибини қўлланиш тўғри келади.

Кутубхона матбуотида бошқа таклифлар ҳам илгари сурилган, масалан, биринчи ўринга илмий жиҳатдан анча қимматли бўлган матбуот асарларини қўйиш таклифи ҳам киритилган эди. Бироқ баъзан тасвирларни жойлаштиришнинг тавсия библиографиясида қўлланиладиган бундай тартиби каталогни ташкил қилишда амалга ошириб бўлмайдиган тартиб бўлиб чиқади. Китобнинг илмий қиммати ҳақида фикр юритиш ва у худди шу тематикадаги бошқа китоблар қаторида қандай ўринга қўйилиши кераклигини аниқлаш учун китеобни наридан бери кўздан кечириб чиқиш кифоя қиласиди.

Шундай қилиб, тасвирларни системали каталогнинг бўлинмалари ичига жойлаштиришда ишлатилиши мумкин бўлган усулларнинг қайд қилиб ўтилган афзалликлари ва камчиликларини назарда тутиб, каталогни ташкил қилишда оддийлик ҳамда аниқлик талабларини кўпроқ қондирадиган алфавит тартибини устун кўриш ҳар ҳолда мақсадга мувофиқдир. Журнал ва газета мақолалари картотекасида тасвирларни тескари хронологияда жойлаштириш тартиби ўзини кўпроқ оқлаган, чунки китоб-

хонларни одатда сўнгги йилларда вақтли нашрларда эълон қилинган материал қизиқтиради. Газета ва журнallарда шу йил босилиб чиқсан мақолаларнинг тасвирлари биринчи ўринга, бултурги ҳамда ундан олдинги йилларда босилиб чиқсан мақолаларнинг тасвирлари улардан кейинги ўринларга қўйилади. Тасвирлар авторлар ва сарлавҳаларнинг алфавит тартибида ҳар бир йил доирасида жойлаштирилади. Ҳам китоблар, ҳам мақолалар тасвирларини бирлаштирувчи системали каталогларда ҳам худди шундай тартиб қабул қилинади.

Қабул қилинган тасвирлаш тартибидан (алфавит ёки тескари хронологик тартибидан) қатъий назар Маркс, Энгельс, Ленин асарларининг, ундан кейин партия ва ҳукумат ҳужжатларининг — партия съездлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари резолюцияларининг тасвирлари, иартия ва ҳукумат раҳбарларининг докладлари, қарорлар, мурожаатлар, ҳукумат фармонлари, қонунлар ва шу сингарилар ҳар бир бўлинма ичida биринчи ўринда жойлаштирилади. Партия ва ҳукуматнинг ҳамма ҳужжатлари китобхон биринчи навбатда сўнгги йилларда босиб чиқарилган материалларга дуч келадиган қилиб тескари хронологик тартибда бир қаторга жойлаштирилади.

СССР ҳалқлари тилларидаги ва чет тиллардаги китобларнинг тасвирлари

Кутубхоналарнинг типларига ва китобхонларга хизмат кўрсатишда улар олдида турган вазифаларнинг хусусиятларига қараб, кутубхона фондлари СССР ҳалқлари тилларидаги ҳамда чет тиллардаги адабиётни маълум даражада ўз ичига олади. Шунга биноан уларга системали каталогларда акс эттириш масаласи турлича ҳал қилинади.

Республика, ўлка, область кутубхоналарида ва маҳсус кутубхоналарда бўлинмалар ичida рус тилидаги, СССР ҳалқлари тилларидаги ҳамда чет тиллардаги китоблар учун рубрикалар ташкил қилиб, бу китобларнинг тасвирларини умумий системали каталогнинг тегишли соҳали бўлимларига киритиши мақсадга мувофиқdir. Бу китобхонларга ўзларини қизиқтирган масалага доир адабиётни айни бир вақтда рус тилида ва ўзлари биладиган бошқа тилларда каталогдан топиб олиш имконини беради.

Оммавий кутубхоналарда кўпинча чет тиллардаги китоблар кам бўлади. Шу сабабдан улар учун маҳсус системали каталог тузган ҳолда ҳар бир бўлинма ичida айрим тиллар рубрикалари ташкил қилиб, каталогни чет тилларни биладиган китобхонларнинг фойдаланиши учун бериб қўйган маъқул.

Аҳолининг асосий қисми СССРдаги ҳалқларнинг битта ёки бир неча тилини биладиган барча иттилоғдош ва автоном республикалар, миллий областлар ҳамда районларнинг кутубхоналарида бу тиллардаги адабиётни умумий системали каталогга рус тилидаги китоблар билан бирга киритиш мақсадга мувофиқ-

дир. Тегишли халқ тилида нашр этилган китоблар тасвирапи каталогнинг ҳар бир бўлинмаси ичидаги ё рус тилидаги китоблар тасвиридан олдин, ёхуд улардан кейин жойлаштирилади.

СИСТЕМАЛИ КАТАЛОГНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ. АЖРАТКИЧ КАРТОЧКАЛАР

Системали каталогдан оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан уни чуқур ўйлаб, пухталик билан расмийлаштиришга боғлиқдир. Ундаги мавжуд бўлимчаларни аниқ ажратиб чиқиш, каталогнинг мураккаб поғонали структурасини китобхонга тушунарли қилиш, умумий бўлим билан унинг бўлинмалари ўртасидаги, билимнинг турли соҳасига оид бир-бирига яқин тематик бўлинмалар ўртасидаги мантиқий боғланишини кўрсатиш зарур. Шуни айтиш керакки, системали каталогнинг илгари аниқланган бир қанча афзалликларга эга бўлган карточка формаси бу каталогни расмийлаштиришда амалий жиҳатдан баъзи қийинчиликлар келтириб чиқаради. Китоб шаклидаги босма системали каталогларнинг текстига зарур эслатмалар ва тушунтиришларни киритиш, йирик бўлимлар ва жузъий бўлимчаларнинг сарлавҳалари учун ҳар хил шрифтларни қўлланиш, полиграфия жиҳатидан беҳатишнинг бошқа хусусиятларидан фойдаланиш осон бўлади. Карточкали каталогларда расмийлаштириш имконияти жуда чекланган бўлиб, уларда *ажраткич карточкалар* асосий роль ўйнайди, бу карточкаларга китобхон учун керакли ҳамма тушунтиришлар жойлаштирилади.

Бўлим сарлавҳаси Каталогнинг муайян бўлими сарлавҳаси ажраткич карточкадан фойдаланиллади. Кутубхона классификацияси жадвалларида фойдаланилган тегишли рубрикалардан олинган индекс ва бўлимнинг номи сарлавҳа бўлиб хизмат қиласди. Масалан, жадвалларнинг ЗЗС5 СССР иқтисодий географияси рубрикаси каталогда бу бўлимдаги ажраткичининг туртиб чиқсан жойига кўчирилади ва у китобхонга бу бўлимда акс эттирилган матбуот асарлари тематикасини аниқлаб олиш имконини беради. Жадвалларнинг қора ҳарф билан босилган рубрикалари баъзан уларнинг мазмунини тўлароқ очиб берадиган тушунтиришлар билан тўлдирилади. Келтирилган мисолда мана бундай тушунтириш бор: СССРдаги республикалар, ўлкалар, областлар, районлар, шаҳарлар экономикаси. Бу тушунтириш ажраткич карточканинг туртиб чиқсан жойига сиёмайди, шунинг учун уни ё туртиб чиқсан жойдан пастда кўрсатишга ёки ажраткич карточкадан кейин қўйиладиган алоҳида карточка тушишга тўғри келади.

Кутубхоначининг жадваллардаги мавжуд рубрикалар билан мослаштириб турниладиган бўлимлар билан бир қаторда, ҳар хил турдаги аниқлагичлар ёрдамида бўлинмалар тузишига ҳам тўғри

келади. Бунда кутубхоначи рубрика ва аниқлагичда ифодаланган тушунчаларни бирга қўшган ҳолда ажраткич карточкада бўлимнинг сарлавҳасини мустақил равишда тузмоги лозим. Масалан, кўрсатилган бўлимда СССРдаги республикалар, ўлкалар, областлар, районлар, шаҳарлар экономикаси учун бўлимлар ҳосил қилиниб, кутубхоначи уларнинг номларини қўйидагича ифодалаши лозим:

33C5(C2) Украина ССР экономикаси

33C5(C3) Белоруссия ССР экономикаси

33C5(C31) БССР Минск области экономикаси.

Асосий бўлинмалар рўйхати Бўлим билан унинг бўлинчалари ўртаси-
даги мантиқан боғланиш системали каталог структурасининг энг муҳим хусусия-

тидир. Карточкали системали каталогда бу боғланишни ёритиши-
га бўлинмаларга эга бўлган бўлимнинг ажраткич карточкасида
асосий бўлинмалар рўйхатини тузиш билан эришилади. Ана шу
рўйхат туфайли китобхон бўлим тематикасига тааллуқли қандай
масалалар алоҳида бўлинмаларга киритилганлигини, уларни қайси
индекслар остидан қидириш кераклигини аниқлаб олиш имкони-
га эга бўлади.

Бўлимдаги бўлинмаларнинг рўйхатига фақат битта мантиқий қатордаги бўлинмаларнигина киритиш лозим. Масалан,
333 *СССР социалистик қишлоқ хўжалиги экономикаси* бўлими-
да 40 тага яқин бўлимча бўлиб, улардан фақат 5 тасигина
бўлинмадаги қўйидаги поғонанинг мантиқий қаторига кирити-
лади:

333:34 СССРда ер ҳуқуқи ва колхоз ҳуқуқи

333.0 Қишлоқ хўжалик экономикасининг айрим масалалари
ва проблемалари

333.3 Совхозлар

333.4 Колхозлар

333.7 Қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари экономикаси.

Қолган бўлинмалар анча жузъий бўлинмалар бўлиб, юқори-
да келтирилган бўлинчаларнинг бирорта бўлинмасига кирити-
лади. Масалан, 333.01, 333.02, 333.03 индексли бўлинмалар ва
ундан кейин келадиган бўлинмалар 333.0 бўлимчасига бўйсун-
ган бўлинмалар ҳисобланади; 333.30, 333.31, 333.32 индексли
бўлинмалар ҳамда ундан кейин келадиган бўлинмалар 333.3
бўлимчасига киритилади ва ҳоказо. Шунингдек, уларнинг ҳам-
маси асосий бўлинмалар рўйхатига 333.0 ва 333.3 бўлинчалари-
нинг тегишли ажраткич карточкаларига ёзилган ҳолда кири-
тилмоғи керак. Бундай изчил бўйсундиришга бўлинмаларнинг
бундан кейинги поғоналарида ҳам риоя қилинади.

Индексларнинг поғонали структураси кутубхоначига уларда-
ги белгилар сонига қараб бўлимларнинг қай тарзда бўйсуннишини
аниқлаш имконини беради. Масалан, 333.72. *Ўсимликчалик эко-
номикаси* индекси бу бўлинчанинг 333.7 индексли бўлинмаси

еканлигини, 333.721. *Дон хўжалиги экономикаси индекси эса унинг 333.72 индексига бўйсунишини кўрсатади.*

Бироқ шуни назарда тутмоқ керакки, бизда фойдаланиладиган жадвалларда бўлимларнинг мантиқан бўйсуниши ҳамма вақт ҳам индексларнинг поғонали структурасида ифодаланавёрмайди¹. Бундай ҳолларда, бўлимдаги асосий бўлинмалар рўйхатини аниқлаётганда, бўлимлар ўртасидаги ҳақиқий мантиқий боғланишга асосланиб иш кўрмоқ керак. Масалан, 33С СССР ҳалқ хўжалиги бўлиммининг ажраткич карточкасидаги асосий бўлинмалар рўйхатида фақат 33С.0, 33С1, 33С3 ва 33С5 индексли бўлимчаларнигина эмас, балки 331 СССРда меҳнат, 333 СССР социалистик қишлоқ хўжалиги экономикаси 334 СССРда кооперация индексли бўлимчаларни ҳамда СССР ҳалқ хўжалиги тармоқларининг шундан кейинги бўлимчаларини ҳам келтиримоқ керак.

Асосий бўлинмаларнинг системали каталог ажраткич карточкаларидағи рўйхатлари китоблардаги мундарижа каби роль ўйнайдилар, улар бўлимнинг барча бўлимчаларини узоқ вақт кўздан кечириб ўтирамай, бу бўлимчалардан қайси бири китобхонга керак бўлса, дарҳол ўшанга мурожаат қилиш имконини беради.

Йўналтиргичлар

Системали каталог бўлимларининг ўзаро боғланиши умумий бўлимчалари билан бевосита боғлиқлиги билан тугамайди. Кўпинча билимнинг турли соҳаларига оид бўлимларда мантиқан бир-бири билан боғланган, бир-бирига яқин масалалар учраб туради. Каталогга мурожаат қилаётган китобхон муайян бўлим мазмунига қандай масалалар киришини, қайси масалаларни бошқа бўлимлардан қараш кераклигини ҳамиша ҳам аниқ тасаввур этавермайди. Масалан, китобхон қишлоқ хўжалик машинасозлиги масалаларига оид адабиёт 338:6П5 *Машинасозлик (умумий ва маҳсус машинасозлик) экономикаси бўлимида акс эттирилганлигини билмасдан, уни 333 СССР социалистик қишлоқ хўжалиги экономикаси бўлимидан ахтариши мумкин.*

Китобхонга у кўриб чиқаётган бўлим тематикасига яқинроқ бўлган бўлим ва бўлимчаларни каталогдан қидириб топишни осонлаштириш учун ажраткич карточкада (карточканинг ўнг томонида) *йўналтиргичлар* — каталогдаги тегишли бўлинмаларнинг индекслари ва номлари келтирилади. Юқорида келтирилган мисолдаги қишлоқ хўжалик экономикаси бўлими ажраткич карточкасидаги йўналтиргич қишлоқ хўжалик машинасозлиги экономикаси масалалари билан қизиқадиган китобхонни 338:6П5 индексли бўлимга йўлламофи керак.

Бўлимлар ўртасидаги боғлиқлик характеристига қараб йўналтиргичлар турлича ифодаланади. Билимнинг турли соҳаларига оид иккита бўлим тематикаси ўзаро боғланиб кетган ҳолларда

¹ Универсал ўнли классификация жадвалларини қайта ишлаб чиқиш жа раёнида кўпгина қатламларнинг ҳосил бўлиши ана шундай номувофиқликка сабаб бўлган.

«яна қаралсın» формасидаги ҳар томонлама йұналтиргичлар құлланилады. Масалан, 333 СССР социалистик қишлоқ хұжалиғи экономикасы ва 63 Қишлоқ хұжалиғи (агротехника) бўлимлари, 327.23. Мустамлака ва қаралмакатлар халқларининг миллий озодлик кураши ҳамда 33М23 Империализм мустамлака системасининг кризиси ва емирилиши бўлимлари ўртасидаги боғланыш ана шундай боғланышдир.

Агар иккита бўлим тематикасини бир-бiri билан тўла-тўкис боғланиб кетган деб бўлмаса, бу йұналтиргич формасини құлланиб бўлмайди, аммо бунда муайян масалага оид адабиёт бошқа бўлимда акс эттирилганligини кўрсатиш керак. Масалан, социалистик қишлоқ хұжалик экономикаси ва машинасозлик экономикаси бўлимларини «яна қаралсın» формасидаги йұналтиргичлар билан боғлаб қўйиш нотўғри бўлур эди, чунки бу бўлимларнинг тематикаси хилма-хил бўлиб, китобхон қишлоқ хұжалик экономикаси масалаларига қизиқиб турган бир пайтда уни нима учун машинасозлик экономикаси бўлимига йўллаётганликларни китобхонга тушунарсиз бўлиб қолар эди. Бу бўлимлар ўртасидаги боғлиқлик машинасозликка оид умумий бўлимда кўрсатилган қишлоқ хұжалик машинасозлиги экономикасига нисбатангина ифодаланмоғи керак. Бундай ҳолда йұналтиргичнинг бошқа формаси қўлланилади — тегишли масаланинг номи келтирилиб, шу масалага оид адабиёт қайси бўлимдан қидирилиши лозим бўлса, ўша бўлимнинг индекси кўрсатиб қўйилади, масалан: Қишлоқ хұжалик машинасозлиги экономикаси — қаралсın: 338:БП.

Баъзан каталогнинг бир жойида тўпланмаган адабиётни қайси бўлимлардан қидириш кераклигини кўрсатиб, йұналтиргични справка тариқасида расмийлаштиришга тўғри келади. Масалан, 551 бўлимида фақат табиий географиянинг умумий масалаларига оид китоблар тўпланади, айрим мамлакатлар ва жойларнинг табиий географияси масалаларига оид адабиёт эса умумий географиянинг ҳар хил бўлимларига киритиб қўйилади. Бундай ҳолда 551 бўлимидан қўйидагича йұналтиргич берилмоғи лозим:

«Айрим мамлакатлар ва жойларнинг жузъий табиий географияси масалаларига доир адабиёт 91 бўлимнинг тегишли бўлинмаларидан қаралсın».

Йұналтиргичларнинг кўрсатиб ўтилган ҳамма турлари ажраткич карточкаларда ҳам келтирилади (15-расмга қаралсın). Ажраткич карточка-ларни расмийлаштириш Китобхонларнинг системали каталог структурасини билиб олишига ва ўзлари учун керакли бўлимчани топа олишига ёрдам берадиган бўлимларнинг сарлавҳалари, асосий бўлинмалар ҳамда йұналтиргичларнинг рўйхатлари ажраткич карточкаларни аниқ расмийлаштиришни талаб этади. Ёзувларнинг бу ҳар учала тури кутубхона усулида ёзилади ёки ёзув машинкасида босилади. Баъзи йирик кутубхоналарда уларни босмахона усулида расмийлаштирилади, лекин бу иш катта харажатлар билан боғланган. Босма ажраткич

6. Техника

Асосий бўлинмалар:

- 6(03) Техникага доир энциклопедиялар ва луғатлар
6(09) Техника тарихи
60 Техниканинг умумий масалалари
6П Саноат
6С Қурилиш. Коммунал техника
6Т Транспорт
6Ф Алоқа техникаси. Радиотехника

Яна қаралсин:
338 Саноат, транспорт ва алоқа экономикаси

513 Геометрия

Асосий бўлинмалар:

- 513.2 Геометрик жисмларнинг ҳажмлари ва юзаларини ўлчаш ҳамда ҳисоблаб чиқиш
513.3 Комбинаторика.
Бирикмалар назарияси
ва Ньютон биноми
513.5 Қуйи босқичларни тенглаштириш

Яна қаралсин:

- Чизма геометрия—
515 қаралсин:

Аналитик
геометрия
517.3 қаралсин:
Дифференциал
геометрия—
517.4 қаралсин:

карточкаларни марказлаштирган ҳолда нашр этишини ташкил қилиш қийин ишдир, чунки кутубхоналарнинг фондлари ўз мазмуни жиҳатидан хилма-хил бўлиб, каталогда қайси бўлимчалар ажратиб кўрсатилишини олдиндан айтиб бўлмайди. Шундай қилиб, кутубхоналарнинг асосий кўпчилигига ажраткич карточкалар каталогни ташкил қилувчи кутубхоначи томонидан тузилади.

Китобхонларнинг каталогни умуман билиб олишини енгиллаштириш мақсадида бўлинмаларнинг турии поноали бўлимлари учун ҳар хил формадаги туртиб чиққан ажраткич карточкалардан: билимнинг асосий соҳаларига оид бўлимлар учун ўртаси сербар туртиб чиққан ажраткич карточкалардан, бўлимчалар учун чап томони туртиб чиққан ажраткич карточкалардан, қолган бўлимчалар учун ўнг томони туртиб чиққан ажраткич карточкалардан фойдаланилади. Жадвалларимизда қўлланиладиган индекслар поноали структурага эга бўлгани ва ҳар бир янги понона бир хонага ортган узун индекс билан ифодаланганини сабабли қўйидаги ҳар хил туртиб чиққан ажраткич карточкаларнинг тахминий схемасини белгилаб қўйиш мумкин.

Бир ёки икки хонали индекслари бўлган бўлимлар учун
Уч хонали индекслари бўлган бўлимчалар учун

— ўртаси сербар туртиб чиққан ажраткич карточкалар
— чап томони туртиб чиққан ажраткич карточкалар
— ўнг томони туртиб чиққан ажраткич карточкалар

Тўрт хонали ва ундан кўпроқ хонали барча асосий бўлимчалар учун, шунингдек шакл аниқлагичлари бўлган ҳамма бўлимчалар учун

Бу схемага фақат тахминий схема деб қарамоқ керак. Бўлимнинг мазмуни ва аҳамиятига қараб ҳар хил туртиб чиққан ажраткич карточкалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, ЗКП *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси*, ЗЗС СССР ҳалқ ҳўжалиги, 91(С), СССР географияси бўлимларини ва кўпчилик бўлимчаларни ўз ичига оладиган бошқа бўлимларни, гарчи улар уч хонали индексларга эга бўлсалар ҳам, уларни сербар туртиб чиққан ажраткич карточкалар ёрдамида алоҳида ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар хил бўлимларда баъзи типовой бўлинмалар (масалан, шакл аниқлагичлари бор индексларга эга бўлган бўлимчалар) ҳам кўзга яқъолроқ ташланадиган бўлиши учун бир-биридан ранги билан фарқ қиласиган муайян рангдаги ажраткич карточкалардан фойдаланиш мумкин.

Каталогни умумий расмийлаштириш

Кўпчилик кутубхоналарда карточка системали каталог кўп яшикларга жойлаштирилган бўлади. Ҳар бир яшикнинг олд томонида унда қандай бўлимлар борлиги кўрсатиб қўйилмоғи лозим. Бундай кўрсатиш ҳар хил усулда бажарилган бўлиши

мумкин. Агар бир яшикда уч-тўртта йирик бўлим жамланган бўлса, яхшиси, улардан ҳар бирининг индекслари ва номларини кўрсатиб, санаб чиқсан маъқул. Агар яшикда кўп бўлиmlар мавжуд бўлса, биринчи ва сўнгги бўлиmlарнинг индекслари ҳамда номлари кўрсатилади. Масалан, агар яшикка 54 *Химия* бўлимидан бошлаб 59 *Зоология* бўлимига қадар жойлаштирилган бўлса, ёлиқда: «54 *Химия* — 59 *Зоология*» деб кўрсатилади.

Яшикларнинг каталог шкафидаги ўрнини топишнинг осонлаштириш учун уларга тартиб номери ҳам қўйиб чиқилади.

Ҳар бир каталог шкафида дастлаб кўпчилик яшиклар ётиқ қилиб, ундан кейин эса ҳар бир қаторнинг тагига тикка қилиб, изчиллик билан жойлаштирилади. Билимнинг бир соҳасига оид бўлиmlни ҳар ерга бўлиб юбормасдан, унинг ҳамма бўлиmlчаларини иложи борича битта каталог шкафида тўплаган маъқул. Бу каталог шкафларига тегишли ёзувлар ёзиб уларга билимнинг қайси соҳалари қўйилганини кўрсатиш имконини беради.

Китобхонлар токчалар ёнига бемалол кирадиган кутубхоналарда системали каталог яшикларининг номерларини стеллажларда кўрсатиш фойдалидир, бу яшикларда муайян бўлиmlар акс эттирилган бўлади. Бу, китобхонга ўзини қизиқтирган тематикага оид бўлиmlарни каталогдан тез қидириб топиш имконини беради.

КИТОБХОНЛАРГА СИСТЕМАЛИ КАТАЛОГДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЁРДАМЛАШИШ

Системали каталогни жуда пухта ва чуқур ўйлаб расмийлаштириш китобхонга ҳамма вақт ҳам унинг учун керакли бўлиmlни қидириб топиш имконини беравермайди. Фонднинг мантиқий жиҳатдан ёритилишида юқорида кўrсатиб ўтилган барча афзаликларга эга бўлган системали тартиб китобхондан классификация схемасини яхши билишни, ўзини қизиқтирган темани қидириб топа олишни, умумий бўлиmdан унинг бўлиmlчаларига изчиллик билан ўтишни талаб қилади. Кутубхона каталогдан фойдаланишни осонлаштириш учун бир қанча қўлланмалар ишлаб чиқиши керак; бу қўлланмалар орасида системали каталогга доир алфавит-предмет кўrсаткичи кўпроқ аҳамиятга эга.

Алфавит-предмет **Бу кўrсаткичи кутубхона классификацияси**
кўrсаткичи **жадвалларига илова қилинган худди шундай кўrсаткич билан кўпгина умумий томонларга эга.** Алфавит-предмет кўrсаткичининг жадвалларга илова қилинган кўrсаткичидан фарқи фақат унинг вазифасидадир — жадвалларга илова қилишган кўrсаткичдан кутубхоначи классификациялаш жараёнида фойдаланилади, каталогга доир алфавит-предмет кўrсаткичи эса, гарчи кутубхоначи каталогдан ҳар хил маълумотларни билиб олиш учун ундан фойдалансада, асосан китобхонларга ёрдамлашишга мўлжалланган.

Алфавит-предмет кўрсаткичидаги билимнинг асосий, етакчи соҳаларининг, жузъий фанларнинг ва шу соҳаларга оид алоҳида масалаларнинг, энг муҳим илмий проблемаларнинг, алоҳида тушунчалар ҳамда фанлар ўрганадиган асосий обьект бўлиб қолган предметларнинг номлари ва ҳоказолар умумий алфавит тартибида келтирилади. Ҳар бир номдан кейин бўлимнинг индекси кўрсатилади, ундан муайян темадаги китобни қидириб топиш керак бўлади. Теманинг номи билан индекси биргаликда кўрсаткич рубрикасини ташкил этади.

Кўрсаткичнинг ҳар бир рубрикаси алоҳида карточкага ёзиб қўйилган, карточкалар эса каталог яшикларида алфавит тартибида жойлаштирилган вақтда кўрсаткичнинг карточка формаси жуда қулай бўлади.

Кўрсаткичнинг асосий вазифаси — китобхонга системали каталогдан фойдаланиш пайтида справка қўлланмаси тариқасида хизмат қилиш ва унинг керакли бўлимни топишига ёрдамлашишдир. Бироқ кўрсаткичнинг ёрдамчи характеристига эга бўлиши системали каталог тузишга қандай талаблар қўйилса, уни тузишга ҳам шундай талаблар қўйиш кераклигини истисно қилмайди.

Кўрсаткич рубрикалари йиғиндиси совет воқеалигининг, коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг барча актуал масалалари доирасини, энг муҳим илмий масалалар ва темаларни қамраб олиши керак. Рубрикалардаги сарлавҳаларнинг ифодаланиши фанда ва ижтимоий тажрибада қабул қилинган терминологияга қатъий мос бўлмоғи лозим.

Айни вақтда шунн назарда тутиш керакки, ҳозирги замон терминологияси билан унчалик таниш бўлмаган баъзи китобхонлар ўзларини қизиқтирган масалалар ва предметларни системали каталогда қабул қилинган номлар остидан эмас, балки алфавит-предмет кўрсаткичидан қидиришлари мумкин. Шунинг учун кўрсаткичга сарлавҳалар учун қабул қилинган терминларнинг синонимлари (масалан, «Полиграфия ишлаб чиқариши» термини билан бир қаторда «Китоб босиши»; «Архитектура» термини билан «Меъморлик ва ҳоказолар», ҳам шунингдек каталогнинг тегишли бўлимлари мазмунига кирадиган предметлар ҳамда тушунчалар номлари ҳам албатта киритилади. Рубрикалар ва жадвалларнинг мазмунини ёритиб берувчи тушунтиришларда кўпинча айrim предметлар ва тушунчалар санаб ўтиладики, улардан ҳар бирини кўрсаткич рубрикасига олиб чиқиш керак. Масалан, 6П5.612 Умумий вазифаларни бажарувчи кўтариши машиналари рубрикасига тушунтиришда бу турдаги машиналарнинг номлари: домкратлар, полиспастлар, чиғирлар ва ҳоказолар келтирилган. Бу ҳар бир турдаги машиналарнинг номи кўрсаткичда алоҳида карточкада акс эттирилиши лозим: «Домкратлар — 6П5.612», «Полиспастлар — 6П5.612» ва ҳоказо.

Рубрикаларни кўрсаткичда алфавит тартибида жойлаштириш уларни шундай ифодалаш заруратини келтириб чиқарадики, бунда муайян тушунчанинг маъноси учун жуда муҳим бўлган

сўз биринчи ўринга қўйилади. Масалан, системали каталогда кўпчилик бўлимларнинг сарлавҳалари «ишлаб чиқариш», «технология», «назария» ва бошқа сўзлар билан бошланади. Бу сўзлар асосий тушунча номидан кейинги иккинчи ўринда бўлиши учун кўрсаткич рубрикалари учун инверсия (сўзлар ўрнини алмаштириш) усулини қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, каталогда «Натурал шойи ишлаб чиқариш», «Енгил саноат экономикаси» бўлимлари бор, кўрсаткичда эса «Натурал шойи — ишлаб чиқариш», «Енгил саноат — экономика» номлари берилгани маъқул¹.

Алфавит-предмет кўрсаткичига киритилган баъзи тушунчалар билимнинг турли соҳаларига оид бўлимларга алоқадор бўлади. Улар учун *ийғма карточка* тузган маъқулроқ. Бу карточкада умумий тушунча номидан сўнг ана шу тушунчани аниқлаб берувчи маълумотлар кичик сарлавҳалар ва тегишли бўлимларнинг индекслари тариқасида келтирилади, масалан:

Ўйинлар

| | |
|--|---------|
| — мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун | —372.6 |
| — стол устига қўйиб ўйналадиган ва ишлаб чиқариш | —6П9.44 |
| — спортга алоқаси бўлмаган | —379.57 |
| — спорт | —7A8 |

Алфавит-предмет кўрсаткичи тузиш методикаси ва практикасининг энг муҳим масалаларидан бири — ундаги сўзлар рўйхатини, яъни унга киритиладиган тушунчалар доирасини аниқлашдир. Кўрсаткичга аввало системали каталог бўлинмаларнинг сарлавҳаларида ва кичик сарлавҳаларида ифодаланган барча тушунчаларни киритиш зарур. Бунда сарлавҳалар ифодасига киритилган жузъий ўзгаришларни ҳисобга олиш керак. Бўлим сарлавҳаси икки ва ундан ортиқ мустақил тушунчани ўз ичига олган ҳолларда улардан ҳар бирин алоҳида карточкага киритилади; масалан, каталогда 34С.05 СССРнинг ижтимоий ва давлат тузуми бўлими мавжуд бўлса, кўрсаткичда иккита алоҳида карточка: «СССРнинг ижтимоий тузуми — 34С—05» ва «СССРнинг давлат тузуми — 34С.05» карточкалари берилмоғи керак.

Алфавит-предмет кўрсаткичининг сўзлар рўйхатини аниқлашда бўлимлар сарлавҳаларида ва жадваллар рубрикаларига доир тушунтиришларда келтирилган терминлардан фойдаланиш кўрсаткични тўлдиришнинг биринчи босқичидир, холос. Бўлимда акс эттирилган китоблар тасвирлари берилган карточкаларни кўздан кечиради экан, кутубхоначи бўлимларнинг сарлавҳаларига

¹ Алфавит-предмет кўрсаткичи учун тушунчалар номларини ифодалашда предмет каталоги учун тузилган рубрикалар ифодаси билан умумий бўлган кўп нарсалар бор, предмет каталогни тузиш методикаси кейинги бобда ёритилган.

кирмай қолған ғана классификациялаш жадвалларида эслатиб ўтилмаган, аммо китобхонлар учун аҳамиятли бўлган кўпгина терминларга дуч келади. Бу терминлар ҳам кўрсаткичга кири-тилмоғи керак.

Каталогга доир кўрсаткич тузиш пайтида классификациялаш жадвалларига илова қилинган босма кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш керак, фақат бу иккала кўрсаткичнинг вазифаси турлича эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Шунинг учун, масалан, китобларни классификациялаш пайтида фақат кутубхоначиға керак бўладиган маълумотларни («Асбоб-ускуна монтажи... аналитик кўрсаткич — 08» сингари характердаги) кўрсаткичдан жадвалларга ўтказиш ярамайди.

Кўрсаткичга ҳамма тушунчаларни киритаверишга интилмаслик керак. Бундай тўлиқликка эришиш мумкин эмаслиги у ёқда турсин унга ҳожат ҳам йўқ, чунки бу нарса кўрсаткич ҳажмини ниҳоятда катталаштириб юборади. Кўрсаткичга энг муҳим ва ниҳоятда зарур тушунчаларни киритишга алоҳида эътибор берган ҳолда, китобхонлар сўраб келиши мумкин бўлган нарсаларни назарда тутиб иш кўрмоқ керак. Китобхонларнинг кўрсаткичдан фойдаланишларини кўрмоқ керак. Китобхонларнинг кўрсаткичдан фойдаланишларини назорат қилиб бориш ва китобхонлар топа олмаган тушунчаларнинг рубрикаларини ўз вақтида киритиб қўйиш фойдалидир.

Бошқа қўлланмалар Китобхонга конкрет бир бўлим каталогидан керакли нарсани қидириб топишни осонлаштирувчи алфавит-предмет кўрсаткичдан ташқари, кутубхона китобхонларнинг системали каталогга асос қилиб олинган классификация схемасини тушуниб олишига ҳам ёрдамлашмоғи лозим. Шу мақсадда каталог билан ёнма-ён плакат шаклидаги график-схема жойлаштирилади, бу плакатда энг муҳим бўлимлар ва бўлимчалар каталогда қайси тартибда берилган бўлса, худди шу тартибда санаб чиқилади. Ҳар хил катта-кичикликдаги шрифтларнинг ва рангнинг қўлланилиши асосий бўлимлар, бўлимчалар ҳамда уларнинг бўлинмаларини алоҳида ажратиш имконини беради. Китобхонларнинг схемани умумий равишда биллиб олишларини қийинлаштираслик учун плакатда муфассал бўлинмаларни келтириб ўтираслик керак. Масалан, 5 *Табиатшунослик*, 6 *Техника бўлимларида дастлабки уч босқич бўлинмаларини кўрсатиш билан чекланиш, яъни масалан, 547 *Органик химия бўлимини кўрсатиб*, бу бўлимдаги мавжуд кейинги барча бўлинмаларни плакатда келтираслик мумкин. Китобхон каталогга мурожаат қилиб, ажраткич карточкалардаги бўлинмалар рўйхатидан анча муфассал кўрсатмалар топади.*

Каталогдан фойдаланиш тартиби юзасидан қисқача тушунишилар берилган плакатни ҳам каталог билан ёнма-ён жойлаштириш керак. Плакат текстидаги асосий бўлинмалар рўйхатидан ва керакли бўлимни қидириб топиш учун йўналтиргичлардан қандай фойдаланиш кераклиги, каталогнинг ҳар бир бўлинмаси

ицида тасвирларнинг қандай тартибда жойлаштирилиши тушунтириб берилмоги лозим. Худди шу ерда каталогга доир алфавит-предмет кўрсаткичининг мавжудлигини китобхонга эслатиш, унда топилган индекс асосида каталогдаги бу бўлимни қай тариқа қидириб топиш кераклигини тушунтириб бериш фойдалидир. Бундай плакатлар бундан бир неча йил муқаддам босма тарзда нашр этилган эди, агар кутубхонада шундай плакатлар бўлса, уларга ўз каталогининг тузилиш хусусиятларига татбиқан зарур ўзгаришлар киритиб, улардан фойдаланиш мумкин.

Системали каталогдан фойдаланувчи китобхон учун кутубхоначининг айтадиган маъноли гапи катта аҳамиятга эга. Кутубхоначи китобхонга бирор масалага доир китобни қаердан қидириш кераклигини айтиб берәётганида китобхоннинг каталогдан фойдаланиш қоидаларини билиш-бilmаслигини, бўлимларнинг индекслари асосида каталогдан керакли нарсаларни топа олиш, топа олмаслигини, асосий бўлинмалар рўйхатининг бажарадиган вазифаси унга маълум ёки номаълум эканлигини аниқлаб олиши керак. Агар китобхон бундай ёрдамга муҳтож бўлса, у билан каталог олдида ана шундай қисқа сұхбатлар ўтказиш лозим, албатта. Лекин шуни назарда тутиш керакки, китобхон каталогнинг тузилиши ўзига тушунарсиз эканлигини айтишдан кўпинча уялади. Ана шундай пайтда кутубхоначи хушмуомалалик билан ёрдам бера олиши лозим.

Системали каталогни таҳрир қилиш

Системали каталогнинг ҳозирги даврга мувофиқлиги

Системали каталогнинг структураси ва мазмуни, шунингдек алфавит-предмет кўрсаткичининг мазмуни кутубхонанинг китобхонларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳозирги вазифалари билан мувофиқлаштирилмоғи лозим. Бу вазифалар доим бир хилда қолмай, Коммунистик партия ва Совет Иттифоқи ҳукумати илгари сураётган янги идеологик ҳамда халқ ҳўжалиги вазифаларига мувофиқ равиша ҳамма вақт мураккаблашиб боради, совет экономикаси, социалистик маданиятнинг тўхтовсиз ривожланиши таъсири остида кенгайиб боради.

Системали каталогда акс эттирилган адабиётнинг мазмуни, унда алоҳида ажратилган бўлимлар ва бўлимчаларнинг тематикиси, улар сарлавҳаларининг ифодаланиши — буларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаёт, фан-техника, адабиёт ва санъатнинг ҳозирги тараққиёт даражасига мувофиқ келиши лозим.

Маълумки, кутубхонага янги келтирилган китобларнинг тасвирларини каталогга киритиб қўйни билангина бундай мувофиқликка эришиб бўлмайди. Илгари нашр этилган китобларга муносабат ҳозирги замон нуқтаи назаридан ўзгариб боради. Ўз вақтида қимматли ва фойдали бўлган бундай китоблардан кўплари эскириб, улардан фаннинг ҳозирги муҳим проблемаларини акс эттирувчи маълумотларни топиб бўлмайди, улар китобхонларни

саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида анча такомиллашган янги усул ва методлар билан аллақачонлар алмаштирилган амалий усул ҳамда методлардан фойдаланишга йўллади.

Бундай эскириш ижтимоий-сиёсий тематикага доир адабиётга кўпроқ тааллуқлидир. Африка мамлакатларининг ижтимоий ҳаёти тўғрисида бундан бир неча йил муқаддам нашр этилган китоблар бу мамлакатларни мустамлака мамлакатлар сифатида тавсифлаб беради, ваҳоланки бу мамлакатлар ҳозир миллий зулмдан озод бўлган ва уларнинг ҳозирги аҳволи мутлақо ўзгариб кетган. Халқаро аҳвол масалаларига доир китоблар тез эскиради.

Системали каталог структурасининг ўзгариши ҳам турган гап. Ҳозирги замоннинг муҳим масалалари учун янги бўлинмалар ташкил қилиш зарурати пайдо бўлади, бошқа бўлинмалар эса тубдан қайта кўриб чиқиши ёки ўз аҳамиятини йўқотган бўлинмалар тариқасида олиб ташлашни ҳам талаб этади.

Системали каталог тузиш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унинг бошланиши баъзан анча илгариги вақтга тўғри келгандигидан, унинг структурасини вақт-вақти билан кўздан кечириб, тўлдириб бориш зарур. Бу қайта кўриш *системали каталогни таҳрир қилиши* деб аталади.

Системали каталог таҳрири

Ижтимоий ҳаётда юз берган қандайдир катта воқеа ёки фанда қилинган кашфиёт юзага келтирган жорий таҳрир ҳамда ол-

диндан белгилаб қўйилган муддатларда амалга оширилган ва бутун каталогни изчил қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган планли таҳрир каталог таҳрири бўлиши мумкин.

Жорий таҳрирда одатда бир бўлимни ёки каталогнинг тематик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган бир қанча бўлимларини шошилинч қайта кўриб чиқиш билан чекланилади. Масалан, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қишлоқ хўжалик масалаларига оид ёки химия саноатининг ривожланишпга доир ишнинг тугалланиши кутубхоначи зиммасига каталогнинг тегишли бўлимларини кўздан кечириб чиқиши, қайси энг муҳим масалаларни мустақил бўлимчалар сифатида алоҳида ажратиб қўйиш кераклигини аниқлаш вазифасини юклайди. Муҳим масалаларга доир янги китобларнинг йўқлиги бу бўлимларга газеталарда эълон қилинган асосий докладлар ҳамда Пленум томонидан қабул қилинган қарорлар учун аналитик карточкаларни киритиб қўйишни, кутубхонага бу материалларнинг алоҳида нашрлари келиб тушишини кутиб ўтирмаслники тақозо этади. Бу бўлимларда илгари акс эттирилган китобларнинг тасвирини Пленум томонидан қабул қилинган қарорлар асосида кўриб чиқиш ҳамда янги қўйилган вазифаларга жавоб бермайдиган, уларга зид келадиган китобларни хизмат каталогига ўтказиб қўйиш зарур.

Планли таҳрир, каталогнинг барча бўлимларини муайян муддат ичida қайта кўриб чиқиши мўлжаллаб олдиндан тузилган график асосида доимий равишда олиб борилмоғи керак. Ката-

логни таҳрир қилиш муддати унинг ҳажмига ва бу иш учун ажратилиши мумкин бўлган вақтга асосланган ҳолда белгиланади. Каталогни тўла қайта кўриб чиқиш циклини йил давомида туғатган маъқул, бироқ йирик кутубхоналарда бу иш кўпроқ вақт олиши мумкин. Бутун цикл тугаллангандан кейин янги циклга ўтиш, бу ишни олдинги циклда биринчи бўлиб текширилган бўлимни кўздан кечиришдан бошлаш лозим.

Таҳрир қилишнинг календарь муддатлари плани каталогдаги асосий бўлимлардан ҳар бирининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Каталог таҳрир қилинмасдан, унинг структураси ҳам, мазмуни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолларда барча бўлимларни қайта кўриб чиқиш кўпроқ вақт сарфлашни талаб этади. Каталогни мунтазам ва доимий равишда таҳрир қилиб бориш бу пшни оперативроқ бажариш имконини беради. Қўпчилик бўлимлар ўзларига муҳим тузатишлар киритмасдан фақат умумий тарзда кўздан кечириб чиқишнингина талаб этади.

Навбатдаги бўлимни таҳрир қилишга киришаётганда, биринчи навбатда унинг структурасини кўздан кечириш лозим. Бу босқичда уларни алоҳида бўлинмалар қилиб ажратса бўладиган масалалар аниқлаб олинади. Бунга ё уларнинг муҳимлиги, ёки кутубхонага келган янги китобларнинг анчагина кўпайиб қолганилиги туфайли бўлимни деталлаштириш зарурлиги сабаб бўлиши мумкин. Янги бўлинмалар ҳосил қилиш учун ё жадвалларнинг илгари тушириб қолдирилган рубрикаларидан фойдаланиш ёки умумий ва маҳсус аниқлагачларнинг ҳар хил турлари ёрдамида керакли бўлинмалар тузиш мумкин. Бундан ташқари, вужудга келадиган муҳим масалалар учун янги индексларни жорий қилиш тўғрисидаги справка карточкалари босма карточкаларнинг комплектларига вақт-вақти билан киритилиб турадики, улардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Агар кўрсатилган усулларда ғирортаси ҳам керакли бўлим-чалар ҳосил қилиш имконини бермаса, тегишли бўлим ичидаги (индекссиз) тематик рубрика тузиш мумкин. Бироқ тематик рубрикалар, каталог структурасини умумий равишда тушуниб олишини қийинлаштириб юбормаслиги учун, унча кўп бўлмаслиги керак.

Каталог структурасини таҳлил қилаётганда баъзан олдин қабул қилинган бўлинмаларни ё муайян масалалар ўз аҳамиятини йўқотганлиги, ёхуд жуда оз дараражада тўлдирилганлиги сабабли олиб ташлашга тўғри келади. Бу ҳолда каталогнинг мазкур бўлимнига қўйилган китоблар тасвирларининг карточкалари қаерга қўйилишини: умумий бўлимнига қўйиладими, ё турли бўлимларга тарқатиб юбориладими, ёхуд (китобларнинг ўзи эскириб қолган бўлса) системали каталогнинг хизмат қисмига киритиладими,— ана шуни аниқлаб олиш лозим.

Бўлим структураси аниқлаб олинганидан сўнг кейинги босқичга — бўлимнинг тўлдирилишини таҳрир қилишга ўтиш лозим. Кутубхоначи бу бўлимнинг барча карточкаларини кўздан кечириб чиқиб, каталогнинг хизмат қисмига ўтказилиши лозим бўл-

ган эскириб қолган материалларни аниқлаб олиши ҳамда энг муҳим қайси нашрларнинг бирор сабабга кўра бўлимда акс эттирилмай қолганлигини белгилаб қўйиши керак. Бу босқичда ҳар хил библиографик манбалардан, айниқса тавсия библиографиясидан кенг фойдаланилади. Ўқув программаларида тавсия этилган адабиёт рўйхатлари, китоб ичидаги берилган библиография ва бошқа манбалар ҳам фойдалидир. Библиографияда учрайдиган асарлардан фақат фондда мавжуд бўлган материалларнига каталогга киритиш керак, албатта. Бўлимда улар тасвирларининг йўқлигига сабаб кўпинча классификациянинг ноаниқлиги ва етарли даражада ўйлаб қилинмаганлигига бўлади, шунинг учун таҳрир қилиш жараёнида белгиланган индексларнинг ва карточкаларнинг ҳар бир бўлинма ичига жойлаштирилишининг тўғри-нотўғрилигини текшириш керак.

Китобларни токчаларга системали тартибда жойлаштириш усулидан фойдаланадиган кутубхоналарда системали каталогни таҳрир қилиш уларнинг токчалардаги ўрнини белгилаб берадиган китоб шифрларини таҳрир қилиш билан бирга олиб борилади. Агар бўлим таҳрири уни деталлаштиришдангина иборат бўлса, индексларнинг шифрларини ўзгартирмасдан, токчаларда илгариги, камроқ майдалашган структурани сақлаб қолиш мумкин. Шуни назарда тутиш керакки, китобларни токчаларга жойлаштириш тартибини ўзгартириш — анча мураккаб ва системали каталогга тузатиш киритишга қарагандан сермеҳнат ишдир. Қўпчилик китоблар китобхонларнинг қўлида бўлиб, шифрга ўзгартишлар киритиш анча қийинлашади. Лекин каталогни таҳрир қилиш чуқурроқ ўзгаришлар қилиш билан, масалан, бўлим структурасини тубдан ўзгартириш, илгариги мавжуд бўлинмаларни йўқотиш ва шунинг сингарилар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, китобларнинг шифрларини тузатиб, уларни жойлаштиришга ҳам тегишли тузатишлар киритишга тўғри келади.

Алфавит-предмет кўрсаткичини таҳрир қилиш

Каталог структурасига киритилган тузатишлар алфавит-предмет кўрсаткичига тегишли тузатишлар киритишга сабаб бўлади. Агар шундай қилинмаса, кўрсат

кич карточкасидаги индекс китобхонни чалғитиб юборади, уни каталогдан чиқариб ташлаган бўлимчага ёки таҳрир қилингандан кейин мазкур масалага доир адабиёт тўпламайдиган бўлимчага йўллаб юборади. Кўрсаткичга тузатишлар киритиш анча қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки кўрсаткичда бир қанча тушунчаларни ўз ичига олувчи, айни битта индекснинг ўзига йўлловчи рубрикалари бўлган карточкалар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, агар системали каталогда таҳрир ўтказунга қадар 6С4.021 *Тош конструкциялари*, 6С4.022 *Бетон ва темир-бетон конструкциялари* ва ҳоказолар сингари деталлаштирилган индекслардан фойдаланмасдан умумий 6С4.02 *Қурилиш конструкциялари* бўлими индекси барча турдаги қурилпш конструкциялари учун қабул қилинган бўлса, таҳрир қи-

лингандан сўнг эса бу индекслар қўлланилаётган бўлса, унда кўрсаткичда барча турдаги конструкциялар карточкаларининг индексларини ўзгаририб қўйиш керак.

Бу ишдаги қўйинчилик шундан иборатки, кўрсаткичнинг ҳамма рубрикалари кўрсаткичда алфавитнинг ҳар хил ҳарфлари остига жойлаштирилади, бинобарин, кутубхоначи тузатишлар киритиш учун ҳамма карточкаларни топа олади, деб амин бўлиш мумкин эмас. Алфавит кўрсаткичини кўздан кечиришни ва унга тузатишлар киритишни осонлаштириш учун (айниқса катта каталогга ва унга доир кўрсаткичга эга бўлган йирик кутубхоналарда) хизмат хонасида кўрсаткичга оид контрол аппарат сақлаш тавсия этилади. Унга кўрсаткичнинг барча рубрикалари рўйхатини ўз ичига олиб муайян индексга йўналтирувчи каталог индекслари карточкалар билан бирга киритилади. Қўйида келтирилган мисолда каталог ҳамда кўрсаткич таҳрир қилингунга қадар кўрсаткичнинг контрол карточкаси муайян бўлимга тааллуқли тушунчаларнинг ушбу рўйхатини ўз ичига олган бўлур эди: 6C4.02

Қўрилиш конструкциялари. Бетон конструкциялари. Темирбетон конструкциялари.

Металл конструкциялар. Пластмасса конструкциялари. Шиша конструкциялар. Бинокорлик конструкциялари.

Бундай контрол карточканинг мавжудлиги индексларга зарур ўзгаришлар киритиш учун кўрсаткичнинг барча рубрикаларини осонгина топиш имконини беради. Кутубхоналар амалий ишида баъзан кўрсаткичга бундай контрол аппарат ўрнига кўрсаткичнинг иккинчи, хизмат нусхаси тузилади, лекин ундаги карточкалар алфавит тартибида эмас, балки индекслар тартибида жойлаштирилади. Масала шу тарзда ҳал қилингандা хизмат кўрсаткичи кўпроқ жой олади (кўрсатилган контрол аппаратга нисбатан), аммо уни тузиш карточкаларнинг икки нусхасини айни бир вақтда машинкада кўчириш, ундан кейин бир нусхасидан алфавит-предмет кўрсаткичи учун ва иккинчи нусхасидан контрол кўрсаткич учун фойдаланиш билан енгиллаштирилиши мумкин.

Системали каталогни ва унга оид кўрсаткичи таҳрир қилиш мураккаб ҳамда сермеҳнат ишdir. Шунга қарамасдан, уларни таҳрир қилиш зарур, чунки шундай қилмасдан турлиб, системали каталогни кутубхонанинг китобхонларга хизмат кўрсатиш борасидаги ҳозирги вазифалари даражасида сақлаб турриб бўлмайди.

10- б о б

МАТБОУТ АСАРЛАРИНИ ПРЕДМЕТЛАШТИРИШ. ПРЕДМЕТ КАТАЛОГИ

Предметлаштириш методикаси ва предмет каталоги тўғрисида умумий тушунча.— Предмет каталоги тарихидан.— Матбуот асарларини предметлаштириш методикаси.— Предмет каталогини ташкил қилиш.

Предметлаштириш методикаси ва предмет каталоги тўғрисида умумий тушунча

Предметлаштириш деганда матбуот асарларининг асосий темасини (предметини) аниқлаш мақсадида уларнинг мазмунини таҳлил қилишни ҳамда шу темани предмет рубрикаси деб аталган рубрика тариқасида ифодалашни тушунишга одатланиб қолинган. Матбуот асарларини улар тааллуқли бўлган билим соҳалари белгисига қараб классификация қилишдан фарқли ўла-роқ, предметлаштиришда бу асарларни группаларга ажратиш белгиси бўлиб унда кўриб чиқиладиган бирор предметнинг аспектти эмас, балки предметнинг ўзи хизмат қиласди. Шундай қилиб, масалан, рентген нурларининг физикавий табиатига ёки касалликларнинг диагностикасида улардан фойдаланишга, ёхуд уларнинг металлар структурасини анализ қилишда татбиқ этилишига бағишлиланган матбуот асарлари классификациялаш жараёнида тегишли тарзда физика, медицина, металлшунослик бўлимларига киритиладиган бўлса, предметлаштириш пайтида муайян предмет номи — «Рентген нурлари» номи остида группаларга ажратилади.

Предметлаштириш методи предмет каталоги ва предмет карточкаларини ташкил қилишга асос қилиб олинади ҳамда бу методдан системали каталогга доир алфавит-предмет кўрсаткичими, шунингдек китобхонларнинг конкрет тушунча, шахс, жой, давр ва ҳоказолар тўғрисида гап борадиган текст қисмларини қидириб топишларини осонлаштирувчи турли босма нашрларга доир предмет кўрсаткичларини тузишда қисман фойдаланилади.

Предмет каталогида ва картотекаларида матбуот асарларининг тасвиirlари, бу асарларда гап қайси предметлар ҳамда масалалар тўғрисида борадиган бўлса, ўшаларнинг номлари остида тўпланади. Асар мазмуни бағишлиланган предметни сўз восита-сида аниқлаш предмет рубрикаси деб аталади. Муайян рубрика остига жойлаштирилган тасвиirlарнинг бутун группаси ҳам

худди шу термин билан ифодаланади. Шундай қилиб, предмет рубрикаси системали каталогдан фарқли ўлароқ, предмет каталогининг структура бирлигидан иборат бўлади; системали каталогда структура бирлиги бўлиб билимнинг битта соҳасига оид китоблар бўлими хизмат қиласиди.

Барча предмет рубрикаларининг битта умумий алфавит тартибида жойлашуви предмет каталогининг иккинчи фарқ қилувчи белгисидир, масалан:

Автомобиллар
Аквариумлар
Алебастр

Анабиоз
Асбест
Атлас

Бамбук
Банан
Бензин

Келтирилган мисолдан предмет каталогида турли мазмундаги рубрикаларнинг ёнма-ён бўлиб қолиши кўриниб турибди. Предмет каталоги ўзинпнг шу жиҳати билан бўлимлар ва бўлмачалар мазмунига қараб мантиқий боғлиқликда группаларга ажратиладиган системали каталогдан тубдан фарқ қиласиди. Предмет рубрикаларининг алфавит тартиби китобхонларга ўзларини қизиқтирган предметга ёки тегишли предмет рубрикаси остида тўплланган масалага доир адабиётни узоқ вақт қийналиб ўтирасдан, тезда топиб олиш имконини беради. Масалан, атом энергияси ҳамда фан ва техниканинг барча соҳаларида ундан фойдаланиш тўғрисидаги адабиёт «Атом энергияси» рубрикаси остида тўпланаиди, уни предмет каталогидан барча рубрикалар алфавитидаги қийналмасдан топиш мумкин. Системали каталогда бу адабиёт кўпгина бўлимларда (физика, медицина бўлимларида, техника нинг турли соҳаларига оид бўлимларида ва ҳоказоларда) акс эттирилади.

Юқорида келтирилган таққослашдан шундай хулоса чиқармоқ керакки, предмет каталоги кутубхона фондининг мазмунини системали каталогда қилинганидан бошқача аспектда очиб беради, бинобарин, бу ҳар иқкала каталог бир-бирини такрорламайди. Китоб предмети билим соҳаларининг биридан иборат бўлган ҳоллардагина предмет каталогида билимларнинг системали каталогдаги худди шу соҳаларига оид тегишли умумий бўлимларини такрорлаш хавфи туғилади. Шунинг учун кутубхонада системали каталог мавжуд бўлган пайтда билим соҳаларининг математика, сиёсий иқтисод, қишлоқ хўжалиги сингари предмет рубрикаларини тузиб ўтиришга амалий жиҳатдан эҳтиёж қолмайди. Бу рубрикалар остида системали каталогда тегишли бўлимларнинг индекслари тагида берилган умумий асарларнингги на тасвиirlари тўпланади. Агар китобхон билимнинг муайян соҳасига доир ҳамма адабиётни предмет каталоги асосида танлаб олишга интилса, бунда у деярли бартараф қилиб бўлмайдиган қийинчилкларга дуч келади. Чунки китоблар, масалан, математикага доир китоблар унинг айрим соҳаларига (арифметика, алгебра, геометрия, тригонометрия ва ҳоказоларга) оид рубрикалар остида айрим проблемалар ва масалаларнинг номлари

(сон, логарифмлар, функциялар, тенгламалар ва ҳоказолар) остида акс эттирилади, бинобарин, бу рубрикаларнинг ҳаммасини предмет каталогидан қидириб топиш осон иш бўлмай қолади. Афтидан, бундай ҳолларда китобхонни системали каталог томон йўллаб унга тегишли бўлимнинг индексини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бинобарин, предмет каталогининг асосий вазифаси — предмет рубрикаси остида тўплланган муайян предметга доир адабиётни тез қидириб топишда китобхонга кўмаклашишдир.

Предмет каталоги тарихидан

Китобларни предметлаштиришга (асар бағишлиланган темани аниқлашга) тахминан XVI асрда, босма китобнинг ҳали титул варағи бўлмаган, кўпинча ҳатто автори ҳам кўрсатилмаган ва китоблар сарлавҳа остида тасвириланган даврда биринчи марта уриниб кўрилган. Масалан, Россияда сарлавҳа остида тасвирилашда Кирилл-Белозер монастири китобларининг номаълум автор томонидан XV аср охирида тузилган рўйхатида асарларнинг сарлавҳалари қизил бўёқ билан алоҳида қаторга ёзилган сарлавҳаларнинг дастлабки сўзлари ажратиб кўрсатилган.¹ Шу срининг ўзида тўпламларни тасвирилашда ҳар бир китобнинг сарлавҳаларни ва текстнинг бошланғич сўзлари кўрсатиб ўтилган.

XVI—XVII асрларда ёки китобларни тасвирилашда сарлавҳадаги биринчи сўз эмас, балки маъно жиҳатидан муҳим бўлган турдош от алоҳида ажратиб қўйилган.

Россияда кўрсатиб ўтилган тасвирилаш усули XVII асрнинг иккинчи ярмида тузилган ва 1846 йилда В. М. Ундољский² томонидан нашр этилган машҳур «Оглавление книг, кто их сложил» («Китоблар мундарижаси, уларни ким тузганлиги») деган библиографик асарда қўлланилган. «Мундарижа»да китобларнинг муфассал ва аниқ тасвири берилади. Рус библиографияси тарихида биринчи марта бу нашр учун керакли материалларни қидириб топишини осонлаштирадиган «Ислмар ва предметлар кўрсаткичи» тузилган эди. Унга, масалан, қуйидаги каби тушунчалар киради:

Авгарь, князь

Клобук, оқ

Кимхоб, асал ва ҳоказолар

XVIII асрда ва ундан кейинроқ фақат кўрсаткичларнигина эмас, балки каталогларни тузиш пайтида ҳам сарлавҳада муҳим сўзни алоҳида ажратиш усули қўлланила бошлади. Масалан, 1723 йилда Америкада биринчи босма каталог Гарвард

¹ «Описание рукописей Кирилло-Белозерского монастыря, составленное в конце XV в. Сообщение Николая Никольского» Спб., 1897, 328-бет.

² В. М. Ундољский. Оглавление книг, кто их сложил, «Чтения общества истории и древностей российских», 1846, № 3.

колледжи кутубхонасининг фонди учун авторлар ва сарлавҳалардаги муҳим сўзлар алфавити бўйича тузилган эди. 1734 йилда Лондондаги кутубхоналардан бирида ва бошқа кутубхоналарда ҳам ана шу методдан фойдаланилган эди.

Бироқ адабиётни сарлавҳалардаги муҳим сўзларга қараб группаларга ажратиш китобхонларни қаноатлантирунг, чунки бундай китобларнинг мазмуни етарли даражада ёритилмас эди. XVIII асрда Россияда ҳар хил нашрларда шундай предмет кўрситкичлари учрай бошладики, уларда сарлавҳадан олинган тушунчалар эмас (sarlavha hamma vaqt ham asar mazmunini aniq kiliib ёritavermas edi), балки асарнинг ўзидағи тематика билан боғлиқ бўлган тушунчалар акс эттирилди. Масалан, «Экономический магазин или Собрание всяких экономических известий, опытов, открытий...» («Иктисадий магазин ёки Экономикага доир ҳар хил ахборотлар, тажрибалар, кашфиётларни... тўплаш») (1789 йил) деган журнал учун тузилган ана шундай кўрсаткич бўлиб унда қўйидагиларга ўхшаш рубрикалар бор эди:

Антонов ўти, қандай даволаниши керак

Тери касалликлари қандай сув йўқотади

Сигир сути, қандай тузалади.

Шундай қилиб, предметлаштириш методи асарларни тасвирлаш пайтида дастлаб сарлавҳадаги биринчи сўзни ажратиб кўрсатишдан, сўнгра ундаги муҳим (маъно жиҳатидан) отни, ниҳоят, асар мазмунини ифодалайдиган тушунчаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш сари тараққий этиб борди. Кейинчалик бу предмет каталогини тузишга олиб келди.

XIX асрда алфавит каталогларда китоблар баъзан автор ва сарлавҳа номи остида икки марта акс эттирилар эди. Кейинчалик сарлавҳа остида бериладиган тасвирни предмет сарлавҳаси тагида бериладиган тасвир билан алмаштира бошладилар. Каталогнинг ўзига хос турли — бир алфавит қаторининг ўзида айрим китобларнинг тасвирларини бирга қўшадиган (автор ёки сарлавҳа номи остида) ва предмет рубрикаларини ҳам бирга қўшадиган лугат каталоги юзага келди.

Бу каталог биз учун фақат тарихий жиҳатдангина қизиқарлидир, чунки унинг тузилиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, предметлаштириш методини қўлланиш билан боғлиқ эди.

Лугат каталоги турли мамлакатларда маълум даражада қўлланилди. Масалан, 1887 йилда Брюсселдаги (Бельгия) Қирол кутубхонаси фонди учун, Германияда — Мюнхендаги Университет кутубхонаси фонди учун (1909 йилда) ва ҳоказо кутубхоналар фонди учун лугат каталоги тузилган эди.

Лугат каталоги АҚШ кутубхоналарида ниҳоятда тараққий этиб, у ҳозирги вақтга қадар асосий каталог бўлиб ҳисобланмоқда.

1874—1882 йилларда машҳур америкалик кутубхонашунос Ч. Кеттер Бостон халқ кутубхонаси қироатхонасининг фонди учун беш томлик лугат каталоги нашр этди. У ана шу каталогни

тузиш тажрибасини, шунингдек кутубхоналарнинг бундан олдинги ҳамма иш тажрибасини ҳисобга олиш асосида 1876 йилда «Луғат каталоги учун қоидалар»ни нашр этган эди. Бу қоидаларда алфавит каталогини сарлавҳалар каталоги билан эмас, балки предмет каталоги билан бирлаштириш тавсия қилинган эди. Предмет каталогида китобларнинг предмет белгиси сарлавҳасига қараб эмас, балки мазмунига қараб белгиланарди. АҚШ да ҳозирга қадар бу «Қоидалар»дан фойдаланилмоқда.

Кутубхоналарда луғат каталоги билан бир қаторда предмет каталоги ҳам қўлланиб келинган. Масалан, предмет каталоги Швейцариянинг Цюрих шаҳар кутубхонасида (1837—1897 йиллар) тузилган, 80-йилларда Британия Музейи кутубхонасида қўлланилган эди. Бирмунча кейинроқ Германиянинг вақтли матбуотида системали ва предмет каталогларининг нисбий афзаликлари масаласи юзасидан ҳатто мунозара ҳам юзага келган эди.

Россияда ҳам предмет каталоги асосан илмий кутубхоналарда қўлланилади. Масалан, у Киев университети кутубхонасининг студентлар бўлимида ташкил этилган эди (XIX асрнинг 70-йилларида), Бадиий Академия кутубхонасида (1900 йил арафасида тузилган), Давлат думаси кутубхонасида (1912 йил) тузилган эди ва ҳоказо.

XIX аср охири—XX аср бошларида предмет каталогининг қўлланилишига мазмуни барқ уриб ўсаётган саноат, фан ва маданиятнинг тараққий этиши билан боғлиқ бўлган китобларнинг босилиб чиқиши сабаб бўлган эди. Системали каталог тузиш учун фойдаланилаётган мавжуд классификациялаш схемалари кутубхоналарнинг талабларини қондира олмас эди, чунки уларда ижтимоий турмуш, фан ҳамда техниканинг ўша пайтдаги масалаларига бағишланган асарларни классификациялаш учун тегишли бўлинмалар йўқ эди. Предмет каталогида эса унинг структурасига оид хусусиятлар туфайли ҳар бир янги масала учун жой топиш осон эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кеёнин СССРда кутубхона қурилишининг кенг кўламда тараққий этиши кутубхонашуносликнинг энг муҳим проблемаларини янги позицияларда туриб ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

Совет кутубхоналарида каталогларни ташкил қилиш масалалари РСФСР илмий кутубхоналарининг I ва II конференцияларда (1924 ва 1926 йилларда) биринчи марта чуқур қараб чиқилади. Чунончи совет кутубхонасида каталоглардан қай бирি системали каталог асосий каталог бўлиши керакми, ёки предмет каталоги асосий каталог бўлиши керакми, деган масала муҳокама мавзуига айланди. Китобхонга дурустлоқ хизмат кўрсатиш учун системали каталог билан бир қаторда предмет каталоги ҳам тузиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб эътироф этилди.

Системали каталогнинг ўзи халқ хўжалигини тиклашдан уни социалистик асосда қайта қуришга ўтиш даврида кутуб-

хоналар олдида турган вазифаларни бажариш имконини бер-
мас эди.

Китобларни классификациялашнинг эски схемалари, шу жум-
ладан қисман қайта ишлаб чиқилган Ўни классификация маз-
муни совет воқелиги учун характерли бўлган, яъни проблемалар-
дан ташкил топган асарларни акс эттиришда кутубхоналарнинг
эҳтиёжларини қондира олмас эди. Предмет каталоги техникага
доир китобни кенг китобхонлар доираси ораспга самаралироқ
олиб киришга, мутахассисларнинг талабларини тўлиқроқ қонди-
ришга имкон берди. Айни биринчи беш йиллик даврида баъзи
кутубхоналарнинг (Ленинграддаги М. Е. Салников-Шчедрин
номли Давлат ҳалқ кутубхонаси, Москвадаги Озиқ-овқат саноати
министрлиги кутубхонаси, ВЦСПСнинг Илмий кутубхонаси ва
бошқа кутубхоналарнинг) предмет каталоглари тузга бошлаган-
ликлари тасодифий бир ҳол эмас эди.

Бу даврда предмет каталогини ташкил қилишга чет мамла-
катлар тажрибаси яхши таъсир кўрсатди. Масалан, каталоглар
тузишга, шунингдек предмет каталоги бўйича чиқарилган баъзи
қўлланмаларнинг (масалан, А. Покровский ва Е. Шам-
шев в. Система рубрик и ссылок предметного каталога (Предмет
каталогининг рубрикалари ва йўналтиргичлари системаси),
1928 йил мазмунига кутубхонани предметлаштириш юзасидан
Вашингтонда бўлиб ўтган конгресснинг методикаси таъсир этди.
Ана шу методикага биноан мамлакатлар бўйича қўйидаги тарз-
да адабиёт комплексларини тузиш тавсия этилган эди:

Россия—Тарих—Декабрь қўзғолони. 1825.

Россия—Тарих—Рус-япон уруши. 1904—1905 (ва ҳоказо).

Шундай қилиб, рубрикалар асар бағищланган конкрет бир
масалани аниқлашдан эмас, балки мамлакат номидан бошланар
эди, бу нарса материални предмет каталогида группаларга аж-
ратиш характерига ҳамда конкрет масалага доир аниқ маълу-
мотни тез топиш вазифасига мос келмас эди.

20- йилларда гап фақат илмий ва маҳсус кутубхоналардагина
эмас, балки оммавий кутубхоналарда ҳам предмет каталогини
жорий қилиш тўғрисида борган эди. Масалан, оммавий кутубхо-
наларда предмет каталоги тузиш масаласи Боз сиёсий-оқартув
комитетининг шаҳар бўлими ва ВЦСПС Маданият бўлими томо-
нидан 1927 йил декабрда кутубхона ишчини ихчамлаштириш юза-
сидан чақирилган Конференция кун тартибига қўйилган эди.
Кенгаш сиёсий-оқартув ва касаба союз кутубхоналарида предмет
каталоги тузиш тўғрисида қарор чиқарди: яъни китоблар учун
предмет каталоги жорий қилишни бошлаш, янги ташкил этил-
ган кутубхоналарда эса системали каталогдан предмет каталогни
ни афзал деб билиш тавсия этилди. Бу кўрсатма баъзи кутуб-
хоналарда қисман амалга оширилди. Лекин кутубхонада фақат
предмет каталогининг мавжудлиги китобни пропаганда қилиш
ва китоб ўқишига раҳбарлик қилиш имкониятларини ниҳоятда
чеклаб қўяр эди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1933 йил 8 октябрда «Мустақил билим олиш ишини яхшилаш түғрисида» қабул қилган қарори системали каталогнинг етакчи роль ўйнашини эътироф этишда фоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мустақил билим олиш билан шуғулланувчилар учун китобларнинг тасвиirlарини маълум бир мантиқий изчилликда жойлаштириш зарур эди, предмет рубрикаларининг алфавит тартибида тузилган ва шу сабабли системали ўрганиш учун адабиётни танлаб олиш имконини бермайдиган предмет каталоги эса бу мақсадга жавоб бермас эди.

1936 йил декабрда кутубхонашунослик ва библиографиянинг назарий масалаларига бағишлилаб ўtkазилган Қенгашда кутубхона ишининг кўпгина асосий масалалари муҳокама қилинди, асосий эътибор оммавий кутубхоналарда каталогларнинг қандай аҳволда эканлигига қаратилди.

Каталоглар тузиш методикасида бир хиллик йўқлиги ва оммавий кутубхоналарда каталоглаштириш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги қайд қилиб ўтилди. Қенгашда системали каталогни предмет каталоги билан алмаштириш тенденцияси оммавий кутубхоналар китобхонларининг эҳтиёжларини характеристига зид нарса эканлиги кўрсатиб ўтилди. Оммавий кутубхоналарга биринчи навбатда системали каталог тузиш, фонднинг системалаштириш воситалари билан етарлича ёритилмайдиган қисми учунгина предмет каталоги тузиш тавсия этилди.

Предмет каталогини мустақил каталог эмас, балки каталоглар системасининг тарқибий қисми деб ҳисоблаш таклиф қилинди. Шу боисдан уни тузиш пайтида системали каталогнинг мавжудлигини ҳисобга олиш талаб этилган эди. Кутубхоналарда алфавит каталог билан системали каталог мажбурий каталоглар деб, предмет каталоги эса фақат матлуб каталог деб эътироф қилинди.

Шундай қилиб, библиография ва кутубхонашуносликнинг назарий масалаларига бағишлиланган Қенгашда предмет каталоги кутубхона каталогларининг умумий системасида системали каталогга қўшимча каталогдир деб белгилаб қўйилди.

40- йилларнинг охири — 50- йилларнинг бошларида баъзи илмий кутубхоналарда (Давлат ҳалқ тарихий кутубхонаси ва В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасида) предмет каталогини жорий қилиш мақсадга мувофиқ эмас, деган масала қўйилган эди. Аммо иш тажрибаси бу нуқтаи назарнинг хато эканлигини кўрсатди. Предмет каталоги маҳсус ва йирик универсал кутубхоналарда фойдалидир, албатта, чунки у китобхонларнинг айрим тор масалаларга доир эҳтиёжларини тезда қондириш имконини беради.

Хозирги пайтда техникага доир адабиёт фондини ёритишда предмет каталогининг аҳамияти жуда кучайиб кетди. Партия-нинг коммунизм моддий-техника базасини яратиш, ҳалқ ҳўжалигимизни электрлаштириш ва химиялаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги қарорларида қўйилган вазифалар

кatalogлардаги техникага доир адабиётни ҳар жиҳатдан ёритиб беришни талаб этади. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидан меҳнатнинг илғор методлари тўғрисидаги, фойдаланилган хом ашё ҳамда саноат маҳсулотининг янги турлари ҳақидаги адабиёт предмет каталогида янги предмет рубрикаларини оператив тарзда ва ўз вақтида тузиш йўли билан айниқса тўлиқ ёритилиши мумкин.

В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси техникага ва физика-математикага оид адабиёт фонди учун предмет каталоги тузга бошлади.

Китоб токчалари ёнига бемалол бориш кенг жорий этилганлиги муносабати билан Ленинградда 1961 йил декабрда худди шу масалага бағишлиб ўтказилган кенгашда йирик оммавий кутубхоналарда техникага доир адабиёт фонди учун системали каталог билан бир қаторда предмет каталоги ҳам тузиш истаги билдирилган эди. Масалан, ҳозир Ленинграддаги В. Маяковский номли марказий шаҳар кутубхонасида предмет каталоги бор. Предмет каталогини ташкил этиш китобхонлар токчалар ёнига бемалол кириб борган пайтида уларда фонднинг соҳали мазмунни ҳақида бაъзи дастлабки тасаввур ҳосил бўлганилиги билан ҳам асослаб берилади. Китобхонлар предмет каталогидан фойдаланган тақдирларидагина предметлар юзасидан адабиётни танлай ола биладилар.

Матбуот асарларини предметлаштириш методикаси

Предмет рубрикаси Предмет каталогида материал предмет рубрикалари остига жойлаштирилади. Матбуот асарини предмет каталогида акс эттириш учун унинг мазмунини таҳлил қилиб чиқиш ва шунга мувофиқ тарзда мазкур асарда кўриб чиқилаётган предметни аниқлаб олиш лозим.

Китоб мазмунида бир қанча масалалар ёритилган ҳолларда уни каталогда ҳар хил мазмундаги предмет рубрикалари остида акс эттириш мумкин. Масалан, гап эртаги карам ва картошка этиштириш тўғрисида борадиган китобга иккита рубрика: *Карам ва Картошка* рубрикалари берилади.

Кутубхоначи китобларни классификация қилиш пайтидаги сингари китобнинг предметини аниқлаш мақсадида унинг мазмунни билан қисқача танишиб чиқмоғи керак. Титул варагдаги маълумотлар ва нашриёт аннотацияси билангина (агар шундай аннотация бўлса) танишиб қўя қолиш кифоя қилмайди, чунки улар китоб тўғрисида умумий тасаввур беради, холос.

Предметлаштирувчи кишининг предметлаштириш ишини енгиллаштириш учун унинг олдида ҳар хил справка нашрлари (энциклопедиялар, лугатлар, справочниклар) бўлиши керак. Уиш жараёнда масаланинг моҳиятини аниқлаш, бирор терминнинг аҳамиятини билиб олиш, бир предметнинг бошқа предмет-

лар билан алоқасини аниқлаш ва ҳоказолар учун ўша справка нашрларига мурожаат этади.

Агар ҳамма ишлар қилиниб бўлгандан кейин ҳам китоб предмети кутубхоначига бари бир аниқ бўлмай қолса, мутахассислар билан маслаҳатлашиб олиш зарур, одатда китобхонлар орасида бундай мутахассислар топилади. Китоб бағишиланган предмет ёки предметлар аниқ белгилаб олингандан кейингина предмет рубрикаларини ифодалашга ўтилади.

**Оддий ва мураккаб
рубрикалар** Предмет рубрикаларининг тузилишига қараб уларни икки турга — оддий ва мураккаб рубрикаларга ажратадилар.

Оддий предмет рубрикаси предметнинг фақат ўз номиданги на иборат бўлади, масалан:

| | |
|---------|--------------------|
| Болтлар | Тракторлар |
| Сув | Электр станциялари |

Бироқ кўпинча материални предмет рубрикаси ичида предметнинг бир қанча қўшимча белгилари бўйича бўлиб чиқиш зарурати туғилади. Муайян предмет тўғрисидаги китобларнинг жуда кўпайиб кетганлиги кўпинча материални ана шу тарзда бўлиб чиқишга сабаб бўлади. Бу ҳолда мураккаб предмет рубрикаси қўлланилади, у икки қисмдан ёки ундан кўпроқ қисмдан — рубрика ва рубрикачаларнинг асосий қисмидан ташкил топади. Асарда гап қайси предмет ёки масала тўғрисида борса, рубрикашнинг биринчи қисмida ўша предмет ёки масаланинг номи берилади. Рубрикачаларда предмет тўғрисидаги қўшимча маълумотлар, предметни тадқиқ этишга доир у ёки бу нуқтаи назарлар кўрсатилади, масалан:

Атом энергияси — Тинчлик мақсадларида фойдаланиш
Буғдой — Волгабўйи.

Рубрика ичида жузъий бўлинмалар ҳосил қилиш маъқул деб топилган пайтларда рубрикачалардан фойдаланилади.

Масалан, автомобиллар ремонтни тўғрисидаги брошурага кутубхонанинг профили ва ундаги мавжуд адабиёт ҳажмига қараб ё Автомобиллар деган оддий рубрикани, ёхуд Автомобиллар—Ремонт деган мураккаб рубрикани бериш мумкин.

Матбуот асарларининг тасвиirlари ҳам рубриканинг тузилишига мувофиқ жойлаштирилади. Масалан, агар китобга Автомобиллар рубрикаси берилган бўлса, тасвир ана шу рубрика бирлаштирган асарларнинг умумий алфавитига киритилади.

Борди-ю, китобга Автомобиллар—Ремонт деган мураккаб предмет рубрикаси берилган бўлса, у худди шу тематикадаги бошқа китоблар билан бирлаштирилади ва Автомобиллар рубрикасидан кейин жойлаштирилади.

Рубрикалар ва рубрикачалар бош ҳарф билан ёзилади ва бир-биридан тире ёрдамида ажратилади, масалан: *Буг турбиналари—Ишлаб чиқариш*.

Предмет рубрикаларини ифодалашга қўйиладиган умумий талаблар

Китоб бағишланган масала предмет рубрикасида аниқ ва ҳамма эътироф этган ном остида акс эттирилади. Бундан ташқари, агар буни предмет характери талаб этадиган бўлса, рубрикада предметга берилган идеологик баҳо, у қандай нуқтаи назардан кўриб чиқилаётгани, шунингдек китобнинг баён этилиш услугини ва қандай китобхонларга мўлжалланганлиги кўрсатилади. Предмет рубрикаси ҳозирги замон терминологиясини қўлланган ҳолда сиёсий ва илмий жиҳатдан тўғри ифодаланмоғи керак.

Предмет рубрикаси ўз мазмунининг кўлами жиҳатидан асарнинг асосий темасига маълум даражада аниқлик билан мос келиши мумкин. Мазмуннинг кўлами жиҳатидан китобнинг асосий темасига тўла мос келадиган тор предмет рубрикаси деб аташга одатланиб қолинган. Масалан, агар китобда реактив самолётларни синаш асосий тема бўлса, унга асосий темани етарли даражада тўлиқ ва аниқ акс эттирадиган *Реактив самолётлар—Синаш* деган рубрикани бериш мумкин.

Мазмуни предметлаштириладиган асарнинг асосий темасидан кенгроқ бўлган предмет рубрикаси кенг предмет рубрикаси деб аталади. Масалан, юқорида эслатиб ўтилган китобга «*Самолётлар—Синаш* деган кенг рубрика берилиши мумкин, лекин бу рубрика самолётларни (фақат реактив самолётларнигина эмас) синашнинг умумий масалаларига бағишлиган китоб учун тор рубрика бўлиб қолади.

Фақат тор предмет рубрикалари ёки кенг предмет рубрикаларини қўлланиш шарт, деб айтиб бўлмайди. Кутубхона олдида биринчи навбатда мамлакат сиёсий хўжалик, илмий ва маданий ҳаётининг энг муҳим масалаларига оид адабиётни актив пропаганда қилиш вазифаси туради. Предмет рубрикаларини ифодалаш пайтида ҳам ана шу вазифани назарда тутиш лозим.

Матбуот асарининг мазмунини аниқ акс эттирадиган рубрика танлаш китобда кўриб чиқиладиган масаланинг муҳимлик даражасига, муайян кутубхона китобхонларининг қизиқиш ва эҳтиёжларига, кутубхона китоб фондининг состави ҳамда миқдорига ва бошқа каталог ҳамда картотекаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Масалан, шаҳар кутубхонасида, эҳтимол дуккакли ўсимликларнинг алоҳида турларига оид адабиётни:

Ловия
Лўя
Нўхат
Соя

деб ажратиш учун тор рубрикалар тузиб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак.

Бундай кутубхонада юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларга доир ҳамма адабиётни анча кенгроқ: *Дуккакли ўсимликлар* рубрикаси остида бирлаштириш маъқулроқ бўлади, чунки шаҳар

кутубхонасида дуккакли ўсимликларнинг айрим турларига оид адабиётнинг кўплаб тўпланиши даргумон, китобхонлар ҳам бу ўсимлик турларига доир адабиётни камдан-кам сўраб келадилар.

Худди шу мулоҳазаларга кўра, масалан, картошкани дурагайлаштиришнинг айрим масалалари оид:

Картошка — Дурагайлаштириш, вегетатив

Картошка — Дурагайлаштириш, жуфтларни танлаш

Картошка — Чатишмаслик, енгиш

Картошка — Чатиштириш

Картошка — Чатиштириш, такрор,

каби тор рубрикалар қўлланиб ўтириш мақсадга мувофиқ эмас.

Бу адабиётнинг ҳаммасини кенг мазмундаги: *Картошка — Дурагайлаштириш* умумий рубрикаси остида тўплаш анча мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Қишлоқ хўжалик проблемалари устида ишлайдиган олимлар ва агрономларга мўлжалланган маҳсус қишлоқ хўжалик кутубхонасида эса юқорида келтирилган мисолларда тор рубрикаларни бериш мақсадга мувофиқdir, чунки мутахассис китобхонни бу алоҳида масалаларнинг ҳар бири қизиқтириши мумкин.

**Рубрикачаларнинг
турлари** Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, рубрикачалар ёрдамида предметнинг сиёсий характеристикасига, географик нуқтаи назарга ва китобда кўриб чиқиладиган предметнинг чеклаб қўйиладиган хронологик доирасига ва ҳоказоларга асосланиб, предмет тўғрисидаги баъзи қўшимча маълумотларни аниқлаш мумкин. Баъзан китобнинг қандай китобхонларга мўлжалланганини, унинг баён этилиш услубини кўрсатиб ўтиш ҳам муҳим. Шу мақсадда рубрикачаларнинг ҳар хил турлари қўлланиб, улар воситасида китобларнинг мазмуни аниқлаб олинади, гайдан предметнинг муҳим томонлари алоҳида ажратиб кўрсатилади ва натижада материал рубрика ичida янада майдароқ бўлинмаларга тақсимланади. Шундай қилиб, рубрикачалар бутун материални предмет рубрикасида ичida анча мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Агар эҳтиёж туғилса, рубрикачаларда асарларда фикр юритилган масалаларнинг сиёсий аҳамияти, идеологик моҳияти, шунингдек, авторнинг муайян масалада тутган позицияси кўрсатиб ўтилади. Масалан, малтиусчилик марксча-ленинча позицияларда туриб тўғри танқид қилинган асарни предметлаштиришда предмет рубрикасида ана шу нарса кўрсатилиб, унга тегишли рубрикача: *Мальтиусчилик—Марксча-ленинча танқид* киритиб қўйилмоги керак.

Рубрикачаларда предмет қараб чиқиладиган нуқтаи назар кўрсатилган бўлиши мумкин, масалан:

Тўсинлар — Зўр келиш

Водопровод — Музлаш

Об-ҳаво — Об-ҳаво маълумоти

Сут маҳсулотлари — Даволаш мақсадида қўлланиш.
Бундай характердаги рубрикачалар **тематик рубрикачалар** деб аталади.

Китобда кўриб чиқиладиган воқеа ёки у билан боялиқ равишда қараб чиқиладиган предмет қайси территорияда рўй берса, бу территория рубрикачалар воситасида кўрсатилиши мумкин. Булар **географик** рубрикачалардир, масалан:

Кўллар — Карелия АССР

Қора буғдой — Етиштириш — Волгабўйи

Қит овлаш касби — Антарктида

Кўриб чиқиладиган воқеа ва масала чегаралаб қўйиладиган вақтни кўрсатувчи рубрикачалар хронологик рубрикачалар деб аталади. Бунда асрлар, йиллар ва ҳоказолар вергул билан ажратган ҳолда кўрсатилади, масалан:

Ирригация — Ҳиндистон, XX аср

Қуёш тутилиши, 1963

Матбуот асарларининг баён этилиш характеристи, қандай китобхонларга мўлжалланганлиги ёки нашр тури акс эттирилган рубрикачалардан бу характеристика улардан фойдаланиш учун ниҳоятда муҳим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Муайян масала дарслик ёки справочника, программа ёки илмий-оммабоп китобда кўриб чиқилаётганига китобхон унчалик бефарқ қарамайди. Предмет рубрикасини ифодалашда ана шу ҳолни кўрсатиб ўтиш лозим. Масалан, спектрал анализ масалаларига доир адабиёт библиографиясига бу нашрнинг характеристини кўрсатиб берадиган **Спектрал анализ — Библиография** рубрикаси берилади.

Граммофон пластинкалар каталогига ҳам худди шундай **Граммофон пластинкалар — Каталоглар** рубрикаси берилади. Бу баён этилиш формаси деб аталадиган рубрикачалардир.

Шундай қилиб, предметнинг энг муҳим томонлари тўғрисидаги адабиёт рубрикачалар ёрдамида алоҳида ажратиб қўйилади ва шу муносабат билан материал рубрика ичida мазмуни жиҳатидан янада майдароқ группаларга бўлиб юборилади. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, предмет каталогидаги ортиқча деталлаштириш китобхонларнинг ўзлари учун керакли материалларни қидириб топишларини қийинлаштиради, холос.

Предмет рубрикасида Китобхоннинг ўзини қизиқтирган масалага доир адабиётни тез ва осон қидириб сўзларнинг ўрнини ал-топиши рубриканинг қандай ифодалан-маштириш (инверсия) ганлигига боялиқ бўлади. Адабиётни осонгина топиб олиш бирор материалнинг предмет каталогига қаерга жойлашганилиги билан боялиқдир, чунки предмет каталогига матбуот асарларининг тасвирлари предмет рубрикачаларининг алфавит тартибида группаларга ажратилади. Шунинг учун рубриканинг ифодаланиши айни битта предмет тўғрисидаги материалларни имкони борича бирлаштириши, китобхоннинг каталогдан фойдаланишини осонлаштириши лозим. Шу муносабат билан предмет рубрикасида предметни аниқлашдаги асосий

етакчи тушунчани — предметнинг ўз номини ёки унинг муҳим белгисини биринчи ўринга чиқариб қўйиш муҳимдир.

Предмет рубрикасидаги биринчи сўз (шу сўз ёрдамида алоҳида предмет предмет тўғрисидаги адабиёт комплекси ҳосил қилинади) етакчи сўз деб аталади. Шу сўзга қараб муайян кутубхонанинг конкрет амалий вазифаларига мувофиқ тарзда алоҳида предметга оид адабиётнинг бирор комплекси тузилади. Масалан, темирийўл институти кутубхонасида *Вагонлар* рубрикаси билан бир қаторда анча тор рубрикалар: *Пассажир вагонлари*, *Ёник вагонлар*, *Изотермик вагонлар*, *Купели вагонлар*, *Вагонлар — самосваллар*, *Юмшоқ вагонлар*, *Қаттиқ вагонлар* ва ҳоказо рубрикалар ҳам бўлиши мумкин, чунки бу масалаларга доир адабиёт кутубхонада етарлича бўлиб, бу рубрикалар мутахассис темирийўлчининг эҳтиёжларига мос бўлади.

Темирийўл ишига доир адабиёт китобхонлар учун асосий адабиёт ҳисобланмайдиган кутубхонада умуман вагонлар тўғрисидаги ва хусусан вагонларнинг ҳар хил турлари ҳақидаги китобларни *Вагонлар* — деган умумий рубрика остида ёки бир қанча рубрикалар остида, аммо каталогнинг бир жойига қўйида-ги тарзда бирлаштирилган ҳолда тўплаш мумкин:

| | |
|---------------------|-----------------------|
| Вагонлар | Вагонлар, купели |
| Вагонлар, қаттиқ | Вагонлар, юмшоқ |
| Вагонлар, изотермик | Вагонлар, пассажир |
| Вагонлар, ёпик | Вагонлар, самосваллар |

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, бунга рубрикада-ги сифатни иккинчи ўринга кўчириш билап эришилади.

Инверсия туфайли ҳар хил турдаги вагонлар тўғрисидаги ҳамма адабиётни бу кутубхонада бир ерга тўплашга (бу ернинг ўзида уларнинг алоҳида турларини ҳам ажратган ҳолда) эриши-лади, темирийўл институтининг маҳсус кутубхонасида эса каталогнинг турли жойларига қўйилган вагонларнинг алоҳида турлари тўғрисидаги мустақил рубрикалардан инверсиясиз фойдаланиш усули ўзини оқлаган.

Шундай қилиб, кутубхонанинг типи ва вазифаларига, китобхонлар талабларининг характерига, китоб фондларининг составига қараб кутубхона рубрикани ифодалашда инверсияни қўлланиш ёки қўлланмаслик масаласини ҳар бир конкрет ҳолда ҳал этиши лозим.

Инверсияни қўлланиш тўғрисида баъзи бир умумий қондларни белгилаб олиш мумкин.

Жуда кўп ва ниҳоятда хилма-хил предметларнинг белгиларини характерлаб берадиган сифатларни (масалан, предмет ясалган материални характерлаб берадиган сифатларни: металл ўйинчоqlар, тунука том, металл идиш-товоқ ва ҳоказоларни) барча кутубхоналарда инверсиялаш мақсадга мувофиқдир. Агар бу ҳолда инверсия қўлланмаса, тасодифий адабиёт комплекслари ҳосил бўлиб, уларда ҳар хил предметлар тўғрисидаги материал тўпланади. Бироқ баъзи маҳсус кутубхоналарда фа-

қат материалнинг белгиси қизиқиш туғдириши мумкин. Масалан, йўл қурилиши ва кўприк қурилишига оид кутубхонада сифатни инверсиялашдан воз кечиш ҳамда йўллар ва кўприкларнинг алоҳида турларини уларнинг материали белгисига қараб мустақил рубрикалар билан ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳолда материал қурилиш конструкцияси ва технологиясини белгилаб беради, масалан:

Асфальтланган йўллар
Ғўла ётқизилган йўллар
Тупроқ йўллар ва ҳоказо

Ёғоч кўприклар
Темир-бетон кўприклар
Тош кўприклар
Металл кўприклар ва ҳоказо

Отнинг ўзи муайян сифатсиз ҳам предметнинг конкрет мөхиятини ифода этмайдиган нарсага айланиб қолган пайтларда одатда сифатлар инверсияси қўлланилмайди, масалан, қўйидаги предмет рубрикаларида инверсия қўлланилмаслиги керак:

Фалла ташувчи машиналар
Врубка машиналари

Кўтарма машиналар
Тикув машиналари

Келтирилган барча ҳолларда муҳим белги сифатларда ифодаланган, машина деган от эса бу тушунчаларни бирлаштирувчи белги бўлиб хизмат қила олмайди.

Социалистик революция; буржуа революяси; буржуа-демократик революяси сингари рубрикаларда ҳам сўзларнинг ўрнини алмаштириш воситасида ифодани ўзгартиришга йўл қўйиб бўлмайди.

«Коммунистик», «социалистик», «буржуа», «буржуа-демократик» деган сўзлар воқеаларнинг синфий мөхиятини ифодалайди. Бу ҳолда сўзларнинг ўрнини алмаштириш предметлар ва воқеалар тўғрисидаги адабиётни идеологик жиҳатдан бирга сиғдириб бўлмайдиган, мутлақо қарама-қарши адабиёт билан бир рубрикада бирлаштиришга олиб бориши мумкин.

Одатда, ҳамма томонидан эътироф этилган терминларда, илмий фанлар, тарихий воқеалар номларида, географик номларда инверсия қўлланилмайди, масалан: тригонометрия функциялари, Торичелли бўшлиғи, Объ ҳавzasи ва ҳоказо.

Баъзан рубрикачаларда ҳам инверсия қўлланилади, чунки материалини рубрика ичida мантинан жойлаштириш уларнинг ифодасига боғлиқ бўлади.

Рубрикачаларда инверсияси бўлган предмет рубрикаларни ифодасига доир бир қанча мисоллар келтирамиз:

Фалла—Янчиш Кartoшka—Ўғитлар

Фалла—Янчиш, иирик қилиб Kartoshka—Ўғитлар, минерал

Фалла—Янчиш, майдалаб Kartoshka—Ўғитлар, органик

Фалла—Янчиш, умуман

Фалла—Янчиш, ўртача

Келтирилган мисолларда фалла янчиш тўғрисидаги ва картошка ўғитлари ҳақидаги ҳамма адабиёт фалла янчиш ёки картошка ўғитларнинг ҳар хил турларини характерлаб берадиган сўзлар ўрнини алмаштириш воситасида бир ерга тўпланади. Акс

ҳолда материал рубрика ичида умумий рубрикача остида бир жойга тўпланмаган, балки бошқа мазмундаги бир қанча рубрикачалар билан алмашиниб кетган бўлар эди, масалан:

Картошка—Таъм сифатлари Картошка—Органик ўғитлар

Картошка—Минерал ўғитлар Картошка—Экиш

Картошка—Ишлов бериш Картошка—Ўғитлар

Шундай қилиб, рубрикачаларда инверсиянинг қўлланилиши рубрика ичида муайян предмет тўғрисидаги бир хил материални тўплаш учун ҳам хизмат қиласди.

**Предмет рубрикаси-
нинг лугат состави
ва унинг синтаксиси** Предмет рубрикасини ифодалашда феъль-
лар, олмошлар ва равишлардан ташқари
барча сўз туркumlари ишлатилади. Шун-
дай қилиб, от предмет рубрикаси бўлиб
хизмат қилиши мумкин, масалан: *Бетон, Диққат, Кўприклар*.

Кўпинча от ва сифат бирикмалари ҳам қўлланилади, масалан: *Генератор гази, Йўл ишлари, Сув-насос қурилмалари*.

Предмет каталогида сўзлар билан бир қаторда арабча ра-
қамлар ҳам қўлланилиб, улар воситасида хронологик рубрика-
чаларда вақт даври ёки сана белгиланади, масалан:

Қўёш тутилишлари, XX аср

Совет ҳалқининг Улуғ Ватан уруши, 1941—1945

Предмет рубрикалари ва рубрикачаларини ифодалашда, одатда, сўзларниң қисқартирилишига йўл қўйилмайди, чунки улар китобхон учун тушун ёсиз бўлиб қолиши мумкин. Лекин қисқартишлар адабиётда ҳаммага маълум ва ҳамма эътироф этган пайтдагина улар ўзини оқлайди. СССРнинг маъмурий тер-
риториал бўлинishлари, айрим ташкилотлар ва шу сингарилар-
ниң номларига оид қисқартишлар ана шундай қисқартишлар-
дир, масалан: УССР, Ленингр. обл. ВЛКСМ, совхозлар.

Предмет рубрикаларини кўплик сонида ифодалаш қабул қи-
линган. Кўплик сонига эга бўлмаган сўзларгина, масалан: тур-
муш, ҳаво, олтии, буғдой ва ҳоказоларгина бирлик сонида бе-
рилади.

Предмет рубрикасини ифодалаш пайтида фан ва практикада ҳамма томонидан қабул этилган терминлар қўлланилади. Чет тили терминлари умум томонидан қабул этилган тегишли русча (ўзбекча) терминлар мавжуд бўлмаган ёки бу терминлар чет тили терминларига нисбатан кам бўлган ҳолларда қўлланилади. Масалан, Аэроплан термини *Самолёт* деган тегишли русча тер-
мин билан, лекин эскириб қолган *Сил касаллиги* деган ўзбекча термин барча томонидан қабул этилган *Ўпка сили* термини би-
лан алмаштирилади.

Бекор қилинган терминдан йўналтиргич берилади, масалан:

Аэропланлар қаралсин: *Самолётлар*

Сил касаллиги қаралсан: *Ўпка сили*

Илмий-техник терминологияда, адабий ва жонли тилларда кўпинча синонимлар, яъни шаклан ҳар хил, аммо мазмунан бир-
бирига тўғри келадиган ёки бир-бирига яқин бўлган сўзлар қўл-

ланилади, масалан: Отлиқ аскарлар ва Чавандозлар, Матбуот ва Матбаа.

Автор китобда синонимлардан қай бирини ишлатганлигидан қатъи назар, предмет рубрикалари учун улардан кўпроқ ҳамма томонидан қабул этилган бирортасигина танлаб олинмоғи керак, акс ҳолда китоб предмет каталогида материал алфавити тартибida жойлаштирилганлиги сабабли бир предметга бағишиланган китобларни бир жойга тўплаб бўлмайди.

Тилда омонимлар — айтилиши бир хил-у, мазмунан ҳар хил сўзлар ҳам учрайди. Масалан: «тўқима» сўзи тўқимачилик саноатидаги газлама маъносини, тирик организмдаги ҳужайралар группасини, ўйдирма, ёлғон нарса, деган маъноларни билдириши мумкин ва ҳоказо.

Агар омонимларнинг маъноси тушунтирилмаса, предмет рубрикасини ўқиш пайтида китобхонни янгиштириб қўйиши мумкин. Шунинг учун сарлавҳада омонимдан кейин муайян рубрика остида тўпланган адабиёт билимнинг қайси соҳасига кириши қавс ичидаги кўрсатилмоғи керақ, масалан:

Тўқима (тўқимачилик саноати)

Тўқима (биология)

Предмет рубрикаларини ёзиш пайтида қуйидаги тиниш белгилари қўлланилади: тире, дефис, вергул, қўштироқ.

Мураккаб предмет рубрикаларида тире ёрдамида унинг таркибий қисмлари, шунингдек, саналар бир-биридан ажратиб қўйилади, масалан:

Ҳосил — Йиғиб олиш — Тула области

Совет ҳалқининг Улуғ Ватан уруши, 1941—1945

Инверсияланадиган сўзни рубриканинг олдинги қисмидан вергул билан ажратиш қабул қилинган, масалан,

Вагонлар, ёпиқ.

Мураккаб сўзларда дефис қўлланилади, масалан:

Греция — Эрон урушлари

Китоб сарлавҳаси предмет рубрикасининг ифодасига кирадиган бўлса, қўштироқ билан ажратиб қўйилади, масалан: Маркс К. «Ёлланма меҳнат ва капитал» — Изоҳлар.

Предмет рубрикалари сўзлиги Предмет каталогини план асосида олиб бориши, унда муайян предмет ҳақидаги асосий адабиётни акс эттириш учун предметлаштиришга киришаётган пайтда предмет рубрикалари рўйхати (сўзлиги)га эга бўлиш муҳимдир; адабиёт ана шу рубрикалар остида группаларга ажратилади.

Сўзликлар (сўзлар рўйхати) билимнинг барча соҳаларига онд предмет рубрикаларини ўз ичига оловчи универсал сўзликлар ёки муайян тематика рубрикаларини ўз ичига оловчи соҳали сўзликлар бўлиши мумкин. Сўзликлар кутубхоналарнинг методик марказлари томонидан ишлаб чиқилмоғи ва муайян типдаги кутубхоналарда фойдаланиш учун босма тарзда нашр эттирилмоғи керак. Кутубхоналаримизда предмет каталоглари узоқ вақт қўл-

ланилмаганлиги сабабли бундай сўзликлар кўпдан буён нашр этилмади, илгари нашр этилганлари эса анча эскириб қолди.

Босма сўзликларнинг йўқлиги предмет каталогига эга бўлган кутубхонани ана шундай сўзликларни мустақил равища тузиб чиқишига мажбур этади. Тушунчаларни танлаб олиш ва рубрикаларни илмий жиҳатдан тўғри ифодалаш учун олий ўқув юртларининг программаларидан, дарсликлардан, маҳсус справочниклар ҳамда луғатлардан фойдаланилади. Билим ва техниканинг турли соҳаларида мутахассислардан маслаҳатлар олиб туриш ҳам фойдалидир.

Бутуниттироқ китоб палатаси томонидан нашр этиладиган босма карточкалар кутубхоналарга катта ёрдам беради, уларда тавсия этиладиган предмет рубрикалари кўрсатилади. Босма карточкаларнинг предмет каталоги тузишдаги аҳамияти ҳақида қўйироқда гапириб ўтилади.

Предмет каталогини ташкил қилиш

Предмет каталогини
тузиш ва уни
расмийлаштириш

Предмет каталогини ташкил қилиш муайян кутубхона олдида турган вазифалар, хизмат кўрсатиладиган китобхонларнинг қизиқишилари, кутубхона китоб фондларининг состави билан мустаҳкам боғлиқ бўлади ва кутубхона каталоглари системаси билан мувофиқлаштирилади.

Кутубхонада системали каталог мавжуд бўлган пайтда предмет каталоги, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, системали каталогни тўлдирувчи ёрдамчи каталог бўлади, шунинг учун унда кутубхоне инг бутун фондини эмас, балки унинг мъълум қисменигина акс эттириш мумкин. Масалан, илмий-техника кутубхонасида предмет каталогига муайян кутубхона китобхонларининг корхонадаги иши билан бевосита боғлиқ бўлган саноат тармоғининг техникиаси ва экономикаси масалаларига доир асарларнигина киритиш мақсадга мувофиқдир.

Агар кутубхонада системали каталог бўлмаса (баъзан маҳсус кутубхоналарда бундай каталогни қўлланмаслик ҳоллари учраб туради), предмет каталогида ҳамма адабиётни акс эттиришга тўғри келади, чунки бу ҳолда предмет каталоги фондни мазмун жиҳатидан ёритадиган бирдан-бир каталог бўлади.

Предмет каталогида марксизм-ленинизм асосчиларининг асарларини, партия ва ҳукумат қарорларини, фан ва техника нинг муҳим масалаларига доир энг яхши китобларни ёритишга катта эътибор бермоқ керак.

Предмет каталоги тузиш пайтида китобларнинг тасвиirlари берилган карточкалар ўзлари учун белгилаб қўйилган предмет рубрикаларига мувофиқ равища жойлаштирилади. Юқорида айтганидек, ҳозирги вақтда предмет рубрикаларининг босма сўзликлари деярли мавжуд эмас. Бундай шароитда предметлаштириш жараёнини предмет рубрикаларини ифодалашда

бүр хиллик ва система бўлишини таъминлайдиган сўзликни мустақил равишда тузиш билан бирга қўшиб олиб бормоқ зарур.

Китобларни предметлаштириш қанчалик пухталик билан борилмасин предмет каталоги тузишни карточкаларни предмет рубрикалари бўйича кўр-кўёна жойлаштиришдан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. **Тасвиirlарни предмет рубрикаларига киритиш** жараёнидагина рубрикада қайси адабиёт акс эттирилганиги, уни ўрганиб чиққандан кейин муаян предмет тўғрисида етарли даражада тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкинми ёки мумкин эмаслиги равshan бўлиб қолади. Агар бунда предмет рубрикасида муҳим масалага доир kitoblarning камлиги маълум бўлиб қолса, у ҳолда предметни янада тўлиқроқ ёритиш учун рубрикага журналлардан, тўпламлардан, асарлар тўпламларидан олинган энг муҳим мақолаларнинг тасвиirlарини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Предмет каталогидаги йўналтиргичлар Предмет каталогини ташкил қилишда мазмунан бир-бирига яқин бўлган рубрикаларни йўналтиргичлар ёрдамида бир-бири билан боғлаш муҳимдир. Бундай йўналтиргичларнинг мавжудлиги турли рубрикаларда акс эттирилган бир-бирига яқин предметлар ва темаларга доир адабиётни танлаб олишда ёрдам беради.

Предмет каталогида йўналтиргичларнинг икки тури: **яна қаралсин** деган сўзлар билан ифодаланадиган **боғловчи йўналтиргичлар** ва предмет рубрикаларини тематика жиҳатидан боғлаб, **қаралсин** деган сўз билан ифодаланадиган **йўналтирувчи**лар қўлланилади.

Боғловчи йўналтиргичлар китобхонга уни қизиқтирадиган масалага доир адабиётнинг тўлиқроқ комплексини қидириб топишга ёрдам беради, масалан, китобхон *Ишлаб чиқаришнинг илгор методлари* рубрикасини кўздан кечираётib, у ердан тематика жиҳатидан яқинроқ бўлган бошқа бир рубрикани: *Кашfiётчилик ва рационализация* рубрикасини топади.

Ишлаб чиқаришнинг илгор методлари яна қаралсин:

Кашfiётчилик ва рационализация.

Йўналтиргувчилар бир қанча синонимлар ёки айни битта масаланинг ўзига доир ҳамма томонидан эътироф этилган бир қанча бир хил ифодалар мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади. Предмет каталогида материал бирон бир рубрика остида тўплланган бир пайтда китобхон уни бошқача ифодаланган, бу каталогда қабул қилинмаган рубрика остидан қидириб қолиши мумкин. Бунда йўналтирувчи китобхонга ўзини қизиқтирган адабиётни қаердан қидириш кераклигини билиб олиш имконини беради, масалан:

Динамо-машиналар қаралсин: электр машиналар

Ракета двигателлари қаралсин: Реактив двигателлар

Муайян тушукчадан битта конкрет рубрикага йўналтириш мумкин бўлмаган ҳолларда (чунки предмет каталогида бу

адабиёт бир жойга тўпланмайди) китобхонга ўзи учун зарур материални қаердан қидириш ҳақида кўрсатма берилади, масалан:

Турли масалаларга оид справочниклар. Қаралсин:
рубрикачаси бўлган предмет номи остидан—справочниклар

Масалан:

Автомобиллар—Справочниклар

Шундай қилиб, йўналтиргичлар ва справка карточкалари китобхонларга каталогни билиб олишда, бинобарин, ўзлари учун зарур адабиётни танлаб олишда ёрдам беради.

**Предмет каталогида
материални жойлаштириш** Предмет рубрикалари предмет каталогига, юқорида айтиб ўтилганидек, алфавит тартибида жойлаштирилади. Агар рубрика бир неча сўздан иборат бўлса, унда аввал биринчи сўзнинг, кейин иккинчи сўзнинг, сўнгра ва ҳоказо сўзларнинг алфавит тартиби бу ерда келтирилган мисолда кўрсатилган тарзда эътиборга олинади:

| | |
|---------------------|--------------------|
| Паровозлар | Дурадгорлик ишлари |
| Буғ қозонлари | Об-ҳаво |
| Буғ турбиналари | Кутб доиралари |
| Сунъий чарм | Кутб мамлакатлари |
| Пластмассалар | Асаларилар |
| Дурадгорлик асблори | |

Агар рубрикада рубрикачалар бўлса, унда материал муайян рубрика ичига рубрикачалардан дастлаб биринчиси, сўнгра ундан кейингиларини алфавит тартибида жойлаштирилади, масалан:

| | |
|-----------------------------|-------------------------------------|
| Самолётлар | Самолётлар — Қанотлар — |
| Самолётлар — Деталлар | Деталлар |
| Самолётлар — Конструкциялар | Самолётлар — Қанотлар — |
| Самолётлар — Синаш | Конструкциялар |
| Самолётлар — Қанотлар | Самолётлар — Қанотлар, панжарали |

Предмет рубрикаси ичиди материални ташкил этишнинг бошқача тартиби ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, В. П. Кругликова ўзининг «Принципы и правила расстановки в предметном каталоге» (М., 1943) («Китобларни предмет каталогида жойлаштириш принциплари ва қоидалари») деган асарида муайян рубрика ичиди рубрикачаларни мантиқан группаларга ажратиш мумкин эканлигини кўрсатиб ўтади. Биринчи ўринга тематик рубрикачаларни, ундан кейин хронологик, географик рубрикачаларни ва асарни баён этиш формасини ифодалаб берадиган рубрикачаларни жойлаштириш тавсия этилади. Ҳар бир группа ичиди рубрикачалар (хронологик изчилликда жойлаштирилдиган хронологик рубрикачалардан ташқари) алфавит тартибида жойлаштирилди. Шундай қилиб жойлаштиришнинг бу усули алфавит тартибида жойлаштирилдиган рубрикаларнинг каталогдаги ўринин ўзгартирмасдан, фақат алоҳида рубрика ичидагина материални мантиқан группаларга ажратишни белгилаб беради.

Кўпчилик кутубхоналарда рубрика ва рубрикачаларни алфавит тартибида жойлаштириш тартиби қабул этилган бўлиб, кутубхоналарнинг иш тажрибаси бу тартиб китобхонга анча тушунарлироқ эканлигини кўрсатди.

Китобларнинг тасвирлари берилган карточкалар ҳар бир алоҳида рубрика доирасида худди системали каталог бўлинмаларида сингари жойлаштирилди, яъни биринчи ўринга марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, КПСС ва Совет ҳукуматининг қарорлари, сўнгра қолган барча асарлар авторларининг фамилиялари ҳамда сарлавҳалари алфавит тартибида қўйилди.

**Йўналтиргич ва справ-
ка карточкаларини
жойлаштириш**

Боғловчи йўналтиргичлар алоҳида карточкаларда келтирилиб, каталогдаги тегишли рубрикаларнинг бошланишига киритиб қўйилди. Бу усул қўлланилган пайтда китобхон рубрикага мурожаат қилиши биланоқ ўзи учун керакли материални қўшимча равишда қаердан қидириш кераклигини дарҳол билиб олади.

Баъзан йўналтиргичларни рубрика охирига жойлаштириш усулиниң қўлланилиши ноқулай усулдир, чунки бунда китобхон китобларнинг тасвирлари берилган ҳамма карточкаларни кўздан кечириб чиққандан кейингина ўзини қизиқтираётган материал каталогнинг бошқа жойида эканлигини билади.

Йўналтирувчилар китобхон қайси термин билан йўналтирилса, ўша терминнинг остига предмет рубрикаларининг умумий алфавит тартибида жойлаштирилди, масалан: *Аэропланлар қарабалсин: Самолётлар йўналтирувчисида йўналтирувчи Аэропланлар* сўзига қўйилади. Каталогда бу қуйидаги тарзда кўринади:

Олмослар

Аэропланлар қарабалсин: Самолётлар

Бетон

Тўсин

ва ҳоказо

Демак, агар китобхон ўзи учун керакли адабиётни Аэропланлар сўзи остидан қидирса, у Самолётлар рубрикаси учун йўналтиргични топади. Справка карточкаси бу карточканинг тексти бошланадиган биринчи сўзга қараб рубрикаларнинг умумий алфавит тартибида қўйилади.

Марказлашган предметлаштириш Предмет каталогарининг сифатини яхшилаш, китобларни предметлаштириш жараёнини тезлаштириш ва предметлаштирувчининг ишини енгиллаштириш учун марказлашган предметлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Марказлашган каталогглаштириш борасида қилинган дастлабки интилишлар 1925 йилда бўлган эди, бу вақтда Коммунистик Академия Кутубхонаси (ҳозир СССР ФА ижтимоий фанлар асосий кутубхонаси) келтирилган мажбурий нусха учун машинкада карточкаларни кўпайтириб босиб чиқарган эди. Гарчи техник қийинчиликлар бу тажрибадан тезда воз кечишга мажбур этган бўлса-да, у ўзининг ижобий ролини ўйнаган эди. Коммунистик Академия Кутубхонасида йирик кутубхоналарнинг кутубхоначи ходимларидан предметлаштирувчилар группаси тузилиб бу группа предметлаштириш методикасининг асосий масалаларини ишлаб чиқиши билан шуғулланган эди. Бу биринчи тажриба унчалик муваффақиятли бўлмасди, группа ишлаб чиқсан кўпчилик қоидалар Америка тажрибасидан танқидий суратда фойдаланмаганлиги билан ажralиб туради. Совет кутубхонаси жамоатчилиги бу қоидаларни кескин танқид қилди. Жўзъий масалаларни анча умумий ва кенг тушунчалар остида группаларга ажратишига интилиш бу қоидаларнинг салбий томони эди. Масалан, конкрет масала билан эмас, балки воқеа юз берган территориянинг номи билан бошланадиган рубрикалар кенг қўлланилди. Натижада предмет каталоги ичida айрим мамлакатлар бўйича гўё мустақил предмет каталоглари юзага келган бўлиб, конкрет масалага оид материални бундай рубрикалардан қидириб топиш қийин эди.

1928 йилдан эътиборан предмет рубрикалари оммавий кутубхоналарга мўлжалланиб аннотация қилинган карточкаларда кўрсатиладиган бўлди. 1927 йилда кутубхона ишини ихчамлаштиришга бағишлиб ўткизилган Конференциянинг қарори шундай қилишга сабабчи бўлиб, унда сиёсий оқартув ва касаба союз кутубхоналарида предмет каталоги жорий этишни таклиф қилинган эди. Предмет каталоглари оммавий кутубхоналарда қўлланилмаганлиги сабабли, кейинчалик (1949 йилдан бошлаб) предмет рубрикалари аннотация қилинган карточкаларда кўрсатилмайдиган бўлди.

РСФСР Давлат китоб палатаси билан В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси ўртасидаги келишув асосида 1932 йил январидан бошлаб рус тилидаги ҳамма адабиётни предметлаштириш соҳасида биргалашиб иш олиб борилди.

Бироқ предметлаштириш методикаси қониқарсиз аҳволда-

лигича қолаверди. Жұзъий тушунчаларни анча умумий тушунчалар остида тұплайдиган көнг предмет рубрикалари илгари гидек құлланавердики, бу нарса күпчилик ҳолларда соҳали комплексларнинг ҳосил бўлишига олиб келди.

1935 йилдан эътиборан Бутуниттифоқ китоб палатаси жорий иш жараёнида предметлаштириш методикасини мустақил рашыда ишлаб чиқа бошлади ва 1940 йилда В. П. Кругликова томонидан тузилган инструкцияни босиб чиқарди¹. Бу инструкцияга ҳозир ҳам амал қилинмоқда. Лекин ҳозирги пайтда Бутуниттифоқ китоб палатасини уни қайта кўриб чиқишига ва анча кенгайтиришга киришди.

Бутуниттифоқ китоб палатаси рус тилида тасвиrlанадиган қарийб ҳамма китобларни предметлаштиради. Марказлашган предметлаштиришга предмет каталогининг каталоглари умумий системасидаги роли тұғрисидаги принципиал жиҳатдан тұғри қоюда асос қилиб олинган, шунинг учун унга кўп томли нашрларни (умумий энциклопедиялар, справочниклар, тұпламларни) акс эттировчи танлаб олинган каталог деб қаралади.

Марказлашган предметлаштириш усулини құлланадиган көнг профилли илмий кутубхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари тор маҳкамавий аҳамиятга эга бўлган нашрлар, программалар ҳамда методик құлланмаларни ва бошқа материалларни предмет каталогларига киритмаслик имконини беради.

Ҳозирги вақтда Бутуниттифоқ китоб палатаси предметлаштириш методикасига кирити.. ап ҳар қандай ўзgartишлардан кутубхоналарни ўз вақтида мунтазам равишда хабардор қилиб туради. Бу иш тушунтириш карточкаларини жўнатиш йўли би-

**Демьянков, Николай Владимирович и Абрамов,
Василий Алексеевич**

Холодильные машины и установки. [Учебник для техникумов ж.-д., транспорта]. Изд. 2-е переработ., и доп. М., „Транспорт“, 1964.

411 с. с илл.; 3 л. диагр. 22 см. 5 000 экз. 1 р. 15 к. В пер. 1-е изд. вышло под загл: Холодильные машины и сооружения. Библиогр: с 407—408.

1. Соавт.-1. Холодильные машины—Учебники и пособия.
2. Холодильные установки—Учебники и пособия.

| | |
|--------------------------|---------------------------|
| № 18145 64—45809 16—4 | 621.57 + 625.244 + 016.31 |
| XIV № 579; № 5363 | 6П2.28 |
| Вс. кн. пал. 8.VI.—64Д32 | УДУ 625.244 + 621.57 |

15- расм. Бутуниттифоқ китоб палатасининг босма карточкаси
(предмет рубрикалари тасвиrlарнинг тагида
иккита тиредан кейин келтирилган).

¹ В. П. Кругликова, Централизованная предметизация. Методика составления предметных рубрик на печатных каталожных карточках. М., 1940.

лан амалга оширилади, бу ҳол каталогга тегишли тузатишларни ўз вақтида киритиш имконини беради. Масалан:

1953 йилдан эътиборан справка ва йўналтирувчи карточкаларнинг тузила бошлагани ҳам ижобий ҳолдир. Бундан карт

Кутубхоналар диққатига!

Китоб савдоси корхоналари ва ташкилотларида ада-биётга бўлган талабни ўрганиш тўғрисидаги Асосий қоидалар карточкасидаги предмет рубрикаларига қуйидаги тузатишлар киритилсии: 29.V. 62 йилдаги 16802 [62—33811]-карточкага.

1. Китоб магазинлари ва секциялари — Талабни ташкил қилиш. 2. Китоб савдоси корхоналари—Талабни ташкил қилиш рубрикалари 1. Китоб магазинлари ва секциялари—Талабни ўрганиш. 2. Китоб савдоси корхоналари—Талабни ўрганиш рубрикалари билан алмаштирилсин.

29.V.62 йилдаги 16802-карточка

Серияси XXXIV

Бутуниттифоқ китоб палатаси 1.VI. 62

точкаларнинг йўқлиги предмет каталогида бир-бирига яқин предметлар тўғрисидаги адабиётнинг кенг комплексларини вужудга келтиришни жуда қийинлаштириб қўйган эди.


Предмет каталогини Кутубхоналар тажрибасида карточкали расмийлаштириш предмет каталогини расмийлаштириш-расмийлаштириш нинг иккита ҳар хил усули қўлланилади.

Биринчи усул қўлланилганда предмет рубрикаси ҳар бир каталог карточкасининг олд томонида кўрсатилади. Иккинчи усул қўлланилган пайтда ҳар бир рубрика учун ажраткич карточка тузилади. Бунда предмет рубрикаси каталог карточкасининг орқа томонига ёзилиб, уларни тегишли ажраткичлар кетидан жойлаштиришни кўрсатишин учун хизмат қиласди.

Биринчи усул каталог структурасига рубрикалар ифодасига бирор-бир ўзгариш киритиш борасидаги ишни қийинлаштиради. Агар рубрикани ўзгартириш ёки унинг ифодаланишига ҳатто кичкинагина ўзгариш киритиш керак бўлиб қолса карточка олд томонида тозалаш ва ўчириб ташлашларга йўл қўймаслик учун бу рубрикадаги барча китоблар учун карточкаларни янгидан ёзиб чиқишига тўғри келади.

Иккинчи усулнинг қўлланилиши кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда керакли тузатишлар киритиш имконини беради: ажраткич карточкани алмаштириб, карточканинг орқа томонидаги рубрика ифодасига керакли тузатишларни киритиб қўйишнинг

Ўзи кифоя қиласди. Бу усулнинг бошқа афзалликлари ҳам бор: китобхон каталогда бошқа каталоглардаги сингари китоб сарлавҳаси олдидағи рубрикаси мураккаб тарзда ёзилмаган тасвири мавжуд бўлган карточкаларни учратади, кутубхоначи карточканинг олд томонига кутубхона ёзуви билан ёзиб ўтиргандан кўра, карточканинг орқа томонига рубрикани одатдаги ёзув билан ёзиб қўя қолади. Йиккинчи усулнинг кутубхоналарда кўироқ қўлланишига сабаб ана шу. Предмет каталогини расмийтириш масалаларини бундан кейинги баён этишда ҳам ана шу усул назарда тутилади.



16-расм. Предмет каталогининг ажраткичлари. (Формати кичрайтирилган.)

Рубрикалар ва рубрикачалар ажраткичнинг туртиб чиқсан жойига ёзиб қўйилади (агар ёзув сиғмаса, туртиб чиқсан жойдан пастда ҳам давом эттирилади).

Йўналтирувчилар одатда ўртаси сербар туртиб чиқсан ажраткичларда ҳам расмийлаштирилади. Туртиб чиқсан жойда йўналтириш қайси терминдан ҳавола қилинадиган бўлса, ўша термин кўрсатилади, ундан кейин қолган текст берилади, масалан:

Артезиан қудуқлар

қаралсин:

Қудуқлар, артезиан

Боғловчи йўналтиргичлар каталог карточкаларида (ёки йўналтиргич бериладиган предмет рубрикаларининг бевосита аж-

Предмет каталогида ўртаси сербар туртиб чиқсан ажраткичлар ва ён томонлари туртиб чиқсан ажраткичлар қўлланилади.

Ўртаси сербар туртиб чиқсан ажраткичлар билан кўпчилик ҳолларда материал бошқа рубрика материалидан ажратиб қўйилади. Чап томони туртиб чиқсан ажраткичлар билан рубрикачаларнинг биринчи қисми ажратилади, қолган барча қисмлари эса ўнг томони туртиб чиқсан ажраткичлар билан ажратиб қўйилади.

раткичларида, лекин уларнинг пастки қисмидаги) расмийлаштирилади:

Дарё кемалари
яна қаралсинг
Шатакчи пароходлар

Маълумотлар, қоидага биноан одатдаги каталог карточкаларидаги расмийлаштирилади:

Тешиклар (қурилиш)
Тешиклар айрим турларининг номларига
қаралсинг

Масалан: Эшиклар, Деразалар, Дарвозалар

Системали каталогдаги сингари предмет каталогига ҳам фаят асосий тасвир қўлланилади. Масалан, соавтор, тузувчи ва ҳоказолар учун қўшимча тасвиirlар қўлланилмайди.

Ажраткичлар устига рубрикалар кутубхона ёзуви билан ёзилади.

Предмет рубрикалари предмет каталоги карточкасининг орқа томонидан, шунингдек, алфавит каталог асосий карточкасининг орқа томонида кўрсатилади. Бундай маълумотлар бу китобнинг барча тасвиirlарини предмет каталогидан унча қийналмасдан топиш имконини беради.

Китобхоннинг каталог билан ишлашини осонлаштириш учун ҳар бир каталог яшигига муайян яшикда берилган рубрикаларнинг биринчиси ва охиргиси кўрсатилади.

Рефрижераторлар
Балиқ маҳсулотлари

17-расм. Предмет каталоги
яшигининг устидаги ёзув

**Предметлаштирувчи-
нинг ёрдами чарто-
текалари**

Юқорида айтиб ўтилганидек, предметлаштиришда бир хиллик бўлишига ва предмет каталогининг тузилишида ниҳоятда аниқликка эришиш учун рубрикалар, рубрикачалар, йўналтиргичлар ҳамда инверсияларнинг иш картотекалари (сўзликлар) тузилади.

Предмет рубрикалари ва йўналтиргичларнинг картотекалари ёрдамида уларнинг ифодаланишига бир хиллик киритилади. Каталог карточкаларида предмет рубрикаларининг картотекаси тузилади, муайян кутубхона каталогига қабул қилинган рубрикалар каталог карточкаларига ёзилади.

Бу картотекада рубрикалардан ташқари муайян каталогда қабул қилинган йўналтиргичлар ҳам кўрсатилади.

Йирик кутубхоналарда предмет каталогига бир хиллик бўлиши ва у билан ишлашини осонлаштириш мақсадида предмет

рубрикаларининг картотекасидан ташқари, яна алфавит тартибida жойлаштирилган рубрикачаларнинг картотекасини тузиш ҳам фойдалидир. Ҳар бир карточкада бу карточка тегишли бўлган рубрикача ва рубрикалар кўрсатилган, масалан:

- Сув тўпланиши
Баренц денгизи
Лаптевлар денгизи
Қора денгиз

Бу, *Сув тўпланиши* рубрикачасининг қўйида кўрсатиб ўтилган рубрикаларда: *Баренц денгизи*, *Лаптевлар денгизи*, *Қора денгиз* рубрикаларида фойдаланилганлигини кўрсатади.

Рубрикачалар картотекасига муайян каталогдан чиқариб ташланган рубрикачаларнинг ифодаларидан қабул қилинган рубрикачаларга ҳавола қилиувчи йўналтиргичлар киритилади, масалан:

- Ишлаб чиқариш-техника пропагандаси
қаралсин
Техникага доир билимларни пропаганда қилиш

Инверсиялар картотекаси ҳам юритилмоғи керак. Бу картотека инверсия қилинадиган предмет сарлавҳалари кўрсатилган ҳолда инверсия қилинувчи сифатларнинг алфавит тартибida қўлланилади, масалан:

- Фалла сеялкалари
Сабзавот сеялкалари
Қанд лавлаги сеялкалари

Бу, предмет рубрикаларининг қўйидаги тартибда тузилиши лозимлигини кўрсатади:

- Сеялкалар, фалла
Сеялкалар, сабзавот
Сеялкалар, қанд лавлаги ва ҳоказо

Рубрикаларнинг системали картотекаси ҳам ниҳоятда фойдалидир, бу картотекада рубрикалар билимнинг соҳалари бўйича группаларга ажратилади. Мазкур картотека предмет рубрикачаларининг соҳали луғатларини тузишда, шунингдек предмет каталогини таҳрир қилишда (бу ҳақда қўйида гап боради) керак бўлади.

Предмет каталогини таҳрир қилиш Вақт ўтиши билан кутубхона олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлади, улар туфайли предмет каталогига тегишли ўзгартишлар киритиш — уни таҳрир қилиш билан шуғулланиш зарур бўлади.

Рубрикалар ва рубрикачаларнинг ифодаланишини кўздан кечириб чиқиш уларни адабиёт билан тўлдириб бориш, уларга

зарур йўналтиргичлар, тушунтирувчи ва справка карточкалари-ни қўшимча равишда киришиш бу ишдаги асосий нарсадир. Каталогни расмийлаштириш ҳам қайтадан кўриб чиқилади.

Эскириб қолиши мумкин бўлган рубрикаларнинг ифодалари-ни кўздан кечиришга алоҳида эътибор бермоқ керак. Масалан, *Қизил Армия* рубрикаси ўз вақтида *Совет Армияси* рубрикаси билан; *Ватан уруши*, 1941—1945 рубрикаси *Совет ҳалқининг Улуғ Ватан уруши*, 1941—1945 рубрикаси билан алмаштирилди ва ҳоказо.

Шундай бўлиши ҳам мумкин: каталогда бир хил материални акс эттирувчи ҳар хил ифодаланган рубрикалар, масалан, *Жаҳон сиёсати* ва *Халқаро аҳвол* рубрикалари учраб қолади. Маълумки, каталогда қандайдир битта ифода қабул қилинмоғи лозимки, бунга таҳрир қилиш жараёнida эришилади.

Агар муҳаррир битта тематиканинг барча рубрикалари осонгина кўзга ташланадиган рубрикаларнинг системали картотекасига эга бўлса, предмет каталогини таҳрир қилиш осонлашади. Предмет каталогида эса уларни рубрикаларнинг умумий алфавитидан қидиришга тўғри келади.

Рубрикаларнинг тўлдирилишини текшириш шундан иборатки, бунда танланган асарларнинг рубрикалар мазмунига мос келиш-келмаслигини, уларда муайян предметга оид асарлар қанчалик тўлиқ берилганлигини, бу асарларнинг сиёсий ҳамда илмий қиммати ҳозирги замон талабларга қай даражада жавоб беришини аниқлаш керак бўлади.

Худди системали каталог билан ишлашдаги сингари предмет каталогни таҳрир қилишда ҳам рубрикаларнинг мазмунини текшириш пайтида библиографик кўрсаткичлар ва қўлланмалардан фойдаланилади.

Агар рубрикада муайян предметга оид китобларнинг етарли эмаслиги маълум бўлиб қолса, уни тўпламлар ва вақтли нашрлардан олинган мақолалар билан тўлдирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, предмет каталогини расмийлаштириш китобхонлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун муқаррар эскирган ёки нотўғри расмийлаштирилган ажраткичларни янги ажраткичлар билан алмаштириш учун белгилаб қўяди.

Предмет каталоги устида жиддий ва чуқур ўйлаб иш олиб бориш кутубхонанинг китобхонларга китоб билан хизмат кўрсатиш борасидаги ишида бу каталогдан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

МАРКАЗЛАШГАН КАТАЛОГЛАШТИРИШ. КАТАЛОГЛАР СИСТЕМАСИ

11-боб

СССРДА МАРКАЗЛАШГАН КАТАЛОГЛАШТИРИШ

Марказлашган каталоглаштиришнинг аҳамияти.— Китобларни марказлаштирилган ҳолда каталоглаштириш.— Нашрларнинг бошқа турларини марказлаштирилган ҳолда каталоглаштириш.— Библиографик нашрларда ва бевосита китобларда марказлашган каталоглаштириш элементлари.— СССРда марказлашган каталоглаштиришнинг ҳозирги проблемалари.

Марказлашган каталоглаштиришнинг аҳамияти

Каталоглар тузиш борасидаги мураккаб ва сермеҳнат ишда марказлашган каталоглаштириш — матбуот асарларини каталоглаштириб қўлдан ўтказиш кутубхоначиларга катта ёрдам беради; бу иш методик марказлар томонидан амалга оширилади. Кутубхоналарни кутубхона каталогларининг тайёр элементлари — матбуот асарларининг тасвири берилган босма карточкалар, классификация индекслари ва предмет рубрикалари билан таъминлаш ҳамда уларни нашр этиш марказлашган каталоглаштириш тадбирлари орасида асосий ўрин тутади. Чиқсан китобларда ҳамда баъзи журнallардаги мақолаларнин, сарлавҳаларида классификация индекслари ва библиографик тасвирнинг бўлишини ҳам марказлашган каталоглаштириш жумласига киритмоқ керак. Кутубхоначи бу классификация индекслари ва библиографик тасвирни кейинчалик каталог карточкасига киритиб қўяди¹. Оммавий кутубхоналарнинг системали ва алфавит каталоглари учун типовой босма ажраткич карточкалар нашр этиш ҳам марказлашган каталоглаштириш формаларидан биридир.

Марказлашган каталоглаштириш усулидан фойдаланиш каталогларнинг ғоявий ва илмий даражасини ошириш имконини беради, китоб порпагандасида уларнинг ролини кучайтиради, турли кутубхоналардаги китобларни тасвирлашга, уларни предметлаштириш ва системага солишига бир хиллик киритади, каталоглаштириш ишларининг қийматини бутун мамлакат миқёсида арzonлаштиради. Тайёр карточкаларни қўлланиш китобларни

¹ Кутубхоналарда каталоглар тузиш учун китобларнинг ҳамда ҳар хил библиографик нашрларда — типовой каталоглар, китоб солномалари, журнал мақолалари солномалари ва ҳоказоларда босилган мақолаларнинг библиографик тасвири ва индексларидан ҳам фойдаланилади.

тасвирлаш ва классификациялашдан иборат қийин жараёнларни осонлаштирибина қолмайди, балки кутубхоначиларни карточкалар тузиш ва уларни кўпайтириш заруратидан ҳам озод қиласди. Босма карточкалардан тузилган каталогдан фойдаланиш анча қулайроқдир. Бундай каталогнинг ташқи кўринишигина яхши бўлиб қолмасдан, унинг сифати ҳам юқори бўлади, чунки библиографик тасвир ва классификация индекслари битта марказда малакали мутахассислар томонидан босма карточкаларга қўйиб чиқиласди, шундай қилинганлиги туфайли китоблар каталогларда тўғрироқ ва тўлиқроқ акс эттириласди.

Китоб тасвири аннотациялар билан — унинг тематикаси, илмий қиймати ва қандай китобхонларга мўлжалланганлиги ҳақидаги қисқача маълумотлар билан тўлдирилган босма карточкалар китобхонлар учун айниқса муҳим аҳамиятга эга. Китоб сарлавҳаси ҳамиша ҳам унинг мазмунини ҳар томонлама аниқлаб олиш учун етарли бўлавермайди. Аннотация китобхоннинг каталогда акс эттирилган бир хил тематикадаги китобдан ўзи учун кўпроқ тўғри келадиган китобни танлаб олишида кўмаклашади. Кутубхоначи ҳамиша ҳам сотиб олинган ҳамма китобларни мустақил равишда аннотация қила олмайди, шунинг учун аннотациялар берилган босма карточкалар кутубхона каталоглари учун айниқса қимматлидир.

Марказлашган каталогглаштириш усули кўпгина мамлакатларда кенг тарқалган. Бизда ва бошқа социалистик мамлакатларда бу усул кутубхоналар ишининг ғоявий-сиёсий даражасини оширишни таъминлайдиган энг муҳим давлат тадбирларидан бири аҳамиятини касб этмоқда. Унинг асосий роли — кутубхоналарга энг яхши адабиётни пропаганда қилиш вазифаларига жавоб берадиган, китобхонларга керакли китобларни танлаб олишда кўмаклашадиган юқори сифатли каталоглар тузишда ёрдам беришdir. Босма карточкалар тайёрлаш ва нашр этиш иши Бутуниттироқ китоб палатаси, В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси ҳамда бошқа баъзи марказий кутубхоналар ва библиография ташкилотлари зиммасига юклитилган. Капиталистик мамлакатларда кўпинча айрим йирик кутубхоналарнинг ташаббуси билан амалга ошириладиган марказлашган каталогглаштириш асосан каталогглаштириш ишларини арzonлаштириш ва кутубхоначининг вақтини тежашдан иборат амалий мақсадлар билан чекланади.

СССРда марказлашган каталогглаштириш биринчи марта 20-йилларнинг ўрталарида амалга оширилган эди. Босма карточкалар нашр этиш борасидаги баъзи бир уринишлар XIX асрнинг охиirlарида бошланган эди. Ўшанда бир қанча китоблар ўзларига илова қилинган босма карточкалар билан босилиб чиқкан эди. Бироқ чор Россиясида бу прогрессив ташаббус ривожланмади. Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина карточкаларни план асосида узлуксиз нашр этишнинг реал имкониятлари яратилди.

Ҳозирги пайтда бизда марказлашган каталоглаштириш нашрларининг мукаммал системаси таркиб топган. Босма маҳсулотларнинг хилма-хиллиги фақат китобларнигина эмас, балки матбуот асарларининг бошқа турларини: ноталар, стандартлар, карталар, шунингдек вақтли нашрлардан олинган мақола ҳамда рецензияларни ҳам классификациялаш ва тасвирлаш зарурлигини тақозо этади. Ҳар хил типдаги кутубхоналарда каталогларнинг мазмуни ва тузилишидаги тафовут, уларда тасвирлаш қоидаларининг ҳар хил нашрларидан фойдаланиш босма карточкаларни кутубхоналарнинг ҳар хил типларига — оммавий ҳамда илмий кутубхоналарига татбиқан нашр этиш заруратини келтириб чиқарди.

Китобларни марказлаштирилган ҳолда каталоглаштириш

Кутубхоналарнинг фондлари асосан китоблардан ташкил топади. Кутубхонага келтирилган янги нашрлар орасида ҳам китоблар кўп бўлади. СССРда чиқариладиган қарний ҳамма китоблар учун босма карточкалар нашр этилади. Карточкалар тузишдан иборат асосий иш Бутуниттироқ китоб палатасида амалга оширилади.

**Жорий китоб маҳсус-
лотининг босма кар-
точкалари**

Бутуниттироқ китоб палатаси рус тилида янги нашр этилаётган китоблар учун 1927 йилдан бошлаб босма карточкалар чиқармоқда. Карточкалар йиллик комплекслар ва соҳаларга оид сериялар қилиб чиқарилади. Улар обуна асосида тарқатилади. Карточкаларнинг тўлиқ йиллик комплекти шу йили рус тилида нашр этилган барча китобларнинг, шу жумладан бепул китобларнинг (тор расмий китоблар бундан мустасно) тасвирларидан иборат бўлади. Йилига 40 мингдан зиёд номни ўз ичига оладиган бу комплекс мажбурий нусха оладиган йирик кутубхоналарга мўлжалланган. Ҳар бир кутубхона (тўла комплект ўрнига ёки унга қўшимча равишда) айрим серияларга оид карточкаларга ёзилиши мумкин, бу сериялардан ҳар бирин билимнинг муайян соҳасига доир адабиётни камраб олади. Серияли нашрлар асосан маҳсус кутубхоналарга керак бўлади. Областлар, йирик шаҳарлар ва олий ўқув юртларининг унча катта бўлмаган кутубхоналари учун қисқартирилган комплект нашр этилади. Қисқартирилган комплект ҳам тўлиқ комплект сингари универсал характерда бўлади, яъни тиражи камида 5 минг нусха бўлган ва билимнинг барча соҳаларига доир китобларнинг карточкаларини ўз ичига олади. Ҳар йили комплект 10—12 минг карточкадан иборат бўлади.

Бутуниттироқ китоб палатасининг карточкаларида библиографик тасвир «Тасвирлаш умумий қоидалари»нинг тўлиқ вариантига асосан берилади. Ҳар бир карточкада классификация

индекси, автор белгиси ва предмет рубрикалари ҳам бўлади. Зарурат туғилган ҳолларда карточкаларда алфавит каталог учун қўшимча тасвиirlар тўғрисидаги маълумотлар берилади. Китоб палатаси ҳар хил илмий кутубхоналарнинг ўз каталогларини тузишда тарихан таркиб топиб қелган тажрибасини назарда тутиб, карточкаларда индексларни турли схемалар бўйича кўрсатиб қўяди.

Карточканинг чап томонидаги пастки бурчагига унинг чиқиши ҳақидаги маълумотлар: нашриёт номи, карточканинг тартиб номери, карточка киритиладиган серия номери, карточка тузилган сана ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар жойлашган.

Зарурат туғилишига қараб, китобларнинг тасвиirlари берилган карточкалардан ташқари яна баъзи материаллар: алфавит каталог учун йўналтирувчи ва справка карточкалари, янги индекслар, янги предмет рубрикалари жорий этилганлиги ёки классификациялаш ҳамда предметлаштириш методикасида юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарлар комплектларга киритиб қўйилади.

Иттифоқдош республикаларнинг китоб палаталари республика доирасида рус тилида, шунингдек миллий тилларда чиқадиган китоблар учун босма карточкалар чиқарадилар. Турли республикаларда босма карточкаларни нашр этиш ўзига хос хусусиятларга эга: бир хил республикаларда илмий кутубхоналарга мўлжалланган карточкалар нашр этилади, бошқа республикаларда эса китоб палаталари ўз республикаларининг оммавий кутубхоналари учун аннотация қилинган босма карточкалар тузадилар. Бутуниттифоқ китоб палатаси ва иттифоқдош республикалар китоб палаталарининг карточкалари бирга қўшилиб, мамлакатимизда чет тилида чиқсан китоблардан ташқари ҳамма китобларни қамраб олади.

Аннотация қилинган босма карточкалар Мамлакатимизда оммавий кутубхоналарнинг босма карточкалари илмий кутубхоналарнинг карточкаларидан илгарироқ пайдо бўлди. Уларнинг нашр этила бошлаган вақти 1925 йилга тўғри келади. Карточкаларни нашр этиш иши шу мақсадда маҳсус тузилган Марказлашган каталогглаштириш бюроси (МКБ) зиммасига юклатилган эди. Карточкаларда китобнинг тасвири, унинг индекси ва автор белгисидан ташқари китоб учун тузилган аннотация ҳам бўлар эди. Уларнинг аннотация қилинган босма карточкалар деган номи ҳам ана шундан келиб чиқсан. Бундай карточкаларни нашр этиш ҳозирги кунга қадар давом этмоқда, бу иш ҳатто Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам тўхтаб қолмаган. Ҳозирги вақтда аннотация қилинган карточкаларни В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси тузмоқда.

Аннотациянинг мавжудлиги—аннотация қилинган босма карточкани Бутуниттифоқ китоб палатасининг карточкаларидан ажратиб турадиган энг муҳим нарсадир.

В68 Володин В. С.

Рассказы о сварке, М. „Знание“, 1965

**64 с. (Новое в жизни, науке, технике, 4 серия. Техника 14.
46100 экз. 12 к.**

В брошюре рассмотрены основные способы сварки которые применяют в народном хозяйстве, а также разрабатываемые в научных лабораториях. Изложены принципы скоростной сварки подфлюсом, электрошлаковой и контактной, ультразвуковой, электронолучевой и различных видов холодной сварки (точечная, стыковая, шовная, сварка сдвигом) и других. Описаны некоторые автоматизированные линии производства сварных изделий, затронуты вопросы контроля сварных соединений и экономики.

Гос. б-ка СССР им. В. И. Ленина
Издательство „Книга“
65-ГБ-1863

6П4.3

18- расм. Аннотация қилинган босма карточка

Марказий нашриётлар (Москва ва Ленинград нашриётлари) чиқарган янги китоблар учун аннотация қилинган босма карточкалар тузилади. Бу китоблар нисбатан катта тиражта эта бўлиб, оммавий кутубхоналарнинг китобхонлари учун қизиқарли бўлади. Адабиёт танлаш пайтида китобнинг сифати ҳам маълум даражада ҳисобга олинади, шунинг учун аннотация қилинган босма карточкани нашр этиш тавсия характеристига эгадир, дейиш мумкин. Карточкалар иккита вазифани бажаради: улар марказлашган каталоглаштириш турларидан бири ва айни вақтда тавсия характеристидаги библиографик қўлланма ҳамдир¹.

Аннотация қилинган карточкалар обуна асосида тарқатилади ва кутубхоналарнинг типлари бўйича комплект-комплект қилиб нашр этилади. Тўртта комплект: 1. Шаҳар кутубхоналари учун комплект. 2. Район кутубхоналари учун комплект. 3. Қишлоқ кутубхоналари учун комплект. 4. Болалар ва мактаб кутубхоналари учун комплект нашр этилади. Ҳар бир комплектга билиминг барча соҳаларига оид китобларнинг карточкалари киритилади, лекин китобларни танлаб олишда ҳар хил типдаги кутубхоналарни комплектлаш хусусиятлари ҳисобга олинади. Шунинг учун шаҳар кутубхоналари комплектига (бу энг катта комплект) техникага доир анчагина китобларнинг номлари, қишлоқ кутубхоналари комплектига эса техникага оид камроқ асарлар, аммо қишлоқ хўжалигига доир кўпроқ китоблар киритила-

¹ Аннотация қилинган карточка библиография курсида тавсия библиографиясининг турларидан бири сифатида ўрганилади.

ди ва ҳоказо. Аннотация қилинган босма карточкалар учун китобларни тасвирлаш кичик кутубхоналарнинг каталоглари учун тасвирларнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади; классификация индекси оммавий кутубхоналар жадваллари асосида, автор белгиси — авторларга оид икки хонали жадваллар асосида аниқлаб олинади. Карточканинг чиқишига оид маълумотлар унинг чап томонидаги пастки бурчагига берилади. Аннотация карточкада асосий ўрин тутади.

Аннотация қилинган карточкалар асосан системали каталогларда фойдаланишга мўлжалланган. Шунинг учун тўрттала комплектнинг ҳар бирiga бир қанча индекслари бор системали каталогнинг бир неча бўлимларида акс эттирилиши лозим бўлган китоблар учун қўшимча карточкалар киритилади.

Обуначилар комплектлар орасида китоб карточкаларидан ташқари китобларни марказлашган классификациялаш пайтида чиқарилган методик хulosалар акс эттирилган карточкаларни ҳам топадилар. Булар янги индексларнинг жорий этилганлиги ҳақидаги ёки муайян тематикага доир китобларни классификациялаш методикасида юз берган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар бўлиши мумкин. Бу карточкалар контрол-методик картотека учун керак бўлади.

Чет тиллардаги китоблар учун босма карточкалар

Мамлакатимиздаги кутубхоналар чет тилларда босилиб чиққан адабиёт устида катта иш олиб бормоқдалар. В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси ва

Чет эл адабиёти Бутуниттифоқ давлат кутубхонаси жаҳондаги деярли барча мамлакатлардан илмий техник ва бадиий адабиётларнинг фондларида чет тилларда нашр этилган китоблар ҳамда журналлар бор. В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси ва Чет эл адабиёти Бутуниттифоқ давлат кутубхонаси чет тиллардаги китобларнинг ниҳоятда бой фондларини каталогларда акс эттиришда ёрдам бериш мақсадида кутубхоналарнинг фондларига олинаётган чет тиллардаги нашрлар учун карточкалар тузадилар ҳамда уларни ана шу кутубхоналар ўртасида тарқатадилар.

Китобларни ретроспектив марказлашган каталогглаштириш

Илмий кутубхоналарнинг фондларида мамлакатимизда марказлашган каталоглаштириш жорий этилгунига қадар чиққан китоблар сақланади. Бу китоблардан

кўплари китобхонлар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолган бўлиб, улар фақат хизмат каталогларидагина эмас, балки китобхонлар каталогларида ҳам акс эттирилмоғи керак. Кўҳна китобларни библиографик жиҳатдан тасвирлаш ҳатто тажрибали кутубхоначини ҳам кўпинча ўйлатиб қўяди. Бу китоблар учун бир вақтлар тузилган карточкалар кўп жиҳатдан эскириб қолган, чунки тасвирлаш қоидалари классификациялаш методикаси ўзгариб кетгани, ниҳоят, кўпгина карточкалар умуман ишга яроқсиз бўлиб қолган бўлади. Китобларни ретроспектив (ўтмишни назарда ту-

даги СССР Давлат кутубхонасидан консультация олиб, ўзининг барча нашрларига индекслар қўйиб чиқармоқда, уларда библиографик тасвир ва автор белгисини акс эттироқда.

Классификация индекслари баъзи маҳсус журнallарда уларда берилган мақолаларнинг сарлавҳалари олдида ҳам кўрсатилиди. Бу журналларнинг кўпчилигидан техника кутубхоналарида фойдаланилганлиги, уларда юқорида айтиб ўтилганидек, Универсал ўнли классификация қўлланилганлиги сабабли индекслар шу системага мувофиқ тарзда белгиланади. Айтиб ўтилган индексларнинг мавжудлиги бу кутубхоналарда журнал ва газета мақолаларининг карточкаларини тузишни анча осонлаштиради.

Бироқ каталоглаштириш маълумотларини китобнинг ўзига жойлаштириш марказлашган каталоглаштириш проблемасини тўла ҳал қилиб бермайди, чунки бу иш кутубхоначини карточкалар ёзишдан озод қилмайди.

СССРда марказлашган каталоглаштиришнинг ҳозирги проблемалари

Босма маҳсулотни қамраб олиш кўлами, ҳар йили нашр этиладиган карточкаларнинг миқдори, ўз ишида марказлашган каталоглаштиришга оид қўлланмадан фойдаланувчи кутубхоналарнинг сони жиҳатидан жаҳоннинг бирорта мамлакатидаги марказлашган каталоглаштириш совет марказлашган каталоглаштиришига тенг кела олмайди. Лекин шундай бўлса ҳам, у кутубхоналарнинг эҳтиёжларини ҳали кўп жиҳатдан қондиролмаётир. Босма карточкаларни нашр этиш ва тарқатиш усулининг жиддий камчиликларни бор. Кутубхоналар китобларни коллектор орқали оладилар ёки магазиндан харид қиласидилар, карточкаларни эса обуна бўлиш асосида оладилар, шу сабабли китоблар ва карточкалар кутубхоналарга турли вақтларда етиб келади. Кутубхоначилар китоблар учун карточкалар танлашга вақт сарфлашга мажбур бўладилар. Иккинчи камчилик кутубхоналарда кўпинча комплектларда олинган карточкаларнинг сотиб олинган китобларга мувофиқ келмаслигидир. Бундай номувофиқлик аннотация қилинган босма карточкаларнинг комплектларида яққол сезилиб туради. Бу комплектларни танлаб олиш пайтида муайян тиpdagi кутубхоналарни (шаҳар, район, қишлоқ болалар кутубхоналарни) комплектлаш хусусиятлари назарда тутилади, аммо ҳар бир алоҳида олинган кутубхона фонdlарини тўлдириш амалий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Карточкалар комплектини аниқлаш маҳалида ҳар бир кутубхонани комплектлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун кутубхонада баъзи карточкаларнинг ортиқча бўлиб қолиши, китоблардан бир қисмига эса карточкаларнинг келтирилмаслиги муқаррардир. Бинобарин, кутубхоначи бу китобларни мустақил равишида қўлдан ўтказишига мажбур бўлади.

Карточка китоб билан бир вақтда босиб чиқарилган ва китоб билан биргаликда кутубхонага келтирилган тақдирдагина ҳар бир босма карточкадан фойдаланишига, кутубхоначиларнинг эса китобларни тасвирлаш ҳамда классификациялаш ишидан қариб батамом озод қилиб қўйилишига эришиш мумкин бўлади. СССР Маданият министрлиги шу ишни амалга ошириш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда кутубхоначилик ишининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» (1959 йил) ги қарорига мувофиқ, китобларни марказлаштирилган ҳолда каталоглаштириш ишини нашриётлар зиммасига юклиди. Бу муҳим ишнинг биринчи босқичида нашриётлар китобларни индекси, автор белгиси кўрсатилган ҳолда, нашриётлардан баъзилари эса библиографик тасвир билан ҳам нашр эта бошладилар. Ҳозирча жуда оз нашриётларгина аннотация қилинган босма карточкаларни нашр этмоқда. Бу ишни Украина ССРда яхшироқ ташкил этишга муваффақ бўлинди. У ердаги нашриётлар кўп нусхада чиқадиган китоблар учун каталог карточкаларини босиб чиқармоқдалар (21-расмга қаралсин).

Аннотация қилинган босма карточкаларни китоб билан биргаликда нашр этиш мураккаб ва қийин ишдир. Қийинчилик нашриётларда тегишли мутахассисларнинг йўқлигидангина эмас. Ҳатто малакали ходимлар бўлган пайтларда ҳам турли нашриётларда китобни қўлдан ўtkазиш тасвирлаш ва классификациялаш сифатининг муқаррар равишда ёмонлашувига олиб боради. Техник жиҳатдан қийинчиликларга дуч келинади. Карточкани китоб билан бир вақтда босиб чиқариш учун уни китоб билан бир вақтда нашр этиш керак. Демак, эндиғина босмага тайёрланиб, ҳали кўпчилик элементлари аниқланмаган китобнинг библиографик тасвирини тузишга тўғри келади. Китоб ичидаги, шунингдек китоб билан бирга чиқарилган карточкалардаги библиографик тасвирнинг ноаниқликлари ана шундан келиб чиқади.

Карточкалар нашр этишнинг бу усулида уларни тарқатишда ҳам қийинчиликлар бор. Китобнинг ҳамма тиражи учун карточка босиб чиқариш нореал иш бўлиб, унинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки ҳамма китоблар ҳам кутубхонага келтирилавермайди. Коллекторнинг карточкаларни китоб ичига солиб (Украинада худди шундай қилинади) тарқатиши учун тиражнинг кутубхона коллекторига борадиган қисмига карточкалар нашр этиш мақсадга мувофиқdir. Бироқ бунда ҳам вазифа тўла ҳал этилмайди, чунки кутубхоналар адабиётни фақат коллекторлардангина эмас, балки китоб магазинларидан ҳам оладилар, бинобарин китобларнинг бир қисмини илгаригидек кутубхоначилар мустақил равишда қўлдан ўtkазишларига тўғри келади.

Шундай қилиб, гарчи мамлакатимизда марказлашган каталоглаштириш анча тараққий этган бўлса-да, унинг олдида турган ҳамма вазифалар ҳозирча ҳал қилиб бўлинганича йўқ.

Колотій М. П.

К61 Вирбничча база сільскогого будівництва. К., „Будівельник“, 1965.

60 с. з іл. 2550 пр. 19 к.

Бібліогр.: с. 60.

Брошюра висвітлює стані шляхи дальншого створення потужної виробничої бази сільськогосподарської будівельної індустрії, як основи вирішальної умови здійснення історичних рішень ХХІ з'їзду КПРС. Брошюра разрахована на широкі кола сільских будівельників в колгоспах і директорів в радгоспів, інженерно-технічних працівників в сільськогосподарських установах, викладачів та студентів в учебних закладів, що готують спеціалістів для сільськогосподарського будівництва.

Держ, рдсп. б-ка
УРСР ім. КПРС

6C5

20- расм. Киев нашриёти китоб билан биргаликда чиқарган
аннотация қилинганд босма карточка

12- б о б

КАТАЛОГЛАР СИСТЕМАСИ. КАТАЛОГЛАРНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ

Совет кутубхонасининг каталоглар системаси.— Кутубхоналар орасида каталогларни пропаганда қилиш

Совет кутубхонасининг каталоглар системаси

Каталоглар системаси түгрисида тушунча Совет кутубхоналари фондларида ўз мазмунни, қайси китобхонларга мұлжалланғанлиги, полиграфик безаги ва бошқа белгилари жиҳатидан турли-туман бўлган кўпгина матбуот асарлари тўпланади, сақланади ҳамда китобхонларга фойдаланиш учун берилади. Фондларнинг мазмунини ёритиш ва кутубхонадаги мавжуд материалларни пропаганда қилиш ҳар хил каталоглар воситасида амалга оширилади.

Бирорта ҳам кутубхона, унинг фондидағи китоблар қанчалик кам бўлмасин, қандайдир битта каталог билан чекланыб қола олмайди. Китобхонлар кутубхонага ниҳояида хилмаки талаблар билан мурожаа қиласидар. Маълумки, китобхонларни конкрет темага билимнинг муайян соҳасига доир адабиёт, муайян автор ёки коллективнинг (муассаса ёки ташкилотнинг) китоблари, адабиётнинг маҳсус турлари (карталар, ноталар, стандартлар, портретлар ва ҳоказолар) қизиқтириши мумкин. Бу талабларнинг ҳамасига бирорта ҳам каталог жавоб берса олмайди.

Ҳар бир кутубхонада китобхонларнинг талабларини анча тўлароқ қондиришга ва материалларни қидириб топишга жуда кам вақт сарфланишига ёрдам берадиган турли хил каталоглар тузиш зарурати ана шундан келиб чиқади.

Совет кутубхоналаридаги каталоглар ва картотекаларнинг хилма-хил эканлиги каталогларнинг шундай системасини яратишни тақозо этадики, унинг ҳар бир звеноси кутубхона фондини муайян нуқтаи назардан ёритиб берсин. Шу билан бирга умумий схеманинг барча звенолари ўзаро бир-бири билан боғланган ва бир-бирига мувофиқлашган бўлсин. Каталоглар ўртасидаги боғланишини ёритиш ва улар ўртасидаги

чегарани тўғри белгилаб олиш кутубхона каталогларининг пухта ўйланган ҳамда тўғри системасига асос қилиб олинади.

Революцияга қадар бўлган Россиядаги кутубхоналарда асосан китобларнинг алфавит каталоги (хизмат мақсадларида) ва системали каталоги тузилар эди. Бироқ кутубхонада системали каталогнинг ёки алфавит каталогнинг, ёхуд биргаликдаги ҳар иккала каталогнинг мавжуд бўлиши каталогларнинг бир-бiri билан боғланиши, шунингдек каталогларнинг кутубхона фонdlари билан алоқасидан иборат мураккаб, айни вақтда жуда муҳим масалани ҳал қила олмайди. Революцияга қадар бўлган Россия матбуотида бу масалалар ўз ифодасини топмаган эди. Шу масалалар қўйилган бирорта ҳам қўлланма йўқ эди бу темага бағишлиланган махсус асалар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Революцияга қадар бўлган рус адабиётида «каталоглар системаси» тушунчаси учрамайди. Бунга сабаб маълум даражада шуки, каталогларнинг айрим турлари ўз мазмуни жиҳатидан ҳам, шакли жиҳатидан ҳам кейинчалик улар эришган тараққийтга эмиш олмаган эди. Каталоглардан ҳар бири китобхонларни қондириш мақсадларпда эмас, балки кўпроқ унда фоудни қандай акс эттиришни назарда тутган ҳолда бир-биридан ажратилган ҳолда тузилар эди. Бунинг оқибатида бир хил вазифаларнинг ўзлари кўпинча турли каталогларда бир хил ҳал этилар эди. Алфавит ва предмет каталогларида, қисман эса системали каталогда ҳам айрим шахсларга онд адабиётнинг худди шу таҳдитда акс эттирилишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Кутубхонадаги мавжуд ёки тузишга тавсия этилган каталогларнинг одатдаги рўйхати каталоглар системасини яхлит бир тушунча деб ҳисблаш имконини берар эди.

Чет эл адабиёти ҳам чет эл кутубхонашуносларининг айрим каталоглар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва чегаралаланиш масалаларига етарлича эътибор бермаганликларидан далолат беради.

Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин совет кутубхоналарида айрим каталоглар турларининг роли ва аҳамияти тўғрисидаги масала бир неча марта кутубхона ходимларининг I Бутун Россия съездидаги (1924 йил) библиография масалаларига бағишлиланган I ва II съездларда (1924 ҳамда 1926 йиллар) ва РСФСР илмий кутубхоналарининг конференцияларида (1924 ҳамда 1926 йиллар) бир неча бор муҳокама қилинди. Натижада каталоглардан ҳар бирининг роли ва аҳамияти белгилаб олиниди, лекин совет кутубхонасининг каталоглар системаси тўғрисидаги асосий масала принципиал нуқтai назардан ҳал қилинмай қолади. Бунинг сабаби қисман шу эдик, ўша йилларда барча кутубхоналарда системали каталогни предмет каталоги билан алмаштиришга

интилиш бир қанча махсус кутубхоналарда предмет каталогини кутубхона фондларини мазмун жиҳатидан очиб берадиган бирдан-бир каталог сифатида юритишга олиб борган эди¹.

1936 йилда РСФСР Маориф халқ комиссарлыги ҳузурида библиография ва кутубхонашуносликнинг назарий масалаларига бағишлиланган Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди, унда каталоглар системаси тўғрисидаги масала қўйилган эди. Н. К. Крупская кенгашда кириш нутқи сўзлаб, бундай деган эди: «Ҳозир каталоглар, справочниклар жуда керак, китобхонга китобларни танлашни, улардан фойдаланишни ўргатиш ниҳоятда зарур...» Кенгаш бир томондан, ҳар хил типдаги кутубхоналарда каталогларнинг аҳволига баъзи бир якунлар ясади, иккинчи томондан, уларни ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Бу кенгашнинг ишида кутубхона каталогларига биринчи марта бир бутун системанинг ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган таркибий қисмлари деб қаралди.

Каталоглар системасини назарий жиҳатдан асослаб бериш — бу системанинг кутубхона типи ва кўламига, китобхонларнинг моддий имкониятлари ҳамда составига боғлиқ эканлигини аниқлаш шу нарсада ўз ифодасини топдики, кенгаш кутубхоналарнинг ҳар хил типлари учун каталоглар минимуми маъносидаги нормативлар белгилади. Масалан, оммавий кутубхона каталоглари составида системали каталог билан бир қаторда алфавит каталогга ҳам эга бўлиш тавсия этилди, чунки уларнинг ҳар бири кутубхона фондини турли нуқтаи назарларда акс эттиради. Фонди 10 минг номдан ошмайдиган унча катта бўлмаган кутубхоналар учунгина системали каталог билан чекланиб қолиш тавсия этилди. Йирик кутубхоналарда (область, ўлка кутубхоналарида) асосий системали каталог билан бир қаторда энг муҳим адабиётни китобхонларга яқинлаштириш режасига мувофиқ равишда предмет каталоги тузиш ҳам лозим эди. Йирик кутубхонанинг каталоглар системаси баъзи бир темаларга, нашрларнинг айрим турларига (карталар, ноталар, техникага доир адабиётнинг махсус турлари, тасвирий графика ва ҳоказоларга) доир кўп каталогларни айрим тўпламлар учун, китобхонларнинг турли категориялари ва ҳоказолар учун мўлжалланган каталогларни ўз ичига олиши керак. Бундай каталогларга бўлган эҳтиёж фондларининг структураси мураккаб ва хизмат кўрсатиш системаси хилма-хил бўлган йирик кутубхоналарнинг каталогларига қўйиладиган кўпдан-кўп ҳамма талабларни битта каталогнинг ўзи билан бажариб бўлмаслиги оқибатида келиб чиқсан эди.

Каталогларга китобларни пропаганда қилишининг китобхонларга ўзлари учун керакли адабиётни танлаб олишларида аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ёрдам беришнинг энг муҳим

¹ Бу ҳақда муфассалроқ билиш учун 10- бобга қаралсин.

воситаларидан бирн деб баҳо берадиган совет кутубхона-шунослиги, каталогларни биргаликда олган ҳолда умумий изчил система деб қараш керак, бу системанинг ҳар бир қисми — каталогнинг бирор туридан иборат бўлиб, у фондни ёритишида ўзига хос воситалар билан китобхонларнинг муайян эҳтиёжларини қондириши зарур, деган фикрни илгари сурди. Бунда каталогларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг ўзаро бир-бирига мувофиқлашуви алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар хил типдаги ва турлардаги кутубхоналарнинг вазифалари бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли, улар китобхонларнинг ҳар хил контингентига хизмат кўрсатадилар, турли мазмундаги ва характердаги фондларга эга бўладилар, бу кутубхоналардан ҳар бирининг каталоглар системаси маълум даражада ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Шундай қилиб, каталоглар системаси деганда муайян кутубхонадаги китобхонлар учун зарур бўлган каталоглар ва картотекалар сонини, яъни кутубхона фондларини унинг олдида турган вазифаларга мувофиқ тарзда ҳар тарафлама ёритиб берадиган, план асосида ташкил қилинган, ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бир-бирига мослаштирилган каталоглар ва картотекалар сонини тушуниш керак.

Ҳар қандай типдаги кутубхоналарнинг каталоглар системасига оид асосий масалаларни тўғри ҳал қилиш учун аввало умуман каталоглар системасига ҳам, хусусан ҳар бир каталогга ҳам қўйилиши керак бўлган умумий талабларни аниқлаб олиш зарур.

Бу талаблар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Совет кутубхоналарининг каталоглари ва картотекалари биргаликда кутубхона фондларини ҳар тарафлама ёритишининг китобхонларга ўзларини қизиқтирган масалаларга доир адабиётни танлаб олишда ёрдамлашишнинг ва энг қимматли матбуот асарларини актив пропаганда қилинганинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилмоғи керак. Шунинг учун улар гоявий-сиёсий ва илмий жиҳатдан юксак даражада олиб борилмоғи, фонднинг тўлиқ ёритилишини, материалнинг сиёсий жиҳатдан тўғри, илмий жиҳатдан асосли тарзда группаларга ажратилишини таъминламоғи лозим.

2. Каталоглар билан картотекалар китобхонга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, справка-библиография ишини яхшилашга, фонднинг муомалада бўлишини ва китобларнинг ўқилишини оширишга кўмаклашмоғи керак. Каталоглар билан картотекалар шундай тузилмоғи лозимки, китобхонлар ўзлари учун керакли китоб ҳамда мақолаларни осон ва тез топа олсинлар, кутубхона ходимларининг керакли адабиётни қидиришга ёки библиографик маълумот тузишга сарфлайдиган вақтлари эса минимум даражага келтирилсин.

3. Умуман кутубхона каталогларининг ва хусусан ҳар бир каталог ҳамда картотеканинг системасига яхши ўйлаб тузилган

план асос қилиб олинмоғи лозим. Бу планни ишлаб чиқиш вақтида кутубхонанинг типи, у хизмат кўрсатадиган район ёки обласстнинг профили, ундан фойдаланадиган китобхонларнинг состави, фондларнинг мазмуни ва структураси назарда тутилмоғи керак. Шунга биноан олий ўқув юртларининг, илмий тадқиқот институтларининг область ёки республика кутубхоналарининг каталоглар системасида муҳим тафовутлар бўлади, чунки бу кутубхоналарнинг вазифалари, профили ва китобхонларининг состави хилма-хилдир.

4. Кутубхоналарнинг каталоглари бирга қўшилган ҳолда шундай олиб борилмоғи керакки, каталоглар системасига кирадиган айрим каталоглар ва картотекалар фондларнинг составини ўз нуқтаи назардан ёритсин, лекин шу билан бирга улар бир-бирларига алоқадор ва бир-бирлари билан мослаштирилган бўлсин. Каталогларнинг вазифаларини чегаралаш масалалари (масалан, асосий системали каталог ва маҳсус каталог) алоҳида аҳамият касб этади.

5. Кутубхона каталоглари системаси ўзида турли библиографик нашрларнинг мавжудлигига қараб ўзгариб туриши даркор. Масалан, агар кутубхона «Рецензиялар солномаси», «Давлат стандартлари кўрсаткичи» ва шу сингариларни олиб турадиган бўлса, рецензияларнинг маҳсус картотекасини, стандартларнинг каталогини тузишдан ва ҳоказолардан воз кечиш мумкин.

6. Каталоглар системаси матбуот асарлари тасвирларини бир хил шаклга келтириш талабларини, турли каталогларда карточкаларни асоссиз, ортиқча тақрорлашдан воз кечиш талабларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва тежамли қилиб тузилмоғи керак.

Ҳар хил тип ва турлардаги кутубхоналарнинг каталоглар системаси

Қишлоқ, район ва шаҳар кутубхоналарнинг каталоглари. Кичик кутубхоналарда каталоглар кўп бўлмайди. Бу кутубхоналарнинг каталоглари ва карточкаларни тўғрисидаги инструкцияда¹ каталог-

ларнинг иккита асосий тuri: алфавит каталог ва системали каталог, шунингдек газета-журнал мақолаларининг картотекаси назарда тутилган.

Алфавит каталог кутубхонадаги барча бўлимларнинг фондини акс эттиради. Системали каталог одатда абонемент ва қироатхона фонди учун умумий қилиб тузилади. Ҳар иккала каталог айни бир вақтда китобхонлар каталоги ва хизмат каталоги вазифасини адо этади, чунки кичик кутубхоналар фондида эскириб қолган, ўз аҳамиятини йўқотган адабиёт сақланмайди. Фақат йирик район ва шаҳар кутубхоналаридағина иккита алфавит каталогни: китобхонлар каталоги ва хизмат каталогини юритиш мумкин.

¹ Қаралсин: «Инструкция о каталогах и картотеках массовых библиотек», СССР Маданият Министрлиги томонидан 1960 йил 4 августда тасдиқланган. Қўйидаги китобда: «Сборник руководящих материалов по библиотечной работе». М., 1963, 188—191-бетлар.

Қичик оммавий кутубхоналар учун каталоглар системаси тушунчasi бирмунча шартли равишида қўлланилади, чунки гап кўпроқ кутубхонадаги асосий иккита каталогни бир-бирига ичдан мослаштириш тўғрисида бориши мумкин.

Область (ўлка) кутубхонасининг каталоглар системаси. Область кутубхонаси область (ўлка)нинг энг муҳим таянч кутубхонаси ҳисобланниб, универсал характердаги фондга эга бўлади, нашрларнинг ҳар хил турлариши (китоблар, вақтли нашрлар, давомли нашрлар, техникага доир адабиётнинг маҳсус турлари ва ҳоказоларни) ўз ичига олади. Россия Федерациясидаги область (ўлка) кутубхоналарининг фонди ўрта ҳисобда 400 минг босма бирликка етган. Аммо 1 миллион томдан зиёдроқ китобларга эга бўлган область кутубхоналари (Горький, Киров, Ростов, Свердловск ва бошқа область кутубхоналари) ҳам бор¹.

Область кутубхонасининг каталоглар системаси қурилишига дифференциал тарзда ёндошиш зарурати ана шундан келиб чиқади. Область кутубхонасининг каталоглар системаси каталоглари ва картотекаларининг кўплиги билан, унда акс эттирилган нашрлар ўз вазифаси, характеристери жиҳатидан хилма-хиллиги билан, фондларни тўлароқ қамраб олиши ва бошқа бир қанча жиҳатлари билан характеристерланади.

Область, ўлка ва республика (АССР) кутубхоналарининг каталоглари ҳамда картотекалари тўғрисидаги инструкцияда² жуда кўп (20 дан зиёд) каталог ва картотекалар назарда тутилган бўлиб, уларнинг қўлланилиши кутубхонанинг конкрет иш шароитларига қараб ўзгариб туриши мумкин.

Область кутубхонасида китобхонлар категорияларининг маълум даражада бир хил эмаслиги, оммавий кутубхоналар билан илмий кутубхоналар вазифаларининг бирга қўшилиб кетиши, фонднинг баъзи қисмининг эскириб қолиши ва шу билан бирга китобхонларнинг муайян группаси учун эскириб қолган китобларни сақлаш зарурати фондларнинг кўпроқ қисмини, барча китобхонлар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолган ҳамма нарсани акс эттирувчи китобхонлар каталоглари билан бир қаторда, фондни максимал даражада тўлиқ ёритиш имконини берувчи хизмат каталоглари ҳам юритишини тақозо этади.

Кутубхонадаги мавжуд китобларнинг барча нашрларини акс эттирувчи асосий хизмат алфавит каталоги — область кутубхонасининг энг тўлиқ каталогидир.

Асосий хизмат алфавит каталоги гўё кутубхонадаги барча каталогларнинг «калити» бўлиб, кутубхонанинг асосий справка-ахборот аппарати вазифасини бажариши сабабли бу каталог бошқа каталоглар ва картотекалар билан айниқса материал алфавит тартибида жойлаштириладиган каталоглар ҳамда карто-

¹ Горький области кутубхонаси 2 миллион томдан зиёд фондга эга.

² Қаралсин: «Инструкция о каталогах и картотеках областных, краевых и республиканских (АССР) библиотек». Қўйнаги китобда: «Сборник руководящих материалов по библиотечной работе». М., 1963, 192—197-бетлар.

текалар билан, масалан, вақтли нашрларнинг каталоги ва бошқалар билан ўзаро боғланиши лозим. Унга вақтли нашрларнинг баъзи турлари, серияларнинг номлари, аралаш типдаги нашрлар (масалан, ашулалар ва уларга оид ноталарнинг тўлиқ текстини ўз ичига олган тўпламлар) учун справка ҳамда йўналтиргич карточкалар ва бошқалар киритилмоғи керак. Ана шу карточкалар ва кутубхона белгилари (индекслар, предмет рубрикалари) воситасида асосий хизмат алфавит каталогининг кутубхонадаги барча каталоглар ҳамда унинг фонди билан алоқаси белгиланади.

Асосий системали каталог область кутубхонасининг асосий каталогларидан бирни ҳамдир. У китобхонлар қисмими ҳам, хизмат қисмими ҳам ўз ичига олади.

Системали каталог билан алфавит каталог қурилишида катта тафовутлар борлигига қарамасдан, алфавит каталоги каталоглар умумий системасининг қисмлари бўлиб ҳисобланади ва уларни тўғри чегаралаш масалалари алоҳида кўриб чиқишини талаб этади.

Буни мисолларда кўрсатиб ўтамиз. «Асарлар», «Илмий ахборот» типидаги давомли нашрлар китобларнинг алфавит каталогида (ёки вақтли нашрлар каталогида) йиғма тасвир методи билан колектив автор номи остида акс эттирилади.

Системали каталогда бир темага доир материалларни бирлаштирувчи ёки монография характеристига эга бўлган бу нашрларнинг алоҳида китоблари ва томлари ҳар хил бўлимларда том ёки китобнинг конкрет мазмунига мувофиқ тарзда акс эттирилади. Лекин давомли нашрларнинг барча асарлари системали каталогга мурожаат қиласиган китобхонлар учун қизиқарли бўладиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Масалан, педагогика институтларидан бирининг «Асарлар»идан иборат китоблар ўз мазмунига кўра турли бўлимларга киритилган бўлиб, педагогиканинг умумий бўлимига (бу бўлимда педагогика институтларининг фаолияти тўғрисидаги китоблар ҳам тўпланган бўлади) мурожаат қиласиган китобхонларга керак бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабдан кутубхоналар мана шу барча китобларни баъзан қўшимча карточкалар ёки йиғма тасвир ёрдамида педагогиканинг умумий бўлимида такор акс эттиради.

Бундай ҳал этишни тўғри деб бўлмайди. У алфавит каталогда илгаридан мавжуд бўлган тасвиirlарни ортиқча такорлашга ва бинобарин кутубхоначи ходимларнинг куч ва вақтини тежамсиз сарфлашга олиб боради. Шунинг учун системали каталогнинг тегишли бўлимига қўйидагилар кўрсатилган йўналтиргич берган маъқул: «(Фалон) педагогика институти «Асарлар»ининг барча мавжуд китоблар тасвири алфавит каталогидан қаралсин» (ёки агар кутубхонада маҳсус каталог юритиладиган бўлса, «вақтли ва давомли нашрлар каталогига қаралсин»).

Область кутубхонасида асосий каталоглардан ташқари алоҳида ажратилган фондлар учун каталоглар: абонементнинг

ёрдамчи фонди учун системали каталог, библиографик ҳамда справка нашрлари учун китобхонлар системали каталоги, кутубхонашуносликка доир адабиёт учун системали каталог, алмаштириш фондни (хизмат фондни) учун алфавит каталоги юритиш ва ҳоказолар зарурати келиб чиқади.

Область кутубхоналарига фонднинг асосий қисмини ташкил этадиган китоблардан ташқари босма маҳсулотнинг ҳар хил турлари: вақтли матбуот, карталар, ноталар, тасвирий графика нашрлари, стандартлар ва ҳоказолар ҳам келтирилади. Бу барча нашрлар махсус каталогларда (ноталар каталоглари, техникага доир махсус адабиёт турлари каталоглари ва ҳоказоларда) акс эттирилади.

Ўлкашунослик каталоглари ва картотекалари область кутубхонасининг каталоглар системасида алоҳида ўрин тутади. Қондага биноан область кутубхонаси каталоглар ва картотекалар ёрдамида ўлкашуносликка доир адабиётни кенг пропаганда қилмоғи керак. Ўлкашуносликка доир адабиёт кутубхонанинг асосий каталогларида ҳам, алоҳида схема асосида тузилган махсус системали ўлкашунослик каталогида ҳам акс эттирилади. Бу каталог муайян кутубхона фондида, шунингдек областнинг бошқа кутубхоналарида ва ўлкашунослик муассасаларида мавжуд бўлган китобларнинг, журналлар ва тўпламлардан олинган мақолаларнинг тасвирини, ротапринтда, стеклографияда босилган, қўй ёзма ҳамда бошқа нашрларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, у айни бир вақтда областдаги (ўлкадаги) барча ўлкашуносликка доир адабиётнинг йиғма каталоги ҳамдир.

Махсус кутубхонанинг каталоглар системаси. Махсус кутубхонада, область (ўлка) кутубхонасининг юқорида кўриб чиқилган каталоглари системасидан фарқли ўлароқ, каталоглар ҳамма вақт ҳам китобхонлар каталоги ва хизмат каталогига ажратила-вермайди, чунки амалий жиҳатдан бунга зарурат йўқ. Махсус кутубхона китобхонлари кўпинча ўз мутахассисликларига доир материаллар билан бир қаторда ўз актуаллигини йўқотган материалларни ҳам сўраб келадилар. Шунинг учун махсус кутубхоналар тажрибасида кўпинча кутубхона фондини асосий ва махсус каталогларда тўла акс эттиришга ҳаракат қиласидилар.

Махсус кутубхоналарда системали каталог билан предмет каталогини бир-бира га мослаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг тузилишида кераксиз такрорланишга йўл қўйиш ярамайди.

Бир каталогни бошқа каталог билан тўлдиришга, бир томондан, уларнинг вазифаларини чеклаш билан иккинчи томондан, улар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш билан эришилади.

Техника кутубхоналарида техникага доир адабиёт махсус турларининг (патентлар, стандартлар ва ҳоказоларнинг), давомли нашрларнинг, техника ахбороти ҳамда тажриба алмаштиришга доир материалларнинг, табний фанлар ва техникага доир ҳар хил журнallарнинг кўплиги асосий ва махсус каталогларнинг

алоқаларн, уларни бир-бирига мослаштириш масалаларини пухта ўйлаш зарурлигини тақозо этади.

Олий ўқув юрти кутубхонасининг каталоглар системаси унинг структурасига оид хусусиятлар билан белгиланади. Олий ўқув юрти кутубхонасининг асосий кутубхонаси, бундан ташқари факультетларда, лабораторияларда кабинетларда ва ҳоказоларда соҳали кутубхоналари (филиаллари) бўлади. Бу нарса олий ўқув юрти кутубхонасининг каталоглар системасида ҳам из қолдиради.

Асосий кутубхонанинг асосий каталогларидан ташқари, шунингдек бўлимлар (филиаллар), лабораториялар ва кабинетларнинг фондлари учун мустақил каталоглардан ташқари, бутун кутубхонанинг ҳамма фондларини қамраб оладиган умумий битта каталог (кўпинча алфавит каталог) тузилади. Бу каталог марказий каталог деб аталади.

Олий ўқув юрти кутубхонасининг каталоглар системасини тузиш пайтида, бир томондан, кутубхонанинг асосий каталогларини филиаллар, лабораториялар ва кабинетларнинг маҳсус каталоглари билан, иккинчи томондан кутубхонанинг марказий каталоги билан ўзаро боғлаш масалалари пайдо бўлди.

Мамлакатдаги энг йирик кутубхоналарнинг каталоглар системаси турли жил каталоглари ва картотекаларининг кўплиги билан характерланади. Китобхонларга алоҳида-алоҳида хизмат кўрсатиш, кутубхона фондларининг мураккаб структураси, справка-библиография ишининг кўлами, кутубхоналараро абонемент (МБА) нинг мавжудлиги ва ҳоказолар йирик кутубхоналарни каталогларнинг тармоқли системасини тузишга мажбур этади. Бу кутубхоналарда асосий каталоглардан ташқари мавжуд қироатхоналарнинг ҳар бирида, кутубхонанинг турли бўлимлари ва секторларида каталоглар ва картотекалар, кўл ёзмалар каталоглари, нодир китоблар, маҳсус тўпламларнинг каталоглари ва бошқа кўп нарсалар тузилади. Шунинг учун энг йирик кутубхоналарда фақат кутубхонада юритиладиган каталоглар ва карточкалар рўйхатинингина эмас, балки уларни тузиш тўғрисидаги, уларни мазмун жиҳатидан чегаралаш, улар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш ва ҳоказолар ҳақидаги инструктив кўрсатмаларни ҳам ўз ичига оладиган «Каталоглар тўғрисида низом» ишлаб чиқилади ва баъзан босма тарзда нашр этилади. Масалан, В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси «Асосий қондалар ва инструкциялар»¹ деган китобни нашр этган бўлиб, унда «Каталоглар тўғрисида низом» деган алоҳида бўлим бор.

Совет кутубхонаси
каталоглар системаси-
нинг асосий проблема-
лари

Системали каталог ва предмет каталоги.
Кутубхонада предмет каталоги юрити-
лаётган бўлса, у каталоглар умумий
системасининг таркибий қисмларидан

¹ «Основные положения и инструкции Государственной библиотеки СССР им. В. И. Ленина». М., 1957, 424-бет.

Бири ҳисобланади ва системали каталогнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим бўлади. Предмет каталоги кутубхона фондидаги китоблар составининг мазмунини системали каталогга қараганда бошқачароқ нуқтаи назардан ёритиб, гўё системали каталогга қўшимча каталог тариқасида хизмат қиласди. Предмет каталогига киритиладиган материалнинг ҳажми ҳам чеклаб қўйилади. Системали каталогда фондларнинг состави тўлиқ акс эттирилган бир вақтда, предмет каталогида системали каталогнинг структура хусусиятлари туфайли ундаги турли бўлимларга бўлинниб кетадиган материалгина ўз ифодасини топади. Масалан, предмет каталогига: Кончилик иши — Умумий ишлар, Кончилик иши — Олий ўқув юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, Кончилик иши — Справочниклар ва ҳоказо рубрикаларни киритиш системали каталогнинг худди шу мазмундаги бўлимларини ортиқча такрорлашга олиб келган бўлар эди. Ушбу ҳолда предмет каталогига фақат системали каталогга ҳавола қиласидиган қўйидаги йўналтиргич киритилиши керак:

Кончилик иши

Умуман кончилик ишига доир асарлар, умумий курслар, дарсликлар, қўлланмалар, программалар ва ҳоказолар -- системали каталогда 622 индекси остидан қаралсин.

Системали ва предмет каталогларидағи тасвиirlарнинг турлича группаларга ажратилиши предметлаштириш методикасида ҳам (системали каталогдаги группаларга ажратиш принципларини такрорловчи кенг соҳали системалардан воз кечишида, системали каталогда алоҳида-алоҳида рубрикалар тарзида ёйилиб кетган темаларни акс эттиришда) ўз ифодасини топади.

Хозирги пайтда область кутубхоналарининг жуда кўпчилигига китобларнинг предмет каталоги йўқ бўлиб, уни юритиш кутубхоналарнинг бу типи учун мажбурий бўлган каталоглар ва картотекалар рўйхатига кирмайди. Лекин у адабиётнинг баъзи бўлимлар юзасидан системали каталогга қўшимча тарзда тузилиши мумкин.

Системали каталог ва журнал ҳамда газета материалларининг картотекаси. Журнал ва газета мақолаларининг системали картотекаси совет кутубхонаси каталоглари системасининг асосий қисмларидан биридир. Бу картотека барча кутубхоналарда юритилади ҳамда кутубхона фондини ўз вақтида ва анча тўлиқ акс эттириш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Картотекага кутубхона обуна бўлган вақтли ҳамда давомли нашрлардан олинган мақолалар ва бошқа материалларнинг аналитик тасвири киритилади. Баъзи кутубхоналарда энг муҳим китобларнинг тасвиirlари берилган карточкалар газета ва журнал мақолаларининг картотекасига киритилади. Бу нарса ортиқча такрорланишга олиб боради. Журнал ва газета мақолаларининг картотекаси ҳамда китобларнинг системали

каталоги бир кутубхонадаги каталоглар системасининг бир-бирини тақрорламайдиган қисмлари бўлиб ҳисобланади. Мақолаларнинг маҳсус картотекасини юритишдан воз кечиш, газета ва журналлардан олинган мақолалар ҳамда бошқа материалларнинг аналитик тасвирларини асосий системали каталогга киритиш маъқул бўлмасмикан, деган бошқа саволнинг туғилиши табиийдир. Китобхон учун маълумот олиш мақсадида кўпинча китоб каталогига алоҳида ва журнал мақолалари картотекасига алоҳида мурожаат қилгандан кўра, китоблар ҳамда мақолаларнинг тасвирлари бирлаштирилган биргина системали каталогдан фойдаланиш қулайроқ деган фикр айтилмоқда¹. Журналларда босиладиган мақолалар баъзан китобхон учун китобга қараганда жуда қимматли бўлиши ҳам кўрсатиб ўтилади. Бу мулоҳазалар асосли мулоҳазалардир, аммо шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, вақтли нашрларда босилаётган мақолаларнинг кўплари бир оз вақт ўтиши билан эскириб қолади.

Вақтли нашрларда босилиб чиққан материалларнинг ҳамма аналитик тасвирларини китобларнинг системали каталогига киритиш каталог ҳажмининг катталашиб кетишига ва пировард натижада улардан фойдаланишни қийинлаштириб қўйишига олиб боради, чунки китоблар тасвири кўпдан-кўп аналитик тасвирлар ичиде қолиб кетади. Бу ҳол керакли китобни системали каталогдан қидириб топиш жараёнини кечиктириб юборади. Бу каталогдан муайян китоб ҳақидаги маълумотларни кўпинча шундай ҳолларда қидиришига тўғри келадики, бунда китобхон ёки кутубхоначи бу китобнинг автори ёки сарлавҳасини аниқ эслай олмайди.

Классификациянинг умумий схемаси асосида тузилган ва йўналтиргичлар ҳамда справкалар системаси воситасида бир-бiri билан боғланган китоблар каталогини ҳамда журнал ва газета мақолаларининг системали картотекасини алоҳида-алоҳида юритиш совет кутубхоналарининг кўпчилиги учун анча мақсадга мувофиқ иш ҳисобланади. Шу билан бир пайтда вақтли ва давомли нашрларда кутубхона китобхонга тез ва актив равишда етказиши лозим бўлган жуда муҳим материаллар босиб чиқарилади. Вақтли нашрнинг тўла тасвирланиб бўлиши ёки бу материал учун босма карточкалар келишини кутиб ўтириш ярамайди. Бундан ташқари, вақтли матбуотнинг баъзи жуда муҳим материаллари китобларнинг системали каталогида ҳам ажс этирилиши лозим².

Маҳсус кутубхоналарда бошқача аҳвол рўй беради. Кутубхонада китобхонни қизиқтирадиган масалага доир мавжуд адабиётни бир ерга тўплаш зарурати, шунингдек мутахассис китоб-

¹ Бу масалаларга доир мунозаралар 1953—1954 йилларда «Библиотекарь» журнали ва «Советская библиография» тўпламлари саҳифаларида олиб борилган.

² Бу ҳақда батафсироқ билиш учун 7- бобга қаралсин.

хонни вақтли нашрларда чиққан энг яңғы материаллардан оператив тарзда хабардор қилиш кераклыги маҳсус кутубхоналарда китоблар ва журнал мақолаларининг умумий каталогиги юритиш фикрига олиб келади. Бу ҳолда ҳар бир бўлинма ичидаги мақолалар тасвирларини маҳсус ажраткич кетидан группаларга ажратиб қўйиш маъқул бўлади.

Баъзи кутубхоналарда, аксари маҳсус кутубхоналарда, журнал ва газета мақолаларининг системали карточкаси кутубхоналарнинг мустақил ишлаб чиққан схемалари асосида ёки Бутуниттифоқ китоб палатаси нашрларида қабул қилинган классификациялаш схемаси асосида тузилади. Бу ишни тўғри деб эътироф этиб бўлмайди, чунки китобхон классификациялашнинг иккита хилма-хил схемасини — китоблар каталогига мурожаат қилганда битта схемани, журнал ва газета мақолалари картотекасидан материал қидираётганда иккинчи схемани ўзлаштириб олишда қийналади. Агар каталоглар ва картотекалар классификациялашнинг умумий схемаси асосида тузилса, улар билан ишлаш анча енгиллашади. Журнал ва газета мақолаларининг картотекаси ўз структураси жиҳатидан системали каталогдан фарқ қилмаслиги керак. Унга классификация схемаси, лекин фақат анча деталлаштирилган схема асос қилиб олинмоғи лозим; асосий системали каталог ана шу схема асосида тузилган.

Газеталарда, журналларда ёки давомли нашрларда китоблар ҳақида босилиб чиққан рецензияларни каталоглар ва картотекаларда акс эттириш масаласи алоҳида ҳал қилишни талаб этади. Область кутубхоналарида каталоглар тузиш инструкциясига биноан уларни акс эттиришнинг мумкин бўлган икки усули тавсия этилади. Ё рецензияларнинг алоҳида картотекаси юритилиб, унда карточкалар рецензия қилинган китобларнинг авторлари ва сарлавҳаларининг алфавит тартибида жойлаштирилади, ёхуд улар журнал ва газета мақолаларининг системали картотекасига киритилади, лекин улар ҳар бир бўлинма ичидаги «Рецензиялар» сарлавҳали ажраткичдан кейин бир ерга жамланади. Биринчи усул анча қулайдир, чунки китобхонлар кўпинча конкрет китобга берилган рецензияга қизиқадилар. бинобарин, карточкаларни рецензия қилинган китоблар номларининг умумий алфавитида жойлаштириш oddийроқ ва муайян китобга берилган рецензияни топиши осонроқ бўлади.

Рецензияларни акс эттиришнинг яна бир усули — мавжуд рецензияларни тўғридан-тўғри алфавит ва системали каталоглардаги рецензия қилинган китобларнинг тасвирлари берилган карточкаларда кўрсатиш усули қўлланилиши мумкин. Бу, ўзларини қизинқтирадиган китобларнинг тасвирлари берилган карточкаларда рецензияларнинг бор-йўқлигини билмоқчи бўлган китобхонлар учун қулайдир. Бироқ бу усулини қўлланиш амалий жиҳатдан жуда қийин, чунки босилиб чиққан рецензия китобларнинг тасвирлари берилган карточкаларга рецензия ҳақидаги маълумотларни ёзиб қўйиш учун у карточкаларни қи-

дириб топиш ва каталогдан олишни тақозо этади. Амалда бу усул камдан-кам қўлланилади.

Нашрлардан айрим турларининг каталоглар са картотекаларда акс эттирилиши. Нашрларнинг баъзи турлари кутубхонанинг фақат маҳсус каталоглари ва катотекаларида акс эттирилади.

Бу барча каталогларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар китобхонни нашрларнинг фақат муайян бир тури — вақтли нашрлар, карталар, ноталар, техникага доир адабиётнинг маҳсус турлари қизиқтирган ҳолларда унинг маҳсус талабини қондиришга мўлжалланади. Бироқ китобхонларни нашрларнинг бундай турлари борлигидан хабардор қилиш, энг муҳими эса, кенг китобхонлар талабини қондириб, бу нашрларни фаол пропаганда қилиш вазифасини унутиб қўймаслик лозим.

Кўпгина вақтли, картография, графика, маҳсус техника нашрлари ва бошқа нашрлар борки, улар ўзларининг конкрет мазмунига кўра, бирор масалага бағишлиган адабиёт билан ёки муайян авторнинг асарлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Масалан, китобларнинг системали каталогдаги геология бўлимига мурожаат қилган китобхон бу бўлим билан тематик жиҳатдан боғлиқ бўлган картография нашрларининг: геология карталари, геология атласлари ва ҳоказоларнинг борлигини билмаслиги мумкин. Агар уларнинг тасвиirlари фақат картография нашрларининг маҳсус каталогига жойлаштирилган бўлса, бу материаллар геология билан қизиқувчи китобхонларга етиб бормайди. Системали каталогдаги қурилишга доир адабиёт бўлимига мурожаат қилувчи китобхон чизмалар-планлар альбомларини, қурилиш стандартлари тўпламларини, қурилиш институтлари ёки лойиҳалаш ташкилотларининг асарларини маҳсус каталоглардан қидириш кераклигини билмаслиги мумкин.

Маҳсус нашрларнинг бундай тури тўғрисидаги ахборотнинг китобхонларга етиб бориши учун нашрларнинг характеристига қараб, қўшимча карточкаларни ёки маҳсус каталогларга йўналтиргичларни умумий каталогга киритиш керак.

Ҳар хил типдаги ва турдаги кутубхоналарнинг каталоглар системаси улар учун тасдиқланган инструкцияларга мувофиқ тарзда белгилаб олинмоғи лозим. Айни вақтда шуни назарда тутиш керакки, бу инструкциялар намунали тавсиялар аҳамиятига эга бўлиб, уларда ҳар бир алоҳида кутубхонанинг маҳсус эҳтиёжлари ва имкониятлари ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Бу бобда кўриб чиқилган кутубхона каталоглари системасининг бошқа масалалари ҳам кутубхонанинг структурасига, фондларнинг катта-кичиклигига ҳамда мазмунига, китобхонлар составига ва кутубхонанинг бошқа хусусиятларига қараб ҳал қилинмоғи даркор.

Китобхонлар орасида каталогларни пропаганда қилиш

Кутубхона каталоглари кутубхона фондини ёритиб беради. Кутубхонанинг ички ишида—фондларни комплектлаш, справка-библиография иши, оммавий тадбирлар ўтказиш ва бошқа ишларда каталогларнинг роли ниҳоятда муҳимдир. Аммо каталогларнинг асосий вазифаси — матбуот асарларини пропаганда қилиш, китобхонга ўзи учун керакли китоб, журнал ва газеталарни танлаб олишида қўмаклашишдир. Кутубхонада барча зарур каталогларни тузишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Улардан китобхонларнинг тўла фойдаланишлари учун китобхонларни каталогларнинг мавжуд турларидан кенг хабардор қилиш, улардан ҳар бирининг вазифасини, уларнинг тузилиш принциплари ва методларини тушунтириб бериш зарур.

Китобхонларни каталоглар билан танишириш юзасидан кутубхона олиб борадиган ишда ҳар хил типдаги кутубхоналарда каталоглар тузиш методларининг бир хиллиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиздаги барча кутубхоналарда системали ва алфавитли каталоглар, шунингдек журнал ва газета мақолаларининг картотекаси асосий каталоглар жумласига киритилади; барча кутубхоналарда каталоглар учун тасвирилашнинг умумий қоидаларидан фойдаланилди, болалар кутубхоналари, шаҳар ва облости кутубхоналарида гарчи классификациялаш жадвалларининг ҳар хил нашрлари қўлланилса-да, уларнинг ҳаммаси тузилиш жиҳатидан умумий асосга эгадир. Турли типдаги кутубхоналарда каталоглар системаси давлат инструкциялари билан тартибга солиб турилади. Буларнинг ҳаммаси каталогларни пропаганда қилишни мамлакат миқёсидаги тадбирлар системаси тариқасида олиб бориш имконини беради. Китобхонларнинг, каталоглардан фойдаланиш соҳасида битта кутубхонада ҳоснл қилган малакалари бошқа исталган кутубхонага мурожаат қилиш пайтида ҳам уларга фойда келтиради.

Қўпчилик китобхонлар учун улар дастлаб танишадиган кутубхона — болалар кутубхонасиdir. Шунинг учун болалар кутубхоналари каталогларни пропаганда қилишга алоҳида эътибор берадилар. Бу кутубхоналарнинг китобхонлари билан, айниқса V—VIII синфларда ўқийдиган мактаб ўқувчилари билан каталогларнинг роли ҳақида, каталоглардан ўзларига маълум бўлган авторларнинг китобларини ва муайян темага доир адабиётни қидириб топиш тўғрисида маҳсус сухбатлар ўтказилади. Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган машғулотлар кутубхонадагина эмас, балки мактабларда ҳам мунтазам равишда ташкил қилиб турилади. Мактабда кутубхонага доир дарслар кутубхоналардан фойдаланиш қоидаларига, китобларни ўқиш методларига ва китобларни каталоглардан қидириб топиш усулларига бағишлианди. Бу тадбирларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, улар фақат болалар кутубхоналаридагина каталоглардан фойдаланиш мақсадлари билан чекланмайди. Бун-

дай тадбирлар ўтказиш китоб ўқиши маданиятининг энг муҳим элементларидан бирига—китобларни мустақил равиша танлаб олиш малакаларига асос солиш имконини беради.

Аммо каталогларни пропаганда қилишни фақат болалар кутубхоналари билангина чеклаб қўйиб бўлмайди. Кутубхонага келадиган ҳамма китобхонлар ҳам олдин каталоглардан фойдаланиш соҳасида етарлича малака ҳосил қилган бўлавермайдилар. Турли типдаги кутубхоналарда каталоглар системаси бир хил эмас. Шунинг учун каталогларни пропаганда қилиш ҳар бир кутубхонанинг вазифасидир. Айрим кутубхонада каталогларни пропаганда қилиш кутубхонанинг хусусиятларига, кутубхона фондининг катта-кичиклигига, бу фонднинг каталогларда қандай ёритилишига қараб маълум даражада бир-бидан фарқ қиласди. .

Каталогларни пропаганда қилиш шакллари ва методлари

Кутубхона фондларидан фойдаланишда каталоглар аҳамиятини тушунтиришни китобхоннинг кутубхонага мурожаат қилган вақтидан бошлаш муҳимдир. Китобхонни кутубхонага аъзо қилиб олаётган пайтда у билан қилинадиган сұхбатда унга кутубхона фондлари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда, кутубхона каталоглари ҳақида тасаввур бериш, уларнинг қаерда жойлашганинги, каталогларнинг ҳар бирида қандай адабиёт борлигини, керакли китобни қай йўсинда олишни, қийналиб қолинган пайларда кимга мурожаат этиш кераклигини айтиб қўйиш лозим.

Кутубхоначи китобхонларга ҳамиша ёрдам бериб туради — керакли китобнинг тасвири каталогнинг қаерида эканлигини, ажраткич карточкаларда кўрсатилган маълумотлар асосида керакли бўлимни қандай топиш лозимлигини ва ҳоказоларни айтиб туради. Шу мақсадда йирик кутубхоналарда каталоглар ёнида ҳамиша навбатчи кутубхоначи бўлиши керак. Кичик кутубхоналарда каталоглар одатда китоб бериладиган жойнинг ёнгинасига қўйиллади, бинобарин, китоб берадиган ва китоб берилганини қайд қиласиган кутубхоначи китобхонларга каталогни тушуниб олишда ҳамиша ёрдам бериши мумкин.

Кутубхона китобхонларга китоб танлашда доимий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш билан бирга, китобхонларга каталоглардан мустақил фойдаланишни ўргатишдан иборат асосий вазифани адо этмоғи керак. Н. К. Крупская каталогларни кенг пропаганда қилиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди. Каталогга мурожаат қиласиган китобхон ўзига керакли китобнинг тасвирини худди шу тематикадаги китоблар ёки айни бир авторнинг бошқа китоблари орасидан топади. Шундай қилиб, каталог китобхонларнинг муайян талабларини қондирибгина қолмайди, балки уларда янги қизиқишлар уйғотишга, бу қизиқишларни кенгайтиришга ҳам кўмаклашади. Илмий кутубхоналарнинг катта фондлари яхши йўлга қўйилган каталоглар туфайлигина кўрсатиб берилади. Илмий кутубхонада библиограф-

фик хизмат кўрсатиш системаси қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлмасин, у мутахассис китобхон учун зарур адабиётни мустақил равишда танлаб ола билиш ўрнини боса олмайди. Ҳатто энг малакали кутубхоначи ёки библиограф ҳам мутахассис китобхон тадқиқ қилаётган тема ўртасидаги мавжуд барча бевосита ва бавосита боғланишни, билимнинг бошқа соҳалари билан алоқаларни назарда тута олмайди ҳамда барча керакли материалларни аниқлай олмайди.

Китобхонларни каталоглар ва картотекалар марказий ўринда турадиган кутубхонанинг справка аппарати билан кенг таништириш кутубхонанинг библиографик маълумотларни бажаришга доир иши ҳажмини маълум даражада қисқартиради.

Кутубхона каталогларини пропаганда қилиш — кутубхона-библиография саводхонлигини ошириш борасидаги тадбирларниг таркибий қисмидир. Бу иш бевосита китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнида ҳам, кўргазмали пропаганданинг маҳсус тадбирлари, группа-группа ва индивидуал суҳбатлар ўтказиш каталогларниг вазифаси ҳамда тузилишини тушунтириб берадиган қўлланмалар яратиш билан ҳам амалга оширилади.

Кўргазмали пропаганда Каталогларниг қаердалигини кўрсанда тувчи маҳсус ёзувлар, каталогларга бағишиланган плакатлар китобхонларга каталогларни топиш ҳамда уларниг вазифаси ва структураси тўғрисида умумий тушунча олишга ёрдам беради. Плакатларда энг зарур маълумотлар: муайян каталогнинг вазифаси тўғрисидаги унда акс эттирилган матбуот асарларининг турлари ҳақидаги, тасвирларниг жойлашиш тартиби хусусидаги маълумотлар берилади. Алфавит каталог тўғрисидаги плакатда муайян тил алфавитининг ҳарфлари тартиби, системали каталог ҳақидаги плакатда унда келадиган бўлимлар ва бўлимчалар тартиби кўрсатилади. Йирик кутубхоналарда китобга бўлган талабномани қандай тўлдириш кераклигини кўрсатиб берувчи плакат бўлиши зарур. Одатда ҳар бир каталог учун алоҳида плакат тузилади, лекин баъзан кутубхоначилар умумий плакатнинг афзаллигини, кутубхона каталоглари системасини тушуниб олишда ёрдам беришини билиб, барча каталоглар тўғрисидаги умумий плакатни расмийлаштирадилар.

Каталоглар тўғрисидаги плакатлар босма тарзда нашр этилар эди. Бундай плакатларниг тахминий схемалари кўпгина қўлланмаларда келтирилади. Лекин тайёр плакатлар ёки схемалардан фойдаланилаётганда шуни унутмаслик керакки, уларниг текстлари ҳамиша ҳам муайян каталогларниг ҳақиқий аҳволига мос келавермайди ва жузъий тузатишлар киритишни талаб этади.

Каталогларга доир эс-далик йўл кўрсаткич-лар Йирик кутубхоналарда — область ва республика кутубхоналарида, кўпгина маҳсус кутубхоналарда плакатлардан ташқари каталоглар тўғрисида эсдаликлар ёки (В. И. Ленин

номидаги СССР Давлат кутубхонаси, М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонаси сингари кутубхоналарда) каталогларга доир йўл кўрсаткичлар тузилади ва босма тарзда нашр этилади. Эсадаликлар ва йўл кўрсаткичлар катта тиражда нашр этилиб, улар китоб бериладиган ҳамма пунктларга тарқатилади, китобхонларни кутубхонага аъзо қилиш, уларга каталог ёнида консультациялар бериш пайтида тақдим қилинади. Эсадаликлар ва йўл кўрсаткичлар каталоглар түғрисидаги пла-катлар сингари яққол кўзга ташланиб турмайди, лекин уларга кўпроқ зарур маълумотларни киритиш мумкин бўлади.

Сўнгги йилларда кутубхона каталогаридан фойдаланиш хақида бевосита китобхонларга мўлжалланган китоб ва брошюралар юзага келди. Бу гасрларнинг авторлари кутубхона справка аппаратининг аҳамиятини ёритиб берадилар, ҳар хил типдаги кутубхоналарда каталоглар билан қандай муомала қилиш малакаларини эгаллаш юзасидан маслаҳатлар берадилар. Бу нашрларни китобхонларга тавсия этиш лозим.

Оғзаки пропаганда Кўргазмали пропаганданинг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, у ҳеч қачон кутубхоначининг жонли сўзи ўрнини — қаталогларни оғзаки пропаганда қилиш ўрнини тўла боса олмайди. Шу мақсадда кутубхона ишининг барча имкониятларидан, ҳамма томонларидан фойдаланиш керак.

Оммавий ишнинг кўпгина турларини библиография ва каталогларни пропаганда қилиш билан бирга қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Кутубхона китоб кўргазмалари ташкил қилаётганди, китоб обзори ва адабий кечалар ўтказаётганди темага доир адабиёт билан бир қаторда, асосий библиографик манбаларни — адабиёт кўрсаткичлари, кутубхона каталоглари ва картотекаларини ҳам тавсия этади.

Катта кутубхоналарда китобхонлар кутубхона бўйлаб экскурсия қиласидилар. Экскурсия планига каталогларни кўрсатиш ҳам киритилади.

Кутубхона китобларни каталоглар билан янада чуқурроқ танишириш учун маҳсус тадбирлар ўтказади. Каталогларни оғзаки пропаганда қилишнинг китобхонлар билан суҳбатлар ўтказиш каби шаклини ҳамма кутубхоналар қўлланиши мумкин.

Одатда индивидуал сұхбат китобхон ўзи учун керакли муйайн темадаги китоб, мақола, адабиётни топишда ёрдам бериларини илтимос қилган пайларда юзага келади. Тажрибали кутубхоначи китобхонга конкрет бир масала юзасидан маълумот берар экан, ҳеч қачон шу масаланинг ўзи билан чекланиб қолмайди. У ўз жавобини кенгайтиришга интилади. Агар китобхон системали каталогга мурожаат қилаётган бўлса, кутубхоначи унга тегишли бўлимни кўрсатиб, каталогнинг соҳали структурасини тушунтириб беради, ажраткич карточкалардаги асосий бўлинмаларнинг рўйхатини кўрсатиб ўтади,

каталогга донр алфавит-предмет кўрсаткичидан қандай фойдаланиш кераклигини тушунтириб беради.

Группа тарзида бериладиган консультациялар Кўпинча бундай сұхбат бошқа китобхонларнинг ҳам эътиборини ўзига тортиб, группали сұхбатга айланиб кетади. Ўзидан юзага келадиган бундай сұхбатлардан ташқари, группали сұхбатларни олдиндан тузилган план асосида улардан китобхонларни илгаридан хабардор қилган ҳолда ўтказиб туриш лозим.

Сұхбатларнинг мазмунни ва характеристи уларнинг қандай китобхонлар группаси билан ўтказилаётганлигига: китобхонлар каталоглар бўйича китоб танлаш малакасига эга ёки эга эмаслиги, уларнинг умумий тайёргарлик даражаси қай аҳволда эканлиги ва ҳоказоларга қараб ўзгариб туради.

Область ва халқ кутубхоналарида, илмий кутубхоналарда китобларнинг ҳар хил группалари учун библиография юзасидан семинарлар ўтказилиди. Бундай семинарларнинг программасига кутубхонанинг справка аппарати — каталоглар ва картотекалар билан таништириш ҳам киритилмоғи даркор. Семинарларнинг планлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар маҳсус қўлланмаларда эълон қилинган.

Олий ўқув юртларининг ўқув планларига киритилган кутубхона-библиография машғулотлари программасида каталоглар билан таништириш ҳам, шунингдек каталоглардан фойдаланишга донр амалий машғулотлар ўтказиш ҳам назарда тутилган.

Бу машғулотлар қуи курсларда олий ўқув юртлари кутубхоналарининг ходимлари томонидан олиб борилади.

Каталогларни жойлаштириш ва расмийлаштириш Каталоглардан самарали фойдаланиш уларнинг қаерга жойлаштирилишига ва қандай расмийлаштирилшига боғлиқдир.

Каталоглар китобхонларнинг улардан фойдаланиш осон бўладиган қилиб — китоб бериладиган жойга ва бир-бираiga яқин қилиб жойлаштирилади. Каталоглар тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши: сарлавҳалар қўйилган, ҳар бир яшикка этикетка ёпиширилган, яшик ҳамда ундаги уяларга номерлар қўйиб чиқилган бўлиши керак ва ҳоказо.

Ҳар бир кутубхонада каталогларни пропаганда қилишининг ҳамма формаларидан бир вақтнинг ўзида кенгроқ фойдаланишга интилиш шарт эмас. Муҳими, кутубхонанинг конкрет шароитлари ва имкониятларини назарда тутган ҳолда турли туман тадбирлар системасини ишлаб чиқишидир. Бу тадбирлар кутубхонанинг китобхонлар орасида китобни пропаганда қилиш борасидаги барча ишларида каталоглардан кенг фойдаланиш имконини бермоғи даркор.

Каталоглар кутубхона китобини китобхонларга яқинлаштиришининг энг қулай ва самарали воситаларида бири эканлигини эсда тутиш лозим.

Мундарижа

| | |
|--|-----|
| Сўз боши | 3 |
| Каталоглар, уларнинг аҳамияти ва турлари тўғрисида | |
| 1-б о б. Кутубхона каталоглари, уларнинг аҳамияти ва турлари . . . | 5 |
| Китоб тасвирилаш ва алфавит каталог | |
| 2-б о б. Китоб тасвирилаш асослари | 27 |
| 3-б о б. Матбуот асарларини тасвирилашнинг умумий методикаси . . | 57 |
| 4-б о б. Матбуот асарларини тасвирилашнинг хусусий методикаси . . | 77 |
| 5-б о б. Алфавит каталогни ташкил қилиш | 109 |
| Классификация ва системали каталог | |
| 6-б о б. Матбуот асарларини классификациялаш. Системали каталог . | 134 |
| 7-б о б. Матбуот асарларини классификациялашнинг умумий методикаси | 195 |
| 8-б о б. Матбуот асарларини классификациялашнинг хусусий методи- каси | 227 |
| 9-б о б. Системали каталогни ташкил қилиш | 289 |
| Предметлаштириш ва предмет каталоги | |
| 10-б о б. Матбуот асарларини предметлаштириш. Предмет каталоги . | 310 |
| Марказлашган каталоглаштириш. | |
| Каталоглар системаси | |
| 11-б о б. СССРда марказлашган каталоглаштириш | 338 |
| 12-б о б. Каталоглар системаси. Каталогларни пропаганда қилиш . | 351 |

На узбекском языке

БИБЛИОТЕЧНЫЕ КАТАЛОГИ

Учебник для студентов библиотечных
факультетов институтов культуры

Перевод с издания „Пресвещение“, М., 1967

Издательство „Ўқитувчи“
Ташкент—1975

Таржимонлар: Гофуров Р., Рахимоса М.

Редактор Исмоилов М.

Муқовани рассказом Ақмаджонов Ҳ. ишлаган

Бадий редактор Бедерев Г. П.

Техредактор Чигрязева О.

Корректор Ж. Алимова

Теришга берилди 17. III-1975 й. Бўсиншга руҳсат этилди 17 X-1975 й. Қоғоз № 3. 60×90^{1/16}.
Физ. б. л. 23,0. Нашрл л. 24,0. Тиражи 7 000.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 335-74. Баҳоси 84 т.
Муқоваси 10 т.

ЎзССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1975 й. Зак. № 723.

Типография № 1 Государственного Комитета Совета Министров УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Ҳамзы, 21,